



# Шарқ юлдузи

Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

---

11

1985

54-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Нинель ВЛАДИМИРОВА

Жуманиёз ЖАББОРОВ

ЗУЛФИЯ

Абдусайд КҮЧИМОВ

/масъул секретарь/

Тоҳир МАЛИК

МИРМУҲСИН

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

Умарали НОРМАТОВ

Абдулла ОРИПОВ

Иброҳим РАҲИМ

Туроб ТҮЛА

Худойберди ТҮХТАБОЕВ

/бош редактор ўринбосари/

УЙҒУН

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Ўнтам УСМОНОВ

Раҳмат ФАЙЗИЙ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шонслом ШОМУҲАМЕДОВ

Иброҳим ЮСУПОВ

Нурали ҚОБУЛ

Ҳамид ҒУЛОМ

---

Гафур Ғулом номидаги      Адабиёт ва санъат      нашриёти

## Мундарижа

Ойбек. Қуёш қўшиғи . . . . .	3
В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласининг 80 йиллигига Салоҳиддин Мамажонов. Йўлчи юлдуз . . . . .	5
<b>КПСС XXVII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН</b>	
<b>НАСР</b>	
Ҳамид Гулом. Қорадарё. <i>Роман</i> . Бошланиши . . . . .	13
Қамчибек Кенжа. Ҳаворанг кўйлак. <i>Ҳикоя</i> . . . . .	126
<b>ШЕЪРИЯТ</b>	
Эркин Воҳидов. Истамбул фожиаси. <i>Драматик достон</i> . . . . .	83
Барот Бойқобилов. Нотинч Хуросон. <i>Достондан боблар</i> . . . . .	139
Ўткир Рашид. Она юртни куйлайман. <i>Шеърлар</i> . . . . .	158
<b>«ХАМСА»НИНГ 500 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Алибек Рустамов. «Хайрату-л-аброр»даги биринчи сарлавҳанинг шарҳи . . . . .	135
Фозила Сулаймонова. Навоий «Хамса»си жаҳон адабиёти хазиналарида . . . . .	153
<b>САНЪАТ</b>	
Изланиш — истиқбол йўли. <i>Сухбат</i> . . . . .	160
<b>«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» АНКЕТАСИ</b>	
Дилдаги гаплар. Саид Аҳмад, Ойдин Ҳожиева . . . . .	165
<b>БАДИИЙ ТИЛ МУАММОЛАРИ</b>	
Карим Назаров. «Тўрва»ми ёки «сумка» . . . . .	171
<b>ТАҚРИЗ</b>	
Сувон Мелиев. Учишни истаيمان . . . . .	174
<b>САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА</b>	
Жорж Сименон. «Мажестик» меҳмонхонасидаги қотиллик. <i>Роман</i> Бошланиши . . . . .	177
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Иўлдош Солижонов. Қаҳрамон исёни . . . . .	206
Курмак . . . . .	207

## Қуёш қўшиғи

Қуёш, нуринг тўка бер мўл-мўл!  
Баҳор, кетма бизнинг бошлардан.  
Юртимизда қолмасин дашт-чўл,  
Чаман кулсин, ҳатто, тошлардан!

Яркирайбер, қуёш — инқилоб!  
Бошла янги зафарларга йўл.  
Жаҳонларга қиламиз хитоб:  
Абадий бахт берди бизга кўл!

Севинч тошган, садомиз баланд,  
Кўкрак тўла ҳаёт ишқига.  
Умид, орзу — баҳорги чаман  
Кечмакдамиз нур денгизига.

Тарихларнинг тун оғушини —  
Ёриб қуёш туғди инсонга.  
Инсонларнинг қадим тушини  
У кўрсатди рўй-рост жаҳонга!

Меҳнат озод ва қалблар озод,  
Бахт, ғурурдан кўкраклар баланд.  
Ижод нашъа кундан-кун зиёд,  
Йўқдир орзу булоғига банд!

Ҳаётнинг кар, хасис тошига  
Югурди бир сўлим, ёш баҳор.  
Муз эриди сувнинг бошида,  
Ҳаёт кўрди нур тошқин диёр.

Кўзлардадир ёшлик учқуни,  
Хўп ростлаган қаддини инсон.  
Муҳтожликнинг золим қуюни  
Қилмас энди уни саргардон.

Ижодга бой, тўлғин бир ҳаёт  
Бизда очган чаман ёзини.  
Фикр, хаёл ёйиб кенг қанот  
Юксалтирар ўз парвозини.

Учувчи бўл, врач, рассом бўл!  
Бизда санъат, ҳикмат — ҳаммаси!  
Қандай орзу сари чўзсанг кўл,  
Муяссардир гули, меваси!

Эрк ва инсон сингари яшаш  
Бизда бўлмиш қонун мазмуни.  
Жаҳонларга элтамиз қуёш,  
Яшнар бахтнинг ярқироқ куни...

Кишилиқнинг мингларча йилдан  
Бери тўқиб келган армони —  
Тирилди минг гўзал ранг билан,  
Бекор кетмас ботирлар қони.

Жасоратга солинмас соя,  
Фикр ёрқин ва кўллар пишиқ,  
Наслимизга кўрқув бегона!  
Ватан ишқи, бурч ҳисси тиниқ.

Кремлни қучиб, ўйноқлар  
Волганинг шўх, тоза тўлқини.  
Ҳаёт ва бахт учун қирғоқлар  
Меҳнатимиз очар ҳар куни.

Ватанда кўк фирузасини  
Тешган энг бой, юксак тоғлар бор,  
Мириқиб эмар кун шуъласини,  
Узум, анор тўккан боғлар бор.

Олтин бошоқ қир-далалари,  
Қанча ўрмон, дарё ва денгиз.  
Яшил гилам кенг пахтазори,  
Ранго-ранг, бой, мамлакат чексиз...

Яшар, қайнар қишлоқ, шаҳарлар,  
Яшаради мамлакат юзи,  
Ҳар инсоннинг кўнглида кезар,  
Бахт ташувчи гўзал юлдузи.

Ишлаганга бахт, гул — кучоқда.  
Ҳаётда ранг ва зиё куюқ.  
Мамлакатнинг қизлари боғда  
Куйлашади яйраб бир қўшиқ:

«Йўлдошимиз ою офтоб,  
Бахт очилмиш чаман-чаман.  
Қучоқ-қучоқ гул ва китоб  
Бағишлади гўзал Ватан...

Шодликларнинг ёш баҳори,  
Совурамиз гулдан хирмон,  
Шўх жаранглар ёшлик тори,  
Бермаймиз ҳеч ёвга омон!

Улуғ Ленин авлодимиз,  
У берди бахт, иш ва ҳуқуқ...  
Унга куйлар тўқир ҳар қиз,  
Куйга тўлсин сўнгсиз уфқ!»

Фикр, истак, ғайрат ногихон  
Оқа кетди, тошиб қирғоқдан.  
Кўтарилди гўёки тўғон,  
Тўлиб оқар дарё йироқдан.

Қутилган халқ ишлар, яратар,  
Халқ эркининг гўзал, мўл ёзи.  
Ер, сув, қонун, давлат унга ёр,  
Ҳар улуғ иш унинг парвози.

Завод, фабрика юксалган мағрур,  
Янги фикр, янги бахт, шуҳрат  
Барқ уради! На гўзал сурур...  
Фикрларда тошади ғайрат!

Бир кафт зўрда олтин, тоғ, зийнат...  
Халқ суягин ғажиган очлик,  
Энди чангал сололмас офат,  
Гўрга кирган очлик, муҳтожлик!

Юрт бахт берди ҳатто кўр, карга,  
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши  
Арзир чуқур севги, лапарга,  
Жаҳонда йўқ унинг одоши!

Муқаддасдир Ватан ҳавоси,  
Унда янграр шўх, эркин қўшиқ.  
Тугатилди қуллик балоси.  
Турмушимиз бой, тўқис, тўлиқ.

Заводларда йигитлар — илғор,  
Пўлат қуйиб, ҳаёт қуради.  
Фабрикада қизлар — ижодкор,  
Озод меҳнат завқин суради.


Қўйнига бахт, эрк қучган кунлар  
Китобида ҳеч йўқ қайтариқ.  
Янги ҳис-ла туғар саҳарлар,  
Кўзларда нур: мақсад, йўл аниқ.

Чегаралар олов ва темир.  
Найзаларнинг учида ёнар  
Тийрак кўзлар, ёв юраги зир,  
Чегарани арслонлар пойлар.

Бутун жаҳон тонги учун биз  
Элтмоқдамиз буюк қуёшни,  
Ҳар ёвуз куч чўқар албат тиз,  
Қаршимизда эгажак бошни!

Ватан тўлди бахтга, зафарга —  
Ҳар бир қарич ери, ҳар тоши —  
Арзир чуқур севги, лапарга,  
Жаҳонда йўқ унинг тенгдоши.

Ярқирайвер, қуёш — инқилоб!  
Бошла янги баҳорларга йўл.  
Дунёларга қиламиз хитоб:  
Абадий бахт берди бизга қўл!



Салоҳиддин Мамажонов

## ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

Доҳиймиз В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асарининг саксон йиллигини бутун прогрессив инсоният қувонч билан нишонламоқда. Чунки бу мақоланинг асил мақсади ишчилар синфи, деҳқонлар оммаси ва илғор зиёлиларнинг туб манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Коммунистик партиявийликнинг назарий принциплари чуқур илмий асослаб берилган бу асар адабиёт ва санъат аҳлидан тортиб, то файласуфлар, тарихчилар, иқтисодчилар, сиёсатчилар ва журналистлар учун қудратли программа — йўлчи юлдуздир.

Коммунистик партиявийлик ҳақидаги ленинча таълимот социалистик реализм методининг қон томирини ташкил этади. Шу жиҳатдан ҳам мазкур асар умуминсоний аҳамиятга моликдир. Зотан, мазкур мақоланинг ўзи мафқуранинг партиявийлиги, синфийлигини назарий асослаб бериш эҳтиёжи туфайли дунёга келган. Унинг биринчи жумласидаёқ 1905 йилдаги демократик революцияни назарда тутиб, В. И. Ленин: «Социал-демократик ишнинг октябрь революциясидан кейин Россияда вужудга келган янги шароитлари партия адабиёти масаласини ўртага қўйди», дейди ва давом этиб ёзади: «Эзопча иборалар, адабиётда хушомадгўйлик, тилда мискинлик ҳукм суриб, фикр асоратга тушган шум замон! Русда нимаики жонли, ҳаётбахш бўлса, ҳаммасини бўғиб ётган бу расволикларга пролетариат барҳам берди. Аммо пролетариат Россияга ҳозирча фақат ярим озодлик олиб берди».

Доҳиймиз Россия учун тўла озодлик келтириш мақсадида мафқуравий қурооллардан бўлмиш санъат ва адабиётни ҳам шу курашда фаол иштирок эттириш программасини ишлаб чиқди. В. И. Ленин бошқа бир мақоласида «материализм, айтийлик, партиявийликни ўз ичига олади ва ҳар қандай воқега баҳо беришда тўғридан-тўғри ва очикдан-очиқ маълум ижтимоий группа нуктаи назаридан туришни талаб қилади», деб таъкидлаган эди. «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида эса бевосита пролетариат билан очикдан-очиқ боғланган адабиёт тўғрисида, унинг «уюшган, планли, бирлашган социал-демократик партия ишининг таркибий қисми бўлиши» хусусида сўзлайди. Шу туфайли мазкур мақоланинг қиммати фақат ўша йиллар ёки фақат Россия учунгина аҳамият касб этиб қолмасдан, кейинги даврлар учун ҳам, ҳозирги замон учун ҳам, умуман дунёда синфсиз жамият қарор топгунча ва ер куррасининг ҳамма мамлакатлари учун ҳам тўла тааллуқлидир.

Лениннинг коммунистик партиявийлик ҳақидаги мазкур мақоласи марксизмга қўшилган улкан ҳиссадир. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс адабиётнинг синфийлиги ғоясини ва «социалистик тенденциячилик» принципини олға сурган эдилар. В. И. Ленин энди коммунистик партиявийлик тўғрисида чуқур, изчил ва мукамал таълимот яратдики, бу таълимот бугунги кунда совет адабиёти ва санъати учун, социалистик ва капиталистик мамлакатлардаги тараққийпарвар адабиёт ва санъат учун ҳам энг ишонарли программа бўлиб хизмат этмоқда.

Адабиётнинг партиявийлиги ҳақида ленинча таълимот ўз ичига жуда кўп назарий масалаларни қамраб олади: коммунистик партиявийлик ва ғоявийлик, коммунистик партиявийлик ва синфийлик, коммунистик партиявийлик ва халқчиллик, коммунистик партиявийлик ва ижод эркинлиги, коммунистик партиявийлик ва ҳаққонийлик, коммунистик партиявийлик ва услубий ранг-баранглик, адабий танқиднинг партиявийлиги, адабиётга партия раҳбарлиги каби жуда муҳим проблемалар шулар жумласидандир. Шунингдек, коммунистик партиявийлик ва дунёқараш, коммунистик партиявийлик ва эстетик идеал, коммунистик партиявийлик ва типиклик, традиция ва новаторлик масалалари ҳам шу ленинча партиявийлик принципларининг таркибий қисмидир. Ҳаммадан ҳам

муҳими шундаки, коммунистик партиявийлик социалистик реализмнинг ғоявий-ижодий асосини ташкил этади. Шу санаб ўтилган масалаларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, коммунистик партиявийлик сиёсий, ғоявий, мафкуравий категориягина эмас, айна чоқда эстетик категория ҳамдир. Социалистик реализм адабиётининг жаҳонда ғоявий-бадий даражаси энг юксак адабиёт эканлигининг сири ҳам шунда.

В. И. Лениннинг партиявийлик тўғрисидаги таълимоти замон талаби — ишчилар синфи, пролетариат билан капитализм ўртасида кескин тус олган синфий кураш натижасида яратилди. Мазкур тарихий асаридан бир ойча кейин ёзган «Социалистик партия ва партиясиз революционлик» мақоласида В. И. Ленин: «Қатъий партиявийлик юксак тараққий этган синфий курашнинг йўлдоши ва натижасидир. Ва, аксинча, очиқ ва кенг синфий кураш манфаатлари йўлида қатъий партиявийликни тараққий эттириш зарур», «Партиясизлик буржуа ғоясидир. Партиявийлик социалистик ғоядир», деган эди.

Демак, доҳиймиз коммунистик партиявийлик принципларини пролетариатнинг социализм ва коммунизм учун олиб бораётган кураши билан узвий боғлайди. Коммунистик партиявийлик принципи ижодкордан ишчилар синфи, деҳқонлар оммаси ва илғор зиёлиларнинг революцион фаолияти ва курашини онгли, очиқдан-очиқ ва фаол қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Партиявийлик синфий позициясининг, ғоявий-сиёсий қарашларнинг аниқ ва ёрқин бўлишини тақозо этади. Партиявийлик туйғуси ижоднинг қон-қонига сингиб кетиши, ёзувчи асарларининг пафосига айланиши керак. В. И. Ленин «Партия адабиёти принципи нимадан иборат?», деган саволни қўйиб мана бундай жавоб беради:

«Шундан иборатки, социалистик пролетариат қўлида адабиёт иши айрим шахс ва группаларнинг бойиши учун қурол бўла олмаслигидан ташқари, умуман адабиёт иши умумпролетариат ишига боғлиқ бўлмаган хусусий иш бўлиши мумкин эмас. Битсин партиясиз адабиётчилар! Битсин ўзини кишилардан юқори тутган адабиётчилар! Адабиёт иши умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак, бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона-яхлит катта бир социал-демократик механизмнинг «паррак ва винтчаси» бўлмоғи керак. Адабиёт иши уюшган, планли, бирлашган социал-демократик партия ишининг таркибий қисми бўлиши керак».

В. И. Лениннинг бу ерда бадий адабиётнинг халқ ҳаёти ва тақдиридаги буюк ролига катта баҳо беришининг партия қўлидаги ўткир ғоявий қуроллардан бири эканлиги ва шунинг учун ҳам адабиётнинг «умумпролетар ишининг бир қисми даражасига кўтарилиши керак»лигини таъкидлаши бежиз эмас. Буржуа идеологлари ишчилар синфини, унинг сиёсий ва ғоявий йўлбошчиси коммунистик партияни адабиёт ва санъатдек ўткир қуролдан маҳрум қилиш ва эксплуатацияга асосланган разил қиёфасини яшириш мақсадида адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлигини зўр бериб инкор қилишга беҳуда уринадилар... В. И. Ленин ўз мақоласида буржуача «партиясизлик» назариясининг қуруқ ниқобдан, кўзбўямачиликдан иборат эканлигини конкрет ва ғоят теранлик билан исботлаб бердики, шу мақола эълон қилингандан буён ўтган вақтда буржуа дунёсида яратилган романлар, пьесалар, кино ва тасвирий санъатнинг ғоявий-бадий қашшоқлиги ленинча таълимотнинг нақадар ҳаётий эканлигини тасдиқлаб турибди. Буржуа адабиёти ва санъатида бузуқлик, ваҳшийлик, талончилик, ҳар хил олди-қочди, ур-йикитлар тасвирланишининг заминида энг аввало халқни ҳаётдаги ўткир ижтимоий-сиёсий проблемалардан, энг аввало революцион ҳаракатдан, демократия ва социализм учун курашдан чалғитиш туради. Ҳозирги даврга келиб эса буржуа санъати ва адабиёти коммунистик мамлакатларга, коммунистик ғояларга қарши очиқдан-очиқ кураш олиб бормоқда. Ҳозирги замонда инсоннинг қалби учун кураш жаҳондаги мафкуравий курашнинг энг марказий нуқтасига айланди. В. И. Ленин буржуа мафкурачиларининг «иккиюзламачилигини» фош қилиб, сохта ниқобини йиртиб ташлаб», бундай ёзган эди:

«...Жаноб буржуа шахсиятпарастлари, сизга шуни айтишимиз керакки, сизнинг мутлақ эркинлик тўғрисидаги сўзларингиз мунофиқлик, холос. Пул ҳукмронлигига асосланган жамиятда, меҳнаткаш омма қашшоқликда-ю бир ҳовуч бойлар текинхўрлик қилаётган жамиятда амалий ва ҳақиқий «эркинлик» бўлиши мумкин эмас. Жаноб ёзувчи, сиз буржуа ноширингизга қарам эмасмисиз? Сиздан рамқаларда ва суратларда фаҳшни тасвирлашни, «муқаддас» санъатга «қўшимча» тарзда фоҳишабозликни ҳам кўрсатишни талаб қилувчи буржуа китобхонларингизга қарам эмасмисиз? Ахир, бу мутлақ эркинлик буржуа ёки анархистларнинг қуруқ гаплари-ку (чунки анархизм маслак жиҳатидан тескариси ағдарилган буржуаликдир). Бир жамиятда яшаб туриб, шу жамиятдан четда туриш мумкин эмас. Буржуа ёзувчиси, рассоми, артистининг эркинлиги пулдорга, пулга, хўжасига ниқобланган (ёки мунофиқона ниқобланадиган) қарамликдан бошқа нарса эмас».

Бу ерда доҳиймиз коммунистик партиявийликнинг таркибий қисми бўлмиш ижод эркинлиги масаласини ҳам чуқур очиб бермоқда. В. И. Ленин буржуа жамиятидаги ижод эркинлигининг сохта эркинлик эканлиги ва бунинг туб сабаби буржуа ёзувчиларнинг ўша ўз синфи, ўз партиясини ҳимоя қилишига бориб тақалишини назарий исботлаган.

В. И. Лениннинг уқтиришича, фақатгина коммунистик партиявийлик ёзувчига, санъаткорга чин ижод эркинлигини беради. Чунки коммунистик партия ўз фаолиятида марксча-ленинча назарияга амал қилади. Марксизм-ленинизм ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятларига амал қилади. Коммунистик партиявийлик ижодкорга ана шу объектив мавжуд бўлган қонуниятларни, воқелик, ҳаёт келтириб чиқарган заруриятни, инсоният жамиятининг талаб ва эҳтиёжини, замоннинг бош ҳақиқатини билиш ва чуқур англаб етиш имконини беради. Доҳиймиз «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, чунки унинг сафларига тобора янги кучларни тортувчи нарса манфаатпарастлик ва мансабпарастлик бўлмай, балки социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳлик бўлади. Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, чунки бу адабиёт айшу-ишрат кўнглига урган хонимларга, бекорчиликдан зерикиб, семизликни кўтаролмай қолган «ўн мингтача зодагонларга» хизмат қилмайди, балки мамлакатнинг гули, мамлакат куч-қуввати ва истиқболнинг эгаси бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади», дейди. Коммунистик партиянинг мақсади эса шу ишчилар синфи, деҳқонлар оммаси ва илғор зиёлиларнинг бахт-саодати тўғрисида қайғуришдан, уларни коммунистик жамият сари етаклашдан иборат. Шунинг учун ҳам совет санъаткори партиянинг йўлини, программасини, унинг мақсад-идеалларини ҳаққоний деб билади. Давримизнинг буюк ёзувчиси, М. Шолоховнинг «ҳар биримиз қалбимизнинг амри билан ёзамиз, қалбимиз эса партия ва халқники», деган фикрини ҳар бир совет ёзувчиси, дунёдаги социалистик реализм адабиётининг ҳамма намоёндалари ўз дил сўзларидек такрорлаши мумкин. Зотан худди шу йўлдан изчил юриб, бутун ақл-заковати, талантини халқ, партия иши учун сафарбар этган санъаткорларгина ғоявий-бадиий юксак асарлар ярата олдилар. В. И. Ленин «Она» романини жуда юксак баҳолади ва: «Шубҳа йўқки, Горький — ғоят катта санъаткор, талант эгасидир, у бутун дунёдаги пролетар ҳаракатига жуда кўп фойда келтирди ва бундан кейин ҳам келтиради», деб ёзди. Машҳур «Интернационал» кўшигининг муаллифи Евгений Потье тўғрисида сўзлаб доҳиймиз «... у Франция ҳаётидаги барча йирик воқеаларга ўзининг жанговар кўшиги билан жавоб бериб, қолоқ кишилар онгини уйғотди, ишчиларни бирликка чақирди ҳамда Франция буржуазиясини ва буржуа ҳукуматларини фош этди... у кўшиқлар орқали пропаганда юргизувчи энг улўғ пропагандист эди», дейди.

Худди шунингдек, Ҳамза ҳам ўз фаолиятини ишчиларнинг революцион кураши билан мустаҳкам боғлагандан кейин ғоявий-сиёсий ва бадиий ўткир асарлар ярата олди, талантининг бутун қирраси очилиб кетди. Ҳам жанговар революцион кўшиқлар, ҳам ўткир сиёсий драмалар ҳамда ўзининг революцион фаолияти, коммунизм ғояларига чексиз садоқати ва фидойилиги билан ўзбек совет адабиётининг асосчиси бўлиб қолган Ҳамза коммунистик партиявий адабиётнинг ёрқин намоёндаларидан бири бўлиб қолди. Ўзбек адабиётидагина эмас, балки бутун Урта Осиё ва Қозоғистон адабиётларида роман жанрига асос солган Абдулла Қодирий ижоди ҳам совет ҳукумати йиллари гуллаб яшнади. Абдулла Қодирий мен «Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишган бир ходимлардан эдим... Мен Шарқ озодлигини ва унинг мазлум пролетариат саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир кишиман. Бу гапни қўқиб эмас, балки виждоним, имоним тазйиқи остида сўзлайман... Мен Маркс ва Лениннинг ҳароратлик шогирдиман, чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим», деб таъкидлаган эди. Сиёсий жанговар, ўткир партиявий ва чуқур фалсафий шеърлар муаллифи, СССР Давлат мукофоти ва Ленин мукофотининг лауреати академик шоир Ғафур Ғулوم: «Агар Октябрь революцияси бўлмаганда эди, мени ва мендайларни Ленин партияси тарбия қилиб, қўлимга қалам тутқазиб қўймаганда эди, мен ким була олар эдим-у, шеър кимга керак эди?», дейди. Яна бир академик ёзувчимиз, «Қутлуғ қон» ва «Навоий» каби ўлмас асарларнинг муаллифи Ойбек ҳам: «Халқ ва партия ҳамма вақт менга илҳом ва куч берди ва менинг барча меҳнатим, бутун муҳаббатим умримнинг охиригача халқимники, партияники. Келажак-коммунизм қурувчиларники», деб ёзди ишонч билан.

Бундай мисол ва эътирофларни истаганча келтириш мумкин. Аммо бу ерда Ойбекнинг жумласидаги сўнги фикрга эътиборни тортмоқчимиз. Ойбек ўз фикрини юксак идеал билан — коммунизм сўзи билан яқунламоқда. Ҳақиқий ижод эркинлиги ёзувчи эстетик идеалининг юксаклигига боғлиқ. Марксча-ленинча дунёқарашга таяниб, воқеликдаги, ҳаётдаги, жаҳонда содир бўлаётган ҳамма

воқеаларни ва инсонни коммунизм идеаллари мезони билан баҳолаган, бадий таҳлил этган ёзувчи ҳеч қачон адашмайди. Бундай ёзувчи халқ ва жамият тақдирига алоқадор муҳим нарсани майда, ўткинчи нарсалардан осон ажратиб олади, воқеаликни ва одамларни гўзаллик тўғрисидаги халқнинг тасаввури, идеалидан келиб чиқиб баҳолайди, инсонларнинг коммунистик жамият сари ҳаракатига тўқинлик қилган ҳамма нарсанинг илдизини ҳаққоний очиб ташлай олади. Ҳаётни бутун зиддиятлари ва прогрессив кучининг, янгиликнинг ғолибона қадамини дадил акс эттира билади, халқнинг орзу-армониини чуқур ифодалашга эришади. Коммунистик партиявийлик ёзувчидан ҳаётдаги, турмушдаги ва баъзи одамлар онгидаги иллатларни ҳам кескин танқид қилишни талаб қилади. Сатира ва юмор ҳамма иллатни идеал нуқтаи назаридан фош қилади, шу тўғрисида социалистик реализм адабиётида сатира ва юмор коммунистик идеалларни ҳимоя этишга хизмат қилади. Партиямизнинг XXVI съезди, мафкура масалаларига бағишланган Июнь пленуми (1983) ва шунингдек Ўзбекистон компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ижодкорларни жамиятимизнинг олға қараб ривожланишига халақит берувчи барча иллатларни шафқатсизлик билан очиб ташлашга, воқелигимизни бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан ҳаққоний тасвирлашга, даврнинг ўткир ижтимоий, сиёсий, ахлоқий масалаларини дадил кўтариб чиқишга, китобхонни ўз орқасидан эргаштира оладиган жозибали, ҳаётбахш ижобий қахрамон образини яратишга, асарларнинг гражданлик руҳини янада баланд кўтаришга чақирди. Партиямиз ленинча ижод эркинлиги принциpidан келиб чиқиб, ижодкорларимизга хоҳлаган материал, хоҳлаган мавзуда ва хоҳлаган жанр, шаклда, усул ва услубда асар ёзиш ҳуқуқини бериб қўйган. Аммо ижодкорларга халққа қарши, унинг йўлбошчиси партиянинг йўл-йўриғига қарши, коммунистик идеалларга қарши асар ёзиш, социалистик тузумимизни қораловчи, коммунистик ҳақиқатга тўхмат қилувчи асарлар яратиш ҳуқуқини бермаган ва бермайди ҳам. В. И. Ленин ўз мақоласида «Ҳар кимнинг хоҳлаган нарсасини ёзиш ва сўзлаш ихтиёри ўзида, бунга заррача монелик йўқ. Аммо ҳар бир ихтиёрий иттифоқнинг (жумладан партиянинг ҳам) партияга қарши қарашларни тарғиб қилмоқ учун партия номидан фойдаланувчи аъзоларини қувиб юбориш ихтиёри ҳам ўзида», дейди.

Доҳий ўзининг иш фаолиятида ана шу принципга амал қилди, ғоявий хатоларга йўл қўйган ижодкорларни шафқатсиз танқид қилиб, хатоларнинг илдизларини конкрет очиб ташлаб тўғри йўлга етаклади. «Правда» газетаси редакциясига ёзган хатида ҳам «Биз ғояли газета бўлсин деймиз» деган эди у. Горький айрим хатоларга йўл қўйганда В. И. Ленин уни аямай танқид қилди. М. Горькийнинг ўзи «В. И. Ленин» номли очеркида «У менга қаттиққўл муаллим ва меҳрибон, ғамхўр дўстдек муомала қилар эди», деб тан беради.●

Коммунистик партиямиз адабиёт ва санъатга раҳбарлик соҳасида ана шу ленинча принципларга оғишмай амал қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари» деган тарихий қарорида (1983, июнь) шундай таъкидланган эди:

«Маданиятни ривожлантиришда партиявий раҳбарликда талантга нисбатан ҳурмат билан ардоқли муносабатда бўлишни юксак принципиаллик ва талабчанлик билан узвий қўшиб олиб бориш зарур. Маданият арбобларини халқ олдида масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ғоявий, маънавий ва эстетик талабчанлик вазиятини мустақамлаш союзлар ва уюмларнинг вазифасидир. Ижодий изланишга нисбатан актив, сезгир, эътиборли марксча-ленинча танқид бадий ижодиётга таъсир ўтказишнинг бош методи бўлиши керак. Шу билан бирга, бизнинг жамиятимизга, идеологиямизга ёт бўлган қарашлар баён этиладиган, тарихий ҳақиқатдан чекинишларга йўл қўйиладиган ишларга аниқ, партиявий баҳо бериш марксча-ленинча танқиднинг бурчидир. Танқид бадий жиҳатдан заиф, ғўр асарларга нисбатан ҳам муросасозлик қила олмайди. Ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга, оммани маданият бойликларидан баҳраманд қилишга доимо эътибор бериш зарур. Нашрлар ва репертуарларнинг ғоявий мазмуни ҳамда бадий савияси учун матбуот органлари ва маданият муассасалари раҳбарларининг шахсий масъулияти кучайтирилсин».

Кейинги пайтларда ўзбек адабиётида яратилган баъзи романлар, пьесалар, повесть ва поэма, шеърлар матбуотимиз («Совет Ўзбекистони» газетасининг «Ғоявийлик — адабиётимизнинг бош мезони» номли редакцион мақоласи ва бошқалар) ва адабий жамоатчилик томонидан кескин танқид қилинди. Бундай асарлардаги бош иллат улар авторларининг ғоявий-сиёсий позицияларининг аниқ эмаслиги, қаламга олинган материалларни коммунистик партиявийлик принциpidан келиб чиқиб бадий таҳлил қила олмаслиқдир. Саъдулла Кароматовнинг «Сунгги бархан» романи, Йўлдош Шамшаров очеркларида, Шукруллонинг «Аср баҳси» поэмасида шундай қусурлар борлиги адабий жамоатчилик ва танқидчилик томонидан жуда тўғри ва принципиал баҳоланди.





Рассом Алексей СУХАРЕВ.

Ғоявий чалкашлик айрим ёш ижодкорлар фаолиятида ҳам учрамоқда. Даврнинг ўткир конфликтлари, зиддиятларини четлаб ўтиб, ўткинчи, асоссиз ҳиссиётларни шеърга туширишга интилиш ҳодисаси йўқ эмас. Инсондаги шодиёна туйғу ҳам, ғам-ғусса ҳам ҳаёт билан, воқелик билан, даврнинг шиддатли ҳаракати билан боғлиқ ҳолда туғилади.

Партиямиз ўзининг 1983 йил июнь Пленуми қарорида: «Буржуазия пропагандаси тўхмат ва бўҳтондан тап тортмай, социалистик тузумни бадном қилишга, жамиятимизнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини қўпоришга интилмоқда. Шу сабабли ҳозир меҳнаткашларни синфий жиҳатдан чиниқтириш, буржуазия идеологиясига қарши муросасиз курашиш алоҳида аҳамият касб этади», дейилади.

Буржуазия ҳар хил йўл билан ёшлар ақлини заҳарлашга, айниқса улар орасига мешчанлик, текинхўрлик, социалистик тузумга, коммунистик идеалларга ишончсизлик уруғларини сепишга зўр бериб уринишмоқда. Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Германия ҳамда бошқа капиталистик мамлакатларда «советшунос»лар ташкилотлари бутун вақтли матбуот, радио, телевидение ва нашриётларни ишга солиб, социалистик тузумимизга, мамлакатимизда қарор топган ягона оиллага, улур рус халқи бошчилигидаги кўп миллатли Ватанимизга қарши ҳар хил иғво, тўхматларни зўр бериб тарқатмоқдалар. Буржуа «советшунос»лари (Э. Олурос, Д. Монтомери ва бошқалар) ўзбек совет адабиётида роман, драматик жанрларнинг туғилишини «советлаштириш», «руслаштириш» мақсадида атайин, зўр-зўракилик би-

лан ташқаридан қилинган ҳодиса тарзида талқин қиладилар. Улар бу жанрларнинг ҳаёт тақозоси билан, айниқса ўтмишда ўзбек классик адабиётида мавжуд бўлган насрий асарлар (Алишер Навоий ва Бобур асарлари) ва шеърӣ романлар («Хамса» каби) ҳамда халқ ижоди заминида пайдо бўлганини инкор қиладилар. Бу жанрларнинг бизда қарор топиши ва жаҳон ҳазинасидан ўрин олувчи асарлар пайдо бўлишида («Ўтган кунлар», «Навоий», «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши») сўзсиз қардош халқлар, жаҳон адабиёти, биринчи ўринда рус адабиётининг таъсири катта бўлди. Кишилиқ жамияти яратган маънавий ҳазина ҳамма халқларники, ҳар бир адабиёт ва ҳар бир ёзувчи ўз миллий адабиёти, миллий фольклоридан ташқари ўзга халқларнинг маънавий ютуғидан баҳраманд бўлгандагина ривожланиши ва умуминсоний қимматга эга асарлар яратиши мумкин.

В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида маданий меросдан қандай фойдаланиш ва пролетар маданиятини қандай яратишнинг конкрет йўлларини ҳам чизиб берган эди. В. И. Ленин комсомолнинг III Бутуниттифоқ съездида сўзлаган нутқида ҳам, «Пролетар маданияти тўғрисида»ги резолюция лойиҳасида ҳам бир тезисни, яъни бутун кишилиқ тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш, уни қайтадан ишлаш орқасидагина пролетар маданиятини қуриш мумкин, «ҳар бир миллий маданиятда икки маданият, буржуа маданияти ва демократик ва социалистик маданият элементлари бор, «ҳар бир миллий маданиятдан фақат унинг демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни фақат ва мутлақо ҳар бир миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига қарама-қарши қўйиб оламиз», деган фикрни олға суради. Мана шу тезиснинг асоси доҳийнинг ўша «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» мақоласида донолик билан айтилган эди.

В. И. Ленин бўлажак совет адабиётини назарда тутиб, шундай таъкидлаган эди:

«Бу адабиёт бутун инсониятнинг революцион фикрининг энг сўнгги ютуғини социалистик пролетариатнинг тажрибаси ва жонли иши билан бойитиб, унга ҳаёт бағишлайдиган, ўтмиш тажрибаси (ибтидоий, хаёлий формадаги социализм ривожини охирига етказган илмий социализм) билан ҳозирги замон тажрибаси (ишчи ўртоқларнинг ҳозирги курашлари)ни доим бир-бирига боғлайдиган адабиёт бўлади».

Доҳийнинг ушбу фикрида совет адабиётининг манбаларигина (ғоя ва идеалларда ворисийлик, инсоният тўплаган асрий тажриба билан пролетариатнинг бугунги жонли иши ва тўплаган тажрибасини бирлаштириш) эмас, балки айна чоқда социалистик реализм методининг бош фазилати белгилаб ўтилмоқда. Социалистик реализм ёзувчидан воқеликни тарихий конкрет, ҳаққоний ва революцион тараққиётда тасвирлашни талаб қилади. Совет адабиётининг барқ уриб гуллаши ва дунёда энг ғоявий ва энг бадий юксак, энг ҳаққоний ва гуманистик адабиёт даражасига кўтарилишининг боисларидан бири шунда. Совет ёзувчиси коммунистик ҳақиқатни ифодалашга ва инсоннинг реалистик ҳаққоний, жозибали образини чизишга хизмат этадиган шакл, жанр ва услубий воситаларга, тасвир воситаларига кенг мурожаат эта олади. Ҳамза сиёсий публицистик асарлар ёзишга мойил эди, Абдулла Қодирӣ ва Ойбек лирик ва романтик бўёқда тасвирлашни маъқул кўрдилар, Абдулла Қаҳҳор реалистик тасвир йўлидан бориб катта шўхрат қозонди, Ҳамид Олимжон кўтаринки услубни, Ғафур Ғулум эса реалистик, лозим бўлса шартли ва фантастик воситаларга мурожаат этаверар, аммо ҳамма вақт воқеликни фалсафий идрок этарди. К. Яшин воқеликнинг ўткир драматик жиҳатларини ҳужжатлилиқка суяниб кўрсатиш йўлидан борса, Одил Ёқубов қаҳрамонларнинг руҳий оламини, психологик ҳолатини чизишга мойил. Зулфия ва Абдулла Орипов шеърлари психологик чуқурлиги билан қимматли. Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Эркин Воҳидовнинг «Рўҳлар исёни» поэмалари, Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқирғи» асари, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», Темур Пўлатовнинг «Мулк», «Тарозий тошбақаси» асарлари адабиётимизда фантастика, афсона, мифнинг ваэни ошиб бораётганлиги ва булар воситасида даврнинг муҳим ҳақиқати ифодаланаётганидан далолатдир. Адабиётимизда роман жанрининг жуда кўп турлари — тарихий, замонавий мавзудаги сиёсий роман, ижтимоий роман, психологик роман, роман-хроника, саргузашт роман, сатирик роман турлари, шунингдек драма, комедия, трагедиялар, аруздаги шеърдан тортиб сарбастгача, сонетдан тортиб руббойгача — ҳамма жанрда асарлар яратилмоқда. Аммо ҳар қандай шаклий изланиш ва кашфиёт ижодкорнинг ғоя ва мақсадини тўла, мукамал ва ёрқин ифодалашига хизмат этиши керак. В. И. Ленин қуруқ ишқибозлиқка, мураккаб образларга, натурализмга ва сохта жимжимадорлиқка кескин қарши туриб, ҳақиқий халқчил санъат асарлари яратишга даъват этган эди. Халқчиллик энг аввало асарда халқ ҳаётининг етакчи жиҳатларини, унинг

тақдиридаги бош, бурилиш нуқталарни теран тасвирлаш, халқ ҳаётининг ички мазмуни, унинг яшаш ва курашининг моҳиятини чуқур очиш, халқни асарнинг марказий қаҳрамони қилиб олиб, уни кишилик жамияти тарихини олдинга етаклашдаги ролини ёритиш ва унинг қалбига, руҳига чуқур кириб борадиган ғоявий-бадий юксакликка эришиш орқали туғилади. Эскиликни, умри тугаган ва тараққиётга ҳалақат берадиган урф-одатларни, миллий экзотикани тасвирлаш билан халқчилликка эришиб бўлмайди.

Зотан халқчиллик қолоқ, диди ўсмаган китобхонга ёқишга интилиш ва ҳаётнинг, воқеликнинг кетидан боришдан туғилмайди. Майда гапларни, бачкана ҳис-туйғуларни ва аҳамиятсиз масалаларни тасвирлаш билан овора бўлган ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда, «маҳалланинг классиги» бўлиб қолаверади. Даврнинг энг ўткир масалалари ва халқнинг коммунистик идеаллар сари қаратилган меҳнати, курашини бадий мукамал тарзда акс эттириб бериш орқалигина кашфиёт қилиш, яъни халқчил ва коммунистик партиявий асар яратиш мумкин. В. И. Ленин Л. Толстой ҳақида фикр юритиб, Л. Толстой «ўз асарларида шу қадар кўп катта масалаларни майдонга қўя оладикки, бадий кучи жиҳатидан шу даража баландга кўтарилдикки, унинг асарлари жаҳон бадий адабиётида биринчи ўринлардан бирини эгаллади. Крепостниклар томонидан эзилган мамлакатларнинг бирида революцияни тайёрлаш даври, Толстойнинг доҳиёна ёритиб бериши туфайли, бутун инсониятнинг бадий тараққиётида олға томон қўйилган бир қадам бўлди», дейди.

Биз бадий асарга худди шу мезон билан баҳо беришимиз керак. Шундагина ўртамеёна асарларни классик асар ва ўртамеёна ёзувчини улкан талант деб мақташдан халос бўламиз, шундагина камдан-кам асарларимизнинг умумиттифоқ китобхонларига манзур бўлиш сабабини англаб етамиз.

Сўнгра бу ерда яна бир муҳим ҳақиқатни таъкидлаб ўтмоқ керак. Бадий асарнинг сиёсий мавзуда ёки бирор катта социал масалага бағишланиши билан бу асар халқчил ва партиявий бўлиб қолмайди. Партиявийлик асарнинг бутун жисмига, қон-қонига сингиши, унинг пафосига айланиши керак. Партиявий позиция бадий асарнинг материали, сюжети, конфликти, қаҳрамонлари, образлар оламида ётади. Бизда актуал мавзуда не-не роман, пьеса ва шеърлар яратилмоқда. Бироқ буларнинг талайгинаси бадий қашшоқ бўлганлиги — «бадий тараққиётда олға томон қадам» бўлмаганлиги учун халқ орасига кириб бормаяпти, тезда унутилиб кетмоқда. Ҳар қандай талант ҳам ўз-ўзича қимматга эга эмас. У ўз нигоҳи ва имкониятини халққа хизмат эттиришга, партия идеалларини амалга оширишга сафарбар эга билиши, давр, замон талабини, эҳтиёжини теран ҳис этиб, унга акс садо бера билиши билан эътибор топади. Ҳақиқий талант халқнинг қулоғи, овози, дили ва тилидир. У коммунистик идеаллар учун эътиқод ва фидойилик билан хизмат этади. Доҳиймиз мана шундай талантларни-эҳтиёт қилиш ва қадрлашга даъват этади. М. Горький, Д. Бедний ва бошқа ёзувчиларга муносабатиде талантни «систематик равишда ва эҳтиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш»нинг ажойиб намунасини кўрсатди. Коммунистик партиямиз адабиёт ва санъатга раҳбарликда В. И. Лениннинг «пролетариат партиявий ишининг адабиётга доир қисмини пролетариат партиявий ишининг бошқа қисмлари билан бир андазага солиб бўлмайди», деган кўрсатмасига оғишмай амал қилиб келмоқда. Партиямиз адабиёт ва санъат тўғрисидаги қатор қарорларида адабиётнинг халқ ҳаётига яқин туриши, ҳаёт ҳақиқати, давр ҳақиқатини, коммунистик идеалларни ифодалаш, унинг ғоявий, сиёсий ва бадий даражасини янада юксак даражага кўтариш, уни янги инсонни камол топтиришдаги иштирокини янада кучайтиришга даъват этди.

«Жамият маънавий дунёсининг янги бойликлар билан бойиб боришида, — деб таъкидлаган эди Михаил Сергеевич Горбачев, — совет кишининг ғоявий ва маънавий камолотида адабиёт ва санъатнинг роли каттадир. Бадий зиёлилар — ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, рассомлар, театр ва кино ходимлари катта обрў ва эътибор қозонганлар. Уларнинг жамият олдидаги улкан маъсулияти ҳам шундан келиб чиқади. Совет адабиёти ва санъати яратган энг яхши асарлар ҳамisha партия ва халқнинг асосий ишлари ва ташвишларидан ажралмасдир. Ҳозирги вақтда ҳал этилаётган янги вазифалар ҳам социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ».

Бу улғу ишда доҳиймиз В. И. Лениннинг ўлмас асари «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» ҳар доим дастуриламал, йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади. Бундай улғу программага эга бўлган социалистик реализм адабиёти ҳамisha гуркираб ўсади, ҳақиқат жарчиси сифатида жаҳоний шухрати ошиб боради.



Расмларни Нигмат ҒУЛОМОВ чизган



Ҳамид Ғулом

# ҚОРАДАРЁ

Роман

## Биринчи боб

**К**ўрғонтепа райкомининг биринчи секретари Карим Узоқов бюро мажлисини ёпиқ деб эълон қилди-да, рўпарасидаги эшик тепасида осилиб турган девор соатига қаради: чоракам саккиз. Кундуз соат учда бошланган ва уч соатга мўлжалланган мажлис беш соатча давом этибди. Гарчи узун, кенг хонанинг боққа қараган иккала деразасига ҳам ўрнатилган «Боку» кондинционерлари тинимсиз ишлаб турган бўлса-да, ҳаво ниҳоятда дим эди. Балки одамларнинг кўп бўлганлигидан, қисқа танаффус билан шунча узоқ чўзилган мажлис обдан ҳоритганлигидан унга шундай туюлаётгандир.

Бюро аъзолари, районнинг масъул ходимлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари бирин-кетин хайрлашиб, хонадан чиқиб кета бошладилар.

— Норхўжа Афзалович, бугун кўрилган масала бўйича правление йиғилишини эртага соат олтига чақиринг! — деди Узоқов, Фрунзе номли колхоз раиси Афзаловга қўл узатиб. — Мен ҳам етиб боришга ҳаракат қиламан. Хўп, хайр.

— Маъқул, Карим ака! — Афзаловнинг қизғиш сепкиллари билиниб турган сергўшт, лўппи юзида мамнунлик барқ урди. — Кутамиз!

Афзалов хонадан чиқиб кетгач Узоқов аввал биринчи, кейин иккинчи дераза кондинционерларини ўчирди-да, дераза тавақаларини кенг очиб юборди. Қуёш боғ этагидаги чинорлар орқасига яширинган, оқшом чўкмоқда эди. Боғни кесиб ўтган ариқ сувининг шарқираб оқиши, дарахтлардаги не бир қушларнинг чуғурлашлари, гуп этиб димоққа урилган гуллар бўйи чарчаганликдан асаблари бўшашган Узоқовнинг вужудига тетиклик бағишлади. Унинг иссиқ ва дармонсизлик таъсиридан

ёшланган кўзлари сўлим боғнинг зумрад жамолида бўлса ҳам, хаёли одамлардан бўшаб қолган хонада, узун стол юқорисида ёлғиз ўтирган Ҳабиба Камоловада — одамни ҳайратлантирадиган даражада ўта бардошли, ёш бўлишига қарамай тадбиркор ва салобатли аёлда эди. Район партия комитетига иккинчи секретарь қилиб сайланганига бир йил ҳам бўлгани йўқ. Илгари бу вазифада ишлаган Василий Алексеевич Владимиров «Андижонгидрострой» ихтиёрига юборилгандан кейин область партия комитети унинг ўрнига Камоловани тавсия этди. Асли Қўрғонтепанинг Хонобод қишлоғидан бўлган бу аёлни район коммунистлари яхши билганликлари учун унга конференцияда яқдил овоз бердилар.

Ҳар бир кишининг ўзига хос феъли бўлади. Ёши элликка яқинлашиб қолган, одамларга меҳрибонлиги билан танилган Узоқовнинг фазилатларидан энг муҳими — унинг бир сўзлилиги ва қатъиятчилигидир. Баъзан: «Ҳеч ким унинг кўлига тушмасин», деган гапларни ҳам эшитиш мумкин. Ҳа, у меҳрли бўлиши билан бир йўла қаҳрли ҳамдир. Камолова ёш бўлса ҳам турмушнинг аччиқ-чучугини бир қадар татиб кўргани сабабли Узоқовнинг «кўлига тушгани»дан чўчимади. Аксинча, қувонди: бундай қаттиққўл раҳбар тарбияси унинг иш юритишида қўл келади... Ҳабиба ўзининг изланувчанлиги, ишчанлиги билан тез орада унинг ишончини қозонди. Узоқов унга муҳим ишларни ҳам ишониб топшира бошлади. Ҳатто, бу орада меҳнат отпускасини олиб, даволанишга ҳам бориб келди.

Узоқовнинг яна бир одати бор: бюро мажлиси ёки бирор йиғилиш туғач, албатта ёлғиз қолиб, кўрилган масалалар бўйича обдан ўйлайди, мабодо биронта нуқсон топса, дарҳол маслаҳатлашиш учун биринчи ёрдамчиси Камоловани қидириб қолади. Шунинг учун ҳам Ҳабиба йиғинлардан кейин кетиб қолмасликни, Узоқов бирор фикрга келгунча кутиб туришни одат қилиб олди. Ҳозир ҳам дермантин қопланган юмшоқ стулда бугунги қарор лойиҳасига мажлис аҳли киритган ўзгаришларни қайд этиб ўтирибди.

Ниҳоят, Узоқов Камоловага қаради. Унинг чеҳраси ёришган, боягина ёшланиб турган кўзлари тиниқлашган эди. Юпқа кулранг матодан тикилган костюми, оппоқ кўйлаги ва одми галстуги ўзига ярашган: чап кўкрагида депутатлик нишони билан қаҳрамонлик Олтин юлдузи чақнаб турибди. У аксари депутатлик нишонига юрса ҳам «Олтин юлдузи»ни фақат байрамлардагина тақарди. Бугун уни бюро мажлисига тақиб келганлиги ҳам бежиз эмас, авлод-аждодлар орзу қилган кун етиб келди — Қорадарё ёқасидаги Кампирравот дарасида улкан сув иншоотининг қурилиши бошланади!..

— Эртага Хонободга боришим шарт, — деди Узоқов Камолованинг қаршисида тик турганча. — Колхоз правлениесининг мажлисига оқсоқолларни ҳам чақирамиз. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари негадир пасайиб кетяпти, олдини олмасак бўлмайди. Хоҳласангиз сизнинг ҳам борганингиз маъқул. Афзалов билан Йўлдошевани келиштириб қўймасак бўлмайди.

— Яна нима гап бўлди?

— Опа ҳеч тинчимаяпти, — Узоқов девордаги соатга қаради. — Эрталаб телефон қилган эди. Соат саккизда учрашишни ваъдалашгандик, кутиб тургандир.

Узоқов шундай деди-да, кабинет эшигини очиб қабулхонага қаради ва кимнидир таклиф қилди:

— Киринг! Кираверинг, опа!..

Ичкарига ўрта ёш, оппоқ юзига ҳали ажин тушмаган, йирик шаҳло кўзларига ғам соя солган барваста аёл кирди.

— Ассалому алайкўм, ўртоқ Узоқов.

Аёл Хонободдаги Маяковский номли мактабнинг собиқ директори, бутун водийга донғи кетган машҳур мироббоши марҳум Йўлдош отанинг қизи Барно Йўлдошева бўлиб, Ҳабиба географиядан шу опада таълим олган, уни ниҳоятда ҳурмат қиларди. У ўрнидан туриб, ўқитувчиси истиқболига тез юриб борди-да, қучоқлашиб кўришди.

— Яхши юрибсизми, опажон? Кечирасиз, анчадан буён бориб кўролмадим...

— Муваффақиятларингизни эшитиб, қувонаман, — деди Йўлдошева илгари сенсирайдиган шогирдини энди сизсираб. — Биламан, ишингиз кўп...

— Қани, эштайлик, — Узоқов опани рўбарўсига ўтқазиб, унга қаради. — Суҳбатимизда ўртоқ Камолова қатнашсалар, қарши эмасмисиз?

— Аксинча, — опа Ҳабибага кулимсираб қаради. — Айни муддао! Ахир Камолова ўз қишлоғимиздан, қўлимизда ўқиган, мактаб комсомол комитетининг секретари бўлиб ишлаган.

— Нима гап, ўзи тинчликми?

— Тинчлигимиз бузилди... — Узоқовнинг ундови билан опа енгилгина хўрсинди-да, азбаройи ҳаяжонланаётганидан товуши титраб гап бошлади. — Йигирма йилдирки, коммунистман, ҳар бир сўзим учун виждонан жавоб бераман. Афзаловнинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида район маорифи раҳбарларини бир неча марта огоҳлантирдим. Лекин натижа чиқмади: аксинча, мени ёмонга чиқариб, уни ёнини олишди. Иложсиз ўз аризамга кўра директорликдан бўшаб, оддий ўқитувчи бўлиб қолдим. Маориф Афзаловнинг тавсияси билан унинг қайнсинглиси Зебо Қодировани менинг ўрнига тайинлади. Лекин сиз, ўртоқ Узоқов, яна ўз вазифасини сўраб келибди, деб ўйламанг. Аслида, сиртдан қараганда жўн кўринса-да, оқибати катта можаро билан тугаши мумкин бўлган бир масала юзасидан келдим.

— Бу ҳам Афзаловга алоқадор масала бўлса керак?

— Ҳа, — опа жиндай қизишиб, ҳар бир сўзини чертиб-чертиб гапирабошлади. — Бу йил мактабимизда иккита битирувчи синф бор. Ҳозир имтиҳонлар кетяпти. Бирида ҳақиқий аълочи Дилбар Зуфарова, иккинчисидан раиснинг ўртамиёна ўқийдиган Анвар исмли ўғли битираяпти. Ҳаммани ҳайратга солган масала шуки, имтиҳон комиссияси Дилбарга атайин «тўрт», раиснинг ўғлига «беш» баҳо қўяпти.

— Таажжуб... — Узоқов Камоловага ўгирилди. — Сиз нима дейсиз?

— Мен Дилбарни ҳам, Анварни ҳам танийман, — деди Камолова сокин бир товушда. — Айниқса, Дилбар жуда кўп китоб ўқийди. Бунинг устига, икковининг ўртасида муҳаббат пайдо бўлган деб эшитаман. Норхўжа Афзаловнинг айтишича, ёшлар мактабни тамомлашгач, тўй қилиш орзусида эмиш...

Камолованинг сўзлари Узоқовга бир қадар таскин берган бўлсада опанинг юрагига ўт ёқди:

— Муҳаббат?! Муҳаббат шунақа бўлса, уни бўлмагани яхшироқ! Агар Анвар Дилбарни севса ҳақиқат олдида кўзини юмган бўлармиди?!.

— Опажон, — Камолованинг чиройли юзи жиддийлашди. — Жаҳлга эрк бераётган бўлманг яна. Дилбар аълочи бўлса, Анвар ҳам ундан қолишмайди. Икковининг ҳам институтга кирмоқчи эканини мен яхши биламан.

Узоқов Камолованинг сўзидаги мантиқдан қониққандай, унга мамнун қараб қўйди.

— Сиз ўйлаганчалик эмас, — Йўлдошева Камоловага кескин ўгирилди. — Комиссия аъзолари Дилбарга атайин «тўрт» баҳо қўйди.

— Тўхтанг, тўхтанг! — Узоқов таажжубланди. — Ахир, имтиҳонни ўзингиз олгансиз-ку?

— Ҳа, ўзим олдим. Дилбарга «беш», Анварга «уч» баҳо қўйдим. Аммо Зебо Қодирова бошлиқ комиссия ўз билганича қилди!.. Тунгандирсиз, ўртоқ Узоқов?

— Унчаликмас, — Узоқов истеҳзоли жилмайди. — Афзалов Дилбарни келин қилмоқчи бўлса, табиий иккаласи учун ҳам ҳаракат қилади. Инсоф билан айтганда, отанинг ўз болаларидан бирини юқори, иккинчисини паст қўйишидан нима манфаат бўлиши мумкин?

Узоқовнинг сўзларини тингларкан, Йўлдошева хаёлга толди. Дарҳақиқат, Афзалов ўзи қурмоқчи бўлган иморатнинг пойдеворини нега вайрон этсин?

— Мен, бари бир, ўз фикримда қоламан, — бирдан опанинг кўзлари чақнаб кетди. — Бу аҳволда мактабни Дилбар медалсиз, Анвар Олтин медал билан битиради. Институтга борадилар. Дилбарнинг имтиҳонлардан муваффақиятли ўтишига ишонаман. Аммо Анвар ўтолмайди. Афзалов югуриб-елиб, ниятига ҳам етар. Хўш, бу қаллобликни Дилбарнинг пайқамаслиги мумкинми? Унда, ўртоқ Камолова, икки ёш ўртасидаги сиз айтган муҳаббатнинг гули бевақт сўлмасмикан?.. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони бундан ҳам жиддийроқ. Фараз қилайлик: институт имтиҳон комиссияси, Анвар асосий фандан «беш»га топширолмаса, унинг қандай медал олганлиги билан қизиқиб қолса-чи?! Унда нима бўлади? Бу мактаб учун, қолаверса, район учун шармандалик бир ҳол эмасми?..

Коммунист педагогнинг сўзлари Узоқовни ўйлатиб қўйди.

— Нима қиламиз? — деди у Камоловага савол назари билан тикилиб. — Ё опа лофчи бўлиб кетибдилар, ё биз маориф ишлари билан яхши шуғулланмай қўйганмиз.

— Эҳтимол... — Камолова Узоқовнинг фикрига қўшилди. — Чамамда, кейинги сўзингизда жон бор. Чунончи, мен райкомда ишлайбошлаганимдан буён биронта мактабга борганим йўқ. Дон, чорва, пахта, пилла, қурилиш — булар муҳим тармоқлар. Аммо, бу ишларнинг ҳаммасини одамлар бажаришини ҳисобга олсак, ана шу одамларни тарбиялаш ҳаётнинг ҳамма масалалари ичида энг муҳими эканлигига иқрор бўламиз. Опа бизни ҳушёрликка чақиряпти. Сиздан илтимос, меиға рухсат беринг, эртагаёқ Хонободга бориб, мактаб ишлари билан шуғулланай?

— Маъқул, — Узоқов ўрнидан туриб, Йўлдошева билан қўл олишиб хайрлашар экан, деди. — Мироббоши дадангизнинг орзулари амалга ошадиган бўлди. Кампирравот сув омбори қурилишини яқинда бошлаймиз. Эртага Фрунзе номли колхозда йиғилиш, сиз ҳам борсангиз ёмон бўлмасди.

— Албатта бораман. Умуман, сизларга катта раҳмат. Ҳабиба Камолова, сизни эса эрталаб мактабда кутамиз.

Камолова опани эшиккача кузатиб қўйди-да, Узоқовнинг яқинига келиб, ундан кетишга рухсат сўради.

— Бир нафас тўхтанг!..

Узоқов шундай деди ва ҳамон боғдаги дарахтларга тикилганча ўйга толди. Камолова унинг ҳорғин юзига ачиниб қараб, оҳиста деди:

— Хизмат бўлса айтинг?

— Афтидан опанинг гаплари фақат мактабдаги тартибсизликлар устида эмас. Масала анча жиддий... — Узоқов Камоловага синчков тикилди. — Биласизми, Ҳабиба Камоловна, ҳаётнинг негизи нимада? Ҳаётнинг негизи — ишонч. Каердаки ишонч бўлмаса, ўша ерда ҳаракат тўхтайти, ҳаёт сўнади... Кимки ишончни сунистеъмол қилса ёки топтаса, бу, албатта, фожиага олиб келади. Мен фақат медал воқеасини ёки Қодированинг тартиббузарлигини назарда тутаётганим йўқ. Кўпчиликни норози қилаётган ножўя ишларнинг томири йўғонроқ кўринади, чамамда...

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Мен Афзалов ва Афзаловга ўхшаган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини назарда тутяпман. — Узоқов ёзув столи ёнига келиб, қизил муқовалик қоғоз папкадан бир хат олди-да, Камоловага берди. — Танишиб чиқинг. Бунга Фрунзе номли колхоз аъзоларидан етти киши қўл қўйган. Уларнинг ёзишича, Афзалов Асад қора исмли экспедитори орқали маҳсулотни ошириб ёзиш, тайёрлов ташкилотларига маҳсулот ўрнига пул тўлаш йўли билан «планни бажариш» каби қалбаки ишларни қиларкан... Мен бўлсам, шу кунгача Афзаловга ишониб келдим. Бир мен эмас, ҳаммамиз уни кўкларга кўтариб мақтадик, бошқаларга намуна қилиб кўрсатдик...

— Масала жиддий экан.

— Агар шикоят аризасида келтирилган далиллар тўғри бўлиб чиқса, унда бутун район кўрсаткичларини қайта кўриб чиқишга тўғри келади.



— Демак, биз давлатни алдаган бўлиб чиқамиз-ку?! — Бу даҳшатли фикрдан Камолованинг қалби ларзага келди.

— Ҳа, ўртоқ Камолова, шундай бўлиб чиқади. Биз бу масалани ҳар тарафлама ўрганишимиз, барча нуқсонларни рўй-рост очиб ташлашимиз керак бўлади. Хатоларимизга иқрор бўламиз... Бошқа йўл йўқ!..

— Наҳотки, иш шу даражага бориб етган?

— Буни текшириш кўрсатади, — Узоқовнинг рангпар юзида истеҳзоли жилмайиш кўринди. — Ҳарқалай калаванинг учи топилганга ўхшайди... Майли, энди сиз боринг, мен бир оз ишлайман.

Камолова чиқиб кетгач, Узоқов дераза олдига борди-да, жим қолди. Соат тўққиздан ошган, оқшом оғушида мевасининг кўплигидан шоҳлари ергача эгилган дарахтлар сукут сақлайдилар. Лавозимига кўра Узоқов ҳам тез-тез мажлислар ўтказишга, кўрилган масалалар бўйича у ёки бу маънода хулосалар чиқаришга одатланган. Унинг иродаси тинимсиз иш, муттасил баҳсларда чиниққан. Лекин, бугун Йўлдошева ўртага ташлаган масала — кичик бир арз, жузъий бир гап бўлса ҳам, Узоқовни ўйлатиб, уни анча ташвишлантирди. Ҳа, бу чиндан ҳам жузъий масала: бир мактабда, унинг битирувчи группасида икки ўқувчидан бирига юқорироқ, иккинчисига пастроқ баҳо қўйилибди. Алоҳида эътибор бермаса ҳам бўладигандай... Аммо, масаланинг иккинчи томони маънавий, ижтимоий жиҳати бор. Тажрибали педагог, коммунист Йўлдошева масаланинг ана шу иккинчи жиҳатини назарда тутаяпти.

«Ҳа, опа ижтимоий адолат масаласига эътибор беряпти. — Бир неча дақиқа ўйга толгач, ўз-ўзича иқрор бўлди Узоқов. — Модомики, бизнинг жамиятимиз инсоний адолат асосига қурилган жамият экан, бу йўлдаги ҳар қандай оғишларга қарши ўт очмоқ керак!...» Унинг кўз олдига серсепкил юзи кулиб турадиган Афзалов жонланди. Наҳотки, Узоқовнинг тенгдоши, бундан йигирма йил аввал Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини бирга битирган, шунча вақтдан буён колхозга раислик қилиб келаётган Норхўжа ўз манфаати, яъни ўғлини институтга киритиш, бўлғуси келинидан уни юқорироқ қўйиш учун қайнсинглисини ишга солиб, нотўғри иш қилаётган — адолатсизликка йўл қўяётган бўлса?

Йўлдошева Афзаловни мансабпарастлик, маккорлик, худбинликда айблади, уни шахсий манфаати йўлида ҳар қандай тубанликка борувчи шахс сифатида таърифлади. «Бир замонлар келиб, дунёда ҳамма нарса аниқ-равшан бўлса ҳам, фақат бир нарса — инсон юраги, ундаги сиру асрорлар муаммолигича қолаверса керак!..»

Узоқов ўйлай-ўйлай охири шундай фикрга келди ва эртага Камолова мактабга бориб келгач, у билан бафуржа суҳбатлашиб, шундан кейингина коммунист Йўлдошевага жавоб қилишга қарор берди.

## Иккинчи боб

Камолова ҳовлисига кириб келганида мевалари ранг ола-бошлаган олма ёнидаги ариқ бўйига ўрнатилган чорпоя-сўрида эри Комилжон Хонободдан келган меҳмон, юртда «мироб домла» деб танилган кекса ўқитувчи Илҳом Зуфаров билан суҳбатлашиб ўтирар, беш ёшлик ўғли Ботиржон уларнинг суҳбатига эътибор билан кулоқ солар, қизчаси Нодира эса дадасининг тиззасида пишиллаб ухлаб ётар эди. Ҳабиба улар билан саломлашди ва ҳовли этагидаги ошхонада ош дамлаётган қизга кўзи тушди-ю, кўнгли хижил тортди. Бу қиз девордармиён қўшниси бинокор ишчилар — қирғиз ҳовлисидан бўлган Сулув опа билан ўзбек Мамарасул акаларнинг фарзанди бўлиб, ўнинчи синфда ўқийдиган Жаннатой эди.

— Ош дамлаяпсизми?

— Ҳа, Комил ака буюргандилар.

Ҳабиба Жаннатнинг майда ўрилган, оқ шоҳча кўйлаги устида яна ҳам қора тортган сочларига тикилди. Ўзи ҳам бир вақтлар шу ёшда эди. Бу чирой, бу сочлар кимнинг эътиборини тортмайди?!

— Қачон чиқиб эдингиз?

— Икки соатча бўлди... — Қизнинг дили Ҳабибанинг ёвқарашидан ларзага келиб, беихтиёр сўради. — Нимаиди?.. Энди чиқмайми?!

— Йўқ, нега... — Ҳабиба қизнинг ранжиганини фаҳмлади-да, зўраки жилмайди. — Чиқиб туринг... Фақат, ўнинчи синфдасиз, дарсларингиз кўп...

У қиздан кўзини олиб қочиб, орқасига бурилди ва сўрининг ёнига келиб, кўрпача четига омонатгина ўтирди:

— Келинг, мироб домла, хуш кўрдик! Қандай шамол учирди?

— Ҳаёт шамоли!..

— Домла мени ишга таклиф қилиб келибдилар. — Комилжон қувонч билан сўзлай кетди. — «Андижонгидрострой» ҳузурида «Усталар мактаби» очмоқчилар. Биз каби турли касб эгалари — олий маълумотли мутахассислар ўз ишимиздан ажралмаган ҳолда ўриндошлик йўли билан дарс беришимиз керак эмиш.

— Яхши ташаббус, — Ҳабиба мироб домлага мароқланиб тикилди. — Лекин, домла, ўз мактабингиздаги ишингиз нима бўлди?

— Мактабдаги ишни бундан икки ҳафта аввал йиғиштиришга мажбур бўлдим... Ҳозир Тўғон бошқармасида ўз касбим — инженер-гидротехник бўлиб ишляпман.

— Таажжуб... — Камолова боягина райкомда мактабдаги тартибсизликлар ҳақида бўлган суҳбатни эслаб, домлага савол назари билан боқди. — Ахир, сиз у мактабда чорак асрдан бери ишлайсиз. Биз каби қанча-қанча ёшларни ўқитгансиз. Нега энди осонгина ташлаб кетдингиз?

— Қиёмига етган ишга бир туртки сабаб... — У бир оз ўйлаб турди-да, кескин гапира бошлади. — Йўлдошева мактаб директорлигидан ноҳақ бўшатилиб, ўрнига Қодирова тайинлангач таълим-тарбия, хўжалик ишларида тартибсизликлар бошланди. Қодирова педагоглар кенгаши билан ҳисоблашмай қўйди. Биз, ўқитувчилар унга фойдали маслаҳатлар бердик, кўп марта оғоҳлантирдик, ҳатто маорифга ҳам хабар қилдик. Лекин, кучимиз етмади... У фақат бир кишини — раис Афзаловни тан олади. Чунончи, бундан икки ҳафта аввал раис иккита юк машинаси юбориб, олтмишта ўқувчини дала ишига олиб чиқмоқчи бўлди. Уқишнинг сўнгги кунлари, имтиҳонлар бу ёқда. Бешинчи, олтинчи синф ўқувчилари. Ҳаммаси мурғак болалар... Машинанинг олдини тўсдим, бўлмади... Кейин, ариза ёздим...

— Болаларни нима қилишди?

— Пичан ўришга қирга олиб кетишди. — Зуфаров қўл силкиб, гапни бошқа ёққа бурди. — Хўш, Комилжон, менинг таклифимга розимисиз?

— Аввал таом, — жилмайди Комилжон ва тиззасидаги қизчасини кўрпачага ётқизди-да, гулдор чинни лагандаги ошни Жаннатнинг қўлидан олиб, хонтахтага ёзилган оппоқ дастурхоннинг ўртасига қўйди. — Бай-бай, паловмисан палов бўлибди-да!.. Қани, ўзинг ҳам кел.

— Раҳмат, ака, — Жаннат ялт этиб Ҳабибага қаради-да, қизаринди. — Ишим кўп, дарсларим бор...

Эркаклар қошиқларни тўлдириб ошдан ола бошладилар. Ҳабиба оч бўлишига қарамай иштаҳаси бўғилган, бир куннинг ўзида икки қадрдон ўқитувчисидан эшитган гаплар унинг хаёлини алғов-далғов қилиб юборганди. У ҳали ёш, эндигина йигирма тўққиз баҳорни кўрди. Масъул вазифада. Бошқаларга қараганда кўпроқ ўқиган, кўпроқ ўқандир... Унинг мустақиллиги, дадиллиги учун қанча йигитлар кўз тикмадилар. Лекин у институтни тугатиш арафасида курсдоши — шоҳимардонлик йигит Комилни танлади. Мана, етти йилдирки, улар бирга.

Ош ейилиб, дастурхон йиғиштирилгач, Комилжон домлага чой қуйиб узатди-да, деди:

— Мен бошлиқ механизациялашган кўчма колонна гоҳ у, гоҳ бу ерда иш бажаради. Агар Кампирравотга яқинроқ жойда доимий ишласак, унда сизга ёрдам беришга тайёрман!

— Балли! — Зуфаров Комилжонга мамнун тикилди. — Масаланинг

бу томонидан хотиржам бўлинг, ука! Энди ҳамма куч Кампирравот сув омбори қурилишига ташланади. Сизнинг колоннагиз ҳам ўша ерда бўлиши шубҳасиз.

«Комилжоннинг ичида чироқ ёняпти... — кўнглидан ўтказди Ҳабиба. — Наҳотки!.. Йўғ-э!.. Бари бир бундан буён Жаннатни хизматга чақирмайман! Ўзимиз ҳам кейинги пайтларда оқбиллак бўлиб қолдик... Бас!..»

— Демак, қароримиз қатъий, — деди Зуфаров ва анча эскирган, лекин ювилиб дазмолланган кўйлагининг кўкрак чўнтагидан ён дафтари билан қаламини олиб, унинг адреси билан телефонини ёзиб олди. — «Усталар мактаби» дирекциясидан расмий таклифнома оласиз.

— Ҳозирча қоғозда бору амалда йўқ мактаб... — Комилжон кулимсиради. — Ҳа, майли, ишонамиз.

— Ишонинг! — Зуфаров ўрнидан турди. — Ишонч — ҳаётнинг таянчи, ука! Мен бу ишни унинг истиқболига ишониб бошладим ва балки, умримнинг қолган йилларини фақат шу ишга бағишларман. Хунар — хунардан ёшларимизнинг тақдирини ўйлашимиз керак.

Комилжон билан Ҳабиба домлани эшиккача кузатиб чиқдилар. Ҳабиба Зуфаров билан хайрлашатуриб деди:

— Сиздан иккита илтимосим бор. Биринчиси: «Усталар мактаби» ҳақидаги ҳамма фикр-мулоҳаза, режаларингизни қоғозга туширинг ва «Андижонгидрострой» бу ҳужжатни райкомга юборсин. Биз бу масалани бюро мажлисида кўрамиз ва албатта, қарор чиқариб, ёрдам берамиз.

— Раҳмат, ўртоқ Камолова!

— Иккинчи илтимосим: эртага эрталаб соат саккизда мактабда бўлинг. Мен етиб бораман. Қодирова устидан шикоятлар кўпайиб кетди. Тартибсизликларнинг сабабини ўрганиб, уларга тезликда чек қўйишимиз керак.

— Хўп, албатта етиб бораман.

— Қизлар қалай, бирин-кетин бўйлари чўзилаётгандир? — Ҳабиба тўсатдан сўраб қолди. — Дилбар битирув имтиҳонларини яхши топширяптими?

— Аълочи! Рус группасида бўлса ҳам имтиҳонларни фақат «аъло»га топширяпти. Биз бувиси билан унинг «Олтин медаль» олишидан умидвор эдик, келиб-келиб географиядан — ўзи яхши кўрган фандан «тўрт» баҳо олибди...

Камолова мактабнинг собиқ директори Йўлдошеванинг бугун райкомга келгани, унинг айнаи шу масалада шикоят қилганини Зуфаровга айтиб ўтирмади.

— Мактабга борайликчи, балки ҳақиқатнинг юзидан парда кўтарилар... — деб қўяқолди.

Камолова Хонободгача бу ердан қирқ километрлик йўл эканлиги, кечаси автобуслар деярли учрамаслигини айтиб, райком гаражидан машина чақирмоқчи бўлганди, домла Қўрғонтепада иши борлигини айтиб, шогирдининг илтифотини рад этди-да, зимбиллаганча юриб кетди.

Эр-хотин эшикни ёпиб, ҳовлига кирганларида Ботиржон сўрида Нодиранинг ёнига чўзилганча ухлаб қолганди. Соат ўн бирдан ошган, чорпоя ёнидаги олма шохига осилган электр чироққина атрофни ёритиб турибди. Ҳабиба сўри чеккасига ўтириб, эрига:

— Комилжон, чироқни ўчиринг, мен шу ерда мизғиб оламан, — деди.

Комилжон Ҳабибага таажжубланиб бир зум боқди-да, индамай айвонга чиқиб, чироқни ўчирди. Кейин уйга кириб, юпқа момик кўрпа билан иккита болиш кўтариб чиқди-да, чорпоя ёнига келди. Ҳабиба нечундир оёқларини чорпоядан осилтирганча хаёл оғушида жимгина ўтирарди. Комилжон ўрин солди. Кейин бақувват, сержун билаклари билан сўрига суялганча хотинига илтифот қилди:

— Чарчабсиз, ётиб дам олинг.

Ҳабиба бир неча дақиқа индамай ўтиргач, эрига ялт этиб қаради-да:..

— Мен уйга кириб ётаман... — деди қатъий бир оҳангда. — Хўш...

Жаннатни, қўшнилари ёрдамга чақирмайлик... Киши ўзини ўзи эплагани маъқул!..

Хотинининг ҳозирги хатти-ҳаракатидан ҳеч нарсани тушунмаган Комилжоннинг чорпоёга чиқиб, ўзи тўшаган ўринга чўзилишдан бошқа иложи қолмади. Ҳаво илиқ. Ҳовли саҳни, ундаги гуллар, дарахтлар қоронғилик оғушида. Осмон тўла юлдуз қўрлари... Кўчада, йўл бўйидаги тераклар шоҳида ойнанинг заррин шарпалари: ҳали-замон жамолини кўрсатса керак. Тун сукунатини чорпоё этагидан оқаётган ариқ сувининг шалдираши-ю, олис бир қўрадаги итнинг ўқтин-ўқтин вовуллаши бузади.

Комилжон чалқанча кўкка қараб ётганча хотинини қандай чивин чаққанлигини, унинг феъли нечун бунақа ўзгариб қолганини ўйлади. Бирдан қурилишда ишлайдиган механик йигитнинг (исми Дамир бўлса керак), нолиб айтган сўзларини эслади. Комилжон ундан ҳол-аҳвол сўраганда: у «Э, ака, — деган эди. — Хотинингиз амалдор бўлмасин экан. Амалдор бўлдим, муомалада у эрга, сиз хотинга айланиб қоларкан-сиз!...» «Наҳотки, мен ҳам Дамиржоннинг аҳволига тушсам? — иштибога борди Комилжон. Йўғ-е, Ҳабиба бошқа олам... Ахир, бизнинг ҳаётимиз муҳаббатга қурилган-ку! Балки Жаннат... Бе, уни Ҳабибанинг ўзи ёрдамга чақириб туради!..»

Эрталаб соат еттиларда Комилжон хотинини кузатиб, кўчага чиққанида райкомнинг бўёғи анча нураган эски «ГАЗ-69» машинаси ариқ бўйида кутиб турарди. Ипакдай майин, қўнғир сочларини текис тараб турмаклаган, европача тикилган ҳаворанг кўйлаги, шу рангдаги пошнаги туфлиси ўзига ярашган Ҳабиба каттагина оқ сумкасини елкасига осатуриб, эрига тайинлади:

— Ишга кетаётганингизда Ботиржонни яслига, Нодирани боғчага ташлаб ўтинг. Жаннатни энди ёрдамга чақирмаймиз. Ишдан эртароқ келиб, овқатни ўзим пишираман.

— Хотиржам бўлинг.

Комилжон, кўнгли равшан, машина ортидан қўл силкиб қолди.

Ҳабиба Хонободга соат саккизларда етиб келди. У машинадан сакраб тушди-ю, панжарали девор билан ўраб олинган мактаб ҳовлисининг ўрта бир ерида туриб олиб, чўян қўнғироқни боши устида баланд кўтарганча даранглатиб чалаётган Рисолат холанинг ёнига чопиб борди-да, ҳаяжонланиб сўради:

— Ассалому алайкўм, мени танидингизми, хола?

— Танидим, — хола қўнғироғини ерга қўйиб, Камоловага бағрини очди. — Сен шаддод Ҳабибахонсан. Амалдор бўлиб кетгансан деб эшитгандим...

— Э, амалдорлик қаёқда, — Камолова хола билан қучоқлашиб кўришди. — Халқ хизматида югуриб-елиб юрибман.

— Хурсандман, — хола Ҳабибанинг елкасига қоқиб деди. — Ўқиб юрган вақтингдаёқ салобатинг бор эди...

— Шундай денг? — Камолова кулди-да, мактаб эшигидан кириб келаётган дечла Зуфаров томонга икки қадам ташлаб, унга қўл узатди. — Кечаси эсон-омон етиб келдингизми?

— Э, мени бўри ермиди!..

Шу пайт мактаб ичидан директор Зебо Қодирова, ўқитувчилардан Барно Йўлдошева, Раиса Петровна Дубенко ва яна бир неча киши чиқиб келишди.

— Келар экансиз, телефон қилганингизда кутиб олар эдик! — Қодирова Камоловадан ўпқаланган бўлди. — Хуш кўрдик, Ҳабиба Камоловна!

Ҳаммалари бир-бирлари билан кўришиб бўлишгач, Камолова Қодировадан сўради:

— Битирувчиларнинг нима имтиҳонлари бор? Қатнашсам дегандим.

— Ҳозир рус группасида, соат ўнда ўзбек группасида адабиётдан оғзаки имтиҳон бошланади.

— Яхши, — Камолова мактабнинг ремонтдан кейин ўтган салкам бир йил ичида шувоғи, бўёқлари кўчган, эшик-деразалари нурсизланган

биносини, бир вақтлар гулзорлари яшнаб, ариқларида сув шалдираб оқиб турадиган, энди эса қуриб, ажриқлар қоплаган ҳовлисини кўздан кечириб экан, нохуш бир кайфиятда Қодировага деди. — Қани, бошланг!

Қодирова йўл бошлади. Улар бино ичига кириб, узун йўлак бўйлаб сал юргач ўнгга бурилдилар ва хонага кирдилар. Имтиҳон бошланишини кутиб ўтирган ўқувчилар оёққа қалқди.

— Бугун адабиётдан оғзаки имтиҳон топширасизлар, — деди Дубенко ўқувчиларга ўтириш учун рухсат бериб. — Сизларни комиссия аъзолари ва кузатувчи меҳмонларимиз билан таништираман. Имтиҳонни мен билан бирга мактабимиз директори Зебо Қодировна Қодирова оладилар. Имтиҳонда район партия комитетининг секретари Ҳабиба Камоловна Камолова қатнашадилар. Уртоқ Камолова худди сиз каби шу мактабнинг рус группасини тамомлаганлар. — Дубенко йўқламани очиб, ўқувчиларни алифбе бўйича бирма-бир чақирабошлади. — Алимов Соҳиб, Дубенко Марина, Зуфарова Дилбар...

Мактаб формалари ўзларига ярашган йигит ва қизлар имтиҳон комиссиясининг столи ёнига келиб, иккитадан савол қоғозини олдилар-да, белгиланган жойларга ўтирдилар. Орадан кўп ўтмай, Дилбар ўрнидан турди.

— Мен тайёрман, мумкинми жавоб берсам?

— Марҳамат, Зуфарова! — Раиса Петровна севимли ўқувчисини имтиҳон минбарига таклиф қилди.

— Саволлар қуйидаги мазмунда, — деди Дилбар минбар олдига келиб. — Биринчиси: «Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» романида Улуғ Ватан уруши ёш қаҳрамонларининг жасорати» ва иккинчиси «Пушкиннинг «Евгений Онегин» романидаги Татьяна образи».

Дилбар биринчи саволга қисқа, лўнда ва айни вақтда батафсил жавоб берар экан, Камолова ҳаяжонланиб сўзлаётган қизга термилганича шу мактабда, шу дарсхоналарда ўтган навқирон йилларини, худди Дилбар каби имтиҳонлардан чўчимасдан, ўзига ишонган ҳолда, мароқланиб жавоб берган кунларини эслади. Жавобдан ҳамма қаноатланди. Раиса Петровна ёнидагилар билан маслаҳатлашиб, Дилбарга:

— Иккинчи саволга ўтинг! — деди.

Дилбар «Евгений Онегин»дан Татьянанинг ҳаёти ва муҳаббатига доир воқеаларни ҳикоя қилабошлаганида Камолова ундан илтимос қилиб қолди:

— Дилбар, шу асардан бир парча ўқиб бераолмайсизми?

— Марҳамат! — деди қиз ва бир оз сукут қилгач, Татьянанинг Онегинга ёзган, «Мен сизга ёзаман, иложим қанча...» деган сатрлар билан бошланадиган мактубини моҳирлик билан ўқийбошлади.

Камолова ўзининг қаерда ўтирганини, бу ерга нима учун келганини унутиб, «Мактуб...»ни сеҳрланган бир аҳволда тинглади ва Дилбар ўқишни тугатгач, беихтиёр чапак чалиб юборди. Бошқалар ҳам унга қўшилиб, шеърни шу қадар маҳорат билан ўқиб берган ўзбек қизини табриклардилар.

Имтиҳон минбарига иккинчи бўлиб Марина Дубенко чиқди. У Максим Горькийнинг «Она» романи ҳақидаги биринчи саволга жавоб бериб бўлгач, Камолова Қодированинг қулоғига:

— Энди биз чиқайлик, бошқа ишлар билан шуғулланамиз, — деди.

Улар имтиҳон хонасидан аста чиқиб кетдилар.

«Райком секретари мактабга бекорга келмагандир, — ўйлади Қодирова узун йўлак бўйлаб Камолованинг ёнида борар экан. — Домла Зуфаровнинг етиб келиши ҳам бежиз эмас...» У Камоловани ўз кабинетига бошлаётганида Ҳабиба «Ўқитувчилар хонаси» деб ёзилган эшик олдида тўхтади ва шу хонага киришини билдирди.

Дарҳақиқат, Зуфаров билан Йўлдошева узун столнинг икки ёнида юзма-юз суҳбатлашиб ўтиришарди. Камолова жойлашиб олганларидан кейин, сумкасидан ён дафтари билан қаламини олди-да, хотиржам сўз бошлади:

— Тўрттовимиз ҳам коммунистлармиз. Шунинг учун гапнинг

пўскалласини айтиб қўяқолай. Ўртоқ Қодирова, мактабдаги тартиб-сизликлар ҳақида райкомга шикоят тушди. Бу ҳақда сиз билан бафуржа суҳбат қиламан. Аммо, ҳурматли ўқитувчиларимиз Илҳом ака билан Барно опанинг арзларини биргалашиб кўриб чиқамиз. Қарши эмасмисиз?

— Нега энди... — Қодирова бир оқариб, бир қизарди-да, мужмал жавоб қилди. — Агар шундай қилиш керак бўлса...

— Керак! — Камолованинг товушида ички бир шиддат сезилди. — Аввало, ўртоқ Қодирова, сиз билан бизни шу мактабда ўқитган, ҳаммамизнинг устозимиз, чорак асрлик коммунист Илҳом Зуфаровичнинг ишдан бўшаб кетганлиги ҳеч ақлга сиғмайди. Қани, мактаб директори сифатида бунга нималар деяоласиз?

— Мен ўртоқ Зуфаровнинг ичларига кириб чиққаним йўқ, — нописандлик билан жавоб берди Қодирова. — Эшитишимча, домла «Андижонгидрострой»да «Усталар мактаби» очмоқчи эмишлар. Албатта, директорлик ўқитувчиликдан аълороқ. Балки, шунинг учун ариза бериб кетгандирлар...

— Илҳом Зуфаровичнинг ўқувчиларни юк машинасида далага олиб кетилишига қарши чиққанлиги чинми?

— Бу меҳнат тарбиясига киради. Сиз билан биз ҳам, Ҳабиба Камоловна, шу мактабда ўқиб юрганимизда ярим кунимиз далада ўтарди. Эсингизда бўлса керак?! Энди машина масаласига келсак, колхоз «интурист» эмас, «икарус»лари йўқ. Чамамда, ишдан кетиш учун домлага бир баҳона керак бўлган...

— Раис Афзаловнинг ўқувчиларни текин мардикорга айлантиргани сир эмас, — гапга аралашди Зуфаров. — У истаган вақтда болаларни дала ишларига олиб кетаверади. «Интурист», «икарус» машиналари... кулгили гаплар. Агар колхоз правлениеси мактаб дирекцияси билан биргаликда болаларга ҳунар ўргатишни олдиндан режалаштирса ва бу муҳим иш маориф тасдиқлаган пухта план асосида олиб борилса, биз, ўқитувчилар бу ишни қизғин қувватлаган бўлар эдик.

— Қайси далани қачон ўт босишини ёки қаерда қачон картошка қовланишини раис туш кўрибдимиз! — Қодирова шундай деб бобиллаб берди-ю, ўз сирини ўзи фош қилди.

— Ана сизга тасдиқ... — Зуфаров Камоловага қараб маъноли жилмайиб қўйди. — Афзалов учун ҳам, Қодирова учун ҳам болалар — текин ишчи кучи. Колхозда аҳоли зич, ишчи кучи етарли. Лекин кўпчилиги далага чиқмайди.

— Хўш, улар нима иш қилади? — қизиқиб сўради Камолова.

— Ўзи билан ўзи овора, — Зуфаров томирлари бўртиб чиққан озғин қўллари билан столга суянганча бамайлихотир жавоб берди. — Бири томорқасида, бири бозорда, бири чойхонада... Кўпчилик шаҳарга — завод, фабрикаларга кетиб қолмоқда.

Орага сукут чўкди.

Камолова ёндафтарига алланималарни қайд этгач, Қодировага қараб:

— Яна бир масала... гап жиянингиз Анвар Афзалов ҳақида боради. Географиядан бўлган имтиҳонда Анварга Барно опа «уч» баҳо қўйибдилар, сиз раис бўлган имтиҳон комиссияси уни «беш»га ўзгартирибди. Имтиҳон варақасида Йўлдошеванинг имзоси борми?

— Эсимда йўқ...

— Дилбар Зуфарова ўқиётган синфда географиядан ким дарс беради?

— Барно Йўлдошева...

— Барно опанинг фикрича, Дилбар ҳамма фанлар қатори географиядан ҳам ҳар доим «аъло» баҳолар олиб келган. Лекин, битирув имтиҳонида унга «тўрт» баҳо қўйилган. Имтиҳон комиссияси қарорига Йўлдошева ҳам даҳлдорми?

— Йўқ... Қўл қўймаган...

— Бошқа гапим йўқ, — Камолова энгил тортиб, ўрнидан турди. — Район партия комитети мақтабларга ёрдам бериш мақсадида

маориф ишини бюро мажлисида кўрмоқчи. Ҳар қачон илғор бўлиб келган Маяковский номли мактабимизнинг бу аҳволга тушиб қолиши ачинарли. — Камолова соатига қаради. — Уч минути кам ўн. Ўзбек группасида бўладиган адабиёт имтиҳонига кирайлик-чи! А, сизлар билан ўртоқ Зуфаров, ўртоқ Йўлдошева, соат бешда колхоздаги йиғилишда учрашамиз.

## Учинчи боб

Фозилмоннинг тарихини, бу ерда бўлиб ўтган ва ҳамон эл оғзидан тушмай келаётган воқеаларнинг сир-асрорини нуктадон олимларимиз ҳали очиб берганларича йўқ. Ўтган асрда Қўқон хонлиги тасарруфидаги Фарғона музофоти оромгоҳларидан бири Фозилмон бўлиб, у фақат Хонобод қишлоғининг эмас, балки Қорадаре юқори воҳасининг шуҳрати ҳисобланарди.

Эндиликда Фозилмон — Фрунзе номли колхоз марказидаги ҳамма дам олиши мумкин бўлган очиқ боғ. Албатта, колхозчилар эртаю кеч иш билан банд, уларнинг болалари ҳам кўпинча далада бўлади. Бинобарин, оромгоҳнинг қарорда ёзилмаган, қоғозга тушмаган доврўғи бор: раис дам олади, меҳмонларини кутади... Бошқалар унинг оромини бузмасликлари керак. Аммо, Андижондан Ўшга ёки Ўзгандан Жалолобод томонга ўтгувчилар, айниқса, Фозилмоннинг таърифини эшитган кишилар бу ерга қўниб, булоқ сувидан бир пиёла ичмасдан кетмайдилар. Бош тепасида Қирғизистоннинг Сўзоқ районида ўтадиган осма бетон ариқ бор. Оқ тераклару чинорлар, антиқа гулзорлару ариқларда шалдираб оқувчи сувлар салқини саратоннинг олов пурковчи ёлқинли кунларида танга ҳордиқ, жонга ҳузур бағишлайди.

Эл оғзидаги нақлларга қараганда, бу ерда тахминан икки аср муқаддам Фозил ота исмли киши яшаган. Олим, сайёҳ, табиб бўлмиш ул зотни шу пайтгача ким Фозил Фазлий, кўпчилик эса Фозилмон ота деб эслаб келади. Ҳар қалай, ўзидан шунчалик боғ қолдирган одамнинг улўф инсон бўлганлиги ҳақиқат.

Мактабдан бу ергача пиёда юриб келган, чамаси қирқ даражали иссиқда роса терлаб пишган Ҳабиба боғнинг қия очиқ дарвозасидан кириши билан анча енгил тортиб, булоқ томонга юрди. Жимжитлик. Унг томондаги узун айвонли оқ уйда ҳам, дарбоза ёнидаги кўримсизгина бинода ҳам ҳеч ким кўринмайди. «Ҳамма иш билан, — кўнглидан ўтказди Ҳабиба. — Раис ҳам далада бўлса керак».

У булоқ бошига бориб, нам майса устига чўнқайиб ўтирди ва муздай тиниқ сувдан ҳовуч-ҳовуч ичди. Наҳотки боғда ҳеч ким бўлмаса?

Йўқ, уни бир киши кўрди. У — раис Норқўзи Афзаловнинг хотини Хонзода бўлиб, сахар паллада серташвиш бир аҳволда ишга кетаётган эридан Фозилмонда кеч соат олтига йигирма кишилик дастурхон тайёрлаш ҳақида буйруқ олган эди. Бунинг учун албатта, қассоб чақириб қўй сўйдириш, нонвой айтиб нон, патир, сомса ёптириш; энг яхши ошпазни таклиф қилиш, боғбонга мева тердириш, магазинчига сарҳил ичимликлар келтиришни тайинлаш керак. Идорадан бир-икки одам келиб, хизмат қилмаса бўлмайди. Афзалов бугун келадиган меҳмонларнинг нозиклигини айтиб «Волга»сини хотинига қолдирганди-да, ўзи «ГАЗ-69» да жўнаб кетганди.

Оқ уй орқасида — кенг бостирма тагида зиёфатга ҳозирлик бошланганига тўрт соатдан ошди. Хонзода ўн бешга яқин дастёрларнинг ишидан хабар олиб, оқ уйнинг орқа эшигидан ясатиғлик хосхонага кирди. У диванга чўзилиб, ярим соатгина ором олмоқчи эди. Керишаётиб гулзор томонга қаради-ю, булоқ бошида ўтирган жувонга кўзи тушди ва дарҳол билагидаги олтин соатига қаради: икки ярим... «Меҳмонларнинг келишига ҳали тўрт соатча вақт бор эди-ку?!»

Хонзоданинг миясида йилт этиб бир фикр чақнади: «Ҳозир эримнинг олдига кирман. Камолова шу ерда. Зебонинг илтимосини унга

етказаману учовини шу ерда учраштираман: ҳамма иш битади-қўяди». У хосхонадан чиқиб, эрининг махсус хонасига оёқ учида кириб борди. Афзалов дераза олдидаги столда алланималарни ёзиб ўтирарди.

— Мумкинми, хўжайин? — Хонзода эрининг тепакал бошини юмшоқ қўллари билан аста силади. — Иш... иш... иш... Намунча? Биз бечорага ҳам жичча вақтларини берадиларми?

Афзалов қоғоздан бошини кўтарди-да, бесўнақай бурни устидан кўзойнагини олиб, хотинининг белидан қучди.

— Бир ою икки кун қолди...

— Қўйинг, эсимга солманг, — Хонзода тантиқланди. — Ҳамма мени кампирга чиқариб қўяди...

— Қирқ баҳор деймиз... Йўқ, яхшиси ёшингизни айтмаймиз. Оилавий юбилей!.. Беш юз кишига дастурхон ёзамиз. Бир тантана қилайлик...

— Раҳмат... — Хонзода эрининг сепкилли ялпоқ юзини беозоргина силади-да, оҳиста деди:

— Янгилик... Ҳабибахон боғда!

— Ҳабибахон? Қайси Ҳабибахон?

— Ҳабиба Камоловна...

Афзаловнинг қўй кўзлари катта очилиб, хотинига тикилди:

— Қачон келди? Кутиб олдингми? Нега у боғда ёлғиз ўтиради?

— Шу тобда деразадан кўриб қолдим... Кейин, нима қилишни билмай, олдингизга кирдим... — Камолованинг номини эшитиши билан эрида бундай ўзгариш рўй беришини кутмаган Хонзода то у бир қарорга келмасдан сингисининг илтимосини айтиб олишга жазм этди. — Мактабга бориб, анча нарсаларни суриштирибди. Имтиҳонларда қатнашибди... Зебо телефон қилиб, унга йўлини қилишингизни сўради.

— Ҳа-ҳа... — Афзалов тепакал бошини қашиди. — Бундоқ қиламиз... Камолова мени кўрмасин... Ҳозир орқа эшикдан чиқиб, идорага бораман. Ҳа-ҳа, ўша ердан мактабга телефон қилиб, Зебони чақиртириб оламан. Соат бешда правление мажлиси. «Биринчи» келади!.. Мен кетгач, сен боққа чиқ, Камоловани чойга таклиф қил. Қуш тилини қуш билади...

— Уқдим...

Афзалов орқа эшикдан зиёфат тайёргарлиги кўрилаётган ҳовли орқали кўчага чиқди. Учта машина: Афзаловнинг бугун хотинига бериб қўйган «Волга»си, ўзи миниб юрган «ГАЗ-69» ва Камолованинг эскирган «Газиги» турарди. Шоферлар тол тагида суҳбатлашиб ўтиришибди. У Камолованинг шоферига дуч келишини, айтиб қўйиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Анча шошиб қолди. Аммо, бўлган иш бўлганди. Бунинг устига Турдиали ҳам ариқ бўйидан чаққон туриб «Волга»нинг эшигини очди. Афзалов ўзини машина ичига олди.

— Идорага ҳайда!

Колхоз идораси Фозилмонга яқин. Зумда етиб, машина очиқ дарвозадан темир панжара билан ўралган кенг саҳнга кираётганида Афзалов шоферининг елкасидан тутди.

— Тўхта, ука, энди сен мактабга бориб, директор Қодировани олиб кел!

Турдиали кетди. Идора ҳовлиси ёғ тушса ялагудай тоза. Асфальт йўлу йўлкаларга кўлоблатиб сув сепилибди. Кун айна қизиган пайт бўлгани учун ҳаммаёқ ҳаммомнинг иссиқхонасидай буғланиб, нафасни қайтаради. Афзалов идорага кириши билан йўлакдан келаётган партком секретари Азиз Абдуллаевга дуч келди.

— Маҳмудов шаттами? — сўради у. — Маслаҳатли иш чиқиб қолди. Икковинглар киринглар.

— Маъқул.

Афзалов бўм-бўш, дим қабулхона орқали кабинетига кириб, энгил тин олди: кимдир кечагина деразага ўрнатилган кондинционерни ишлатиб қўйибди. Узун ва кенг хона озода: чанг-чунг артилган, стол атрофига юмшоқ стуллар тартибли терилган. Олма гулли чойнакка чой ҳам дамлаб қўйишибди. Ёнида бир даста пиёла. «Мажлисни шу ерда ўтказасак ҳам бўларкан, — кўнглидан кечирди раис. — Боғ дим...»



Абдуллаев билан Маҳмудов киришди.

— Одам кам бўлса, кабинетингиз маъқул, ҳар қалай салқин. — Абдуллаев тик турганча гапга оғиз очди. — Пастдаги катта хонани ҳам тозалаттириб қўйдик, бироқ стуллар эски, кўпи синик. Боққа жой қилайлик, десак, кун ҳаддан зиёд исиб кетди.

— Кўпчиликни йиғмасак бўлмайди, «биринчи» келадилар... — Афзалов катта бошини силаганча салмоқланиб гапирди. — Масала ҳам муҳим... Одамлар бу кабинетга сиғишмасов... Сиз, Азизхон, боққа жой қилдиравеинг! Биз, Маҳмудов билан ҳисоб-китобимизни кўздан кечирамиз. Қани, бош экономист, кеча бюродан қайтганимдан кейин айтган гапларимни ҳал қилдингизми?

— Ҳа, тайёр.

Маҳмудов папкасини очиб, раиснинг топшириғи билан тайёрлаган ҳужжат: колхознинг кейинги беш йилдаги иқтисодий аҳволига доир ёзувлар ва агар колхоз тугатилиб, унинг ўрнида совхоз ташкил қилинадиган, бинобарин, бўлажак Кампирравот сув иншоотининг ўнг томони — Қорадарё тепасидаги адирлар ҳам қўшиб бериладиган бўлса, янги хўжаликнинг кейинги беш йилдаги ривожига доир ҳисоб-китобларни ўз ичига олган докладномани Афзаловга узатди.

Раис кўзойнагини бурни устига қўндириб, бугун правление мажлисида ўзи қиладиган докладга асос бўладиган рақамларни бирма-бир кўздан кечиран экан, Маҳмудов ўз хаёли билан банд эди. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаб, мана, икки йилдирки, шу колхозда бош экономист бўлиб ишлапти. Бир неча кун давомида ҳеч қандай тайёргарликсиз бутун бир колхозни тугатиш, мингдан ортиқ хўжаликни қутилмаган оқимга буриш... ўзи бўладими!.. Толибжон Маҳмудов бундай воқеаларнинг областда ҳам, районда ҳам бўлиб турганидан, янги совхозлар эски колхозларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан яхши натижалар бераётганидан хабардор. У халқ хўжалигига доир жуда кўп китоб, журналларни ўқийди, иқтисодий масалаларни ўрганади. Бироқ, ёш экономистнинг бошини бошқа бир нарса қотиради. Планлари муттасил бажарилмай келаётган, давлат олдидаги қарзи миллион сўмдан ошиб кетган қолақ колхоз ўрнида ҳар жиҳатдан таъминланадиган совхознинг ташкил этилиши халқ учун яхши. Аммо, коллектив хўжаликни ривожлантириш, мустақкамлаш ўрнига бундай осон йўлдан бориш тўғри бўлармикан?! Давлатдан оларини олса-ю, қайтармаса...

Докладномада келтирилган рақамлар фақат мутахассисларнигина эмас, балки қишлоқ хўжалигидан озгина хабардор бўлган ҳар кимни ҳам ўйлатиб қўйиши турган гап. Пахта плани уч йилдан бери бажарилмайди. Демак, бу соҳа фойда бермайди. Чорвачиликдан ҳам фақат зарар кўрилади. Картошқадан олинган ҳосил уруғини ҳам қопламайди. Сабзавот, боғ, полиз, шолидан ҳам даромад жуда оз. Биргина пилла дуруст. Пул йўқлиги учун қурилиш аллақачон тўхтаган. Колхозчилар асосан томорқалари ва хусусий чорвалари ҳисобига яшайдилар. Далада меҳнат қилишни йиғиштириб, район марказида, қўшни посёлкаларда ташкил этилган саноат корхоналарига қатнаб ишловчилар тобора кўпайиб боряпти...

— Ҳаммаси тўғри, — Афзалов қоғоздан бошини кўтарди. — Анча меҳнат қилибсиз. Энди чиқиб, боғдагиларга қарашворинг.

Маҳмудов кўпдан уни ташвишлантираётган мулоҳазаларини энди рўй-рост айтишга оғиз жуфтлаган эди, кабинет эшиги очилиб, Зебохон кириб келди.

— Мумкинми, почча?

Қодировани кўрган Маҳмудовнинг гапи ичида қолди ва қалин папкасини кўтарганича хонадан чиқиб кетди. Зебо номига яраша Зебо эди. Саратон иссиғи, имтиҳонлар ташвиши, бирин-кетин туғилган олти боланинг юмушлари, оилада тез-тез можаро чиқариб турадиган рашкчи эрининг хархашлари унга заррача таъсир қилмагандай.

— Келсинлар, опоч, — Афзаловнинг чеҳраси очилиб, ўрнидан турди-да, кабинет бурчагидаги пўлат сандиқдан француз атрини олиб

Зебога узатар экан, унинг чап юзидаги қора холидан беозоргина ўйиб қўйди.

— Поччажон-ей, шўрлик опам сезиб қолса нима бўлади?..

— Жалолободга ўтувдим, курортнинг магазинидан олдим, — деди Афзалов Зебохонга бошдан-оёқ тикилиб. — Аммо-лекин зўрсиз-да...

— Анваржоннинг имтиҳонларини тўғрилаш қимматга тушадиганга ўхшайди, — деди Зебохон, ҳозир ўйин-кулгининг мавруди эмас, дегандек қовоқ уюб. — Бу ишга райком аралашди...

— Камолова денг?.. Афсуски, вақтимиз оз. Ҳозир «биринчи» келиб қолади. Камолова Фозилмонда, опангиз билан бирга... Гапнинг қисқаси, бундоқ қиласиз... Имтиҳон комиссиясининг қарорига имзо чекмаган ўқитувчилар имзо чексинлар. Агар улар рози бўлмасалар, бошқа ўқитувчиларга қўл қўйдилинг! Ўқувчиларни далада ишлатиш масаласига келсак, бу — кўпга келган тўй. — фақат сизнинг мактабингизда бўлаётгани йўқ. Хуллас, ҳамма гапни ўз зиммамга оламан. Биз у киши билан эски кадрдонмиз, опоч!..

— Поччажон, Анваржоннинг «Олтин медаль» олиши шартми? Институтга киришнинг бошқа йўллари ҳам бор-ку?!

— Шарт! Анваржон менинг ўғлим, сизнинг жиянингиз. Унинг имтиҳонларига ёрдам бераверинг, мен маориф билан сўзлашаман... Ҳар қалай Камоловадан эҳтиёт бўлинг. Ҳа, дарвоқе, бир ойу икки кун қолди опангизнинг юбилейига! Катта тўй қиламиз. Ўшанда менга яхши кўрган ўйинингизни ўйнаб берасиз... Оти нимайди?

— «Эй, санам...» — Зебо шундай деди-да, яқинлашиб келаётган поччасидан ўзини четга олди ва эшикни чаққон очиб, чиқиб кетди.

Афзалов дераза ёнига келиб, боғни, у ердаги одамларнинг ҳаракатларини кўздан кечирди. Унга яқин одам скамейкаларни ўрнатиш, стулларни териш, президиумга жой тайёрлаш, микрофон симларини тортиш, чойнак-пиёлаларни ташиш ва ҳоказо юмушлар билан банд. Бўйи дароз, елкалари кенг Абдуллаев боғ этагига тўйларда ишлатиладиган катта мис самоварни қўйишга жой кўрсатяпти. «Эси жойида, — Афзалов мамнун жилмайди. — Унга бир оғиз сўз, сал имо-ишора кифоя! Аммо, Маҳмудов...»

Шу пайт Афзалов кўча томондаги очик эшикдан боққа кириб келаётган Камоловани кўриб қолди. Ҳабиба ҳозиргина идорадан чиққан Қодировага дуч келиб, уни четроққа — ариқ бўйидаги азим туп тол тагига қўйилган сўри томонга бошлади. Улар ёнма-ён ўтириб, суҳбатга машғул бўлдилар. «Ишқилиб, лақма Зебо мен билан сўзлашганини Камоловага айтиб қўймасин-да».

Турли машина, мотоцикл, велосипедлар кўчада бирин-кетин тўхтаб, улардан тушган кишилар правление аъзолари, бўлим, бригада, ферма бошлиқлари, шу колхознинг бешигини тебратган оқсоқоллар боғга иккита-иккита, тўда-тўда бўлиб кира бошладилар. Улар орасида отлик ҳам кўринди. «Девонов... Мажлисга айтилса-айтилмаса келади».

Афзалов раисликни бундан ўн саккиз йил аввал шу донгдор отахондан қабул қилиб олган. Умархон Девонов у вақтда ёши олтмишдан ошган, 38-40 центнердан муттасил пахта ҳосили етиштириб, эл оғзига тушган, қатор орден, медалларга эга бўлган раис эди. Аммо, ўша йили отдан йиқилиб, бели синди-ю, узоқ ётиб қолди. Унинг касали Норхўжанинг институтни битириб, Ташкентдан кишлоғига қайтишига тўғри келди. Афзаловни аввал бош агроном қилиб тайинладилар. Девонов оёққа турабермагач, унинг ўрнига раис қилиб сайладилар. Кейинчалик Девонов тузалиб кетдигина эмас, ишни ҳам бошлаб юборди: олдин ҳосилот, кейин бригадир бўлди. Бироқ ҳамма дардни енгса бўлар экан, кексалик кишини доғда қолдираркан...

Соат бешларда Афзалов Узоқовни кутиб олиш учун идорадан чиқди. Камолова ариқ бўйидаги сўрида ўтирарди. Раисни кўрган Абдуллаев стул кўтарганча чопқиллаб етиб келди.

— Азиз Абдуллаевич, кетманг, — деди Камолова. — Қани, ўтирайлик, суҳбатлашиб оламиз.

— Карим Узоқович келишлари керак эди... — Афзалов кўча томонга олазарақ қаради.

— Мен келдим!.. — Камолованинг бу сўзлари раисни стулга ўтиришга мажбур қилди. — Маяковский номли мактаб ишидаги тартибсизликлар ҳақида район партия комитетига кетма-кет аризалар тушиб турибди. Бу аризаларда сизнинг, ўртоқ Афзалов, мактабда ўқиш-ўқитиш ишларини издан чиқараётганингиз ҳақида ёзилади. Ўртоқ Қодирова билан суҳбатлашсам, гўё мактаб коммунистлари, кекса ўқитувчилар ноҳақ-у, у киши ҳақмиш...

Қодирова сўридан базўр туриб, одамлар тўпланиб турган дарахтзор томонга йўл олиши билан ташқарида Узоқовнинг «Волга»си кўринди. Афзалов билан Абдуллаев дик этиб ўринларидан турдилар. Бўйи баланд, қотмадан келган Узоқов машинадан тушиб, унга пешвоз чиққанлар билан сўрашди-да, нарида ўзи томон келаётган Камоловани кўриб тўхтади.

— Менимча, аҳволни жиддийроқ ўрганишимиз ва бюрода кўришимиз керак. — Камолова Узоқовга ўйчан қаради. — Бу ерда содир бўлган хатолар бошқа мактабларда ҳам бўлиши мумкин. Хуллас, масала пишиб етилган. Мен мажлисга қолайми?

— Албатта! Сўзга ҳам чиқинг. Менга айтган фикрларингизни халққа ҳам айтинг: то комиссия текшириш бошлагунча колхоз ва мактаб раҳбарлари мавжуд нуқсонларни қисман бўлса ҳам тузатсинлар.

— Яхши, Карим Узоқович.

Узоқов энди Афзаловга юзланди:

— Бюрода кўрилган масалани халққа айтамыз. Тайёрмисиз? Мен аниқ иқтисодий кўрсаткичлар назарда тутилган ҳолда тузилган докладни назарда тутяпман.

— Хотиржам бўлинг, — дадил жавоб берди. — Бош экономист Маҳмудов, партком секретари Абдуллаев — учаламиз докладни сиз айтгандай тузиб чиқдик.

— Сўзга чиқувчилар-чи?

— Тайёр... — Афзалов ўтинч билан Узоқовга қаради. — Фақат Умархон ота Девонов сўзламаса... У киши ҳар ерда ҳар хил гапларни алжиб юрганмиш.

— Шунинг учун ҳам сўзласин! Ҳа, дарвоқе, — Узоқов бир оз ўйлаб тургач қатъий таъкидлади. — Девоновни президиумга ҳам таклиф қилиш керак. Ахир, Норхўжа Афзалович, Умархон ота пахтачиликда сиз билан бизнинг устозимиз-а!..

— Шундай...

Президиумга сайланганлар орасида Умархон отанинг бўлиши ҳаммани қувонтирган бўлса ҳам, айна вақтда ҳайратлантирди. Девонов отани колхоз раҳбарлари аллақачон унутган, агар у йиғинларни тасодифан эшитиб қолиб, ўз ихтиёри билан келмаса, Афзалов уни таклиф қилмаслигини яхши билишар ва буни табиий бир хол деб кўникаб кетишган эди. Дарвоқе, кунни кун, тунни тун демай: «Ҳой, Афзалов, учинчи бригадада ғўза сувдан қолибди», «еттинчи бригадада ғўзани ўт босибди», «боғни дарров дорилла, узумни кул босяпти» — деб тинчлик бермайдиган эзма чолни раис ёқтирармиди!

Президиум учун усталар тун бўйи ишлаб, тахтадан ясаган баланд сўрининг нарвонидан Камолова Девонов отани суяб чиқараётганида дарахтзорда аввал шивир-шивир бошланди, кейин одамлар бирдан қарсак чалиб юбордилар. Девонов, албатта, бу қарсак ўз шаънига бўлаётганини билмасдан қаддини ғоз тутганча биринчи қаторга, Камолованинг ёнидаги стулга жимгина ўтирди. Июнь ойининг охири, ўта иссиқ кун бўлишига қарамай Умархон ота Андижон оқсоқолларининг одатича қордай оқ яқтак устидан юпқа қавима чопон кийган, бошида чуст дўппи, баланд пошналар ағдарма битов кўн этикда эди.

Ҳамма жой-жойига ўтириб бўлгач, Абдуллаев микрофонга яқинлашиб, кун тартибидаги битта масала: «Кампирравот сув омбори қурилиши муносабати билан Фрунзе номли колхоз олдида турган вазифалар» ҳақида доклад қилиш учун раисга сўз берди:

— Масаланинг туб моҳиятини, албатта, Каримжон Узоқович ўз сўзларида ёритиб бердилар, — деди Афзалов минбарга чиқиб. — Мен колхоз экономикасига доир фактларни келтирмоқчиман...

Афзаловнинг докладида келтирилган рақамлардан хўжаликнинг пилладан бошқа ҳамма тармоқлари даромад бермай қўйганлиги аниқ кўриниб турарди. Раис мамнуният билан колхоз тугатилса давлат унинг йиғилиб қолган миллион сўмга яқин қарзидан кечишини, қурилишлар давлат ҳисобидан бўлишини, ишчилар белгиланган маош олишларини айтди.

— Жичча сўзласак мумкинми? — Абдуллаевнинг рухсат беришини кутиб ҳам ўтирмай Девонов ўрнидан турди. — Бир қоп пуч ёнғоқнинг шақир-шуқурини эшитдик... Агар сигир қисир қолса дарҳол бунинг чораси кўрилади: ё бузоқ олиш ҳаракатига тушилади, ёки сўқимга боқиб, гўштга топширилади. Бизнинг ерларимиз ҳам қисир қолди. Уни соғяпмиз-у, аммо боқмаяпмиз. Дарахтни олинг. Ана, Барнохон ўтирибдилар. Бу қизимизнинг ҳовлисида мироббоши дадаси экиб кетган бир туп қизил, бир туп сариқ гилос бор. Иккови салкам бир тонна ҳосил беради. Бу уч минг сўлкавой деган гап! Колхоз боғидаги дарахтлардан фақат уч-тўрт килодан мева олинади. Ё бу ерда ўғирлик бор, ё бунақа қисир дарахтларни қўпориб ташлаб, ўрнига серҳосил ниҳоллардан экиш керак. Асосий экинларимиздан картошкага келайлик. Бултур колхоз юз тонна уруғлик экиб, саксон тонна картошка олди. Савол туғилади: ким қисир? Ер қисирми, ёки раис қисирми?...

Атрофни чапак, қаҳқаҳалар босди. Бир оқариб, бир қизариб ўтирган Афзалов чолнинг «попугини пасайтириб қўйиш» учун дарҳол ўрнидан турмоқчи бўлган эди, Узоқов унинг елкасидан босди. Сўзга чиққан бош экономист Маҳмудов Девонов отанинг фикрига қўшилган ҳолда колхоз хўжалигини пухта план асосида тубдан қайта қуриш зарурлигини айтди.

— Сўз Илҳом Зуфаровичга!

Зуфаров скамейкалар орасидан тез юриб, минбарга чиқди-да, қисқа йўталиб олди-да, гапнинг пўскалласини айтақолди:

— Яхши гаплар айтилди... Ҳозирги замонда ўқиш, ўрганиш керак. Бизга кўплаб тракторчилар, монёрлар, иморатсоз усталар, сувчилар, хуллас, мутахассислар зарур. Фрунзе колхозимизда касб эгалари аҳолининг ўн процентини ҳам ташкил қилмайди. Яқинда Кампирравот дарасида улкан сув омбори ва ГЭС қурилиши бошланади. Бунинг ўзи бўлмайди. «Усталар мактаби» очиш даркор. Унда ёшлар ҳунар ўргансинлар. Мен сиздан, ўртоқ Узоқов, шу масалани ҳал этиб беришингизни илтимос қиламан.

Домла Зуфаров минбардан тушиб, ўз жойига бориб ўтиргач, Абдуллаев Камоловага сўз берди. Ҳабиба ўз нутқини муаллими Илҳом Зуфаровичнинг таклифини қувватлашдан бошлаб, Маяковский номли мактаб аҳволига тўхталаркан, бундай деди:

— Мактаб — билим маскани, маърифат нурхонаси. Ўқитувчи — энг мўтабар сиймо. Биз Маяковский номли мактабимиз, унинг Зуфаров, Дубенко, Йўлдошева каби муаллимлари билан фахрланамиз. Мен бугун мактабнинг аҳволини кўриб қаттиқ изтироб чекдим. Бир вақтдаги боғ қуриб, янтоқзорга айланибди. Бино ҳам, деворлар ҳам нураб, тўкилаёзибди. Ўқиш — тарбия ишлари издан чиққан. Ҳатто битирув имтиҳонларини ўтказишда ҳам хатоларга йўл қўйилляпти. Ўқувчилар ўртоқ Афзаловнинг фармони билан вақт-бевақт исталган юмушга солинадиган ишчи кучига айлантирилган. Хуллас, бу мактабда илгариги жозиба, тароват йўқ. Район партия комитети мактабларнинг аҳволини текшириш ва уларга ёрдам бериш учун комиссия тузишга қарор берди!..

Узоқовга сўз берилди. Доклад ва музокараларда билдирилган фикрларни ёндафтарига батафсил ёзиб ўтирган Карим Узоқович ўйчан бир аҳволда минбарга кўтарилди-да, ўтирганларга мамнун кўз ташлади.

— Катта воқеалар арафасида турибмиз, — деди у. — Андижон областини сув билан тўла таъминлашга мўлжалланган Кампирравот иншоотининг қурилиши янги беш йиллик плани лойиҳасига киритилди.

Хабарингиз бор: инженер Жуков икки йилдан буён шу ерда. Лойиҳа асосан тайёр. Биз яқиндан ёрдам кўрсатаётган Илҳом Зуфаровичдан, отахонимиз Девоновдан, ҳамма мироблардан миннатдоримиз. Бугунги мажлисда билдирилган фикрларга келсак, уларда ўқиш, ҳунар ўрганиш, олий инсоний фазилатлар: поклик, ҳалоллик каби муҳим масалалар ўртага ташланди. Бола бошидан, деганларидай, янги жамият ижодкори бўлган совет граждани болалигидан икки масканда — оилада ва мактабда таълим-тарбия олиб вояга етади. Биз ўртоқ Камоловнинг мактаб-маориф ишларига ёрдам бериш учун райком комиссиясини тузиш ҳақидаги таклифини қувватлаймиз ва ўртоқ Зуфаровнинг «Усталар мактаби» очиш ҳақидаги мулоҳазаларини атрофлича кўриб чиқиб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Энди колхознинг иқтисодий аҳволи масаласига келсак, бу масала бизни астойдил ташвишлантираяпти. Шу сабабдан райком бу масала билан чуқур шуғулланиб, албатта, бир қарорга келади.

Район партия комитети ва ижроком бўлажак иншоот атрофида бешта сабзавотчилик, шолиторлик, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик совхозлари ташкил этишни планлаштиряпти. Эҳтимол, сизнинг колхозингиз ҳам шу совхозлардан бирига қўшилар. Биз бу масалани яқин кунларда ҳал қиламиз. Бу ишларнинг ҳаммасини сиз билан биз партиямиз раҳнамолигида, қардош халқлар кўмагида бажарамиз. Билим, ҳунар, ижодий кашфиётлар, мардлик, мислсиз жасорат керак бўлади бу тарихий ишда. Биз ўзимизни ана шу улуғвор вазифани бажаришга тайёрлашимиз даркор.

Узоқовнинг сўзларидан одамларнинг кўнгли кўтарилган, чеҳралари ёришган, баъзи бировлар ўзаро гина-кудуратларини ҳам унутгандай эдилар. Абдуллаев мажлисни ёпиқ деб эълон қилгач, Афзалов президиумдан тушиб келаётган Узоқовнинг қулоғига шивирлади:

— Фозилмонга жой қиғанмиз...

Узоқов ундан терс ўгирилиб, Камоловага қаради-да, уни машинасига таклиф этди. Улар орқа ўриндиққа жойлашиб, йўлга тушар эканлар бир неча дақиқа жим қолдилар. Машина Хонобод гузаридан ўтгач, Узоқов ҳамроҳидан сўради:

— Ҳабиба Камоловна, мажлисдан олган таассуротларингиз қалай?

Қип-қизил уфққа ўйчан тикилиб бораётган Камолова мамнун кулимсираб деди:

— Ҳаёт мураккаб...

## Тўртинчи боб

Обиджон Дилбарни дарё бўйида кутяпти. Қуёш рўпарадаги тоғ чўққиларига илинибгина турибди. Ёнбағирларни қалин ўт қоплаган. Лолақизғалдоқлар лов-лов ёнади... Бу ажиб манзара энг лоқайд одамнинг ҳам нигоҳини ўзига тортади. Обиджон унақа лоқайдлардан эмас. У — Қорадарё фарзанди.

Дилбар — ҳамқишлоғи. Илҳом аканинг тўнғичи, етти қизнинг етуғи. Ўзининг айтишича, мироблар томонидан тан олинган ўжар табиатли муаллимнинг омади юришмади: у ўғил кўрмади. Мироблик касби — оғир касб. Бу касбни фақат эркаклар, эркакларнинг ман-ман деганлари эгаллаган. Қорадарё билан олишмоқ учун майдонга тушишга ҳар ким ҳам журъат этаолмайди. Демак, Илҳом аканинг ота касби ўзи билан тугайди — қизларидан мироб чиқмайди.

Илҳом аканинг ёр-дўстлари, шогирдлари шундай деб ўйлардилар. Шу кунларда Тошкентдан Кампирравотга келиб, Қорадарё бўйида иш олиб бораётган экспедицияда пармаловчи бўлиб ишлаётган Обиджон ҳам шундай деб ўйлайди. Қорадарё билан беллашиш — қиз боланинг иши эмас. Айниқса, Дилбар каби нозикниҳол қизалоққа йўл бўлсин! Бундай қизлар мактабда муаллима ёки боғчада мураббия бўлишга, оилада эса эрига вафоли ёр ва болаларига меҳрибон она бўлишга яратилган.

Обиджон Дилбарни кўпдан кўз остига олиб қўйган. Қиздан уч ёш катта бўлган Обиджон ўрта мактабни битириши биланоқ армияга

чақирилди. У Қозоғистонда ҳарбий хизматда юрар экан, тушида Дилбарни Қорадарё соҳилида, қип-қизил қизғалдоқлар бағрида чопқиллаб юрган аҳволда кўрарди. Укаси Одилжон уни қишлоқ янгиликларидан, айниқса, Дилбарнинг юриш-туришидан хабардор қилиб турди.

Умр — елдириим. Уч йил ҳа-ҳу дегунча ўтиб кетди. Обиджон армия хизматидан бўшаб, қишлоғига қайтиб келди. Илҳом аканинг Кампирравотнинг қоқ киндигига жойлашган чорбоғи атрофида унинг парвонадек айланиб қолганини табиий бир ҳол деб тушунмоқ керак. Лекин, ҳамон ҳарбий формасини ечмаган сержант йигитнинг ҳатти-ҳаракатлари беҳуда: излаган юлдузи ундан нечундир четлаб ўтарди... Бир ёғи тирикчиликни ўйлаши ҳам керак. Онаси тинимсиз меҳнат қилса ҳам топганлари рўзғорни қопламайди. Колхоз Афзалов сингари юлғичлар туфайли соясига суяниб қолган. Одилжондан-ку, ҳозирча фойда йўқ: мактабни битиряпти.

Ҳарбий хизмат аълочиси, партия аъзоси Обиджон Кампирравот дарасини текшираётган экспедиция ташкилотига бурғучи сифатида ишга кирди. Энди унинг қўли ишда-ю, кўзи йўлда эди.

Оқшом... Қуёш тоғ ортига ўтган. Обиджон экспедиция аъзоларининг асбоб-ускуналарини йиғиштирмоқда. Кутилмаганда узоқда қора кўринди. Дилбар!... У қўлидаги юкни ерга қўйди-ю, ўша томонга қараб қотиб қолди.

— Ҳа, Обиджон, — экспедиция бошлиғи Жуков йигитга ҳайратланиб қаради. — Нега рангинг оқариб кетди? Тобинг жойидами?

— Жойида... Ҳа, ҳа, жойида... — Обиджон дудукланди. — Кечирасиз, Сергей Николаевич, менга рухсатми?

Жуков соҳил бўйлаб чопқиллаб кетаётган қизни кўрди-ю, мийиғида кулиб қўйди.

— Бор, борақол шоввоз!..

— Салом, аскар ака! — Дилбар осмондан тушгандек ёнида пайдо бўлган йигитга кулимсираб қўл узатди. — Соғ-омон келдингизми?

— Раҳмат, келдим...

— Нима иш қияпсиз?

— Бурғучи — пармаловчиман...

— Сергей Николаевич Жуковнинг экспедициясидами?

— Ҳа.

— Улар етти киши экан, икки аёл ҳам бор. Дадам билан суҳбатлашиб туришади. Анов куни бизникида меҳмон бўлишди. — Дилбар шундай деди-да, соҳилдаги чодир ёнидаги қумғон қайнатаётган дадасига кўзи тушиб, таққа тўхтади. — Обиджон ака, илтимос, шу ерда қолинг. Мен сиз билан учрашганимдан хурсандман...

Қиз кетди. «Хурсанд, хурсанд... — кўнглидан ўтказди Обиджон. — Атроф мунчалар гўзал-а!» У оёқ босишга мажолсиз эди.

Дилбар математикадан имтиҳонга тайёрланиш мақсадида эрталаб соат олтиларда ўрнидан туриб, қатор ухлаётган сингилларини уйғотиб юбормаслик учун уларнинг оёқ томонидан аста ўтди-да, ариқда юз-қўлини ювди. Қушлар аллақачон уйғонган. Тинимсиз чуғурлашмоқда. У токчадаги дарсликларини олаётганда уй эшиги очилиб, Қумри опа кўринди.

— Ҳа, қизим, нима ҳаракат?

— Дарс қилмоқчиман, — Дилбар онасидан ҳол-аҳвол сўради. — Кеча бошингиз оғриётган эди. Энди тузукми?

— Тузук... — Қумри опа ҳусни кун сайин очилиб бораётган қизига мамнун тикилди. — Имтиҳонларинг нечта қолди?

— Иккита. Дадам келдиларми?

— Йўқ. «Домла Жуковнинг чодирда тунайман», деб Обиджондан айтиб юборибди.

Дилбар, «Сиз қолинг» деган бир оғиз сўзига тил, оёғи боғланиб, туриб қолган Обиджоннинг қиёфасини кўз олдига келтирар экан, ширингина энтикди. «Яхши йигит...»

— Маринаникида дарс қилмоқчи эдим, — ўйчан сўради у. — Борсам майлими, бувижон?

— Майли, борақол.

Дилбар ариқ бўйлаб кетган йўлкада гузар томон чопқиллаб борар экан, Тополино маҳалласида турувчи Маринани, уни ҳар доим қувонч билан кутиб оладиган Дубенколарни эслаб, «ажойиб одамлар!» деб жилмайиб кўйди. У мактаб биносига яқинлашганида тракторнинг тариллашини эшитиб, ҳайрон бўлди. «Азонда нима иш қилишяпти?» Қиз ўша томонга бурилди. Анваржон билан Одилжон «Белорусь» тракторида ер ҳайдашмоқда.

— Ҳорманглар!

— Тантанали битирув кечамизга тайёргарлик! — деди мағрур бир қиёфада Анваржон.

— Ҳаммаёқни гулзор қиламиз. Гул кўчатларини ҳам гаплашиб кўйдим.

— Саратонда кўчат тутармикан?

— Тутади. Тутмаса мажбур қиламиз.

— Мақсадингизга етинг!

Дилбар шундай дея йўлга тушган эди, Анваржон Одилжоннинг қулоғига нималарнидир шивирлаб, унга эргашди.

— Йўл бўлсин, Дилбархон?

— Математикадан имтиҳонга Марина билан тайёрланмоқчимиз.

— Сиз ўзбек группасидасиз-ку?

— Математиканинг тили битта: рақамлар...

— Билмадим...

Анваржон орқасига шер сурати ёпиштирилган қизил тамғали оқ жинси шим, пушти ранг финка, оёғига тўқима чармдан тикилган бежирим туфли кийиб олганди. Сочи қулоқлари орқасини тутган. Дилбар бўйчан қиз бўлса ҳам ундан бир қарич паст кўринарди. Улар қишлоқдан чиқиб, темир йўлдан ўтдилар ва чапга бурилиб, адир томонга кетдилар. Қорадарё тепасида ҳаво салқин. Ғир-ғир эсаётган шабада димоққа аллақандай гул атрини келтириб урди. Атрофда гулзор йўқ, адирлардаги лолалар қовжираган. Қандай гул бўлди экан?

— Анови гулларни қаранг! — деди беихтиёр кўнглига қувонч тўлган Дилбар ҳамроҳига. — Биласизми, у гулларнинг номи нима?

Анваржон бунақа гулларни адирларда кўп кўрган бўлса ҳам эътибор бермаган, номи нималигини ҳам билмасди. Шу сабабдан эътиборсизлик билан елка қисди.

— Бир ўт-да!..

— Бу — гулхайри! Табиатнинг асл фарзанди. Бекорга «Гулхайри» дейишмаган. У инсонларга яхшилик, хайр, хушнуд кайфият, хушбахтлик бағишлайди...

Улар ярим соатча йўл юришгач, Умархон отанинг чорбоғи олдидан чиқишди.

— Таажжуб... — Дилбар тўхтаб, сув босиб ётган полизга тикилиб қолди. — Умархон ота қовун-тарвузини сугориш учун сув очибди-ю, қаёққадир кетибди...

Дилбар туфлисини ечиб, суви ҳайқириб оқаётган ариқ бўйига чопқиллаб тушди-да, уни бўғишга киришди. Анваржон ҳам кўмаклашди.

— Чол ҳам кўринмайди, кампири ҳам йўқ, — деди Анваржон бир уй, бир айвонли пастак иморатга кўз ташлаб. — Чол отини миниб қаёққадир кетганга ўхшайди, кампири сигир-бузоқларини боқиб юрган бўлса керак. Юринг, Дилбархон, дарс қиламиз.

Дилбар айвонга чаққон чиқиб, хонтахтанинг юқори томонига ўтирди ва рўбарўсидаги манзарага тикилганча жим қолди. Ям-яшил пистазорлар кўзга ташланади, пишқириб оқаётган Қорадарёнинг шовқини эшитилиб турарди. Йигит қиз қаршисига тиз тўкиб, сўради:

— Нимани ўйлаб қолдингиз?

— Икки дара оралиғи — бўлажак сув омборининг ўрни. Шу ҳавза ҳажмини ҳисоблаб беринг-чи?

— Бу савол дарсликда йўқ.

— Дарслик?! Биз уни ҳаётга татбиқ эта олишимиз керак. Савол

бошланғич арифметика ҳисобига алоқадор. Нахотки, шуни билмасангиз?  
— Мени калака қилманг, — Анваржон Дилбар узатган қоғоз билан қаламни бир четга суриб қўйди-да, унинг билагидан ушлади. — Дарсни қўятурайлик! Мен сиз билан холи кўришишни анчадан буён орзу қилардим...

— Қўлингизни тортинг!

— Ишонинг, ниятим холис! — Анваржон хонтахтани муштлаб ўрнидан турди. — Мен сизни севаман! Ҳа, жонимдан ортиқ кўраман! Ота-онам бундан хабардор. Улар рози: мактабни тамомлаганимиздан кейин сизникига совчиликка боришмоқчи, тўй қилишмоқчи. Кейин, дадам иккимизни Тошкентга юборади, уй олиб беради. Институтга кириб, бирга ўқиймиз.

Дилбар индамади. Анваржоннинг сўзлари уни бевақт ёққан дўлдай эсанкиратиб қўйганди. Ниҳоят, қулоғига қистирилган гулхайрини қўлига олди-да, унга тикилганча деди:

— Биз бошқа-бошқа одамлармиз...

Анваржон кутилмаганда Дилбарнинг елкаларидан ушлаб, бағрига босмоқчи бўлди. Қиз кўкракларининг тафтини сезди ҳам... Бироқ унинг қичқириви, кимнингдир шарпасини кўриб кучоғидан бўшатди.

— Номард, эргашиб юрган сенмидинг?!

Одилжон индамади. Лекин Анваржоннинг ўнг юзига шундай тарсаки туширдик, у гандираклаб булоқ бўйидаги харсанг тошга ўтириб қолди. Шу пайт полиз этагидан Дилбарнинг:

— Одилжон, ёрдам беринг! — деган овози эшитилди.

Одилжон, талмовсираб турган Анваржон, ҳушларини йиғиб олдилар-да, югургилашиб Дилбарнинг олдига бордилар. Умархон ота билан кампири Қизлархон бувини кимлардир наमतга ўраб, ташлаб кетибди.

— Афзалов, Қорабағишга чопинг, милиция билан «Тез ёрдам»га хабар қилинг!

У Дилбарнинг ундови билан Умархон отанинг уйи ёнидан ўтган йўлдан чопқиллаганча кетди. Чандилган наमतдан бўшатишган ота билан Қизлархон буви енгил нафас олар, ҳозиргина бўлиб ўтган муҳаббат можароси ҳам унутилгандек эди.

## Бешинчи боб

Обиджон бўлажак тўғон лойиҳасини тайёрлаётган инженер Жуков бошчилигидаги экспедицияда тонг отгандан қош қорайгунча тинимсиз меҳнат қилар, ўз вазифаси — парма-ловчиликдан ташқари нимаики иш топилса ҳаммасини елиб-югуриб бажарарди. Гарчанд Дилбар ўз ошиқи зорига назарида парво қилмаётган, аксинча, ҳар хил баҳоналар билан ўзини ундан атайлаб олиб қочаётган бўлса ҳам, Обиджон Қорадарёдай асов бу қизнинг хонадонига яқинлашганидан беҳад хурсанд эди.

Саратоннинг иссиқ кунлари бошланди.

Обиджон оқшом мироб домлани қумғон қайнатаётган пайтда учратди. Ясама тош ўчоқда шох-шабба чирсиллаб ёнаяпти. Намат устига ёзилган дастурхонда иккита нон, олтиндай сап-сариқ ўрик ва сочиққа ўралган товоқ турибди. Обиджон ўзи олиб келган иккита балиқ консерваси ва бошқа егуликларни дастурхонга қўйиб, вишиллаб қайнай бошлаган қумғон ёнида чўққайиб ўтирган мироб домлага қўл узатди.

— Қалай, соғ-омонмисиз, ота?

— Дуруст. Узинг яхши юрибсанми, аскар йигит? Ишларинг жойида-ми? — Обиджоннинг дастурхонга назар ташлаётганини пайқаб, изоҳ берган бўлди. — Дилбар бояроқ келди-ю, ташлаб кетди. Биров қувгандай шошади: имтиҳон кетидан, имтиҳон, дейди. Э, ўқишлар ҳам оғирлашиб кетди!..

— Бунга сабаб нима?

— Ман санга айтсам, юзсизлик, қаллоблик сабаб! — зарда билан



жавоб берди Илҳом ака. — Колхозимиз раиси Афзаловни назарда тутяпман. У кўкламдан кеч кузгача ўқувчиларни далага чиқаради: ўтоқ, ягана, чилпиш, терим... Хўш, шу аҳволда ўқиш-ўқиш бўладими? Уқишни фойдали иш, хунар ўргатиш билан қўшиб олиб бориш тарафдориман. Аммо, мактаб ўқвчиларини ишчи кучига айлантириш эмас-да!

— Ҳа, раисимиз ҳеч кимни писанд қилмай қўйган деб эшитаман. Илҳом ака йигитнинг юзига ўйчан тикилганча индамади.

Обиджон Дилбарни бугун ҳам кўролмади. Унинг мироб чодирда, деярли ҳар куни бўлишини билган қиз ров келган-у, ров кетган. «Бунча ўзини олиб қочмасан!»

— Қани, қумғонга қуруқ чой ташла, — мироб ўрнидан туриб дастурхон ёнига ўтди-да, ўроғлик товоқнинг юзини очди. — Бай-бай, заб паловхонтўра бўлибди-да! Эшитганмисан, йигит, нима деганлар:

**Бир кунинг қолгунча палов е!**  
**Бир пулинг қолгунча палов е!..**

Обиджон ошдан олар экан, камтар, нақлу ҳикмат айтишда суяги йўқ миробга зимдан кўз ташлади. Ёши эллик бешларга борган, сийрак сочи ярим оқарган, боқишлари жиддий...

— Талаб ошиб боряпти, — деди Илҳом ака, қўлларини сочиққа артиб. — Чунончи, Кампирравот тўғонини олайлик. Ана, бетон девор дарёни тўсиб, сувни Андижонсой, Шаҳрихонсой, Савайсой, Қирғизариқ ва Қорадарёнинг эски ўзанига бўлиб беряпти. То мана шу тўғон қурилмагунча тошқин хавфи кучайса беш минг одам, икки юз мироб, дову дастгоҳи билан юрак ҳовучлаб турарди. Мана энди сал тиңчидик. Аммо, ўзил-кесил тинчишимизга ҳали бор. Улкан тўғон қурилишини бошлаб юбориш пайти келди. Хўш, йигит, бошлиғинг нима дейди? Улар қанақа лойиҳа тузишяпти?

— Айтишларича, улкан тўғон қурилиши билан Кампирравотда денгиз ҳосил бўлармиш, — деди Обиджон. — Лойиҳа ҳам тайёр экан, аммо унга ҳамон ўзгартишлар киритиляпти.

— Эшитдим, — Илҳом ака соқол қоплаган иягини силаб, бетон тўғон деворига урилаётган дарё сувига ўйчан тикилди. — Ҳа, катта ишлар бошланяпти. Бирок, бу режалар осмондан тушаётгани йўқ, аскар йигит! Булар — халқимизнинг қадим-қадимдан юрагини ёндириб келаётган орзу-умидлари!.. Успирич чоғимдаги бир воқеа ҳамон ёдимда. Бундан қирқ йил аввал Кампирравотга Йўлдош Охунбобоев келдилар. Ушанда Ота Қорадарёга сепоя ташлаётган миробларни йиғиб, «яқин вақтларда бу азоб-уқубатлардан қутуласиз, биродарлар!» деган эдилар. Мана, тўғон қурилди, мироблар иши анча енгиллашди...

Яна бир учрашув шундоққина кўз олдимда турибди. Уч йилча муқаддам районимизга обкомимиз секретари Исматов келдилар. Охунбобоев отанинг шоғирди бўлган бу киши Қорадарёнинг иккала қирғоғини кўздан кечириб, мавжуд тўғонлардан чамамда кўнгиллари тўлмади. Кейин: «Қорадарёга темир-бетон қурилади, бу ерда улкан сув омбори ҳосил бўлади!..» дедилар. Қарабсанки, амалга ошадиган пайт келди. Хўш, менга айтчи, аскар йигит, буюк орзулар, тенгсиз лойиҳалар кимнинг қўли билан амалга оширилади?

— Одамларнинг, халқнинг!

— Баракалла! — Мироб домла йигитнинг елкасига қоқиб қўйди. — Билимли, хунарли халқгина улуғ режаларни рўёбга чиқара олади. Мен қизларимни бекорга рус мактабида ўқитаётганим йўқ. Сен буни биласанми, аскар бола!

— Эшитганман, — деди Обиджон унинг дил дафтарини оча бошлаганидан умидвор бўлиб. — Дилбарни ҳам еттинчи синфдан рус группасига ўтказибсиз.

— Шундоқ қилдим, — Илҳом ака тоғ ўрқачларига, ярим қорамтир осмоннинг у ер-бу ерига сочилган юлдузларга тикилиб, хаёлан орзу денгизида суза бошлади. — Анови юлдузларга қарагин-а! Улар осмон юлдузлари. Билсанг етти қизим: Дилбар, Хулкар, Мўътабар, Санобар,

Муаттар, Муяссар, Мукамбар — менинг ердаги юлдузларим. Мен ҳар бирининг бахти чарақлаб туришини истайман. Хўш, қачон чарақлайди уларнинг бахти? Қачонки, оқила, олима, фозила бўлсалар! Улар рус тилини эгалласалар, икки тил соҳиббаси бўладилар. Рус тили — Ленин тили, аскар йигит! Етти қизим етти касб эгаси бўлишини хоҳлайман. Яна ихтиёрлари ўзларида. Дилбар сув инженери бўлмоқчи. Айни муддао — ота касби. Балки, Ҳулкар бинокор, Мўътабар муаллима бўлар. Балки...

— Дилбар қаерда ўқимоқчи?

— Тошкентда. Аммо, кириш имтиҳонларидан пича чўцияпти. — Илҳом ака ташвишланиб сўзлади. — Ҳали айтганимиздай талаб қаттиқ. Буёқда институтларга киришда ошна-оғайнигарчиликлар ҳам йўқ эмас.

«Дилбар ўжар қиз, мақсадига албатта эришади, — ўйлади Обиджон. — Хўш, ўзим институтга кира оламанми? Армия хизматини ўтаб келганларга имтиёз ҳам бор... Йўқ, тайёр эмасман, ўрта мактабда олган билимимнинг кўп қисми ёдимдан кўтарилган. Буни тиклаш учун вақт керак. Ярим йил, бир йил... Дилбар-чи? У имтиҳонларга тайёр. Сабаби, синчков, тиришқоқ...»

— Дилбардан хотиржам бўлинг, у имтиҳонлардан аъло баҳо олади!

Обиджоннинг ишонч билан айтган сўзларини эшитган Илҳом ака нечундир мийғида жилмайиб қўйди. Олисда, тоғ ўрқачлари қошида ҳиллол кўринди. Кампирравот дараси ойдинлашиб, Қорадарё сатҳида қумуш мавжлар жавлон ура бошлади. Шамол турди.

Иигит қўл соатини ой ёғдусига тутди: чорак кам ўн бир.

— Домла, уйга борасизми?

— Бу кеча навбатчиман, чодирда тунайман. — Илҳом ака Обиджонга қаради. — Узинг-чи? Сен ҳам уйга бормай қўяқол. Буёғи бозор — яқшанба. Эртага Тополино қишлоғида, Шаҳрихонсой бўйида мироблар йиғилиши бўлади, бирга борамиз. Нима дейсан?

— Бўпти! Отахонлар суҳбатидан баҳраманд бўламан.

— Унда, қумғоннинг тагига ўт қўй, чой ичиб, бафуржа суҳбатлашамиз.

Мироб чодирдан ўрин-кўрпа олиб чиқиб, иккисига ёнма-ён жой ҳозирлади. Обиджон қумғонни осиб, чой қайнатди. Кампирравот дараси ой шуъласида ёришган, соҳилдаги қуму тошлар йилтиллаб кўринарди.

— Мироббоши Йўлдош ота кўлига келганимда, — чой ҳўплаб гапга киришди Илҳом ака. — Мен ўн беш ёшлик ўспирин эдим. Ҳурматли, важоҳатли одам эди. Икки юзта сепоячи, икки юзта аравакаш, яна қанчадан-қанча ишчиларнинг биронтаси у кишининг сўзларини иккита қилганини билмайман. Устознинг эътибор топганининг сабаби бор. Билимли одам билимнинг қадрига етади. Сенга айтсам, аскар йигит, менинг рус тилига ишқибозлигим ҳам мироббошидан ўтган. Айтишларича, бир ёғи камбағалчилик, султонободлик Тўхтаўжа ака ўтган асрнинг охирларида Петербургдан Кампирравотга келган сув инженери Синявскийга ўн тўрт яшар ўғли Йўлдошни топшириб: «Оға, шу ўғлимни Русияга олиб бориб ўқитинг!» — деган экан. Синявский Йўлдошни Петербургдаги Сув хўжалиги гимназиясига жойлаштирибди. Йўлдош ўқишни тамомлаб, юртига қайтиб келгач, Кампирравот мироблари уни ўзларига мироббоши қилиб кўтарибдилар. Ана ўшандан то 1934 йилнинг май ойигача Йўлдош мироббоши Қорадарёнинг жиловодори бўлган. Э-ҳе, сепояларни боғлаш-у, уни дарёга ташлаб, кучли оқимнинг йўлини тўсишда мироббошига тенг келадигани йўқ эди!

Илҳом аканинг ҳикоясини қизиқиш билан эшитиб ўтирган Обиджон ундан сўради:

— У кишининг ўзи қанақа одам бўлган?

— Одамнинг меҳри кўзида дейдилар, — Илҳом ака гапни узоқдан бошлади. — Дадангни танир эдим-у, сени билмасдим. Қизимга эргашиб келдинг. Ичимда: «Оббо, яна бир шилқим пайдо бўлибди», деган хаёлга бордим. Тез-тез кўз-кўзга тушди, меҳр товланди. Мироббошининг ҳам Барно деган қизи бор эди...

«Э, домласи тушмагур! — ич-ичидан ёниб, хитоб қилди Обиджон. —

Узлари ҳам бу дардга учраган эканлар-ку, шояд менинг ёнимни олиб, қизларини инсофга келтирсалар!..»

— Биз ўқиган мактабнинг собиқ мудираси Барно опа ўша сизни куйдирган соҳибжамол бўлмасин тагин?

— Ушанинг ўзгинаси! — Илҳом ака беихтиёр уф тортди. — У тез орада турмушга чиқиб кетди-ю, ишқим дилимда яра бўлиб қолди. Қирларда қип-қизил лолалар очилган кезларда тоғларга чиқиб кетар, олис Олой бағрида, Оқтош томонларда кезиб юрардим... Киши кўнаркан. Мана, соч-соқолим оқарди, етти қизнинг отасиман.

— Қиз — бахт, деган ҳикмат бор, — Обиджон миробни юпатган бўлди. — Етти қизни етти куёвга берасиз. Қарабсизки, қўша-қўша набиралар кўрасиз...

— Барака топ, кўнглимни кўтардинг, — Илҳом ака Обиджонга меҳр билан қараб қўйди. — Шунақа гаплар, аскар бола. Энди сенга мироббошидан қандай айрилиб қолганимизни айтиб берай.

...Худди шу бугунгидай ой тўлган кеча эди. Ҳув анави бетон тўғон ўрнида қатор сепоялар қаққайиб турарди. Тун оғиб, алламаҳал бўлса ҳам, мироббоши дарёда балиқдай сузар, қўшимча сепоя ўрнатиш билан машғул эди. Бирдан кимдир «Дод, мироббоши кетди!» деб қичқириб юборди. Бундай қарасам, сепоя қулаган, сув сатҳи қон, Йўлдош ота гирдоб қуршовида... Ердамга шошилдим. Бўлмади, Қорадарё уни ютиб юборди. Фақат, тонг отгандагина Кампиртош рўпарасидаги мажнунтол тагидан топдик...

— Даҳшат...

— Ҳа, даҳшат... — Илҳом аканинг кўзлари чақнади. — Бу дарё ўтмишда эл бошига не-не кулфатларни солмади дейсан!..

— Янги тўғон тикланса сув ҳам мўл бўлади, ташвишидан ҳам қутуламиз!

— Шундай, — Илҳом ака ёстиққа бош қўйиб, устига чопонини тортди. — Ёт энди, аскар йигит, саҳар-мардон турамиз.

Обиджон ҳадеганда ухлолмади. Кўз олдидан қутурган дарё, сепоячилар, боши ёрилиб, сув сатҳида беҳуш оқиб бораётган Йўлдош ота нари кетмасди. Яна орага севги аралашди: Илҳом аканинг очилмай хазон бўлган муҳаббати ҳақида ўйлади. «Мироб домла бўшанглик қилган, — ўйлади йигит. — Мен муҳаббатим учун курашаман!..»

## Олтинчи боб

**З**уфаров Қорабоғишдан Хонободгача бўлган ўн километрлик йўлни иссиқда пиёда босиб уйига қайтарди. Тунги навбатчиликда чарчаган, оёқларида мадор йўқ. Маҳалла чойхонаси олдида келганида кимдир ошга таклиф қилди. Узр айтган бўлди. Шу пайт қулоғига: «Илҳом домланинг иши беш, — раиснинг Хонзодаси совчиликка келиб ўтирибди» деган гап чалинди. Нима қилсин, аччиғи чиқди-ю, тилини тишлади.

Афзаловнинг ёлғиз ўғли Анваржонни уйлантирмоқчи бўлгани, Хонобод ва атрофдаги қишлоқларга совчи юборгани, аммо қуруқ қайтганликлари ҳақида эл орасида гаплар юрарди. Киши юртдан юзини яширолмади. Афзаловнинг кирдикорлари ҳаммага маълум. Ким кўра-билатуриб ўзини ўтга ташлайди!

Зуфаров шу ҳақда ўйлар экан, ҳар қалай уйга кириб, меҳмонлар билан кўришишга қарор берди. У атир гуллар қийғос очилиб ётган, йўлқаларига сув сепилган ҳовлисида кирибоқ рўпарадаги ойнаванд равонлик айвонда, дастурхон ҳасратилик хонтахта атрофида ўтирган икки меҳмон аёл билан ўз хотини Қумрихонга кўзи тушди. Қумрихоннинг чап ёнидаги мис патнисда руҳ самовар шақиллаб қайнаб турар, у ёнидаги устига оппоқ дока парда ёпилган бешикни бир қўли билан тебратиб ўтирар эди.

Мироб домла айвонга чиқаётганида хотинлар унинг истиқболига кўзғалишди.

— Утираберинглар! Қимирламанглар!

Илҳом ака кавшандозга ташлаб қўйилган бир парча эски палосга этигини артиб, хонтахтанинг ёнига борди-да, меҳмон аёлларга салом бериб, Қумрихондан сал юқорироққа тиз чўкди. Атлас кўйлак кийган, бошига новвотранг японча дурра танғиган, бўйнидаги маржону дурлари, қулоқларидаги гавҳар кўзли армани зираклари порлаб турган Хонзода улар ичида алоҳида ажралиб турарди. Ёнидаги хушрўй аёл синглиси, мактабнинг янги директори Зебо Қодирова. Хонзода гапни ҳол-аҳвол сўрашдан бошлади:

— Эсон-омон юрибсизми, айланай Мироб домла? Сув чарчатмаяптими ишқилиб? Афзалов салом айтиб юбордилар.

— Саломат бўлсинлар. Ҳай, сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен борай.

— Жичча ўтирсангиз бўларди, — деди Хонзода, шоҳи рўмолчаси билан елпиниб. — Қуллик қилиб келувдик...

— Онаси билан гаплашаверасизлар...

Қумрихон эрининг кетидан ҳовлига тушиб, дарвозахонага борди.

— Дилбарни Анваржонга сўраб келишибди, — деди у паст овозда. — Ҳар қалай раис...

— Раис бўлса ўзига! — Мироб домла хотинига терс қаради. — Бугун раис, эртага кетмончи, ё қоровул!..

— Нега бундоқ дейсиз?

— Мени тинч қўй, қолаверса, ихтиёр қизингда. Унга айтиб кўрдингми?

— Дилбарингиз совчиларни кўрди-ю, юзини буриб, сингилларини етаклаганча уйдан чиқиб кетди. — Қумрихон айвондаги телефон томонга ишора қилди. Тинимсиз жинғирляпти... Бормайсизми!

— Бориб эшит-чи, тинчликмикан?

Қумрихон айвонга чиқди ва тоқчадаги телефон трубкасини олиб, қулоқ солди. Ҳовлиқиб телефон қилаётган раис Афзалов бўлиб, азбаройи ташвиши зўрлигидан саломлашишни ҳам унутиб, бор овозда Қорадарё кутурганини, колхоз ерларига сув тошаётганини, тезда етиб бориши зарурлигини таъкидларди. Қумрихондан бу совуқ хабарни эшитган Илҳом ака эшикни тарақлатиб очиб, кўчага отилди. «Волга»да шофер мудраб ўтирарди. Мироб унинг елкасига туртди.

— Туринг, тўғонга ҳайданг!

— Ҳа, нима гап, дунёга ўт кетдимми?

— Ундан ҳам баттар, — мироб шофёрнинг ёнига ўтириб олди. — Қорадарё тошибди... Тезроқ ҳайданг!

Орадан ўн минут ўтар-ўтмас машина тўғон бошига етиб келди. Бу ерда тўғон идорасининг ходимлари, мироблар, Афзалов бошлиқ колхозчилар, Қўрғонтепа район милициясининг Қорабағишдаги участка хизматчилари туришарди. Шовқин-сурон авжида. Тўғоннинг шлюздарвозалари тўла очилган бўлиб, тобора кўтарилаётган сув Шаҳрихонсой, Андижонсой, Қирғизариқ ва Савайсой қирғоқларидан ошиб, колхоз, совхоз далаларига тошмоқда эди. Обиджон ўзи тенги йигитлар билан бошлиқлар берган топшириқларни елиб-югуриб бажариб юрар экан, Найнаводан етиб келган машҳур мироббоши — Катта Фарғона канали бошқармасининг бошлиғи Деҳқон отанинг тадбиркорлигига қойил қолди. У Кампирравот тўғони идорасининг бошлиғи Ашурали Нурматов ва бир нечта тажрибали мироблар билан бетон тўсиқлар ёнига борди.

— Йўл-йўлакай кўриб келдим, кўп ерни сув босибди. — У Нурматовга буюрди. — Дарҳол пультага боринг. Андижонсой билан Шаҳрихонсой шлюзларини ярим ёпиш керак, бутун тошқин Қорадарёга кетсин!

— Хўп, отахон!

Деҳқон ота табиатнинг ваҳшийлиги олдида ўзларини кучсиз сезиб, нима қиларини билмай турган миробларни бир-бир кўздан кечиаркан, деди:

— Ҳозирча, ота-боболаримиздан қолган усул — сепояга! Ёғочсимлар борми?

Паканадан келган Саттор мироб жавоб берди:

— Тўғон қурилгач, биз энди сепоя керак бўлмайди, деб ёғочни иморатга тақсимлаб беришни сўраганимизда Зуфаров кўнмай уларни қабристон ёнидаги сайхонликка обориб тахлатганди. Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

— Яхши, уйда экансан, — ота Зуфаров билан кўришди ва учраган нарсани ямлаб ютаётган сувга ишора қилиб, сўради. — Хўш, нима дейсан, бунинг чорасини қандоқ қиламиз?

— Сепоя ташласакмикан?..

— Қаерга ташлаймиз?

— Теза томонга — дарёга ташлашдан фойда йўқ. — Илҳом ака машҳур мироб олдида ўзини тутиб олиб, дадил жавоб берди. — Сепояларни пастдаги хавфли жойларга ташлаш керак. Шахрихонсой билан Андижонсойнинг суви камайтирилгани яхши бўлди, ана Савайсой ҳам анча тинчиди. Аммо, кўприк томон хавф остида...

— Балли, иним, — Деҳқон ота Илҳом аканинг елкасига қоқиб қўйди-да, йиғилганларга мурожаат қилди. — Биродарлар, ҳар дақиқа ғанимат. Колхоз, совхоз, бошқа корхоналардаги юк машиналарини ишга солиб, ёғочни ташиш керак. Бугун водийнинг ҳаёт-мамоти сизларга боғлиқ!

Тўғон бошига йиғилган кишиларнинг ҳаммалари дарҳол ишга тушдилар. Илҳом ака бир тўда миробу сепоячиларни бошлаб, Кампирравот дарасини кесиб ўтган Ўш-Жалолобод йўли устидаги кўприк томонга бошлади. Дарё ўзанига буриб юборилган сув бутун зарбини шу томонга қаратган, агар тезликда сепоялар ташлаб, ғов кўтарилмаса, кўприкни суриб кетиши ва ундан наридаги темир йўлни кўпториб ташлаши турган гап эди.

Нурматов юздан ортиқ одамни бутун асбоб-ускуналари билан тўртта юк машинасига солиб, Қўрғонтепа ва Ойимқишлоқ томонга кетди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан турли ёқлардан ҳар хил машиналарда район раҳбарлари, колхоз раислари, совхоз директорлари, қурилиш ташкилотларининг бошлиқлари етиб келдилар. Район партия комитетининг биринчи секретари Узоқов раислигида тошқинни бартараф этиш штаби тузилди. Штаб мутахассислар, ишчилар, колхозчилардан махсус отрядлар ташкил қила бошлади.

Деҳқон ота Қорадарё бўйида хаёлга толганча тик қолган Жуковнинг ёнига келиб деди:

— Сергей Николаевич, лойиҳангизни тезроқ амалга ошириш нақадар зарурлигини энди кўриб турган бўлсангиз керак?

— Ҳа... Эртага Тошкентга учиб кетяпман, — отага эҳтиром билан жавоб берди бош инженер. — Лойиҳага охириги ўзгартишларни киритиб бўлдик. Қурилишни кенг кўламда бошлаш пайти келди.

— Бутун умидимиз сизлардан, жигарлар.

— Ҳаракат қиламиз, Деҳқон ака!..

Ёғоч, сим ташиб юрган Обиджоннинг ранги ўчиб, тахта бўлиб қолди: «Дилбар бундан икки соатча олдин сингилчалари билан Шахрихонсой кўпригидан ўтиб, Қорадарёнинг тошлоқ ўзани томонга кетаётган эди. Улар кўприкдан ўтиб кетишди-ю, қайтиб келишмади... Қаерда қолишди экан?!..» У сепоячилар ишига бош бўлиб юрган Илҳом аканинг олдига хавотирланиб борди.

— Дилбарнинг сингиллари билан Шахрихонсой кўпригидан Қорадарё томонга ўтганини кўрувдим, — деди Обиджон ташвишли бир қиёфада. — Аммо, қайтиб ўтишганини кўрмадим.

— Епирай-я?! Қачон кўргандинг?

— Икки соатча бўлди...

— Югур, улардан хабар ол, жон болам!..

— Хўп бўлади, отахон!..

Илҳом аканинг биринчи марта «жон болам» дейиши. Бир оғиз сўз... Обиджоннинг кўкраги тоғдай кўтарилиб, Шаҳрихонсой канали томон ҳалослаганча югуриб кетди. Канал, сув ҳамон ваҳшиёна ҳайқирмоқда эди. У ўзини тошқинга отди-да, Қорадарёнинг нариги томонига базур сузиб ўтди. Атрофга қаради. Ҳаммаёқ сув... Сувнинг қоқ ўртасидаги дўнгликда қандайдир одамлар уймалашмоқда. Йигит ўткир кўзлари билан тикилди. Дилбар... Қўл-оёқларига ёпишиб олган сингилчалари... Уларнинг яқинида хуржин ортилган эшагининг юганидан ушлаб олган бир чол ҳам турибди.

Обиджон кўнжи сувга тўлган зилдай этиги билан эллик метрча юриб борди-да, у ёғига сузиб кетди. Масофа анча. У бор кучи билан олдинга интилиб, хатарда қолганларга яқинлашганида қизчаларнинг қий-чувини эшитди. Эшакли чол алланималар деб ёўлдирар, Дилбар сингилларини бағрига босганча, қалт-қалт титрарди.

— Сузишни биласизми?

— Йўқ...

— Ана, холос... — Обиджон Дилбарга ҳечқиси йўқ, дегандек қараб қўйди-да, унинг энг кичик синглиси Муяссарнинг қўлидан тутди. — Қани, опич, сени ҳув қуруқ жойга ўтқазиб қўяман!

Дилбар синглисини опичтириб қўйди. Обиджон суза-суза қирғоққа чиқиб Муяссарни елкасидан тушираётганида мотоцикл шовқинини эшитди.

— Тепаликдан кўрдим, — деди шошилиб келган милиционер. — ГАИ инспектори, лейтенант Аҳмаджонман. Машиналар юришини назорат қилиб туриш учун келаётгандим... — Дўнгликдаги одамларга кўз ташлади. — Уларни битталаб олиб чиқиш қийин, тошқин кучаймоқда... Вертолёт чақираман!

— Барака топинг, ўртоқ лейтенант!..

Кўп ўтмай ҳавода вертолёт кўринди.

Обиджоннинг Дилбар билан унинг сингилларини ҳалокатдан қутқариб қолганлиги ҳақидаги гап-сўз бутун Хонободни тутди. Зуфаровнинг уйдан қуруқ қайтган Афзалов бу гаплардан сўнг яна ҳам тўнини тескари кийиб олди. Кўп ўтмай ўғлини казо-казо оғайниларидан бирининг қизига уйлантирмоқчи эканини овоза қилиб, аламзадалигини билдириб қўйди. Бунинг устига Олтин медалга Анваржон эга бўлди.

Дилбар диплом топширилган тантанали кечадан дугонаси Марина билан қайтарди. Хонобод гузари олдидаги толзордан Анваржон чиқиб, уни четга тортди.

— Мени Олтин медал билан табрикламадингиз... — ўпкалаган бўлди Анваржон. — Аммо мен сизни мактабни битирганингиз билан қутлайман.

Дилбар қўлига гугуртдай жажжи қутича ўтиб қолганини билмай қолди. Уни беихтиёр очди-ю, ранги қум ўчди: олтин соат...

— Ҳаромдан хазар қиламан, олинг матоҳингизни! — қиз уни Анваржонга итқитди-да, тез юриб дугонасига етиб олди.

— Нима экан? — қизиқиб сўради Марина.

— Нима бўларди?..

Дилбар аччиқ устида саволга савол билан жавоб берди-да, Марина билан тез ҳайрлашиб, Тополино томонга юрди. У юлдузлар чақнай бошлаган осмон тагида ёлғиз. Кўз ўнгида кутилмаганда Обиджон жонланди. Армиядан бўшаб келганига ярим йилдан ошди. Ҳамон аскарлик либосида. Дилбарни, унинг сингилчаларини тошқин балосидан қутқарганига ҳам бир ойдан ўтдики, ҳали қорасини кўрсатгани йўқ. Дадаси тез-тез эслаб туради. Унинг айтишича, Жуков экспедицияси Кампирравотдаги ишини тугатганидан кейин Обиджон Қорабағишдаги икки қаватли эски бинога жойлашган «Андижонгидрострой»га ишга кирганмиш. Бетончилар бригадасига бошлиқ экан.

«Дадам билан учрашиб турганидан нима фойда?! — ўйлади Дилбар. — Тўғри, сингилларим билан мени ўлимдан қутқарди. Балки, мен ҳам унга яхшилик қиларман...»

Дилбар ҳовлисига кириб келганида дадаси билан сингиллари гулзор ўртасидаги чорпоя сўрида ўтиришарди.

— Раҳмат, дадажон, ўқитганингиз учун!..

Илҳом ака Дилбар узатган дипломни варақлаб кўрди.

— Ҳаммаси беш-ку, балли, олтин қизим!

— Олтин медаль Анваржонга берилибди, — ўчоқбошидан Қумри опанинг овози эшитилди. — Ҳар қалай раиснинг ўғли-да!

— Сен унинг совчиларини қайтармаганингда, балки, Олтин медални Дилбар олармиди... — Илҳом ака ҳи-ҳилаб кулди.

— Қўйинг, бунақа гапларни, — Дилбар онасидан сўради. — Буви овқатингиз бўлай дедими?

— Дам еб қолди, бувинг айлансин. Шакароб тайёрлайқол.

Дилбар ўртанча синглисини чақирди:

— Қани, юр, қарашворасан!

Муяссар чорпоядан сакраб тушиб, опасига эргашди. Улар ҳовли этагидаги ошхонага киришди. Дилбар чироқни ёқиб, тувоғининг бир чеккасидан буғи чиқиб турган қозонни, бўёқлари йилтиллаб турган сопол товоқ билан қуйма кафғирни кўрди. Паловнинг иштаҳани қитиқловчи бўйи димоққа уриларди. У кейинги бир ой давомида имтиҳонлар билан бўлиб, уйда рўзғор ишларидан озод этилгани сабабли, айниқса, ўчоқбошини жуда соғинган эди. Бир чеккага тахтланган ўрик ўтиннинг ҳиди ҳузур бахш этарди унга!

Шакароб билан ошни едилар. Қизлардан бири дастурхонни йиғиштириб олди, яна бири обдастада илиқ сув келтириб, ҳамманинг қўлига бирма-бир қуйиб чиқди. Илҳом ака Дилбарнинг беш баҳога ўқиган бўлса ҳам, Олтин медаль берилмагани ҳақида гап бошлаган эди, Қумри опа орага қўшилди:

— Қўйинглар, чойни тинчлик билан ичайлик!

— Сен жичча аралашмай тур, — Илҳом ака хотинини койиб берди. — Биз Совет ҳокимиятини қон тўкиб қурганмиз. Давлатимиз — халқ давлати! Мабодо битта-яримта ҳаромтовоқлар пайдо бўлиб, пулнинг кучи билан зўравонлик қилаётган экан, биз уларнинг танобини тортиб қўйишимиз керак. Сен, қизим, кўнглингни заррача совутма! Ота-боболаримиз мироб ўтган, мен ҳам кучимни сувга бердим. Ўғил кўрмадим... Аммо, ҳаммаларингни олий маълумотли бўлишларингни иштаман. Сен институтни битириб, ирригатор бўлмоқчи экансан, бўласан! Ҳозирги ирригатор қадимги миробнинг худди ўзгинаси. Фақат илм ўсган, техника кучайган. Мен сени Тошкентга юбораман. Ҳужжатларингни институтга топшир, имтиҳонларга астойдил ҳозирлик кўр, албатта, ўтасан!

— Раҳмат, дадажон!

Дилбар ўз хонасига кириб, чироқни ёқди. Оддийгина жиҳозлар: гулдор чойшаблар билан орасталанган икки темир каравот, кийим шкафи, дераза тагига қўйилган ёзув столи ва устига тахтланган китоб-дафтар-тарлар... Бу ашёлар, айниқса, китоблар унинг азиз дўстлари.

Дилбар ёзув столи ёнидаги стулга ўтириб, дипломини дарсликлари устига қўйди. Энди у Тошкентга боради, институтга киради. «Яхши ҳам бахтимга дадажоним борлар. Раҳмат, дадажон!.. Обиджон-чи? У нима қилаётганикин ҳозир?..» Йигит уни, беш синглисини ва яна бир қирғиз чолни ўлим чангалидан юлиб олди. Дилбар унга раҳмат дедими? Эсида йўқ. Хонободликлар азиз кишиларига ўпка пишириб олиб бордилар. Бир қозон сутга янги сўйилган қўйнинг ўпкаси-ю, беш-ўнта тухум чақиб солинади. Ўпка сутда роса қайнаб, иликдай пишди. Уни пичоқда кесиб есангиз дунёга янги келгандай бўласиз... «Обиджон акага ўпка пишириб борсаммикан?..»

У ширин хаёллар билан қандай ухлаб қолганини ҳам билмади. Эрталаб уйғонганида ғира-шира тонг атрофни ёритган, ҳовли этагидаги азим туп чинорда булбул сайрарди. Тонг шабодаси уфуриб турибди.

Қиз апил-тапил кийиниб, ташқарига чиқди-да, ариқдан юз-қўлини ювди. Онаси чўнқайиб ўтириб олганча повиллатиб сигир соғарди.

— Буви, дадам қаёққа кетдилар?

— Районга чақиришибди, янги иш беришармиш.

— Маринанинг уйига бораман,— деди Дилбар чинни косага челақдан икки чўмич кўпикланиб турган илиқ сутни солиб шимиракан. — Балки, Тошкентга бирга кетармиз.

— Борақол, қизим.

Дилбар Дубенколар уйининг қўнғироғини чалганида, ичкаридан Раиса Петровнанинг овози эшитилди:

— Дилечкамисан? Келавер, Марина уйда.

Дилбар Раиса Петровна билан кучоқлашиб кўришди. Она-бола кир ювишаётган экан. Марина дугонасини кўриши билан йўлакай билакларидаги совун кўпикларини фартуғига артиб, унинг истиқболига юрди.

— Қайси шамол учирди?..

— Сизларни ишдан қўйдим-ку... — Дилбар хижолат чекиб, энгларини шимара бошлади. — Ҳозир қарашиб юбораман!

— Ҳай-ҳай, мен ўзим чайиб қўяман,— Раиса Петровна қизига қаради. — Марина, Дилбарга гулларингни кўрсат!.. Айтгандай, Дилечка, Тошкентга бориб, институтга кирармишсан. Эшитдим. Яхши. Маринани қистасам кўнмаяпти. Баҳолари пастмиш. Қурилишга ишга кираман, дейди.

— Мен ҳам кириш имтиҳонларидан кўрқаяпман. Лекин, дадам далда беряптилар.

— Уқиганга нима етсин...

Раиса Петровна ишга тутинди. Қизлар анчагача пичирлашиб гаплашиб ўтиришди. Кейин Марина уйга кириб, қўлида тугун билан чиқди.

— Чўмилишга борамиз. У ерда юмшоқ қумлик пляж бор. Мана, сенга ҳам купальник олдим. Сузишни ўргатиб қўяман. Ойи, кўлга кетаётибмиз.

— Борақолинглар.

Қизлар бир-бирлари билан қўл ушлашиб, тепалиқдан пастликка, Қорадарёнинг ўзани томонга йўл олишди. Имтиҳонлар бошлангандан бери бу ёқларга келмаган Дилбар дарёнинг ҳар иккала томонида катта ўзгаришлар юз берганини кўрди. Қорабағишдаги икки қаватли бинони оқлашибди. «Андижонгидрострой бошқармаси» деган ёзув кўзга ташланиб турибди. Юзга яқин одам суҳбатлашиб туришарди. Хонободлик бир неча танишлар ҳам кўринади. Балки, Обиджон ҳам шу ердадир?.. Юк машиналар, самосваллар, бульдозерлар, скреперу грейдерлар шовқинидан қулоқ қоматга келади. Кампирравот қишлоғининг рўпарасида — дарёнинг нариги бетида йўл кенгайтириляпти. Иш қизғин.

— Кўряпсанми, Марина, — дугонасининг қўлидан маҳкам ушлаб олган Дилбар ҳаяжонланиб гапирди. — Ишлар катта-ку?!

— Дадам қурилиш-монтаж бошқармасига бошлиқ қилиб тайинлангандан буён тиним йўқ,— деди Марина, Дилбарни йўлдан четдаги шабадада шовуллаб турган боғ томонга бошлаб. — У кеча-кундуз шу ерда. Қачон уйга келиб, қачон ишга кетганини ҳам билмай қоляпман.

— Қурилишда қолишинг аниқми? — сўради Дилбар.

— Ҳа... Бу ерда ҳар кимга ҳам иш топилади, — ишонч билан жавоб берди Марина. — Институтга киришга кўзим етмаганидан кейин ҳунар ўрганганим яхши.

— Қанақа ҳунар?

— Кеча газетада эълон ўқидим. Қурилишга инженерлар, пайвандчилар, пармаловчилар, шофёрлар, машинистлар ва бошқа касб эгалари қатори чизмачилар ҳам керак экан. Мен мактабда чизмачилиқдан доимо «беш» баҳо олиб келганман.

— Сенга ҳавасим келади...

Марина Дилбарнинг қўлидан ушлаб олиб, сатҳи энгил шабадада жимирлаб турган кўлга бошлади. Иссиқ ўттиз даражага бориб қолган бўлса ҳам сув ҳали илимаган, баданни жунжитар даражада совуқ эди. Чўмилиш кийимларини кийиб олишган. Дилбар қулоқчини кенг ёйиб, сувга бағир берганича оёқларини кўтарган эди, чўкиб кетишига оз қолди. Марина уни суяб турғазди.

— Қўлларимга ёт! Ана шунақа... Энди, қимирла!.. Ҳа, балли...



Қизлар обдан чўмилишиб, энди кийинишаётганда қандайдир шитирлаган товуш эшитилди. Дилбар чўчиб тушди. Умрида биринчи марта кўлда чўмилган, икки нарсадан: чўкиб кетишдан ва бегона эркакнинг кўриб қолишидан ўлғудай кўрқадиган Дилбарнинг ҳар бир шарпадан ҳадиксираши табиий ҳол эди. У оёқларини артиб, шиппагини кийди-да, сочларини бошига турмаклар экан, атрофга олазарақ қаради. Қаради-ю, мажнунтолнинг шундоққина ёнида турган Анваржонга кўзи тушди.

— Салом, қизлар,— деди у яқинлашиб.— Қалай сув совуқ эмасми?

— Тушиб кўрсангиз биласиз, — Марина дағал жавоб берди. — Ундан кейин... дарахт орқасидан мўралаш одобдан эмас.

— Узр... Хўш, бир салқинлай дебсизлар-да? Мен ҳам тушиб чиқай, кейин жичча суҳбатлашамиз. — У қўлидаги ҳар хил егуликлар, шисалар кўриниб турган қизғиш чарм сумкани ерга қўйди. — Мактабни муваффақиятли тамолаганимизни нишонлаймиз. А, лаббай?

— Марина, юр, кетдик!

— Дилбар, тўхтанг! — Анваржон унинг билегидан ушлади. — Намунча зарда? Ахир бир қишлоқ болаларимиз, ўн йил бирга ўқидик. Институтга ҳам бирга кирмоқчимиз. Бир-биримизга керак бўлиб қолармиз!..

— Кераги йўқ!

— Мен сени Обиджонга осонликча бериб бўпман! — бақириб юборди Анваржон.

Дилбарнинг ғазабдан ранги докадай оқарди. Силтаниб унинг қўлидан чиқди-да, Марина билан йўлга тушди.

— Номард!.. Беҳаё!..

## Еттинчи боб

Июль ўрталарида Қорадарёнинг суви анча камайиб, совутилган отдай ювош тортиб қолди. Кампирравот дараси бўйлаб кенг ёйилган дарё ўзани қисқариб, тошлоқлар очилди. Агар яна қутуриб, тошиш хавфи қутилмаганда бу ерлик миришкорлар ана шу тошлоқларга тупроқ ёйиб, уруғ сочиб, паловнинг жони — девзира шолисидан мўлгина етиштириб олган бўлардилар.

Қорадарёда сувнинг камайиши «Андижонгидрострой» бошқармасига жуда қўл келди. Бошқарма бошлиғи Борис Мусаев ва унинг мутахассислари бўлажак тўғоннинг пойдевори қўйиладиган ерларни ва умуман сув омбори эгаллайдиган майдоннинг ҳаммасини яна бир марта синчиклаб кўздан кечириш, ҳар жиҳатдан комплекс текшириб чиқиш, амалга оширилиши зарур бўлган тайёргарлик ишлари ҳажмини аниқ белгилаб олиш ва бу ишларни жадаллатиб юбориш имкониятига эга бўлдилар.

Мусаев Сув хўжалиги министрлигига телефон қилиб, кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалар бўйича министр билан телефон орқали сўзлашиш олдидан соатига қаради: саккиздан қирқ минут ўтибди. Министр Саттор Расулович Расуловнинг иш вақти бўлиши мумкин. Уйига телефон қилсаммикан? Аксига, телефон билан боғлаб турадиган секретарь-машинистка кеча ишдан бўшаб кетди: техник-бинокор касбим бор, қурилишда ишлайман, деб туриб олди. Нима ҳам дейди, ПМК бошлиғи Камолов ўз колоннасига ишга олибди... У телефон трубкасини энди кўтарган дақиқада кабинетнинг қора дермантин қопланган эшиги аста очилиб, олтин ранг қалин сочлари елкасини қоплаган, оппоқ чиройли юзи, тиниқ мовий кўзлари кулиб турган, яшил сидирға шоҳи кўйлаги, ўртача пошналик яшилранг туфлиси ўзига ярашган, баланд бўйлик рус қизи кўринди.

— Мумкинми, ўртоқ бошлиқ?

— Кириг. — Мусаев кўзларини қиздан олмаган ҳолда трубкага деди: — Телефонистка!.. Ҳа, ҳа, Тошкентни шошилигч уланг! Илтимос! — Бошлиқ телефон трубкасини қулоғидан қўймаган ҳолда хиёл жилмайиб, тик туриб қолган қизга жой кўрсатди. — Утиринг, ҳозир гаплашамиз.

— Раҳмат, ўртоқ бошлиқ.

Эшик ёнида турган қиз алланечук дадилланиб, девордаги включателни буради. Шипдаги икки юзинчи электр чироқ ёниб, хона нурга тўлди. Қиз бу билан кифояланмади, худди ўз уйидагидай ҳаракат қилиб деразаларни ҳам очиб юборди. Хонага Қорадарё оқшомининг салқин ҳавоси тўла бошлади, нафас олиш енгиллашди. Шундан кейингина кўрсатилган стулга ўтириб, бошлиқнинг гаплашиб олишини кута бошлади.

— Азизим, сизга айтаётиман, менга Саттор Расулович керак! Нима? Эрталаб Москвага учиб кетган?! Қизиқ...

Мусаевнинг ҳафсаласи пир бўлиб, трубкани аппарат устига қўйди-да, креслога суянганча ўтириб қолди. «Таажжуб... Нега у менга телефон қилмай, Москвага учиб кетди? Ҳойнаҳой сув омбори қурилишига доир масалалар бўйича кетган-ку!.. Бу ерда бир дунё масалалар қалашиб ётибди. Лойиҳага баъзи ўзгаришлар киритиш керак. У бўлса, хайрмаъзурни ҳам насия қилиб кетаберибди!.. Балки, қандайдир шошилинич иш чиққан. Иккита бетон заводи қурилиши масаласи ҳал бўлган бўлса-чи?! Демак, катта ишлар бошланади. Аммо, нега Расулов менга индамай кетаберди?.. Таажжуб...»

— Кеч кирганим учун кечирасиз.

— Ҳа, дарвоқе, — Мусаев қаддини ростлаб, юмшоқ креслога жойлашиброқ ўтириб олди-да, каттагина тепакал бошини, кенг пешонасини рўмолчаси билан артди. — Танишайлик! Исм-фамилиянгиз?

— Марина Дубенко,

— Тўхтанг, тўхтанг, Андрей Андреевич Дубенконинг кими бўласиз?

— Қизиман, ишламоқчиман...

— Жуда яхши... — Мусаев тепакал бошини силаб қўйди. — Биз Тошкентдан жуда кўп мутахассислар сўраганмиз. Улар бугун-эрта йўлга чиқишади. Дадангиз бошқараётган ташкилот уч юз кишига уй-жой тайёрляпти. Бундан ташқари ўрта маълумотли маҳаллий ёшлардан беш юзтасини Тошкент, Фарғона ва Андижон шаҳарларига ўқишга юборамиз. Улар бир-икки йил ичида касб эгаллаб қайтадилар. Кеча Москвадан бир гуруҳ юқори малакали инженерлар келишди. Хуллас, бизга жуда кўплаб қурувчилар керак. Энди сизга келсак, Марина, жуда яхши ўйлабсиз: чизмачилик керакли касб. Аммо, бошқармада ишлашни таклиф қилсам, сиз бунга нима дейсиз?

— Бошқармада?!

— Менга ёрдамчи бўласиз, — Борис Мусаевич қизга синчков тикилди. — Иш ниҳоятда кўп. Аня деган қиз ишларди... Қурилишга кетиб қолди. Агар кўнсангиз, шу дақиқадан эътиборан иш бошлайсиз.

— Қайдам, — бошлиқнинг кутилмаган таклифидан Марина эсанкираб қолди. — Машилкада ёзишни билмайман... Стенографиядан хабарим йўқ. Кейин... ёрдамчилик касб эмас-ку?!

— Фикрингизни тушуниб турибман, — Мусаев гапни узоқдан бошлады. — Хўш, айтинг-чи, раҳбарлик касбми? Министр, бошлиқ, директор... йўқ, бу — бурч, вазифа! Топширилган иш учун масъуллик!.. Чунончи, мен оддий бинокор инженерман. Лекин, ҳар кун ишлаб касб эгалари билан муомала қиламан. Ирригаторлар, энергетиклар, геологлар, географлар, монтажчилар, йўл қурувчилар, архитекторлар, темирйўлчилар... Мураккаб масалаларни биргаликда муҳокама қилишга, жуда муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига молик муаммолар юзасидан ҳукм чиқаришга тўғри келади. Ахир, бу ҳам иш! Иш бўлганда ҳам Кампирравот тўғони билан сув ҳавзаси қурилишидан кам эмас...

Мусаев ўз сўзларини Марина эътибор билан тинглаётганини, ўзича қандайдир мулоҳазаларга бораётганини кузатар экан, сўради:

— Хўш, Марина Андреевна, бирга ишлаймизми?

— Ишончингиз учун раҳмат, Борис Мусаевич! — Марина бошлиққа дадил қаради. — Эртага қачон келай?

— Соат еттида, — Мусаев ёзув столи устидаги қоғозларни йиғиштира

бошлади. — Андрей Андреевич ҳам таклиф этилган, бирга келсангиз бўлади. Айтгандай, блокнот билан қалам олволинг, бирга бўлганингизда топшириқ, кўрсатмаларни ёзиб оласиз.

— Яхши. Энди мен борай.

— Ҳозирча хайр.

Мусаевнинг ишга тайинланганидан буён бир ойча вақт ўтди. Унинг оиласи ҳамон Тошкентда. Хотини туғруқхонада врач бўлиб ишлайди. Ўғли яқинда политехника институтининг архитектура факультетини тугатди. Қизи бўлса, консерваториянинг иккинчи курсида таълим оляпти. Келибдики, унинг уйи йўқ. Дам Қорабағишдаги вагон уйларнинг бирида, дам яқингинада Андрей Дубенко қурувчилари битказган бир қаватлик бинонинг қайсидир хонасида тунаб юради. Гоҳо иш вақти ўн беш соатдан ошиб кетади. Бугун Тополинога бормоқчи, у ерда қатиқ-патиқ ичиб, озгина ухлаб олмоқчи.

Телефон жиринглаб қолди.

— Мусаев эшитади!

— Бу мен, ўртоқ бошлиқ, Солиевман. Иш яхши кетяпти. Йўлнинг саккиз ерига катта фонарлар ўрнатдик. Самосваллар бетонни вақтида келтиряпти. Қандай топшириқлар бор?

— Раҳмат, лейтенант! — Борис Мусаевич Солиевдан ҳар қачонгидай мамнун бўлиб гапирди. — Эрталаб соат еттида Кампирравот дарасидаги тайёргарлик ишларини бориб кўрамиз. Сен ҳам биз билан бирга бўлишинг керак.

— Соат олтида етиб бораман, ўртоқ бошлиқ! — телефон трубкасида лейтенантнинг тиниқ овози жаранглади.

Ёшидан, мавқеидан, вазифасидан қатъи назар, яхши одамларнинг бошқалар ишига, турмушига! кайфиятига сезиларли таъсири бўлади. Мусаев креслога суяниб ўтирганча шу тўғрида ўйлаб кетди. Марина Дубенқонинг майин жилмайиб боқиши, сокин кўзларидаги мусаффолик унинг ўттиз йил орқада қолган ёшлигини, Москвада ўқиб юрган кезлари курсдоши Эмани севиб, шоирга айланишига оз қолган чоғларини эслатди. Лейтенант Солиевнинг телефон орқали бўлса ҳам, ҳол-аҳвол сўраганлиги Борис Мусаевични мамнун этди. Бу тиниб-тинчимас йигитга меҳрини тагин ҳам жўш урдирди. У чорак асрдирки, анчагина қурилишларда ишлади. Турли миллатга мансуб, турли касб эгалари бўлган минг-минг одамлар билан бирга каналлар, ГЭСлар қурди. Охирги ўн йилда, то область партия комитетига иккинчи секретарь қилиб сайлангунча, Марказий Фарғонада ирригация иншоотлари қурилишига раҳбарлик қилди. Ҳозир, айтиш мумкинки, давримизнинг буюк қурилишларидан бирида. Бундай масъулиятли қурилишга келган бошқа бир раҳбар, балки иш графиги тузиб олиб, шуни бажариш билангина машғул бўларди. Лекин, Борис Мусаевич ундай раҳбарлардан эмас.

Кампирравот дарасининг табиати ажойиб. Ёз кунлари иссиқ 35-40 даражага етгани билан кеч кирди дегунча кескин пасая бошлайди ва кундуз битта кўйлақда терлаган одам кечаси устига кўрпа ёпиб ётади. Борис Мусаевичнинг ҳам тери қотиб, руҳи енгил тортди. У қурувчилар боғида озгина мизғиб олмоқчи эди. Бу фикридан қайтиб, диванга чўзилганча тонг оттиришга қарор берди. Лекин, шу пайт унинг содиқ шофери Турғунали кабинет эшигида кўринди.

— Борис ака, юринг, бир оз дам олиб келинг!

Соатига қаради: ўн бир ярим. Боягина тўққиздан сал ошган эди. Дунёда энг узун нарса — ўй, хаёл. У ўй суриб, икки соат қандай ўтиб кетганини сезмай қолибди. Мусаев ўрнидан туриб, кабинет бурчагидаги пўлат сейфнинг қия очиқ эшигини қулфлади. Турғунали бу орада кабинет деразаларининг илгакларини илди, бошлиғи чиқиши билан чироқларни ўчириб, қабулхона эшигини ёпди.

— Утиринг, машинага, Борис ака, кетдик!

— Тўхта, ошна, эшитяпсанми, қўшиқ!..

«Андижонгидрострой» биносидан ярим километрча масофада, адирда қатор-қатор вагонлар ўрнатилган бўлиб, ўзига хос кўча эди.

Қурувчи ёшлар бу кўчаларга ном ҳам қўйиб олишган. Чунончи, «Терешкова кўчаси»... Бу ерда қизлар яшашади. Гармон садоси, «Москва яқинида оқшомлар» қўшиғи шу кўчадан эшитиларди.

Турғунали машинани кўча бошида тўхтатди ва кабинадан чиқиб, орқа эшикни очди-да, Борис Мусаевичга кўмаклашди. Столлар атрофида гурунглашиб ўтирган ёшлардан икки киши: малларанг сочи бошида лайлак уясидай дўппайган дуркунгина йигит билан баскетболчиларни эслатовчи баланд бўйли қиз тўдадан ажралиб, бошлиқ ҳузурига келабошладилар. Барваста йигит Братск ГЭСи қурилишида ишлаб келган шофер Сергей Аксёнов бўлиб, уни вагон-шаҳарчага комендант қилиб тайинлашган. Бошига дуррача танғиб олган новча қиз — Лариса Дмитриева фарғоналик. У Жанубий Андижон канали қурилишида гидротехник бўлиб ишлаган, ўша вақтда қурилишга раҳбарлик қилган Мусаевни яхши танирди. Вагон — шаҳарчада яшовчи комсомоллар — бетон заводининг ишчилари, уни ўзларига комсорг қилиб сайлаганлар.

— Салом, ўртоқ бошлиқ! — Аксёнов Мусаев билан қўл олишиб кўришди.

— Ҳа, паҳлавон, қўрғон тинчми?

— Дам оляпмиз, Борис Мусаевич, — Лариса бошлиқни қўлтиқлаб олди. — Бизнинг даврага марҳамат!

Мусаев Дмитриева қўлтиғида ёшлар даврасига юриши билан Турғунали ичиди: «Бўлди, бу кеча ҳам ухламайди», деди-да, машинасининг орқа эшикларини ланг очиб, ўриндиққа чўзилди. Вагон-шаҳарчага тез-тез келиб турадиган бошлиқни ёшлар тўрга таклиф қилдилар. Узун стол устида консерва банкалари, нон бурдалари, бўш стаканлар. Жалолобод минерал суви ва Қорасув пивосининг шишалари қаторлашиб турибди. Қизлар дарҳол стол устини йиғиштириб, тартибга келтиришди.

— Ўртоқ бошлиқ, сув ичасизми, пивомми? — бўш стаканни қўлига олиб, сўради Аксёнов.

— Пиводан қўй, комендант! — Мусаев стол атрофида ҳамон тикка турган ёшларга қаради. — Утиринглар, отамлашамиз!

Элликка яқин қиз-йигитлар стол атрофини тўлдириб ўтиришди. Мусаев Аксёнов узатган стаканни олиб, кўпикланиб турган пивони маза қилиб симирди ва лабларини ялаб қўяр экан, хушнуд бир кайфиятда:

— Сизларга ҳавасим келади... — деб қўйди.

— Нега? — Мусаевнинг ёнида ўтирган Лариса унинг уйқусизликдан қизарган кўзларига тикилди. — Қурилишдан қурилишга кўчиб, мана бунақа вагонларда яшаб, шаҳар роҳатини билмай юрамиз. Бундай ҳаётнинг нимасига ҳавасингиз келади, ўртоқ бошлиқ?

— Ёшлик, саломатлик — инсон учун энг улуғ давлат! — Мусаев завқланиб гапирарди. — Мана сен, Аксёнов, дунёдаги энг бахтли одамсан. Ёшсан, саломатсан, ҳунаринг бор. Тенгдошларинг сени ўз сардори деб билади. Балки, қайноқ қалбингда ишқ олови ёнаётгандир. Севган қизингга уйланасан, бахтли оила қурасан...

— Борис Мусаевич, — Лариса бошлиқнинг сўзини бўлди. — Аксёнов севган хотини билан қизил вагонда яшайдими?

— Эҳ, Лариса, Лариса!.. — Мусаев шаддод қизга таънали боқди. — Шунча одам бу ёқларга нега келдик? Наҳотки буюк тўғонни тикласагу, денгиз бунёд этсагу битта шаҳар қура олмасак!.. Шунча техника, қудратли ишлаб чиқариш базаси, шу қадар улкан моддий имкониятлар билан-а?! Қорадарё навосига қулоқ солинг-а!.. Ҳа, дарё сизларни чақираяпти, мардликка, жасоратга чорляяпти!..

— Айтинг-чи, ўртоқ бошлиқ, — стол этагида ўтирган қизлардан бирининг қўнғироқдай овози жаранглади, — шоир бўлсангиз керак-а? Ёшлар қийқириб кулиб юборишди.

— Успиринлигимда унча-мунча шеър ёзганман, — Мусаев ҳам кулди. — У вақтларни энди ширин тушдай эслайман...

— Кечирасиз, ўртоқ бошлиқ... — чуваккина бир йигитча қўл кўтариб, ўрнидан турди. — Нега исмингиз Борис?

— Уғлим, бунинг тарихи бор, — Мусаев йигитга ўйчан қаради. —

Ўзим русман. Асли самарқандлик бўламиз. Отам темир йўлда ишлаган, онам касалхонада ҳамшира бўлган. 1941 йилнинг кузида улар фронтда ҳалок бўлишди. Мени оиламизнинг дўстлари бўлмиш физик олим Мирзоҳид Мусаев билан унинг рафиқаси Марзия Мусаева ўғил қилиб олишди. Улар тарбиясида ўсдим. Москвадаги Сув хўжалиги институтига юбориб ўқитишди... Уйлантиришди... Рафиқам армани. У менинг ўзбекча фамилиямда. Биз ўғлимизни ўзбек, қизимизни армани деб ёздирдик. Хуллас, интернационал оиламиз. Шунақа. Хўш, маошни вақтида олиб турибсизларми?

— Оляпмиз!.. Раҳмат!..

— Овқатларнинг сифати қалай?

— Унчаликмас...

— Лариса, ошхона мудирингга айт, эртадан мен сенлар билан овқатланаман!.. — Мусаев бу сўзларни нечундир зарда билан айтди. Сўнг ўрнидан туриб, машинаси томон юрар экан, ёшлар орасида турган Аксёновга писанда қилди. — Уқдингми, комендант?.. Овқатинг мазали бўлмаса, ўзингни мазам қочди деявер!..

У машинасига ўтириб, кескин деди:

— Йўл қурилишига ҳайда!

## Саккизинчи боб

**Б**у йил мактабда битирувчилар кечаси совуқ ўтди. Директор Қодированинг югуриб-елишлари, Афзалов бошлиқ колхоз раҳбарларининг ташриф буюришлари ҳам фойда бермади. Ҳамма ҳар қаёққа тарқаб кетди. Обиджон укаси Одилжон билан бетончилар бригадасида. Улар Хонободга элтадиган йўлни қурмоқдалар. «Андижонгидрострой» бошлиғи Мусаевнинг бу йўл қурилишига алоҳида эътибор билан қараётганлиги бежиз эмас. Мамлакатнинг турли томонларидан келабошлаган юкнинг ҳаммаси Хонобод темир йўл станциясига тушириляпти.

Дарёнинг чап қирғоғида бошланган ўн километр узунликдаги йўлнинг деярли бир ярим километри тайёр бўлди: асфальт бир хил қалинликда ётқизиilib, усти шиббаланди. Бригада аъзолари билан ёнма-ён ишлаган Обиджон вақтнинг ўтганини сезмай қолди. Тонг оқарабошлаганда асфальт ташишда узилиш юз берганлиги сабабли қаддиларини ростлаб, сигарета тутата бошлаган йигитлар олдига келди-да, уларга қўшилиб кашандалик қилаётган укасини чақирди:

— Одилжон, мотоциклга мин, заводга бор, бетонни тезлат!

Одилжон: «Хўп бўлади!» — деди-да, акасининг мотоциклига ўтириб, уни тириллатганча асфальт заводи томонга ҳайдаб кетди. Шу пайт пастликда машина чироқлари порлади.

— Бошлиқ келяпти!...

— Нега иш тўхтади?— сўради Мусаев машинадан тушиб Обиджондан ва нарида тўдалашиб турган ишчиларга қаради.— Салом, йигитлар!

— Саломат бўлинг, ўртоқ бошлиқ!..

— Бугун иш яхши бўлди,— бошлиқнинг саволига вазминлик билан жавоб берди Обиджон.— Уч юздан ортиқ самосвал келтирган асфальтнинг ётқиздик. Ҳозиргина озгина узилиш бўлди. Заводга одам юбордим.

— Мотоциклни кўрдим,— Мусаев тунда битган йўлни кўздан кечириб, мамнун бўлди шекилли, йигитларнинг ҳар бири билан қўл олишиб, алоҳида-алоҳида саломлаша бошлади.— Хўш, чой қани? Йўқ дейсанларми! ОРС бошлиғининг ёқасидан олмайсизларми!.. Бу ерда бакда сув қайнаб турсин. Анови лимонадларинг чанқоқни босмайди, аччиқ-аччиқ кўк чой ичиш керак. Обиджон, овқатни нима қиляпсизлар?

— Ҳамма ўзи билан олиб келяпти.

— Ана холос,— Мусаевнинг аччиғи чиқди.— Наҳотки ОРС бошлиғи Комиловга ҳали ҳам ақл кирмаган бўлса! Мен унга қайта-қайта

тайинладим, ҳар сменада овқат бўлсин, деб. Ҳа, майли, чорасини кўрамиз. Навбатдаги сменадан бошлаб бак қайнаб туради, иссиқ овқат ҳам бўлади.

Мусаев шундай деди-да, Обиджон сменаси бажарган ишни қадамлаб ўлчаб бошлади.

— Юз метр... Жуда соз! Нормани аллақачон бажариб қўйибсизлар-ку?!— У йигитлар ёнига қайтиб келиб, Обиджонга тикилди.— Смена тугагач СМУ бошлиғига учра, менинг номимдан айт: бригаданинг ҳамма аъзоларини мукофот рўйхатига киритсин. Эртага — ўн олтинчи июль: маош билан бирга мукофот оласизлар!..

— Раҳмат, Борис Мусаевич!

Асфальт заводи томонда, ойдинда, кумуш камардай чўзилган янги йўлда нур сочиб келаётган мотоцикл ва унинг орқасида баҳайбат самосвал кўринди.

— Келишяпти! — қувониб қичқирди Обиджон.

Бригада аъзолари белкуракни қўлларига олдилар. Мусаев уларга муваффақият тилаб, Тополино томонга жўнаб кетди.

Самосваллар бирин-кетин келиб, асфальт ағдара бошлади. Обиджон қирқ кишилик бригадасини уч группага бўлиб, ишга киришди. Тонг ёришиб, дарё устидаги қоронғилик пардаси буткул чекингач, прожекторлар ўчирилди. Йигитлар иш анжомларини кўтариб, қирғоқларида мажнунтоллар савлат тўкиб турган кўл бўйига келдилар. Ечиниб, ҳамма ўзини сувга отди.

Обиджон ювиниб, кийимларини алмаштириб укаси билан қайтарди.

— Ака, — деди Одилжон кутилмаганда, — кеча Дилбар сизни сўраб қолди.

— Дилбар?! — Обиджон укасига жилмайиб қаради. — Хўш, унинг менда нима иши бор экан?..

— Кечга яқин адирдан қўйларни ҳайдаб келаётгандим. Гузар яқинида Марина билан турган экан. «Қўйларингни боғлаб чиқ!» деб илтимос қилди. Чиқдим. Марина кетибди, ёнғоқ тагида ўзи ёлғиз турибди. «Ишга кирибсан, табриклайман», — деб гап бошлади у. Мен унга бетончи бўлиб ишлаётганимни, бетончилар уч юз сўмга етказиб ойлик олишаётганини, яхши ишлаганларнинг мукофотга ҳам илминиши мумкинлигини сўзлаб бердим. Сизнинг соғлиғингизни сўради. Яхши дедим. Кейин, эртага, яъни бугун кечқурун Хонобод станциясидан «Жалолобод—Фрунзе» поездига чиқишини, Тошкентга бориб, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига ҳужжатларини топширишини айтди.

— «Жалолобод—Фрунзе» поезди Хонобод станциясидан қачон жўнайди? — Обиджон укасидан сўради.

— Кеч ўнга яқин...

Шу пайт уч-тўрт йигит Обиджонни чақириб қолди. Ака-ука тунги сменадан қайтаётган ҳамқишлоқлари билан гузаргача гурунглашиб бордилар. Обиджоннинг хаёлида Дилбар. «Ўзини четга олиб юрарди. Осмондаги бу юлдуз нечун ерга тушиб, Одилжонга арз-ҳол қилди экан?..»

Обиджон билан Одилжон ҳовлиларига кириб келишлари билан бостирма тагидан чиқиб келган Муборак опа уларни елкаларига қоқиб кўришди.

Ургилай полвонларимдан, ҳормай-толмай ишлаб келдингларми?— Аччиққина шавлани иштаҳа билан ейишди. Чой ичишиб, ҳордиқ чиқарганларидан кейин оналарининг, «туми билан ишлагансанлар, ётиб дам олинглар» деб илтижо қилишига қарамай, пичан ўргани отланишди. «Албатта Хонобод станциясига Дилбарни кузатиш учун чиқаман, — йўл-йўлакай ўйлади Обиджон. — Айтадиган гапи бўлса керакки, укамга шама қилган. Ҳа, мен уни албатта кўришим керак!..»

— Қадамнингиз тезлат, ука!

Одилжон акасига ялт этиб қаради. Унинг чеҳраси ёришган, эрталабки тундлик ўрнини кутилмаганда шодлик эгаллаганди. Улар ўти белга урадиган адирга етиб, ўроқларини ишга солдилар. Орадан икки соатча вақт ўтди. Обиджон бир боғ келадиган пичанни бошига қўйиб, узала тушди. Одилжон анча-мунча пичан қилиб, энди акасини уйғотмоқчи бўлиб

турганида Фрунзе номли совхоз йўлида «МАЗ» маркали машина кўринди.  
 — Володя-ку! — Одилжон кўлини кўтариб, қичқирди. — Володя!..  
 Владимир Васильевич!..

Укасининг товушидан уйғониб кетган Обиджон ўрнидан турди.

— Манов пичанни йўл-йўлакай уйга ташлаб ўт.

— Бўпти, — Володя кулди. — Сигирнинг қаймоғидан юбориб тура-сан-да, бригадир!

— Келишдик!..

Йигитлар пичан боғларини қўлма-қўл қилиб, машинага ортишди-да, кабинага қатор ўтиришиб Хонобод гузарига йўл олишди. Обиджоннинг назарида вақт ҳеч қачон бунчалик имиллаб ўтганмас. Пичан туширилиб, машина кетгач, Одилжон айвондаги кўрпачага чўзилди-ю, донг қотиб ухлаб қолди. Обиджон сочилиб ётган пичан боғларини ғарамлаб бўлгач, бостирмага кириб сигир, қўйларнинг тагини тозалади. Кейин, гузарга чиқиб, рўзғорга керакли нарсаларни харид қилиб келди. Соат энди беш ярим бўлибди. «Дилбар Хонобод станциясига яна тўрт соатдан кейин чиқади. Уни ота-онаси, сингиллари кузатиб чиқишса-чи?..» Бу савол йигитнинг бошини қотирди. У ўйлай-ўйлай, кечгача кутишдан фойда йўқлигини, бир иложини қилиб, Дилбар билан ҳозир, шу соатда учрашиши зарурлигини, акс ҳолда умуман кўришолмай қолиши мумкинлигини тушунди. Ким ёрдам бериши мумкин? Бирдан-бир жонкуяри — онаси. У ҳовли этагида пиёз ўтаётган онасининг ёнига келиб чўккалади.

— Бувижон, — деди ҳасратли кўзларини ерга тикиб. — Дилбар ўқишга кириш учун Тошкентга кетаётган экан... Хабарингиз бордир-а?..

— Бор, — Муборак опа ўғлини биринчи марта шундай иложсиз аҳволда кўриши эди, ҳайрон бўлиб сўради. — Унда гапинг бормиди?

— Бизникага айтиб чиқсангиз...

— У қайсар қиз кўнармикан?.. — Муборак опа пиёз ариғидан чиқиб, қаддини ростлади. — Яқинда Қумрихон раиснинг совчиларини қайтарди-я!.. Улар осмонда...

— Дилбар чиқади...

Обиджон учун орадан ўн минут эмас, балки ўн соатлар ўтди. Ҳар қалай, кўча эшикда аввал Муборак опа, унинг орқасидан Дилбар кўринди. Жўнашига анча вақт бўлса ҳам яسانيб олган қизни кўрган Обиджон бир кўли билан чорпоя қуббасини ушлаганча ҳайкалдай қотиб қолди.

— Мана, Дилбархон келдилар, — деди Муборак опа, ўғлининг лол бўлиб қолганидан таажжубланиб. — Гапинг бўлса гапир...

У ёшларни холи қўйиб, ҳовли этагидаги эшикчадан қўшниникига чиқиб кетди. Дилбар аллақандай сирли ва маънос бир аҳволда жилмайиб турарди.

— Одилжон айтибди-да?..

— Ҳа... Тошкентга кетаётган экансиз?..

— Кетяпман.

— Дилбархон, имтиҳонларингиз бошланганида ёнингизда бўлсам...

Майлими?

Қиз йигитнинг чақнаб турган кўзларига илк бор дадил боқди-да:

— Кошкийди!.. — деб, эшикни тез очди-ю, югурганча чиқиб кетди.

## Тўққизинчи боб

**К**амолова Узоқовни ҳеч қачон бундай серташвиш, тажанг ва ҳатто сержаҳл аҳволда кўрмаганди. У Фрунзе номли колхоздаги йиғилишдан қайтиб келгандан буён камгап, серзарда бўлиб қолди. Тўғри, йигирма йиллик қадрдонинг умидларингни пучга чиқарса, ишончингни барбод қилса ҳар қандай киши ҳам хафа бўлади. Лекин, бирга ўқиб, шунча йил бирга ишлашиб келаётган Афзалов тенгдоши, қолаверса, раҳбарини шу қадар доғда қолдирдики, Узоқов у ёқда турсин, райкомда янги одам бўлган Камолова учун ҳам бу фавқулодда аҳвол эди.

Узоқов ўша кунги йиғилишдан таъби тирриқ бўлиб чиқди, Афзаловнинг Фозилмонда тайёрлаган чойига қолмади. Қўрғонтепага қайтиб келганидан кейин райкомдаги ишларни Камоловага топшириб, ўзи бир вақтлар раҳбарлик қилган «Савай» совхоз-техникумида, бошқа колхоз ва совхозларда бўлди. У фақат ярим кечада район марказидаги уйига қайтар, сахар-мардонда яна йўлга чиқар, қаердандир Камоловага телефон қилиб, райкомдаги ишлар, янгиликларни сўрар, баъзи масалалар бўйича маслаҳатлар берар ва яна эртанги кунгача жим бўлиб кетарди. «Узоқовнинг район хўжаликларида бўлиши, одамлар билан суҳбатлашиши, у ерда йиғилишлар ўтказиши бежиз эмас, — хаёлидан ўтказди Камолова. — Фрунзе номли колхоз воқеаси: экономикани издан чиққанлиги, Афзаловнинг одамларга муносабатида, хулқ-одобида юз берган жиддий нуқсонлар уни бошқа жойларда ҳам содир бўлмаётганмикан, деган ташвишга қўйди... Дарҳақиқат, бундай иллатлар қаердан пайдо бўлди? Нега кўзимиз очиқ туриб уни кўрмадик?»

Аксига олиб райкомда иш кўп. Яқин кунларда кенг кўламда бошланиши керак бўлган Кампирравот гидроиншооти қурилишига алоқадор долзарб масалаларни бир кунга ҳам кечиктириб бўлмайди. Бетон заводи, тош майдалайдиган тегирмон-заводни, темир-бетон конструкциялари заводи ва бошқа саноат корхоналарини Қорабағиш посёлкаси атрофидаги ерларга жойлаштириш; «Андижонгидрострой» бошқармаси ва унинг қурилиш ташкилотларига келаётган одамларни қабул қилиб олиш, Хонобод станциясидаги эшелонларни вақтида бўшатиш ва юкларини қурилиш майдонларидаги омборларга ташиш... Омборлар эса, ҳозирча қоғозда... Бу ёқда Кампирравот ишини тугаллаган инженер Жуков Тошкентга кетиш олдидан бош лойиҳага киритилган ўзгаришлар ҳақида райкомга ахборот бермоқчи...

Узоқов кеча кечқурун Ойимқишлоқдаги Ҳамза номли совхоздан телефон қилганида Камолова Жуковнинг илтимосини унга етказди. Учрашаман деди-ю, аммо қабул куни ва соатини айтмади. «Ҳозирнинг ўзида келиб қолиши мумкин. У шунақа одам...» Камолова шу хаёлда зинапоядан иккинчи қаватга кўтарилар экан, узун йўлакдаги қатор стуллардан бирида папкаларини тиззасига қўйганча хаёл суриб ўтирган домла Зуфаровни кўриб қолди.

— Ассалому алайкўм, Илҳом Зуфарович, келинг!

Зуфаров домла уйқудан чўчиб уйғонган кишидай сапчиб ўрнидан турди ва бир вақтлар мактабда сеvimли шогирди бўлган Камоловага шошиб қўл узатди:

— Салом. Келувдим...

— Жуда яхши. Қани, марҳамат! — Камолова қабулхонанинг эшигини очиб, уни ичкарига бошлади. — Шунча папкани кўтариб олибсиз?

— Бевақт келмадимми, ишқилиб?

— Айни вақтида келдингиз...

Кондиционер ишлаб турибди. Қўрғонтепа марказидан иссиқда яёв келган Зуфаровнинг бағрига шамол тегди. У Камолова кўрсатган юмшоқ креслога ўтириб, папкаларини стол устига қўйди. Шу орада бир эмас, икки телефон жиринглаб қолди. Камолова телефон аппаратининг гоҳ унисини, гоҳ бунисини эшитар, кимларгадир жавоб қайтарар, унинг сўзларига қулоқ солиб ўтирган Зуфаровнинг кўз олдида район миқёсида кун сайин қизиб бораётган ишлар, бу ишларни бажараётган одамлар гавдаланарди. Энг зарбдор майдон — Кампирравот сув омбори қурилиши. Телефон орқали бўлаётган савол-жавоблар асосан ана шу қурилишга тааллуқли. Ниҳоят, қўнғироқлар тинди. Камолова стулга ўтирди-да, домласига хижолатомуз қаради.

— Кечирасиз, анча куттириб қўйдим.

— Иш, Ҳабиба Камоловна, иш... — Зуфаров ҳаяжон билан гап бошлади. — Районимизда ҳамма қурилиш бошланишини қўтяпти. Кекса мироблардан тортиб ёш колхозчиларгача, ҳатто ҳунари бор-йўқлигидан қатъи назар, уйдаги аёлларгача тўғон қурилишида ишламоқчи. Ҳозиргача бир ярим мингдан зиёд кишидан ариза тушди. Лекин, афсуски, бу



одамларнинг ҳунари йўқ. Хуллас, «Усталар мактаби»ни очмасак бўлмайди. Мана, беш юз талабага мўлжалланган ҳунар-техника билим юртининг лойиҳа — ҳужжатларини олиб келдим.

Зуфаров қора дермантин муқовали папкалардан бирини Камолова-нинг олдига суриб қўйди. У энди папкага қўл узатган ҳам эдики, телефон жириглаб қолди.

— Эшитаман... Ҳа, мен Карим Узоқович! Яхши... Демак, эртага соат 18.00. Асосий масала: Кампирравот сув омбори қурилиши... Яна нима? Кадрлар масаласи? Маъқул... Ҳа, ҳа, Карим Узоқович, — Камолова чап қошни сал кўтариб, Зуфаровга мамнун кулиб қўйди. — Ҳа, лойиҳа — ҳужжатларни олиб келибдилар. Хўп, масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, қарор лойиҳасини тайёрлаймиз. Дарвоқе, ким доклад қилади? Домла Зуфаровнинг ўзлари!.. Маъқул! — Камолова телефон трубкасини чап кифтига қисганча, ўнг қўли билан блокнотига алланималарни қайд этар экан, биринчи секретардан сўради: — Мактаблар масаласини қачон кўраимиз?.. Хўп... Хайр.

«Андижонгидрострой» ҳузурида, Андижон Сув хўжалиги техникумининг Қўрғонтепа филиали асосида ташкил этиладиган «Усталар мактаби»нинг лойиҳаси». — Камолова лойиҳани ўқишдан тўхтаб, Зуфаровга мамнун қараб қўйди. — Яхши бошлабсиз... Қани, ҳисобларингизни кўрайлик-чи. — «Мактаб 600 талаба, 20 муаллима ва 10 та маъмурий штатга мўлжалланган...»

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Камолованинг гоҳ санобар гулининг баргидай тиниқ юзида, гоҳ текис манглайда биланар-билинемас ажинлар кўринар, унинг лойиҳа бўйича чуқур мулоҳаза қилаётганлиги сезилиб турарди.

— Демак, мактаб икки группадан иборат бўлади?

— Ҳа, — Зуфаров ишонч билан жавоб берди. — Биринчи группага еттинчи-саккизинчи синфни битирган ёшлар олинади ва улар уч йил давомида ҳам касб ўрганадилар, ҳам ўрта маълумотга эга бўладилар. Иккинчи группага ўрта маълумотли ёшлар қабул қилиниб, улар ишдан ажралмаган ҳолда бир йил ўқиб, у ёки бу ҳунарни эгаллайдилар. Хуллас, лойиҳада кўрсатилганидай «Усталар мактаби»ни битирган ўқувчилар Маориф министрлигининг ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳномасини, ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг бирон касбга оид шаҳодатномасини олишлари керак.

— Демак, Илҳом Зуфарович, — Камолова суҳбатдошига қаради. — Райком бюроси ўз навбатида обкомдан сўраб, мазкур ташкилотлар олдига масала қўйиши керак экан-да?

— Албатта.

— Яхши... — Камолова лойиҳани ўқишда давом этар экан, хаёлга толган ҳолда деди. — Жиддий гаплар... Ҳа, аввалбошдан болаларимизга ўрта мактабда умумий таълим билан бир йўла ҳунар ўргатганимизда бунчалик қийналиб ўтирмаган бўлардик...

— Нозик масалани тилга олдингиз, — Зуфаров ичида шогирдининг сезирлигига тан бериб, бармоқларини бир-бирига чалиштирганча беихтиёр қисирлатиб қўйди. — Эзгуликнинг кечи йўқ, Ҳабиба Камоловна!..

— Сиз билан биз ўйлаган масала анча чуқурроқ... — деди райком секретари блокнотига нималарнидир қайд этиб. — Дўппини олиб кел, десангиз каллани кесиб келадиганлар кўпайиб қолди, чамамда... Деҳқончиликнинг энг қизгин кунларида юқори синф ўқувчиларини далага олиб чиқишга рухсат берамиз. Айни вақтда болаларни меҳнатга ўргатиш ҳам назарда тутилади. Аммо, Қодирова каби директорларимиз бошланғич синф ўқувчиларини ҳам далага олиб чиқяптилар. Шунақа тартибсизликларни ўйласанг жонинг қийналиб кетади...

— Ҳа, бу ҳақда жиддий ўйлашнинг пайти келди, Ҳабиба Камоловна! — Зуфаров ўзи ишлаган мактабда содири бўлган аянчли ҳодисаларни такрорлаб ўтирмади-ю, бошқа бир масалани ўртага қўйди. — Ҳар йили йигитларни армияга жўнатамиз. Кўпчилигининг ҳунари йўқ. Хизматда

қийналади. Баъзилари рус тилини билмаганликлари натижасида мураккаб техникани ўрганолмайдилар... Биз қишлоқ мактабларида шу масалага ҳам эътибор беришимиз керак.

Камолова домланинг бу фикрини ҳам блокнотига қайд қилгач, қўл соатига қаради: беш минут кам икки. У ўрnidан аста турди-да, қабулхонада навбатчилик қилиб ўтирган инструктордан илтимос қилди:

— Мақсудахон, биз ҳозир домла Зуфаров билан ошхонада овқатланамиз. Сиз машинисткамиз Эъзозхонга хабар қилинг, соат учда бу ерга келсин, ёзадиган ишларимиз бор.

Камолова кабинетига қайтиб киргач, Зуфаровга:

— Кечгача бирга бўламиз, — деди ва кулумсираб сўради: — Мабодо бошқа зарур ишларингиз йўқмиди?

— «Усталар мактаби»дан ҳам зарурроқ яна қандай ишим бўлиши мумкин?— Зуфаров жойига ўтиришга шошилмаётган Камоловага қуш боқиб қилди.

— Ундай бўлса, туринг, жичча тамадди қилиб олайлик.

— Маъқул, — Зуфаров ўрnidан турди ва Камолованинг кетидан қабулхонага чиққач, қадамини секинлатди. — Сиз бемалол. Мен чойхонага чиқақолай...

— Юринг, гап бор!

Камолова домланинг биллагидан ушлаб, йўлакка олиб чиқди ва улар зинапоядан пастга тушиб, овқат ҳиди анқиб турган ошхонага кирдилар.

Узун ошхона нимқоронғи. Уч-тўрт стол атрофида ўтирган райком ходимларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Икки деразада ўрнатилган кондиционерларнинг шаббодаси дарпардаларни ҳилпиратади. Камолова Зуфаровни бурчакдаги стол ёнига олиб бориб, ўтиришга таклиф қилди ва ўзи патнисда икки коса мастава, нон, бир чойнак чой ва пиёлалар олиб келди.

— Марҳамат, домлажон! — деди у нонларни ушатар экан. — Олинг, тортинманг!

Улар бир неча дақиқа жимгина ўтириб, хушхўргина қайноқ маставани ёғоч қошиқларда иштаҳа билан ичдилар.

— Дилбар қалай? — кутилмаганда сўраб қолди Камолова. — Олтин медаль олмагандан хафа эмасми?

— Уни анчадан буён кўрмаяпман. Мен «Усталар мактаби» ташвишида югуриб юрибман, Дилбар бўлса Тошкентда...

— Қизларингизнинг тошқинда қолгани ростми?

— Рост... Оз бўлмаса юлдузларимдан айрилиб қолардим...

— Уларни Обиджон қутқарибди деб эшитдим?

— Барака топсин, аскар йигит!

— Афзаловнинг совчиларини қайтарибсизми?

— Қизлик уй бозор дейдилар... Дилбар хоҳламагандирки, онаси рад жавобини берган. Бироқ, Ҳабиба Камоловна, Олтин медалнинг бунга асло алоқаси йўқ. Мен ҳам, аянғиз ҳам ўз меҳнатимиз билан кун кўриб келаётган захматқаш одамлармиз. Қизларимиз ҳам инчунун ўзимизга ўхшайдилар. Мен сизга айтсам, ҳаромдан топиладиган нонни, хушомаддан келадиган обрўни ёмон кўрамиз. Олтин медаль борасида эса, адолатсизликка йўл қўйилди. Агар у Дилбарга бўлмаганда инженер Дубенконинг қизи Маринага ёки Обиджонинг укаси Одилжонга берилиши керак эди. Афзалов билан Қодирова бирлашиб олишгандан кейин баъзи ўқитувчилар ҳам нафасларини ичларига ютишди. Лекин, ҳақиқат бир кун очилади...

Домланинг ҳам алам, ҳам ишонч билан айтган сўзлари Камоловага қаттиқ таъсир қилди ва мактаб иши билан шуғулланаётган бўлса ҳам, ҳали бу масалани охиригача етказа олмаганидан ўкинди-да:

— Энг яхши табиб — вақт эмиш, домла! Менда ҳам айб бор — қаттиқ тураолмадим. Аммо, Дилбарнинг институтга киришига ишонаман.

Улар ошхонадан чиқиб, йўлак-зинапоядан кўтарилаётганларида Камолова Зуфаровнинг биллагидан ушлаб, қисиб қўйди:

— Эртага бюрода «Усталар мактаби» масаласини кўрайлик, кейин маориф ишига астойдил киришамиз.

Домла индамади.

Улар кабинетда лойиҳа устидаги ишни кечгача давом эттирдилар. Мактаб учун янги бино қурилгунча ҳозирча яраб турадиган эски бинолардан бирини ажратиш, ишлаб чиқариш базаси, тайёрланадиган мутахассислар миқдори ва ҳоказо масалалар қайта-қайта муҳокама қилинган, аниқ тадбирлар, таклифлар қоғозга туширилди. Ниҳоят, бюро қарорининг хомаки лойиҳаси тайёр бўлди. Камолова Эъзозхонни чақириб, лойиҳани машинкада кўчиришга топширди-да, у кабинетдан чиқиб кетгач, яна бояги «нозик масала»га қайтди:

— Илҳом Зуфарович, ишонинг менга: биз маориф масаласини албатта ҳал қиламиз. Районимиз катта, унинг экономикаси кўп тармоқли, икки беш йилликка мўлжалланган улкан сув иншооти қурилишини бошладик. Умуман, ҳаётни янги тарзда, мустаҳкам негизда қайта қуришга тўғри келади. Бу вазифаларни одамлар, юксак малакали мутахассислар бажарадилар. Район партия комитети сиздан миннатдор. «Усталар мактаби» ташкил этиш соҳасидаги ташаббусингизни қизғин қувватлаймиз ва сизга мададкор бўламиз. Эртага бюро бошланишидан икки-уч соат олдин етиб келинг. Машинкадан чиққан материаллар билан танишиб, докладга тайёрланиб турасиз.

— Маъкул.

Камолова уни қабулхонага кузатиб чиқди ва қўл бериб хайрлашар экан:

— Опамга салом айтинг! Дилбарга хат ёзсангиз, менинг номимдан ҳам имтиҳонларида муваффақиятлар тиланг! — деди.

— Раҳмат, Ҳабиба Камоловна...

## Унинчи боб

Ёз иссиқ келди. «Ёшини яшаб, ошини ошаган», минг ойнинг юзини кўрган кексалар ҳам бунақанги иссиқ келган ёзни кам эслайдилар. Кеча ҳарорат қирқ уч даражага кўтарилди. Бугун ҳам эрталабдан ҳаво дим, дарахт барглари шира бойлагандай вазмин тортиб, хомуш осилиб қолган. Ҳатто пашшалар ҳам бир ердан иккинчи ерга учиб ўтишга эринади. Фақат ариқ бўйларидагина эркин нафас олиш мумкин. Яхши ҳам Тошкент ҳовлиларидан катта-кичик ариқлар оқиб ўтади. Бугун одамлар ариқ бўйларига бўйра, кўрпачалар ташлаб сув салқинида иш ҳам қиладилар, дам ҳам оладилар.

Дилбар институтнинг орқасидаги маҳаллада, Убайдулла ота исмли кекса бобдон ҳовлисига яшайди. Турли шаҳарлардан келган саккиз қиз унинг тўрт хонали уйдан икки хонасини ижарага олишган. Дилбар фарғоналик Соттихон, самарқандлик Зебиниса ва нукуслик Тозагул исмли қизлар билан бирга туради. Убайдулла ота боғининг этагидан ўтган ариқда сув ҳамиша тўлиб оқади. Иссиқ кунларда ана шу ариқ суви, ҳовлидаги уч туп ўрик салқини уларнинг жонига оро кирмоқда.

Кеча бўлғуси ирригаторлар тил ва адабиётдан иншо топширишди. Дилбар ташқарига чиқиши билан «Волга» машинасига кўзи тушди. Анваржон хушрўйгина йигит билан сигарета чекишиб турарди. У суҳбатдошига кўз қисиб, нимадир деди-да, қизларнинг ёнига келиб, Тозагулдан узр сўради:

— Кечирасиз, қизча, дугонангизда гапим бор.

Тозагул Дилбарга маъноли қараб қўйди ва унинг нигоҳидан: «Боравер!» — деган жавобни англаб, индамасдан бурилиб кетди.

— Салом, Дилбар.

Анваржон қиз билан қўл бериб кўришди. Имтиҳон топшираётган қизларнинг кўпчилиги яхши кийимда, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиб олишганди. Анваржон Дилбарнинг оқ батист кўйлагига, паст пошналик арзон баҳо туфлигига қараб елкасини қисиб қўйди.

— Хўш, хизмат? — деди Дилбар.

— Иш чатоқ, — Анваржон парвосизлик билан кулумсиради. — Кеча имтиҳонда бир эзма-чурук домла, менинг Олтин медалимни ҳам инобатга олмай, ҳар хил саволларга кўмиб ташлади. Яроқсиз эмишман... Дадамга телефон қилдим, домланинг оғзини ёғлаш кераклигини айтдим. У бугун Жалолобод орқали учиб келяпти.

— Мен борай, оғзакига тайёрланишим керак.

Анваржон Дилбарнинг биллагидан ушлади.

— Тайёрланишингиздан фойда йўқ, — у қизнинг кўзларига беҳаёларча тикиларкан, олтин тишларини йилтиллатиб тиржайди. — Овора бўласиз! «Беш» қайда, нари борса, «уч» қўйишади. Бу даргоҳда ҳамма нарсани «мулла жиринг» ҳал қилади, Дилбархон!..

Дилбар силтаниб Анваржоннинг қўлидан чиқди-да, ғизиллаганча зинаполярдан юқорига чиқиб кетди.

— Хе, не бўлди саған? — сўради йўлкада кутиб турган Тозагул. — Не байди боласи ул сени устاپ сўз қатқан?

— Э, кўявер!..

Дилбарнинг ичига ҳозир қил ҳам сиғмасди. У эркин темада — «Менинг жонажон ўлкам» мавзуида иншо ёзди. Назарида ёмон ёзмагандек. «Имтиҳон олган аёл — профессор Мария Ивановна инженер Жуковнинг хотини экан. Наҳотки, Анваржон айтгандай «беш» қўйишмас?! «Мулла жиринг»миш... Йўқ, йўқ, унақа бўлмаса керак! Жуковнинг хотинидай одам бундай ишни қилмайди...»

Тозагул билан шу хаёлда институт биносидан чиқиб келаётган Дилбар яна Анваржонга дуч келди. Олдида отаси. Афзаловнинг дала ишлари айни қизиган кунларда Тошкентга келганлиги, аллақандай қизил дафтарчасини пеш қилиб, институт навбатчисига таҳдид қилаётганлиги Дилбарга эриш туюлди.

— Иншодан кўнглинг тўқми? — ўзини алаҳситиш учун сўради Тозагулдан.

— Ҳа. Сенинг-чи?

— Менинг ҳам! Мен ўз қишлоғим ҳақида ёздим. Биласанми, Тозагул, уйимни жуда соғиндим.

— Менинг ҳам!

— Тағин бир кишини ҳамдир?

— Бор-е...

Чопқиллаб кетишаётган қизлар хандон отиб кулиб юборишди.

— Ҳовлимиз жаҳси-я!.. — уйга етиб келишлари билан Тозагул ялпизлар гуркираб ўсиб ётган ариқ бўйига бориб, бўйралар устига ёзилган гулдор кўрпачага чўзилди. — Маззов!.. Кел, Дилбаржон, бир оз дамингни ол, кейин дарс қиламиз.

Дилбар айвонга чиқиб, кимдир сув тўлдириб қўйган электр чойнак вилкасини разеткага тикди, токчадаги нон, мева-чева тугилган бўхчани олиб ҳовлига тушди ва уни бўйра устига ёзаркан:

— Қорним очди, — деди. — Озгина тамадди қилиб олайлик, дарс қочмас.

— Дуруст, Дилбаржон, — Тозагул кўрпачага чўккалаб ўтириб олди-да, дастурхондаги қатламадан ушатиб оғзига солди. — Вақт оз. Қайта-қайта ўқув керак!..

Қизлар эрталаб нонушта қилишга улгуришмаганди. Дилбар ўлгудай очиққани учун бир бурда нон билан бир кафт магизни апил-тапил еб бўлгач, айвонда жизиллаб қайнай бошлаган чойнақдан чой дамлар экан:

— Ўн йилда юқмаган билим ўн кунда юқармиди, — деди. — Борини унча-мунча эсга тушириш учун такрорлаймиз, холос.

— Бу-да туври!

Тозагул ариқдан бир ҳовуч сув олиб, айвондан тушган Дилбарга сочди. У сесканиб, қўлидаги пиёла билан ариқ бўйига чўнқайди-да, Тозагулнинг дод-войига қарамай, унга пиёлалаб сув сепа бошлади. Тозагул ҳам бўш келмади: челақка сув тўлдириб, айвон томонга қочган Дилбарни қувиб етди ва унинг бошидан ағдариб юборди.

Уч кундан кейин «СССР халқлари тарихи»дан имтиҳон. Тайёрлаш

керак бўлган материалнинг ҳажми кўп бўлса ҳам, агар узоқ тарихга доир баъзи рақамларни ва қийин номларни ёдлаш зарурлиги ҳисобга олинмаса, ҳамма воқеалар, буюк шахслар, уларнинг жасоратлари киши хотирасига осонгина ўрнашиб қолади. Қизлар дастурхонни йиғиштириб, кўрпачаларга ўрнашиб ўтириб олдилар-да, дарсликларини очдилар ва икки соатдан мўлроқ вақт давомида кўзларини китобдан узмадилар.

— Эртдан кейин соат ўн иккида иншонинг баҳолари эшиттирилади, — Тозагул китобдан бошини кўтариб, Дилбарга синовчан тикилди. — Кимки, «икки» олса навбатдаги имтиҳонга киритилмайди. Шундайми?

— «Икки»дан гапирма!..

— Баъзи домлалар абитуриентларни жўрттага йиқитишармиш, туврими?

— Яна оғзингни очсанг, ариққа ботасан...

— Иншо вақтида сен билан сўйлашган профессор опанинг кимлигини биласанми?

— Жўқ...

— Филология фанлари доктори Мария Иванова Жукова. Мен унинг Сергей Есенин ҳақидаги китобини ўқиганман. Есениннинг Тошкентга келганини ҳам ёзган.

— Оббо сен-ей! — Дилбар Тозагулнинг билимдонлигига қойил қолди.

— Дилбаржонга бир суол берсам мумкинчилиги бўлармикин, — Тозагул Дилбарга муғомбирлик билан тикилиб турди-да, сўради: — Бугун эртан Дилбаржонминан сўрашкан оқ тусли «Волга» хўжаси ким бўлуви мумкин?

— Қишлоғимизнинг энг зўр йигити, — Тозагулнинг истехзоли саволига Дилбар ҳам истехзоли жавоб қайтарди. — Олтин медаль соҳиби... Раиснинг ягона ўғли... Исми Анваржон... Таништириб қўяйми?

— Мақтовли жигитларга тобим йўқ, — Тозагул нечундир маънос тортиб, дарсликни ёпди ва ариқ бўйида гуркираб турган ялпизларга тикилиб қолди. — Ойсара отлиқ дугонам бўларди... Шулай жигит уни алдаб кетди. Ул икки ойлик боласиминан қолди. Уқиши-да битди...

— Аслида гап савлатда эмас, — Дилбар ўйчан гапирди. — Мен соқол-мўйлабини қиришга ҳам, кийим-бошига қарашга ҳам қўли тегмайдиган, ўзини оғир ишга урадиган, керак бўлса бошқалар учун ширин ҳаётини фидо қилишга тайёр бир йигитни биламан. Унга... ҳавасим келади.

— Бул — муқаббат!...

— Қайдам...

... Қизлар икки кундирки, босим дарс қиладилар. Энди улар фақат тарих: ўтмишдаги қаҳрамонлар, халқлар, мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ҳақида сўзлашар, бошқа гаплар қулоқларига кирмасди. Иншо бўйича баҳолар эълон қилинадиган куни институтга Урицкий кўчасидаги темир дарвоза орқали истаганларнинг ҳаммасини киритишди. Ҳовли ёшлар билан тўлди. Одамлар симёғочга ўрнатилган радио карнайга қулоқ осиб туришибди. Самолётда учиб келган Обиджон ҳам шу ерда. У ўзи ишлаётган СМУ бошлиғи Андрей Андреевич Дубенкодан институтнинг сиртқи бўлимига ҳужжатларини топшириб келиш важи билан икки кунга рухсат олган. Соқол-мўйлови қирилган, башанг кийинган, бошида янги дўппи.

Шу пайт радио карнайидан тиқир-тиқир этган овоз эшитилди-да, қандайдир аёл киши мурожаат қила бошлади:

— Ўртоқ абитуриентлар, ҳозир иншоларга қўйилган баҳоларни эшиттираман.

Ҳовли сув сепилгандай жим бўлиб қолди. Ҳамманинг қулоғи радио карнайида. Аёл баҳоларни эълон қилмоқда: ким хурсанд, ким хафа... Орадан бор-йўғи ярим соатча вақт ўтган бўлса ҳам Обиджонга бутун бир умр ўтиб кетгандай. «Наҳотки Дилбарнинг фамилияси аълочилар қаторида чиқмаса?!»

— Климова Раиса — «тўрт», Комарова Анастасия — «беш», Зуфарова Дилбар — «беш»...

Обиджон радиодаги эълон давом этган сайин сийраклашиб бораётган йигит ва қизлар тўдасини четлаб ўтиб, бир-бирларини табриклашаётган қизлар олдига борди. Узи томонга келаётган Обиджонни кўрган Дилбар ҳайрон бўлиб қолди. Дугонасининг афт-ангориди содир бўлган ўзгаришни сезган Тозагул у тикилиб қолган томонга қаради. Улар томонга қўлида тугун, юзлари чўяндай йилтиллаб турган барваста йигит келмоқда эди.

— Салом, қизлар, икковингизни ҳам «беш» баҳо билан табриклайман!

Обиджон тугунини чап қўлига олиб, аввал Дилбар, кейин Тозагул билан кўришди.

— Мени...Мени қаёқдан биласиз? — Тозагул ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Дилбархон сизни табриклаганидан билдим! — Обиджон кулумсираб Дилбарга қаради. — Бувим патир билан сомса бериб юбордилар. Иссиққина... Қаерда ейсизлар?

— Уйимиз жақин, — Дилбар учун Тозагул жавоб берди. — Журинг, кўноқ!..

Учовлари институт ҳовлисидан чиқиб, обсерватория кўчасига бурилдилар. Ўз қишлоғи Хонободдан келган меҳрибони Обиджонни кўриб турган кўзларига ҳамон ишонмаётган Дилбар уни саволга кўмиб ташлади:

— Бувим саломатми? Дадамни кўрдингизми?..

Обиджон Дилбарнинг саволларига бир чеккадан батафсил жавоб қайтарар, салом айтган ва айтмаганларнинг ҳаммаси номидан саломлар топширар, ўз навбатида тилининг боғичи ечилиб, тинимсиз сайрарди:

— Айтмаганмидим, имтиҳонлардан кўрқмангиз, албатта, ўтасиз деб. Мана, биринчиси «беш!» Қолганлари ҳам «беш» бўлишига аминман. Институтга сўзсиз кирасиз. Инженер-гидротехник бўлгач тўғон бошқармасида ишлайсиз. Ишончим комил!.. Ҳа, дарвоқе, бувим эртаю-кеч сизни сўрайди. Қачон келади, дейди. Институтга кириб олгач, қишлоққа бир бориб келарсиз. Ёки, шаҳарлик бўлдим деб...

— Обиджон ака, уйни жуда соғиндим...— деди Дилбар учовлари Убайдулла ота боғининг эшиги олдида тўхташгач. — Биз шу ерда турамыз. Кириг!

Кекса боғбоннинг ҳовлисида ижарага турган қизларнинг ҳаммаси институтдан қайтиб келишган бўлса керак, ҳаммаёқ саришта, яшнаб турарди. Тозагул Обиджонга кулумсираб қаради-да, ичкарига кириб кетди. Обиджон тугунни Дилбарнинг қўлига тутқазди.

— Мен борай... Ҳар қалай кўнглим тўқ. Керак бўлсам...

— Сиз менга доим кераксиз! — Дилбар тугунни Обиджоннинг қўлидан олиб, унга термилди. — Имтиҳонлардан қутиламону қишлоққа учиб бораман...

— Раҳмат. Мен сизга ишонаман, Дилбар!.. Институтнинг сиртқи бўлимига кирмоқчиман, ҳужжатларимни топширамону Кампирравотга қайтаман.

— Хайр, омон бўлинг...

Дилбар ҳовлига кириб кетди. Обиджон хурсанд, кўнглидан Қорадарё ҳақидаги қўшиқ оқарди.

Шарқираса мавжингда «Баёт»,  
Сувингдан юрт гулга тўлса-чи!  
Элга бўлиб сен оби-ҳаёт,  
Ҳар томчингдан баҳор кулса-чи!..

## Ўн биринчи боб

Одам учун дилсиёҳликдан оғирроқ дард йўқ. Техника фанлари доктори Жуковни «Средазгипроводхоз»даги иши етмагандай, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти мандат комиссиясига раис қилиб сайладилар. Бугун ҳам одатдагидай хонасига соат ўн иккида кириб келди. Столи устида папкалар

турибди. Уларда бу йил институтни тамомлаган ва Кампирравот сув омбори қурилишида ишлашга хоҳиш билдирган инженер-гидротехникларнинг гувоҳномалари. Жуков санаб кўрди. «Йигирма иккита... Кам... Қурилишимизга ҳали кўп олий маълумотли мутахассислар керак...»

Эшик очилиб, институтнинг илмий секретари Натан Файнберг кўринди. Қўлида қизғиш муқовали блокнот. У ёзув столи ёнига келиб, Сергей Николаевич билан омонлашди-да, Қўрғонтепа районидаги Фрунзе номли колхознинг раиси Афзалов кириш учун рухсат сўраётганлигини билдирди.

— Раис ўғли Анвар билан, — Файнберг унинг нима учун келганлигини тушунтирди. — Кичик Афзалов — бизнинг абитуриентимиз. Олтин медали бор. Лекин, асосий фандан имтиҳондан ўтолмаган.

— Сабаб?

— Комиссиянинг фикрича, унинг билим даражаси паст, ўрта мактаб программаси доирасидаги оддий саволларга ҳам жавоб бера олмаган.

— Майли, кирсин.

— Кел, келавер, Анваржон, бахтимизга домланинг ўзлари бор эканлар, — Файнберг чиқиши билан эшикни ланг очиб, хонага Афзалов кириб келди. Кетида ўғли.

— Ассалому алайкўм, Сергей ака. Уғлим, кўриш домламинан. Ахир янги тўғонимиз лойиҳасини ана шу домла чизганлар-да!

Анваржон Жуков билан қўл бериб кўришди.

— Зурёдимиз, — Афзалов орқасига шер суратли ёрлиқ ёпиштирилган жинси шим, ёқаси кенг ҳаворанг лапсан кўйлак кийган ўғлига ҳавас билан кўз ташлади. — Инженер бўлмоқчи. Мактабни Олтин медалминан путирди.

Файнбергдан Анваржон ягона имтиҳондан ўтолганини эшитган Жуков ота-болага фикрини лўнда қилиб айтиб қўяқолди:

— Комиссиянинг қарорини ўзгартиролмайман. Бирдан-бир ёрдасим, ўғлингизни медаль олмаган ҳисоблаб, умумий тартиб бўйича ҳамма абитуриентлар қаторида имтиҳонга киритамиз.

— Нега энди? — Домланинг бир оғиз сўзи билан ўғлим ўқишга киради деган хаёлда кирган Афзалов тутоқиб кетди. — Ахир, Олтин медаль оладиган ўқувчи мактабда мингта чиғириқдан ўтказилади-ку?

— Қандай чиғириқдан ўтганлиги менга қоронғи, — Сергей Николаевич кексаларга хос мулоҳим товуш билан тушунтира бошлади. — У биттаю-битта имтиҳондан ўта олмаган. Демак, билим даражаси институтга кириши учун етарли эмас.

— Комиссия ўғлимни қасддан йиқитган!

— Бекорга қизишяпсиз, — Жуков босиқлик билан сўзида давом этди. — Келинг, ўғлингизни хоҳлаган фанидан имтиҳон қилайлик. Комиссия қаторида мен ҳам қатнашай. Нима дейсиз?

— Йўқ, бу ҳақорат!... — Афзалов шашт билан ўрнидан турди. — Раҳмат ёрдамларига... Кетдик, бизнинг додимизга ҳам қулоқ соладиганлар бордир!..

Ота-бола кабинетдан чиқиб кетди. Сергей Николаевичнинг юраги санчиб, тилининг тагига валидол ташлади. «Э, тавба, бу нима қилгани? Нописандликни, зўравонликни касб қилиб олибди-ку? Ким айтади уни раис, кўпчиликка бош деб? Аттанг, ёмон дардга чалинибди. Дарди ўзи билан кетса кошқийди!..» У пича ўзига келган ҳам эдики, эшик очилиб, хотини Мария Ивановна кириб келди.

— Ҳалал бермайманми, Серёжа?

— Йўқ, — Сергей Николаевич рафиқаси нимадандир хурсандлигини кулиб турган кўзларидан уқиб, уни креслога таклиф қилди. — Марҳамат! Қувноқсан... Сабабини билсам бўладими?

— Сабаби — мана бу иншо! — Мария Ивановна креслога ўтириб, қўлидаги дафтар варақларини кўрсатди. — Атайин кўрсатгани олиб келдим. Сен лойиҳасини тузаётган жойлар ҳақида гўзал ҳикоя...

— Кампирравот ҳақидами? Ким ёзибди?

— Уша ерлик қиз — Дилбар Зуфарова. «Менинг жонажон ўлкам» мавзуйдаги иншосидан маълум бўлишича, хонободлик экан. Миробнинг қизи. Кампирравот дараси... Қорадарё тошқинлари... Бош мироб Йўлдош Тўхтаўжаевнинг фожиали ҳалокати... Охунбобоевнинг у ерга келиши ва биринчи тўғон қурилиши... Ҳатто ўртоқ Жуковнинг лойиҳаси ҳақида ҳам илиқ гаплар бор. Бунинг устига ўзбек қизининг рус тилида равон ёзганлигини айтмайсанми!..

— Қани, бир кўрай-чи?

Жуков Дилбарнинг иншосини қўлига олди. Мария Ивановна эрининг кўзойнакни бурни учига қўндириб иншони эътибор билан ўқиётганини, завқланиб кетганида оппоқ оқарган бошини қимирлатиб қўйишини кузатиб турар экан, мамнун жилмайиб қўйди.

— Истеъдодли қиз экан, — ниҳоят Жуков хотинига қаради. — Қобилиятли студент билан табриклайман.

— Студент бўлиши учун ҳали у яна учта имтиҳон топшириши керак.

— Топширади. Топширганда ҳам ҳаммаси «беш»га. Мен бунга ишонаман. Айтгандай, балки уйга чақирарсан, танишиб олардик.

— Имтиҳонлардан кейин.

— Ихтиёринг.

Мария Ивановна кабинетдан чиқиб кетиши билан телефон жиринглади. Жуков трубкани олиб, қулоқ солди. Терситский:

— Табриклайман, Сергей Николаевич, — ҳар доим мулоим гапирадиган Дмитрий Константиновичнинг ҳаяжонли товуши эшитилди. — Ҳозир Марказий Комитетдан телефон қилишди, Москвадан розилиги билан қурилиш республикага топширилди. Чин юракдан табриклайман. Бўш бўлсангиз тезда етиб келинг, маслаҳатлашамиз.

— Сизни ҳам табриклайман, Дмитрий Константинович! Ҳозир етиб бораман.

Жуков папкаларни ёзув столи устига тахтлаб, электр қўнғироғи тугмасини босди. Илмий секретарь кирди.

— Хизмат, Сергей Николаевич?

— Мана бу папкаларни қабул қилиб олинг, Натан Иосифович, — Жуков ўрнидан туриб, галстугини тузатабошлади. — Номзодлар маъқул. «Андижонгидрострой» ихтиёрига юборилади, расмийлаштиришингиз мумкин.

— Яхши, Сергей Николаевич, — Файнберг папкаларни олаётиб, Жуковга деди. — Ректорга учраб кетар экансиз.

Жуков кирганида ректор — кичик жуссали, тепакал боши ҳандалакни эслатувчи, қўллари калта Муслим Нозимович Нозимов икки юз кишига жой қилса бўладиган, шипига уч қатор биллур қандиллар осилган, пойандозлар тўшалган кабинет тўрида, ҳашаматли ёзув столи орқасидаги улкан чарм креслода чўкиб ўтирарди. Сергей Николаевич ректорнинг рўпарасида илк туриб қолди. Аллақандай қоғозни ўқишга машғул бўлган Нозимовдан садо чиқмасди.

— Чақирибсиз?

— Ҳа, дарвоқе, — Нозимов ижирғаниб унга қаради. — Абитуриент Афзалов ҳақида... Биз унинг Олтин медалини инобатга олиб, институтга қабул қилиш ҳақида буйруқ тайёрладик. Шунини айтиб қўйиш учун сизни чақиргандим.

— Комиссиянинг фикрича... барибир ўқиёлмас керак...

— Кўрамиз... Гап тамом!..

Жуков кўчага чиқиб, ёш чинорлар соя ташлаган йўлка бўйлаб пиёда юриб борар экан Дилбарни эслади. «Олтин медаль олган чаламулла йигит ва фақат ўз билимига ишонган истеъдодли қиз... Барибир ҳалоллик, истеъдод енгади!..» У Терситский эслатган хушхабарни хаёлига келтирди-да, қадамини тезлатди.

Сергей Николаевич шаҳардаги ишларини битириб, шу куннинг ўзидеёқ Кампирравотга учиб кетди. Унинг шошилинич жўнаб кетганлигини Мария Ивановна дил-дилдан ҳис қилди. Эрининг ишлари туфайли Карлови



Варига бориб, дам олишдан воз кечганига заррача афсусланмади. Кечга яқин телефон узун-узун жиринглади. «Бу, албатта, шаҳарлараро алоқа станциясидан...» Мария Ивановна трубкани олди.

— Эшитаман.

— Машенька, Кампирравотга соғ-саломат етиб келдик, — Жуковнинг овози эшитилди. — Борис Мусаевич «Андижонгидрострой» биносидан менга хона ажратиб берди. Телефоним: 5-20-12.

— Ҳозир, мен ёзиб оламан, — Мария Ивановна эрининг телефон номерини ёзиб олар экан, беихтиёр сўради. — Қорнинг очдир?

— Ҳозиргина девзира гурунчдан жувоз ёғида пиширилган палов едик. Турғунали бошлабди.

— Мен тезроқ борақолай?..

— Машенька, — Сергей Николаевич бир дақиқа жим қолди, сўнг ёлборганнамо оҳангда гапирди. — Сен ҳар қалай Карлови Варига бориб, даволаниб кел... Илтимос... жоним!..

— Узсовпрофга телефон қилиб, путевкаларни олмаслигимизни айтдим. Бу тўғрида бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Ўзинг биласан, сенинг ёнингда бўлсамгина дам олишим мумкин. Хўш, қачон бораё?

— Ўзим, ҳозирча диванда ётиб турибман. Келувчилар кўп, тураржон кам, — хотинига тушунтирди Жуков. — «Андижонгидрострой» бир неча уй қуряпти. Битиши билан сенга дарҳол телефон қиламан. Кейин, бирга бўламиз. Тушундингми?..

— Хўп... Омон бўл. Ҳа, айтгандай, вақтида овқатлан!..

Институтдан отпуска олган Мария Ивановна бир неча кун давомида уйини тартибга келтирди: эри билан ўзининг кабинетлари алоҳида-алоҳида бўлгани учун ҳар бирини икки-уч кунлаб тозалади, китоб жавонларини артиб, кейинги бир неча ой давомида олинган янги нашрларни жой-жойига терди ва бу ишларнинг ҳаммасини ўрнига қўйгач, журналларнинг кейинги сонларидан баъзи асарларни танлаб ўқишга киришди. Сергей Николаевич ҳар кун кечқурун телефон қилар, хотинининг тинчлиги, соғлигини билиб хотиржам бўлгач, ўз ишидан қисқача ахборот берарди. Шу кунларда бўлажак тўғонга пойдевор қўйиладиган жой тайёрланаётган эмиш.

Августнинг йигирманчи куни Жуков уйига тунги ўн иккига яқин телефон қилиб, эртага эрталаб машинада йўлга чиқишини, кечга томон Тошкентга етиб келишини ва бу ерда икки кун бўлиб, ишларини битиргач, Мария Ивановнани Кампирравотга олиб кетишини хабар қилди. Унинг айтишича, яқинда топширилган икки қаватли уйдан буларга икки хонали квартира ажратилибди. Бошқарма уй жиҳозлари ҳам берибди.

Мария Ивановна кун бўйи бўш бўлгани учун институтга боришга ва мандат комиссиясидан ўтган, ўқишга қабул қилинган студентларнинг рўйхатлари билан танишишга қарор берди. Уни, айниқса, Дилбар Зуфарованинг тақдири қизиқтирарди.

Салом, Мария Ивановна, — деди кимдир институт ҳовлисига кириб, рўйхатларга кўз ташлаб турар экан. — Кимни қидираётибсиз?

— Зуфаровани. Утибди, хурсандман, — деди Мария Ивановна. — Сиз ҳам ўтдингизми? Исмингиз нима эди?

— Тозагул, — қизнинг чиройли юзида ташвиш аломати кўринди. — Мен 18 балл билан ўтдим, Дилбар 20 балл олди. Лекин, қишлоғига қайтиб кетмоқчи.

— Нега энди?

— Сабабини айтмайди. Ҳозиргина сиртқи бўлимга ўтказиш ҳақида ариза ёзиб, ректорнинг қабулхонасига кириб кетди.

— Таажжуб...

Мария Ивановна Сергей Николаевичдан эшитган хунук гапларни эслади-ю, ўқишга қабул қилинган медалчилар рўйхатига кўз ташлади. «Афзалов Анвар...» рўйхатнинг бошида... У ранжиб, ҳозироқ ректор ҳузурига киришга ва ўз норозилигини билдиришга аҳд қилди.

Жукова ректор қабулхонасига кирганида Нозимовнинг кабинетидан қўлида қоғоз билан отилиб чиққан Дилбарга дуч келди.

— Мени кутиб тулинг! — деди у қизга ректорнинг кабинетига кириб кетатуриб.

Нозимов кабинет тўридаги чуқур креслосига ўтирганча аллақандай рангли журнални варақлар, ундаги суратларни томоша қилиб, ўзича жилмайиб қўярди. Мария Ивановна гап қотди:

— Бир оғиз гапим бор эди...

— Кириб бўлгандан кейин илтимоснинг ҳожати йўқ, — Нозимов журнални ноилож ёпиб, Жуковага тикилди. — Хизмат?

— Хатони тузатиш учун ҳузурингизга кирдим, Муслим Нозимович. Гап абитуриент Афзалов устида боряпти.

— Эрингиз профессор Жуков ҳам менга шу ҳақда мурожаат қилган эди. — Нозимовнинг митти кўзлари совуқ йилтиллади. — Икковингиз тил бириктириб олибсизлар, таажжуб...

— Нимаси таажжуб? — Мария Ивановна ҳаяжонини босишга уриниб, вазмин гапирди. — Ахир, қабул комиссияси рад этган номзодни сиз қувватлаб, буйруқ берибсиз.

— Тўғри қилдим, — Нозимов қаддини тутиб, креслосига жойлашиб ўтириб олди. — Ҳаққим бор... Ахир, мен ректорман, ўртоқ Жукова! Қишлоқ мактабларидаги аҳволни назарда тутиб, Афзалов номзодини қувватладим. Гап тамом!

— Йўқ, гап тамом эмас. Қабул комиссиясининг аъзоси сифатида ноҳақ буйруғингизга қарши эканлигим ҳақида Олий таълим министрлигига норозилик билдираман.

— Менга деса, ундан юқорироққа ёзинг. Буйруғим қатъий!

Жукова терс ўгирилиб, чиқиб кетди. Қабулхонада Дилбар турарди.

— Хафа кўринасиз, Мария Ивановна?

— Мени қўявер... Узинг бу ерда нима қилиб юрибсан? — Жукова қизни сансирай бошлади ва унинг кўлидаги қоғозга ишора қилди. — Бу нима?

— Ариза... Сиртқи бўлимда ўқимоқчиман...

— Нега энди? Ахир, ҳамма имтиҳонлардан «беш» баҳо олибсан-ку?!

— Ҳа, шундай... «Андижонгидрострой»га ишга кираман... — Дилбар аризасини Жукованинг кўлидан олиб, қабулхонадан чиқиб кетаётиб деди. — Сергей Николаевич билан сизни Хонободда кутаман. Меҳмон бўлинглар!..

Қизнинг шиддатли хатти-ҳаракатидан ҳеч нарсани тушунолмаган Мария Ивановна: «Бу ерда бир сир бор, — деган фикрни дилидан ўтказди. — Албатта тагига етаман...»

## Ун иккинчи боб

**Х**ар доим ғира-шира тонгда уйғонадиган ва илиқ душдан кейин севимли хотини Хонзода билан меҳмонхонада нонушта қилиш-гач, узоқ бригада ёки, фермалардан бирига жўнаб кетадиган Афзалов бугун, тарки одат, хаёллар оғушида кўзларини юмди. Дам олиб, роҳатланишга ҳаққи бор: ахир, бир эмас, уч маросимни қўшиб ўтказмоқчи. Аслида хотинига «қирқ ёшингни байрам қиламиз», деб ваъда берган, анчадан буён тайёргарлик кўриб юрган бўлса ҳам, унинг қистови билан яна иккита маросимни қўшиб ўтказишга тўғри келиб қолди. Бири — ўзининг эллик ёшга кирганлиги, иккинчиси — Анваржоннинг институтга қабул қилинганлиги... Таклифномага ҳам ўзгартишлар киритилди. Уч кундирки, қадрдони ва ишончли дастёри Азиз Абдуллаев унинг хусусий «Жигули»сида таклифномаларни тарқатиш билан овора. Ҳазил гапми, беш юзта хонадонга кириб чиқиш! Бир томони Ўш ва Андижон, бир томони Ўзган ва Жалолобод!..

Афзалов Тошкентдаги ёру дўстларига телеграммалар жўнатиш билан кифояланган бўлса ҳам, аммо институт ректори Нозимовга нисбатан бундай қилиш катталик бўлармикан деган андишада кеча эрталаб Анваржонни назарида арзимаган совға-салом: битта челақда тоза тоғ

асали, қопчада девзира гурунч, хотини ва қизига икки жўра хонатлас билан Жалолобод аэропортидан учириб юборди. «Устозни сийлаш керак, домлангни ўзинг олакел!»— деб тайинлади ўғлига Афзалов.

У деразаси Фозилмон боғининг гулзорига очиладиган нимқоронғи салқин хонада роҳатланиб ётибди. Ёнида хотини: «Жоним.. Фариштам!..» Хонзода шаҳло кўзларини очиб, мамнун жилмайди-ю, яна юмди.

Кейинги кунларда юз берган воқеалар Афзаловнинг кўз олдидан бир-бир ўта бошлади. Правление мажлисидаги танқидлар, Камоловнинг мактабга келиб, имтиҳонлар сифатини текширгани... Лекин, «Ким ишламаса — хато қилмайди», «Юрмаган қоқилмайди» каби ўнлаб ақлли ибораларни уста мергандек ўз мухолифларига қарши отишни яхши билади. «Албатта тузатамиз!», «Сўзсиз бажарамиз!» унинг доимий сўзлари. Гоҳо танқид танқидлигича, огоҳлантириш огоҳлантиришлигича қолиб кетиши унга маълум. У фақат бир киши билан — Карим Узоқов билан ҳисоблашади. «Районнинг тақдири, демак, менинг ҳам тақдирим биринчи секретарнинг қўлида, қолганлари ўтаберсин!» — Афзаловнинг хаёлида шу гап.

Нима бўлди-ю, кутилмаганда Узоқовнинг муносабати ўзгариб қолди. Институтда бирга ўқишган, йигирма йилдирки, бир районда бирга ишлашиб келишаётган эди-ку?! Дуруст, правление мажлисида Афзаловнинг шаънига қаттиқ гаплар бўлди. Бироқ, бундай гаплар биринчи марта бўлаётгани йўқ... Лекин, Узоқов, Афзаловни юпатиш, қўллаб-қувватлаш ўрнига, танқиддан тўғри хулоса чиқариб, ишни тузатиш зарурлигини айтди...

Шу фикрдан Афзаловнинг вужуди музлаб, хотинини уйғотиб юбормаслик учун тўшакдан полосга секингина сирғалиб тушди ва юпқа тўнини елкасига ташлаб, ваннахонага кириб кетди.

У душда ювиниб чиққач, Хонзода бугунги маросимга тайёрлаб қўйган янги кийимларини бир йўла кийиб олишга қарор берди. Енги калта оқ кўйлак, юпқа кулранг трикодан тикилган фин костюми, шу рангда галстук, ингичка учлик ва баланд пошналик югослав тўқима чарм туфлиси — буларнинг ҳаммаси вужудига ёпишди-қўйди. Кўкрагида орден-медаллари: саккиз-ўн йил аввал олинган мукофотлар. Бироқ, Афзалов эллик ёшини нишонляпти. Бу шон-шавкат белгилари қачон олинганидан қатъи назар, шундай кунларда, ҳа, худди бугунгидай тантанали маросимларда намойиш этилиши керак.

Афзалов тошойнада ўз савлатини томоша қилиб тураркан, чўнтагидаги жажжи қутичалар эсига тушди. Уларни олиб, бирма-бир очиб қўйди: бирида Анваржонга олтин соат, қолган иккитасида Хонзодага гавҳар кўзли узук билан исирғалар... Тошкентда юрган кунлари «Олмос» магазинидан бу туҳфаларни олаётганида унинг паспортини сўрашди ва адресини ёзиб олишди. Афзалов бунинг сабабини суриштирганда сотувчи қиз «эҳтиёт шарт», деб қисқагина жавоб қилди. Нима, улар ўғридан эҳтиёт қилишмоқчимизми? Тўғри, баҳоси «Волга» машинасининг нархига яқин. Ҳа, Хонзоданинг ишқи, вафоси шунга арзимабдими!

У тўшакда эриниб ётган Хонзодага совғаларни кўрсатди.

— Арзимаса ҳам...

Хонзода қутичаларнинг аввал бирини, кейин иккинчисини очиб, улардаги тақинчоқларни дарзадан тушиб турган шуълага тутиб кўрди. Кейин, шошмасдан узукни ўнг қўлининг ўрта бармоғига, зиракларни қулоқларига тақиб олгач, эрига мушукдай суйканди:

— Умрбод миннатдорман, хўжам!..

Афзалов боққа чиққанида ҳашарчилар кенг саҳни аллақачон сув сепиб супуришган, юк машиналарида бирин-кетин келтириб турилган стол, стуллар туширилиб, жой тайёрлана бошланган эди. У ҳовлидаги-ларнинг саломларига алик олиб, булоқ бўйига қўйилган стол ёнига борди-да, юмшоқ стуллардан бирига ўтирди. Бунга кўрган ҳашарчилардан бири — серсоқол, юзи кулиб турган чуваккина чол — раиснинг доимий югурдаги Асад қора орқа ҳовлига лип этиб ўтиб кетди ва сал ўтмай бир қўлида ясатилган патнис, иккинчи қўлида чойнак кўтариб келди.

Майрамлари қутлуғ бўлсин, раисбо. Камида минг одам йиғилса керак-а?

— Ҳа, энди, айтилганлар келади... Ҳа, дарвоқе, бундай ўтиринг,— Афзалов Асад қорага рўпарасидаги стулни кўрсатди.— Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар... Бир ҳисоблашиб олайлик. Кечаги ишлар қандоқ бўлди?

Асад қора раиснинг қаршисига ўтириб, майда қавиқ пахталик шимининг чунтагидан иккита қоғоз чиқарди.

— Мана, раисбо, ҳаммаси бажо! — унинг митти кўзлари йилтиллаб кетди. — Буниси картошканики... — Ўн тонна «топширдик». Байлашган пулни бердик... Манавиниси гўштники. Саккиз тонна гўшни «қабул қилиб олишди...»

— Дуруст... Энди буларни бош бухгалтерга топширинг, рўйхатдан ўтказиб, тикиб қўйсин.

— Бажараман, раисбо!

Чол орқа ҳовлига липиллаганча ўтиб кетди.

Афзалов тўсатдан пайдо бўлган Абдуллаевга қаради.

— Салом, Норхўжа Афзалович, — деди у бир даста таклифнома-ларни стол устига қўяркан. — Буларни уйларида топполмадим. Далама-дала истаб юришга вақт бўлмади...

— Чакки бўпти... Ҳар қалай, Узоқовни топдингизми?

— Карим Узоқович билан кўришишнинг иложи бўлмади.

— Нега иложи бўлмайди, — Афзалов Абдуллаевга қаттиқ тик-килди. — Ахир, ўзингиз райкомга бордингизми?

— Ҳа, бордим. — Абдуллаев бир тишлам нонни бамайлихотир чайнаганча, товушини пасайтириброқ жавоб берди. — Райкомда бюро мажлиси бўлаётган экан.

Бюро мажлиси?! Нега мени мажлисга чақирибмабди?

— Аввало, сиз бюро аъзоси эмассиз, Норхўжа Афзалович, — Абдуллаев хотиржам бир оҳангда изоҳ берди. — Қолаберса, мажлис кун тартибида сизга алоқадор масала бўлмаса керакки, чақирилмаган-сиз.

Партия ташкилоти секретарининг бу гапи ҳар жиҳатдан тўғри бўлса ҳам, Афзаловнинг кўнглини ғаш қилиб турган чигил ёзилмади. Сабаби, кўп йиллардан буён райондаги эътиборли раислардан ҳисобланар, райком раҳбарлари бюро мажлисларига ҳар доим чақириб туришар, гоҳо Узоқов бошқа тажрибакорлар қаторида ундан ҳам маслаҳатлар оларди.

— Мажлис тугашини кутмадингизми? — Ташвиши ортиб бораётган раис таклифномаларни стол устига қўяркан, парткомдан сўради.

— Кутдим, — Абдуллаев хотиржам жавоб берди. — Лекин, ҳамма тарқалса ҳам Узоқов райком секретарлари ва ижроком раҳбарлари билан залда қолди. Бир вақт Камолова чиқиб қолди ва мени кабинетига бошлаб кирди. Карим Узоқовичга, бюро аъзоларига, шу жумладан, Ҳабиба Камоловнанинг ўзига таклифномалар олиб келганимни айтдим.

— Хўш, у нима деди? — Афзалов тоқатсизланиб сўради.

— Раис бемаслаҳат иш қилибди, деди.

— Хўш, кейин нима бўлди? — Афзалов асабий бир ҳолатда бармоқларини чалиштириб қарсиллатди. — Бундоқ лўнда қилиб ту-шунтирмадингизми, менинг эллик ёшга кирганимни, юбилей қилаётган-нимни?

— Айтдим... — Афзалов ҳовлиқиб тушгани сари Абдуллаев яна ҳам хотиржам кўринарди. — Ҳабиба Камоловна «ҳозир тўй-тўйлаш эмас, далада ишлаш вақти», деб менга танбеҳ берди.

— Карим Узоқовичга учраш керак эди!

Афзаловнинг отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмаётганини кўрган Абдуллаев масаланинг пўскалласини айтди-қўйди:

— Масала жуда жиддий, Норхўжа Афзалович, эртага колхозимизга райком ва райижрокомнинг махсус комиссияси келиб, комплекс текшириш бошлармиш.

Кампирравот сув иншооти қурилиши муносабати билан колхоз тугатилиб, унинг адирлар ҳисобига кенгайтириладиган янги территорияси-

да совхоз ташкил этилади-ю, директор сифатида ишни давом эттирабераман, деган хаёлда юрган Афзаловни бу хабар гангитиб қўйди.

— Комиссия раиси ким экан?

— Билмадим.

— Ишқилиб, Камолова бўлмасин-да...

— Камолова бўлиши ҳам мумкин, — Абдуллаев ҳамон рафторини ўзгартирмай, бамайлихотир жавоб берди. — Узи айтгани йўқ, бироқ, тахминим шундай. Нега десангиз, Норхўжа Афзалович, Ҳабиба Камоловна мен билан ярим соатдан кўпроқ суҳбатлашгач, райком бюроси колхоз правлениесининг ишидан норози эканлигини айтди. Бизда хўжаликка раҳбарлик ҳам, партиявий-сиёсий, ташкилий ишлар ҳам талабга жавоб бермас эмиш. У мактаблар, боғча ва яслиларнинг аҳволи ҳақида, айниқса ачиниб сўзлади. Колхоз демократияси, колхозчиларнинг ҳақ-хуқуқлари, кадрлар масаласи, шу жумладан, раҳбарнинг обрўси ҳақида Камолова билдирган фикрлар тагида бир дунё маъно бор.

— Ҳа-ҳа!.. — Афзалов ёқасини ушлаб, бошини сарак-сарак қилди. — Демак, биз ёмон, улар яхши. Мен, нодон, район раҳбарлари эллик ёшимни, йигирма йиллик меҳнатимни инobatга олади, Карим Узоқовичнинг шахсан ўзи юбилей кечамга келиб, табрик нутқи сўзлайди, деб умид қилиб ўтирибман-а!.. Хўш, яна қандай хабар олиб келдингиз?

— Танбех эшитиб келдим, — Абдуллаев ҳам бўш келмади. — «Партия ташкилотининг секретари раиснинг югурдаги эмас. Раисларнинг қўлига сув қуйиб, кун кўрадиган даврлари аллақачон ўтиб кетган. Улар хато ва камчиликларга йўл қўйган раҳбарларни тартибга чақириб қўйишлари мумкин ва шарт!» Мен сизга, ўртоқ Афзалов, Камолованинг сўзларини айнан айтдим. Энди, хафа бўлмайсиз.

— Хўш, сиз шу билан, — Афзалов Абдуллаевга ўқрайиб қаради. — Камолованинг фикри тўғри демоқчимисиз?

— Ҳа, Норхўжа Афзалович, ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, биз уни ҳазм қилишга мажбурмиз! — Абдуллаев ўрнидан туриб, одамларнинг ғовур-ғувури эшитилиб турган ҳовли томонга қаради. — Менинг сизга маслаҳатим шуки, бугунги зиёфатни катта қилманг. Шунчаки, оилавий ўтириш бўлгани маъқул.

— Бу нима, кўрсатмами? — Афзалов ҳам ўрнидан туриб, Абдуллаевнинг қаршисида сўррайганча туриб қолди. — Одам элликка бир марта киради! Тўй қилсам арзимабдими?

— Арзийсиз... Районда элликка кирганлар мингдан ортиқ бўлса керак. Чунончи, Карим Узоқович... У киши ҳам элликка кирдилар. Лекин, ҳеч ким тантана қилаётгани йўқ-ку!

Узоқовнинг номини эшитган Афзалов бир оз шаштидан тушган бўлса ҳам, Хонзоданинг юзга яқин дугоналари-ю, қариндошларини зиёфатга чақириб қўйгани, бугунги кунни алоҳида умид билан кутаётган, ўнлаб дўстларига аллақачон таклифнома юборган Анваржонни эслаб, яна ўзига хос ғурур билан деди:

— Меҳмон чақириб жиноят эмас-ку?!

— Шундай. Ҳар қалай, яқин кишиларингизни чақириб, оилавий ўтириш қилганингиз маъқул. Майли, сиз бу ерда бўлсангиз, мен идорага борай!

— Тўхтанг, — Афзалов унинг билагидан ушлаб тўхтатди. — Айтингчи, райондан одам келадими?

— Билмадим... — Абдуллаев йўлида тўхтаб, фикрга толди. — Карим Узоқович Андижонга кетар экан — обкомда бюро мажлиси бор. Раҳбарларнинг кўпчилиги бугун Кампирравотга келишади, қолганлари далаларда... эҳтимол, зиёфатингизга Камолова келар.

— Камолова?.. — Афзаловнинг пешонаси тиришди. — Камолова бўлса Камолова! Кутиб оламиз!

— Бекорга аччиғингиз чиқяпти, Камолова ўз колхозимиздан етишиб чиққан кадр. — Абдуллаев мамнун жилмайиб, Афзаловни бошдан-оёқ кўздан кечирди. — Костюм ярашибди, нишонлар ҳам... Оқшом келамиз, ўшанда табриклаймиз, раис!

— Сиз идорада бўлсангиз, Маҳмудовни бу ерга юборинг, қарашворсин, — Абдуллаевнинг кейинги сўзларидан кўнгли анча равшан тортган Афзалов яна эски ҳолига тушиб, тантиқланиб гапирди. — Толибжон дастурхон тузашга уста!

— Толибжон Маҳмудович банд бўлса керак...

Афзалов Абдуллаев «Толибжон» деб атайдиган ёш экономистнинг «Толибжон Маҳмудович» бўлиб қолганидан ҳайрон бўлиб сўради:

— Нега у банд бўлади? «Толибжон Маҳмудович»... Узи нима гап?

— Толибжон Маҳмудович ҳозир Қўрғонтепада... Райкомда... — Абдуллаев чайналди. — Уни кеча бюрога чақиришибди. Мен уни тунда мажлисдан чиқаётган вақтида учратдим. Аммо, кўпчиликнинг олдида унинг олдига бориб, «сени нега бюрога чақиришди», деб сўраёлмадим.

— Епирай!.. Унинг ўзи, яъни Толибжон Маҳмудович сизни кўрдими? Ёки кўрса ҳам, кўрмасликка олиб, юзини ўгириб кетавердимми? Ахир, сиз партком секретари, ўз ҳисобингиздаги коммунист райкомга чақирилмиш, бюро мажлисида қатнашармиш-да, бундан беҳабар, томоша қилиб ўтираберармишсиз? Шундоқми?!

— Йўқ, ундоқ эмас! — Энди Абдуллаевнинг ҳам зардаси қайнади. — Аввало, мен Маҳмудов бош экономист сифатида анави куни правлениеда кўрилган масала бўйича чақирилган бўлса керак, деб ўйладим. Ундан кейин, райкомнинг ҳар бир коммунистни чақиришга ҳаққи бор!..

— Бу тўғри-ку-я... — турли тахминлардан Афзаловнинг боши ғовлаб, кўзи тинди. — Дуруст, Маҳмудов сизга учрамасдан кетибди. Лекин, сиз Камолова қабул қилганда Маҳмудовнинг нега чақирилганини ундан сўраб билмадингизми?

— Йўқ...

— Балки, бунинг сабабларини ўзингиз биларсиз?

— Билмайман.

— Хўш?

— Маҳмудов кечаси Қўрғонтепадан келмабди. Хотинига телефон қилиб, Узоқов билан бирга Андижонга кетаётганини айтибди.

«Узоқов Маҳмудовни обком бюросининг мажлисига, янги совхоз директорлигига тасдиқлашга олиб кетган...» Афзалов Абдуллаевга сир бой бермай, булоқ боши томонга юрар экан, деди:

— Майли, сиз идорада бўлиб туринг. Оқшом кечикманг, албатта хонимни бирга олиб келинг!

Афзаловнинг дили хуфтон. У меҳмонхонада сездирмасликка ҳаракат қилиб, у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирар экан, ўғли Анваржон кириб келди. У отаси билан онасини галма-гал қучоқлаб, туғилган кунлари билан табриклади. Кўришиб бўлишгач, Афзалов сабрсизлик билан сўради:

— Хўш, ўғлим, домлангни олиб келдингми?

— Ректоримиз хотинлари билан курортга кетган эканлар. Уғиллари Козимхон билан қизлари Дилфузани таклиф этдим. — Анваржон боққа ишора қилди. — Ана, улар!

Боғда, гулзор олдида жинси шим, оқ кўйлак кийган паканагина биққа йигит билан худди акасидай кийинган, қирқилган калта сочини шинам тараган, бўйи акасидан бир бош баланд, озғингина қиз турарди.

— Яшавор, ота ўғли! — Афзалов Анваржонни бағрига босиб, костюми чўнтагидан яшил қутича чиқарди-да, унга берди. — Мановни тақиб ол! Сенга биздан арзимас совға...

— Раҳмат, дадажон! Раҳмат, бувижон!..

Хонзода дераза орқали ҳовлига қараб, меҳмон қизга бошдан оёқ разм солар экан, кулиб қўйди:

— Касал тузаладиган бўлса табиб ўз оёғи билан келаркан... Миробнинг уйига бориб юрибмиз. Дунёда бунақа баланд мартабали одамлар, уларнинг анандай замонавий қизлари бор экан-ку!..

— Ичимсиз, Хонзодам, ичимсиз! — Афзалов ҳи-ҳилаб кулди. — Асли, Тошкентга кўчиб кетиб, ўша ерда яшасам ҳам бўлади. Янги уй, янги иш, театрлар, метро... Қудамиз ректор, қудачамиз балки раққоса... Нима дейсиз, Хонзодам?

—Кошкийди!..  
Афзаловнинг бу ерда — ўз қишлоғида тагига сув кетганлигини Хонзода билмасди.

## Ун учинчи боб

**А**илбар август ойининг охири куни Фрунзе-Жалолобод поездига Тошкент станциясидан чиқиб олгач, энди иссиқ ҳам, ташвишлар ҳам унутлади, деб ўйлаган эди. Состав охирига уланган қўшимча вагон одамлар билан лиқ тўла: на ўтиришга, на туришга жой бор. Вагон ойналари ярим-ёрти очиб қўйилган бўлса ҳам, қилт этган шамол йўқ, ҳаво ниҳоятда дим. Бунинг устига кашанда йигитларнинг алжирашганлари... Дилбар, қўлида чамадончаси, йигитлардан ўзини тортиб турган эди, бир чеккада қисилиб ўтирган нуроний бир мўйсафид чақириб қолди.

— Кел, оппоқ қизим, манов жойга ўтирвол!

— Йўқ, отахон, ўзингиз ўтираверинг, мен ёшман...

— Мановларни ўтиришини-чи!... — Мўйсафид Дилбарнинг қўлидан олиб, ўз жойига ўтқазиб қўйди. — Қартага бало борми, шунча одам ичида!..

— Э, аравангни торт, — қартабозлардан бири қарияни жеркиб ташлади. — Ҳадеб ўдағайлайверасанми, мана сенда бор соқол менда ҳам бор!

Чиндан ҳам ранги заъфарон, қоқ суяк йигит соқол қўйган бўлиб, нурсиз кўзлари уккиникидай бежо, оғзидан арақ ҳиди анқиб турарди.

Қариянинг кўкси тўла орден, медаллари шалдираб кетди: чиллаширнинг ёқасидан тутиб, даст кўтарган ҳам эдики, улфатлари базўр қутқариб қолишди. Шовқин-сурондан таъби тирриқ бўлган Дилбар секингина ўрнидан туриб, четроққа чиқиб кетаётган эди, таниш овоз эшитилди:

— Дия! Буёққа кел, жой бор!

— Марина! Маринечка, жонгинам!..

Охири очиқ купеда ойнага яқин ўтирган Марина ёнидаги йигитларга ғайритабиий дағал товушда буюрди:

— Қани, сал сурилишлар!

Йигитлар сурилишиб, Маринанинг ёнидан жой бўшатиб беришди. Дилбар одамлар тиғиз ўтирган полкалар ўртасидан бир амаллаб ўтиб, дугонасининг ёнига жойлашгач, чамадончасини оёқлари орқасига жойлаштириб, деди:

— Тошкентга келибсану бизнинг институтга бормабсан-да?

— Эрталаб келдим. Мана кечқурун кетяпман. Э, ўртоқжон, кун бўйи иш билан югуриб юрдим...

— Ҳали ҳам бошқармадамисан? — Дилбар дугонасининг қуёшда куйиб, жигарранг тусга кирган силлиқ сочига, чанг-тўзонда кўп юрганидан қорайган юзига тикилди. — Ишинг кўпми, дейман-а?

— «Андижонгидрострой»да уч ҳафтагина ишладим-у, кетдим. — Дилбарни кўрганидан беҳад қувонган Марина шошиб сўради. — Ишқилиб, институтга кириб олдингми?

— Кирганда қандоқ! — Дилбар Маринанинг елкасига қўл ташлаб, ўзига тортди. — Учрашганимизни қара-я, Маринечка! Сенга ўрганиб қолган эканман, жуда-жуда соғиндим...

— Мен ҳам! — Марина сумкасидан бир шиша лимонад олиб очди ва иккита стаканга қуйиб, бирини Дилбарга узатди. — Ол, томоғингни ҳўлла. Қара вагоннинг ичи ҳаммом... Ҳа, айтгандай, табриклайман, Дилечка! Хўш, неча балл олдинг?

— Йигирма балл...

— Оббо сен-ей, имтиҳон топширишда чемпион бўлибсан-ку! Эсингдами, йиқиламан, деб қўрқиб юрганинг?

— Эсимда... — Дилбар хомуш тортди. — Раиснинг ўғли... Анваржон...

мени кўрқитганди ўшанда... Лекин, ўзи имтиҳон топшира олмади. Отаси билан институтда кўрдим.

— Унда Анварнинг ишини тўғрилагандир?

— Ҳа. У институтга кирди, лекин мен чиқдим...— Дугонасининг кўзлари ола-кула бўлиб кетганини кўрган Дилбар унга ётиғи билан тушунтира бошлади. — Ректор қабул комиссиясининг қарорини эътиборга олмай буйруқ чиқарди. Шундан кейин, ўша шилқим билан бирга ўқигандан ўқимаганим яхши, деган қарорга келдим ва мени сиртқи бўлимга ўтказишларини сўраб, ариза ёздим.

— Ректор аризанга осонгина қўл қўйиб бердим?

— Ҳа.

— Қизиқ...

Дилбарнинг энг юқори йигирма балл билан институтга киргани, нима сабабдандир ўқишни ташлаб кетаётганини эшитиб ўтирган йигит ўзини тутиб туролмади, тиззасини шапатилаб, деди:

— Эй, сингилжон-а, бекор қилибсиз! Кулиб боққан бахтдан юз ўгирибсиз! Мана, мен имтиҳонлардан ўтолмай, уйга қуруқ қайтаяпман...

Қизлар йигитнинг сўзларига эътибор беришмади.

— Ҳозир қаерда ишляпсан? Тошкентга нима хизмат билан келдинг? — дугонасидан сўради Дилбар.

— Даданг Илҳом Зуфаровичнинг «Андижонгидрострой» қарамоғидаги «Усталар мактаби»да кадрлар бўлимининг мудирини бўлиб ишляпман.

— У-хў, ишинг йирик-ку?! — Дилбар дугонасига ҳавас билан тикилди. — Мени ҳам ўқишга оласанми?

— Сенинг турган-битганинг жумбоқ. Бир ой ичида ўзгариб кетибсан, — Марина Дилбарга синовчан боқди. — Биринчидан, Анваржоннинг институтга ноҳақ қабул қилингани учун ўқишни ташлаганинга ўлсам ҳам ишонмайман. Бу ерда бир чигаллик, мен каби содда қизларнинг ақли етмайдиган сир бор.

— Содда қиз эмиш, — Дилбар дугонасининг елкасини силади. — Кадрлар бўлимининг бошлиғи-я!.. Уртоқ бошлиқ, деб мурожаат қиламан энди сенга!

Поезднинг юриши тезлашиб, дарчалардан салқин оқшом шаббодаси кирабошлади. Йўловчиларнинг нафас олиши бир оз енгиллашди.

— Ишим ўзимга ёқади. Лекин, жуда оғир, — деди Марина. — Ёшлар тинимсиз оқиб келишяпти. Бир қаватли эски бинога қанча одамни жойлаштириш мумкин?! «Андижонгидрострой» Қорабағишда уч қаватли янги бино курабошлади. Бу йил битмайди. Илҳом Зуфарович мени Тошкентга командировкага юборди. Учта идорада бўлдим. Бошқармамиз бошлиғи Борис Мусаевич зўр одам-да, ҳамма ишни телефонда битириб қўйган экан. Ана юкларим, уларни ҳали Хонобод станциясида тушириб, техникумгача кўтариб бориш керак.

Ҳали Дилбарга мурожаат қилган барваста йигит гап қотди:

— Биз ёрдамлашамиз! Фақат, илтимосимиз бор...

— Хўш? — Марина йигитга истехзоли тикилди. — Нима илтимос?

— Имтиҳонлардан йиқилдик... Нима қиламиз энди?... Шу «Усталар мактаби»га қабул қилсангиз!

— Яхши, — Марина совуққина жавоб берди. — Бир йиллик ўқишга кирасиз. Электрчилар, арматурачилар, бетон қорувчилар, дурадгорлар, ошпазлар тайёрлайдиган группалар бор. Ўқиш эртага биринчи сентябрдан бошланади.

— Менга ошпазлик маъқул!

Вагондагилар баралла кулиб юборишди.

— Нега куласизлар? — Марина купедагиларга жиддий қараб олгач, босиқ гапирди. — Хўрандалар ҳақиқа хиёнат қилгани, сифатсиз овқат пиширгани, тарозидан ургани ва бошқа шу каби жиноятлари учун яқинда ошхона мудирини ишдан олиб ташланди. Бизга ҳалол ишлайдиган ошпазлар керак.

— Дадам Султонободда таниқли ошпаз. Кўпчиликни хурсанд қилиш — савоб иш, дейдилар у киши.



— Агар ниятингиз астойдил бўлса, — деди Марина энди мулойимлик билан. — Эрталаб ҳужжатларингизни олиб боринг, мен сизга ёрдам қиламан.

— Раҳмат, сизга!..

Поезд Хонобод станциясига эрталаб соат олтига яқин келиб тўхтади. Йигитлар, Маринанинг юкларини вагондан туширишиб, техникумгача кўтаришиб келишди. Уларни эшик олдида Илҳом Зуфарович кутиб олди. Дилбар дадасининг кўксига бош қўйди. Шу орада султонободлик барваста йигит — Ҳасанбой Иброҳимов Маринага соатини кўрсатиб, энди уйига бориб келишга улгурмаслигини, институтдан қайтиб олган ҳужжатлари папкасида бўлгани учун уларни ҳозироқ топшириб, ўқишни ҳам бир йўла бошлаб юбориш истагини билдирди. Марина рози бўлди.

Илҳом Зуфарович қизидан ҳол-аҳвол сўради, имтиҳонларини қандай топширганини суриштирди. Дилбар кейинги бир ой ичида содир бўлган воқеаларни дадасига батафсил сўзлаб ўтирмай, қисқагина жавоб қилди:

— Институтнинг сиртқи бўлимига ўқишга кирдим.

— Табриклайман, қизим. Энди, уйга бориб, дам ол. Аянг ҳам жуда соғинган сени...

Марина Дилбардан тушликка етиб келишини илтимос қилди. «Қорабағишга бориб овқатланамиз, кўлда чўмиламиз», — қизиқтирди у. Аслида эса, Дилбар билан холи сўзлашиб, унинг Тошкентдан Хонободга қайтиб келиши сабабини билиб олмоқчи эди.

Дугонасининг тезда учрашиш ҳақидаги бу таклифига онаси, сингилларини соғинган Дилбар кўна қолди. Бунинг сабаби бўлиб, имтиҳон энг қизғин кунларда Тошкентга бориб, ундан хабар олган Обиджоннинг қаердалиги, нима иш қилаётгани ҳақида Маринадан сўраб билмоқчи, агар иложини қилса, у билан учрашмоқчи эди. Дилбар онаси Қумри опа билан танҳо қолиб, имтиҳонларни қандай топширгани, Афзалов ва унинг ўғли Анваржоннинг қилмишлари, Мария Ивановна Жукова билан танишганлиги, ректорга ариза бериб сиртқи бўлимга ўтганлиги, энди эса, қурилишда ишламоқчи эканлиги ҳақида гапириб берди.

— Ниятинг яхши, — деди она ва пича ўйга толиб, деди. — Сиртдан ўқиш анча қийинми дейман?

— Қийинликка қийин. Аммо, асло ташвишланманг, барча дарсликлар, программалар, кўшимча материалларни олиб келдим. Бу ёқда дадам ҳам оғир ишга бел боғлабдилар.

— Дадангни биласан-ку, — Қумри опа мийиғида кулиб қўйди. — Тиним нималигини билмайди, қайнагани-қайнаган.

— Боя кўрдим, — Дилбар фахрланиб сўзлади. — Ҳунар ўрганишга келган ёшлар беҳисоб, дадам уларга сардор. Ишқилиб, саломат бўлсинлар. Аяжон, сиз ором олинг, мен қишлоқни соғинганман, бир айланиб келай.

— Майли, қизим, тезроқ қайт, ош дамлаб қўяман.

Дилбар нимқоронғи хонадан қуёшли ҳовлига чиққач, кўзлари қамашди. Тун бўйи дим вагонда ухламай ўтиргани ва бунинг устига эрталаб нонушта қилмаганидан кўнгли озиб, боши айланди. Лекин, вақт тушга яқинлашгани учун Маринани кутдириб қўймаслик мақсадида жимжит гузардаги чойхона ёнидан липиллаб ўтди-да, «Усталар мактаби» жойлашган кўримсиз бино томонга йўл олди. У етиб борганида Марина йигитлар билан нима ҳақдадир баҳс қиларди.

— Сиздан миннатдорман, Марина Андреевна, — Ҳасанбойнинг дўриллаган овози эшитилди ва у «Жигули» машинасига ишора қилди. — Ўқишга осонликча кириб олдим. Энди, марҳамат, хизматингизга тайёрман! Султонободдан укам миниб келибди. Ана, дугонангиз келяптилар, ўқишга кирганимни Тополинога бориб бир ювайлик!

— Жуда шилқим йигит экансиз, Ҳасан!

— Мени нотўғри тушуняпсиз, Марина Андреевна, — Ҳасанбой қизларнинг олдига ўтиб, уларнинг йўлини тўсди. — Сизларга холис хизмат қилмоқчиман. Ахир, бўшман! Майли Тополинога бормайлик, қаерни истасангиз, аши ерга обориб қўяман.

— Бўпти, — Марина Дилбарга кўз қисиб, қўйди. — Чиқдик машинага! Ҳасан «Андижонгидрострой»га ҳайдайсиз!

— Жоним билан, — Ҳасанбой укаси Ҳусанбойга кетаверишини айтиб, рулга ўтирди. — Ана, бу бошқа гап. Сиз, Марина Андреевна, бугундан бошлаб мени ўзингизнинг шоферингиз деб билаверинг!..

— Олинга!.. Машинани ҳам ошпазликдан топган пулларга олгандирсиз?

— Топдингиз, — дадил жавоб берди Ҳасанбой. — Бу касбда тўғри ишлаганинг қорни тўқ, усти бут бўлади, дейдилар, дадамлар.

Машина темир йўлдан силкиниб ўтгач, енгил шаббодадай равон елиб кетди.

— Асфальт йўл битказилибди-да? — Дилбар қизиқиб сўради Маринадан.

— Ҳа, — фахрланиб гапирди Марина. — Асфальтни Обиджон бригадаси ётқизди. Борис Мусаев: «Ётмиш гвардиячи!» деб улуғлайди Обиджон ва унинг дўстларини.

Уч ойда қуриб битказдик, — гапга аралашди Ҳасанбой машинасини «Андижонгидрострой»нинг қўш қаватли, вивескаси ярқираб турган биноси олдида тўхтатар экан. — Кутиб турайми?

— Йўқ, — Марина Ҳасанбойга илк бор кулимсираб жавоб қилди. — Хизматингиз учун раҳмат.

— Дуруст йигит кўринади, — деди Дилбар Ҳасанбой жўнаб кетгач, Маринани қўлтиқлаб, бошқарма биноси орқасидаги ошхона томонга бошларкан.

— Билмадим... Ичига кириб чиққаним йўқ...

Қизлар бино ичидан ҳовлига чиқдилар ва узун барак — ошхонага кириб, рўпарадаги столлардан бирида овқатланиб ўтирган Мусаевни кўриб қолдилар.

— Марина, қизлар, — Мусаев уларни ёнига чақирди. — Келинлар, бирга овқатланамиз! Ҳай, официант, буларга овқат олиб келинг! Хўш, Зуфаров ёнингни сўрмаяптими? Баракалла, яхши ишлаётганмишсан. Айтганча, бу қизча ким?

— Дугонам Дилбар! — Марина фахрланиб жавоб берди. — Директоримиз домла Зуфаровнинг қизи. Тошкентга бориб, Ирригация институтига аъло баҳолар билан кирди. Лекин, қурилишда ишлайман деб ўқишини сиртқига кўчириб келибди.

— Муҳаббат... — Борис Мусаевичнинг кенг юзи кулгига тўлиб, кўзлари чақнади. — Мени лақиллатиб бўпсан, Маринечка, дугонангни қурилишга муҳаббат етаклаб келган!.. — Мусаев қўлини оқ сочиққа артар экан, Дилбарнинг қипқизариб кетганини кўриб, узр сўради. — Кечир мени, қизим! Бошимдан ўтганини айтаман-да!.. Бугун ошхонада охирги марта овқатланишим — оилам Тошкентдан кўчиб келяпти. Уйланганимга ўттиз йил бўлибдики, оиламни кўрмаган бир куним бир йилдай туюлади. Бу — муҳаббат!.. Менда бир азамат йигит ишлайди. Уни ўз ўғлимдай севиб қолганман. Бир ойча бўлди, ўқишга киришни баҳона қилиб, Тошкентга бориб келди. Куни кеча яна Тошкентга равона бўлди: сиртқига имтиҳон топшириб келармиш. Балки, ўқишга кираётгани ростдир. Аммо, кўнглим сезиб турибдики, у икки шаҳар ўртасида бекорга бўзчининг моқисидай қатнаётгани йўқ. Шунақа, қизлар!.. Ҳа, дарвоқе, Дилбар, сиз шу бугуноқ менга учранг! Комсоргимиз москвалик инженер Лариса Дмитриева бетон заводига масъул ишга тайинланди. Сиздан комсомол ишида фойдалансак, бунга нима дейсиз?

— Раҳмат, Борис Мусаевич. Лекин, комсомоллар нима дейишаркин?

— Уларнинг ўзларидан сўраймиз.

— Кетган бўлса, келади, — деди Марина Мусаев чиқиб кетгач дугонасига. — Айни муддао: икковингиз сиртқида бирга ўқийдиган бўлибсизлар...

Обиджоннинг Тошкентга кетганини бошлиқдан тасодифан эшитиб қолган Дилбар азбаройи ҳаяжонланганидан ўзини қаерга қўйишни билмасди. Улар овқатланиб, ташқарига чиққанларида Ҳасанбойнинг

«Жигули»сини кўрдилар. Энди Марина тоғ лоласидай қизарди ва ўзига кулиб қараб турган барваста йигитга нима деярини билмай, дами ичига тушиб кетди...

## Ун тўртинчи боб

Узоқов раис жойига ўтиргач, бюро аъзолари ҳам ўринларини эгалладилар. Камолова ҳар қачонгидай узун мажлис столининг юқорисида, биринчи секретарнинг чап томонидаги стулда, боққа қараган дераза рўпарасида ўтирар, қўлида кун тартиби ёзилган қоғоз, Узоқовга зимдан тикилиб, унинг бошини қотираётган чигал муаммонинг учи қаердалигини фикран топишга уринарди.

— Кун тартибидаги навбатдаги масала Фрунзе номли колхоз раиси Афзаловнинг шахсий иши, — деди Узоқов нохуш бир аҳволда. Кейин, Камоловага синчков тикилди. — Докладга тайёرمىсиз, Ҳабиба Камоловна?

— Ҳа, тайёрман.

— Кимлар чақирилган? — Узоқов қоғоздан кўзини олмай Камоловадан сўради.

— Афзалов, Абдуллаев, Маҳмудов.

Узоқов эшикка яқин ўтирган райком инструктори Мақсудахондан илтимос қилди:

— Чақирилган ўртоқларни таклиф қилинг.

Мақсудахон дарҳол ўрнидан туриб, қабулхонага чиқиб кетди ва Камолова фамилияларини айтган кишиларни мажлис залига бошлаб кирди. Янги фулранг трикодан костюм, оқ кўйлак кийиб, дона-дона қизил холлик ингичка, нимяшил галстук боғлаган, тепакал бошига чуқ дўпписини бостирган Афзаловга Узоқов пастдаги бўш стулни кўрсатди:

— Утиринг, ўртоқ Афзалов!

Афзалов стулга ўтирди-ю, нечундир кенг елкаларини беўхшов қимирлатиб қўйди. Абдуллаев билан Маҳмудов ундан орқароққа ўтирдилар.

— Фрунзе номли колхоз раиси Норхўжа Афзалович Афзаловнинг шахсий иши бўйича райком комиссиясининг ахборотини тинглаймиз, — деди Узоқов. — Сўз ўртоқ Камоловага.

Камолова ўрнидан туриб, жигарранг муқовали қалин папкани очди ва анчагина ҳужжатлар устидан икки варақ қоғоз олиб, шошмасдан, салмоқ билан ўқишга киришди:

— Колхоз кейинги беш йиллик давомида пахта тайёрлаш планини бажармай келади. Натижада хўжалик 720 минг сўм зарар кўрган. Чорвачиликда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Афзалов жамоат чорвачилигини ривожлантириш ўрнига, колхоз Уставига ва давлат интизомига хилоф равишда тайёрлов ташкилотларига сут, гўшт-ёғ ўрнига пул тўлаб, шу йўл билан гўё «планни бажариб» келган. Бу пул, бўрдоқига боқилган қўй ва молларни бозорларда қиммат баҳога сотиш йўли билан топилган. Сабзавотчиликда ва мевачиликда ҳам шу аҳвол. Афзалов ва унинг шериклари эртаги сабзавот ва меваларни Андижон, Жалолобод, Ўш, Ўзган бозорларида пуллаб, кўп қисмини ўзлари ўзлаштирганлар, қолган қисми билан тайёрлов ташкилотлари билан келишилган ҳолда гўё планни «бажарганлар». Текшириш бу хилдаги «бажариш»ларнинг қалбакилигини очиб ташлади. Колхозда қурилиш буткул издан чиққан. Колхозчилар учун уй-жой, марказий болалар боғчаси қурилиши тўрт йилдан буён оғизда бору амалда йўқ. Аксинча, Афзалов, партком секретари Абдуллаев ва колхознинг бошқа айрим раҳбарлари ўзлари учун данғиллама уйлар қурганлар, шахсий машиналар сотиб олганлар.

Хўжаликда меҳнат интизоми бузилган. Ишчи кучи камайиб қолган. Кейинги пайтларда Афзаловнинг буйруғи билан мактабда вақт-бевақт ўқиш тўхтатилиб, фақат юқори синфларнинг эмас, ҳатто бошланғич

синфларнинг ўқувчилари ҳам дала ишларига сафарбар этилади. Афзаловнинг мансабпарастлик, маишатпарастлик иллатлари энди ҳеч кимга сир эмас. Яна бир ачинарли ҳол шуки, партия ташкилотининг секретари Абдуллаев раиснинг югурдагига айланиб қолган. У Девонов ота каби кекса коммунистларнинг, бош экономист Маҳмудов каби ёш мутахассисларнинг фикри билан ҳисоблашмай, фақат Афзаловнинг айтганини қилади. Яқинда Афзалов район партия комитети билан маслаҳатлашмасдан ўзининг эллик ёшини ва ҳеч қаерда ишламайдиган хотинининг қирқ ёшини юбилей қилди. Абдуллаев район газетасининг босмаҳонасида беш юзта таклифнома бостириб, ҳомийсининг тантанасига тарқатишга кўмаклашди. Афзаловнинг юртда беобрўлигини шундан ҳам билса бўладики, таклиф қилинган беш юз меҳмондан фақат олтмишга яқин қариндош-уруғлар, яқин улфатлар келишди, холос. Тоғора-тоғора ноз-неъмат, қозон-қозон овқатлар исроф этилиб, Қирғизсойга оқизиб юборилди... Хуллас, тўй эмас, фожиа юз берди. Яъни, маънавий фожиа демоқчиман. Энди Афзаловнинг ўғли Анварнинг мактабни олтин медаль билан тамомлаши, институтга кириши масаласига келсак. У отасининг «уддабурунлиги» билан институтга кирди. Барибир ўқий олмади.

Бу фактлару рақамлар одамларнинг гувоҳликлари билан далилланган, райком бюросига маълум. Энди мақсадга кўчсак: комиссия Норхўжа Афзаловнинг қилмишларини кўриб чиқиб, уни вазифасидан бўшатишни колхоз аъзоларининг умумий йиғилишига тавсия этишни, шунингдек, партиявий жазо беришни таклиф қилади. Партком секретари Абдуллаев ҳам партия интизомини бузганлиги учун жазодан холи қолмаслиги керак.

Камолова ўрнига ўтириши билан Узоқов бюро аъзоларига мурожаат қилди:

— Комиссия раисига кимда қандай саволлар бор?

Ҳеч ким қўл кўтармади. Узоқов рўпарасидаги стулда, қўлларини кўкрагига чалиштирганча кенг юзидаги қизғиш сепкиллари билинар-билимас кўзга ташланиб, ранги бўзариб ўтирган Афзаловга қалин пайваста қошлари остидан қараб қўйди.

— Саволлар бўлмаса, муҳокамага ўтамиз, — деди Узоқов Камолова узатган папкани олар экан.— Ким сўзлайди?

Уч киши бирдан қўл кўтарди. Узоқов аввал райижроком раиси, кекса коммунист Дадахон акага, кейин колхознинг бош агрономи узун бўйли, озғингина қария Нурхоновга ва ниҳоят, Абдуллаевга сўз берди.

— Мен районимизда қирқ йилдан бери ишлаб, бунақа лўттибозни кўрмаганман, — деди Дадахон ака. — Афзалов ишончимизни оёқости қилди. Унинг кейинги икки-уч йилдаги иши — ниқобланган ўғирлик!.. Хотинининг туғилган кунига беш юз киши чақирибди-я!.. Қайнсинглисини мактабга директор қилиб қўйди. Қодирова-ку, ишдан олинар, аммо издан чиққан таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш учун анча вақт, меҳнат керак бўлади. Шуниси ёмон. Хуллас, Афзаловни партиядан ҳам, колхоздан ҳам ҳайдаш керак! Гапим тамом.

— Ўзимни айбдор ҳисоблайман, — деди Абдуллаев ўз сўзида. — Мен Афзаловни ўз вақтида тартибга чақирмадим, унинг буйруқларини кўр-кўрона бажариб келдим... Ҳар қандай жазога лойиқман!

Бош экономист Маҳмудов Афзаловнинг хўжаликни буткул издан чиқарганини, аниқ рақамлар асосида таҳлил қиларкан, ўзи ишда янги киши бўлишига қарамай, буткул айбдор эканига иқрор бўлди.

— Сўз Афзаловга!

— Мен Ташкент Халқ хўжалиги институтини йигирма йил аввал путирдим. Ашандан бери партия аъзосиман. Раисликка сайланганимга ўн саккиз йил бўлди. Меҳнатим «Ҳурмат белгиси» ордени, медалларминан тақдирланди...

— Таржимаий ҳолингиз бюро аъзоларига маълум, — Узоқов Афзаловнинг сўзини бўлди. — Сиз битта саволга тўғри жавоб берсангиз бас. Комиссия ақти билан танишибсиз, имзо ҳам қўйибсиз. Хўш, бу ҳужжатга ихтиёрий қўл қўйдингизми, ёки сизни биров мажбур қилдими?

Афзалов мажҳул бир аҳволда деди:

— Ихтиёрий қўл қўйдим...

— Утиринг! — Узоқов аламли бир оҳангда гапирди. — Афзаловнинг ишда ва шахсий ҳаётда йўл қўйган хатолари давлатга, халққа қимматга тушди, ўртоқлар!.. Бюро қарорини ўқиб эшиттираман. «Фрунзе номли колхоз раиси Норҳўжа Афзалович Афзалов колхоз демократиясини бузганлиги, ишда ва шахсий ҳаётда жиддий хатоларга йўл қўйганлиги учун делосига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин ва у ишдан олиб ташлансин!»

Узоқов мажлис столининг икки томонида ўтирган бюро аъзоларига бирма-бир қараб чиқди. Ҳамма қўл кўтарди.

— Афзалов, сизга жавоб, — Узоқов ўрнидан бемажол бир аҳволда туриб, аста чиқиб кетаётган Афзаловга қараб турди-да, сўзида давом этди. — Ўртоқ бюро аъзолари, коммунист Абдуллаев ҳозиргина ўз сўзида бутун айбини бўйнига олди. Кимда қандай таклиф бор?

Камолова ўрнидан турди.

— Абдуллаев принципсизлик қилди. Унга шахсий делосига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин!

Бюро аъзолари Камоловнинг таклифини маъқулладилар. Узоқовнинг рухсати билан Абдуллаев ва унинг кетидан бош агроном мажлис залидан чиқиб кетишди.

— Ўртоқ Маҳмудовни чақиринг!

Мақсудахон қабулхонага чиқиб, Маҳмудовни бошлаб кирди.

— Область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети районда бешта янги совхоз тузиш ҳақидаги таклифни кўриб чиқиб, маъқуллади,— деди Узоқов бюро аъзоларига.— Совхозлардан учтаси мева-сабзавотчилик, тўртинчиси шоликорлик, бешинчиси чорвачилик хўжаликлари бўлиб, Кампирравотда барпо этилаётган янги қурувчилар шаҳри билан Қўрғонтепа шаҳри меҳнаткашларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Шу совхозлардан бири Фрунзе номли колхоз ўрнида ташкил этилади ва унга Қорадарё юқориси — бўлғувси Андижон денгизининг ўнг томонидаги адирлар қўшиб берилади. Совхоз ерлари қадимги Беговот шаҳри ҳамда ҳозирги Қирғизистоннинг Сўзоқ райони билан чегараланади. Шу совхозлардан бири — Фрунзе номли совхоз директорлигига КПСС аъзоси, коммунист ўртоқ Толибжон Маҳмудов тавсия этилади. Сўз Ҳабиба Камоловнага!

— Толибжон Маҳмудов,— деди Камолова ўрнидан туриб. — 1940 йилда туғилган. КПСС аъзоси. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Уйланган, икки боласи бор. Камтарин, интизомли. Икки йилдан буён Фрунзе номли колхозда бош экономист бўлиб ишлайди...

Узоқов бюро аъзоларидан сўради:

— Кимда саволлар бор?

— Менда, — Дадахон ака ўрнидан туриб, Толибжонга синчков тикилди. — Колхозда Афзалов билан бирга икки йил ишлабсиз, ўртоқ Маҳмудов, хўш, раиснинг давлатни алдаш, чунончи сабзавот, гўшт ва ҳоказо маҳсулотлар ўрнига пул топшириб, планни «дўндириши» ва бошқа фирибгарликларидан хабарингиз йўқмиди?

— Йўқ, — Маҳмудов дадил жавоб берди. — У бу ишларни қайнатаси — бош бухгалтер Қодиров ва экспедитор жиянлари орқали амалга оширган. Буни комиссия текширган кунлардагина билдим.

— Ҳа, пишиқ иш тутган... — Дадахон ака Узоқовга қаради. — Афзалов ва унинг гунаҳкорлари ишини дарҳол тергов органларига ошириш керак!

— Шундай қиламиз, — Узоқов бюро аъзоларига мурожаат қилди. — Ўртоқ Маҳмудовни Фрунзе номли совхозга директор қилиб тасдиқлашга қаршилар йўқми? Йўқ... Мен яқинда районимиздаги барча хўжаликларда бўлиб, уларнинг иши билан бир неча кун давомида батафсил танишдим. Хайрият, «Фрунзе»даги нуқсонларнинг кўпи уларда кўринмади. Хўжаликлари истиқболи ҳақида ташвишлианишяпти... Энди меҳнат интизоми масаласига келайлик. Бу — муҳим, масала, деҳқончиликнинг

тақдирини ҳал этадиган масала. Мен хўжаликларда бўлганимда жуда кўп колхозчилар, совхоз ишчилари билан юракдан очиқ суҳбатлашдим. Шундай хулосага келдимки, қаерда меҳнаткаш инсон ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлса, лунда қилиб айтганда, бугун қилган меҳнатига эртага маош олишига ишонса — ўша ерда меҳнат интизоми мустаҳкам. Қаердаки, бунинг акси бўлса, колхозчи, совхоз ишчиси далага чиқмайди. Демак, айб меҳнаткашда эмас, бизда — раҳбарларда. Мана бугун биз ачкиқ ҳақиқатнинг гувоҳи бўлдик — ҳаётнинг, меҳнатнинг шул темир қонунини бузган Афзалов мисолида... Демак, биз, раҳбарлар мазкур фожиадан, ҳа, улкан фожиадан дарҳол лунда хулоса чиқаришимиз, халқнинг хоҳиш-иродаси билан ишлашимиз керак. Нима дейсизлар?

— Айни муддао! — Дадахон ака районнинг ҳамма раҳбарлари номидан Узоқовнинг сўзларини қувватлади. — Айни ҳақиқатни айтдингиз, Карим Узоқович!

— Хуллас, дўстлар, халқ билан алоқани кучайтиришимиз керак. Мана кўрдингиз, қаердаки иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган бўлса оқибати вой бўлиб чиқяпти. — Узоқов шундай деди-да, ўрнига ўтирди. — Шу билан бюро мажлиси тамом. Ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳамма мажлис залидан бирин-кетин чиқиб кетди. Ҳар қачонгидай, Узоқов билан Камолова ёлғиз қолдилар.

— Сўзим ўртоқларга қаттиқ тегмадимикин?

— Ҳақиқат ачкиқ бўлади, лекин, ширин мева беради...

Камолова Узоқовга мамнун жилмайиб боқди.

## Ўн бешинчи боб

**К**амолова Карим Узоқовичнинг сўзини биринчи марта қайтарди: машинага чиқмади.

— Мен қоламан, ўртоқ Узоқов, ота-онамни анчадан бери кўрганим йўқ...

Узоқов Камолованинг, районнинг қайси ерига бормасин, ҳар доим уйига — эри Комилжон ва болалари ҳузурига етиб олиш учун шошилишини билгани учун бу гал қишлоқда қолишга қарор берганлигидан таажжубланди ва унинг рангпар юзига қараб қўйди-да, деди:

— Ихтиёрингиз.

— Хонободга келаману ота-онамни кўришга вақт тополмайман...

— Бир ҳисобда қолганингиз ҳам маъқул, — Узоқовнинг пешонасига ажинлар бўртиб чиқди. — Эртага соат ўн иккида Кампирравотда тўғон қурилишининг бошланишига бағишланган митинг бўлади. Райком секретарларидан бири у ерда бўлиши керак. Бўлмаса, шу иш билан шуғулланнинг. Қурувчилардан икки киши сўзласин, комсомоллардан бири «Келажакка мактуб»ни ўқиб берсин.

— Яхши, Карим Узоқович.

— Қани, машинага ўтиринг, отангизникига ташлаб кетаман.

— Уйимиз икки қадам... Раҳмат.

Ҳабиба туғилиб ўсган уй чиндан ҳам бу ердан — колхоз боғидан уч юз метрча нарида — қишлоқ гузари ёнбошидаги тор кўчада эди. У Узоқовнинг машинаси муюлишдан ўтиб, Қўрғонтепа йўлига бурилгач, энди қадамини тезлатган ҳам эдики, кимнингдир шарпасини сезгандек бўлди. Боя мажлис тугагач, Узоқов: «Ишни давом этдиринглар, ҳеч ким бизни кузатишга чиқмасин», деб тайинлаган эди. Қизиқ... Ҳар қалай, бирон топшириқ бўлиб қолармикан, деган хаёлда қолишганмикин...» Йўлида тўхтаб, секин бурилиб қаради: Зуфаров.

— Илҳом Зуфарович?

— Шундай, ўзим...

Шу пайт Камолованинг ўнг оёғи чуқурга тушиб, гандираклар кетди.

— Йўлларга ҳам қарашмаган!..

— Э, нимасини айтасиз, қизим, — Зуфаров Ҳабибанинг қўлидан

ушлаб қолди. — Бир ойдан бери деярли ҳар кун келасиз. Аввал одамлардан эшитиб юрган бўлсангиз, энди ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Халқимиз райкомдан миннатдор, ҳақ жойига қарор топди.

— Тўғри айтдингиз, ҳақ жойига қарор топди, — Камолова ариқдан ҳатлаб ўтаркан, деди. — Афсус, вақтни анча бой бериб қўйибмиз...

— Ҳа, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ... — Зуфаров Камолхон аканинг эшиги олдида тўхтади. — Мана, уйингизга етиб келдингиз. Дадангизни анов кун кўргандим, дўхтирхонадан келаётган эканлар.

— Пенсияга чиққандан бери мазалари йўқ... Ҳа, айтгандай, Дилбар яхши юрибдимми?

— Бир ойдан бери «Андижонгидрострой»да. Иши кўп. Кеча «Усталар мактаби»га келган экан. Комсомол йиғилишидан чиқибоқ кетмоқчи бўлиб турганида Марина қўлидан судраб кабинетимга олиб кирибди. Ҳол-аҳвол сўрасам, комсомоллар сони мингдан ошганини, ҳар бирини ишга, ётоқхонага жойлаш кераклигини, вақти йўқлигини айтади.

— Ҳа, иш кундан кун кўпайиб боряпти, — Камолова Зуфаровнинг фикрини қувватлади. — Мен ҳам болаларимни кўпинча уйқусида кўраман. Аммо, заррача пушаймоним йўқ. Эл хизматиға, одамлар ҳаётиға яраяпман дейман... Чарчаганимни ҳам билмайман.

Зуфаров илмда баркамол, ҳаётда бахтли, элда ардоқли, райондаги ҳамма аёллар ўзлари учун ибрат деб биладиган Камолованинг бу гапларидан ҳайрон бўлди.

— Қизим Дилбарнинг келажакда сиздай бўлишини орзу қиламан, Ҳабибахон!

— Дилбар мақсадли, иродали қиз. Сиз у билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди. Сиздан яширмайман, райком комиссияси текшириб аниқлашича, бу йил олтин медаль Анваржонга эмас, Дилбарга берилиши керак экан. Афзалов билан Қодирова адолатсизлик қилди. Шунга қарамай, Дилбар институтга фақат «беш» баҳолар билан кирди ва уларнинг қилмишларига зарба берди. Мақсадли қиз эканлигига далил бу! Уқишини сиртқиға кўчирди, қурилишга келди. Ҳа, Илҳом Зуфарович, у оддий қурилишга эмас, балки ўз юртида бошланаётган, халқининг ҳаётини тубдан ўзгартириб, буюк истиқболлар очиб берадиган тарихий қурилишга келди. Дилбар комсомол комитетига секретарь қилиб сайланганидан кейин чақириб суҳбатлашдим. Ундан хурсандман.

— Раҳмат, Ҳабиба Камоловна... — Зуфаров ўйга толди. — Шу, Афзалов ҳамманинг бошини қотирди...

— Бу мураккаб масала... — Камолова Зуфаровга маъюс тикилди. — Умуман, ҳаёт мураккаб нарса. Аввало айб бизда, район раҳбарларида... Ахир, Афзаловни аввал билмас эдикми?.. Колхоз бу йил биринчи марта оқсаептими? Ёки, мактаб... Сиз, Барно опа каби кекса коммунист ўқитувчилар райкомга арз қилиб борганларингиздан кейингина мактаб, маориф ишлари билан шуғуллана бошладик. Олдинроқ ўйласак бўлмасмиди? Бунга нима сабаб?

— Ишонч... — Зуфаров босиқлик билан деди. — Бу ҳаддан ташқари ишониб юборишнинг оқибати. Афзалов ишдан олинди, албатта қилмишларига яраша жавоб беради. Колхозимиз совхозга айланди, ёш мутахассис Маҳмудов директор бўлди. Энди хўжалик аста-секин ўнгланиб кетади, албатта. Мактаб, Олтин медаль масаласи... Бу масала эл оғзига тушди. Мени тўғри тушунинг, Ҳабиба Камоловна, Дилбар қизим бўлгани учун бу гапларни айтаётганим йўқ. Адолат яримта бўлмаслиги, балки бутун бўлиши керак. Ноҳақ дада жазоланса-ю, ноҳақ ўғил таралла-бедод қилиб юрса, бу қандоқ бўлади? Мен Анваржонни ўқитганман, унинг билим даражасини биламан. Бинобарин, унга қўйилган юқори баҳоларнинг қалбакилиги ҳам мактаб педагоглар кенгашига маълум. Хўш, бу масала нима бўлади?

— Райком бу масалани текшириб, охирига етказишни район халқ маориф бўлимига топширди. Қодирова ишдан олинди.

— Хайрият, — Зуфаров хайрлашиш учун Камоловага қўл узатди.

— Раҳмат, Илҳом Зуфарович.

Камолова Зуфаровни кузатиб, уйига қайтди. Тун, дарахтлар мудрайди, қушлар уйқуда. Фақат осмонгина сеҳрга тўла: яккам-дуккам, тўда-тўда юлдузлар чарақлайди, «сомон йўли» қўр тўзонидай товланиб турибди... Ҳабиба суви шовиллаб оқаётган ариқ бўйидан айвон томонга ўтиб, харсанг тошлардан ясалган зинапоя олдида тўхтади.

— Ким у?

— Бу мен, дадажон, — Ҳабиба зинапоядан айвонга чиқаётганида, онаси ҳам уйғониб кетди шекилли, қоронғиликда апил-тапил ҳаракат бошланди.

— Чироқни ёқиб юбор, қизим!

Ҳабиба девордаги включателни пайпаслаб топиб, чироқни ёққан ҳам эдики, каравотда ўтирган отасини, палосга ёзилган ўрнидан туриб келаётган онасини кўрди.

— Бевақт келиб, оромингизни буздим...

— Ухламовдик... Шу топда кўзим илинибди. — Солиҳа опа қизи билан кўришиб, эрининг олдига борди. — Қимирламанг, дадаси, дўхтир айтган. Уч кун бўлди, даданг нақ кўрқитдилар...

— Ассалому алайкўм, дадажон, тузукмисиз?

Камолхон ака қизидан ўпкаланди:

— Қишлоққа тез-тез келиб турармишсан, уйга кирмайсан...

— Иш кўп, — Ҳабиба онаси қўйиб берган стулга ўтирди-да, дадасининг юз-кўзларини беозоргина силади. — Дўхтир нима деди, бувижон?

— Инфатми, шунга ўхшаш бир нима деди. Жим ётишлари керак экан.

— Ҳечқиси йўқ, — Андижондан малакали врач чақирамиз. Яхши бўлиб кетасиз.

— Раҳмат, қизим... — Камолхон ака нимжон қўлларини аста кўтариб, кўкрагига қўйди ва Ҳабибага қараб, аста жилмайди. — Ёлғиз фарзандимизсан. Кўргимиз келади... Ҳай, ўзинг чарчамай юрибсанми? Кўриб турибсан, кимсан, Камол уста эдим, энди бўлса, пойтешани кўтаришга мажолим йўқ. Ҳа, эр-хотин қўш чинордек эдик. Мен қулайбошловдим, бувинг ҳам тебраниб қолди: юрса қоқилади, ўтирса йиқилади... Биздан бот-бот хабар олиб тур, қизим?!.

— Дадажон... — Ҳабибанинг кўзлари намланди.

— Гапларимни ўзингга олма, — Камолхон ака бош эгиб турган Ҳабибанинг ипакдай майин сочларини силади. — Сен билан фахрланамиз. Райком комиссиясига бош бўлиб, Норхўжанинг эгри ишларини дадил очиб ташлаганидан ҳамма хурсанд. Ақлинг, донолигинг, халқпарварлигинг офизларда дoston...

Солиҳа опа патнисда иккита нон, товоқда қаймоқ, чойнакда чой олиб келди. Ҳабиба стулдан туриб, уларни онасининг кўлидан олди-да, дастурхон ёзгач, хонтахта устига қўйди.

— Рангинг синиқиб кетибди, Ҳаби, — Солиҳа опа қизига ачиниб қаради. — Асли каттаконликни қўйиб, мактабда муаллимами, фабрикада чеварми, ишқилиб биронта беташвишгина ишда ишласанг бўларкан.

— Ўзимга боғлиқ бўлса шундай қилардим, бувижон...

— Давр шунақа, — Камолхон ака электр нурида товланаётган шипга қараб гапга аралашди. — Пенсияга чиққандан буён томорқадаги дарахтларга, мол-ҳолга қарайман. Зерикканимда чойхонага чиқай десам, бекорчиларнинг ғийбати ёқмайди. Хуллас, эрта-кеч радио эшитадиган бўлиб қолдим. Уруш хавфи жиддийга ўхшади. Сен, қизим, сиёсатдонлар ичида юрасан, айтчи зўравонликка барҳам бериш, одамзодга тинчлик, омонлик бахш этишнинг иложи йўқми?

— Иложи бор, — Ҳабиба оғзидagi қаймоққа бўктирилган нонни ютиб, устидан чой ҳўплар экан, деди. — Бунинг иложи — мамлакатимиз қудратини мустаҳкамлаш. Бизнинг районимизда қуриладиган Кампирравот сув иншооти, ГЭСи, кабель заводи, бошқа ўнлаб корхоналар, пахтамиз, ғалламиз, умуман Халқимизнинг улуғ меҳнати шу мақсадга — давлатимиз қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилади.



— Гапинг маъқул, Ҳаби...

Солиҳа опа қизи учун айвонга жой солиб берди. Ҳабиба чироқни ўчириб, юмшоққина ўринга чўзилди-ю, азбаройи чарчаганидан дарҳол пишиллаб ухлаб қолди.

## Ун олтинчи боб

Солиев ярим тунда уйига кириши билан эшик қўнғироғи жиринглади.

— Кўчада сизни икки йигит кутишяпти, — деди қўлидаги боласи билан йўлакка чиққан Қуёшхон. — Зарур ишлари бор экан.

Солиев девордаги қозиққа илиб қўйган йўғон камарини олиб, гимнастёркасини устидан белига тортиб боғлади ва тўппончасини шимининг чўнтагига солаётиб, Қуёшхонга тайинлади:

— Эшикни қулфлаб ётинг. Келганлар дружиначилар бўлса керак. Биз посёлкани бир айланиб келамиз.

Кўчада кутиб турган йигитлар Худойқул тахмин қилган дружиначилар эмас, балки Обиджон билан унинг укаси Одилжон эдилар. Худойқул Обиджонни Қорадарёдаги тошқин вақтидан буюн яхши билар, айниқса йўл қурилишида ака-укани кўп марта кўрган, ҳозир яқинда ишга тушган асфальт заводида участка бошлиғи вазифасида ишлаётганидан, Одилжоннинг эса, қисқа муддатли шоферлар курсини тамомлагач, автобазада самосвал ҳайдаётганидан хабардор эди. Эртага тўғон қурилишининг бошланиши арафасида ака-уканинг милиция бошлиғини қидириб келишлари бежиз эмаслигини дарҳол тушунган Солиев йигитлар қаршисига тез юриб борди ва расмий бир тарзда честь бериб, кўришар экан, елкаларини кўтариб, ғоз турганча:

— Келингиз, хизмат? — деб сўради.

— Одилжон шу топда заводга келиб, Девонов отанинг боғига тушган ўғрилارнинг изи топилганини хабар қилди, — деди Обиджон бир укасига, бир Солиевга қараб. — Биласиз, ўртоқ бошлиқ, иш тиқилинч, йўталишга вақтимиз йўқ...

— Ҳа, ҳа, албатта. Хўш, бу хабарни сизга ким етказди?

— Буни айтолмайман... — Одилжон хижолат чекиб, ерга қаради. — Нозик масала, бошлиқ ака... Бу хабарни келтирган киши ўзининг кимлигини айтмаслигимни илтимос қилди... Лекин, мен у айтган ерга бориб, Умархон отанинг қорабайирини ўз кўзим билан кўрдим. Уғрининг адреси мана бу қоғозга ёзилган. Марҳамат!

Солиев Одилжон узатган қоғозни олиб, симёғочдаги электр чироқ шуъласига солиб ўқиди: «Тўхтаҳўжаев маҳалласи. Чойхона орқасидаги боши берк кўча 3-уй. Асад қора...»

— Асад қора? Ҳалиги, Афзаловнинг югурдагимми?

— Ҳа, уни шундай деб аташади.

— Шерлок Холмс бўлиб кетинг-е!

— Менинг бир дўстим бор... Хуллас, шу дўстим уйланмоқчи. У яхши ният билан кеча Жалолободга борган ва қўйбозорга ўтиб, бўлажак тўйига иккита қўй олмоқчи бўлган. Қўй бозори мол бозорининг орқасида, от бозорининг шундоққина ёнида. Дўстим от бозорида тасодифан Умархон отанинг қорабайирини кўриб қолган. Уни Асад қора ушлаб турган экан.

— Ажабо, — Солиев Одилжонга синчков тикилди. — Дўстингиз Девонов отанинг қорабайирини қайси белгиларидан танибди?

— У Умархон отага жиян бўлади. Ўртоқ катта лейтенант, ишонинг: дўстим ҳар жиҳатдан пок йигит. Сизни у билан бир кун албатта таништириб қўяман. Лекин ҳозир эмас... Ҳозирча дўстим учун мен кафил! У Умархон отанинг сигир-бузоғини мол бозорида кўрмабди. Бироқ, тахминича, Асад қора шериклари билан бозорда сигир-бузоқни ҳам пуллаган.

— Чорасини кўрамиз, — Солиев ётоқхона эшиги ёнида турган

кажавалик мотоцикли томонга бурилди. — Сизлар мен билан юрасиз!

— Биз қоламиз, — деди қатъий бир тарзда Обиджон.

Обиджоннинг рад жавобидан Солиев таажжубланди:

— Нега? Сабаб?

— Қолоннани кўряпсизми? — Обиджон «МАЗ»ларнинг ёрқин чи-роқларидан кундуздай чароғон соҳилга, бетон заводининг баҳайбат корпусларига ишора қилди. — Қувасойдан келаётган цементни тонгача ташиб олишимиз керак. Беш юз самосвал бетон-а!..

— Колоннамиз бугундан уч сменада ишлашга ўтди. — Одилжон акасининг фикрини қувватлади. — Ўғриларнинг адресини бердик, энди буёғига узр, ўртоқ катта лейтенант. Фақат, бир илтимос: ГАИ ходимлари колоннамизга йўлни очиб бериб туришсин.

— Албатта, албатта...

Кампирравот дараси бўйлаб кетган янги йўлдаги тунги ғайриоддий тикилинч ҳаракатга синчков боқиб, ўнлаб қудратли моторлар гулдуросига қулоқ солиб турган Солиев бир кун ичида — то у Қўрғонтепага бориб, оиласини кўчириб келгунча ўтган саккиз-ўн соат давомида бу ерда катта ўзгариш бўлганини сизди ва унинг жанговар ёрдамчиси Ҳосил Йўлдошев ҳозир милиция идорасида навбатчилик қилаётганини эслаб, дарҳол идорага етиб боришга, ўғриларни тутишни ҳам, бошқа зарур ишларни ҳам ўша ерда ташкил этишга қарор берди.

— Раҳмат сизга, дўстлар, — Солиев миннатдорчилик билдирар экан, улар билан қўл бериб хайрлашатуриб, қўшиб қўйди. — Агар жуда керак бўлиб қолсангиз, ишхоналарингиздан топар эканмиз-да?

— Ҳа, биз доим тайёрмиз!..

Ака-ука «МАЗ»нинг баланд кабинасига икки томондаги эшикдан чиқиб ўтирдилар. Одилжон моторни ўт олдириб, стартерни босди. Солиев мотоциклида Қорабағиш посёлкасининг у ер-бу ерида қад кўтарган турли идоралар, ётоқхоналар, ошхона ва магазин бараклари оралаб, худди шундай бараклардан фарқ қилмайдиган ўз идораси — милиция участкаси томонга йўл олди.

— Яхши етиб келдингизми, ўртоқ катта лейтенант, — телефондаги суҳбати тугади шекилли, Йўлдошев трубкани аппарат устига қўйиб, ғоз турганча бошлиққа честь берди. — Навбатчилик тинч ўтпти... Фақат посёлка Советидан янги топшириқлар олинди. Йўлларга ГАИ ходимлари ва дружиначилардан навбатчилар қўйилди. Райондан алоқачилар келиб, қурилиш объектларига ва эртага митинг бўладиган ерга телефон симлари тортишяпти. Қўрғонтепадан бошлиқ телефон қилдилар...

— Маъқул, — Солиев қўл соатига қараб олгач Йўлдошевнинг уйқусизликдан киртайган кўзларига тикилди. — Соат чоракам уч... Зарур иш чиқиб қолди. Девонов отани жабрлаган ўғрилар топилди ҳисоб. Мен, катта сержант, сени шу операцияга олиб кетай десам, участкада иккимиздан биримиз туришимиз керак. Хўш, гап шу: сен навбатчиликда қоласан, мен дружиначилардан икки кишини олиб, Тополинога бораман.

— Ўғрилар неча киши экан?

— Уч киши, — Солиев йўлакда ҳангомалашиб турган дружиначилар томонга қаради-да, Йўлдошевдан сўради. — Кимларни олсам экан?

— Борис Мусаевичнинг шофери Турғунали ака шу ерда. Аксёновни ҳам олинг. Сергей боксер.

— Жуда соз, — Солиев йўлга чиқатуриб, кузатиб қўяётган Йўлдошевдан сўради. — Анови қиз, Марина эмасми?

— Ҳа, Дубенконинг қизи. Қачон Ҳасанбой навбатчиликка келса, Марина ҳам бирга бўлади. Ошиқ-маъшуқлар... Ҳасанбойни ҳам олволсангиз, «Жигули»си иш беради.

— Ҳасанбой, машинангизга чиқинг! — деди Солиев ва дружиначилар тўпига яқинлашатуриб, бошқаларни ҳам чақирди. — Турғунали, Сергей, мен билан бирга борасизлар!

— Ўртоқ катта лейтенант, машинам ихтиёрингизда, устозим Турғунали ака миниб борадилар. Аммо, мени бу гал маъзур тутасиз. Сал мазам қочиб турибди...

Солиев Ҳасанбойга маъноли қараб олди-да, деди:

— Ҳа, майли, машинангиздан фойдаланамиз.

Улар Тополино посёлкасини ёнлаб ўтиб, «Тўхтаҳўжаев маҳалласи»га чиқдилар ва Шаҳрихонсой кўпригининг шундоққина биқинидаги «Толзор» — чойхона олдида тўхтадилар. Чойхона чироқлари аллақачон ўчирилган, сўрилар бўм-бўш, фақат канал бўйидаги сўрида кимдир чопонини устига ёнганча пишиллаб ухлаб ётарди.

— Оқсоқол, кечирасиз, бевақт келдик, — Солиев маҳалла оқсоқоли Абдуллажон отани таниб, таажжубланиб сўради. — Уйда ётмай, бу ерда ётибсиз?

— Уй дим, бу ер баҳаво, салқин... — оқсоқол «Жигули» ёнида турган йигитларга кўзи тушиб, Солиевдан сўради. — Тунда нима қилиб юрибсизлар?

— Тўнни кийинг, оқсоқол, Асад қораникига кирамиз.

— Қора нима жиноят қилибди?

— Кирганингизда биласиз, — Солиев оқсоқол билан толзордан йўлга чиқатуриб, дружиначиларга деди. — Мотоцикл билан машинани шу ерда қолдиришлар. Айтгандай, оқсоқол ичкаридан овоз бўлса, сиз жавоб қиласиз.

— Маъқул.

Солиев дарвозани тақирлатди. Садо бўлмади. Шунда оқсоқол баланд овоз билан чақирди:

— Эшикни очинг, Асадвой! Бу менман, оқсоқолман.

Асад қора оқсоқолнинг овозини таниди-ю, зўраки инграб, узр айтди:

— Тобим йўқ, оқсоқол... Иссиғим баланд...

Солиев дарвоза тирқишидан қараб, паст бўйли, чуваккина Асад қоранинг орқасида турган иккита барваста кишига кўзи тушди. Улардан бири Асад қоранинг қулоғига шивирлаб, нималарнидир уқдирарди.

— Эшикни очинглар! Милиция! — деб қичқирди у.

Солиевнинг огоҳлантиришига жавоб бўлмагач, у Турғунали билан Сергейга имо қилган эди, улар елкалари билан дарвозани уриб ағдардилар. Бу вақт Асад қора уй орқасидан айвонга чиқиб улгурган, унинг шериклари кўринмас эдилар.

— Шерикларингиз қани? — сўради Солиев.

— Йў-ўқ... Шерикларим йў-ўқ...

— Одамнинг бу кунидан ўлгани афзал, Асадвой, — баланд бўйли, девқомат оқсоқол унга нафратланиб тикилди. — Ҳали бунақа хунаринг ҳам бормиди?!

Турғунали даванг бир одамни бостирма тагидан олиб чиқиб отага рўбарў қилди.

— Буни танийсизми, оқсоқол?

— Йўқ, — оқсоқол яна Асад қорани койий бошлади. — Сен аблахда гап кўп экан: қаллоблигингни билардик-ку, аммо ўғрилигингдан беҳабар эканмиз.

Солиев билан Сергей иккинчи ўғрини ҳам ланг очик дарвозадан судраб киришди. У ўнг оёғини базўр босар, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкинарди.

— Даюс, лапашанг! — ўшқирди Асад қорага қараб. — Бундай экансан нима қилардинг бизни аралаштириб?! Жалолободда қолайлик, десак кўнмадинг, ана энди кўрасан кунингни!..

Дружиначилар ўғриларни «Жигули»га ўтқаздилар. Солиев Асад қора билан мотоциклда Қорабағишга йўл олдилар. Тонг оқарабошлаган, Тополино йўли ҳали машиналар қатновидан холи, ҳаво салқин эди.

Милиция участкасида навбатчилик қилиб ўтирган катта сержант Йўлдошев беш-олти дружиначилар билан уларни кутиб олди. Солиев кабинетига кириб чиқди-да, деди:

— Дўстлар, ҳаммангизга раҳмат. Энди бориб дам олинглар. Йўлдошев, сен соат саккизгача ётоқхонага бориб, озгина мизғиб олсанг ҳам бўлади, Иброҳимов, сиз қолинг!

Ҳамма чиқиб кетди. Ҳасанбой сув тўлдирилган электр чойнак

вилкасини девордаги розеткага тикаётган катта лейтенантга савол назари билан қараганча тик туриб қолди.

— Утиринг, дўстим, чой ичамиз, — Солиев Ҳасанбойга мулоим тикилди:

— Тўй қачон?

— А, лаббай? Нима деяпсиз, ўртоқ бошлиқ?

— Ишингиз нозик, — деди Солиев Одилжонга берган ваъдасини эслаб. — Тўйингизга атаб иккита қўй олиш учун Жалолобод бозорига бордингиз... Бироқ, баъзи сабабларга кўра қўй олмай қайтиб келдингиз... Жиноятчиларни қўлга туширишда ички ишлар органига кўрсатган улкан хизматингиз учун сизга катта раҳмат, ўртоқ Иброҳимов!

— Ия, ия, нималар деяпсиз, ўртоқ бошлиқ!.. — Ҳасанбой сири фош бўлганидан қизариб, ерга қаради. — Энди... кўрганимни дўстимга айтгандим...

— Жуда яхши қилгансиз, Ҳасанбой!

— Ишончингиз учун раҳмат, ўртоқ бошлиқ, — Ҳасанбой стулдан туриб, чой дамлаётган Солиевдан узр сўради. — Менга рухсат беринг, Худойқул ака, ходимларни соат еттига чақирганман. Бугун митинг қатнашчиларига катта ош дамлаймиз.

— Ундай бўлса, сизга рухсат, — Солиев Ҳасанбой билан самимий хайрлашди. — Ошга албатта, борамиз.

— Боринг, ўртоқ катта лейтенант; ошнинг серсавзи жойидан сузиб бераман.

Ҳасанбой кетгач, Солиев чой дамлаб, бир пиёла ичди. Унинг нечундир кўз олдига энди Асад қора эмас, балки Афзалов жонландида, «дунёнинг ишлари нақадар мураккаб», деган фикр ўтди ўйидан.

## Ўн еттинчи боб

**Б**угун — 18 май, Обиджоннинг туғилган куни. Буни Дилбар бетон заводи кадрлар бўлимида комсомол комитетининг секретари Лариса Дмитриева билан бирга коллектив аъзоларининг шахсий варақаларини бирма-бир кўздан кечираётганида тасодифан кўриб қолган. Дилбар ўз халоскори ва севимли кишисини табриклашни аллақачон дилига тугиб қўйган, маошларидан оз-оз чегириб анчагина пул жамғарган, ўтган ҳафта Хонободдаги магазиндан «Победа» қўл соати олиб, унга «Халоскоримга!.. «Д»дан...» деган сўзларни ёздирганди.

Дилбарнинг «Андижонгидрострой» комсомол комитетига секретарь қилиб сайланганига тўққиз ойча бўлди. Лекин, у бошқарма биносининг иккинчи қаватидаги икки хоналик идорасига камдан-кам келади. Бу ерда асосан комитетнинг секретарь-машинисткаси Маша ўтиради. Бюро аъзолари ҳам қурилишнинг турли участкаларида ўз ишлари билан банд. Дилбарнинг ўзи эса, ҳар куни Қорабағиш посёлкасида бирин-кетин қад кўтараётган корхоналар, қурилиш-монтаж бошқармалари, кўчма колонналар ва уларнинг Кампирравот дараси бўйлаб сочилиб кетган объектларида бўлиб, комсомол-ёшларнинг ишлари билан танишади, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини ўрганади. Фақат жума кунларигина у идорада бўлади.

Бу қатъий тартиб бугун — Душанба куни бузилди. Кеча тушдан кейин Дилбар комсомоллар йиғилишидан чиқиб, бетон заводига бораётганида қирғоқ бўйлаб чопиб келаётган Машани кўриб қолди. У тез югурганлигидан роса терлаб-пишган, оппоқ юзи анор гулидай қип-қизил эди.

— Дилбар Илҳомовна, сизни бошлиқ қидиряпти, — деди Маша ҳаллослаганча.

— Дарё сувидан ич, ўзингни бос! — Дилбарнинг ўзи ҳам чанқганини сезиб, тиниқ мавжлар аста ямлаётган қумликка чўнқайиб ўтирди-да, икки-уч ҳўплам сув ичди. — Келсин, дедими?

— Билмадим... — Маша буни аниқ сўраб олмаганлигидан ўкиниб, лабини тишлади.

— Майли, боравер, мен заводга бориб, Бошқармага телефон қиламан. Идорадан ҳеч ерга жилма!

Маша соҳил бўйлаб орқасига — Қорабағиш посёлкаси томонга қайтиб кетди. Дилбар эса, завод томонга йўл солди. Кампирравот дарасида қурилган ва қурилаётган корхоналар ичида икки улкан бетон заводи билан темир-бетон конструкциялари заводи бор. Эртага бошланадиган тўғон қурилишига ҳам асосий материалларни шу икки қудратли корхона етказиб туради.

Кўпдан буён Обиджон қорасини кўрсатмай қўйди. Дилбар кейинги вақтда заводга беш-олти марта келди. Ушанда махсус иш кийими — мошранг комбинезон кийиб, бошига кончиларнинг каскасини бостириб олган Обиджон гоҳ тош майдалайдиган машина-тегирмон залида, гоҳ кети узилмай келиб турган самосваллар бетон ағдараётган омборда, гоҳ эса бетон қориладиган зах цех ичида узоқдан бир дақиқа кўриниб-қўйди-да, яна ғойиб бўлди... Улар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига сиртдан ўқишга кирганларидан буён бирор марта суҳбатлашганлари, маслаҳатлашганлари йўқ. Гарчи Дилбар Тошкентдан олиб келган китобларга кечалари кўз ташлаб, айрим фанлар бўйича программалар асосида унча-мунча тайёрланиб юрган бўлса ҳам, курсдоши Обиджоннинг бу соҳадаги ишларидан мутлақо беҳабар.

«Андижонгидрострой» бошлиғи Борис Мусаевнинг бир одати Обиджонга ҳам юқибди. Бундан Дилбарни аввало, Дмитриева хабардор қилди. Худди Борис Мусаевич каби Обиджон ҳам қўл остидаги одамлар ишлаётганда раҳм-шафқат нималигини билмасмиш. Дуруст, Обиджон ишчилар учун Шаҳрихонсой бўйида яхши ошхона ташкил қилган; Ҳасанбой бошлиқ ошпазлар хизматда. Салқин толзорда ишчиларнинг дам олиши учун қатор бараклар ҳам қуриб ташланган. Лекин, барибир, Обиджон ўз участкасида якка ҳоким. Қани, бирон киши унинг сўзидан чиқиб кўрсинчи!..

Ларисанинг Обиджон ҳақида айтганлари Дилбарни ўйлатиб қўйди. У бу гал Обиджон билан албатта учрашишга, комсомолларнинг шикоятини унга етказишга аҳд қилди-да, заводнинг ланг очиқ дарвозасидан қум-шағал уйилиб ётган кенг ҳовлига кирди. Тушлик вақти ўтган, соат иккидан ошган бўлса ҳам баланд бетон корпуслар оралиғидаги саҳн одамлардан холи, фақат уч-тўрт самосвал ўнг томондаги омборга кулранг цемент ағдаряпти. Бу — алоҳида маркали цемент бўлиб, Қувасойда Андижон гидроиншооти учун махсус тайёрланар, вагонларда Хонобод станциясига келтирилгач уни Обиджон автоколоннаси заводга ташиб бераётгани Дилбарга маълум.

«Қурилиш одамларга қанот бўлди... — кўнглидан ўтказди Дилбар. — Синфдошим, тенгдошим автоколонна бошлиғи. Яна қанча ёшлар масъул ишларда... Ҳеч хаёлга келмаган ўзгаришлар!..» У цемент туширилаётган, одамларнинг шовқин-сурони баралла эшитилиб турган ерга бормай, чапга — тош тегирмон ишлаб турган томонга бурилди ва баланд шиплик кенг цехга кирар экан, тарақ-туруқнинг зўрлигидан қулоқлари том битди. Комбинезон кийган кексароқ бир киши агрегатларнинг ишини кузатиб турарди. Дилбар унга яқинлашиб, баланд овозда сўради:

— Обиджон ака қаерда?

— Қайси Обиджон? — Чол Дилбарга тикилди. — Бизда Обиджонлар кўп...

— Цех бошлиғи! Обиджон ака...

— Ҳа-а... бошлиқ демайсанми? Ҳов, анов ерда... Бетон қориш цехида.

«Наҳотки, Обиджон бирдан ўзгариб қолган бўлса?» — Шу савол ҳамон унинг бошини қотирарди. Ўзини, сингилларини тошқин қаъридан тортиб олган, орқасидан Тошкентга борган; борганда ҳам онасига нон ёптириб олиб борган, кўрганида оловдай қизариб, кўзларини ердан ололмайдиган; тасавурида ниҳоятда камтарин, ориятли, меҳрибон йигит бир ёз давомида одамларга нисбатан қаттиққўл, шафқатсиз, ишда эса, маъмуриятчи, буйруқбоз бўлиб қолса?! Дилбар икки юзга яқин одам қуршовида қўлида дафтар билан қалам ушлаганча турган Обиджонни

кўрди-да, қадамни секинлатди. Биринчи бўлиб Дилбарга Дмитриеванинг кўзи тушди. У Обиджоннинг қулоғига алланималарни шивирлади-да, чопиб келди.

— Планёрка бўляпти. Айна вақтида келдингиз. Комсомол секретаризмига йўл беринглар, ўртоқлар!

Дмитриева Дилбарни даврага яқин жойга бошлаб борди.

— Заводимиз шу вақтгача, — сўзларди Обиджон. — Икки смена ишлаб, қурилишларга ҳар кун икки юз кубометргача бетон етказиб берган. Биз эртадан бошлаб уч сменалик ишга кўчамиз. Ҳар куни бош тўғон қурилишига беш юз кубометр бетон етказиб беришимиз керак.

— Бу кўп, — кимдир эътироз билдирди. — Бетон қоришни бирдан шунча кўпайтириш қийин.

— Ким у курашдан қочаётган? — Обиджон луқма ташлаган йигит томонга қаради. — Э, бу сенми, Камолхўжа? Билувдим, сенинг минғиллашингни!.. Оғайни, олдин конвейер битта эди, энди иккита. Эрталаб ишлатиб кўрдик, ҳар бир конвейер ҳар ўн минутда бир кубометр бетон беряпти. Демак, биз тайёрмиз. Машиналар ҳам тайёр... Хўш, яна кимда савол, шубҳа ва ҳоказо майда гаплар бор?

Ҳеч ким чурқ этиб эътироз билдирмади.

— Бу бошқа гап; — деди Обиджоннинг юзи ёришиб. — Мана, ўртоқлар, комсомол раҳбаримиз Дилбар Илҳомовна Зуфарова ҳам шу ердалар. Биз ўртоқ Зуфарова орқали Бошқармага сўз бериб айтамик, эртага беш юз кубометр аъло сифатли бетон тўғон пойдевориغا ётқизилади! Аммо, ўртоқлар, Борис Мусаевич бизнинг олдимизга ҳар куни беш юз тонна эмас, балки беш юз самосвал бетон етказиш вазифасини қўйдилар.

Цехда ола-ғовур кўтарилди.

— Беш юз самосвал, — деди Обиджон овозини баланд кўтариб. — Завод дирекцияси бунинг ҳам ҳисоб-китобини қилиб қўйибди. Бунинг учун учинчи конвейер қурилади. Бу — бир! Қувасойдан цемент келтириш уч баробар оширилади. Бу-икки! Тош майдалайдиган яна бир тегирмон

## Вақтинг- нақдинг

Вақт қанча зиқ бўлса,  
Дақиқа кадри шунча ошар.

Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

Пулинг йўқолса, вақт топиб беради,  
Вақтинг йўқолса, нима топиб беради?!

Вақт — улкан омил,  
Ҳаёт — буюк муаллим!

Дақиқани авайламаган — соатни бой берар,  
Тийинни асрамаган — сўмни йўқотар.

Вақт сени кутмас,  
Сен унга пешвоз чиқсанг, бас!

Вақт — ҳар кимни ўз гирдобига олади:  
вақтдан ўзганларгина у билан чиқишади, ўзмаганларни  
гирдоб маҳв этади.

Вақт — ҳар кимнинг ақлий, жисмоний, маънавий  
камолотга эришувида ҳал қилувчи омил.

Ҳар гал кун ботаётганда, шафаққа маҳлиё бўларканмиз,  
у ўзи билан бебаҳо кунимизни «ўғирлаб» кетаётганини  
хаёл ҳам қилмаймиз!

монтаж қилинади. Бу — уч! Автобаза тағин юзта самосвал ажратади. Бу — тўрт! Биз эса, сафимизга «Усталар мактаби»дан яна икки юз ишчини қўшамиз ва меҳнат унумимизни оширамиз. Бу — беш! Хўш, лочинлар, менга савол борми? Демак, ҳамма рози.

Ҳамма жойига тарқалди. Обиджон Дилбарнинг ёнига келди.

— Қандай шамол учирди?

— Қорадарё шамоли, — Дилбар Обиджонга бошдан-оёқ кўз ташлаб, унинг анча озганини пайқади. — Шу ўртада телефон борми?

— Бор, — Обиджон улкан кўтарма кранлар томонга ишора қилди. — Лариса, сиз ҳам юринг!

Қизлар Обиджон билан изма-из бориб, корпус этагидаги пастаккина хона эшигидан кирдилар. Бу хона цех бошлигининг кабинети бўлиб, узун стол, беш-олтита ҳар хил эски стуллар билан жиҳозланганди.

— Марҳамат, — Обиджон стол устидаги телефонга ишора қилди.

Дилбарнинг оғзидан «Андижонгидрострой» бошлиғи Борис Мусаевичнинг телефон номерини эшитган Обиджон ҳушёр тортиб, қаддини ростлади. Анча суҳбатдан кейин трубкани Обиджонга тутди:

— Уртоқ Мусаев сизни сўраяпти.

— Эшитаман, ўртоқ бошлиқ! — Обиджон ғоз туриб гапирарди. — Ҳа, ҳа, ишлар жойида... Хўп, ҳозир етиб бораман!

Обиджон трубкани аппарат устига қўйди ва юзидаги жиддийлик белгилари йўқолиб, Дилбарга мулоим жилмайиб боқди:

— Бошқармагача ҳамроҳ бўлсак, рухсатми?

— Рухсат.

Обиджон кабинет деразасидан бошини чиқариб, кўтарма кран орқасида сигарета чекишиб турган йигитлар тўдасидан укасини чақирди:

— Одилжон, биронта машинангни бериб тур, бошқармага бориб келамиз.

Одилжон йигитлар даврасидан ажралиб чиқди ва хонанинг ланг очиқ деразасига яқинлашиб:

## Кам сўзла — кўп англа

Сўзию иши бир дўстлар —  
Туғишгандай бўлишар.

Бир бор алдансанг,  
Сени алдагандан кўр,  
Икки бор алдансанг —  
Ўзингдан!

Ёмон тушни — яхшига йўй,  
Ёмон сўзни яхши сўзинг-ла ёп!

Сўз оғиздан бир чиқдим, бас!  
Оғиздан-оғизга ўтиб кетаверар.

Айтмаган сўзинг — ўз измингда,  
Айтганинг — ўзгалар ихтиёрида.

Ўзин тиёлмаган — ҳурматин кетказар,  
Сўзин тиёлмаган — иззатин.

Тўғри сўзнинг сафоси бор,  
Эгри сўзнинг — жафоси.

Қўл — эзгу ишлар учун яратилган,  
Тил — тўғри сўзлаш учун.

Тўядай беоқибат сўздан  
Тўгмадай оқибатлиси афзал!

Ўзи оқибатлининг  
Сўзи ҳам оқибатли.  
Ўзи субутсизнинг  
Сўзи ҳам субутсиз.

Сўз бор — элларни оёққа қалқтирар,  
Сўз бор — элларга ғулғула солар!  
Шунинг учун айтарлар:  
Сўздан — сўзнинг фарқи бор,  
Ўттиз икки нархи бор.

Сўзласанг, пешлаб сўзла,  
Ишласанг, сайқаллаб ишла.

**Р. ЖУМАНИЕЗОВ** тўплаган.

— Йўлда «ЗИЛ» турибди, — деди ва Ларисага кўзини маънодор қисиб қўйди. — Шофер ҳам керакми?

— Ишингдан қолма, — Обиджон Ларисага қаради. — Сен комсомолларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида сўзлаш. Эртага — ҳужумнинг биринчи куни. Ундан кейинги кунларнинг унуми ҳам биринчи куннинг натижасига боғлиқ. Агар бирортаси ишга кечикса ёки оғзидан ҳид келса, автобаза билан хайрлашаверсин! Бўпти, биз кетдик!

Одилжон Дилбарни бошлаб, бетон қориш цехидан чиқди ва йўл бўйида турган «ЗИЛ» юк машинаси томонга борар экан, деди:

— Ҳозирча енгил машинамиз йўқ, ҳа, митинг эртага нечада бўлар экан?

— Ун иккида, — Дилбар ўрнашиб ўтириб олгач, эшикни ёпди. — Балки, ўзгариш бўлар: Борис Мусаевичдан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Ҳа, Борис Мусаевич зўр одам, — Обиджон фахрланиб гапирарди. — Мен шу одамни отам қатори кўраман. Айниқса, унинг ёшларга ишониши менга ёқади. Кеча дадангиз очган «Усталар мактаби»да бўлдим. Менга яна камида икки юзта бетончи керак. Шу мутахассислик бўйича икки гурӯҳда олтмиш йигит-қиз ўқишаётган экан. Уларнинг ҳаммасини олдим. Йигитлар ишлаб турган ҳолда ўқишларини давом эттирадилар. Булар кам. Мен Илҳом отадан яна иккита гурӯҳ очишни илтимос қилдим. У киши бир оз ўйлаб тургач Борис Мусаевичга телефон қилдилар. Борис Мусаевич менинг талабни қувватлади.

Обиджон Қорадарё устига қурилган янги кўприкдан ўтиб, машинани Қорабағиш посёлкаси томонга бурар экан, тезлигини камайтирди-да, Дилбарга қаради.

— Фақат ишдан сўзлашяпмиз. Мени кечиринг... Хўш, қалай, ўзингиз яхши юрибсизми, имтиҳонларга тайёргарликни бошладингизми?

— Машинани тўхтатинг...

Дилбарнинг кўзи тиниб, эшик дастасини тутди. Обиджон қизга ялт этиб қаради-ю, дарҳол машинани тўхтатди. Обиджоннинг Дилбарни кабинадан суяб тушираётганини якка туп тол тагида, эшиклари ланг очиқ оқ «Жигули» ёнбошида ерга дастурхон ёзиб, овқатланиб ўтиришган уч киши: Марина Дубенко, Ҳасан Иброҳимов ва унинг дадаси Иброҳим ота кўриб қолдилар. Марина ўрнидан сакраб турди.

— Вой, Дилбар-ку! — дея Ҳасаннинг кўлидан тортиб турғизди у. — Тез юр, бир гап бўлганга ўхшайди!

Улар Обиджонга ёрдамлашдилар. Ҳасан жой тайёрлади, Марина Дилбарни суяб ўтказди.

— Ҳеч ўзингни аямайсан! — Марина дугонасини койиган бўлди. — Боя онангга телефон қилган эдим: уйдан саҳарда нонушта қилмай чиқиб кетган экансан. Шунақа ҳам бўладими!.. Ма, чой ич, ўзингга келасан.

Дилбар чойдан бир-икки хўплагач, кўзи равшан тортди ва дугонасининг кистови билан асал суртилган бир бурда нон ҳам еди.

— Ака, дастурхонга марҳамат, — Ҳасанбой Обиджонни қўярда-қўймай дадасининг ёнига ўтказди ва унга чой узатди. — Қалай, ака, чарчамай юрибсизми. Ҳа, заводда ишлар авжида... Аммо, ишчилар ошхонасида ҳам овқатларга маза кириб қолди.

— Тамадди қилиб олинглар, — гапга Иброҳим ота аралашди. — Тўйга борсанг тўйиб бор, деганлар. Қани, Обиджон, дастурхонга қара. Марина, қизим, чойни қуй!.. Мана, мен ҳам мажлисдан келаяпман. Эртага иккита катта қозон осилармиш. Бирида мен, иккинчисида Ҳасанбой ош дамлармишмиз. Мусобақа ўйнаймиз, дейди.

Дилбар озгина тамадди қилиб, сал ўзига келгач, ҳамроҳларини шоширди:

— Тезроқ борайлик. Бошқармада кутишяпти.

Ҳасанбой дастурхонни йиғиштириб оларкан, Марина Дилбарнинг кўлидан тутди.

— Юр, Дилчекка, «Жигули»да бирга кетамиз!

— Сизлар бораверинглар! — Дилбар «ЗИЛ» ёнида кутиб турган Обиджонга қараб қўйди.



— Тушунарли... — Марина жилмайди. — Бахтлисан, Дилечка!  
«Жигули» кетгач, Дилбар Обиджоннинг ёнига келди ва сумкасидан жажжигина яшил қутича чиқариб, унга узатди:

— Туғилган кунингиз муборак бўлсин, Обиджон ака...

Бундай қутилмаган илтифотдан шошиб қолган Обиджон қутичани беихтиёр қўлига олар экан, довдиради.

— Э... бу, қанақаси бўлди?.. Бу... жуда қимматку!..

— Арзийсиз...

— Раҳмат...

— Нега қишда Тошкентга бормадингиз?

— Имтиҳон сессияси бетон заводи қурилишининг айна авжи палласига тўғри келиб қолди,— Обиджон. Дилбарнинг совғасини чап билагига тақатуриб, жавоб қилди. — Борис Мусаевичдан сўрасам, «мана шу қурилиш — сен учун университет!» деб бақариб берди. Бахтимга заводга домла Жуков келиб қолдилар. У киши билан маслаҳатлашдим. «Қишки имтиҳонларни ҳам ёзгиларига қўшиб топширасиз», деб рухсат бердилар. Мана, эртага тўғон қурилишини бошлаб юборайлик. Ёзнинг чилласида Тошкентга борамиз, имтиҳонларни топширамиз.

— Анча қийин бўлармикан?..

— Қийин бўлади... — Обиджон титроқ босган қўллари билан Дилбарнинг сочларини аста силади. — Сиз борсиз...

Қиз йигитнинг елкасига бош қўйиб, эркаланди...

**Давоми келгуси сонда**



Расмларни Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ чизган

Эркин Воҳидов



ШЕЪРИЙ ДРАМА

ҚАТНАШУВЧИЛАР: ЖАЛОЛ — колхоз раиси, 64 ёшда.  
САОДАТ — хотини, 60 ёшда.  
ИСКАНДАР — укаси, 60 ёшда.

Йўлбошловчи, полициячи, сайёҳлар ва бошқалар.  
Воқеа шу кунларда Истамбул шаҳрида бўлиб ўтади.

## Хазон япроғи

Яқинлашаётган кучли пўртана товуши, кема зирҳига урилган тўлқиннинг қарсиллаши эшитилади. Чақмоқ чақади, момоқалдироқ гумбурлайди.

ОВОЗ:

«Диққат! Диққат! «Беруний» сайёҳ кемаси радиоузелидан гапирамир. Шимолдан келган ҳаво оқими Урта ер денгизида шамолнинг кучайиши, чайқалишнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Ҳурматли сайёҳлар! Кема палубасига чиқиш қатъиян ман этилади. Бўрон 9 балл, денгиз 8,5 балл.»

Бўрон кучая боради. Тўлқинларнинг даҳшатли гумбурлаши чайқалишнинг зўрайганидан дарак беради.

Ниҳоят, шамол ва чайқалиш пасаяди.

ОВОЗ:

«Диққат! Совет сайёҳ кемаси «Беруний» Босфор бўғозидан сузиб бормоқда. Бир неча дақиқадан сўнг кема Истамбул бандаргоҳига киради.»

# Биринчи манзара

Истамбул. Машҳур Капали чарши олдигаги майдон. Чап ва ўнг томонда тимлик расталар. Орқада шаҳар, мачитлар, миноралар, замонавий кўп қаватли уйлар. Узоқда кўм-кўк Босфор кўрфази.

Кемалар. Улар ичида йирик бўлиб қизил байроқли «Беруний» кемаси ажралиб туради. Бозор олдигаги майдондан турли тоифадаги кишилар: турклар, инглизлар, японлар ўтиб турадилар. Аравачаларда юк тортиб бораётган хизматкорлар, улар ортида сигарета тутатиб келаётган бойваччалар. Газета сотаётган болаларнинг овозлари:

«Газет! Газет! Газет! «Хуррият», «Гунойдин»... Жаноб президент ҳазратларининг маърузалари! Жопуния Амриқонинг чўкмас ҳарбий кемаси бўладур!»

СИГАРЕТА СОТАЕТГАН ОДАМ:

«Сигарет, сигарет!» «Мальбуро», «Мальбуро!» «Кепқолинг!»

ГАДОЙ:  
(ўткинчига)

Садақа қилинг, жаноб! Садақа қилинг, сэр!

Саҳнанинг асосий қисми қоронғилашади ва олд саҳнага йўлбошловчи турк аёл етагида бир гуруҳ ўзбек сайёҳлари кириб келадилар.

ЙЎЛБОШЛОВЧИ

Мана, келдик. Шарқ бозори деган жой шу ер,  
Жондан бошқа ҳамма нарса бунда муҳайё.  
Дунё бозор, деган гап бор, лекин аслида  
Истамбулнинг Шарқ бозори ўзи бир дунё.  
У дунёдек бепоёну дунёдек рангин,  
Дунё каби савдоси ҳам, ғавғоси ҳам кўп.  
У шундай бир салтанатки, бойлиги олам,  
Султонлари қаторида гадоси ҳам кўп.  
Бу томонда гилам раста, бу ён заргарлик,  
Бу қаторда кетганича баззозлик — мато.  
Бошдан-оёқ кезмоқ учун Шарқ бозорини  
Бир кун эмас, бир ҳафта ҳам етмайди, ҳатто.  
Аммо бизнинг ихтиёрда икки соат бор,  
Истаганча кўринг, харид қилинг, илтимос.

Инсон қалбининг бойликлари ичида Ватан туйғуси деб аталган бебаҳо жавоҳир бор. У — юрагимизнинг қуввати, эътиқодимизнинг салимлиги, ҳаётимизнинг бутунлигидир. Уни ҳис қилмаган фарзанд, тараннум этмаган ижодкор йўқ.

Ватан — Навоий ва Машрабнинг изтиробу, Бобур ва Фурқатнинг соғинчи...

Мен чет элларда сафарда бўлганимда турли сабабларга кўра хорижда қолиб кетган ватандошларни кўрганман. Уларнинг кўзлари тубига чўккан дард юрагимда из қолдирган. Бу кўзлар баъзан тунлари хаёлимда гавдаланади, азоб беради ва азоб баробарида ўз қисматим учун шукроналик ҳиссини кўнглимга солади.

Ҳаётда қўйилган бир янглиш қадам

баъзан умрлик қийноққа сабаб бўлади. Мен қаламга олган Искандарнинг қисмати шундай.

Ватан урушида халқимиз қўлга киритган ғалаба йигирма миллион жон ҳисобига келган. Искандар ҳам ўша қурбонлар қаторига киради. Лекин у энг бахтсиз қурбон — тирик қурбон.

Қаҳрамонларим тақдирига сўнги нуқта қўйганим йўқ. Улар хатолари ва армонлари билан, ишончлари ва иштибоҳлари билан шу заминда яшаб турган одамлар. Асар, назаримда, ҳали тугамагандай. Зеро баъзи китоблар умр бўйи ёзилади... Ана шу туйғулар билан, азиз ўқувчиларим, бу фожий қисмат тарихини сизнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқдаман.

Муаллиф.

Саодат оқсоқланиб тўдадан ажралиб чиқади ва чеккадаги скамейкага ўтиради. Унинг ёнига Жалол келади.

Фақат (соатига қараб)  
Икки соатдан сўнг, яъни олтида  
Автобусда учрашамиз, кечикманг, холос.

Сайёҳлар ғовур-ғувур билан тарқала бошлайдилар.

### Т Е Р М О С Л И С А Й Ё Х

(Сумкали сайёҳга)

Жияним шим олиб келинг, деган.

(қоғозга қараб)

«Леу страус»,  
Танлашворинг, биродар!

### А Е Л С А Й Ё Х

(Термосли сайёҳга)

Э, кимга айтяпсиз!  
Эркак киши шим танлашни билар эканми,  
Юринг, сизга ўзим танлаб бераман.

Кетишади.

### С А О Д А Т

Вой, вой —  
Оёқинам тамом бўлди.

(Туфлисини ечади.)

### Ж А Л О Л

Сенга айтдим-а,  
Узоқ йўлга баланд пошна туфли кийма, деб!  
«Ўлар, — дединг, — Ангилистон, Фарангистонга  
Шиппак кийиб бораманми, у юртдагилар  
Нима дейди», деб гапимга қулоқ солмадинг.

(Саодатнинг оёғини кўриб)

Бай-бай, шўрлик, товонинг гўшт бўлиб қолибди.

Сумкадан йод, пахта олиб хотинининг оёғини муолижа қилади.

### С А О Д А Т

Қариганда саёҳатга чиқмай мен ўлай,  
Уйгинамда жужуқларни бағримга босиб,  
Телевизор кўриб ётсам бўлмасмиди-я!

### Ж А Л О Л

Бундай сафар ҳаммага ҳам насиб этмайди —  
Шунча юртни кўрдик. Кўп ҳам ношукур бўлманг.  
Даниядан йўлга чиқиб, ярим дунёни  
Кезиб, мана, Туркияга келдик.

(Шоирона қилиб)

Париваш —

Нозаниним, сарвқоматим, оёғингизга  
Бутун бошли Европани пойандоз қилдик.  
Ушалмаган яна қандай орзуингиз бор?

### С А О Д А Т

Биттагина орзум — эсон-омон уйимга  
Етиб олсам бўлди. Энди икки дунёда  
Саёҳатни орзу қилмай. Бўларим бўлди.  
Ҳаммасидан чайқалиши ёмон бўларкан.  
Ҳар гал тўлқин қарсиллатиб келиб урганда,  
«Энди ўлдим» дейман. Бай-бай, қама жонивор  
Аргимчоқдай учади-я!

### Ж А Л О Л

Ешлик пайтингда  
Ҳалинчакка тўймай қолган бўлсанг мабодо,  
Маза қилиб учиб олдинг.

### С А О Д А Т

Ичак-чавоғим  
Нақ тескари бўлиб кетди. Вой бошгинам-ей!

### С У М К А Л И С А Й Е Ҳ

(Ҳовлиқиб киради)

И-е, сизлар нима қилиб ўлтирибсизлар,  
Ахир, бозор қизигандан қизиб ётибди.  
Жондан бошқа ҳамма нарса бор экан, янга,  
Сизга нима керак, юринг!

### Ж А Л О Л

Бизга жон керак.

### С А О Д А Т

(Жалолга)

Камолжоним, японский магнитофон, деб  
Кўп ялинган эди, боринг, олинг, дадаси.  
Мен шу ерда ўлтираман.

### С У М К А Л И С А Й Е Ҳ

(Бош бармоғини кўрсатиб)

Бундоқлари бор.  
Юринг, ўзим кўрсатаман.

### Ж А Л О Л

Овора бўлманг,  
Бир камим шу узоқ юртдан... Э, келинг... қўйинг.

### С У М К А Л И С А Й Е Ҳ

Билганингиз...

(Чиқади. Сукут.)

### Ж А Л О Л

Хотин, нега жим бўлиб қолдинг?

САОДАТ

Дадаси...

ЖАЛОЛ

Ҳа.

САОДАТ

Эрталабдан бери кўнглимда  
Бир хиралик бор.

ЖАЛОЛ

Соғинчдан, дармонсизликдан...

САОДАТ

Ундан эмас. Ҳали сизга айтай дедиму  
Юрагингиз ғаш бўлмагин, деб индамадим.

ЖАЛОЛ

Хўш, нима гап?

САОДАТ

Нонуштадан кейин анови  
Аё Сўфия масжидига бордик...

ЖАЛОЛ

Хўш?

САОДАТ

Шунда  
Бир турк бизга жуда узоқ тикилиб қолди.

ЖАЛОЛ

Нима бўпти?

САОДАТ

Мен чўчидим. Афти бир хунук...  
Башараси тўла чандиқ, қора плашда.  
Ҳасса тутган. Сиз унга ҳеч қарамадингиз.  
У кўзини олгани йўқ.

ЖАЛОЛ

Қараса нима?

Бир анқовдир.

Биз уларга, улар бизларга  
Анқаямиз. Қўш томоша...

САОДАТ

Томоша бўлса  
Гўрга эди. Эрталабдан бери кетмайди.  
Музейда ҳам, султонларнинг саройида ҳам  
У эргашиб юрди. Бир пайт яқин келганда  
Қарадим у юрагим бир шувиллаб кетди.  
У кўзини олиб қочди...

ЖАЛОЛ

Ваҳима қилма,  
Ҳар нарсадан чўчиб, вос-вос бўлиб қолибсан.

СУМКАЛИ САЙЕҲ

(Яна пайдо бўлади.)

Чарм камзул олдим. Қалай, ярашибдими?

САОДАТ

Ярашибди. Бинойидек.

ЖАЛОЛ

(ўзича)

Тўқимдаккина.

(Сумкали сайёҳга)

Омадингиз келибди-да.

СУМКАЛИ САЙЕҲ

Келганда қандоқ!  
Биз томонда бунақаси бўлмайди.

ЖАЛОЛ

(кесатиб)

Яшанг!

СУМКАЛИ САЙЕҲ

(соатига қараб)

Бир соатдан кўпроқ вақт бор.

(Бозорга кириб кетади.)

ЖАЛОЛ

Эҳ, ёшлар! Ёшлар!  
Матоҳ, деса ўзларини томдан ташлайди.  
На андиша, на ғурур, на истиҳола бор.  
Ановининг икки кўзи магазинларда,  
Бирор нарса ярқ этса бас, шўнғиб кетади  
Кўрсичқонга кўзи тушган қирғийга ўхшаб.  
Даққи берсам, «Мен бу ерга Наполеоннинг  
Мозорини кўраман, деб келган эмасман», —  
Деб айтади, уяти йўқ.

САОДАТ

Нима қилсин — ёш.  
Кийингиси келади-да... Ёшлигингизда  
Узингиз ҳам жуда башанг кийинардингиз.  
Оқ китель-шим, оқ кепка, оқ брезент туфли...

ЖАЛОЛ

Туфлини биз тиш порошок билан оқлардик.



САОДАТ

Не бўлса ҳам дуруст эди ўша кийимлар.

ЖАЛОЛ

Ҳам арзонроқ. Топиб кийиш қийинмас эди.

САОДАТ

Жувонлар ҳам ҳозиргидек кийинмас эди.

Узун кўйлак, узун лозим, енг бу ергача

(Бармоқ учини кўрсатади.)

ЖАЛОЛ

Дуррачани айтмайсанми? Узоқдан кўриб

Юрагимиз дукулларди.

САОДАТ

Ҳо...

ЖАЛОЛ

Ҳаммагамас.

Сен бошқача эдинг. Гўзал, кўзларинг жоду,

Мен қишлоқда икки йилча бўлмадим, холос.

Икки йилда копток ўйнаб юрган қизалоқ —

Офатижон, сарвиқомат бўлиб қолибсан.

САОДАТ

Фарғонадан сиз ҳам бошқа бўлиб келгансиз...

Дадаси... Ҳой, дадаси...

ЖАЛОЛ

Ҳа!

САОДАТ

(Кўли билан кўрсатиб)

Ана, келяпти.

(Чўчиб тисарилади.)

Уша одам! Қўрқяпман, кета қолайлик.

ЖАЛОЛ

Қани? Нега чўчийсан-а?

САОДАТ

Ана, ана у!

Қора шарпа дарахт панасида тўхтайти.

ЖАЛОЛ

(Шарпага)

Ҳей, сен кимсан?

(Шарпа жим.)

Гадомисан, қаландармисан?

(Шарпа жим.)

Берироқ кел, ҳой!

С А О Д А Т

Чақирманг, кетсин, даф бўлсин.

Ж А Л О Л

Дил билиюрмисан, гардаш?

(Шарпа жим.)

Демак, туркмассан,  
Арабмисан ё ҳинду, ё эрониймисан?

НОТАНИШ ОДАМ

(Сукутдан сўнг. Панада турганча)

Ҳамма миллат номин айтдинг. Аммо не учун  
Ўзбекмисан, деб сўрашга тилинг бормади?  
Мен ўзбекман!

Ж А Л О Л

Ё алҳазар!

С А О Д А Т

Тавба, ё тавба!

НОТАНИШ ОДАМ

Нега ҳайрон бўласизлар? Ё чет элларда  
Ўзбекларнинг борлигини билмасмидингиз?  
Чўчимангиз. Мен хоин ё жосус эмасман.  
Мен бир ҳазон япроғиман. Тақдир шамоли  
Ўз боғимдан йироқларга учириб кетган.

Ж А Л О Л

Шўрпешона экансан-ку. Гапинг рост бўлса,  
Панадан чиқ.

С А О Д А Т


(Чўчиб)

Йўқ, дадаси, қўйинг, чақирманг.  
Турки совуқ кўринади. Жуда кўрқаман,  
Ким билади бу инсон ким, муроиди нима?  
Юринг, кетдик, жон дадаси, сафаримизнинг  
Охирида кўргиликка учраб қолмайлик.  
Бегона юрт...

Ж А Л О Л

(Саодатга)

Жим тур...



### НОТАНИШ ОДАМ

Тезроқ кетай... мабодо  
Она юртдан бир кафт тупроқ келтирмадингми?

### ЖАЛОЛ

Тупроқ йўғ-у, у тупроқда битган майиз бор.

(Сумкадан бир халтача олиб узатади.)

Берироқ кел, ол, ҳайиқма, нотаниш одам.

### НОТАНИШ ОДАМ

Панадан чиқиб келади. У плашда, юзи чандиқ. Қулида ҳасса. Сочлари оппоқ.  
Жалолнинг қулидан халтачани олиб очади, бир дона майизни оғзига солиб узок  
тамшанади.

Шукр,

Шукр, юртим нафасини туйгандек бўлдим.  
Қуллуқ, юртдош, минг ташаккур, тақдир ҳамиша  
Насибангни бутун қилсин!

### ЖАЛОЛ

Ўзингни танит,  
Кимсан, қачон бу ёқларга келиб қолгансан?

(Шарпа жим.)

Гапирсанг-чи! Қаерликсан? Ўзбекистонда  
Бирор киминг борми? Айтсанг, балки танирман.

### НОТАНИШ ОДАМ

Ҳеч қаерда ҳеч кимим йўқ. Қисмат даштида  
Бир шўракман — юмалоқ хас. Қуриган жисмим  
Замонларнинг қўюнида мангу саргардон,  
Ватани йўқ, элати йўқ бир бенавоман.  
Бу дунёга қачон келдим — эсимда ҳам йўқ.  
Бамисоли дунё борки, мен борман. Шунча —  
Узоқ бўлди бу ғурбаткаш умрим. О, мендан  
Ҳеч нарсани сўрама, қўй!

### ЖАЛОЛ

Эй, жабрдийда,  
Не балолик қисмат сени бу кунга солди?  
Эл олдида юзинг шувит бўлса, уни айт.  
Ҳақиқатда агар жосус, хоин бўлмасанг,  
Ўзга неки гуноҳ бўлса, унинг авфи бор.  
Мард бир ўлар, номард юз. Ҳа! Эгилган бошни  
Қилич кесмас, деган гап бор. Қолган умрингни  
Айриликнинг азобида ўтказма, юртдош.  
Тортинма, айт, юртга қайтмоқ ниятинг бўлса,  
Мен қўлимдан келганича ёрдам берайин.  
Ўз юртимда мен кичкина одам эмасман.

### НОТАНИШ ОДАМ

Аммо менинг нажотимга на-да сен, ҳатто  
Парвардигор қодир эмас.

(Сукут)

Рассом альбомидан.



Шоира Зулфия асарларига  
ишланган расмлар



Рассом Ю. Габзалилов

Қирқ йил илгари  
Мен ўлганман. Қарағайзор ўрмон ичида  
Қўмилганман. Рўпарангда турган — арвоҳим.

### С А О Д А Т

Бу не даҳшат! Туш кўряпман. Йўқ, бу ўнг эмас.  
Қўрқинчли туш!

### Ж А Л О Л

Берироқ кел, нега кўрқасан?  
Қаердадир кўргандекман...

(Сукут)

Йўқ, эслолмадим...  
Мабодо сен биз томонда — эски Қўштепа,  
Янги номи Энгельс — унда бўлмаганмисан?

### Н О Т А Н И Ш О Д А М

Чўчиб тушади, яқин келиб бир Жалолга, бир Саодатга тикилади, ҳаяжонланади.

Бўлмаганман, йўқ.

(Нари кетади.)

### Ж А Л О Л

Ўзингни яширма, тоқай —  
Беркиниб кун кўрмоқ мумкин!

### Н О Т А Н И Ш О Д А М

(Ўзича) Қандай тасодиф!  
Замон, макон деб аталган поёнсизликда  
Қитъалар ва йиллар оша бундоқ учрашув!

(Жалолга)

Қўй, сўрама. Суриштириб нима қиласан?  
Фойдаси йўқ.

### Ж А Л О Л

Майли, юртдош, ўзинг биласан.  
Бирор нафим тегармикин, деб ўйлагандим,  
Афтодаҳол кўринасан.

### С А О Д А Т

Ёруғ дунёда  
Қанча бахтсиз одамлар бор!..

### Ж А Л О Л

(Ёнидан пул чиқариб узатади.)

Мана буни ол,

Бир кунингга яратарсан.

### Н О Т А Н И Ш О Д А М

Йўқ, керак эмас,  
Камбағалман, лекин гадо бўлганимча йўқ.

**Фотоаппаратли сайёҳ кириб келади.**

**ФОТОАППАРАТЛИ САЙЁҲ**

Жалол ака, янга, қани бу ерга тулинг,  
Абадият учун битта кадр қиламиз.

**Фотоаппаратини тўғрилайди. Нотаниш одам кетади. Сайёҳ бир-икки сувратга олади.**

Ана, бўлди.

(Бош бармоғини кўрсатиб)

Мана бундоқ расм чиқади!

**Нотаниш одам кетган томонга қараб-қараб қўяди ва кетади.**

**Ж А Л О Л**

(Атрофга қараб)

Ҳах, қочириб юборди-я!

**С А О Д А Т**

Шўрлик беватан...

Қўйинг, майли, бир ҳисобда кетгани яхши.  
Дард-ҳасрати қуриб кетсин, кўнглимни эзди.

**Ж А Л О Л**

Ҳаётимда бир савоб иш қилай деб эдим.  
Ватанидан жудо бўлган бечора экан.  
Бир ёрдамим тегиб қолса, ёмон бўлмасди.

**С А О Д А Т**

Лекин ўзи истамаса, нима қиласиз?

**Ж А Л О Л**

Уни топиш керак.

**С А О Д А Т**

Қандай қилиб топасиз?

**Ж А Л О Л**

Ана, ўзи келди.

**НОТАНИШ ОДАМ**

(Кириб келади.)

Яна келдим. Ўзимни  
Танитмоқчи эмас эдим. Лекин ўйласам,  
Кейин армон бўлар экан. Майли, айтаман.  
Лекин битта шартим: гап шу ерда қолади,  
На бу жойда, на Ватанда бирор кимсага  
Мен тўғримда сўзламайсиз.

(Сукут)

Энди эшитинг.

Қўштепаннинг гузарида бир тут бор эди,  
Юз йиллик тут...

ЖАЛОЛ

(Саодатга)

Ҳа, айтдим-ку, уни кўрганман.

НОТАНИШ ОДАМ

Ўша тутдан сал пастроқда, эски ҳовлида  
Уста Аҳмад яшар эди.

ЖАЛОЛ

У менинг отам

Билармидинг?

НОТАНИШ ОДАМ

Ҳа, урушнинг биринчи йили  
Ҳалок бўлган эди.

ЖАЛОЛ

Тўғри. Айт, кимсан ўзинг?

НОТАНИШ ОДАМ

Сен ўшанда эндигина уйланган эдинг,  
Жонон келин Саодатни

(Саодат чўчиб кетади.)

бағринга босиб

Ётганингда, саҳар пайти қорахат келди.

(Жалол ва Саодат лол.)

Шунда ҳали ўн саккизга тўлиб-тўлмаган  
Не сабабдир уйдан кетиб қолган Искандар —  
Уканг келди... Остонада турганча йиғлаб,  
Онасига видо айтиб урушга кетди.  
Шу бўйича қайтгани йўқ...

ЖАЛОЛ

Укам Искандар

Новгородда ҳалок бўлди.

ИСКАНДАР

Афсус...

ЖАЛОЛ

Минг афсус,

У мард эди.

НОТАНИШ ОДАМ

Афсус шуки, у ўлмади қолди.

ЖАЛОЛ

Йўқ... Наҳотки...

НОТАНИШ ОДАМ

Мен бўламан ўша Искандар!

(Саодат қичқириб юборади.)

## ЖАЛОЛ

Елғон! Елғон! Сен у эмас! Искандар ўлган!  
Менинг укам Ватан учун жонини бериб,  
Ер қаърида ётибди. Сен арвоҳни тинч қўй.

## НОТАНИШ ОДАМ

Танимадинг, ё танишни истамадинг. Сен —  
Қаҳрамоннинг акаси, шуниси маъқул.  
Қабиҳ чиндан кўра эзгу ёлғон яхшироқ.  
Сен айтганча бўлсин, гапим ёлғон, афсона.  
Ҳеч чўчима. Шаънингга доғ туширмайман. Йўқ!  
Мен ўлганман. Ўлганимча қоламан. Аммо,  
Бир ўтинчим — онам тирик борми — шуни айт.  
Айт, яширма. Ўзимни фош қилмайман, ишон.  
Фақат онам ўлган бўлса, аза очаман,  
Йиғлаб-йиғлаб юрагимни ёзаман, холос.  
Агар тирик бўлса, сендан битта илтимос:  
Жигарлик қил, уканг адо эта олмаган  
Васиятни сен бажаргин.

(Қўйнидан тумор олади.)

Мана бу — тумор.

Мени жангга кузатаркан, онам бечора  
Шуни тикиб берган эди. Айтган эдики:  
«Сен кенжамсан, жангдан омон қайтасан. Ахир,  
Мени гўрга қўядиган ўзингсан, болам!  
Болам! Сенинг дийдорингни кўрмагунимча,  
То қиёмат илҳақ бўлиб ётаман. Билки,  
Бўйинидаги тумор эмас, онанг юраги.  
Тилагим ҳам васиятим шуки, сен қайтгач,  
Қачон вақти қазо етиб дунёдан ўтсам,  
Шу туморни ўзинг бошим остига қўйгин.»

(Сукут)

Онагинам, юрагинг-ку мени асради,  
Мен сутингни оқлолмадим. Беомон қисмат  
Болангни ўз Ватанидан бенасиб қилди.

(Жалолга)

Агар онам тирик бўлса, жигарим, энди  
Мана — тумор, васиятни ўзинг адо эт.

(Саодат деворга суянганча, Жалол бошини ушлаб тебранганча лол. Сукут.)

Демак... онам ўлган. Мени кута-кута у  
Илҳақликда адо бўлган. Кечир, онажон!  
Кечир мени! Кечир мени! Мен одамманми?  
Эгаси йўқ, санқиб юрган бир қари итман.  
Бенавоман, бедавоман.

Кетади.

## ЖАЛОЛ

Искандар! Тўхта!

Искандарнинг орқасидан чиқади.

## Иккинчи манзара

Карвонсарой майхонаси. Ичкарида икки, уч, тўрт кишилик ясатиғлиқ столлар.



Столларда бизга таниш сайёҳлар. Тўрт аёл бир стол атрофида. Саодат ҳам улар орасида. Уч кишилик стол атрофида Жалол ва Искандар.

### ЖАЛОЛ

Бу дунёда жудоликнинг турфа хили бор:  
Биров ёрдан айрилади, биров диёрдан.  
(Йўқотишлар ичида энг мушкул, энг даҳшат —  
Бу ўзликни йўқотмоқдир. Эҳ, сен Искандар!  
Сен ўзингни йўқотибсан. Қандай кўргилик!

### ИСКАНДАР

Гуноҳим шу — тирик қолдим. Минг пушаймонман.

### ЖАЛОЛ

Айбинг тирик қолганингмас...

### ИСКАНДАР

Тирик ўлганим.

### ЖАЛОЛ

Эл-юрт майли, қариндошу уруғлар майли,  
Онангни ҳеч хаёлинга келтирмадингми?

(Искандар қайғу ичида бош тебратиб ўтиради.)

Сендан кейин уч ой ўтмай, мен ҳам жўнадим,  
Гроднода яраландим. Тузалиб чиқиб,  
Эльбагача бордим. Умр бор экан — қайтдим.  
Ўша кунни унутмайман — онам бечора  
Тут тагида кир ювмоқда экан. Кўрдию: —  
«Болам, болам!» деб елкамга осилганича  
Йиғлайберди. Совун юқи кўллари билан  
Юзларимни, бошларимни силаб, йиғлади.  
«Нега ўзинг қайтдинг, болам, укагинангни  
Қаерларга ташлаб келдинг?» деб фарёд чекди.  
Кейин билсам, сендан қорахат келган экан,  
Хат ёнида командиринг Данилов ёзган  
Мактуб ҳам бор экан: «Она! Фарзандинг билан  
Ифтихор қил! — деб ёзибди, — ўғлинг қаҳрамон!»

(Сукут)

Йиллар ўтди. Олтмиш тўртнинг баҳори эди.  
Москвада ветеранлар анжуманида  
Бир полковник менга узоқ тикилиб қолди.  
Биз танишдик. Қараки, у Данилов экан.  
Мени сенга ўхшатибди. Қучоқлаб олди,  
Новгородга бирга бордик. Қабрингни топдик.  
«Қабринг» дедим, мени кечир — ўзга не дейин?..

**Қоронғилик чўқади. Урмондаги яланглик. Данилов ва Жалол лавҳа ёнида.**

### ДАНИЛОВ ОВОЗИ:

«Қирқ учинчи йил. Еттинчи сентябрь эди.  
Бизнинг рота олов сели ичида қолиб,  
Бу ерда ёв ҳужумини қайтарар эди.  
Биз оз қолдик. Лекин ёвга таслим бўлмадик.  
Искандаринг шунқор эди. У якка ўзи  
Тўртта танкни ёндирдию бешинчисига  
Қўлидаги граната билан ташланди.  
Кўз олдимда танк ва инсон рўбарў келди.

Бамисоли эртактарда ёвуз махлуққа,  
Қора девга кўкрак тутиб тик ҳамла қилган  
Паҳлавондек эди ўша дамда Искандар.  
Лекин, афсус, эртактаги каби бўлмади.  
Ваҳший кучни енголмади мардлик, адолат...  
Кўз олдимда танк дўстимни... Даҳшат, о, даҳшат!

(Сукут)

Биз биродар тутингандик. Билагимизни  
Кесиб, қонни-қонга кўшиб олгандик. Дўстим,  
Энди менинг диёримда, қабринг устида  
Қарағайлар алла айтиб тебранмоқдалар...»

**Қоронғилик. Сўнг яна карвонсарой.  
Жалол ва йиғлаётган Искандар.**

### ЖАЛОЛ

Ўша ернинг тупроғидан бир кафт келтириб,  
Мен жасорат майдонида қабр ясатдим.  
У қабрда йил — ўн икки ой навбаҳорнинг  
Чечаклари алвон-алвон бўлиб ётади.  
Май келганда — Ғалаба кун — галстук таққан  
Пионерлар у майдонда сафга тизилиб,  
Қурбон бўлган аскарларнинг руҳи олдида  
Қасамёдлар қилишади.

### ИСКАНДАР


Етар, бўлди, бас!  
Адо бўлган юрагимни қайтадан эзма.  
Ёлғон шуҳрат шариф қилган исмимга лаънат,  
Ўша жангда танк остида мажақланмасдан,  
Тасодифан тирик қолган жисмимга лаънат!  
Қани энди, ҳақиқатан мен ўлган бўлсам,  
Қани, чиндан униб ётса қабримда гуллар.  
Қани энди, ҳалок бўлган дўстларим каби  
Мангу сукут оғушида, роҳатда ётсам.  
Одам насли азал-абад ўлимдан қўрқар,  
Нечун, нечун? Ахир, ўлим олий маъсудлик.  
Бор вужуднинг, жону руҳнинг осудалиги,  
Аммо бу бахт доим мендан юзини бурди.  
Энди кимман? На ўлик, на тирик бир вужуд,  
Кўзи очик, қадам ташлаб юрган қабрман.

(Сукут)

Шундай қилиб, ўша куни мен омон қолдим,  
Чуқурликка қулабману хушдан кетибман.  
Бир маҳал кўз очсам, икки баҳайбат немис  
Автоматни тўғри қилиб қараб турибди.  
Қисмат экан, асоратнинг аччиқ алами,  
Чидаб бўлмас қийноқлари бошланди. Инсон —  
Гулдан нозик инсон — вақти келса темирдан  
Мустаҳкамроқ бўлар экан. Ушанда билдим.  
Изтиробдан одам ўлса, мен ўлар эдим.  
Уша йиллар даҳшатини сўзламоқ учун  
Йиллар керак...

(Қоронғиликда кўмир ташиётган асирларнинг сояси кўринади.)

Хуллас, бир кун ярим кечада  
Етти асир маслаҳатни бир жойга қўйиб,  
Пойлоқчини гумдон қилдик. Урмонга қочдик.  
Уша дамдан вақт сезгиси йўқолди. Қанча  
Югурганимни билмайман. Тасаввуримда  
Эс-ҳушимдан жудо бўлиб то бугунгача



Югураман, югураман... Ҳеч тўхтамайман.  
Кимдан қочиб бормоқдаман, қайга қочаман —  
Менга сира аён эмас. Ҳаёт бамисли  
Қоп-қоронғи ўрмон... Ҳатто, тушларимда ҳам  
Тўда-тўда итлар мени қувлайди...

(Сукут)

Хуллас,  
Кўзни очсам, бир кулбада ётибман... Оқсоч  
Немис кампир бошим узра ўлтирар эди.  
У ўрмондан беҳуш ҳолда топибди мени.

(Май ичади ва Жалолнинг қадаҳига қараб)

Ичмаяпсан?

ЖАЛОЛ

Жигар чатоқ.

ИСКАНДАР

Сен ҳам қарибсан.

Номоз ўқийсанми?

ЖАЛОЛ

(Мийғида кулиб қўяди ва бош тебратиб «йўқ» ишорасини қилади.)

Сен-чи?

ИСКАНДАР

Жон деб ўқирдим.  
Лекин менда эътиқод йўқ. У дунёга ҳам,  
Бу дунёга ҳам.

ЖАЛОЛ

Ишончсиз яшаш — кўргилик.  
Ҳар юракка битта таянч нуқта зарурат.  
Бусиз одам — одам эмас — бўшлиқ бўлади.

ИСКАНДАР

Менга қолса эътиқодсиз яшашдан кўра,  
Чангалзорнинг ярим ваҳший қабиласидек  
Илонгами, тўнғизгами сиғинган яхши...  
Менинг хаста жонимга ҳам бир асо керак,  
Аммо қани ўша имон? Уша эътиқод?  
Замон барча худоларни аршдан қулатди,  
Савоб, гуноҳ барбод бўлди. У дунёдаги  
Сўроқлардан кўрқадиган одам қолмади.  
Мен саргардон ҳаётимда нимани кўрдим?  
Ҳамма ерда имонсизлик, фақш ва қабоҳат!  
Тубанлик бор — алҳазар йўқ. Биз нафас олган  
Шу ҳавога тўлиб кетди ёлғон садолар.  
Туман хиллик тўлқинларда тонгдан-тонггача  
Миямизни алдоқ билан тўлдирмоқдалар.  
Фақат бир гап: биз яхшимиз, бошқалар ёмон.

ЖАЛОЛ

Шунинг учун одамзодга иккита қулоқ,  
Битта ақл тарозуси бериб қўйилган.  
Икки ёнга қулоқ солу бир мезон билан  
Ўлчаб, ўзинг хулоса қил. Ҳақиқатни топ.

## ИСКАНДАР

Ҳақиқат йўқ. Бўлган эмас. Дунёда фақат  
Манфаат бор. Манфаат деб аталган «чўпон»  
Одамзодни пода қилиб ҳайдаб юрибди.

## ЖАЛОЛ

Ҳа, шубҳасиз, сен танлаган дунёда шундоқ.

## ИСКАНДАР

Мен танлаган дунё? Менда танлаш ҳуқуқи  
Борми эди? Саргашта жон учун дунё — бир.  
Уммонлар бир, саҳролар бир, дарёлар ҳам бир,  
Одамизод бошидаги савдолар ҳам бир.  
Дунё икки бўлса, сарҳад борми ўртада?

## ЖАЛОЛ

Ҳа, сарҳад бор. У одамлар қалбидан ўтган  
Бас, ўзингни соддаликка солма, сену мен  
Фақат икки одам эмас, икки оламмиз.

## ИСКАНДАР

Бир отаю бир онанинг икки фарзанди  
Уртасида, демак, энди тубсиз жарлик бор...  
Қани айт, мен қайси олам, қайси жамият,  
Қайси ватан одамиман? Ажрим қилиб бер:  
Мени ўзбек она туғиб, алла айтдию  
Немис она олиб чиқди ажал домидан.  
Бир оламда кўз очдиму бошқа оламда  
Умрим ўтди — энди қайси дунё номидан  
Сўзламоғим керак? Менга тушунтириб қўй.  
Сармоядорманми? Ушал иккинчи онам  
Укасига куёв бўлдим ва ундан мерос  
Дюссельдорфнинг банкасида сармоя қолди.

Вақт бўлдики, ўн минг ақчам юз мингга борди,  
Вақт бўлдики, бир дўконча тебратдим, холос.  
Йўқсилманми? Энди мендан йўқсил одам йўқ,  
Кўзим хира, дармонсизман, ташландиқ зотман.  
Хотин бошқа эрга теккан, ўғил уйланган.  
Бу ўрмонда қуёнлардек урчиб, кўпайиб,  
Қуёнлардек танитаймиз бир-биримизни.  
Мана менинг таржимаи ҳолим, айт энди,  
Қайси дунё рўйхатига қўшасан мени?

## ЖАЛОЛ

Бу ҳолатни ажрим қилмоқ менинг ишиммас,  
Юртга қайтсанг, тегишли жой ажрим қилади.  
Фақатгина, маслаҳатим ҳеч бир нарсани  
Беркитмай айт, — улар ҳаммасини билади.

## ИСКАНДАР

Қайси айбим учун сўроқ беришим керак?  
Танк мажақлаб кетмагани учунми, ёки —  
Аросатда омон қолган бошим учунми?  
Мен фашистга аскар бўлиб жангга кирдимми?  
Ўз юртимга ўқ отдимми? Тухмат қилдимми?  
Жигар бўлиб юрагимни сен тушунмасанг,  
Мени ким ҳам тушунарди, шафқат қиларди?!

## ЖАЛОЛ

Ешликда ҳам сен ўлгудай жиззаки эдинг,  
Қарибсан-у, бу одатдан халос бўлмабсан.  
Сени ўлди деган эдик, майли, ўлмабсан —  
Лекин айбим нима, десанг ҳайрат қиламан.  
Қирқ йил юртга қадам қўймай беному нишон  
Юрганингни ўзинг гуноҳ санамайсанми?  
Сен сўроқдан қўрқма, ука, виждонингдан қўрқ.

## ИСКАНДАР

Виждон... виждон... ўша виждон борми ўзингда?  
Баъзан мени ўйлаганда қийналмайсанми?  
Қабримдаги совуқ тошга қўлинг теккан пайт  
Бармоқларинг куймайдими? Еки кўзингдан  
Ешинг оқса, яноқларинг ловулламасми?  
Кўриб туриб, сен бахтимни тортиб олдинг-а!  
Кўзларингни олиб қочма, менга тик қара.  
Агар сенда виждон бўлса, бундоқ қилмасдинг.  
Индамайсан. Йўқ, ёдгорлик қўймадинг менга,  
Гуноҳингни кўмиб, мрамартош бостиргансан!  
Мени кўриш сенга, ака, қанчалар оғир!

## ЖАЛОЛ

Менга нима даъвойинг бор?

## ИСКАНДАР

Ҳа, билмайсан-а!  
Қоражарнинг ёқасида, пастқамлик жойда  
Ака-ука нима учун муштлашган эдик?  
Ун еттида эдим, сен-чи, йигирма бирда.  
Мени роса дўппосладинг, ўшанда уйга  
Энгил-бошим қоп-қора қон бўлиб қайтдим-у,  
Онамга чурқ этганим йўқ.

## ЖАЛОЛ

Шунча йил ўтиб,  
Ҳали эслаб юрибсанми? У гапларни қўй.

## ИСКАНДАР

Урганингни унутардим, лекин қалбимга  
Ханжар санчдинг сен — жигарим, қандоқ унутай?  
Мен-ку уни жонимдан ҳам яхши кўрардим,  
Билиб туриб, Саодатни йўлдан урдинг-а!

## ЖАЛОЛ

Йўқ, мен йўлдан урганим йўқ, у ўзи севди.

## ИСКАНДАР

Елғонни қўй. У нур каби покиза эди,  
Мени яхши кўрар эди, учрашар эдик.  
Бизлар худди қўш кабутар эдик, сен иблис  
Қирғий бўлиб чангал солдинг. Фунчани уздинг.

## ЖАЛОЛ

Яхши кўриб қолдим уни, жонимдан ортиқ  
Севиб қолдим, нима қилай?

## ИСКАНДАР

Бу гап ҳам ёлгон.

Сен чиранчиқ, манман эдинг. Энг гўзал қизни  
Қўлга олиб, дўстларингга мақтаниб юрдинг.  
Билардинги, мен ишқида девона эдим,  
Шеърлар ёзиб юрар эдим. Кўрганда титраб,  
Вужудимда сирли оташ гуриллар эди.  
Мажнунлигим аён эди бутун қишлоққа,  
Сен-чи, уни холи топиб панага тортдинг...  
Севмагансан! Саодат ҳам севмаган сени,  
Ҳеч севиши мумкин эмас. Сен — зўравонсан.  
У меники эди — ахир.

## ЖАЛОЛ

Сен бола эдинг.

Ўғил бола ўн еттида бола бўлади,  
Қизни эса, эрга берсанг, она бўлади.  
У муносиб эмас эди сенга, гапирма.

## ИСКАНДАР

Болаимиди? Кўнгиллилар сафига туриб  
Жангга кетган, қаҳрамонлик қилган Искандар —  
Болаими? Унинг шону шуҳрати билан  
Сен кекириб юрибсан-ку!

## ЖАЛОЛ

Бас қил!

## ИСКАНДАР

Қулоқ сол!

Сен билмайсан, мен ўшанда жангга кетаркан,  
Юрагимга алам ўтин солиб кетганман.  
Уша ўтни тиғ учида олиб ўтганман.  
Шу ўт билан тикка бордим найзабозликка,  
Ёнаётган биноларга ўзимни урдим.  
Қаҳрамонлик қидирмадим, ўлим қидирдим.  
Лекин афсус... Ажал деган ит экан асли,  
Қочсанг қувар экан, қувсанг қочавераркан.

(Сукут)

Сен уйланган кун ёдимдан сира чиқмайди.  
Меҳмонларни кутиб олдим ширин сўз билан.  
Кулиб юриб чой ташидим. Лекин юрагим  
Хўнграб, хўнграб йиғлар эди. О, билармисан,  
Тўйинг менга аза бўлди — «Ер-ёр» марсия.  
Уша куни биринчи бор ичдим, маст бўлиб,  
Рақсга тушдим. Ҳамма яйраб, қарсак чаларди.  
Мен бамисли ярадор қуш сўнг бор чарх уриб  
Пастга сузган каби ночор айланар эдим.  
Сўнг панада пешонамни деворга уриб,  
Овозимни чиқармасдан дод деб йиғладим...  
Уша кеча қишлоқдан бош олиб кетганман.

## ЖАЛОЛ

Тақдир экан, нима қилай, менда гуноҳ йўқ.

Термосли сайёҳ яқин келади.

## ТЕРМОСЛИ САЙЁҲ

Жалол ака! Чой дамладим — қулинг ўргилсин,  
«Тўқсон беш»дан, бир пиёла ичинг, илиндим.

Келиб бўш стулга ўтиради ва термоснинг қопқоғига чой қуяди.

Томоша хўб қизияпти. Четда қолибсиз?  
Сухбат чортанг кўринади...

(Искандарга ишора қилиб)

Таништиринг. Кема катта, саёҳатчи кўп,  
Танишмадик.

(Искандарга)

Менинг исмим Калхўжаилёс

(Сочига ишора қилади.)

Чайқалишда, қалай кўнгил айнимадимми?  
Лекин ёмон бўлди... Менга нашъа қилгани —  
Ҳамма ўқчиб, кўнгли айниб, чўзилиб қолган,  
Диктор бўлса радиодан:

(Диктор қизнинг овозига тақлид қилади.)

«Кечки овқатга!

Иштаҳангиз карнай бўлсин! Марҳамат қилинг!»

(Жалолга чой узатади.)

Ж А Л О Л

(Термосли сайёҳга)

Хўжаилёс, чойхўрликни кейин қиламиз.  
Бизни озроқ холи қўйинг, сиздан илтимос.

Т Е Р М О С Л И С А Й Е Ҳ

Хўп, хўп. Гапнинг қоқ белига тепибмизда, а?

(Жалолга чой узатиб)

Лекин, ака, икки хўплам...

(Жалол қўли билан рад қилади.)

Майли, бўлмаса

(Чойни қайтиб термосга қуяди, қопқоғини ёпади. Жалолга яқин келиб, шивирлаб.)

Янгисидан бор... Бир куни бир гўзал аёл  
Қора денгиз соҳилида ётган экан...

Ж А Л О Л

(Оҳиста, лекин қатъий)

Бас,

Борақолинг.

Т Е Р М О С Л И С А Й Е Ҳ

Бўлди, бўлди. Борақоламиз.

(Искандарга синчиклаб қараганча узоқлашади. Сукут)

Ж А Л О Л

(Искандарга)

Қирқ йил ўтди, у гапларни унут, қаридик,  
Беш фарзанддан ўн иккита набирамиз бор.  
Замон бошқа ва замоннинг дардлари бошқа.  
Дунё қалқиб турган бир пайт — аҳли оламнинг  
Буюк дарди қаршисида сенинг гапларинг  
Жуда майда кўринади, жуда бачкана.

#### И С К А Н Д А Р

(Заҳарханда билан)

Сафсатага аммо ғоят уста бўлибсан,  
Жаҳон дарди... Оламшумул гаплар... Замона...

Қалқиб турган замин дарди каттакон дарду  
Битта қалбнинг азоблари, демакки, майда.  
Жуда гўзал, тантанавор, сўхта фалсафа.

#### Ж А Л О Л

Афсус, афсус! Юрагингда тўла кин экан,  
Бизни кўриб суюнарсан, деб ўйлагандим.  
Наҳот, сенда заррача ҳам меҳр қолмаган?  
Наҳот, шунча йил сўнгида бошқа гапинг йўқ?

#### И С К А Н Д А Р

Тасаввур қил — бармоғингга зирапча кирса,  
Оғриғига қирқ кун чидаб юрарми эдинг?  
Қирқ йил менинг юрагимда зирапча ётди.  
Аввал сенга уни айтмай нимани айтай?  
У дунёю бу дунё, бил, қўлим ёқангда.

#### Ж А Л О Л

У дунёда кўрганимда майлига эди.  
Жигаримни топдим-ку, деб хурсанд бўлибман.  
Меънинг укам ўлган экан.

#### И С К А Н Д А Р

Узинг ўлдирдинг!  
Кўзларингни катта очиб қара — қўлинг қон!  
Мени ватангадо қилдинг.

#### Ж А Л О Л

Ватан сўзини  
Тилга олма. Сен ватанга бегона одам.  
Айб ўзингда. Бу гапларинг бари баҳона.

#### И С К А Н Д А Р

Тани бошқа дард билмайди. Мабодо агар  
Бошимга бу кунлар тушиб юртдан кетмасам  
Мен ўзимни Қоражарга ташлаб ўлардим.  
Қандай чидай, севган ёрим, тунлар тушимда  
Оғушимда бўлган ёрим қайлиқ бўлибмас,  
Остонамдан келинойим бўлиб кирди-я?!  
Айт, мен яна ўша уйда яйраб юрайми?  
Ўйтмадинг, деб таъна қилма, хонадонингга  
Ўт қўймадим, шунга суюн.

#### Ж А Л О Л

Ўт қўярмидинг?  
Ўз туғилган уйингга-я! Қандай разолат!



Сени нега кўрдим! Сени топгандан кўра  
Ватан учун қурбон бўлган укамга йиғлаб,  
Пок руҳини ёдлаб ўтсам бўлмасми эди.  
Қахрамон деб сенга ёдгор тиклаб эдим-а!

#### И С К А Н Д А Р

Тиригимни хорлаб, уриб қилдинг-у, абгор,  
Улигимни эъзозладинг. Ташаккур минг бор.  
Сен буларнинг барчасини уканга меҳринг,  
Пок руҳига ҳурматингдан қилган эмассан.  
Сенда меҳр борми, юксак хаёллар борми?  
Йўқ, дилингда фақатгина ҳисоб-китоб бор.  
Ёдгорликни менга эмас, сен ўзинг учун,  
Ўз обрўйинг, ўз мартабанг учун тикладинг.  
Ўша мрамор Искандарга хотира эмас,  
Сенинг ёлғон шуҳратингга пойдевор бўлди.  
Айт, кўзимга қараб туриб, тўғриси айт.  
Менинг юртга қайтишимни истармидинг? Йўқ!  
Чунки қайтсам пойдеворинг қулаб тушади.

#### Ж А Л О Л

Тилингни тий. Мени таҳқир қилмоққа, ҳатто  
Бошда туғи борларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқи йўқ.  
Мен обрўни сенинг қабринг устидан эмас,  
Ўз меҳнатим эвазига топганман.

#### И С К А Н Д А Р

Бекор!

Сен меҳнатга эмас, гапга жуда устасан.  
Ёшлигингдан енгил яшаб, енгил юргансан.

#### Ж А Л О Л

Эй нодон, қирқ йил ичида бир одам эмас,  
Олам ахир бошқа бўлди.

#### И С К А Н Д А Р

Сен эса — ўша!

Баландпарвоз гапларинг ҳам, ғўдайишинг ҳам.  
Муғамбирсан! Мендан бир гап яширмоқдасан,  
Икки марта савол бердим — жавобинг мужмал,  
Онам борми? Тирикми ё ўлганми? Рост айт.  
Қўрқма, тирик бўлса, юртга чопиб кетмайман,  
Сен у юксак аршингда бўл, забун этмайман.  
Биласан-ку ул дарвоза менга берк, фақат —  
Айт, эзилиб адо бўлди юрагим.

**Сукут. Искандар май ичади.**

#### Ж А Л О Л

Тирик.

Онанг тирик. Эзилма деб, айтмадим, холос.  
Бу йил саксон бешга борди. Сенинг доғингда  
Соя бўлиб қолди онанг. То шу кунгача  
Ўлганингга ишонмайди. Ҳар кун бечора  
Қабристонга бориб, сенинг номинг ўйилган  
Мрамор тошга дардларини айтиб келади.

#### И С К А Н Д А Р

Онагинам, онагинам!

(Пешонасига уради.)

Эй, шўрпешона,  
Мендан бахтсиз бу дунёда бир зот бормикин?  
Сени унда илҳақ қилиб, бунда мен илҳақ.  
Гуноҳкорман, кечир, онам, номардлик қилдим.

(Йиғлайди.)

Онажоним, мени сендан жудо қилдилар.  
Уртамизда буюк жарлик пайдо қилдилар.  
Ватанимга сузсам — бир кун, учсам — бир соат.  
Лекин ўша жарликдан мен ўта олмасман.  
Бу дунёда даргоҳингга ета олмасман,  
У дунёга умид боғлаб қилурман тоқат.  
Мени сендан ким айирди?

(Жалолга)

Сен эмасми у?

Сен-ку мени ўз уйимдан бегона қилган.  
Уканг севган қизни хотин қилиб яшашга  
Ҳеч бўлмаса элу юртдан уялмадингми?  
Халқ кўзига қандай қараб юрибсан? Уят!  
Уят! Сендек ака билан бир уйда эмас,  
Бир заминда яшамоқдан номус қиламан.  
Нега бундай қилдинг? Нега? Жавоб бер ҳозир!

(Қадаҳни уриб синдиради.)

Нега менинг юрагимни суғуриб олдинг?

Ж А Л О Л

Ўзингни бос, маст бўлдингми? Нима гап ўзи?  
Кўрган одам нима дейди? Эс-ҳушингни йиғ.

И С К А Н Д А Р

(Аччиқ йиғлайди.)

Мен бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирдим.  
Пушаймонман, энди наф йўқ. Қайга бош урай,  
Кимдан нажот кутай?

(Кайф ичида ўзини тамом йўқотади.)

Энди ўзинг нажот бер!

(Тиз чўкиб ёлворади.)

Мени кечир, таъналарим бари аламдан,  
Ўз юртимга қайтаман, бас, мени олиб кет.

Ж А Л О Л

Тур ўрнингдан, одамларга томоша бўлма.

И С К А Н Д А Р

Кемада бир жой топилар, ўрин бўлмаса,  
Ит сингари бир бурчакда ётиб кетаман.  
Бу ерларга ташлаб қўйма мени, жигарим.

Ж А Л О Л

Ниятинг ҳақ бўлса агар, эртага тонгда  
Меҳмонхонага кел. Фақат ҳушёр кел, хайр.

## ИСКАНДАР

(Унинг сўзларини эшитмайди, гапида давом этади. Жалол чиқиб кетади.)

Ватан, мени тупроғингдан бегона этма,  
Заррин хатли сағаналар менга керакмас,  
Оқ мрамардан поғоналар менга керакмас,  
Менга фақат бир қулоч ер берсанг, кифоя.

Саодат киради.

САОДАТ

Искандар!

ИСКАНДАР

А?

(Бирдан ҳушёр тортиб, эгнини тузатиб ўрнидан туради.)

Менга нима бўлди? Маст бўлдим.  
Жалол қани?.. Узр, узр...

(Кўзёшларини артади.)

Мана, ҳушёрман.  
Кел, Саодат, бир дам ўлтир.

(Стулни тўғрилаб, жой кўрсатади.)

Кайфим ошибди,  
Бош айланди, ўзимни сал йўқотиб қўйдим.

САОДАТ

Толиқибсан, уйингга бор. Биз ҳам кетамиз.  
Вақт ҳам алламаҳал бўлди.

ИСКАНДАР

Шошма, Саодат!

САОДАТ

Эрта яна эрталабдан шаҳар айланиш,  
Оқшом йўлга чиқиш керак. Анча чарчадик,  
Хуш қол.

ИСКАНДАР

Мендан нега энди бунча қўрқасан?  
Наҳот, шунча даҳшатлиман? Бир нафас тўхта,  
Қирқ уч йилда учрашдиг-а!

САОДАТ

Ишониш қийин.

ИСКАНДАР

Бу ҳолатга ўлгунимча ҳайрат қиламан.

САОДАТ

Сени дарров танимадим.

## ИСКАНДАР

Аввалда мен ҳам  
Хаёлимга келтирмадим. Кўзим ожизроқ,  
Узоқ ерни кўролмаيمان. Лекин қандайдир —  
Сезги мени етаклади. Илиқ хиссиёт  
Эргаштириб қўйди сенга. Изингдан қолмай  
Бозоргача бордим.

## САОДАТ

Мени роса кўрқитдинг.  
Дастлаб сени айғоқчи деб ўйладим. Кейин  
Таниб қолиб, юрагим бир шувиллаб кетди.  
Ҳали-ҳануз ҳаяжондан титрайман...

## ИСКАНДАР

Гапир,  
Тўйиб тинглай, — овозинг ҳеч ўзгармабди-я!

## САОДАТ

Қўй, Искандар...

## ИСКАНДАР

Гўзал эдинг, жуда шўх эдинг,  
Кўзларингда бевафолик йўқ эди, аммо  
Мени яши кўриб қолиб акамга тегдинг.

## САОДАТ

Тақдир экан. Биз ёш эдик. Балоғатга ҳам  
Етмагандик... У ишқ эмас, бир ҳавас эди.

## ИСКАНДАР

Ҳавас эди, дегин. Қани ҳар бир севги ҳам  
Уша ҳавас каби тиниқ, бегубор бўлса.  
Эсингдами, буғдойзорда, ғарам ичида...

## САОДАТ

Қўй, эслатма.

## ИСКАНДАР

Қарашларинг оташ эди-я,  
Эсламасдан бўлармиди! Ҳов, пичан ортиб  
Аравада келганимиз. Хол аравакаш —  
У лақма чол ниманидир ҳикоя қилиб,  
Эзмаланиб борар эди. Биз орқасида  
Ҳикояни тинглаш қайда — термилишардик.  
Ҳар гапидан тўхтаганда, эшитган бўлиб,  
«Ҳа», деб қўйсам, у гапини давом этарди,  
У сўзларди, биз эсак маст...

## САОДАТ

Шайтон эдинг-да.

## ИСКАНДАР

Шайтонлигим меъеридан сал ошган экан,  
Билагимни ғарчча тишлаб олгансан. Мана.

(Билагини кўрсатади.)



## САОДАТ

Айб ўзингда...

## ИСКАНДАР

Айб ўзимда. Бўшлик қилганман.  
Акам сени илиб кетди.

(Май ичади.)

Ҳеч ишонмайман.  
Ростдан уни яхши кўриб қолдингми?

## САОДАТ

Бас қил.  
Энди нима фойдаси бор?

## ИСКАНДАР

Кўрқитганмиди?  
Ҳа, кўрқитган, сен жим тургин, ўзим айтаман.  
Тегмайдиган бўлсанг сўйиб кетаман, деган.  
Сен шунда ҳам кўнмагансан. Шунда у номард  
Ҳийла билан сени қўлга олмоқчи бўлди.  
Бир кун тунда деразангни чертиб чақирди.  
«Искандарман, буёққа чиқ», деди оҳиста.  
Шунда қалбинг кабутардек патирлаб кетди.  
Соғингандинг мени, шошиб, югуриб чиқдинг.  
Қоронғида у худди мен бўлиб кўринди.  
У гапирмай имо қилиб, ўша дарага —  
Биз учрашиб турадиган овлоққа юрди.  
Сен ишониб орқасидан кетдинг, Саодат,  
Нега унга ишондинг-а! Зўрлик қилганда,  
Нега мени чақирмадинг? Етиб борардим.

(Саодат гапирмоқчи бўлади.)

Сен жим тургин. Ҳаммасини ўзим биламан.  
Каклик эдинг — мушук бўлиб ҳамла қилди у,  
Аблаҳ сени таҳқирлади. Энди мен уни  
Ўлдираман.

{Кўлига бўшаган шишани олиб Жалол кетган томонга интилади.}

Энди мендан омон қолмайди.

## САОДАТ

(Қичқириб)

Йўк, Искандар!

Айб ўзимда! Унда гуноҳ йўк.

## ИСКАНДАР

Мени тутма. У мараз! У ўлиши керак!

## САОДАТ

Аввал мени ўлдир. Уни яхши кўрганман.

## ИСКАНДАР

Саодатим! Оҳ, нақадар олижанобсан!  
Ушанда ҳам у номарднинг айбин яширдинг,  
Номус кучи, тўйга рози бўлдинг, биламан.

Ҳеч вақт уни севмагансан — у билан кетма.  
Ёнимда қол. Қариганда бирга турайлик,  
Ўша ёшлик қувончларин эслаб юрайлик.  
Сен ёнимда бўлсанг олам гуркирар эди.  
Дилга қувонч, ҳаётимга нур кирар эди,  
Қолган беш кун умримизда бир жону бир тан —  
Яшар эдик, беватанга бўлардинг ватан.  
Йўқ дема, қол!

## САОДАТ

Қандоқ йигит эдинг, Искандар,  
Пок ва содда, қалби кўзгу каби мусоффо.  
Сени яхши кўрдим, лекин...

## ИСКАНДАР

Саодат, эшит,  
Кўзларингда кўрмоқдаман муҳаббатингни,  
Сен ёнимда қоласан, ҳа, бирга яшаймиз.  
Фақат мени кечир, нопок бу оламда мен  
Фариштадек соф эмасман — сенинг бу маъсум  
Кўзларингга қарамоққа қилмайман журъат.  
Лекин ишон, мен ҳамиша ўз юрагимни  
Сенинг севгинг нури билан ювганман фақат.

(Билагидаги тиш ўрнини силаб, ўпиб йиғлайди.)

Сен розисан, минг ташаккур.

(Саодат гапирмоқчи бўлади.)

Йўқ, йўқ, гапирма.  
Биз кўк денгиз ёқасида кулба қиламиз,  
Олисдаги ёшлигимиз ўтган ватанга  
Умримизнинг сўнгигача зор термиламиз.  
Овозларинг кўнғироғи қалбимга мадад,  
Сочларингнинг оқ толаси кўзларимга нур.  
Босган оёқ изларингга юзимни босиб,  
Ҳаётдан кўз юмгунимча айтай ташаккур.

(Саодат ҳайрат ва қайғу ичида узоқлашиб боради ва кўздан йўқолади.)

Ҳеч нарсани кўрмай қолдим, бу нечук ҳолат?  
Қаердасан?! Ташлаб кетма мени, Саодат!

## ПАРДА

## II

## СЎНГИ КЕМА

### Учинчи манзара

Истамбул порти. Бир томонда лотинча ҳарф билан пештоқига «Денгиз йўллари» деб ёзилган баланд бино. Бир томонда совет сайёҳ кемаси «Беруний». Тўғрида кўм-кўк Босфор кўрфази. Кемалар. Мачталарда турли мамлакатларнинг турли рангдаги байроқлари. Жалол билан Саодат киради.

## САОДАТ

(Тўхтаб, бир чеккага ўтиради.)

Саёҳатга чиқмай ўлай. Вой, оёғим-ей.  
Хотинини ёмон кўрган эр урмай-сўкмай,  
Баландпошна туфли билан сафар қилдирсин.

(Туфлини ечади.)

Уйга қайтар кун бор экан, минг қатла шукр.

Ж А Л О Л

Қара, денгиз қандай кўм-кўк, осойишта, жим.

С А О Д А Т

Тўлқинини, бўронини кўрмаган одам,  
Денгиз доим шунақа, деб ўйлаши мумкин.

Ж А Л О Л

Инсон ҳам шу. Фароғатда беозор, сокин,  
Лекин юрак қатларида туфон яширин.

ФОТОАППАРАТЛИ САЙЕҲ

(Шеър ўқиб кириб келади.)

Мен Босфорда бўлмаганман ҳеч,  
Уни сўзлаб беролмам сенга,  
Лекин мовий кўзларинг ҳар кеч  
Денгиз бўлиб кўринар менга.  
Гўзал Босфор!

(Фотоаппаратини чиқаради.)

Жалол ака, мангулик учун  
Битта суврат. Бундоқ туринг. Ҳов анов кўприк  
Осиёни Оврупога улаб турибди.  
Кўприкни ҳам туширамыз. Гўзал чиқади.

(Гап асносида Жалол ва Саодатни ҳар хил қилиб тўрғизади,  
манзара танлайди.)

Сафаримиз оламшумул бўлди-да, ака,  
Газетага катта очерк тайёрлаб қўйдим.  
Сарлавҳаси — «Бечораҳол гўзал Европа!»  
Сизга айтсам, келажакни ўйламоқ керак!  
Авлодларга сиздан, биздан нима қолади?  
Фотосуврат! Бу кичкина масала эмас,  
Бу — лаҳзанинг мангуликка қўл берган чоғи!

(Ниҳоят, танлаган манзараси ўзига маъкул бўлади.)

Шундай туринг!

(Фотоаппаратини тўғрилаганда мўйловли полициячи келиб, «мумкин эмас»,  
деган ишорани қилади.)

ПОЛИЦИЯЧИ

Но, но!

ФОТОАППАРАТЛИ САЙЕҲ

Пардон, пардон.

(Аппаратини ёпиб, бўйнига осади, полициячи нарига кетади.)

Қаранг-а,  
Шундай гўзал манзарани ололмай қолдик,  
Аттанг, аттанг!

Чиқади. Сайёҳлар якка-якка ва тўп-тўп бўлиб кемага қараб борадилар.

Ж А Л О Л

Саёҳатнинг энг соз лаҳзаси  
Уйга қайтиш бўлса керак. Қара, одамлар  
Қандай хурсанд. Бир-бирига навбат бермасдан  
Теплоходга чиқишяпти. Жўнашга ҳали —  
Роппа-роса уч соат бор. Одамзод шу-да,  
Бир сафарга ошиқади, бир ватанига.

(Сукут)

С А О Д А Т

Биз-ку, бир ой ўтмай юртни шунча соғиндик.  
Қирқ йилни бир ўйланг...

Ж А Л О Л

(Уйга чўмиб)

Оғир... Жуда ҳам оғир...  
Ҳеч тасаввур қилолмайман.

С А О Д А Т

Қандай даҳшатли!  
Иситмада алаҳлаган одамга ўхшаб  
Туни билан кўрқиб чиқдим.  
Бу кўрганимиз  
Денгиздаги чайқалишдек бўлди.

Ж А Л О Л

Чайқалиш —  
Нима ўзи! Тўфон бўлди! Мен шу бир кунда  
Гўё бутун ҳаётимни қайта яшадим.  
Дунё остин-устун бўлди.

Т Е Р М О С Л И С А Й Е Ҳ

(Бошқа сайёҳлар билан гурунглашиб ўтиб бораркан)

Ҳов, Жалол ака!  
Омонмисиз? Сафаримиз қариди, мана!

Ж А Л О Л

Хурсандмисиз?

Т Е Р М О С Л И С А Й Е Ҳ

Ҳа-да, хурсанд бўлганда қандоқ,  
Дунёда ўз юртимиздек жононаси йўқ.  
Лондон, Париж — шаҳарми? Бир чойхонаси йўқ.

(Кемага қараб юради.)

Каютага киринг, кўк чой қилиб бераман.

Кетадилар.

С А О Д А Т

Уйлаб, сира ўй тубига етолмаяпман.  
Искандарнинг ҳамма гапи агар рост бўлса,  
Юрт олдида у гуноҳсиз.



ЖАЛОЛ

Мен ишонаман.

САОДАТ

Йўқса, нега ватанига қайтиб бормади?

ЖАЛОЛ

(Синовчан тикилиб)

Ўзинг айт-чи?..

САОДАТ

Наҳот, бунга сизу мен сабаб?

ЖАЛОЛ

Ростини айт! Искандарда кўнглинг бормиди?

САОДАТ

Неча марта айтганман-ку, у маҳалда биз —  
Бола эдик, болаларда ишқ нима қилсин?

ЖАЛОЛ

Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим...

САОДАТ

Искандар  
Миясига бир нарсани қуйиб олибди.  
Гўёки сиз мени зўрлаб олган эмишсиз.

ЖАЛОЛ

У астойдил севган экан... Энди тушундим.  
Билмабман... йўқ... тўғрироғи, писанд қилмабман...  
Кўнглим совиб кетди.

САОДАТ

Менданми?

ЖАЛОЛ

Йўқ, ўзимдан.  
Искандарнинг юрагини билган эдим-ку,  
Лекин сени кўрганимда ўзни унутдим.  
Сендан бошқа ҳеч нарсани ўйламай кўйдим.  
Эсу ҳушимдан айрилдим.

САОДАТ

Мен-чи? То ҳануз  
Унутмайман, қуёш чиқиб гўдак ҳаваслар  
Тонгги туман каби зумда тарқалиб кетди.

ЖАЛОЛ

Уша тонгги туман бошқа одам бошида  
Кетмас булут, ўчмас соя бўлиб қолибди.

САОДАТ

У ҳали гўр бола эди...

## ЖАЛОЛ

Уша ғўр бола

Қоражарда бир кун менга ташланиб қолди.  
Ушанда мен Искандарни роса ургандим,  
Алқасос, у кеча мени қонга беллади...  
Бу сафар мен юрак қоним билан бўялдим.  
Ёмон бўлдим, виждонимдан ёмон уялдим.  
Ўзимни кўп сўқдим, кўнгил кўйига кириб  
Жигаримни изтиробга ташлаб қўйибман,  
Изтиробки инсон зоти чидаши қийин...

## САОДАТ

Демакки мен гуноҳқорман? Сизни жигардан  
Жудо қилган мен эмасми?

## ЖАЛОЛ

Сенда гуноҳ йўқ,  
Мен айбдорман.

## САОДАТ

Рост гапиринг... пушаймонмисиз?

## ЖАЛОЛ

Нега энди?

## САОДАТ

Искандарни кўргандан буён  
Бошқачасиз, авзоингиз ўзгарди-қолди.

(Йиғлайди.)

Нега сизни яхши кўрдим? Пешонам қурсин.  
Мен дунёга келмай ўлай. Бу кўргиликка —  
Сабабчиман. Пушаймонсиз, билиб турибман.

(Сукут)

Сизда бундай ҳолат сира бўлмаган, ахир,  
Қийналяпсиз, буни сезиб мен қийналяпман.  
Саёҳатдан ғавғо чиқиб, қариган чоқда  
Наҳот ширин турмушимиз заҳар бўлади?  
Менга бундай қараш қилманг — ўрганмаганман.  
Азоб чекиб яшасангиз... йўқ... бундан кўра  
Мен сабабчи бўлсам, майли, мендан ажралинг.  
Жигарингиз мендан кўра азизроқ.

## ЖАЛОЛ

Бас қил.

Қийналяпман. Рост. Не қилай, жигарим экан,  
Юрагимнинг бир парчаси ёниб ётибди.  
Лекин, хотиң, сен ўртага тарози қўйиб  
Мен азизми, у азизми деб сўроқ қилма.  
Сен қисматим, у азобим, шуни билсанг бас.  
Искандарни уруш қилди тирик хароба,  
Харобаки тиклаб бўлмас... Уруш бўлмаса  
Балки у ҳам ўз бахтини топиб кетарди.  
Асли уйдан кетганида қалбидаги кек  
Муштумдек қор эди гўё. Умр йўлида  
Юмалата-юмалата тоғдек қилибди.

Тоғдек қилиб кек остида ўзи қолибди,  
Энди унинг юртга қайтиб бориши қийин.

### С А О Д А Т

Қайтишини хаёлга ҳам келтира кўрманг.  
Шармандалик бўлади-я! Дабдаба билан  
Аллақайси юртдан тупроқ олиб келгансиз.  
Қанча мәрмар, олтин суви — ҳисоблайсизми?  
Гап албатта пулда эмас...

### Ж А Л О Л

Бас қил, Саодат.  
Мәрмартошни гапирасан, укам қайтганда  
Яна шунча пул сарфлаб тўй қилар эдим.  
У тош бунда

(Кўкрагига уради.)

Харсанг бўлиб чўкиб ётибди.

### С А О Д А Т

Ўйлайсизми, қаҳрамон деб юрган укангиз  
Қочоқ чиқса, сиз ким деган одам бўласиз?

### Ж А Л О Л

Нега қочоқ?

### С А О Д А Т

Умри юртдан қочиб ўтгани  
Қочоқ демай нима дейди?

### Ж А Л О Л

Йўқ, у қочоқмас.  
Қочоқларни мен кўрганман — урушдан қочиб  
Йиллаб сомонхоналарда яшаганлар бор.  
Билагига ўқ отганлар, ё бармоғини  
Болта билан чопиб-узиб ташлаганлар бор.  
Мен урушда душман танки босиб келганда  
«Онажон!» деб қочиб қолган зотларни кўрдим.  
Ана улар қочоқ, хоин... Искандар эса...

### С А О Д А Т

Хато қилманг, ўйлаб кўринг — сиз киму у ким.  
Донғи кетган қаҳрамонсиз, Ўзбекистонда  
Танимаган бир одам йўқ. Ўзингиз учун  
Сиз Жалолсиз, лекин юртга — Жалол Аҳмедов!  
Бу обрўни туширмоққа ҳеч ҳақингиз йўқ.  
Булар менинг сўзлариммас — ўз сўзларингиз.  
Ахир, доим такрорлайсиз — мен аввал халқни,  
Кейин жигаргўшаларни ўйлайман, дейсиз.

### Ж А Л О Л

(Иккиланиб қолади.)

Искандар-чи?

### С А О Д А Т

(Сўзи таъсир қилганидан қувватланиб, ҳужумни давом эттиради)

Искандар ҳам худди шунақа.  
Қишлоқ унинг номи билан «Искандаробод»,  
Мақтаб унинг номи билан — Аҳмедов, ахир.  
Қолаверса, набирангиз — бу йил мактабга —  
Уша номи машҳур мактаб остонасига  
Қадам қўйган набирангиз номи Искандар.  
Сиз бир жигаргушангизни гўрдан чиқариб,  
Бошқаларни гўрга тиқиб қўймоқчимисиз?

Ж А Л О Л

(Уф тортади, хаёлга чўмиб қолади.)

Энди нима қилиш керак?

С А О Д А Т

Нима қилардик?  
Искандарни учратмадик, кўрмадик, тамом.

Ж А Л О Л

Йўқ, бу энди мумкин эмас. Уни кўрдик-ку?

С А О Д А Т

Сиз кўрдингиз, хўп, мен кўрдим, бошқа ким кўрди?  
Эл-юрт нафи учун баъзан ёлғон ҳам керак.

(Сукут)

Ж А Л О Л

(четга)

Икки ўтнинг орасида ўртанади жон,  
Бир ён аччиқ расту бир ён хузурбахш ёлғон...  
Изтиробда қолдим, шундай лаҳзада одам  
Бу дунёга келганига бўлар пушаймон.

(Саодатга)

Мен умримни яшаб бўлган инсонман, энди  
Болаларга мenden ёлғон мерос қолсинми?  
Фарзандларим мени ёлғон кафанга ўраб,  
Сохта тобут билан гўрга олиб борсинми?!  
Бизни кўмиб устимиздан тупроқ тортишар,  
Лекин ахир ҳақиқатни кўмиб бўлмайди.  
У бамисли товонтешар, минг тупроқ тўкма,  
Бир кун келиб қаердандир ёриб чиқади.

(Сукут)

Бор гапни мен тиригимда айтишим керак,  
Ҳеч бўлмаса, гўримда тинч ётишим керак.

С А О Д А Т

Сиз бу гапни тилга олманг. Бу мумкин эмас.  
Ҳеч ким бунга йўл қўймайди. Мен йўл қўймайман.  
Мармар лавҳа — майли, мактаб номи ҳам майли,  
Майли, қишлоқ номи бўлсин — «Дарбадаробод».  
Обрўйингиз бир пул бўлсин — майлига, лекин  
Болаларнинг тақдирини ўйламайсизми?  
Бир ўғлингиз Ижрокўмда муовин, бири —  
Эрта бир кун фан доктори бўлиб турибди.

## ЖАЛОЛ

Ана энди ўз гапингни айтдинг, Саодат.  
«Эл-юрт» дейсан, «қишлоқ шону шуҳрати» дейсан.  
Асли сенда ўз оиланг ҳам бола-чақанг  
Фойдасидан ўзга мақсад йўқ, бўлмаган ҳам.

## САОДАТ

Бу оила сизники. Ё бегонамисиз?  
Мен не десам аввал бошда сизни ўйлайман.  
Бу обрўни сиз томчилаб йиққансиз, ахир,  
Энди уни пақир билан тўқмоқчимисиз?

## ЖАЛОЛ

Мен бу кеча бир лаҳза ҳам ухлаганим йўқ,  
Искандарнинг узоқ йиллар чеккан дардини  
Бир кечада юрагимдан кечирдим бугун.  
Бу ерда мен ўлиб кетган укам биланмас,  
Ўлиб кетган виждон билан учрашиб қолдим.  
Сен билмайсан, анча-мунча гуноҳларим бор.

## САОДАТ

Яна қандай гуноҳ?

## ЖАЛОЛ

Эшит, айтиб бераман:

(Сукут)

Бу воқеа ўн етти йил илгари бўлган.  
Эндигина раис бўлиб сайланган эдим.  
Эрта баҳор бир кун обком вакили келиб  
Бир пиёла чой устида гап очиб қолди:  
«Биз маслаҳат қилдик, — деди, — областимизда  
Сизнинг колхоз машъал бўлиб туриши керак.  
Қурултойга сиз борасиз. Нутқ сузлаисиз.»  
«Нега, — дедим, — қўшни колхоз ҳамма жиҳатдан  
Олдинда-ку...» У: «Йўқ, — деди — ҳамма жиҳатни  
Ўйламоқни бизга қўйинг. Сиз муносибсиз.  
Искандарнинг акасисиз. Табиат сизга —  
Кўп хислатлар бериб қўйган. Кўрсаткич бўлса...  
Кўрсаткични тўғрилайсиз. Ердам берамиз.»  
Бўшлик қилдим. Кўндим. Шундан бошланиб кетди...

XVI Маълумот  
Кўрсаткич

## САОДАТ

(Кўрқиб атрофга қарайди.)

Жим... гапирманг. Шўрим қурсин. Сизга не бўлди?  
Биласизми қаердасиз?

## ЖАЛОЛ

Яхши биламан  
Сен ҳам шуни билиб қўй. Биз, ёт билмасин, деб  
Айбимизни ёпа-ёпа кўп ютқизганмиз.  
Мен аҳд қилдим — юртга қайтгач биринчи ишим —  
Одамларга ҳамма гапни ўзим айтаман.  
Бу унвону нишонларим, шону шуҳратим  
Бари сохта, деб айтаман. Не бўлса бўлсин.  
Ўн етти йил ич-этимни кемириб ётган  
Изтиробдан қутуламан.

## САОДАТ

Бекор айтибсиз.  
Эсингизни йиғиб олинг. Шунча обрўга,  
Шунча ҳурмат-эътиборга шукур қилмасдан...  
Бу — тузликқа тупуриш! Э, кўйинг, гапирманг!

## ЖАЛОЛ

Мен тузликқа ўша пайтда тупурган эдим,  
Энди уни тоза қилиб кетишим керак.

## САОДАТ

Оғир бўлинг, ҳар қандай рост дегулик эмас.

## ЖАЛОЛ

Йўқ, Саодат, бу дунёда одамзод учун  
Ҳақиқатдан муқаддасроқ ҳеч нарса йўқдир.  
Худпарастлик, номардликнинг ҳар дақиқаси  
Ҳақиқатнинг юрагига отилган ўқдир.  
Бас, дабдаба билан кечган умр энди тамом,  
Тамом! Энди сохта шўҳрат мен учун ҳаром!  
Шуни ўйлаб кўнглим равшан бўлиб турибди,  
Юрак озод бўлган қушдек учиб юрибди,  
Кўр кўзимни очиб қўйди ушбу жаҳаннам...  
Ватаним бор, бахтим бутун, менга нима кам?  
Йўқ, мен яна шон орзусин дилга солибман,  
Ҳайъатларда ўлтиришни истаб қолибман.  
Оқибатда нима бўлди? Осмонга қараб  
Варанглатиб кимдир отган мушак мен бўлдим.  
Айём кўни думчасига «офарин» деган  
Шиор боғлаб учирилган пуфак мен бўлдим.  
Шамолларда дариллаган, ипи узилиб  
Энди ерга тушаётган варрак мен бўлдим.

## САОДАТ

Қўрқинг, қўрқинг!

## ЖАЛОЛ

Эътиқоди суст одам кўрқсин,  
Менинг эса кўрқадиған жойим сира йўқ.

(Сукут)

Искандарнинг изтироби менга ҳам кўчди,  
Лекин қанча уринмайин унинг ўрнига  
Мен ўзимни лаҳза қўйиб кўра олмадим.

(Сукут)

Искандарга, бош эгиб бор юртинга, дедим,  
Мана ўзим юртга бошни эгиб бораман.

## САОДАТ

Йўқ! Гапирманг! Сўзингизни шамоллар олсин,  
Кўрганимиз туш — даҳшатли туш бўлиб қолсин!  
Елвораман, тиз чўкаман, бу гапдан қайтинг,  
Искандарни кўрмадим, денг. Ўлган денг, айтинг!

(Жалол жим.)

Нега жимсиз? Сўзингиздан жоним титроқда,

Фoш қилсангиз юролмаймиз ахир қишлоқда.  
Таъналардан юрагимиз адо бўлади,  
Искандарнинг азоблари ҳалво бўлади.  
Нега жимсиз? Кўздан оққан ёшгинам билан,  
Йиллар ғами оқартирган бошгинам билан  
Эгилайин, оёғингиз ўпайин.

(Искандар кўлида тугун билан пайпасланиб кириб келади ва четда қулоқ солиб туради.)

Кўйинг,  
Шундоқ қилманг. Майли, менинг бағримни ўйинг,  
Лекин сиздан фарзандларга жафо қолмасин,  
Иснод деган бир умрлик бало қолмасин.  
Ялинаман, ёлвораман.

### И С К А Н Д А Р

Сенми, Саодат?  
Нега энди йиғлаяпсан, бу нечук ҳолат?  
Йиғи сенга ярашмайди, бошингни кўтар,  
Дунё ўзи алдоқчи, кўй, ҳаммаси ўтар.  
Сен Ватанга қайтаяпсан — йўлинг бўлсин оқ...

### С А О Д А Т

(Искандарга ғазаб билан.)

Яна пайдо бўлдингми сен — баттол, шумоёқ,  
Ҳаммасига сен сабабчи — нега ўлмадинг,  
Нега пайдо бўлдинг, беиз ғойиб бўлмадинг?  
Узинг каби бизни бахтиқаро қилдинг-ку,  
Юртимизда юртимиздан жудо қилдинг-ку!

### Ж А Л О Л

(Саодатга)

Овозингни ўчир, ҳозир бўғиб ташлайман!

### С А О Д А Т

Майли бўғинг, кўзларимни ўйинг, розиман,  
Бегона юрт мазорига кўйинг, розиман.  
Ўлган яхши яшагандан кўра шармисор.

### И С К А Н Д А Р

Кўй, Саодат, бундай сўзни тилиннга олма,  
Мен ўлганман, ер юзида йўқман, қийналма.  
Уйлагинки, биз бу ёруғ дунёда эмас,  
Осмонларда бир дақиқа бўлдик ҳамнафас.  
Биз йўқ! Юрак, руҳларимиз қилди мулоқот.

(Жалолга)

Саодатинг — гавҳаринг, қил уни эҳтиёт!  
Буни сенга айтаяпман!

### Ж А Л О Л

Искандар ҳаёт!  
Тамом! Буни одамларга айтиб бўлганман.

### С А О Д А Т

Даҳшат!

(Искандарга)

Энди бир сен эмас, мен ҳам ўлганман.  
Йўқ, бормайман юртга тавқи лаънатни осиб.

#### И С К А Н Д А Р

Саодат, сен бунни ҳатто қилмагин хаёл,  
Ғарибликни душманга ҳам раво кўрмасдим,  
Ихтиёрим бўлса бунда бир зум турмасдим.  
Билармисан, нечун қилар най дардли наво?  
Қамишзордан айрилдим деб у дод этармиш,  
Чаманларда, боғларда ҳам фарёд этармиш.  
Мен тўқаймас, жаннатимдан бўлдим-ку жудо!

(Жалолга)

Эсингдами, Жалол, эски гузарда бир чол  
Девонаваш ўлтирарди, эгни турфаҳол.  
Кўзи кўрмас эди, бизлар кулиб ўтардик,  
Дўпписига чақамас, тош ташлаб кетардик.  
Гоҳи дейман ҳаддан ортиқ эзганида ғам,  
Қани энди ўз юртимда ўша чол бўлсам.  
Гадо эмас, подшо сезар эдим ўзимни,  
Юрагимни қувончларга тўлдирар эдим.  
Дўппимга тош солиб эмас, тепиб ўйнашса  
Болаларни дуо қилиб ўлтирар эдим.

#### Ж А Л О Л

Юртингга қайт, энди сенга монелик йўқ ҳеч.

#### И С К А Н Д А Р

Жон деб борар эдим, учар эдим, лекин — кеч:  
Умр гули кетди, чўпдек устихон қолди,  
Энди фақат ўлим деган бир имкон қолди.  
Юртдошларга не юз билан, қандоқ қарайман?

#### Ж А Л О Л

Сени кўрдим, онамизга қандай айтаман?

#### И С К А Н Д А Р

Айта кўрма, ёлвораман, онам билмасин,  
Жароҳати янги бўлиб фарёд қилмасин.

(Тугунни узатади.)

Ўзимдан деб шу совғани унга олиб бор.  
Энди онам дийдорини кўрмоғим душвор.  
Тирик юриб даргоҳида бўла олмадим,  
Фарзанд бўлиб хизматини қила олмадим.  
Унга атаб икки-уч хил кийимлар олдим,  
Бир кунига яратар деб буюмлар олдим.  
Эҳтиётга жамғарганман — шуни олиб бор.  
Сўққабашман, куним яқин, менга не даркор.

#### Ж А Л О Л

Онамизга бўз кўйлагу дока рўмолдан  
Ўзга нарса даркор эмас — чиқар хаёлдан —  
Унга совғанг эмас, ўзинг кераксан, ахир.

#### И С К А Н Д А Р

Ялинаман, ол, бунчалар бўлма тошбағир.



## ЖАЛОЛ

Насиб этса, бир кун ўзинг олиб борасан.

## ИСКАНДАР

(катъий)

Ол!

## ЖАЛОЛ

Бас, жиндек меҳримни ҳам ерга қорасан.  
Такрор дейман, буюмингга онанг зор эмас.  
Тошбағир ким, сенми, менми, ўйла бир нафас?!  
Узоқ қирқ йил сен онангни қидирганинг йўк,  
Бизнес деган гирдибоднинг домида юрдинг,  
Куч борида бойликка маст, айшингни сурдинг.  
Энди қариб, кучдан қолиб, баридан айру,  
Бу оламнинг ҳаваслари бўлганда абас,  
Меҳру сахо касб этибсан — ҳаёт ўзи шу —  
Камбағалдек сахий ёруғ дунёда бўлмас.  
Аччиқ гаплар айтдим, гарчи ҳар бир сўзим ўк —  
Жароҳатингга туз сепиш ниятимда йўк.  
Сенга боқиб виждонимни ўйлаётирман,  
Мен ҳам сенга виждон бўлиб сўйлаётирман.  
Рост айт! Агар учраштира тасодиф ҳолат  
Сен онангни танирмидинг? Эслайсанми? Айт.

## ИСКАНДАР

Ака, мени адо қилдинг. Урдинг бешафқат.  
Тани бошқа дард билмайди. Бу чин ҳақиқат.  
Ҳа, мен худди ўрмонзорда адашиб қолиб,  
Бўриларнинг орасида ўсган боламан.  
Шу ўрмонда умрим ўтди, шунда қоламан.  
Лекин менга қаттиқ тегдинг, хайрлашар чоғ  
Энди битта воқеани эсга соламан.  
Бу ҳеч кимга айтилмаган сир эди алҳол,  
Саодат кел, йиғингни қўй, сен ҳам қулоқ сол.

(Йиғлаб ўтирган Саодат бери келади.)

Роппа-роса ўн тўққиз йил бўлди ўшанга,

(Жалолга)

У пайтда сен раис эмас, бригадир эдинг,  
Ёдингдами, марокашлик учта меҳмонга  
Ўз далангни кўрсатгандинг.

## ЖАЛОЛ

Ҳа-ҳа, эсимда.

Пахтачилар эди.

## ИСКАНДАР

Балли. Улар ўша кун

Ётиб қолди.

## ЖАЛОЛ

Август эди. Колхоз боғига

Жой қилгандик.

## ИСКАНДАР

Ха. Сен энди яхшилаб эсла,  
Ушаларнинг бири эди Ибн Мутаваккил...

## ЖАЛОЛ

Бўлди, бўлди! У сен эдинг. Энди эсладим.  
Нахотки, сен!

## САОДАТ

(Четга)

Ох, мен ахир ош дамлагандим,  
Қандоқ уни танимадим? Нега сезмадим?  
У шийпонда имо билан сув сўраганда  
Мен косада сув келтириб бердим. У олиб,  
Мендан сира кўзин узмай сипқарган эди,  
У кўзларда дард бор эди, меҳр бор эди,  
Қувонч билан ғам аралаш сеҳр бор эди.  
У дам сени билганим йўқ, қандоқ билардим,  
Таниганда, билганда ҳам нима қилардим?

## ИСКАНДАР

Уша кун мен худди тушда кўргандек, кўрдим  
Бирга ёнғоқ ўйнаб юрган ўртоқларимни.  
Оқшом колхоз клубида учрашув бўлди,  
Мен ҳайратдан одамларга термилар эдим:  
У амаким, у опам, у болалик дўстим...  
Кампирларнинг орасидан кўзим жовдираб,  
Мен онамни излар эдим, топа олмасдим,  
Бир ўйладим — шартта турсам — қичқириб айтсам:  
Эй, сиз, жигаргўшаларим, қадрдонларим,  
Жондошларим, мен Марокаш фуқаросимас,  
Ўзингизнинг Искандарман. Тирикман, десам,  
Ана унда томошаю қий-чувни кўринг.  
Базўр тилни тишлаганча ўлтирдим.

## ЖАЛОЛ

Нега?

Нега ўзни танитмадинг?

## ИСКАНДАР

Қандоқ танитай?

Хиёнатсиз эканимга исботим қани?  
Бир ярим йил Рурнинг қора шахталарида  
Ит азобин чекканимга қоғозим борми?  
Ё фашистнинг соқчисини ўлдирганимда  
Ундан тилхат олганмидим? Мени чалажон  
Ўрмонзорда топиб олган немис кампир ҳам  
Хужжат ёзиб бармоқ босиб бермаганди-ку?!  
Ким ишонар эди менга? Ким бўлар эдим?  
Эъзоз билан эл елкада кўтариб бориб,  
Қабристонга элтиб қўйган ўлик эртаси  
Маъракага салом бериб кириб келса-я!  
Тасаввур қил, қандоқ ҳолга тушар халойиқ!  
Тишни-тишга қўйдим. Йиғин тамом бўлдию  
Биз шийпонга бориб ётдик. Э воҳ, ўша тун  
Лаззати бир жаҳон эди, дарди бир жаҳон,  
Ўлгунимча хаёлимдан нари кетмайди.

(Сукут)

Ойдин кеча эди. Хушбўй даланинг иси  
 Димоғимни эркаларди. Мен кўз юммасдан  
 Юлдузларга қараб ётдим, шашқатор ёшим  
 Саҳаргача юзларимдан оқиб ёстиққа  
 Томаверди... томаверди... жиққа хўл қилди.  
 Тонгга яқин аста турдим. Ҳамма уйқуда,  
 Қоровул ҳам ухлар эди. Боғ эшигидан  
 Катта йўлга чиқдим — таниш ўша йўл билан  
 Ҳовлимизга қараб юрдим. Оёқялангман.  
 Бу дунёни унутганман, болага ўхшаб  
 Югураман, энтикаман. Оёқ остимда  
 Гўдакликдан таниш юмшоқ ва илиқ тупроқ.  
 Бир яйрайман, бир йиғлайман, ўкраб йиғлайман.

## САОДАТ

Эй фалак, бу не изтироб! Чидаб бўлмас ҳеч!

## ИСКАНДАР

Тор кўчага бурилдиму нимқоронғида  
 Таниш тутни кўрдим. Ичим ўртаниб кетди.  
 Ўша ариқ, ўша девор, ўша дарбоза.  
 Худди мени кутган каби қия очилган.  
 Қандай мардлик, қандай журъат келди, билмайман.  
 Мен ҳовлига кирдим, ана у бир туп ўрик,  
 Ана ўша тандир — онам бир замонларда  
 Нон ёпганда менга атаб кулча қиларди.  
 Эски айвон. Астагина бордиму кўрдим!  
 Онагинам сокингина ухлаб ётарди.  
 Ой нурлари оппоқ сочу киприкларида  
 Акс ётарди. Кўзларимни қоплаб келган ёш  
 Ногоҳ унинг рухсорини тўсди. Оҳ, онам,  
 Онагинам, ўғлинг шундоқ ёнингда туриб,  
 Эркаланиб сийнангга бош қўя олмайди,  
 Бола бўлиб ҳидларингга тўя олмайди.  
 Ўша лаҳза она билан фарзанд ораси,  
 Оҳ, нақадар яқин эди, нақадар узоқ!  
 Қошида мен узоқ-узоқ ўлтирар эдим.  
 Лекин қўрқар эдим, онам уйғониб қолса,  
 Мени олам билмаса ҳам у билар эди,  
 Болажон, деб кучоғига жо қилар эди.

(Сукут)

Тонг отмасдан, ҳали кўкнинг Зухроси сўнмай,  
 Қуёш ҳам илк нурларини сочмасдан бурун,  
 Яна ўша таниш тупроқ кўчани босиб,  
 Ортга қайтдим. Бир пайт боқсам, гузар томонда  
 Ўт шуъласи кўриндию у ёнга юрдим.  
 Эски гузар энди катта сайхон бўлибди.  
 Уртасида улкан ҳайкал — солдат ҳайкали,  
 Мангу олов косасини ушлаб турибди.  
 Яқин бордим. Мармар лавҳа. Ўт шуъласида  
 Порлаб турар заррин хатда ёзилган номлар.  
 Миркомиллов, Абдуллаев, Собиров, Шеров —  
 Бари менинг тенгқурларим, оғайниларим.  
 Улар билан биз иккита эски дўппининг  
 Орасига пахта тиқиб, тўп тепар эдик.  
 Ановини «чатоқ» дердик, буни «пакана»,  
 Мирзахалил «ғирром» эди... Фалак гардиши  
 Қирқ иккита бўз боланинг ширин жонини  
 Қирқ икки туп атиргулга айлантирибди.  
 Нарӣ бордим. Алоҳида тикланган қабр,  
 Бўй баробар мармар лавҳа. Пойида гуллар  
 Ким экан, деб қизиқдим уқидим. Ҳайҳот!  
 Ҳайҳот, дунё! Сенинг бундоқ ишларинг бордир,



Қабристонга биров ёри, биров фарзанди,  
Биров ота, онасини йўқлаб боради.  
Мен-чи, у кун, не сўз билан баён этайки,  
Уз қабримнинг тепасида ўзим турардим.  
Дердим, фалак, нега мени шу ҳолга солдинг,  
Ҳадду поён борми алам, дарду сабримга.  
Ўзим тирик мозор бўлиб келиб турибман —  
Менга насиб этмаган шу совуқ қабримга...

Саодат йиғлаб нари кетади.

Шу пайт кема томондан «Қаро кўзим» қўшиғи янграйди. Жалол, Саодат, Искандар кема томонга қараганча узоқ жим қолишади. Қўшиқ бўлинади.

О В О З:

«Диққат! Диққат! «Беруний» кемасининг барча сайёҳлари диққатига. Бугун кемада Ўзбекистон кун эълон қилинади. Барча қардош республикаларнинг вакиллари бугун Ўзбекистон меҳмонлари бўладилар. Кеч соат тўққизда томоша залида тўпланишингизни сўраймиз. Ўзбек сайёҳлари иштирокида концерт бўлади. Диққат, диққат! Теплоход жўнашига ўн беш дақиқа вақт қолди. Теплоходга чиқишингизни сўраймиз. Бугунги кечки тадбиримиз мутасаддиси Жалол Аҳмедов ўн еттинчи купега зудлик билан етиб келинг! Диққат! Диққат!»

Ж А Л О Л

Насиб қилса кўришармиз, хайр, Искандар!  
Энди юртга яширинмас, ўзинг бўлиб бор.

Олтмиш — ҳали ўтакетган қариллик эмас,  
Кўзларингни даволаймиз — ҳали яшайсан.

И С К А Н Д А Р

Умр ўтди.

Ж А Л О Л

Билки, инсон умридан агар  
Бир кун муддат қолган бўлса, ўша муддатни  
Поклинишга сарф этмоғи керак. Ҳа, шунда  
Нопок ўтган бутун умр бир туш бўлару  
Ўша бир кун ҳаёт бўлар. Чинакам ҳаёт.  
Бошқа гапим йўқ. Искандар, омон бўл!

И С К А Н Д А Р

Хайр!

Жалол кетади. Саодат келади.

С А О Д А Т

Искандар! Сен мени кечир. Гуноҳим буюк.  
Ёшлиқ қилдим, хато қилдим. Пок юрагингга  
Ишқ солибман, йўқ, даҳшатли қармоқ солибман,  
Қармоқ билан юрагингни юлиб олибман.  
Тақдирингга завол бўлди бир энгилтак қиз.  
Энди билдим, ҳақиқат бир юксак тоғ экан,  
Ундан кўзни юмиш мумкин, терс қараш мумкин,  
Аммо тупроқ билан кўмиш беимкон экан.  
Энди сенга сўнгги сўзим: Ватанингга қайт.  
Ўтган ишлар ўтди. Энди қолган умрни  
Ёлғон билан эмас — ҳалол ва пок яшайлик.

И С К А Н Д А Р

Саодат, мен умрим борки, сендан розиман,  
Миннатдорман, бу қабоҳат тўла дунёда

Сенинг ёдинг покизалик тимсоли бўлиб,  
Шуъла бўлиб ҳаётимни ёритиб турди.  
Шу нур ҳаққи, миннатдорман, бор бўл, омон бўл!

Теплоход гудок чалади.

САОДАТ

Кўришгунча хайр, Искандар!

ИСКАНДАР

Саодат, оқ йўл!

(Саодат кетади. Искандар соҳилда ёлғиз.)

Ана, кема, Ватанимнинг битта бўлаги.  
Оҳ, Ватаним, бунча яқин, бунча узоқсан.  
Ўртамизда икки қадам масофа, холос.  
Икки қадам кўйсам — тамом, қучоғингданман,  
Аммо ўша икки қадам — икки дунёнинг  
Орасича йўлдир. Гўё туғилмоқ, ўлмоқ  
Саналари орасида турган чизикча...  
Ана, кема йўлга чиқди. Энди у мендан  
Беғубор у йилларимдек узоқлашади.  
Бир дам тўхта, болалигим, мовий баҳорим,  
Ғурбат юртга ташлаб кетма мени, диёрим.  
Узоқлашма. Кўз олдимда тургин бир нафас,  
Сен бу ожиз дийдамга нур бергин бир нафас.  
Сенинг билан энг бахтиёр оним кетмоқда.  
Қуриб қолган вужудимдан жоним кетмоқда.  
Юртим, кемам, тўлқинларнинг устида қалқиб,  
Гирдобларга кўкрак уриб кетиб борадир.  
Йўқ, у — офтоб менга тунни қолдириб, балқиб,  
Ёруғ кундуз масканига етиб борадир.  
Энди менга шаби ҳижрон фалакда танҳо  
Саргардон бир юлдуз каби мўлтираш қолди.  
Ҳар йил бир бор бандаргоҳга келиб умидвор,  
Сайёҳлардан «бир кафт тупроқ» деб тилаш қолди.  
Хайр, Ватан, хайр, онажон!..

(Денгизга қараб аста тиз чўкади.)

Болангни кечир,  
Айрилиқда ўлиб кетсам, мендан рози бўл.

(Йиғлайди.)

Қани эди, насиб бўлиб бағрингда ўлсам,  
Бу дунёдан ҳеч беармон кетган бўлардим.  
Гўё она қучоғида ухлаган бола —  
Тўпроғингда эркаланиб ётган бўлардим.

(Сукут)

Қуёш ботиб кетди — кемам кўздан йўқолди,  
Ана, кўкка бирин-кетин чиқди юлдузлар.  
Юлдуз-юлдуз ёшлар тўкиб менинг ҳолимга,  
Кўнгилдаги фарёдимга фалак ҳам бўзлар.  
Эй, қоронғи фалак, энди сен бағрингни оч,  
Ерда менинг маконим йўқ, олиб кет мени,  
Кафан қилиб ботаётган қуёш нуридан,  
Юлдузларнинг Ватанига дафн эт мени.  
Абадият маконига мени олиб кет,  
Соғинч номли юлдуз бўлиб сузиб юрайин.  
Инсонларга беватанлик дардини сўзлаб,  
Юрагимдек симоб бўлиб, қалқиб турайин.  
Юлдузлардан юлдуз бўлиб кўринса замин,  
Меҳр тилай ва осойиш тилай ҳар замон.  
Қайда адо бўлса менинг нотавон жисмим,  
Рухим айтар: ота юртим, сен бўлгин омон!





Қамчибек Кенжа



Ишдан қайтаётганмизда кучли шамол эсиб, ёмғир шивалади. Бундай пайтда кўнгил бирон тинчроқ жойга кириб, энг яқин кишинг билан суҳбатлашиб ўтиришни тусаб қолади.

Ҳамроҳим мендаги бу хоҳишни уқиб тургандай йўлимизда биринчи учраган қаҳвахонага бошлади. Одатдагидай, хўрандалар кам бўлса ҳам, бурчакдаги энг холи столни танладик. Ҳар ер — ҳар ери тўрт хил рангли ромб билан сирланган ойналарга «чирс-чирс» уридаётган томчилар эгри-бугри ариқчалар ясаб, бири иккинчисини қувалаб тушар, ром гирдига етгач, икки томонга симобдай юмалаб кетарди.

— Кун қизариб чиқса, томингни тузат... Халқимиз нақадар доно-я, — деди Даврон ака, калта чарм камзули чўнтагидан «Коинот» сигарети қутисини олarkan. — Эрталабки ҳавони қаранг-а...У шундай деди-да, гавдасини орқага ярим буриб, нарироқдаги столда ўтирганларга тикилиб қолди.

Мен ҳам ўша тарафга қарадим, лекин ҳеч қанақа ғайритабиий ҳолни пайқамадим. Фақат стуллардан бирига ётқизиб қўйилган «Океан» транзисторидан қулоғимга элас-элас таралаётган қўшиқ оҳанги чалинди:

**...Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор, хуш келибсиз.  
Ноумид айламасдан мунглиғ фақирингизни,  
Кўнглини бир олай деб, бисёр хуш келибсиз...**

— Ҳалима опа айтяпти! — деди Даврон ака, ҳаяжон билан.

Ҳайронман, Даврон ака табиатан оғир, бўлар-бўлмасга ҳаяжонланавермасди. Ҳозир эса, ашула овози келаётган томонга тикилганича бир хил бўлиб мунғайиб қолди. Бир муддат ҳайрон бўлиб турдим-да, сўрадим:

— Нима гап? Нега бундай мунғайиб қолдингиз?

Даврон ака чуқур хўрсинди. Кейин сигаретни устма-уст тортиди-да:— Бир воқеа эсимга тушиб кетди, — деди ашулага қулоқ бериб ўйчан ўтираркан. — Ушандаям шунақа куз маҳали, худди бугунгидай кун қизариб чиқувди. У пайтда биз ҳали Ғулжада эдик. Аниқ эсимда йўқ, ё тўртинчида, ё бешинчида ўқирдим. Тўнғич акам бўлак бўлиб чиқиб кетган, уй-рўзғори бошқа. Ҳовлида ойим, ўртанча акам ва янги тушган келиноним билан турардик.

Ойимнинг анчадан бери товлари йўқ. Кечаси уйда, кундузи эса, кунга қараган айвонимиздаги панжарали чорпояда ётардилар, тилларидан, она юрт тупроғидан буюрсинда, ишқилиб, деган ибора тушмас, узоқда туя қарвонларидай чўзилиб ётган тоғларга тикилиб, «Ў-ў, қани энди қанотим бўлса-ю, пирр этиб учиб, ана шу тоғлар ортига ўтиб кетсам», — дея орзу қилардилар.

Ойимнинг қандай дардга чалинганлари ёдимда йўқ. Уйимизга бирор марта доктор ё табиб келганини кўрмаганман. Лекин қип-қизил, лўппи юалари кичрайиброқ қолганини, ияклари остидаги терилари солқиланиброқ бораётганини сезгандай бўлардим.

Катта акам кўргани келганида ойим нуқул Андижон тўғрисида гапирардилар. Уша воқеа юз бермасидан уч-тўрт кун бурун ойим акамни қистовга олиб қолдилар. «Ўзи кетиш ниятларинг борми, болам, одамни жуда интизор қилдинг-ку», деб зорланганлари ҳали-ҳали қулоғимда.

— Анжонга қайси юз билан қайтиб борамиз ўзи, буви? — деди хонтахта ёнида чўкка тушиб ўтирган акам, ойимга ҳадик билан қараб. — Маҳалла-қуй, эл-юрт олдида бош кўтариб юришни айтинг.

— Даданг раҳматли бир адашди. У шундай деб оламдан ўтиб кетди, бизни бу юртга мусофир қилиб, — дедилар ойим кўзларига ёш олиб.

— Мусофирлигимизни ҳеч ким юзимизга солаётгани йўқ-ку, — деди акам ўжарлик билан.

— Солишган, болам, у вақтлар ҳали сен ғўр эдинг.

— Дадамнинг қабри-чи? — деб сўради акам қовоғини уйиб.

Ойим инқиллаб-синқиллаб яна давом этдилар:

— Дадангни тупроғи шу ердан олинган эканки, шу ердан буюрибди, қандоқ қиламиз, болам... Бизни у ҳукумат олдидаям, бу ҳукумат олдидаям тариқча гуноҳимиз йўқ, билсанг. Отанг бир адашди, холос. Катталарни кўнглини топиб гаплашсанг бўлади. Кетганлар кетишяпти. Дадангнинг қабри жудаям бегона бўлмас, замон тинч, омонлик бўлса, ўзларинг ҳам келиб зиёрат қилиб турарсизлар...

— Шундай боғ-роғларимизни ташлаб кетиш одамга жа алам қилади-да. Ҳовли-жойларни... Ҳазилакам пул, ҳазилакам меҳнат сарф бўлдими?! Қурган уй-жойимизни қандай ташлаб кетамиз? — деди акам бошини кўтармай, минғирлагандай.

Онамнинг ранги оқариб, акамга ўқрайди.

— Сен ҳали шунга чўзиб юрибсанми?!

— Кечиринг, буви, уёқда қийналиб қолмасмикинмиз, дейман-да. Еримиз бўлмас... Уй-жой сотиб олиш керак. Ер беришган тақдирдаям ҳосилни бир йил кутишга тўғри келади. Боргандан кейин дарров ишга жойлаша олармиканмиз, денг...

— Ҳаммаёқ мўл-кўлчилик, арзончилик эмиш-ку, — деди ойим сал тутилиб.

— Бошқа миш-мишларга қараганда, жудаям унчалик эмасга ўхшайди, — деди акам дадилланиб. — Юрт катта урушдан чиққан. Сал кам беш йил айтишга осон. Буни айтишармиди. Бир кун жанжал чиққан уйда қирқ кун барака бўлмайди, бир йил уруш кўрган халқ ўн йилдаям ўзини тиклолмайди, дейишади.

— Манга қара, — дедилар ойим зарда билан, жаҳллари чиқди шекилли, ияклари қимирлаб кетди, — Анжанга оёғим етиб қолса, бас, бир амаллаб бўлсам сенларни боқаман. Бу ернинг буғдой нонидан Толзорда кунжара мазали менга...

Якшанба эди. Кўчада тўйгунча ўйнаб уйга кирсам, ойим тергаб қолдилар:

— Бормисан, Даврон, йўлингга тикилавериб кўзим тешилай деди-ю.

— Ҳа, нима ишингиз бориди, буви? — дедим чорпояга яқин бориб.

Ойим менга камдан-кам қаттиқ гапирардилар.

— Ўзбекистондан артистлар келишибди, Ҳалима ҳам бормиш. Қаерга, ким-никига тушдикин, билиб келгин, — дедилар, нимагадир овозларини пасайтириб.

— Қанақа Ҳалима? — деб сўрадим, гап ким ҳақидалигини тахминан билиб турган бўлсам ҳам.

— Вой, нимага ўзингни гўлликка соласан, ўзимизнинг Ҳалима-да. Ҳалима Носирова! Неча марта гапирганман сенларга, — дедилар менга ғалати қараб.



Расми Нурулла Икромов чизган

— Ҳа-а, эсимга тушди. Нима қиласиз? — деб сўрадим ҳамон ҳайрон бўлиб.  
 — Сен буюрган ишни қилавергин, — дедилар ойим, гапни калта қилиб.  
 — Қаердан биламан?  
 — Маъсуд афандингдан сўраб кўр-чи.  
 Йўл-йўлакай Ҳалима Носирова ҳақида ўйлаб кетдим. Қанақа аёл у? Нимага ойим у ҳақда кўп гапирдилар?

Ҳалима опа ҳақида ойимнинг тўрт қатор шеърлари ҳам бор эди. Уни кўпинча ашулага ўхшатиб, хиргойи қилиб юрардилар. Менгаям ёд бўлиб кетган:

Ҳалимажон, Ҳалима,  
 Ким йиғлайди ҳолима!..  
 Юзингга юз қўймадим,  
 Дийдорингга тўймадим...

Маъсуд афанди жуда билимли, ҳамма янгиликлардан хабардор адабиёт муаллимимиз эди.

— Ўзбекистондан дегин, хумкалла. «Қизил юлдуз»га тушишган, аммо қайси бири кимникига жойлашди — бунисини билолмадим. Уша маҳаллага бориб сўрасанг, айтиб беришади, — деди Маъсуд афанди мени биринчи марта кўраётгандек синчковлик билан тикилиб. Тарадудланиб қолганимгами, муаллим кўшимча қилди: — Агар Ҳалима Носировани билмоқчи бўлсанг, у Абдухузур аканикида.

— Абдухузур аканикени биласанми? — деб сўрадилар болишларига суяниб ўтирган ойим, учлари икки ёнига осилиб турган оқ шойи рўмолларини хиёл титраётган бармоқлари билан тузатаркан.

— Йўқ, — дедим бўшашиб.

— Билмасанг, бориб билиб ке. Дарвозасини кўриб қўйсанг, бўлди. Паттихон аянгдан сўрасанг, кўрсатиб қўяр, лекин мени айтди демагин.

Ичимда ҳайрон бўлдим-у, яна йўлга тушдим. Паттихон ая андижонлик Юнусбек аканинг хотини. Уша, «Қизил Юлдуз» маҳалласида туришарди. Улар билан анча-мунча борди-келдимиз бор эди.

Юнусбекни, Ғулжадаги катта бойлардан, ўзининг ун заводи, Жирғалонгда<sup>1</sup> ниҳоятда катта боғи бор, боғда оламдаги жамики мева, узум хилларидан топилади, деб миш-миш қилишарди. Лекин бу ёлғон.

«Қизил Юлдуз» биздан унчалик узоқда эмас, лекин аксига олиб, Паттихон ая банд экан.

<sup>1</sup> Шаҳар ташқарисидаги ерлар.



— Артист кўрмоқчимисан? Бизникигиям тушган, унча-мунчасимас, Тамарахоним! — деди у, ўзида йўқ жилмайиб. Ушанда аянинг қилиғи менга хотинларга хос мақтанчоқлик, гупурушдай туюлди-ю, аммо, бари бир, Тамарахоним деганини кўришга қизиқиб қолдим.

— Дам олаяпти, бирпас кутиб турсанг, уйғониб қолади, — деди ая ниятимни фаҳмлагандай.

Мен айвон четидаги чор қирра устунга суянганча ўтириб, анча кутдим.

— Узоқ йўл уринтирган-да, — деди ўчоқ бошида куйманаётган ая, бетоқатланаётганимни сезиб. Назаримда ая уларникига қанақа улуғ меҳмон келганини кўриб кетишимни, бориб онамга айтишимни истарди.

Ая тут шохини овозини чиқармаслик учун, тиззалари билан омонат букиб, чала синдириб ўчоққа тикар экан, ўзиям айвон тўридаги уйнинг эшигига қараб-қараб қўярди. Унинг юзлари гувиллаб ёнаётган олов тафтида тандирдан янги узилган, сув урилган гижда нондай буғриқиб кетган, бир чимдимгина бурнининг учидаги тер томчиларни сидириб ташлаш ҳам эсига келмасди.

Айвон тўрисидаги эшикка, юпқа, калта дарпарда тутилган деразаларга тикилавериб кўзим толди. Ҳар қанча кутишга ҳам рози эдим, уёқда ойим йўлимга термилиб ётганларини ўйлаб, ноилож ўрнимдан турдим.

Паттихон ая бош чайқай-чайқай, Тамарахонимдай катта артистни кўролмай кетаётганимга ачинди, «Отинойни сўраб қўй, мендан хафа бўлмасинлар, жоним билан кўрсатиб қўярдиму, кўриб турибсан, ҳозир бир қадам ҳам жиллолмаман, болам», деб кўчагача чиқди.

Паттихон ая айтган бурилишлардан ўтгач, икки-уч одамдан сўраб, Абдухузур аканинг болохонали, салобатли уйлардан иборат ҳовлисини, қўш табақали нақшиндор дарвозасини кўзга жойладиму уйга чопдим.

Ойим аллақандай китобни тиззаларига қўйиб, бош қимирлатиб ўқиб ўтирардилар. Мени кўришлари билан тилларанг гардишли кўзойнақларини кўзларидан олдилар.

— Мунча ҳаяллаб кетдинг, болам, — дедилар китобни ёпиб, ёнларидаги сариқ гулли мато ёпилган хонтахта устига қўярдилар.

— Паттихон аяниқига Тамарахоним тушибди! — дедим худди у артистни аввалдан биладигандай.

— Кўрдингми? — деб сўрадилар ойим қовоқларини сал очиб.

— Йўқ.

— Абдухузур аканикини топдингми?

— Топдим.

— Яхши. Энди келинойнингга ўтин ёриб бер.

Ойимнинг феълларини яхши билганим учун ортиқча гап қўшмай «хўп» деб қўя қолдим.

Ўрик саржинлар тахтлаб ташланган бостирмага етмасимдан ойим келинойимни чақирдилар:

— Зийнатхон, мен бир пастга тушай, она қизим.

Келинойим йўл-йўлакай майда ўрилган узун сочларини турмаклаб, шоша-пиша борди-да, ойимнинг чорпоя остидаги калишларини тўғрилади, қўлтиқларидан суяб, ерга туширди.

Мен ҳам чопиб бориб, ойимнинг иккинчи қўлтиқларига кирдим.

— Ётавериб белларим қотиб қолди, — дедилар ойим, ҳовли томон қадам ташларкан, бир келинойимга, бир менга ўгирилиб. — Бугун сал тузукка ўхшайман.

— Уғлингиз келадиган вақт бўлиб қолди, бувижон, мени койийдилар, — деди келинойим, қоп-қора, чиройли кўзларини жовдиратиб.

— Узим айтиб қўяман, қизим, уришмайди. Сиз бугун чалароқ қовуриб, бир ўзимизни анжанча ош қилинг сарёққа. Ошни кўнглим тусаб қолди, ҳам сал мадор бўлади. Хом овқатлар аъзойи баданимни бўшаптирворди. Сиз қозонга уннайверинг, биз, мана, қайнингиз билан секин айланиб турамыз.

Бир оз юрганимиздан кейин ойим елкамдан қўлларини олиб, қулоғимга шивирладилар.

— Сен ҳам ўтинингни ёриб, келинойнингга қараш. Сув-пув келтириб бер.

Мен елкамни қисиб, бостирмага ўтдим. Кўзим ойимда. У киши икки қўларини белларига тираб, беш-олти қадам юрадилар-да, устунни ушлаб, нафас ростлайдилар. Ойимнинг сўрида олтиндай товланиб турган ҳусайни доналаридан узиб олиб, пуфлаб-пуфлаб еётганларини кўрганимдан кейин, соғая бошлаганларига ишонч ҳосил қилдим.

Акамнинг келишига келинойим ойимнинг ўзлари юра бошлаганларини айтиб, суюнчилади.

— Ҳа, хайрият, хайрият, кушойишини бергани рост бўлсин, — деди акам, ойимнинг юз-кўзларига астойдил тикилиб. — Лекин кўп юрманг, буви, бирданига кўп юриб бўлмайди, узилиб қоласиз. Кунда-кунда, оз-оздан...

Ойим мен қириб берган турп билан анчагина ош едилар. Дастурхон йиғилгач, у киши билан акам яна Андижон ҳақида, у ердаги Толзор маҳалласи ҳақида, аллақачон оламдан ўтган боболарим, Ҳалима Носирова ҳақида суҳбатлашиб, анчагача ўтиришди.

— Анжанни, Толзорни кўришга кўзим етмай қолувди, шу, Ҳалимани бир кўрсам ҳам армоним йўқ эди, — дедилар ойим рўмоллари учини дам бу, дам у кўзларига босиб.

— Ҳалима опа, «жон деб борардим, раҳбарларимизни олдидан бир ўтиш керак», деди. Раҳбарларига учрашга юрагим дов бермади, ким билсин, нима хаёлга боришади, — деди акам бўйинини эгганича пиёладаги чойни айлангириб совутаркан. — Кўклагача сабр қилайлик-чи, ажабмас.

— Айтганинг келсин, болам, ниятинга етгин, — дедилар ойим жонланиб. — Акангдан бир хабар олиб қўйсанг бўларди, дараги йўқ, кечадан бери чап қовоғим учади...

Ойим чиндан ҳам тузалиб қолгандай эдилар. Уша оқшом ҳар кунгидан тетикроқ кўринардилар, гаплари ҳам чаққон эди. Кун бўйи боғда ишлаб чарчаган акам кўзлари юмилиб-юмилиб кетса ҳам, анчагача ўтирди. Кейин, энди ётинг, буви, бугун анча уринибсиз, деб ўрнидан турди.

— Энди сен ҳам ухла, — дедилар ойим, иккаламизга келинойим қатор қилиб солиб берган ўринга ёнбошларканлар.

Лекин менинг кўзим илинай демасди.

Ичимда нимадир сиртга чиқмоқчи бўлиб гупураётганга ўхшарди. Мени акамнинг «кўклагача сабр қилайлик-чи», деган гапи ўйлантирарди. Андижонга кўчиб кетсак, бувимнинг орзуси ушалади... Мен бувимнинг уёқдаги қариндошлари билан қучоқлаб кўришаётганлари — қувончдан лов-лов ёнаётган кўзларини кўз олдимга келтираман... Бирдан бошқа нарса эсимга тушиб қолади. Мен-чи? Ахир синфдошларим, ҳамма ўртоқларим бу ерда қолишади-ку! Уёқда Жўравой, Нураҳмад, Муҳаммаддай яхши ўртоқлар топилармикин?.. Ойимнинг тилларидан намуноча ўша, тоғ ортидаги юрт тушмайди-я? Ойим билан акаларимнинг гапларига қараганда, уёқда тол кўп шекилли. Тол ҳам яхши, таги салқин бўлади. Бу ерда эса терак кўп. Ҳаммаси баланд-баланд оқ терак. Ҳамма кўчаларнинг икки чети қатор кетган терак. Оппоқ кийинган паҳлавонлар саф тортиб туришгандай... Дунёда бунақа тераклар, бунақа теракзор кўчалар бошқа бўлмаса керак...

\* \* \*

Ойим мени уйғотганларида, тонг энди ёришиб келаётган эди, — дея давом этди Даврон ака, савуган қаҳвани ҳўплаб. Даврон аканинг феълини яхши билганим учун гапини бўлма тинглаб ўтирардим.

— Тур, ўғлим, мени кечаги жойга бошлаб борасан, — дедилар.

Бирдан уйқум қочиб, кўзларим мошдай очилиб кетди. Ахир шунча кундан бери ётиб, кеча аранг ўн беш, йигирма қадам юрган одам қаерга, қандай бориши мумкин?

— Қайси жойга? — деб сўрадим талмовсираб.

— «Қизил юлдуз»га-да, — дедилар ойим хотиржамлик билан.

— Қандай етиб борасиз, буви?

— Етиб бораман, ўғлим, бугун жудаям яхшиман, соппа-соғман. Бўлақол, тезроқ ювиниб, тузукроқ кийинвол.

Шундагина ойимнинг тўйга кетаётгандек, оқ крепжоржет кўйлак, қора бахмал камзул, амиркон маҳси-ковуш кийиб, ясаниб олганларини кўрдим.

— Узи нимага борамиз, буви? — деб сўрадим кўчага чиққанимизда.

— Ҳалимани бир кўрай, ўғлим, — дедилар ойим, — фақат секинроқ юргин, ҳасса тутмаган одам, манави таёққа ўрганиш қийин бўляпти.

— Бошқа зўр ҳасса қилиб берайми?

— Йўқ энди, болам, вақт кетади. Юравер, гаплаши-иб бориб келамиз.

— Сиз ўзи Ҳалима Насировани танийсизми? — деб сўрадим яна.

— Нимага танимас эканман, танийман. Ҳалимани танимаган борми... У кўчага чиққанида орқасидан бир маҳалла қиз-жувон эргашиб юрарди... Ҳалима бутун Анжанга бўлакча файз киритворган. Қанча гумроҳлар ортидан болта кўтариб ҳам юришган. Ҳалима ҳаммасини доғда қолдирди. Ажаб қилди. Мана энди бутун оламни ўзига қаратиб, сайру саёҳат қилиб юрибди. Толеи баланд экан. Ўз юртининг маликаси. Эҳ, Анжан, Анжан... — Ойим гапларини тугата олмай чуқур хўрсиниб қўйдилар.

Мен акаларим ва ойимнинг меъдасига тегиб кетган саволимни яна бир марта такрорладим:

— Буёққа нимага келиб қолганмиз ўзи, буви?

Бу саволга ҳар гал ҳар хил жавоб эшитардим. Кичик акам елка қисарди, тўнғич акам, катта бўлганимда биласан, деб қўярди. Ойим эса, э, болам-а, фалакни гардиши-да, ризқимиз шу ерларга сочилган экан, териб еб юрибмиз-да, дердилар маъюсланиб.

Ўша сафар ойим бошқачароқ жавоб бердилар:

— Э-э, буни мен ҳам билмайман, ўғлим. Бир алғов-далғов бўлди-ю, ҳамма уяси бўзилган аридай тумтарақ тўзиб кетди.

— Анжан яхшими?

Бу саволниям неча марта берганман. Бу саволгаям ойим ҳар сафар турлича жавоб қайтарардилар. Бу гал:

— Э, маҳмадона-а, ҳўп одамни юрагини эзадиган гапларни сўрайсан-да, — дедилар.

— Буви, Анжандан кеп қолган бошқалар ҳам кўп-у, улар юришибдию...

— Ҳа, нимасини айтасан, болам. Унақалар кўп дунёда. Уларга куни қаерда яхши ўтса бас... Сендан гинам йўқ, акаларинг тушунмапти-ю мени, сенга йўл бўлсин, ҳали гўдаксан... Ҳой, тош тепмай юр, — деяпман...

Ойимни толиқтириб қўймай, деб бошқа гапирмадим.

«Ахир, ўзимизнинг Фулжа ҳам яхши-ку, — деб ўйлайман ичимда. — Чиройли. Дарахт кўп, кўм-кўк шаҳар. Маҳалламизнинг номиям зўр: Ҳарамбоғ. Жилғалонгда катта боғимиз бор бўлса... Уйларимиз данғиллама, болохонали... Маҳалламизда ўзбеклар кўп. Икки қаватли ўзбек мактабимиз бор...»

Ҳозир ўйлаб кўрсам, маҳалламиз аҳли билан, умуман, Фулжадаги ҳамма ўзбеклар билан ниҳоятда оқибатли қариндошлардай иноқ яшаган эканмиз. Балки мен ўшанда ҳамма одамлар ҳамма жойда шундай яшайди, деган тасаввурда бўлсам керак. Эҳтимол, бу ҳақда ўйлаш хаёлимга ҳам келмагандир. Аслида бунақа бўлиши мумкин эмаслигини, ундай аҳилликнинг маълум сабаблари борлигини кейинчалик англадим.

Анча юрганимиздан кейин бари бир ўзимни тутолмай, яна: «Уям сизни танийдим, буви»? деб сўрадим. Нимагадир ойимнинг Ҳалима Носировани танишларига унча ишонгим келмасди. Маҳалладаги шов-шувларга, Паттихон аянинг ўзини йўқотиб, босар-тусарини билмай қолганига қараганда, Ҳалима Носирова билан Тамарахоним деганлари довруқ қозонган, жуда катта артистлар эди.

— Танийди, мени танимаса, опоқдадангни танийди, — дедилар ойим, кейин астойдил қулоқ тутиб турганимни кўриб, шоша-пиша кўшимча қилдилар: — мениям сал-пал танирди, ҳозир билмадим, эҳтимол, ёдидан кўтарилгандирман. Орадан анча замонлар ўтиб кетди...

«Танимаса, нима қиласиз бориб?» деб қолишимдан қўрқдиларми, ҳар қалай овозларида унча қатъийлик йўқ эди.

Аммо ўшанда мени бошқа бир нарса таажжублантирарди: ойим қандай қилиб бир кунда оёққа туриб кетдилар? Қандай куч у кишининг қувватсиз оёқларига мадор, тахта бўлиб кетган белларига жон бағишлади? Қандай оҳанрабо, қандай сеҳр йўлга чорлади? Ҳалима Носирова билан ростдан яқин танишмикинлар? Бунчалик қадрдон бўлишса, нега у бизни келмайди? Нимага ўз ҳамюртиникига меҳмонга бориш учун бошлиқдан ижозат бўлиши керак? Нима учун акам бошлиққа учрашга ботинмадийкин?..

Бу саволларимга орадан анча йиллар ўтгандан кейингина жавоб топдим. У гапларни акам, ойимнинг кўнгилларини тинчитиш учун айтган экан, чоғимда.

Кейинчалик мен яна бошқа кўп нарсаларга тушундим: ойимнинг мевазор боғли кенг ҳовлимизда қафасдаги қушдай мудом безовта, тоғлар ортига талпиниб яшаши боисини ҳам, мени алдашга ундаган сабабни ҳам. Лекин афсуски, кеч, жуда кеч тушундим. Гоҳи-гоҳи ўша пайтда англаганимда ҳам қўлимдан бир иш келмаслигини, унда ҳали ёш эканлигимни ўйлаб, ўзимга тасалли бераман.

Ойим ҳассага гоҳ таяниб, гоҳ уни менга бериб, қўлларини икки биқинларига тираганча секин-секин қадам ташлардилар-у, лекин инқилламас, нолимасдилар. Йўлнинг ярмидан ўтганда яна камгап бўлиб олдилар. Фақат икки-уч марта «етай дедик-ми, болам!» деб сўрардилар. Ҳар замонда хавотирланиб қараб: «ишқилиб, яна оғриб қолмангда», десам, йўқ, бугун оғримайман, баракалла ўғлим, деб елкамга қоқиб қўярдилар. Беш мартами, олти марта йўл четига чиқиб анча-анча дам олдилар.

Ойим жуда басавлат аёл эдилар. У киши юрганларида кўча тўлиб бора-ётгандек бўларди. Анча чўкиб қолганларини шу куни яхшироқ пайқадим: мажолсиз оёқлари увоққина гавдани аранг кўтариб кетаётгандай туюлди менга.

Кенг кўчанинг икки юзидаги бўйлари баробар оқ тераклар шохида чирқиллаётган чумчуқлар ичимни қизитар, лекин ойим уларга тош отгани қўймадилар. «Жонворларга озор берма, болам, зада бўлиб, бошқа юртга учиб кетишади»... — дедилар. Бу сўзларга кулгим қистади, лекин индамадим.

— Чумчуқларинг безовта-да, Давронбек, — дедилар, ойм атрофга қараб. — Кечга бориб ҳаво айнийдиганга ўхшайди.

Ойм бу гапни дадил, ишонч билан айтдилар.

Мен шунча кундан бери ётган одам бирдан бунча жойга етиб боролмас керак, деб ўйловдим.

Назаримда, манзилга яқинлашган сари оймнинг қадлари тикланиб, қадамлари дадиллашаётгандай эди.

Хуллас, манзилга етиб бордилар, қаранг!

— Келдик, мана шу, — дедим яшил эшикка ишора қилиб.

Ойм безовталангандай, паранжи чимматларининг бир четини қайириб, дарвоза оша кўз ташладилар-да, тез-тез юриб кўчанинг ҳовлига қарама-қарши юзига ўтдилар. Ҳайрон бўлиб орқаларидан эргашдим.

— Кирамизми ўзи? — деб сўрадим минғирлаб.

— Шошма, ўғлим, шошма, нафасимни ростлаб олай, бирам тез юрдингки, одамни ҳаллослатиб... — дедилар менга қарамай ва паранжиларини бошларидан олиб, буклаб-буклаб жуфт терак тагидаги сарғая бошлаган, қайиқдайгина ажриққа тўшадилар-да, секин ўрнашиб ўтириб олдилар.

Ҳайратим баттар ошди: «тез юрганим йўғиди-ю, нима бўляпти ўзи бувимга, устига устак манави ярашмаган қилиқларини-чи?», дейман ичимда жиғибийроним чиқиб. Ҳарамбоғда, ҳатто бутун Ғулжада ўзбеклардан ташқари, уйғур, қозоқ, қирғизлар ҳам «Отинойи, отиноий...» деб , соясига кўрпача ташлайдиган аёлнинг катта кўчада, аразлаган боладай ўтирганини биров кўрса нима деб ўйлайди? Оймнинг ўзларини бу қадар хокисор тутганларини ҳеч кўрмовдим. Уйда ҳатто топ-тоза курсиниям келинойимга яна артқизиб ўтирадиган, кийимларига гард юктирмайдиган, бошқалардан ҳам озода, саришталикни талаб қиладиган одам-а?!.

— Чақириб чиқайми? — дедим ошкора норози оҳангда.

Онам бош чайқадилар.

— Сен бир айланиб ке, ўғлим, мен бирпас дам олволай, ўзим... Сен бемалол ўйнаб келавер, — дедилар кейин мулойимлик билан.

— Мен-чи, мен кўрмайми? — сўрадим шоша-пиша.

— Сен қўяқол, ўғлим, узоқдан келган... Эҳтимол, нотаниш шериклариям бордир...

Ҳафсалам пир бўлди. Лекин ойм бир сўзли аёл эдилар, бари бир айтганларини қилдилар эдилар. Айниқса, ўша пайтда бемор оймнинг раўйларига қарашдан бошқа иложим йўқ эди.

— Бўпти, аммо тезроқ чиқинг, — дедим ўзимни оймнинг гапларига тушунган одамдек сипо тутиб. Сўнг, рўпарадаги, нечундир бирдан ўта маҳобатли, сирли туюла бошлаган ҳовли дарвозасига бир зум тикилиб турдим-да, кўча бўйлаб зипиллаб қолдим.

Ҳали кўчада одам сийрак эди. Дарвозасини ғийқиллатиб чиқаётган эркак ё аёл менга ажабсингандай қараб ўтарди. Шу кўйда анча айланиб юрдим. Ойимлардан хавотирлана бошладим. Бир чекаси, саҳармардонда санқиб юриш ҳам ноқулай эди.

Салқин шабада жунжиқтирарди. Хаёлимда анча вақт ўтгандай туюлди, орқамга қайтдим.

Ойм теракка суянганча ўша-ўша ҳолатда, лекин яшил дарвозанинг дарча-эшигига, эшик ҳалқасига қараганча, шу ҳалқанинг силқинишини, эшик очилишини кўрмай қолишдан қўрққандай кўз узмай ўтирардилар.

— Кирмадингизми? — деб сўрадим у кишига таъна қилгандай.

— Узи чиқиб қолар, шошиб қаерга ҳам борардик, ўғлим, бугун мактабинг йўғу, — дедилар сабр қилишимни ўтингандай. Овозлари боягидан ҳам мулоимлашган эди, назаримда.

— Танийман дедингиз-ку, кира қолайлик, — дедим.

Ойм индамадилар. Ҳамон кўзлари рўпарадаги дарвозада эди. Гўё оламда ана шу ҳовлидан бошқа нарса йўқдай.

— Уйна, ўйнайвер, — дедилар ниҳоят титроқ овозда ва нимчалари чўнтагини ковлаб бир сўм чиқардилар. — Ма, писта-миста олиб чақ.

Хурсанд бўлиб яна бошқа томонга қараб югурдим.

Кўчада ҳалиям одам кам. Жимжитлик.

Чумчуқлар ҳамон чирқиллашар, тераклар иккита-иккита бўлиб шивирлашаётгандай ялтироқ барглари тебранади.

Кўзим олма-кесак териб, биз кирган кўчани кесиб ўтадиган катта йўлга чиқдим. Томоша қиладиган тузукроқ нарсаям, писта сотадиганлар ҳам кўринмасди.

Яна бир оз юрувдим, йўлдан сал ичкарироқдаги «Қизил юлдуз» киноклубининг баланд, оппоқ деворига кўзим тушди-ю, суюниб кетдим.

Бинонинг чап томонига ичи қоп-қоронғи туйнукка ўхшаган кассанинг олди ёғоч панжара билан тўсилган, тепароқда бир кун аввалги «Котовский» номли уруш кино бўлади», деган эълон осиглиқ турарди. Кўз олдимга қора чарм шапкасида қип-қизил юлдузи бор, қайтарма ёқали пўстин кийиб, устидан энли камар тақиб олган, боши тақир, катта-катта кўзлари чақнаб турган одам келди. Нима хаёлда қилдим, маҳалладаги ўртоқларимга кўрсатиб мақтанмоқчи бўлдимми, билмайман, — атрофга олазарак қараб, панжарага тирмашдим, не машаққатлар билан эълонни кўчириб олиб, «карнай» қилдим-да, қўлтиққа урдиму, йўл-йўлакай кўйлак шимларимни қоқиб изимга ғизилладим.

Ойим ҳамон ўша-ўша ҳолатда қимирламай ўтирардилар.

— Кетақолайлик, буви, чарчагандурсиз, — дедим у кишига юрагим ачишиб.

Ойим лом-мим демадилар.

«Карнай»ни теракнинг орасига қистирдим-да, бир-бир босиб, нари кетдим.

Кўчада ошиқ ўйнаётганларни томоша қиламан деб анча алаҳсиб қолибман. Бир пайт ойим эсимга тушиб кетдилар-у, оёғимни қўлимга олиб, Абдухўзур аканинг ҳовлиси томон чопдим.

Орадан қанча фурсат ўтгани номаълум эди. Лекин мен айна пайтда етиб келган эканман.

Узоқдан ойимнинг ўз «пакка»ларида қийшайиб ўтирганларини кўрдиму, қадамимни секинлатдим.

Ана шунда мен кутган ҳодиса рўй берди... Лекин, бутунлай бошқача тарзда...

Ҳикоя шу ерга келганда Даврон аканинг мижджаларида ёш йилтиллаш бошлади. Чуқур хўрсинди.

Ойим билан ўртамиздаги масофа ўн беш-йигирма қадамча қолган эди, — дея давом этди Даврон ака, сигарет тутунини оғзи-бурнидан шиддат билан пуфлаб чиқарар экан. — Шу пайт кўш табақали нақшинкор дарвозанинг дарча эшиги ғийт этиб очилди, ва... енглари кенг, этаги тўпифигача тушган ҳаворанг йилтироқ кўйлакли, ўрта бўй, думалоқ юзлари ширмондай қип-қизил, чиройли аёл остона ҳатлаб ўта бошлади.

Мен ялт этиб ойимга қарадим ва у кишининг соппа-соғ одамдай ўрниларидан сапчиб туриб кетганларини кўрдим.

Уша дақиқада мениям бутун вужудим кўзга, қулоққа айланган эди. Хаёлимда шундай бир манзара кўз олдимга келди: мана, ҳозир ойим «Ҳалимахон!» деб чақирадилар, Ҳалима Носирова бегона юртда, бегона овозда ўз исмини эшитиб қошларини чимиради, эслай олмай ойимларга тикилиб қолади, кейин, «вой, ўлмасам, тушумми ё ўнгимми», дейдию кулимсираганча қучоқ очиб кела бошлайди, ойим ҳам тез-тез пешвоз чиқиб борадилар ва... улар узоқ айриликдан оўнг дийдор кўришган опа-сингиллардай бир-бирларининг бағриларига сингиб кетадилар, хийладан кейин бош кўтариб, бири ҳайрат, бири ҳасрат билан кўзларига тикилишади, кейин яна қучоқлашадилар, кейин омон-эсонлик тилаб кетишади, орада у ойимни олиб кетмоқчи бўлади, у киши жон-жон деб рози бўладилар...

Бироқ аслида бундай бўлмади.

Ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

«Ана, Ҳалима!» дедилар ойим ҳовлиқиб, учириб юборган қушлари ортидан талпингандек икки қўлларини олдинга чўзиб. Лекин овозлари титраб, синиқ чиққани учунми, Ҳалима Носирова эшитмади, азондан бери эшикнинг «тиқ» этишига интиқ бўлиб ўтирган аёлни пайқамади ҳам: у йўл четидан биз турган қарама-қарши томонга илдам юриб кетди.

«Ана, Ҳалима!» деган ибора муножатдай, қувончли нидодай янгради ўзиям.

Хаёлимда югуриб бориб, Ҳалима Носировани яқинроқдан, яхшироқ кўрмоқчи бўлдим-у, лекин ойимларни ўша аҳволда қолдириб кетолмадим.

Ойим бошларидаги чимматни юлқиб олдилар-да, Ҳалима Носированинг орқасидан бир неча қадам ташладилар. Оқ рўмоллари қийшайиб кетган, ғижимлаб ушлаган чимматнинг учлари ерда судралиб борарди.

Мен «Нима қияпсиз, буви!» деб у кишини қайтармоқчи бўлдим-у, тилим танглайимга ёпишиб қолгандай, гапиролмадим.

Ҳаворанг кўйлагининг узун этаклари тўпиқларига урилиб, билинар, билинмас ҳилпираб бораётган Ҳалима Носирова бу ҳодисани кўрмади, озгина юргач, кўчанинг нариги юзидаги бир ҳовлига кириб кетди.

Ойим эшик ҳалқаси тебранишдан тўхташини кутгандай, ўша томондан кўз узмасдилар.

Мен ҳам жойимда қотиб турардим.

Охири, ойим ўзларига келиб, рўмолларини тузатмоқчи, чимматларини ёпинмоқчи бўлдилар, лекин, бирдан ҳафсалалари пир бўлиб, қўллари бошларига етиб бормай, ёнларига шалвираб тушди, кейин жуда секинлик билан, роса ҳоли қуриган одамдай яримта-яримта босиб, бояги жойга қайтдилар. Паранжини

олмоқчи бўлибми ё ўтириш учунми, терак остига энгашдилар-у, чўккалаганча, елкалари билан теракка суялиб, энгаклари кўкракларига тегиб қолди.

Нимагадир юрагим «шув» этиб кетди. Югуриб бориб, турта бошладим. — Буви, буви, тулинг, — дедим.

Ойим жавоб бермадилар. Қўрқиб кетдим. Қўлтиқларидан суяб турғазмоқчи бўлувдим, бошларини сал кўтардилар, кўзлари ярим очиқ эди. Баттар ўтакам ёрилаэзди.

— Сув бер, болам, сув, — дедилар аранг пичирлаб.

Икки ҳатлаб терак қаторининг биқинидан шариллаб оқаётган ариқ бўйига ўтдим. Шошилишда баъзан мия ҳам яхши ишлаб кетар экан. Шартта бошимдан дўппимни олдим, сувга ботирдим.

Ойим дўппимга оғизларини тегизиб, лабларини намладилар, бир-икки қултум ичдилар ҳам шекилли, кейин кафтларини ёзиб, «бўлди» дегандай ишора қилдилар.

— Юзимга сеп-вор, — дедилар хийла жонланиб.

Сал ўзимга келдим.

Ойим яна бир муддат ҳансираб ўтирдилар. Ранглариям оқариб кетувди. Аста-секин юзларига қон югурди, қадларини тикладилар. Туришга чоғланардилар-у, икки кўзлари боя Ҳалима опа кириб кетган эшикдан узилмасди.

Мен ҳам ичимда, ҳаворанг кўйлак яна бир марта кўриниб қолармикан, деб кутдим, лекин кўринмади.

Энди у ердан иложи борича тезроқ кетиш керак эди.

Ҳассани ойимнинг қўлларига тутқаздим-да, ўзим бир қўлтиқларига кирдим.

Ойим Ҳалима опа кириб кетган ҳовлига зимдан яна бир қараб олдилар, шундан кейин йўлга тушдик.

Бу орада ойимнинг башоратлари тўғри чиқиб, ёмғир томчилай бошлади. Кичкина бўлсам ҳам, гап сиғмаслигини тушунардим. Фақат, аҳён-аҳёнда у кишига секин кўз ташлаб қўярдим.

Ярим йўлга борганимизда ёмғир яна тезлади.

Ойим чарчаб инқиллай бошладилар. Аммо йўловчи кўринди дегунча ўзларини бардамликка солишга интилардилар.

— Юпун кийинган экансан-ей, болагинам, ишқилиб, шамоллаб қолмасанг бўлгани, сенгаям жавр қиладиган бўлдим, — дедилар аҳволимни сезиб. Ўзларининг юзларидан ҳам сув қуйилар, бироқ у терми, ёмғирми—билиш қийин эди.

Уйга етиб келдигу... ойим... узилдилар...

Даврон ака жимиб қолди. Бурнининг икки ёнидан ариқчалар ҳосил қилиб, бири иккинчисини қувалаб тушаётган томчилар ташқаридаги неон чироқлари нурида ялтирарди.

Ёмғир ҳамон симиллиб ёғарди.

Шаҳарнинг ғужғон-ғужғон чироқлари бирин-кетин «лип-лип» ёнаётган бўлишига қарамай, тун ёмғирнинг ҳарир пардасига ўралиб шитоб билан бостириб келарди.

Даврон ака атрофга қараб қўйди. Қаҳвахонада биздан ташқари яна бир столда тўрт улфат қолишган, қаҳвахона ходимлари чироқларнинг бир қисмини ўчириб, «тулинглар энди», деган ишора беришмоқда эди.

— Ойимнинг жойларидан сапчиб туриб, «Ана, Ҳалима!» деб бошларидан чимматни шартта юлиб олганлари-ю, Ҳалима опанинг ҳилпираб бораётган ҳаворанг кўйлаги кўз олдимда шундоқ суратга ўхшаб туради, — дея давом этди Даврон ака, тез-тез гапириб. — Умуман ўша кун қалбимга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган. Яна бир нарса: ойимнинг ўша, тўрт сатрдан иборат хиргойилари қулоғимдан кетмайди:

**Ҳалимажон, Ҳалима,  
Ким йиғлайди ҳолима!..  
Юзингга юз қўймадим,  
Дийдорингга тўймадим...**

Даврон ака ёнидаги столдан энсиз гардишли чарм шляпасини олиб, бостириб кийди. Стол четидаги қопқоғи узиб ташланган «Коинот» ичидан охириги сигаретни олиб ёндирди-да, қутисини ёғимлаб, қиррадор, новвотранг шиша кулдонга ташлади. — Ойим раҳматлининг она тупроққа қайтолмай, армонда кетганларини эсласам, мана шу воқеа кўз олдимдан беихтиёр ўтаверади-да, Ватаннинг муқаддаслигига яна бир бор қаноат ҳосил қиламан, — деди Даврон ака, ҳикояни якунлаб.



Алибек Рустамов

## «Хайрату-л-аброр»даги биринчи сарлавҳанинг шарҳи

Навоийнинг «Хамса»сидаги ҳар бир сарлавҳа ўз бобининг мундарижасини билдиради: Аниқроқ қилиб айтганда ҳар бир бобнинг сарлавҳаси мусажжаъ (сажъли) бўлгани ва бошқа санъатларни ҳам ўз ичига олгани учун ҳам сарлавҳа, ҳам бадий мундарижадир. Мана шуни ҳисобга олиб, қуйида «Хайрату-л-аброр»нинг биринчи сарлавҳасини шарҳлаймиз. У қуйидагича берилган:

Ул холик ҳамдиким, махлуқот тасвирга анинг қалам-и сунъи чехрагушодуруру маснуъот таҳририга анинг хома-йи ҳикмати жамолафзо ва ҳар кўнгул гунчасига бир ҳусн гули сари анинг силсила-йи шавқидин вобасталиқу ҳар кўз ахтарига бир қош ҳилоли сари анинг ришта-йи маҳаббагидин пайвасталиқ.

Бу сарлавҳанинг бадий томонини кўя туриб, аввал мазмуни билан танишайлик. «Холик» сўзининг луғавий маъноси яратувчи бўлиб, бу ҳақ, яъни мутлақ борлиқнинг яратувчилик сифатини эътиборга олиб, унга қўйилган от ёки лақабдир. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, «ҳақ» ва «холик» сўзларини ҳурфотга асосланган диний эътиқодлар чеклаган мазмунда тушуниш тўғри эмас. Навоийнинг тафаккури соғлом эътиқодга асосланган бўлиб, илмий фалсафага зид эмас, Навоий ва унинг ҳамфикрларининг мафкурасига кўра «холик» ёки «сонить» (ясовчи) деганда ягона борлиқнинг, коинотнинг яралишига сабаб бўлган мутлақ жиҳати англашилади.

«Махлуқот» «махлуқ» сўзининг кўплиги бўлиб, бунинг луғавий маъноси яралган ёки яратилган ва яралувчи ёки яратилувчидир. «Махлуқ» деганда аввал бор бўлмай, маълум бир вақтда бор бўлган мавжуд тушунилади. Шунга биноан махлуқот азалий бўлмаган ва бор бўлишига мутлақ борлиқ сабаб бўлган мавжудотдир. Инсон ҳам махлуқ, аммо у махлуқотнинг энг шарафлисидир. Шу маънодаги лафзан турлича қилиб айтилган иборалар жаҳон адабиётида, жумладан Шарқнинг классик мутафаккир ва шоирларининг асарларида кўп учрайди.

Ҳар бир нарсанинг боши унинг яратилишидан бошланади. Шунинг учун Навоий ўз «Хамса»сининг ҳамддан иборат биринчи бобини борлиқнинг холиқлик ва махлуқлик жиҳатларини тасвирлашга бағишлаган.

Мазкур сарлавҳа билан бошланган бобнинг ҳамд эканлигини «Ул холик ҳамди» дегандан биламиз. Ҳамд асар муқаддамасидаги мутлақ борлиқнинг камолини олқиш-лашга бағишланган қисмидир. Ҳамддан иборат махсус қасида, ғазал ва бошқа турдаги назмий ёки насрий асарлар ҳам бўлади. Буларни ҳам «ҳамд» ёки «ҳамдия» деб атайдилар.

Шу ўринда ҳамднинг муҳим бир жиҳатига ўқувчиларимизнинг эътиборини жалб қилишга тўғри келади. Гап шундаки, ҳамд хурофий маънодаги худоларга бағишланган асар ёки асар муқаддимаси деган фикр кенг тарқалган ва баъзи олимларимиз ҳам бунга ишонадилар. Навоий ва бошқа классикларимизнинг асарларини нашр этишда уларнинг ҳамд қисмининг тушириб қолдирилишининг асосий сабаби ҳам шунда. Ҳолбуки Навоий ва унинг устозу шогирдларидаги, салафу пайравларидаги ҳамд илмий маънодаги ҳақ, яъни мутлақ борлиқ камолининг — Жамолу жалолининг васфига бағишланади. Бу даъвога истаганча ортиқроқ ҳужжат у далиллар бор. Аммо мавзудан четга чиқмаслик ва бу масаланинг алоҳида бир мақолада баён қилиш маъқул кўрилгани учун мазкур қайд билан кифояланиб, ҳамднинг нима аҳамияти бор, деган саволга ўтайлик.

Бадий асарда унинг бадий аҳамияти бўлиши ўз-ўзидан маълум. Аммо ҳамднинг маърифий ва тарбиявий аҳамияти ҳам жуда улғудир. Мавжудот, жумладан инсон бир-бирига нисбатан юзаки қараганда тенг эмас. Мана шу нарса баъзи кишиларнинг ўзини ўзгаларга нисбатан афзал деб билишига сабаб бўлади ва бундай нотўғри тасаввурга эга бўлган киши умр оқибати нуқтани назаридан ҳалокатли амалларга қўл уради. Ҳолбуки борлиқ учун ҳамма мавжудот, жумладан башар аҳли яратилишда тенг бўлиб, ҳар кимнинг амали одилона ақсуламалга сабаб бўлади. Бир фазилятга эга бўлган шахснинг

шу фазилатга эга бўлмаган иккинчи шахсни камситишга ҳаққи йўқ. Борлиқнинг одиллик сифати бу иш юз берганда уни жавобсиз қолдирмайди. Ҳамднинг вазифаси мана шу ҳақиқатни эслатишдан иборат.

Сарлавҳадаги «ҳамдиким» дегандаги «ким» элементи боғловчи бўлиб, ундан кейин келган сўзлар аниқловчи бўлақдан иборат ва бу бўлақ икки қисмдан иборат. Биринчи қисм «махлуқот тасвирига анинг, яъни холиқнинг қалам-и сунъи чеҳрагушодуру маснуъот таҳририга анинг хома-йи ҳикмати жамолафзо». Иккинчиси «ҳар кўнгул гунчасига бир ҳусн гули сари анинг силсила-йи шавқидин вобастолиқу ҳар кўз ахтариға бир қош ҳилоли сари анинг ришта-йи маҳаббатидин пайвасталиқ».

Ҳар қисм бир-биридан «ва» билан ажратилган ва булардаги «анинг» «холиқ» қа тегишли бўлгани учун буларнинг ҳар иккиси «Холиқ» қа мансубдир. Ҳар бир қисм яна ўз навбатида иккига бўлинган бўлиб, буларнинг орасига «у» боғловчиси қўйилган.

Дефис билан ажратилган «и» лар изофа белгиси бўлиб, «қалам-и сунъ» сунъ қалами, «хома-йи ҳикмат» ҳикмат қалами ва «ришта-йи муҳаббат» муҳаббат риштаси дегани. Бу изофалар, «изофа-йи ташбиҳий» деб аталади ва «сунъ»нинг «қалам»га, «ҳикмат»нинг «хома»га ва «маҳаббатнинг «ришта»га ўхшатишданлигини англатади.

Сарлавҳадаги «тасвир»дан мурод суврат, яъни шакл бериш, шакллантиришдир. Махлуқотнинг жавҳари бир, сувроти турличадир. Яратиш жавҳарга турли суврат — шакл, ҳажм, ранг ва таркиб беришдан, ёки бир маънони лафзан турли сувратда — турли тил, сўз ибора ва таркиб билан ифодалашдан иборат.

Бинобарин «холиқнинг сунъи» (ясаши), яъни яратиш, ижод қилиш санъати мусаввир (рассом) ва илму адаб аҳлининг қаламига ўхшатишган. Унинг мавжудотни яратиш жараёнига нисбатан эса рассомчиликка оид «тасвир» сўзи ва ҳам сураткашликка, ҳам китобатга оид «таҳрир» сўзи қўлланган. Бу бир эмас, икки жиҳатдан аҳамиятлидир. Биринчидан, шоир борлиқнинг яратиш жараёнларини инсон ўз ижодида ишлатадиган қурол ва амалга ўхшатиб, уни киши ақлига сиғадиган даражага келтириб, англашни осонлаштирган. Иккинчидан, инсондаги яратиш қобилияти ҳам ўша борлиқдаги яратишнинг чеklangан бир кўриниши эканлигини таъкидлаган. Мутлақ борлиққа хос сифатлар инсонда ҳам бор, лекин унда унинг ўз зотиға хос мутлақ ҳолда, бунда эса ўз имконияти доирасидаги маҳдуд шаклда.

«Чеҳрагушо»нинг луғавий маъноси изочар, чеҳраларни очувчидир. Аммо бу сўз таркибидаги «чеҳра» «важҳ» истилоҳининг шоирона маънодоши бўлиб, бунда гўзалликни таъкидловчи қўшимча маъно ҳам бор. «Важҳ»нинг луғавий маъноси «юз» бўлиб, фалсафий мазмуни ягона борлиқнинг ҳар бир мавжудни бошқа мавжудотдан ажратиб турадиган кўринишидир. Ҳар бир махлуқ борлиқнинг бир важҳи сифатида бор бўлади. Борлиқ шу важҳини яширганда у шу махлуқ сифатида йўқ бўлади. Масалан, сувдан иборат жисмлардан буг, булут, ёмғир, қор, дўл, шудринг ва музни оладиган бўлсак, булар ҳаммаси бир биридан кўринишда фарқ қилади. Буларнинг ҳар қайсисининг ўз кўриниши сувнинг бир важҳидир. Мазкур жисмларнинг зоти бир, яъни сув бўлиб, уларнинг турли нарса бўлиб кўриниши сувнинг ўз важҳининг ўзгартиришига боғлиқ бўлганидек оламдаги мавжудот яратилиши ягона бир борлиқнинг турли важҳларда зуҳур этишидан иборат. Мана шунинг учун шоир бу ерда «чеҳрагушо» сўзидан жуда ўринли фойдаланган.

«Маснуъот»дан мурод гўзал қилиб яратилган нарсалардир, «маснуъ» ясалган, санъатли, ҳунар натижасида вужудга келган дегани. «От» қўшимчаси «махлуқот»даги сингари кўпликни билдиради ва ўзи қўшилган сўзни тўлиқ отлаштиради. «Махлуқ» ва «маснуъ» сўзларида ҳам сифатлик, ҳам отлик бор. Аммо кўплик қўшимчаси қўшилганда булар сифатлик маъносини йўқотади.

«Таҳрир» сўзининг ёзиш, қорозга тушириш ва очиқ қилиб сўзлаш маънолари машҳур. Аммо бу сўзнинг яна мусаввирлик ва наққошликка оид маъноси ҳам бор бўлиб, нақш ва расмларга мўйқалам билан тортиладиган нозик чизиқларни билдиради. Бу ердаги «таҳрир» мана шу маънодадир, аммо унинг ёзиш маъноси ҳам назарда тутилган.

## «Хамса» дурлари

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,  
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Донаи дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Гар худ эрур гавҳари пўлод тил,  
Суфтидаги инжулари сўзни бил.

Ҳоли агар яхши дурур, гар табоҳ,  
Кимсадин этмас тамаи молу жоҳ.

Тид бу чаманнинг варақи поласи,  
Сўз дураридин бўлибон жоласи.

Нақдни гулдек доғи совурмағил,  
Гунча киби доғи гириҳ урмағил.



«Хома» қалам дегани. «Ҳикмат» борлиқнинг умумий қонуларини билиш даражасидаги билимдонлик ва шу билимдонликка яраша тўғри амал қилишдир. Бу сўз мазкур маънонинг назарий жиҳати билан «фалсафа» сўзининг маънодоши сифатида ҳам ишлатилади.

«Жамолафзо» жамолни орттирувчи, яъни гўзаллаштирувчи деган маънода. «Силсила» занжир, «шавқ» кўнгили интилиши, «вобасталиқ» боғлиқлик, «пайвасталиқ» уланганлик, «ахтар» юлдуз, «ҳилол» янги ой, «ришта» ип дегани.

Ҳозирги «муҳаббат» сўзи Навоийнинг тилида ўзининг асли шаклида «маҳаббат» деб талаффуз этилган. Бу сўздаги «м»дан кейинги «а» ҳозирги ўзбек тилида «у»га айланиб, мазкур сўз «муҳаббат» шаклини олган.

Маҳаббат нима ва нима учун Навоий борлиқнинг яратиш ва яралиши жиҳатлари ҳақида сўзлаётганда маҳаббатни ҳам тилга олган? Шоир даврида ёки ишққа табиий ва фалсафий жиҳатлардан берилган таърифлар мавжуд эди. «Ишқ» ва «маҳаббат» сўзлари кенг маънода қўлланганда бир-бирига тўлиқ маънодошдир. Лекин буларнинг маъносиди махсус жиҳатлар ҳам бор. «Ишқ» сўзига хос маъно махсуслиги шундан иборатки, у биринчидан, барча мавжудотга нисбатан қўлланади, иккинчидан маҳаббатга нисбатан кучлироқ бўлади. «Маҳаббат» сўзи эса асосан онгли мавжудотга нисбатан ишлатилади ва унинг кучи эътиборга олинмайди. «Ҳайрату-л-аброр» бадий асар бўлгани учун унда васф этилган маҳаббат эстетик мазмунга эга бўлиб, унинг ҳусн жиҳати назарда тутилади. Бу жиҳатдан берилган таърифта кўра маҳаббат ҳақиқий жамил, яъни гўзалнинг ўз камолига майли, яъни интилишидир. «Ҳақиқий жамил»дан мурод мутлақ борлиқнинг гўзаллик сифати бўлиб, у мавжудотга турли кўринишларда зуҳур этади.

Ҳақиқий жамилнинг ўз камолига бўлган интилишидан ҳосил бўлган ҳаракат бутун борлиқни ўз ичига олган доирадан иборат бўлади. Мазкур сарлавҳадаги «силсила-йи шавқ»дан бу улғу интилиш доираси кичик шавқ доирачаларидан иборат бир занжирсимон муносабатни ташкил этганлигини биламиз. Буни қандай тушуниш керак?

Мавжудот орасидаги, масалан, гул билан булбул, шамъ билан парвона, қуёш билан сайёра, зарра билан зарра, киши билан киши орасидаги ишқу муҳаббатлар ўша занжирнинг ҳалқаларидир. Мана шу муқайяд (чекланган, нисбий) ишқу муҳаббатлар билан мутлақ муҳаббат орасидаги муносабат катта доирани вужудга келтиради.

Оламнинг яратилиши ва мавжудотнинг бақосига, яъни сақланишига ишқ сабабчи дейилади ва бу қуйидагича тушунтирилади:

Гўзал олам азалда бугунги кўринишга эга бўлмасдан уруғ ҳукмидаги бир жавҳардан иборат эди. Бу жавҳарда унинг ўзига хос ва ундан вужудга келиши мумкин бўлган барча камолу жамол яширин ҳолда мавжуд эди, масалан, гулнинг ҳамма қисмлари ва бутун гўзаллиги унинг уруғида кўринмаган ҳолда бор бўлганидек. Ундаги ана шу етуклик ва гўзаллиқни ўз ижоди орқали кўриш ва кўрсатиш эҳтиёжи ишқ тарзида оламнинг бугунги шакли олишига сабаб бўлди ва эндиликда шу иш мавжудотнинг сақланиши ва ривожига асосдир. Чунки ҳар бир нарса ўзини сақлаши ва этилиши учун зарур бўлган нарсага интилиб, зарарлисидан тортинмаса, йўқликка юз тутаяди. Аммо бу ишқ ҳар мавжудда унинг ўзига яраша кўринишда зуҳур қилади.

Муҳаббатнинг инсондаги зуҳури ўзига хос ва мураккаб бўлиб, унинг инсоннинг ўзи ва борлиқ учун алоҳида аҳамияти бор.

Борлиқ гўзал ва етук бўлиб, гўзаллик ва етуклик маҳаббати унинг зотий сифати бўлгани учун инсоннинг табиатида ҳам аслан ҳусну жамолга ва фазлу камолга интилиш бор. У шу истеъдодга молик қилиб яратилган.

Инсоний муҳаббатнинг тури кўп. Аммо кишилар орасидаги муҳаббат турларини умумлаштириб, уни икки турга бўлиш мумкин. Буларнинг бири нафсоний ишқ ёки муҳаббат, иккинчиси маънавий бўлиб, «пок ишқ» ёки «пок муҳаббат» деб аталади ва бундай ишқу муҳаббат эгасини, буни таъкидлаш керак бўлганда, «покбоз» дейдилар. Навоий покбоз бўлган ва шахвоний майллардан ариғ бўлган пок ишқни тарғиб қилган. Бундан унинг мақсади инсон авлодини нафсоний талабларни маънавий камолотга бўйсундириб, бир-бири билан ўта дўстона муносабатда бўлишга ўргатиш ва шу йўл билан

## «Хамса» дурлари

Тарки тамаъ қилки, саҳо ул эмиш,  
Базлда сарф этки, ато ул эмиш.

Тарки адабдин бир кулгу дурур,  
Кулгу адаб таркига белги эрур.

Бергали олмоқ ишидан бўл иирок,  
Бермак учун олмоғанинг яхширок.

Тарчи харид васфидин ўзга демас,  
Борча улус маънида бирдек эмас.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.

уларнинг аслий истеъдодини ҳаракатга келтириб, олий инсоний мақомларга эриштириш бўлган.

Шундай қилиб, Навоийнинг мазкур сарлавҳасидан бобнинг мундарижаси қуйидаги-чалиги аён бўлади:

Боб мутлақ борлиқ олқишидан иборат ва олқишга унинг яратувчилик сифати олинган. Бу сифатнинг камоли олқишга сазовор муҳим жиҳатларидан бири унинг махлуқотни ўз санъату ҳикмати билан жуда гўзал қилиб яратганлиги бўлса, иккинчиси уларни, хусусан инсонни ишқий муносабат билан бир-бирига боғлиқ қилиб қўйганлигидир. Бу муносабатнинг асоси ҳусн, яъни гўзаллик ва эзгуликдир. Буни англаган ва шунга яраша амал қилган киши етуқ инсон ва амалпарастдир.

Унинг ижоди натижа эътибори билан рассом ижодида ўхшайди. Аммо унинг ҳунарининг ўзи ҳам қурол, ҳам иш. Бошқача қилиб айтганда, у қуролсиз ижод қилади. Тасвирида унинг санъату ҳикматининг ўзи қалам.

Инсонда бор сифатлар бошқа мавжудотда ҳам бор: гунча ўз ҳусни камолига интилиб, очилиб гул бўлади. Инсон кўнгли ҳам ҳуснни идрок этса, очилиб камол топади. Буни идрок этолган кўнгил очилмаган гунчадек қон бўлади. Юлдузнинг ҳилолга яқинлиги бор, худди шунингдек инсон кўзининг ҳам қошга яқинлиги ва унинг ҳуснини тамошо қилишга мойиллиги бор.

Ана шу фикрларни шоир турли бадий воситалардан фойдаланиб сажъли насрда шоирона ифодалаган.

Бу сарлавҳа икки мусажжаъ бўлақдан иборат. Биринчиси «ва» гача бўлган бўлақ, иккинчиси ундан кейинги бўлақ. Ҳар бир бўлақ икки қаринадан иборат бўлиб, уларнинг орасида «у» боғловчиси бор. Назмдаги байт ёки бир сатрни «мисра» (асли — мисраъ) деб атайдилар, сажъли насрнинг сажъланувчи жумлаларини «қарина» дейдилар. Қариналар охиридаги сажъ ҳосил қилувчи сўзлар «фосила» деб аталади. Мазкур сарлавҳанинг биринчи сажъидаги фосилалар «чеҳрагушо» ва «жамолафзо» сўзларидан, иккинчи сажъдагиларни «вобасталиқ» ва «пайвасталиқ» сўзларидан иборат. Аммо бу сарлавҳада қарина ичидаги сўзлар ҳам сажъланган: махлуқот — маснуъот; тасвирига — таҳририга; гули сари — ҳилоли сари.

«Холиқ» билан «махлуқот» ва «сунъ» билан «маснуъот» сўзлари ўзакдошдир. Ўзакдош сўзларни бир гап ёки байтда келтириш ҳам санъат бўлиб, бунини «иштиқоқ» деб атайдилар.

Маънодош сўзлардан сарлавҳада, биринчидан, мавзунинг нозик жиҳатларини ифодалаш ва иккинчидан, қайтариққа йўл қўймаслик учун моҳирона фойдаланилган. «Маснуъот» «махлуқот»нинг маънодоши сифатида ишлатилган ва шу билан бирга «маснуъот»нинг санъат натижасида вужудга келган махлуқотни билдириши эътиборга олинган. «Таҳрир» «тасвир»нинг маънодоши қилиб олинган ва шу билан бирга унинг «тавсир»га нисбатан шаклдан кўра мазмунга яқинлиги назарга олинган ва «ҳикмат қалами»га нисбат берилган. Занжир маъносидagi «силсила» билан ип маъносидagi «ришта» ва «шавқ» билан «маҳаббат» сўзлари ҳам бу сарлавҳада маънодошдир, аммо буларнинг орасидagi луғавий фарқ ҳисобга олинган ва «силсила» шавққа нисбатан, «ришта» маҳаббатга нисбатан истеъмоқ қилинган. Гап шундаки, мутлақ маҳаббат зотан бир бўлиб, турлича эмас. Аммо кишиларнинг кўнглидаги муҳаббат шавқи кўп ва турличадир. Ҳар кўнглидаги ўзига хос бир шавқни, муҳаббатнинг муайян кишидаги зуҳурини занжирнинг бир ҳалқаси деб тасаввур этиш мумкин. Аммо кўзга ҳуснни тушириб улар орасида боғлиқлик вужудга келтирадиган объектив ҳодиса бўлмиш муҳаббатни эса занжир эмас, ип деб тасаввур қилиш маъқулроқдир.

Сарлавҳада яна маънодош сўзлардан «қалам» билан «хома», «жамол» билан «ҳусн», «вобасталиқ» билан «пайвасталиқ» бор. Жамол гўзаллик. Ҳусн эса ҳам гўзалликни, ҳам эзгуликни билдиради. Жамол мутлақ борлиққа, ҳусн инсонга нисбатан ишлатилган. Аксинча бўлганда бу сўзлар ўз ўрнига тушмаган бўлар эди. Чунки инсон фақат гўзалликка эмас, борлиқнинг турли инъому эҳсонларига ҳам интилади. Булар эса эзгуликка киради. Мутлақ борлиқнинг ҳаракати кўриш ва кўринишдан иборат, бунинг объекти жамолдир. Масалан, еб-ичиладиган нарсалар жамол сифатида кўриш объекти бўлмайди.

«Вобасталиқ» билан «пайвасталиқ» сўзлари ҳам ўз ўрнида. Биринчиси занжирга, иккинчиси ипга нисбатан қўлланган.

Сарлавҳада бадий нутқ учун жуда зарур бўлган муроату-н-назир ёки таносуб санъати ҳам бор бўлиб, бу фикрни бир-бирига муносабати бор нарсалар билан ифодалаб, бир-бирига муносиб сўзларни ишлатишдир. Қалам билан тасвири таҳрир, кўнгул билан ҳусну жамол ва шавқу маҳаббат, гунча билан гул, ахтар билан ҳилол, кўз билан қош кабилар таносуб ҳосил қилган.

«Ҳайрату-л-аброр»нинг биринчи сарлавҳасининг қисқача шарҳи шундан иборат.



Барот Бойқобилов

# Ҳаёт ба Ҳаёт Дуруст

Достондан боблар

## III. «Йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлиғининг оғози»

Шабоб замониким, йигирмадан ўттуз бешгача деса бўлғайким, ҳам бу фусулнинг ёзидурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлиғининг оғозидур.

Алишер Навоий

Амир Алишер... Абусаид мирзо султоннинг замонида Хуросон доруссалтанасига бориб, бир неча кунини ул иқбол уйи остонасининг мулозаматида ўткарди, аммо ўзининг ҳолига яраша риоят ва тарбият тополмади.

Мирҳонд

\* \* \*

Кашафруд водийси баҳор кўйнида,  
Ҳаёт куйи янграр гуллар тўйида.

Қиличдай ярқираб оқар Кашафруд,  
Тунда аксин кўрмиш унда Аторуд:

Бу — фалак котиби, сирли сайёра,  
Кошки, Алишерни этмай овора

Ҳомий бўлса абад бошида унинг,  
Ғуборин тарқатса ўксук қалбининг...

Рутубатли тунда кўнгли сиқилиб,  
Ҳужрасин тарк этди, тонг-ла қўшилиб.

Қафасдек кўриниб кўзига Машҳад,  
Бош олиб кетмакни қилдимиз мақсад?

Қайга боришини билмайди ўзи,  
Булут ичра гўё умид юлдузи.

Кўнгил ғуборини ёзмакка, наҳот,  
Машҳадда бўлмаса ҳеч бир нажиб зот?

Ҳусайн Мирзо ҳам ўзга йўл тутди,  
Паноҳ излаб, Марв элига кетди,

Мавлоно Лутфий-чи, қолди йироқда,  
Алишер — не қилғай энди буёқда?

Ардашердан эса ҳамон йўқ хабар,  
Соя солдими ё бошига кадар?

Азиз волидасин не кечди ҳоли,  
Ё хазон этдимми ғурбат шамоли?

Дарвиш Али, балки, бўтадек бўзлар,  
Оғаси ҳажрида бағрини тузлар?

Зулм тошларидан бағри яра эл —  
Кулбасини вайрон этган каби сел.

Осойиш чироғи сўнгандек абад,  
Ҳирий кулфатига йўқ каби сарҳад.

Қайга етса Абусаид қадами,  
Тутундек ўрламиш кўкка эл ғами.

Оёғи остида пайҳондир Ҳирот,  
Ҳирот осмонини тўсмиш зулумот.

Қадам қўёлмайди Ҳирот сари у,  
Гарчанд яшаса-да, кўнглида орзу.

Узоқ ўйга толиб, бағри эзилди,  
Умид иморати, нетсин, бузилди.

Дардига оқибат тополмай даво,  
Кашафруд бўйига келди бенаво.

Сайр этди соҳилда хаёл ичра банд,  
Тўлқинлар мавжига боқди ҳавасманд.

Рухида тарқаган сингари туман,  
Мафтун этди гуллар қурган анжуман.

Юксак чўққиларга хуш нигоҳ отди,  
Буюклик қошида хаёлга ботди.

Унут бўлиб кўнгил дардлари гўё  
Баҳор кўшиқ айтди унга бир дунё.

Кашафруд тўлқинин олиб қайтди лек,  
Ҳазал ишқи ёниб қалбида ўтдек.

Йўлда у бир чолни учратиб қолди,  
Гаплари қовушиб суҳбат авж олди.

Толиби илмлигин билиб олгач у,  
Қалбида қўзғалиб оташин ғулу,

Бир ажиб ҳикоят сўйлаб берди чол,  
Жон қулоғин тутди Алишер хушҳол:

«Бўтам, сизга айтсам қадим замонда,  
Икки дўст бор экан Ажам томонда.

Бири-Муқбил экан, бириси Мудбир;  
Ҳаёт гулшанида яшаркан масрур.

Муқбил орзу қилса илм булоғин,  
Мудбир излар экан фароғат боғин.

Икки дўст ажралиб оқибат бир кун,  
Икки йўлни тутиб кетмишлар бутун.

Муқбил мадрасадан топибди паноҳ,  
Мудбир майхонада чекмиш оҳу воҳ.

Муқбил уламога эгмиш бошини,  
Мудбир ҳумга тўкмиш кўзин ёшини.

Муқбил фанда этса ўзин намоён,  
Мудбир гадо каби кезмиш саргардон.

Муқбилни шоҳ сийлаб, этса гар мамнун,  
Мудбирни қатл этмиш ғуноҳи учун.

Муқбил узоқ яшаб кўрмиш эҳтиром,  
Мудбир инсонлигин айламиш бадном.

Яхшидан от қолур, ёмондан-чи дод,  
Алқисса, эзгулик яшар умрбод.

Сиз илм боғига қўймишсиз қадам,  
Эл-улус кўнглига ёқинг биллур шам.»

Қуллуқ, деб Алишер хуш таъзим этди  
Ва чолнинг табаррук илкини ўпди.

Меҳмон этиб уни кулбасида чол,  
Намозшом кузатди шаҳарга хушҳол.

Алишер унутиб ўзини тамом,  
Чол суҳбатин тағин кўнгли этиб ком —

Қадам қўйгач, яна Машҳадга, аммо  
Ҳужрасидан берди танҳолик садо.

Тоғ ошиб, уфққа ботгандек қуёш,  
Алишер болишга маҳзун қўйди бош.

Чўққида ёнгандек бир тутам шуъла,  
Шам айтмиш бошида ҳазин ашула...

\* \* \*

Мадраса ҳужраси... Чоғроқ ва шинам,  
Саҳнига тўшалган оҳорсиз гилам.

Токчада китоблар терилган қатор,  
Олам ҳикматидан бағри шуъладор.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг шоҳ асари «Ҳамса»нинг 500 йиллиги кенг нишонланган айни пайтда даҳо сўз санъаткори ҳаёти ва ижодига нисбатан қизиқиш йилдан йилга ўсиб бораётганини теран ҳис этиш мумкин. Алишер Навоийга бағишлаб кўп илмий, бадиий асарлар

яратилган ва яратилмоқда. Утган йиллар журналимиз саҳифаларида ёритилган шоир Барот Бойқобиловнинг «Юлдузли осмон» асари ана шулардан бири. Боблар эълон қилинаётган «Нотинч Хуросон» достони мазкур асарнинг давомидир.

Деворларда нозик «насҳ талиқ» билан  
Ёзилган шеърлардан лавҳа осилган.

Хонтахта устида: девону баёз,  
Қора тушли довот, бир даста қоғоз

Ва қамиш қаламлар ҳамда биллур шам,  
Алишер кўнглига ҳамрозу ҳамдам.

Ғариблик жонига кўрсатиб асар,  
Азиз волидасин меҳрини қўмсар.

Хаёл қуши учар Ҳирот томонга,  
Туғилмиш гўшаси — ота маконга.

Давлатхона гўё бағрига чорлар,  
Умид осмонида юлдуздек порлар.

Вале борай деса, йўқдир ҳеч илож,  
Машҳад таҳсилга ул эрур муҳтож.

Улуғ олимларга макондир Машҳад,  
Илму фанга эса бир кондир Машҳад.

Агар орзуларин жувонмарг этиб,  
Маърифат масканин кетса тарк этиб,

Ҳирийда ким тутғай илқидан яна,  
Ким ғариб бошида бўлғай парвона.

Навқирон йигитлик бўсағасида,  
Машҳаднинг энг олий мадрасасида.

Илм чашмасидан бўлиб баҳраманд,  
Боққанда истиқбол сари орзуманд,

Етмаса, ғанимат кунлар қадрига,  
Ким қулоқ осар сўнг кўнгил амрига?

Ушбу саволларга тополмай жавоб,  
Неча тунларни у ўтказди беҳоб.

Ҳамон хаёлига солиб оташлар,  
Қалбини беомон ўтларга ташлар.

Лекин бу «жанг»дан у чиқса-да ғолиб,  
Нечундир ўлтирмиш хаёлга толиб!

Чарх уриб хаёлин кабутарлари  
Парвоз этар гўё нилий кўк сари.

Ижод ишқи бермас жонига ором,  
Кўнгил уйи гўё қуёшли олам!

Бир латиф ғазалнинг сирли илҳоми  
Домида тутқиндир ўтли каломи.

Гарчанд қалам билан азалдан сирдош,  
Муттасил эгса-да қоғоз узра бош,

Бу тонг юрагида ўзга савдолар,  
Дилидан шеър бўлиб оқар дарёлар.

Борлиқ уйғониб тонг ашуласидан,  
Ҳилол нурсизланиб кун шуъласидан,

Даричадан тушар бир тутам ёғду  
Ва шам нури билан бағирланар у.

Оламга ёғдусин сочганда қуёш,  
Алишер қоғоздан кўтарди-да бош,

Ғазал мақтаёига топиб латиф байт,  
Сўнг нуқтани қўйди, дунё кулган пайт:

«Гар Навоий сўз узотти,  
фақрдин эрмас деманг,  
Бўлмагунча ҳукм шахдин  
қайда бу журъат анго».

Бу гулшан бўйидан олам бўлур маст,  
Олам дарди эса ғазалга пайваст.

Алишер ўрнидан кўзғалиб хурсанд,  
Ҳужра ҳовлисига чиқар орзуманд.

Кўнгли тиниқ унинг осмондек бу дам,  
Тоғ бошида ёнар қуёш муҳташам...

\* \* \*

Қаҳратон қўйнида Машҳад боғлари,  
Оқ пўстин ичида Машҳад тоғлари.

Чўққилар кўндириб кумуш телпагин,  
Оқиндек сўйламиш қишнинг эртагин.

Қорли манзарадан кўзлар қамашар,  
Тиниқ бир ҳаяжон қалбга туташар.

Алишер елмақда мадраса сари,  
Қордек беғубордир қалб орзулари.

Навоий деб элда қозонса-да ном,  
Назмини қилса-да улус кўнгли ком,

Аҳли Машҳад ҳали танимас уни,  
Ғариблик шомиди ўтмақда куни.

Вале мадрасанинг мударрислари,  
Олиму шоиру муаррихлари

Салоҳиятига гўё бериб тан,  
Мусоҳаба этар Алишер билан.

Дил уйин ёритиб барқвор фикрати,  
Фозилларни ҳайрон қилар ҳикмати.

Мударриси аълам Муҳаммад Эҳсон  
Бошида отадек бўлмиш соябон.

Илми нужумда донг қозонмиш бу зот,  
Фикрат кўлами кенг мисли коинот.

Улуғбек мирзонинг толмас издоши,  
Юлдузлар нурига чўлғанмиш боши.

Ҳайрат ила боқар унга Хуросон,  
Умрини бежамиш «Зижи Кўрагон».

Мунажжим дейилса улус учун бас:  
Муҳаммад Эҳсонни англар шу нафас.

Алишер таҳсилга келмиш кунданоқ  
Мунажжим толеи кулмишдир порлоқ.

Тўғри келиб қолмиш улар юлдузи,  
Меҳр нуқтасига қадалмиш кўзи.

Улуғбек мирзонинг анъанасини  
(Олимнинг илмда тантанасини)

Намойиш қилгандек Муҳаммад Эҳсон,  
Илми нужум учун бағишламиш жон.

Алишер кўнглига тинчлик бермай ҳеч,  
Кўпдан банд этганди хаёлини «Зиж».

Бошини чўлғаган қанча муаммо,  
Жумбоқлар жавобсиз қоларди аммо.

Оқибат мушукули бўлгандек кушод,  
Илкини тутди шод мунажжим устод.

«Зиж» қулфига калит топгандек хурсанд,  
Устод кўзларига боқди орзуманд:

«Самовий кашфидин Улуғбек мирзо  
Хурофот аҳлини этмиш норизо.

Қачондур адолат тантана қилғай,  
Улус толеи ҳам офтобдек кулғай.

Гарчанд бебаҳодир тузмиш жадвали,  
Ақлга сиғмайди чекмиш алами.

Улуғбек замони бўлғай ул даврон,  
Башар закосидин ёришғай осмон.»

Фикрат чароғидин нурланмиш само,  
Тилсими очилган фурсатда аммо

Мунажжим кўзига тикилиб ўтли,  
Алишер хаёли узоққа кетди.

Мирзоға отилмиш маломат тоши,  
Тандин жудо бўлмиш олтиндек боши.

Мадраса сориға қўйганда қадам,  
Қучоғига олди сирли бир олам:

Илму фан йўлиға кимки тикса жон,  
Наҳот, Улуғбекдек бўлғайдир қурбон?

Толиби илмлар илҳақ дил билан  
Болари сингари қуршади шўх-шан.

Наҳотки, тантана қилғай жаҳолат?  
Ёким йўқолдим юртда адолат?»

Шу пайт ўзин сезиб жуда билағон,  
Суюнчи олгандек ҳовлиқиб, шодмон,

Мунажжим кўзлари чақнаб ҳайратдан,  
Қалби оловланди бундоқ журъатдан:

Мўйлаби сабзадек, бўйи пакана,  
Қундуз телпак кийган жиккак талаба —

«Жаҳолат тумандур, адолат — бир шам,  
Шам шуъласи эса ожиздир, бўтам.

Саид Акбар бирдан чулдираб кетди,  
Учоқдан чўғ излаб, гўё кул титди:

Хурофот пардаси тўсмиш эл кўзин,  
Дунёда омонат сезмиш эл ўзин.

«Султон Санжар бирла Ҳусайн мирзо  
Уртасида чиқмиш тахт учун низо.

Вале шам офтобга айланғай бир кун,  
Хурофот тумани тарқалғай бир кун.

Ҳусайн Мурғобга кетмиш, бош олиб,  
Қувғин қилмиш аҳли Марв кўзғалиб.

Нечоғлик тараққий қилса илму фан,  
Жаҳолат домидин қутулғай Ватан.

Номард куёвига бермасдан омон,  
Санжар қизини ҳам қилмиш саргардон.

Улуғбек мирзонинг кашфидин ҳаёт —  
Асрлар ўтса ҳам, олғайдир нажот.

Ҳусайн мирзо лек шердек ўчланиб,  
Мурғоб улусидин мадад, куч олиб,

Юзини булутлар тўсса-да гоҳо,  
Маърифат қуёши қораймас асло.

Марвға отланмак қасдида кезмиш,  
Санжар осойишин неча бор бузмиш.»

Бахтли замон келғай, ҳали не авлод  
Улуғбек мирзони, айлағайдир ёд.

Алишер қалбига тушди-да ларза,  
Саросима ичра қолди бир лаҳза

Ва лекин дардини ичига ютди,  
Мадраса қўнига шахдам йўл тутди...

Тонг отар, чекинар рутубатли тун,  
Алишер ўрнидан кўзгалар маҳзун.

Юз-қўлини ювиб, чойга ўт ёқар,  
Кўзғалиб қолганди кўшни букчалар.<sup>1</sup>

Зах ҳужрада ётар неча кун танҳо,  
Кўзига қоронғи кўринар дунё.

Қумғонни қайнатиб, ёзар дастурхон,  
Ризқ-рўзи майизу қотган патир нон.

Жисми жаҳонига бермасдан омон,  
Мафосил касали чанг солмиш ҳамон.

Нонушта қилганча, ёнбошлаб аста,  
Токчадан девонни олар дилхаста.

Лутфий билан кўнгли бўлгандек ҳамроз,  
Ҳазал боғи аро кезар сарафроз.

Ҳужра эшигини очар шу замон,  
Қошида номабар бўлмиш намоён.

Қалбида жўш уриб меҳр булоғи,  
Бир нома узатар азиз қўноғи.

Паҳлавон Муҳаммад Қуштигир бу зот,  
Курашда эл ичра қозонганди от.

Ерга тегмаганди ҳали елкаси,  
Енгилмас полвон, деб сийлар ўлкаси.

Баланд бўйли, норғул йигит эди у,  
Жуссаси чайир бир бургут эди у.

Муסיқи илмида эди мукаммал,  
Қанот боғлаб учар куйида ҳазал.

Элга манзур бўлиб «Сегоҳ» ва «Чоргоҳ»,  
Қалбларни этганди мангу қароргоҳ.

Назмда ҳам эди қалами моҳир,  
Дилписанд ҳазали мисли жавоҳир.

Мақсад илкин тутса, Марв ва Ҳирот,  
Сарахс сорига қўймоқчидир от.

Безарди улуснинг кўнгил кулбасин  
Ва фикрат кўсида сочмиш шуъласин.

Алишер ўйланиб, дер Паҳлавонга:  
«Башар нечун келмиш ёруғ жаҳонга?»

Ҳусайн бўлса-да, ўз сўзли, саркаш,  
Унга меҳр билан боқарди яккаш.

Ўртага бир муддат чўкади сукут,  
Хаёл кулбасида шуълаланар ўт.

Мурғобга чорлаган эди Ҳиротдан,  
Паҳлавон шод бўлиб бу саодатдан,

Паҳлавон бу савол қаршисида лол,  
Фикрат уммонига фарқдир, эҳтимол.

Хизматига маҳкам белин боғлади,  
Ўзин Санжар билан жангга чоғлади.

Деди: «Маъзур тутинг, фақирни алҳол,  
Бу савол олдида жаҳон аҳли лол.

Ҳусайн ёнида туриб мушкул дам,  
Зафар шаробини сипқарди хуррам.

Инсон келиб-кетгай, қолғай бу дунё,  
Бандасин бағрига олғай у дунё.»

Алишер номабар келганидан шод,  
Ғариб кўнгли бўлди дафъатан обод.

Алишер бу гапдан қониқмагандек,  
Қаради Паҳлавон кўзларига тик

Ўзини қўярга тополмасдан жой,  
Дастурхон ёзди-да, узатди кўк чой.

Ва деди: «Наҳотки, сиздек олий зот  
Икки ўт ичинда қолмиш бенажот.

Дардини унутиб, дўст ҳолин сўрди,  
Номасин ўпди-да, кўзига суртди.

Келиб-кетмак учун яшамас инсон,  
Ҳаётдан гумони ўзга бегумон.

У ёзмиш: Астробод, Несо ва Тажан  
Боғида музаффар қурмиш анжуман.

У тинмас чумоли янглиғ умрбод,  
Бу жаҳон боғини қилгани обод.

<sup>1</sup> Ҳужралар.

Вале юрт олгани ва тўккани қон  
Дунёга келмагай аслида инсон...»

Низомий «Хамса»си тушмас илқидан,  
Мўъжиза кутгандек назм мулқидан.

\* \* \*

Чин арафа. Эсар наврўз насими,  
Машҳад рухсорида гул табассуми.

Хужра деворида: қитъаю байтлар,  
Рубойи, муаммо, чистон ва қайдлар.

Баҳор чехрасини очмиш келиндек,  
Кашафруд сувлари чопмиш қулундек...

Димоққа урилар бинафша ҳиди,  
Қушларнинг тилида ҳаёт суруди.

Ғариб бир ҳужрада, хастадир гарчанд,  
Мутолаа билан Алишербек банд.

Хасталик жонига кўрсатиб асар,  
«Хамса»ни Алишер тоқчага қўяр.

Лавҳаларга ташлаб маъюс нигоҳин,  
Босмоқчи бўлади гўё дил оҳин:

«Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулға тикандек ошиён бўлмас эмиш.»

Ҳовлида — одамлар товуши бир чоқ  
Эшитилиб қолди, Алишер бироқ

Эътибор бермади, чунки арафа,  
Ҳатто қарамади эшик тарафга.

Имом равзасини зиёрат этмак,  
Сўнгра буқъаларни айланиб ўтмак,

Қутлуғ одат эди арафа чоғи,  
Элга азиз эди бу ер тупроғи.

Сухбат-ла банд бўлмиш бир неча одам —  
Ғариб ҳужрасига қўйдилар қадам.

Уларнинг диққатин лавҳалар тортди,  
Абётни ўқиғач: қувончлар ортди.

Аммо ҳозирунлар кўнглини шу пайт,  
Нечундир ром этди ўзига бир байт.

У киши ўз фикрин айтган чоғида,  
Хурсанд маъқуллашди ҳайрат боғида.

Баҳс этиб, ҳар бири айтди ўз фикрин,  
Гўзал либос билан безади зикрин.

Туман оғриқларга бергандек бардош,  
Алишер тўшакдан кўтарди-ю бош,

Улар орасида ёши улўғроқ,  
Бир киши хаёлга ғарқ эди, бироқ.

Тирсагини қадаб болиш зирҳига,  
Эътироз билдирди унинг фикрига.

Барчаси ҳурматин келтириб бажо,  
Унинг сўзин кутар илҳақ шу асно.

Улуғ зот хаёлга чўмди-да бир дам,  
Маъқуллади унинг фикрини хуррам:

«Ғақирдин саҳв ўтмиш, бу йигит ҳақдир,  
Садаф ичра гўё яширинмиш дур.

Қуллуқ, бўтам! Айтинг, ким бўладурсиз?  
Бул буқъада, балки кўпдин турурсиз?»

«Исмим Алишербек — Навойдурман,  
Илму назмда бир фидойидурмен.

Неча йилки, Машҳад қароргоҳимдир,  
Мадраса буқъаси бошпаноҳимдир.»

Сухбат аҳли ҳурмат гулини тутди,  
Табаррук сиймони унга танитди:





Расмни Одил БОБОЖОНОВ чизган.

«Бул ҳазрат Шайх Камол Турбатийдурлар!..»  
Алишер юзида балқимиш нурлар...

Қувониб кетди-да, кўзғалди аста,  
Дардини унутди, ҳарчандки, хаста.

Таъзим бажо этиб, эгилди боши —  
Саломга келгандек умид қуёши:

«Кўрмак ҳавасинда юрардим сизни,  
Шод эдим, ёд айлаб ғазалингизни.

Тақдир, мушкулимни қилмишдир осон,  
Қоронғи буқъамни этмиш чароғон.»

Турбатий қалбида меҳр жилоси,  
Кўзида ҳайрату сеҳр жилоси:

«Фақир ҳам эшитмиш сизни неча бор,  
Назмингиз кўнглини қилмиш бахтиёр» —

Алишер қошида ўлтириб хушвақт,  
Дилжўйлик қилди у, гўё олий бахт

Турбатий бошига кўнди ҳумодек,  
Бемор дардига у боқди Синодек.

Кўнгли жавлон уриб шавқ дунёсида,  
Бир муаммо айтди сўз асносида:

«Оне ки дар ҳавои сари зулфи ёри мост,  
Аз сар гузашта аввалу дар охираш ҳабост»<sup>1</sup>

Алишер дардини бир оз унутди,  
Шеър завқидан ўзин шер каби тутди.

Муаммо мағзини чақди-да шу пайт,  
Кўнгил деди тилга: «Дўстим, қани айт!»

Тил сочди, шод кўнгил маҳзанидан зар,  
Турбатий қалбига тўкилди гавҳар:

«Гўзал муаммоким, маъни бир жаҳон,  
Ғунча бағрида гул ётғондек пинҳон.

Фикрат уйи — маъни дуридин обод,  
«Қутб» ҳосил бўлур, ечилса, устод!»

«Офарин, Навоий! — аллома хурсанд,  
Таҳсин ўқиб деди, — Эй азиз дилбанд,

Фақир баҳам кўрғай дарду ғамингиз:  
Кўнгилда аламу кўзда намингиз.

Соғайиб кетғайсиз — шердек йигитсиз,  
Назмда — қалами чақмоқсиз, ўтсиз!»

Турбатий кўзғалди, ўқиб дуолар,  
Садоқат ўтида ёнмиш сиймолар.

Бу маҳал намозгар кўнмоқда эди,  
Шаҳарда сурон ҳам тинмоқда эди...

<sup>1</sup> Мазмуни: Кимики сендан ҳар нафасини (сўзни) эшитаркан, шубҳасизки, ундан ҳамнафас (киши) ҳам эшитади.

Машҳад боғларига қўнди намозшом,  
Шом тутди гулларга бода тўла жом.

Бир қултум сипқариб гуллар маст бўлди,  
Фунчалар юз очмай, ишвагар кулди.

Сарин ел қўзғалди Кашафруд ёқдан,  
Япроқлар шивирлаб боқди бутқдан.

Саратоннинг ўтли нафаси ўчди,  
Тоғларнинг салқини Машҳадга кўчди.

Қозонга ёпишган ўт учқунидек,  
Юлдузлар чиқса-да, зулматга йўқ чек.

Ой ярим, мисли хом турвуз палласи,  
Доғ босган юзида ғам кўланкаси,

Шаҳар чеккасида бир муаззам боғ,  
Мева-чевасидан ўйсанг бўлур тоғ,

Сўлим боғ, юлдузли кўкдек ястаниб,  
Меҳмонлар йўлига чиқмиш ясаниб.

Биллур шамдан ойдин боғнинг тўрида,  
Сарҳовуз бўйида — баланд сўрида

Файзли дастурхондан тотиб ноз-неъмат,  
Садоқат қасрида бергандек зийнат,

Юзидан нур ёғиб ўлтирмиш шодон:  
Аллома Ардашер, муғанний Бурҳон.

Боши кўкка етиб Алишербек ҳам  
Устодлар қошида — кўнглида йўқ ғам,

Дийдор кўришгандан ўт каби ёнмиш,  
Меҳр булоғидан чанқоғи қонмиш.

Дўстлар ташрифидан қувончи чексиз,  
Турбатий қалбидан чақнаб чиқар сўз:

«Қай шамол учирмиш ҳазратларини,  
Ғубордек тарқатмиш ҳасратларини.

Бағрим тўлмиш гўё сийму зар билан,  
Янги ой чиққандек толеим кулган.

Дўстлар жамолидин равшан бўлмиш тун,  
Юлдузлар чиқмишлар юз кўрмак учун.

Кеча ғир этмишки сабо йўқ эрди,  
Бу оқшом боғ ичра еллар югурди.

Ҳазрат қадамлари қутлуғ келмишдир,  
Фақир боши кўкда — қуллуқ қилмишдир.»

Ардашер, Турбатий олқишидан лол,  
Сўзлади, тилидан томди гўё бол:

«Дўсту ёр сиймоси иссиқ қуёшдин,  
Дўст нигоҳи тушса, ўт чиқар тошдин.

Кўнгил баҳра топғай дўст нафасидин,  
Қушдек озод бўлғай ғам қафасидин.

Сиздек, Навоийдек, дўст-ёр бўлмаса,  
Кўнгилга ғамнишин дилдор бўлмаса,

Эҳтиёж йўқ эди Машҳад сайрига,  
Қулоқ тутмас эдим кўнгил майлига.

Машҳад баҳона-ю дийдор ғанимат,  
Ғурбатли дунёда дўст-ёр ғанимат.»

Турбатий, таъзим-ла мамнун эгиб бош,  
Ҳурмат ила деди — бағрида қуёш:

«Ташаккур, мавлоно, дўст қўйса қадам,  
Хазон ҳам гулшанга айлангай шу дам.

Сиз келиб, кўкка ҳам юлдузлар чиқмиш,  
Ой заррин шуъласин боғимга тўкмиш.»

Сухбат оқимини кузатиб хурсанд,  
Устодлар кўзига боқиб ҳавасманд,

Боғбонсиз қолса боғ бўлғайдир хазон,  
Хазон боғни этгай бойқушлар макон.

Назм уммонидан тергандек дурлар,  
Қалбида кўзғалиб ўтли сурурлар,

Чаман боғда янграр қўшиқ ва наво,  
Хазон боғ фарёдга эрур мубтало.

Унут бўлиб гўё ғариблик шоми,  
Хаёлин маст этиб саркаш илҳоми.

Фақир қолмиш эди хазон боғ ичра,  
Тўрт тарафи гўё баланд тоғ ичра.

Алишер сўзларди — кўзлари чақноқ,  
Ҳикмат осмонида чақнади чақмоқ:

Ул офтоб нурига бўлмиш эди зор,  
Хасталик тунида чекмишди озор.» —

«Бу жаҳон боғининг боғбони — устод,  
Боғбон билан жаҳон боғидур обод.

Алишер юзланиб Ардашер томон,  
Сўзин давом этди — дилда ҳаяжон:

«Боқсам бир нажиб зот қошимда турмиш,  
Ҳазрати Шайх ғариб ҳолини сўрмиш.

Эмди қадрдонмиз, ота-фарзанддек,  
Назм риштаси-ла кўнгли пайванддек.

Мушкул савдо тушган чоғда бошинга,  
Ҳол сўраб, ким келса сенинг қошинга,

Ёдингдан чиқмағай ўшал умрбод,  
Меҳр қасрин анга этгайсен бунёд.

Ўзингиз нечуксиз, устоди аъзам?  
Хавотир тортгаймен, сизни ўйласам.

Ғавғолар ичида қолди, деб танҳо,  
Ҳирийга кўз тутдим субҳи-шом аммо,

Элни нотинч этмиш қаттол султондин,  
Кўнглум пора бўлмиш, нетай, фиғондин.

Лутфий ҳазратлари саломатмилар?  
Олий зотга фақир саодат тилар.

Ҳирий ғурбатидин ҳоли не кечмиш,  
Устод сўзин қумсаб, дил қуши учмиш.

Азиз волидамдин тонг-ла ҳар сафар —  
Офтобни кутгандек кутгаймен хабар.

Муҳтожлик тунида ютганча қонлар,  
Кўнглимни тилкалар соғинч, армонлар.»

Ардашер андуҳли хаёлга ботди,  
Кўнглида тош бўлмиш дардни кўзғатди:

«Қуллуқ, Алишербек! Уйлаб фақирни,  
Зулматдин излабсиз йилт этмиш нурни.

Қиёматдин дарак — дажжол келмаги,  
Хиёнатдин дарак — қаттол келмаги.

Тўфонда қолғандек Ҳирот кемаси,  
Лек порлар соҳилда нажот шуъласи.

Султон Абусаид ғафлатда қолмиш,  
Тағин Астрободни Ҳусайн олмиш.

Мирзодин Ҳиротга келмиш элчилар,  
Абусаид бағрин тилмиш элчилар.

Шундоқ бир шарт қўймиш Ҳусайн мирзо:  
Сулҳга султон агар бўлмаса ризо,

Хуросон устига тортғаймен лашкар,  
Ҳирый деб қилғаймен жанги музаффар.

Сулҳга рози бўлиб султон даставвал  
Ва лекин оқибат қилмади амал.

Гарчанд чиқмаса-да Деҳи Канордин,  
Азият чекмишлар ҳукми хунхордин.

Тағин низо чиқди, икки ҳукмдор  
Ўртасида қонли жанглар хавфи бор.

Салом айлаб сизга, юбормиш нома...»  
Бир мактуб узатди унга аллома.

Сиҳат-саломатдир ҳазрати Лутфий,  
Вале кўкни тутмиш ҳасрати Лутфий.

Алишер номани кўзига сурди,  
Қалб туғени бирдан юзига урди.

Эл топса осойиш ҳазрат ҳам тинчдир,  
Нотинч бўлса агар, дилда ўкинчдир.

Ардашер суюниб тикилди мамнун  
Ва деди, очилиб кўнглида тугун:

«Хавотир тортманг ҳеч волидангиздин,  
Гарчанд кўнгли нотинч бўлса-да сиздин.

Таҳсил бирла бандсиз, қочмағай Ҳирот,  
Борсангиз, лек эшик очмағай Ҳирот.

Сабаби: Ҳусайн мирзога дўстсиз,  
Паҳлавон Муҳаммад билан дурустсиз.

Ҳусайн тарафда тоғаларингиз,  
Султонга ғанимдир оғаларингиз.

Ҳоким қулоғига етмиш бу хабар,  
Раият қилмағай борсангиз агар.

Дарвиш Али анча улғайиб қолмиш,  
Волидангиз юкин илкидин олмиш.

Кўнглига солса-да соғиниш ғавғо,  
Дуо қилиб, сизга юбормиш совға.»

Аллома, узатди унга бир тугун,  
Қуллуқ, деб Алишер хўрсинди нигун...

\* \* \*

Зулматдек қоронғи Машҳад кечаси,  
Жаҳаннам йўлидек Машҳад кўчаси.

Кўкда йўқ ой билан юлдуздан нишон,  
Машҳаддек кўрқинчли зимзиё осмон.

Қора либос киймиш гўёки олам,  
Тун қўйнида маъюс миноралар ҳам.

Телба каби елди қора булутлар —  
Само яйловида саркаш қулунлар,

Оч бўридек увлаб, шамол жар солди,  
Машҳад селу жала остида қолди.

Дову дарахт шохи синди, қарс этиб,  
Гўё ер силкинди, кўнгли дарз кетиб.

Само гумбазида гулдирак турди,  
Чақмоқлар қиличин бағрига урди.

Олов тилин чўзиб мисоли илон,  
Осмондек отилди заминга томон.

Машҳад зулматида мисли тор қафас,  
Бир ҳужра ўртаниб оларди нафас.

Бағри вайрон бўлиб қаро кечадан,  
Ҳужранинг кўзидек тор даричадан

Шам боқар қоронғи тунга, мунғайиб,  
Қошида Алишер — қадди мункайиб,

Паҳлавон кўксига қўйиб бошини,  
Ўксиниб йиғлайди, кўздан ёшини

Тиёлмас, қўлида мирзо номаси:  
Номамас, Ҳусайннинг чекмиш ноласи.

Нечун у бу қадар маъюс ва мунгли?  
Нечун чироқ ёқса, ёришмас кўнгли?

Шодлик қадаҳига ким солди заҳар?  
Қотилдек ким тутди бошида ханжар?

Ғазал гулшанини ким қилди пайҳон,  
Мусибат тошини отди беомон?

Нечун азиз боши эгилиб қолди?  
Нечун кўзларидан умид йўқолди?

Кўнгли нотинч бўлиб волидасидан,  
Бағри вайрон эди соғинч сасидан.

Жонига хасталик чанг солдимми ё?  
Ғариблик шомида танг қолдимми ё?

Ё зулм ўтқариб султони қаттол,  
Лутфийнинг умрини қилдимми завол?

Ё мағлуб келганча Ҳусайн яна,  
Боз душман қилдимми элда тантана?

Алишер боши ҳам, қоронғи дунё,  
Кифтидан ғам тоғи босади гўё.

Паҳлавон маъюсдил, зўрға сўзлайди,  
Алишер дардига даво излайди:

«Жанг-жадалда ғолиб келгани сайин,  
Қуюн каби елмиш султон Ҳусайн.

Неча мавзи олмиш ва неча шаҳар,  
Аммоки, улусга этмасдин қаҳр,

Сара йигитларни навқарга олмиш,  
Эл ҳам ўкинмасдин хайрихоҳ қолмиш.

Чунки султон зулми ўтиб жонидин,  
Фуқаро айрилмиш емак нонидин.

Пичоқ қадалгандек устихонига,  
Ғам-ғусса чанг солмиш хонумонига.

Шул важдин Ҳусайн сиймосида эл,  
Халоскор кимсани кўргандек хушфёъл,

Муомала қилмиш, кўтармай ғавго:  
Зулмдин қутулмак эди муддао!

Катта кўшин йиғиб олса-да мирзо,  
Осойиш ҳаётни қумсарди аммо.

Қозоқийлик ўтиб жон-жаҳонидин,  
Паноҳ топсам, дерди Хуросонидин.

Аммо сулҳга султон қилгач хиёнат,  
Ҳиротга отланди мирзо, ниҳоят.

Мирзонинг таянчи Музаффар барлос  
Ўт қўймиш мардона, ғолибларга хос.

Ҳазрат Кобулийнинг йигитлари ҳам,  
Узларидек ботир, эдилар ўктам.

Навқарлар шай эди доим амрига,  
Оғасидек кўриб етмиш қадрига,

Меҳри баланд эди мирзонинг анга,  
Номи ҳам ёйилмиш неча туманга.

Ғарибий назми-ю навосини эл  
Эшитмиш ҳамиша кўнгли бўлиб сел.

Фақир ҳам Ҳирийни эшитган ҳамон,  
Навкарлар кўнглига солмиш ҳаяжон.

Афсуски, муродлар ҳосил бўлмади,  
Неча кун жанг қилди — толе кўлмади.

Ҳирот қамалинда қанча муҳориб  
Олий эҳтиромга бўлмиш муносиб.

Қалъани олмакка етмагач кўзи,  
Бир оз хира тортиб умид юлдузи,

Чорасиз қолди-да, танг бўлиб ҳоли,  
Бошида эсгандек ғусса шамоли,

Абусаид кўли келди-да баланд,  
Чекинди Ҳусайн, мағлубга монанд.

Ҳусайн йўл тортди Хоразм тараф,  
Изидин от кўйди султон дарғазаб.

Сарахс қалъасин ололмаи аммо,  
Абусаид мирзо кўп чекмиш жафо.

Тулкилик қилиб сўнг сулҳ ваъда этмиш.  
Қалъага кирган чоғ сўзин унутмиш.

Кобулий чиққанда унинг қошига,  
Нафрат тошларини отмиш бошига:

«Султон Ҳусайнга бермасдан нажот,  
Мен билан кўйгайсен Хоразмга от.

Шердек йигитларга сардор бўлгайсен,  
Мирзонинг калласин олиб келгайсен.

Йўқса, бошинг кетур — қатл этгаймен,  
Шамширимга санчиб, Ҳирий элтгаймен.»

Кобулий ғазаби тошиб ичидин,  
Қони қайнаб кетиб ғаним ўчидин,

Демишки мардона: «Афзалдир мутлоқ —  
Тиз чўкиб яшашдин тик туриб ўлмоқ.

Мард бир карра ўлар, номард эса юз,  
Ўлсам-да, қилмаймен, умримдин афсус...»

Жазаваси тутиб Абусаид лол,  
Кўзи косасидин чиққандек алҳол,

Буюрмиш: боғланг деб кўзу кўлини  
Ва тутмиш Кобулий ўлим йўлини.

Алишер кўтариб ғамгин бошини,  
Ғазаб ўти қамраб ичу тошини,

Фарёд чекса ҳамки кўксида қалби,  
Маъюс оҳанг билан титради лаби:

«Азизим, фақирни маъзур тутгайсиз,  
Хунхор золимдин сиз нима кутгайсиз?»

Қотилға муносиб жазо топилғай,  
Кун келиб, анинг ҳам боши чопилғай...»

\* \* \*

Хиротнинг дийдаси лоладек қондир,  
Шафақдан сочилган жалодек қондир.

Уйларда биллур шам таратмас ёғду,  
Зулматдек қоплаган дилларни қайғу —

Зулм-ла кунни тун бадарға этган,  
Кўкни ҳам мусибат булути тутган.

Халойиқ бўйнига осилгандек тош,  
Ерга қараб юрар, кўтаролмас бош.

Ўз ерида ўзи бўлиб хору зор  
Келгинди султондан чекади озор.

Жоҳил Абусаид суради даврон,  
Пойида — топталган мулки Хуросан.

Кичик Баҳодирнинг кулбасига ҳам  
Тагин ғам қушлари қўйдилар қадам.

Фурбат хонасида Маъсумабегим  
Қон қақшаб, кўз ёшин тўкмиш бетиним.

Бош олиб кетмакка йўқдир иложи,  
Қайтади Алишер — умрининг тожи!

Машҳад йўлларига боқиб умидвор,  
Ўғлини кутади ул онаизор.

Ўғлини кутади — тонгни кутгандек,  
Тонг билан қуёшга таъзим этгандек.

Ўғлини кутади — нон ёпиб сахар,  
Тонг билан эшигин ланг очиб қўяр.

Ўғлини кутади — гоҳ шод, гоҳ мунгли,  
Бутун бўлсин дея яримта кўнгли.

Она армонлари кетмайди увол,  
Она тилаклари топмайди завол.

Сабр эт, онажон, ўғлинг келади,  
От ўйнатиб, қалби чўғлинг келади.

Келади — уйингни нурга тўлдириб,  
Душманни куйдириб, дўстни кулдириб...







Фозила Сулаймонова

## НАВОИЙ «ХАМСА»СИ ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАЛАРИДА

Алишер Навоий яратган буюк адабий мерос қадимий Рим шоири Ҳорадий айтгандек «қўл билан ясаб бўлмас ҳайкал»дир. Номлари жаҳонга танилган Европанинг буюк адиблари, Навоийнинг катта ва кичик замондошлари, Уйғониш даври гуманистларига нисбатан шоир яратган адабий мерос ниҳоятда катта ва қимматлидир. Агар Данте «Илоҳий комедия», Петрарка Лаурага бағишланган шеърлар тўплами, Бокаччо «Декамерон», Рабле «Гаргантюра ва Пантагрюэль» романи, Сервантес «Дон-Кихот» романи, Шекспир ўлмас пьесалари билан бадий ижод хазинасини бойитган бўлсалар, Алишер Навоий яратган тўрт девон, «Девони Фоний», «Лисон ут-тайр», «Хамса»нинг беш достонининг ҳар бири шоир номига шуҳрат келтиришга арзигуликдир.

1625 йили инглиз қироличаси Елизавета вафот этиб, тахтга Карл I чиқади. Ҳокимиятга интилаётган буржуазия билан қироллик тузуми ўртасидаги зиддиятлар кескинлашади, 7 йил давом этган граждандуруши ва ниҳоят, Карл I нинг боши чопилиши, республика эълон қилиниши билан ҳам тугалланмайди. Худди ана шу йиллари, 1635 йили Алишер Навоийнинг терма «Девони» Англиянинг Оксфорд университети Бодлеян кутубхонасига келиб тушади.

Европа мамлакатларида капиталистик муносабатларнинг ривожини товар сотиладиган бозор, арзон хом ашёга эҳтиёж туғдиради, натижада Шарқ мамлакатларига қизиқиш орта боради. Шарқ халқлари тарихи, маданияти, психологиясини ўрганиш кенг қўламда бошланиб кетади. Турли-туман саёҳатчи, савдогар, миссионерлар Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларини кезадилар, халқ ҳаёти билан танишадилар, тил ўрганадилар, айниқса маънавий бойлик буюмларини йиғадилар, ўрганадилар, натижада шарқшунослик фани вужудга келади. Тўғри, ҳамма шарқшунос олимлар ёмон ниятни кўзда тутмаганлар, балки кўп асрлик ажойиб маданиятни қизиқиб ўрганиб, умуминсоният мулкига айлантиришга хизмат қилганлар.

Шарқ қўлёзмаларини ҳамма Европа мамлакатлари, катта-кичиклигидан қатъий назар, йиғганлар, XIX аср охирида АҚШ ҳам қўшилган. Шундай қилиб, шарқ қўлёзмалари Англия, Франция, Италия, Чехословакия, Руминия, Швеция, Австрия, Дания, Ирландия каби мамлакатлар кутубхоналарига бориб қолган. Булардан ташқари, олимлар, мулкдор одамларнинг шахсий коллекцияларида ҳам Шарқ адабиёти ва санъатининг ажойиб намуналари сақланмоқда. (Торонто университетининг профессори Е. Бирнбаум қўлида Лутфийнинг энг тўлиқ девони, Ротшильд, Гулбеян каби миллионерларда бадий безакли қўлёзмалар ва ҳ.к.).

Алишер Навоий асарлари, айниқса «Хамса» ва унинг алоҳида достонлари деярлик ҳамма мамлакатлар фондларида, энг қадимий, бадий безаклик қўлёзмалар Англия, Франция, Туркия ва Ҳиндистонда сақланмоқда.

Франциядаги Париж Миллий кутубхонасида 1526—27 йилларда Ҳиротда машҳур хаттот Али Ҳижроний томонидан кўчирилган Навоий асарлари куллийети сақланади. Ута нозик шамс, лаъҳа, унвон ва олти миниатюралар билан безатилган ушбу икки жилдлик мажмуанинг биринчи томида ўрта аср адабиётига хос бўлган анъанавий асарлар ва «Лисон ут-тайр»дан сўнги «Хамса» берилган. Париж «Куллийети»и «Хамса»си 275 ва-рақдан иборат бўлиб, достонлар анъанавий, яъни «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» (қўлёзмада «сайёра», яъни «р»дан сўнги ҳойи ҳавас ҳарфи билан ёзилган, бундай ҳолат шоир тириклигида кўчирилган яна уч қўлёзмада учради) ва «Сади Искандарий» тартибида жойлаштирилган. Қўлёзма билан батафсил танишиб чиққан профессор Ҳамид Сулаймон шундай ёзадилар: «Матн ғоятда гўзал, Хуросоннинг чиройлик настълиқ хатида ипак қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган... Сарлавҳалари сулс хатида рангли сиёҳ ва олтин сувида битилиб, қўлёзма французлар томонидан қирмизи рангли икки чарм муқовага жойлаштирилган. Қўлёзмада Беҳзод шогирдларидан Қосим Али ва бошқалар томонидан «Хамса» достонлари учун ишланган 6 дона нафис миниатюралар бор. Ҳар бир асарнинг бошланиши бадий унвонга эга». Ушбу Париж «Куллийети» XIX асрда Туркиядан келтирилган.

Навоий асарларининг энг кўп ва мўтабар нусхалари Англияда сақланмоқда. Оксфорд Университетининг Бодлеян кутубхонасида Ҳиротда Навоий даврида яратилган бадиий безаклик қўлёзма — шоҳ асар «Хамса»нинг Бадиуззамон учун, шоир томонидан асар ёзилиб тугаллангандаёқ, яъни 1485 йили кўчирилган қўлёзмаси сақланмоқда. Қўлёзма алоҳида-алоҳида дostonларга ажратилиб кейинча европаликлар томонидан муқоваланган, тўрт дostonни 1830 йиллари Эллиот Ҳиндистондан келтирган бўлиб, «Лайли ва Мажнун» шахсий коллекционер Жон Риланд кутубхонасига тушиб қолган, кейинча уни домла Ҳамид Сулаймон Манчестер университети кутубхонасига топширилган Риланд фондидан топдилар ва «Хамса» тўлиқ тус олди. Қўлёзма яхши сақланган, хати гўзал майда настаълик, хошиялари ҳафтраг ва заррин. Ҳар бир дoston бошланишида ниҳоятда нафис, гўзал ишланган шамс ва унвонлар бор. Қўлёзмада Бехзод, Қосим Али, Мирак ва бошқа мусаввирлар томонидан ишланган ажойиб реалистик 13 миниатюра бор. Машҳур «Навоий буюк шоирлар ўртасида» миниатюраси ҳам шу қўлёзманинг «Садди Искандарий» қисмининг 956 варағига ишланган. Ушбу матн факсимил ва академик нашр учун фойдаланишга арзигуликдир.

Бодлеян кутубхонасида «Хамса»нинг икки дostonи — «Сабъан сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларининг 1553 йили Бухорода ҳатот Муҳаммад Али котиб томонидан кўчирилган қўлёзмаси ҳам сақланади. Булар ҳам Эллиот томонидан келтирилган. Ҳар иккала дoston Кашмирий чарм муқовага олинган. Қўлёзмалар хати жуда гўзал майда настаълик, мисраълар ораси олтин орнамент, хошиялар олтин заррачалари билан безатилган. «Сабъан сайёр» ўн, «Садди Искандарий» эса бешта ниҳоятда гўзал ишланган мўъжаз расмлар билан безатилган. Европа олимлари Урта Осиё рассомчилики санъатини тан олмай, Ҳирот анъанаси Эронда давом этган, дейдилар. Бухорода китобат этилган Навоийнинг ҳар иккала дostonи қўлёзмалари ана шу фикрни рад этади.

Инглиз қиролларининг ёзғи қароргоҳи бўлмиш Виндзор саройида ҳокимларнинг шахсий кутубхонаси бор. Унда Алишер Навоий асарларининг Султон Али Машҳадий томонидан шоир тириклигида Ҳиротда кўчирилган икки мўтабар қўлёзмаси сақланади: бири терма девон, уни 1874 йили Бухоро амири Ҳиндистон губернатори орқали инглиз қиролчаси Викторияга тақдим этган. Иккинчиси — «Хамса»нинг 1492 йили кўчирилган ажойиб қўлёзмаси. Матн Ҳиндистонда Бобурийлар кутубхонасидан колонизаторлар томонидан олиб кетилган. 1 варақда «Соҳибқирон Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳижаҳон подшоҳи Ғозий 1037 (1627)» ёзуви ва икки жойда «Оламгир подшоҳ» ёзилган муҳр бор. 1 а варақда сарой кутубхоначисининг «Навоийнинг ушбу нафосат намунаси бўлмиш «Хамса»сининг қўлёзмаси ҳижрий 1037 йилнинг жумадилсония ойида Шаҳобиддин Муҳаммад Шоҳижаҳон подшоҳ ибн Жаҳонгир подшоҳ Акбар подшоҳ-Ғозийнинг шахсий кутубхоналари учун йигирма минг рупийга олинди» ёзуви ҳам бор.

«Хамса»нинг Виндзор қўлёзмаси яхши сақланган, «Қиблатул ҳатот»нинг ниҳоятда гўзал, дона-дона хати, икки саҳифага чизилган лавҳа, ҳар бир дoston бошидаги унвонлар беқиёс ишланган. Матн бошидан то охиригача (308 варақ) олтин заррачалар билан зийнатланган. «Ҳайрат ул-аброр» дostonи учун тўрт миниатюра ишланган. Афсуски, уларнинг учтаси кейинча ҳинд рассомлари томонидан расмлар устига бўёқлар суртилиб, қайта ҳинд услубида ишланган. Эндиликда кейинги бўёқлар тўкилиб, тагидан Ҳирот расмлари кўрина бошламоқда. Қўлёзма охирида Султон Али Машҳадий колофонни форс тилидаги 5 байтлик шеър билан тугаллаган, унда асар «Хусрави шоҳи Абул Ғозий» яъни Султон Ҳусайн учун кўчирилгани айтилади. Виндзор «Хамса»си ҳам Бодлеян қўлёзмаси билан биргаликда, шоир асарларининг академик нашрини тайёрлашда фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Навоий асарлари қўлёзмалари Туркияда ҳам жуда кўп. Фанга маълуми икки куллиёт, тўлиқ «Хамса», қисқартирилган «Хамса», алоҳида дostonлар қўлёзмалари мавжуддир.

Реван саройи кутубхонасида сақланаётган Куллиёт қўлёзмаси айниқса катта аҳамият касб этади. Матн Навоий ҳаёт эканлигида, 1496/98 йилларда машҳур хошнавис ҳатот Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан Ҳиротда кўчирилган. Унда шоирнинг 26 асари берилган. Ҳирот китобат санъатининг яхшигина намунаси бўлган ушбу матн яхши сақланган. Қўлёзма ҳақида унинг фотосуратини институтимиз фондига олишга муваффақ бўлган устоз Ҳамид Сулаймон қўйидагиларни ёзадилар: «Султон Ҳусайн кутубхонасининг маҳоратли, пешқадам ҳатотларидан бўлган Дарвеш Муҳаммад Тоқий кўчирган куллиётнинг мазкур қўлёзмасини Навоийнинг ўзи ҳам кўрган бўлишига шубҳа бўлмастлиги керак. Чунки бу қўлёзма шоирнинг ўзи тузган куллиёт нусхаси бўлиб, унда куллиёт учун Навоийнинг ўзи ёзган сўз боши «Муножот» бор.

Мазкур куллиёт таркибида «Хамса» дostonлари анъанавий асарлар ва «Лисон ут-тайр»дан кейин келади. Куллиётда «Хамса» 247 вараққа жойлаштирилган, лекин нима учундир бунда «Фарҳод ва Ширин» билан «Лайли ва Мажнун» жой алмашган. Қўлёзма эўр маҳорат билан безатилган: асарларда аввал шамс, бошланишида унвон берилган, сарлавҳалар, сатр оралари олтин, рангдор орнамент ва гуллар билан безатилган. Қўлёзманинг 16 ва 2а варақларида икки туташ расм ишланган, лекин расм кейинги, XVI аср бошидаги Табриз Сафавийлари услубида. Демак қўлёзма Ҳиротдан Табризга олиб кетилган, кейинча Туркияга тушган. Бу қўлёзма ҳам «Хамса» устидаги текстологик тадқиқотлар учун жалб этилиши керак деб ўйлаймиз.

Туркия «Хамса»лари орасида айниқса Реван саройи кутубхонасида сақланаётган, 1449 йили Ҳиротда Султон Али Машҳадий кўчирган қўлёзма мўтабар нусхалардандир. Китоб юксак дид ва маҳорат билан ишланган шамс, лавҳа ва унвонлар, 6 мўъжаз расмлар билан безатилган. Реван саройи кутубхонасида 1530 йили Пишр Аҳмад бинни

Искандар кўчирган қўлёзма ҳам бор, унда 16 мўъжаз расм, нафис ишланган шамс, лавҳа, унвон, мисралар ораларига орнамент ишланган, хошияга олтин суви пуркалган. Китоб бошида шоирга бўлган ўта ҳурматни билдирувчи

Мир Алишер гар икромии ў,  
Шер кунад пайрўйии номи ў

байти келтирилган.

Истамбул университети кутубхонасида «Хамса»нинг бошқа қўлёзмаларидан фарқланувчи, Мир Исмоил Усрушоний томонидан кўчирилган бир матн бор. Форматининг катталиги ва хатининг йирик услуби жиҳатидан XIX аср Қўқон қўлёзмаларини эслатади, лекин тарихи, кўчирилган жойи номаълум. Қўлёзмада ҳар бир дoston олдидан 2-3 вараққа «Хазойин ул-маоний» шеърларидан танлаб кўчирилган, охирида эса 15 варақда тушуниш қийин бўлган сўзлар луғати берилган. Алишер Навоий асарлари қўлёзмаси биринчилардан бўлиб Европа фондига тушганидек, европаликлар Шарқ адабиёти намунасида биринчи бўлиб шоир дostonидан парча орқали танишадилар. Шоир вафотидан 56 йил ўтгач, 1557 йили Венецияда италян тилида «Шох Серендипнинг уч навқирон ўғилларининг саёҳати, жаноб Христофор Арманий меҳнати туфайли форсийдан италян тилига ағдарилган» сарлавҳали китобча босилиб чиқади. Европа китобхонлари орасида бу асарга қизиқиш катта бўлгани учун 1584, 1611, 1622 ва 1628 йиллари қайта-қайта чоп этилди. 1583 йили немисчага таржима этилиб, 1599, 1630 ва 1723 йиллари босилди. Кейинча голланд, инглиз ва француз тилларига таржима этилди. Ҳали китоб босиш техникаси ниҳоятда паст эканлигини ҳисобга олсак ҳэр 10—15 йилда қайта босилиши катта шуҳратнинг натижасидир.

Серендип Шри-Ланканинг қадимий номи бўлиб, шоҳ ва унинг уч ўғли ҳақидаги Христофор Арманий таржима қилган ҳикоя кейинча Вольтернинг «Задиг» повести ва Марк Твеннинг «Том Сойер чет элларда» асарига киритилган.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. Э. Бертельс тадқиқотлари натижасида табризлиқ Христофор Арманий италян тилига таржима этган асар «Сабъаи сайёр» ва Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» асарлари парчаларидан тузилгани аниқланди. Демак, европалик китобхон биринчи бўлиб Навоий ва Деҳлавий «Хамса»лари парчалари билан танишган (Саъдийнинг «Гулистон»и XVII асрда таржима этилган).

Европаликлар Алишер Навоий номи билан 1697 йили француз шарқшуноси Дербелонинг «Шарқ кутубхонаси» номи остида чоп этилган қомуси орқали танишади. XVIII асрда ҳам шу турдаги нашрларда Навоий номи такрорланаверади. 1832 йили инглиз шарқшуноси Девид «Турк тили грамматикаси» асарида Навоий ҳақида қисқача, лекин завқ билан мақталган мақола беради. Шу йўсинда шоир номи Европа мамлакатларида танила боради.

1861 йили Туркияда бир неча йил хизмат қилган француз шарқшуноси М. Белин «Осиё журналы»да «Мир Али-Шер Навоий ҳаёти» мақомасида шоир ҳаёти ва ижодини ёритувчи кенг маълумот беради. Ана шу журналнинг 1866 йил сонидида «Шарқ моралистлари» мақоласида Белин шоир дунёқараши ҳақида фикр юритиб, «Маҳбуб ул-қулуб»дан парчалар таржимасини ҳам беради. Бартольд Белин асарларини «тарихий шахс ҳақидаги монография эмас, балки мадҳия», деб атайди. Француз олимининг асари шарқ манбалари асосида ёзилган бўлса ҳам хатолик ва ноаниқликлардан ҳоли эмас эди.

Француз шарқшуноси Э. Блоше 1926 йили чоп этилган «Париж Миллий кутубхонасидаги Шарқ қўлёзмалари, турк, араб, форс бадийи беақли қўлёзмалари» каталогидида Белиннинг Навоий фақат тақлидий асарлар яратган, деган фикрини давом эттириб, ҳатто шоир фақат «Низомий, Жомий асарларининг таржимони» деб ҳам айтади. Тўғриси айтганда, Блошенинг Навоий асарлари ҳақида ёзган сатрларини ўқир экансиз, муаллиф шоир асарларини ҳеч қачон ўқимай, сарлавҳаларигагина қараб фикр юритиши эҳтимолига ишонасиз. Афсуски, ғарб олимлари ҳалигача Навоий ҳақидаги маълум

## «Хамса» дурлари

\* \* \*

Нукта бил қулоқ оройиши,  
Кенг ўтук ўлди аёқ осойиши.

\* \* \*

Кон неча базли гуҳари пок этар,  
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.

\* \* \*

Шамъ ёрутиб эв ичу тошини,  
Эв ияси кўпрак узиб бошини.

\* \* \*

Илм илаким жоҳға майл айлабон,  
Баҳр суйин ҳайға туфайл айлабон.

\* \* \*

Дунки топиб илм раёсат учун,  
Хильат этиб ҳулла нажосат учун.

\* \* \*

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

мотларни Белин ва Блошедан олиб, хатоликларга йўл қўйиб келмоқдалар. (Э. Броун, Форс адабиёти тарихи 1924й., Алессіо Бомбачи, Турк адабиёти тарихи, т. 1, 1968 й., италян тилида ва ҳ.к.) Шундай ҳолатни ҳатто шарқнинг йирик билимдони академик В. В. Бартольднинг «Туркларнинг ўтмиши» ва «Мир Али-Шер» асарларида ҳам кўрамиз, у ҳам Навоий асарларининг тақлидий характери ҳақида ёзади.

Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётида кенг тарқалган ва яқин вақтларгача давом этиб келган назира, татабу, тавр усули узоқ тарихга эга. Ўтмиш адиблирига тақлидий асарлар яратиш, аввалги асарлар тематикасини қайта ишлаш, поэтик асарларнинг насрий баёнини бериш қадимий юнон адабиётида кенг тарқалган эди. Уларнинг фикрича асосий мавзу ва мазмунлар умумий мулк, анъанавий темани аввалгиларга нисбатан такомиллашган бадиият билан ёритиш ялли мустақил асар яратиш демакдир (Эдип ҳақида Каркин, Эсхил, Софокл, Эврипид; «Электра» — Софокл, Эврипид; Орес ҳақида — Эсхил, Эврипид; Троя уруши воқеаси эса қайта-қайта ишланган ва ҳоказо). Бадиий адабиётга юқоридагидек муносабатда бўлишларига қарамай, греклар назира (мимесис) ва кўчирмачиликни яхшигина фарқлаганлар, назира назариясини ҳам ишлаганлар. Ҳатто мактабларда ўқувчиларни тақлидий асарлар яратишга, аввал яратилган асарлар услубини такомиллаштиришга ҳам ўргатганлар.

Араб поэзиясида нисбатан кўп бўлмаган темалар асрлар давомида турли шоирлар томонидан қайта-қайта ишланиб келинди, кейинги давр адиблири ўтмишдошлар ижоди билан боғлиқ бўлганлар. Бундай ҳолат юзаки қараганда (айниқса Европа шарқшунослари фикрича) тематика торлиги, ижодкорлар мустақиллиги, ўзига хослигини чеклагандек туюлади. Аслида эса поэзиянинг энг нозик томонларини, анъанавий мазмундаги ўзгаришларни ўрта аср билимдонларигина эмас, балки адабиёт мухлислари ҳам бемалол аниқлаганлар. Шунинг учун назира ижодкор тақдирини ҳал этувчи роль ўйнаган, унга катта омад ёки омадсизлик келтирган.

Буюк Навоийни «таржимон», «тақлидчи» дейиш фақат Шарқ адабиёти хусусиятларини яхши билмагандан келиб чиққан бўлса керак. Бундан ташқари, ўзидан аввал ўтган адиблир асарлари мазмунидан фойдаланиш Европа мамлакатлари Ўйғониш ва ундан кейинги давр адабиётида ҳам мавжуд бўлган. Италия гуманисти, новелла жанрининг яратувчиси Жованни Бокаччо «Декамерон»да ўзидан аввал нашр этилган ҳикоялар тўплами «Новеллино», «Минг бир кеча» каби асарлардан фойдаланган. Кейинча унинг ҳикояларидан бошқа ёзувчилар, англис, испан драматурглари фойдаланганлар. Асарлари тўрт юз йилдан зиёд вақтдан бери кишилар онгини ҳаяжонга солиб келаётган буюк драматург Уильям Шекспир яратган 36 комедия, хроника, трагедия ва трагикомедияларнинг деярли ҳаммасининг мазмунини муаллиф яратмаган, балки бошқа асарлардан олган. Шекспир даҳосининг энг буюк намояндаси бўлган «Ҳамлет» ундан аввал икки мартаба ишланган, «Отелло», «Қирол Лир», «Ромео ва Жульетта»лар ҳам тайёр пьесалардан олинган. Шекспирни тақлидчи дейиш мумкинми? Эки драматург даҳосига путур етадимиз? Гап асар мазмунини кимдан олишда эмас, балки ўша мазмун

## ● «Хамса» дурлари ●

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,  
Гулшани одам самари сўз дурур.

Ёрки, ойини ваф йўқ анга,  
Шам кибидурки, зиё йўқ анга.

Сўз била нафъ ўлмасе эл пешаси  
Яхши керак кўнглида андешаси.

Яхши-ямондин бари эрмас жаҳон,  
Дек ямон зоҳиру яхши ниҳон.

Одамий эрсанг демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Кимки улуғроқ анга хидмат керак,  
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Ёрки, бор анда вафо ёр бил,  
Умр деган ёри вафодор бил.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,  
Асра анинг ҳурматида эътидол.

орқали замона руҳини қанчалик тўғри ифодалай билишда. Фикримизча, бадий ижод соҳасида оригинал шоҳ асарлар яратиш борасида янги мазмунни ишлашдан кўра тайёр мазмунни ишлаш машаққатлироқдир.

Европа мамлакатларида «Дон Жуан», «Фауст» кенг тарқалган сюжетлардан. Биринчи мартаба «Дон Жуан» ҳақида Уйғониш даври испан драматурги Тирсо де Молина «Севилялик шум йигит» пьесасини яратган бўлиб, у XVII асрда Мольер, XIX асрда Мериме, Байрон, Пушкин каби буюк адиблар томонидан ишланган. Ҳар қайси адиб мазмунга ўз даври, дунёқараши, бадий маҳорати нуқтаи назаридан ёндашган, ҳар қайси асар ўзига хос қайтарилмас хусусиятларга эга дурдонадир. Бу ўринда на таржимонлик, на тақлидчилик ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас-ку. Демак, шундоқ экан, улуғ Алишер Навоий ҳақида Европа олимлари тарқатган фикр мутлақо нотўғри эканини исботлашга аҳтиёж ҳам бўлмаслиги керак.

Европа олимларининг фикри нотўғри эканининг исботи шоир асарларининг жаҳон халқлари тилларига ағдарилиб, Навоий номининг барча қитъаларда танилишидир. Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан коммунист шоир Альфред Курелло 1948 йили «Фарҳод ва Ширин»дан парчаларнинг немисча таржимасини чоп эттирди, 525 йиллик юбилей муносабати билан дoston таржимасини ниҳоясига етказди ва нашр эттирди. 1952 йили узоқ Аргентинада Луи Орсеттининг «Алишер Навоий» деб номланган китобчаси испан тилида босилиб чиқди. Унда Мовароуннаҳр тарихи қадим даврдан то XV асргача бўлган даври қисқача ҳикоя қилинади ва «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий» дostonларининг мазмуни ва ниҳоят, Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотлар берилади. Бу китобча Лотин Америкаси халқларини ўзбек адиби ижоди билан таништирувчи ягона китобчадир. 1958 йили Бухарестда Алишер Навоийнинг «Танланган асарлари» чоп этилди. Асарлар таржимаси тўпламини тузиш Олтенау томонидан амалга оширилган. Унда «Ҳайрат ул-аброр»дан парчалар, «Фарҳод ва Ширин» тўлиқ ва шеърлар намуналари берилган.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи 60йилларда венгер тилига тўлиқ таржима этилди. Таржимон — шоира Эржибет Бродскийнинг айтишича асарга талаб шунчалик катта бўлганки, дoston Ҳамид Сулаймон чоп эттирган миниатюралар репродукцияси билан безатилиб 1974 йили қайта босилган. Болгар шоири Йордан Милев «Лайли ва Мажнун»ни қисқартириб таржима қилди ва «Урта аср шеърини» тўпламида 1974 йили шеърлар намунаси билан чоп эттирди.

Буюк инсонпарвар шоир Алишер Навоий яратган «Хамса» дostonлари инсоният маданияти, жаҳон адабиёти дурдоналари хазинасининг меросидир. У аллақачонлар миллий чегарадан чиқиб, умуминсоният мулкига айланган, планета бўйлаб қадам ташлаб, одамларни олижаноблик, дўстлик, бир-бирига ҳурмат, интернационализм, инсонпарварлик, иттифоқда яшашга ўргатмоқда.

## ● «Хамса» дурлари ●

Кимки иши бўлди қаноат фани,  
Билки, ани қилди қаноат фани.

Топса қаноат сори ҳар кимса йўл,  
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Кимки қаноатдан эрур ҳужжати,  
Яхши-ямонга йўқ анинг ҳожати.

Ҳар кишига қилди биров бир вафо,  
Махласи йўқтур кўрибон минг жафо.

Нақди қаноатда чу йўқтур фано,  
Жаҳд эт-у бу нақди ила топғил фино.

Неча самар сочмоғ эса шоҳ иши,  
Кўпрак отар тош ани терган киши.

Мулк ила ўзни демагил аржуманд,  
Мулки қаноат била бўл сарбаланд.

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,  
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.



Ўткир Рашид

## Она юртни куйлайман

(Янги кўшиқлар)

### Диёрим

Тўлин ойдек тўлиб турган, диёрим,  
Қуёш янглиғ кулиб турган, диёрим.  
Келинчакдек ясангансан, чиройлик,  
Нуру машъал бўлиб турган, диёрим.

Фарзандларга сенинг меҳринг пойандоз,  
Улар меҳри билан — кўнглинг сарафроз.  
Ёру дўстлар нафасидек бағрингда —  
Баҳор ели елиб турган, диёрим.

Кўксинг тўла — турфа бойлик-бисотинг,  
Кўкка етиб пахтаңг, машҳурдир отинг.  
Кундан-кунга порлаб, гул-гул яшнадинг,  
Хўб омади келиб турган, диёрим.

Марди майдонларинг сенга парвона,  
Ардоқлайсан бошин силаб, сен — она.  
Таърифингга ожиз шоир Ўткиринг,  
Элни шайдо қилиб турган, диёрим.

### Ёр унда-ю мен бунда

Мен борай, борганимча,  
Йўл юриб, ҳорганимча.  
Ергинамни соғиндим,  
Йироқ кетарми шунча.

Ўткир Рашид ўзининг кўп-  
лаб кўшиқлари, драмалари,  
илмий асарлари билан рес-  
публикада танилган адиб.  
Унинг, айниқса, замондош-  
ларимиз — меҳнат кишила-  
ри, ҳаётга гўзаллик бахш  
этувчи, яратувчи инсонлар  
ҳақидаги кўшиқлари, ажойиб  
шоир Усмон Носир ҳаёти ва  
ижодига бағишланган мақо-  
лалари адабиёт ва маърифат  
дўстларининг қалбидан жой  
олган.

Шу кунларда туғилганига  
70 йил, ижодий фаолиятига  
50 йил тўлган Ўзбекистон  
ССРда хизмат курсатган ма-  
даният ходими Ўткир Рашид-  
ни кўпминг сонли журналхон-  
лар номидан қутлаб, унга  
янги ижодий зафарлар тилай-  
миз.



Борсам, ёрим бормикан,  
Менга интизормикан?

Ёрни йўқлаб, бораман,  
Ўйлаб, дили пораман.  
Унинг соғинч дардига  
Малҳам бўлсам, зора ман.  
Борсам, ёрим бормикан,  
Менга интизормикан?

Ёрим кела қолсайди,  
Ҳолим била қолсайди.  
Энди йироқ кетмасдан,  
Менинг бирла қолсайди.  
Борсам, ёрим бормикан,  
Менга интизормикан?

Ёрим иши йироқда,  
Чўлда, гул унган ёқда.  
Ёр унда-ю мен бунда,  
Қолганмиз биз фироқда.  
Борсам, ёрим бормикан,  
Менга интизормикан?

## Менинг ишқим

Сенинг ҳусну жамолингда, нигорим:  
Кўрарман яшнаган гулшан диёрим.

Сенинг офтоб мисол бахтинг чароғи  
Менинг кутган нурафшон тонг-наҳорим.

Ажаб гулгун, ёруғ ойдин юзингда  
Қилур жилва чаманзорим, баҳорим.

Сенинг ишқ кўйида азмингу аҳдинг,  
Менинг топган шу йўлда куч-мадорим.

Менинг кўнглимдадир ёрим, диёрим,  
Шулар олган қўлимдан ихтиёрим.

Бу ишқимдан бўлиб Ўткир хабардор,  
Ёзибдир ул — дилимда ҳарна борим...



# ИЗЛАНИШ - ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Яқунланиб бораётган йилимиз бошқа соҳалар қатори Ўзбек совет киноси ходимлари учун ҳам унутилмаб сана бўлиб қолди. Бу шарафли касб эгалари 1985 йилда Ўзбек совет киносининг муборак олтмиш йиллигини нишонладилар. Бу тарихий санани муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олган киносанъаткорлар КПСС XXVII съезди шарафига янада катта ғайрат, жўшқин эҳтирос билан ижод қилмоқдалар.

СССР халқ артисти, «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори ШУҲРАТ АББОСОВ билан филология фанлари доктори ҲАМИДУЛЛА АКБАРОВнинг қуйидаги суҳбати кинодаги ижобий қаҳрамон мавзуида бўлди.

**Х. А.** — Шухрат Солиҳович, суҳбатимиз қаҳрамон танлаш ҳақида борадими ёки образнинг талқини хусусидами? Менимча, кинематографиямизда қаҳрамон танлаш масаласи деярли ҳал қилинган. Кўпроқ иккинчи масала — тинимсиз ижод, изланиш жараёнида вужудга келаётган муаммоларни ҳал этиш тўғрисида фикр юритсак.

**Ш. А.** — Мен ҳам шуни назарда тутган эдим. Образ яратиш жараёни ҳақида фикр юритилгани маъқул. Ижодкор халқимиз жасорати, истиқболимиз ҳақида ҳикоя қилувчи асарларга томошабинлар ташна. Режиссёрлар ҳар бир кадр композициясини тузишни, мизансцена кўришни, умуман кино имкониятларидан кенг фойдаланиш йўллари билиши ҳам фарз, ҳам қарз. Лекин, менимча, режиссёр кинога қаҳрамон билан ўзи ҳам кириб келиши керак. Режиссёрнинг маънавий бой шахси асар сифатига таъсир этади. Бу ҳол томошабин учун ҳам, санъаткор учун ҳам аҳамиятли. Масалан, Элёр Эшмуҳамедов ўз замондошининг — самимий, ташаббускор, нозик дили, ғайратли йигитнинг изланишлари, ҳаёти мазмуни, севгиси қадри, инсонларга муносабати ҳақида тинмай фикр юритишини кўрсатиш орқали, қаҳрамоннинг мураккаб, баъзан зиддиятлардан холи бўлмаган ички дунёсини очади. «Нафосат», «Севишганлар», «Ажойиб йилларимиз» фильмларида шу жараён давом этади.

Лекин, бунга қарангки, Э. Эшмуҳамедов фильмларида истеъдодли актёр Р. Саъдуллаев яратган қаҳрамон образи бошқа фильмларимизда ҳам пайдо бўла бошлади. Образнинг турғун бир ҳолда фильмдан фильмга кўчиши яхши эмас. Бу «кўчирма» образ томошабинда ҳис-ҳаяжон уйғотмайди.

**Х. А.** — Сиз айтаетган фикрнинг бошқа аспекти ҳақида мулоҳаза қилиш учун асос бор. Бундай қайтариқ образ томошабинга завқ бағишлай олмайди. Қайтанга долзарб мавзуларни ёритиш борасидаги изланишни сусайтиради. Режиссёрнинг актив ижтимоий позицияси қаҳрамон танлашда ҳам, уни талқин этишда ҳам сезилмоғи керак. Бир неча йил аввал истеъдодли актёр Ш. Эргашевга «Бу ёқимтой йигит», «Қутамиз сени, Темур», «Биринчи пассажирлар» ленталарида, сиз айтиб ўтгандек, бир хил роль топширилиши натижасида бу санъаткорнинг ижодида турғунлик вужудга келди. Кўришиб турибдики, режиссёр муносабати актёр ижодининг сермахсул, серзавқ бўлиши ёки, аксинча, унумсиз ҳолга тушиши учун таъсир кўрсатади.

**Ш. А.** — Фильмларимиздаги қаҳрамонлар катта орзу-умид ва ишонч билан яшашлари, порлоқ истиқбол учун курашишлари керак. КПСС XXVI съезди минбаридан айтилган мана бу сўзлар биз учун аниқ, конкрет кўрсатмадир: «Асар қаҳрамонлари майда-чуйда ишлар атрофида ўралашиб қолмасдан, ўз мамлакатининг ташвиши билан яшамоғи, шижоатли меҳнат билан, адолат ва яхшилик тантанаси учун астойдил курашиш руҳи билан йўғрилган ҳаёт кечирмоғи лозим».

Сиз санаб ўтган фильмларда қаҳрамонларнинг ҳаёти, тақдир томошабини қизиқтирмайди, ҳаяжонлантирмайди. Чунки уларнинг характери юзаки, енгил-елпи таърифланган. Томошабин қаҳрамоннинг ички кечинмаларининг, катта мақсад йўлида яшаб, меҳнат қилиш жараёнининг реалистик тарзда тасвирланишини истади.

**Х. А.** — Фикр теранлиги, бадий му-



каммаллиги ҳақида мулоҳаза юритганимизда маданий меросимизга, хусусан Шарқ поэзиясига мурожаат этиш ҳам фойдали деб ўйлайман. («Шоҳнома»даги Рустамни, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» поэмаларининг қаҳрамонларини эслайлик.) Айни вақтда, асарларга шакл танлаш, талкин йўллари билан танишиш, уларни ижодий ўзлаштиришда ҳам бу қўл келади.

**Ш. А.** — Фарҳод тоғлар орасида канал қазиб эл-юртга сув беришдек ният, юксак ҳис-туйғу билан яшайди. Қайс Лайлини шундай севадики, кучли муҳаббат ўлимини ҳам енгади.

**Ҳ. А.** — Бу ҳам маданий меросни ўрганиш, ўзлаштириш зурурлигини кўрсатади. Ушбу масалага ҳозир тасвирий санъатда жиддий аҳамият беришяпти. Менимча, кино, телевидение учун ҳам қадимий илғор санъат анъаналари қўл келиши мумкин. Кино, телевидение, театр мутахассисларини тайёрловчи ўқув юртлари программасида Шарқ маданияти тарихи, хусусиятлари, ўзига хос анъаналарини очиб берадиган лекция, машғулотлар ўтказилса фойдали бўлар эди.

**Ш. А.** — Мен Алишер Навоий асарларини луғат билан ўқиб ўрганганман. Сир эмас, ўзлаштиришда анча қийналганман. Лекин ўша мутолаа дамлари ниҳоятда лаззатли эди. Ўйлайманки, музыка санъати анъаналари ҳам чуқур ўрганишга лойиқ. С. Эйзенштейн ўз фильмларини музыка садолари билан бойитган. Илғор меросни чуқур ўзлаштириб олгани сабабли, у кадрларни монтаж қилишда ҳам кўҳна анъаналардан фойдаланади. Биласизки, унинг фильмлари шакл жиҳатидан ҳам ажойиб ва бойдир.

**Ҳ. А.** — Қаҳрамон ҳақидаги мулоҳазаларга қайтиб, шунини айтмоқчиманки, фильм сценарийдан бошланади. Винобарин, образлар ифодаси аввал сўзга, сўнгра тасвир ва овозга боғлиқ. Сиз айтган кўпқиррали характернинг экран талқинига адабий сценарий замин тайёрлайди. Шу сабабдан бу соҳага бўлган талаб кучайтирилиши, заиф образлар экранга бориб етмаслиги керак. Буни ҳамма тушунади, лекин барчага аён бўлган бу ҳақиқат амалда кўпичина инobatга олинмаяпти. Акс ҳолда «Ўзбекфильм»да «Етгинчи дев», «Мишка — артист», «Газетага юз сатр» каби сценарийлар экран юзини кўрмаган бўларди. Бу асарлар заминида вужудга келган фильмлардан томошабинлар нима ҳам ўрганади?!

**Ш. А.** — Шунинг учун ҳам гапни режиссёр кинога ўз мавзуси, ўз қаҳрамони билан кириб келиши зарур, деб бошладим. Режиссёр экранда гавдалантирмоқчи бўлган қаҳрамоннинг сценарийдаги ифодасига бифарқ қарай олмайди. Сценарийга, ундаги қаҳрамон образига талабини сусайтиришни томошабинга жўрматсизлик деб тушунаман. «Чапаев», «Буюк гражданин», «Балтика депутати» каби фильмлар сценарийлари тарихини эсласак, қаҳрамон ҳақидаги фикримиз яна ойдинлашади. Сценарий авторлари асарларига «Буюк гражданин» деб ном бериш билан фильмни кўтаринки руҳда, пафос билан баён этишни бошданоқ кўзда тутганлар. Буюк гражданин деб улар Коммунистик партиянинг йирик арбоби С. М. Кировни назарда тутганлар. Бу шахс ҳақида икки серияли кинодрама яратганлар. «Балтика депутати»да ҳам сценарийга,

қаҳрамонга бўлган муносабат шундай ифодаланади. «Чапаев» романи ҳам яхлит образ яратишга, фильмда қаҳрамон характеридagi зиддиятларни хаспўшламасдан кўрсатишга даъват этади. Шундай мезон билан ҳозирги асаримизга мурожаат этсак, уларни баҳоласак, томошабинлар олдидаги қарзимизни яна яққол кўра оламиз. Ҳозир биз қаҳрамоннинг айрим фазилатларини эмас, балки унинг барча инсоний жиҳатларини, образнинг мураккаблигини кўрсатишга интилишимиз керак. Ваҳоланки, баъзи фильмларда қаҳрамоннинг психологик портретини эмас, балки унинг соясини кўргандек бўламиз. Лекин кейинги йилларда пайдо бўлган баъзи ўзбек фильмлари марказида тўлақонли образлар туриши бу соҳадаги изланишлар яхши самаралар ҳам бераётганидан далолатдир. Аммо кинематографиямиз етуклик ёшига етганида талаблар ҳам муттасил ўсиб бориши табиий.

**Ҳ. А.** — Режиссёр ҳамиша ҳаёт талабидан, замон талабидан келиб чиқиши зарур. Бу хусусда Латиф Файзиевнинг ижоди характерли мисол бўла олади, «Ватанга хизмат қилиб» фильми санъаткор давр талабини кўзда тутиб ижод қилишини яна бир бор исбот этди. Унинг қаҳрамони Налимов Афғонистон ва Россия ўртасида дўстона муносабатлар ўрнаштириши учун жонбозлик кўрсатди. Томошабин диққатини тортадиган мавзу, қаҳрамон танлай олишда режиссёрнинг малакаси яққол сезилиб турибди. Латиф Файзиев Шарқ эртаги «Алибобо ва қирқ қароқчи» фильми устида ишлаётганда ҳам асар гоёси ва қаҳрамонларни бўрттириб, ёрқин бўёқларда тасвирлаган. Бу икки серияли асарни миллионлаб томошабинлар зўр қизиқиш билан кўряпти. «Алибобо ва қирқ қароқчи» Белградда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган Халқаро кинофестивалнинг олий совринига муяссар бўлди.

**Ш. А.** — Бундай фильмларни кўриш эстетик жиҳатдан завқли, албатта. Ҳамкасбимнинг ютуғи барчамизни қувонтирди. Шу билан бирга, экранимиз асосий қаҳрамони замондошимиз бўлиши керак. Немирович-Данченко «муваффақият» сўзини «ўз вақтида асар яратиш» деб тушунган. Унинг давр талабидан келиб чиқиб, ажойиб спектакллар бунёд этгани бежиз эмас. Бу хусусда мулоҳаза қилганимизда Дамир Салимовнинг «Ленинградликлар — жигарбандларим» лентаси менга ёқади. Унда коллектив образ мавжуд. Фильмда Улуғ Ватан уруши дамларида жасорат кўрсатган ўзбек аёлларининг коллектив образи яратилган.

**Ҳ. А.** — Ҳурматли Шўхрат Солиҳович! Сиз буюк ўзбек адиби, кўпқиррали талант эгаси, миллий санъатга улкан ҳисса қўшган инсонпарвар сиймо Ҳамза ҳақида кўп серияли киноқиссага оид ишингизни якунладингиз. Менимча, буюк санъаткор, қалби олов гражданин Ҳамзанинг гуманистик гоёлари кўп серияли телевизион кино воситалари орқали кенг, атрофлича тасвирлаш имкониятини берди.

**Ш. А.** — Бу фильмни ишлаш даврида, назаримда, ўзим ҳам, группамиз ҳам ўсдик. Қаҳрамон образининг ёрқинлиги ва мураккаблиги, иккинчи томондан телевизион кино хусусиятларини бевосита ижод дақиқаларида ўзлаштириш, янги шакллар кашф этишга интилиш туфайли 10 йил давомида

ўз бадиий биографиямни анча тўлдирган-дайман.

**Ҳ. А.** — КПСС Марказий Комитетининг «Болалар ва ўсмирлар учун кинофильмлар ишлаб чиқариш ва кўрсатишни яхшилаш тўғрисида»ги (1981) қарори кинематографиямиздагина эмас, умуман маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлиб қолади. Унда синтетик санъат асари бунёд этилишида қатнашадиган ижод аҳли — адиб ва режиссёр, актёр ва рассом, оператор ва бастакор фаолияти янада сермахсул бўлишига хизмат қиладиган ижодий-амалий тадбирлар аниқ белгиланган. Бу кўрсатмалар кинематографик амалиётимизга албатта катта ижобий таъсир кўрсатади, натижада энг актив ва синчков томошабинлар армияси — болалар ва ўсмирларга кўплаб янги асарлар тақдим этишга эришилади. Энди, шундай ленталар яратишнинг босқичлари ва уларнинг экрандаги умри узоқ, самарали бўлиши ҳақида суҳбатлашсак, сиз нима дейсиз?

**Ш. А.** — Бу соҳада ижод қилмаган бирор санъаткорни топиш ҳам қийин: Комил Ерматов («Пахтаой» 1952), Йўлдош Аъзамов («Қилич» 1935), Зоҳид Собитов («Сахродаги воқеа» 1957), Қамара Қамолова («Аччиқ данак» 1976, «Эртага чиқасанми» 1980), Юрий Степчук («Ҳошим катта бўлганда» 1975), Мухтор Оғамираев («Еттинчи дев», «Комила» 1975), Равиль Богиров («Дорбозлар» 1964) каби кинематографиямизнинг турли бўғинига мансуб режиссёрлар болалар ва ўсмирлар учун асарлар яратгани маълум. Мен ҳам бу мавзуда ижод этишга уринганман. «Абу Райҳон Беруний», «Алангали йўллар» фильмларида буюк шахсларнинг ёшларга бўлган муносабатини, уларнинг мураббийлигини кўрсатишга интилдим. «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри»да ўсмирларга бевосита муурожаат этганман, болаларга атаб яна фильмлар яратиш режаларини ҳам йўқ эмас... Ҳозир, ўзингиз биласиз, 17 серияли «Алангали йўллар» телевизион фильмини суратга олиб бўлдики...

**Ҳ. А.** — Болалар киноси соҳасида ижод қиладиган санъаткорларнинг савияси, танлаган соҳаларига садоқати, лаёқати масалалари аниқсиз ҳозирги кунда актуал. Чунки студиялар ижодий кадрлар билан таъминланган ҳозирги кунда болалар киноси соҳасида ижод қиладиганларни аниқсиз синчковлик билан саралаш, синовлардан ўтказиш керакка ўхшайди. Жўн асар фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. КПСС Марказий Комитети қароридан «Болалар учун фильмлар ишлаб чиқариш энг яхши ижодий кучларни жалб этишни талаб қилади», дейилиши бу масаланинг нақадар масъулиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

**Ш. А.** — Ҳар қандай ҳолда масала сценарийга бориб тақалади. Режиссёр ўз услуби, бадиий тасаввурига кўра адабий сценарий излайди. Шундай асар топилса-ку, яхши. Бўлмаса-чи? Сценарий танқислиги пайтида узоқ таллаб ўтиришнинг ҳам иложи йўқ. Баъзан режиссёр ўзига маъқул, лекин болалар дўнәсидан йироқ бўлган сценарийни қўлга олади... ёки аксинча. Ҳар жиҳатдан маъқул ва мос сценарий топиш жуда қийин. Қарорда эса сценарийгина эмас, фильмларнинг бошқа қўмпонентлари ҳам юқори савияда бўлиши лозимлиги таъ-

кидланади. Шундагина фильм ўз томошабинни топади, демак вазифасини бажаради.

**Ҳ. А.** — Ҳозирча сиз айтган асарлар — «ўз вазифасини бажарган» ленталар — «Мишқа артист», «Ҳошим катта бўлганда», «Воқеа» каби фильмлар ёш томошабинларда қандай ҳис-туйғу уйғотиши мумкин, деб кўп ўйлайман. Аввало, уларда қаҳрамон масаласи ҳал қилинмаган. Иккинчидан, танланган бадиий шакллар ҳам қизиқарли эмас. Болаларга аталган асар марказида ишққмас, ҳатто жиноятга қўл урган ёшлар турса, кадрларда теран фикр сезилмаса, томошабин диққатини тортадиган, унга эстетик завқ берадиган, ўйлашга ундайдиган эпизодлар заиф, ҳатто ҳақиқатга зид бўлса... Бундай фильмлар эстетик тарбия учун хизмат қила оладими, ахлоқ нормалари ҳақида фикр юритишга ундайдими?! Бундай асарларнинг яна бир зарарли томони бор. Улар ёш томошабинда тўғри эстетик принципларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади. Заиф, ғоявий бўш, бирор чуқур драматургик юкка эга бўлмаган, саргузашт воқеалардан ташкил топган асарлар «эстетикаси» бора-бора бадиий дидга салбий таъсир кўрсатади. Томошабин ҳақиқий санъат асарини ёмон асарлардан ажратиши қийин бўлиб қолади. Бир неча йил аввал экранларга бир вақтнинг ўзиде «Амфибия одам» ва «Бир йилнинг тўққиз куни» ленталари чиққан эди. Улардан бирида атом қудратини инсонга хизмат қилдиришдек ўта мураккаб, шарафли ва ниҳоятда масъулиятли илмий кашфиёт устида ишлаётган олим Гусев ҳамда унинг ҳамкасб дўстларининг гражданилик жасорати, инсоний фазилатлари йирик планда намоён этилган бўлса, иккинчисида томошабинга саргузашт сюжет, севишганларнинг изтиробларини кўрсатишга мосланган анъанавий «учбурчак» тақдим қилинди. Шунда «Советский экран» журналининг саволларига жавоб ёдган томошабинларнинг айримлари «Бир йилнинг тўққиз куни» фильмини яхши асарлар қаторига киритдилар, баъзилар эса (улар хат йўллаганларнинг кўпчилигини ташкил этади) «Амфибия одам»ни йилнинг энг яхши кинофильми деб атадилар. Бу ҳақда мен атайлаб батафсил сўзлаярман. Чунки, фикримча, икки асарни баҳолашда аниқсиз ёш томошабинларнинг эстетик тайёргарлиги етишмаслиги яққол сезилиб турибди. Шундай ҳоллар учра-маслиги учун болаларга аталган асарлар ғоявий жиҳатдан бақувват, бадиий жиҳатдан юксак, нозик ва ранг-баранг бўёқларга бой бўлиши зарур. Бу йўлдаги изланиш самарали бўлиши учун болалар адабиётининг энг яхши анъаналарини саралаб ўрганиш лозимдир. Ажаойиб ленталар «Қилич», «Пахтаой», «Темир ва унинг командаси», «Гўзал Василиса», «Аччиқ данак», «Руслан ва Людмила» сабоқларини тез-тез эслаб туришимиз керак!

**Ш. А.** — Кинотеатр афишаларида «16 ёшга бўлган болалар сеансга қўйилмайди» каби ёзувларни кўп ўқиймиз. Аминманки, агар болалар учун яратилаётган фильмлар кўп ва яхши бўлса, бундай ёзувга эҳтиёж қолмайди. Режиссёр Ю. Райзман бундай деган эди: «Ўсмирларга баъзи фильмларни кўришни таъқиқлайдилар, 16 ёшдан кейин эса одам бундай фильмларни кўришни хоҳламай қўяди». Ожиз, нурсиз фильм

томошабинсиз қолади. Ёш китобхон ўзига мос эртаклар, ҳикоялар, шеърларни ўқигандек, ёш томошабин ҳам телевидениеда, кинотеатр ва клубларга борганда ўзига муносиб, мароқли фильмларни танлайди. Қарорда шундай асарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда, болалар кинематографияси, назарияси ва амалиётига оид илмий тадқиқот ишларини интенсив равишда олиб бориш лозимлиги қайд қилинади. Бу жуда муҳим кўрсатма. Зеро, илмий-тадқиқот ишлари замонавий талабларга жавоб берадиган даражада, чуқур назарий билим ва ижобий амалиётга таъинган ҳолда олиб борилганида икки вазифани ўтиш мумкин: яхши фильмлар тажрибасини умумлаштириш ҳамда томошабин дидини тарбиялаш вазифаси бажарилади. Менимча, бу соҳадаги илмий иш амалиёт билан айниқса узвий боғлиқ бўлиши керак. Социологик тадқиқотларни киноэстетика масалалари билан боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

**Ҳ. А.** — Бу хусусдаги мулоҳазаларингизга шуни қўшимча қилмоқчиман: киноэстетика масалалари билан мунтазам шуғулланидиган вақт аллақачон келди. Менимча, музыка саводи билан қандай шуғулланилса, кинематографияни тушуниш масалари билан ҳам шундай (балки ундан ҳам жиддийроқ, чунки музыка билан ҳар қим ўзи учун шуғулланиши мумкин, кинофильм эса кўпчилик билан кўрилади, идрок этилади) шуғулланиш зарур. Мактабларда, турли ўқув юртларида алоҳида, мустақил программа асосида «Фильмни қандай кўриш керак?», «Кино-синтетик санъат», «Кино ва анъанавий санъатларнинг ўзаро муносабатлари», «Кино техник кашфиётни ёки санъат турими?» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилиши, лекциялар, амалий машғулотлар ташкил қилиниши керак. Баҳонада яна бир гапни айтмай: кино масалалари бўйича мақола, рисола ёздиганларнинг сони ҳозирча жуда оз. Бу мени ҳамиша ташвишга солади — кино, айниқса, телевидение орқали ҳар бир хонадонга кириб борганда, маданият саройлари ва ажойиб кинотеатрларда йилга юзлаб фильмлар кўрсатилаётган пайтда томошабинлар билан фикрлашадиган, улар билан баҳслашадиган, пировардида уларга йўл кўрсатадиган кино танқидчиларнинг сони кескин ўсиши зарур деб биламан. Мактаб ва олий ўқув юртларида (айниқса, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида, Маданият институтида, Театр ва рассомлик институтида) киноэстетика, кино назарияси масалаларини ўрганиш профессионал танқидчилар ҳамда ижодкорлар иштирокида ҳал этилса киношунослар сафи ўсиши учун замин тайёрланган бўлар эди. Бу замин, табиийки, ёшлар, актив томошабинлар — мактаб ўқувчилари, институт студентлари ёрдамида тайёрланади.

**Ш. А.** — Амалиёт билан илмий фикр бир-бирига боғлиқ албатта. Ўзбек фильмлари «Олмос», «Шум бола», «Аччиқ данак», мультпликацион фильмлар — «Бахт қадри», «Қизча ва юлдузча» чуқур таҳлилга лойиқ. Бу асарларга тақриз ёзиш, уларнинг мазмунини айтиб бериш осон. Гап бундай асарларга тасвир ҳамда овоз воситалари, ижро ва режиссура, монтаж ритми ҳамда кадрлар композицияси нуқтаи назаридан

ёндашиб, умумий мулоҳазаларга келиш, ёш томошабин дидини тербияладиган, айни чоғда кино ихлосмандига завқ берадиган бадий шакллар ҳақида профессионал фикр юритишда. Бундай фикрни эса фильм яратиш жараёни билан муттасил танишиб берадиган, пухта назарий билимга эга бўлган мутахассис айтиши мумкин. Шундайларни тарбиялаш муҳим вазифа эканлиги КПСС Марказий Комитети қароридан кейин яна ҳам аниқ бўлди.

Инсоннинг болалигида кўрган-билгани умрбод ёдида қолади. Шу «кўрган-билгани» ҳаётимизнинг ҳаққоний лавҳалари бўлиши, ўсмирларнинг хотирасида абадий сақланиб қолиши, образлар ечими ахлоқ ва тарбияга хизмат қилиши учун ижодкорлар, илмий масалалар билан шуғулланаётганлар, прокат, телевидение, радио, матбуот ходимлари, мактаб, ўқув юртлари талайгина иш қилишлари керак. Павел Корчагин образи ёшлигимдан менга катта таъсир кўрсатган, дунёқарашимнинг шаклланишида муҳим омил бўлган. Ҳозир ҳам ижодий жараёнда бу сиймо тасаввуримда гавдаланади, шунда у билан маслаҳатлашгандек бўламан. Шундай образлар яратиш ҳақида ўйлаш керак.

Қарорда болалар ва ўсмирларга аталган фильмларнинг нусхаларини кўпайтириш имкониятларини излаш, ихтисослашган болалар кинотеатрлари тармоғини кенгайтиришнинг чора-тадбирларини кўриш ҳақида аниқ кўрсатмалар берилган. Бундай тадбирлар қўлланилиши шаҳарларда янги махсус кинотеатрлар очилишига, область, район, қишлоқларда ёш томошабинларга аталган фильмларнинг яхши нусхаларининг кўплаб кўрсатилишига олиб келади. Мен ўзбек кинематография Давлат комитети коллегиясининг аъзоси сифатида республикамиз бўйлаб болалар учун кинотеатрлар кўплаб қурилаётганидан хабардорман. Бу факт республикамиз ҳукумати катта зарур иш билан муттасил шуғулланаётганини кўрсатади.

**Ҳ. А.** — Шуҳрат Солиҳович, фильмлар проблематикаси ва шакли ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим: «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри» болалар ҳақида ҳикоя қилади. Лекин йигирманчи йиллар воқеалари, Улуғ Ватан уруши даври қийинчиликларини тасвирловчи бу асарларни ёшу қари бажонидил томоша қилмоқда. Дамир Салимовнинг «Ленинградликлар — жигарбандларим» фильми ҳам маълум жиҳатдан шу анъанани давом эттиради. Мелис Абзаловнинг «Чинор остидаги дуэль» лирик қиссаси эса замон проблемаларини илгари сургани, ёшларнинг қувноқ ҳаёти, илк севгиси, характерлар шаклланиши жараёнини кўрсатувчи асар сифатида эътиборга лойиқ. Қамара Камолова болалар ўйини, ўзаро самимий муносабатларини очиш йўли билан «Эртага чиқасанми» фильми қаҳрамонларнинг ички дунёсини, уларнинг воқеликни идрок этишга, мустақил фикр юритишга уринишини кўрсатади. Мухтор Оғамирзаевнинг яратган «Қомила» фильмида Қомила исмли нозик табиатли қизнинг атрофдаги воқеа-ҳодисаларни кўз илгамас, лекин доимо янғроқ садолар, ўйчан оҳанглар орқали қабул қилиши, тафаккури, тасаввури бойишининг поэтик кадрларда тасвирланиши томошабинни ҳаяжонга келтиради.

Ш. А. — Сиз санаб ўтган асарлар мавзу, жанр жиҳатидан хилма-хил. Уларнинг ҳар бирида тарбия, ахлоқ масалалари болаларга, ўсмирларга хос шаклда очилади. Лекин бу фильмларни катталар ҳам кўрадилар. Бундан қандай хулоса келиб чиқади? Аркадий Гайдар асарларини ёшу қари қизиқиш билан ўқигандек, ёш томошабин учун яратилган фильмларни турли ёшдаги санъат ихлосмандлари қизиқиш билан кўриши керак. Демак, ленталаримизнинг гоъвий-бадий шакли юқори савияда, шунга муносиб бўлиши зарур.

Сиз «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри» фильмларини эсладингиз. Бу асарлар устида ишлаш даврида мен баъзи мулоҳазаларга ҳам борганман; биз биродарлик, сахийлик, инсонийлик гоъларини ёшларимиз онгига бадий образлар ёрдамида сингдириб бориш учун нималар қилишимиз керак?! Болаларимиз ҳақиқий поэзияни ва ҳаёт зиддиятларини билиши, ҳушчақчақ, соғлом юмюрни ҳис этиши ҳамда келажакка ишонч туйғуларига эга бўлиши учун қандай нозик воситалардан, нафис бўёқлардан фойдаланишимиз керак?! Бу саволларга шундай жавоб топдим: дидактикадан узоқроқ бўлиш, экран орқали ҳадеб маслаҳат беравермаслик, ёш томошабиннинг ўзи хулоса чиқариши учун шароит яратиш керак. Бизнинг бадий бисотимиз шунчалик бой, хилма-хил ранглардан иборат бўлиши керакки, кишиларни болалигидан гуманистик — Ленин гоълари билан, илғор мафкурामиз билан таништириб боришга қодир бўлайлик. Бунинг учун, такрор айтаман, ёш томошабинларга ишонч керак, уларни насихатқўйлик билан эмас, образлар талқини, воқеалар ечими орқали етаклаш зарур. Болалар ҳақидаги фильмларимда мен кучли драматизмга эга бўлган эпизодларни: кураш жараёнини айнан кўрсатишга, ҳаёг диалектикасини ҳеч бир силлиқламай таърифлашга, ҳатто фожиавий унсурлардан холи бўлмаган дақиқаларни ҳам тасвирлашга ҳаракат қилдим. Уларнинг ички дунёсини бойитишда, асарларимизда ҳам шундай фикрдан келиб чиқишимиз керак, деб ўйлайман. Ешлик экранда ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлиши лозим.

Ҳ. А. — Суҳбатимиз давомида ижодий кадрларнинг малакаси, профессионал тайёргарлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Шу боисдан бир таклифни айтиб ўтмоқчиман. Езувчилардан режиссура кадрларини танлаш масаласи қўйилса қандай бўларкин?! Шунда қалам соҳиби кинога теран фикри, юксак маданияти, миллий анъаналарини ўрганиш натижасида орттирган тажрибасини олиб келган бўлар эди. Ҳозирча айрим езувчиларнинг сценарийлари экранга бориб етгунича ўзгариб кетаётгани ҳақида ҳам мулоҳазалар айтилмоқда.

Ш. А. — Езувчилар иш кабинетларида,

дегиз бўйига жойлашган ижодий уйларда китоб ёзадилар. Жимжитликка, оҳиста ритмда, бафуржа ишлашга ўрганиб қолган бундай ижод аҳли киностудиянинг шовқинига, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган техник, ташкилий қийинчиликларига ўргана олармикин? Режиссёр бўлиб етишиш учун олдин езувчилик маҳоратини ошириш шарт эмас, деб ўйлайман. Ахир С. Эйзенштейн архитектор, С. Герасимов актёр, Т. Океев эса овоз оператори бўлган-ку!

Ҳ. А. — Шуҳрат Солиҳович, учрашувларда, телевиденига, редакцияларга келаётган хатларда «Нега ўзбек фильмлари ўзбек тилида суратга олинмайди ва кўрсатилмайди», деб савол берадилар.

Ш. А. — Аввало шунга айтиш керакки, «Чинор остидаги дуэль», «Келинлар кўзголони» каби бир қатор фильмлар ўзбек тилида суратга олинган. Студиямиз йилига 60 дан ортқ бадий фильмни ўзбек тилига дубляж қилиб, томошабинларга тақдим этмоқда. Лекин бир қатор режиссёрлар ўз фильмларини рус тилида яратмоқдалар. Мен ҳам шундайларданман. Сабаб? Фильмимизни биз фақат республика учун эмас, Иттифоқимиз шаҳар ва қишлоқлари учун мослаб яратамиз. Бинобарин асарларимизнинг асл нусхаси кўпчилик тушунадиган тилда бўлиши керак, деб ўйлайман. Акс ҳолда фильмни рус тилига кўчиришда биз — режиссёрлар билан ҳеч қачон маслаҳатлашмайдилар. Дубляж бўйича режиссёр фильмимизга овоз беришда ўзича овоз (актёр овози) танлайди, текстни ҳам ўзгартириши табиий.

Ҳ. А. — Демак, езувчи ўз асарининг таржимасини қанчалик хавотирланиб кутса, режиссёр ҳам ўз фильмнинг дубляж қилинишини шунчалик ҳаяжон билан кутади?

Ш. А. — Китоб таржима қилинганида оригиналдан яхши чиққан, ёки оригинал даражасига кўтарилган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси К. Симоновнинг таржимасида ўз фазилаглари йўқотмади...

Ҳ. А. — Бундай ҳолни кинода ҳам кўриш мумкин. «Солдатнинг отаси» қиссасига овоз берган Шукур Бурҳонов грузин фильмининг моҳиятига, хусусиятига тушуниб ижод этган. Натижада бу асарнинг ўзбек тилидаги нусхаси оригиналдан қолишмайди.

Ш. А. — Бундай ҳоллар бор. Лекин одатда таржима савиясини унинг ўзи ва қисман муҳаррир ҳал этади. Дубляжда эса режиссёрнинг тайёр асари тақдири таржимон, дубляж режиссёри, овоз оператори, актёрлар, муҳаррир каби ижодий ва техник ходимларга боғлиқ. Шу боисдан асаримиз кўпчиликнинг қўлидан «эсон-омон чиқсин», деб четдан қараб туришга тўғри келади. Хуллас, асосий масала излашишда қолган.

Ҳ. А. — Тўғри айтдингиз, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

# QWERTY TASLAR

1. Ёрифинги асарингизнинг эълон қилиниши тарихини гапириб берсангиз.
2. Ёввосита ёзиш жараёни Сизда қай тарихқа кезади? Ўжодда „туртки“ деган тушунга бор. Мосалан, Лев Шолстой синиб ётган бўтакўзни кўриши билан қалбда, шуурида тўсатдан „чакмоқ чакқану“ сизу биз яхши биладиган „Хожимурод“ деган аждойиб асарини ёзган экан. Сизнинг таъжрибангизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? Қайси асарингизда?
3. Қайси асарингиз ўзингиз устун айниқса қадрли? Қайси биридан кўнглингиз тўлмаган?
4. Ўжодда кимни устоз деб биласиз?
5. Ёзувчининг актив фразданлик позицияси деганда нималарни тушунасиз?
6. Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар қайсию энг бахтсиз кун қайси?
7. Ёзқаятган асарларингизнинг қайси камчилиги Сизни айниқса ташвишга солади? Ўз ўжодингизда ҳам камчилик сезасизми?
8. Ўнсондаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? Қандай қусурларни ёмон кўрасиз?
9. Ёваъзи жасурналхонлар „фалон китобнинг фалон қаҳрамони ҳаётда борми ёки уни ёзувчи игидан тўқиб чиқарганми?“— деб сўрошади. Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини ўз ўжодингиздаги айрим мисоллар билан айтиб берсангиз.
10. Танқидга муносабатингиз? Ўзингиз танқидга бўлсангиз нима қилардингиз?
11. Ҳозир қандай асар устида ишляптисиз?

Ушбу сонда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси САИД АҲМАД ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ОЙДИН ҲОЖИЕВАларнинг анкета саволларига жавобларини ўқийсиз.

Кейинги пайтларда газета-журналлар ҳамда радио-телевидение томонидан ёзувчиларга шу тахлит анкеталар юбориш одат тусига кириб қолди.

Бу, албатта, анкета олган ёзувчининг ижодига қизиқаётганларнинг кўпайганини билдиради.

Мен ўзим шунақа анкеталардан кўпига жавоб берганман. Ҳар қанча уринмайин аввалги жавоблар ёдимга келаверади. Ана шундай пайтларда яхши ёзувчи аввалги гапларини қандайдир бошқачароқ қилиб айтгиси келади.

1. Аввало биринчи «асарим» дейишга тилим бормайди. Умуман «асарим», «ижодим», деган гапларни айтишдан хижолат бўламан. Чунки бу икки сўз шу қадар баландки, ёшим шу ерга етиб ҳам кўлим етмаётгандек. Худди, мен даҳоман, мен буюкман, деб айтаётганга ўхшайсан. Ҳатто буюк Чехов дўстига ёзган хатида: «Сегодня одну вещь написал», деган. Чехов айтган ўша «нарса» «Чиновникнинг ўлими» номли оламга доврўғи кетган ҳикоя эди.

Биринчи нарсам минг тўққиз юз ўттиз етти ёки ўттиз саккизинчи йилда «Ишқивоз» номи билан «Муштум» журналида босилган. Уни машҳур фельетончи Комил Алиев таҳрир қилиб, лаб-лунжини тўғрилаган эди.

Нечун бу воқеа ёдимда қолган? Комил ака ўшанда кўлимга икки нусха «Муштум» журналдан бериб, шуни Гофирга обориб берсанг, ҳикоянгни чиройли таҳрир қилиб бераман, деб айтган эди. Фафур акани Қумлоқ маҳалласида туради, деб эшитган эдим. Журнални кўлтиқлаб Қумлоқни қидириб кетдим. Йўлда журнални очиб қарасам, Фафур Фуломнинг «Довдираш» деган қиссасининг давоми босилган экан. «Шум бола» қиссаси даставвал шу ном билан эълон қилинабошлаган эди.

Домла кўли очиқ одам экан, қорнинг очгандир, деб олдимга овқат кўйди. Кейин, йўқотиб қўйма тагин, деб тайинлаб, «Довдираш»нинг давомини берди.

Редакцияга қайтиб келсам, Комил ака ҳикоямни таҳрир қилиб машинкага бериб кўйган экан. Ҳикоя босилиб чиққанда, гапнинг рости, кўп сўзларга тушунмадим.

Лекин ҳалигача «Ишқивоз»дек тили етук ҳикоя ёзолганим йўқ.

Биринчи нарсам мени икки улкан ижодкор билан таништирди. Ҳамда адабиётда тил энг зарур масала эканини ўргатди.

2. Билмайман. Бир кун аввал ичиб маст бўлган кишидан, кеча нима ишлар қилдинг, деб сўраганмисиз? Улай агар, билмайди. Ижод дамлари ҳам худди шундай «кайф» билан кечади. Ҳикоянинг қайси сўзини қандай топдинг, жумлани қандай туздинг, ҳикоя қаҳрамонининг номи калланга қаёқдан келди — буларни кўпинча билмайсан.

Умуман, бадий асар қандайдир ички бир оҳанг таъсирида ёзилади. Жумлалар, сўзлар оҳангига мослашиб... ўз-ўзидан келаверади. Агар ички оҳанг топилмаса, ҳикояни ўқиш жуда қийин бўлади. Шеърда бир вазн ортиб кетган бўлса ўқиб бўлмайди. Ҳикоя ҳам шу. Бу хил ҳикояларни китобхон ярмига етмай ташлаб юборади.

Ижод жараёнининг ажиб бир сеҳри бор. Шу сеҳр домига тушган ижодкорнинг асари ўқувчисини ҳам сеҳрлаб кўяди.

Ана шундай жозибали асар ёзган ижодкордан, буни қандоқ қилиб ёздинг, деб сўраманг. Айтолмайди.

Ижодда туртки бўладиган воқеалар, буюмлар, ҳид ва ранглар бўлади. Кичкинагина бир воқеа сабаб бўлиб, ижодкор юрагида димиқиб, ташқарига чиқишга интиқ бўлиб ётган катта воқеалар ҳаракатга келади.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталари эди. Машинада Оҳангарон тоғлари орқали Андижонга кетаётган эдик. Тоққа кўтарилишда, йўл четида, мойга қоришиб кетган комбинеzon кийган ўрта яшар бир одам кўл кўтарди. Индамай ўтиб кетавердик. Унинг мойли кийимлари машина ўриндиғини флос қилади, деб ўйладик. Аммо сал нари борганимизда яхши иш қилмаганимизни билиб қолдик. Ёмғир шаррос қуярди. Кўз олдимиздан шалоббо бўлган бир одамнинг кимсасиз тоғ ўнгирида ночор қолгани сира кетмасди.

То Андижонга етганимизча кўнглимиз хижил эди. Эртасига ҳам ўша одам хаёлимдан кетмади.

Бориб-бориб шу одам бир ҳикояга қаҳрамон бўлди.

Ҳикояда шундай воқеа кечади...

Биз йўловчини олмай ўтиб тоғ чўққисига чиққанимизда сел тошларни кўпориб йўлни тўсиб қўйган экан. Юзлаб машиналар ўтолмай тиқилиб кетган. Ҳамма кимнидир кутяпти. Охири бир юк машинасида таниш йўловчи келади. У экскаваторчи экан. Бир соатга қолмай йўлни очиб беради. Икки томонга тиқилиб қолган

машиналар ўтиб кетишади. Биз эса унинг кўзига қарашга бетимиз чидамай ёмон аҳволга тушиб қоламиз.

Ҳикоя анча дуруст чиқди. Агар ўша одамни учратмаганимизда бунақа ҳикоя ёзиш етти ухлаб тушимга кирмасди.

Энди Толстойнинг «Ҳожимурод»и тўғрисида. Толстой тоғ йўлида синган бўтакўзни кўриб Ҳожимурод воқеаларини эслайди ва аста-секин ҳикоя қила-бошлайди.

Менимча, Толстой бу ерда адабий восита сифатида бўтакўзни мисол қилган. Аммо у ҳаётда бўтакўзни кўриб ундан кейин воқеани эслагани бирон жойда қайд қилинмаган. Бирон мақоласида, бирон кундалик дафтарию ёзишмаларида бу гап йўқ. Балки Толстой бўтакўзни ўйлаб топган бўлиши мумкин. Адабиётда шунақа приёмлар кўп бўлган.

3. Қайси бири яхши, қайси бири ёмон деб айтиш қийин. Ўзимга ёққандирки ёзганман. Ёмон туюлса ёзармидим.

Бироқ, маълум вақт ўтиб илгари ёзган нарсаларимни қайта ўқиганда, «у пайтларда анча гўр эканман, ҳозир ёзсам бошқача бўларди», деб афсусланган пайтларим кўп бўлган. Ўзимни ўзим ёмон кўриб қолмаслигим учун илгариги нарсаларимга камроқ кўз ташлайман.

Бу, албатта, кайфиятга ҳам боғлиқ. Яшириб нима қилдим, табиатим равшан пайтларда энг ёмон деб ўйлаган ҳикояларим ҳам яхшига ўхшаб кетаверади. Юрагимга қил сиғмай, турган пайтларда эса, туппа-тузук ҳикояларим ҳам расво ёзилгандек туюлаверади.

4. Битта устозга эргашган ёзувчи яхши ёзувчи бўлмайди. Ижодкор учун адабиёт хазинасига ҳисса қўшган жамики ижодкорлар сафларидан ўрганиши, ижодкорлар устозлик қилиши керак. Агар бир устоз кетидан юрсангиз, ўша устознинг ҳам ютуғини, ҳам камчилигини мерос қилиб оласиз.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимизда бир ўқитувчимиз бор эдилар. У кишининг муборак номларини айтмайман. У киши бизни адабиёт оламига бошлаб кирганлар. Дарс пайтида бутун бошли романлар, қиссалар, ҳикояларни сўзлаб берардилар. Киприк қоқмай тинглардик. Танафус тугамаёқ парталаримизга ўтириб, ҳикоянинг давомини сабрсизлик билан кутардик.

Йиллар ўтиб биз ёзувчи бўлдик. У киши қаридилар. Қариганда шеърлар машқ қилабошладилар. Бунга қарангки, у кишининг бирорта шеърларини матбуотда чиқаролмадик.

Ўша ўқитувчимиз бизга устоз эдимиз, раҳнамо эдимиз?

Менимча, у киши адабиётнинг беқиёс тарғиботчиси бўлган. У бизда ижод куртагини уйғотган.

«Устоз» деган сўзни ўйлаброқ айтиш керак.

Озарбайжон ва тожиқлар «устоз» дейишмайди, «муаллим» дейишади. Менимча, шу гап тўғри. «Устоз» сўзи сал баландпарвозроқ, жуда баландда турган, қўл етмас нарсага ўхшайди.

Ғафур Ғулломнинг шапалоғини едим, Абдулла Қаҳҳорнинг чидаб бўлмайдиган аччиқ дашномларини эшитдим, Гоголь пешонамга чертди, Чехов чимчилаб-чимчилаб олди, Шолохов «Қачон одам бўласан» деб ҳамма вақт қовоғини солиб юрди, Горький...

Нимасини айтасиз, шулар бўлмаса менинг ёзувчи бўлишим қаёқда эди.

Ана шу буюк шахсларни устоз десанг, муаллим десанг арзийди.

5. Адабиёт кўнгул хуши эмас. У даврнинг дард-алами, фарёди, шодон кулгиси, орзу армонлари, эзгу ниятларидир...

Ёзувчи эса юқорида айтилган шартларнинг барини ўз юрагига жо қила олган, аҳли оламга баланд овоз билан яхшиликни тарғиб қилувчи, ёмонликни қаҳру ғазаб билан лаънатлагувчи ўта актив гражданидир.

Ёзувчи тарки дунё қилиб яшолмайди. Узлатга чекиниб ижод қилаолмайди. У ҳаётда юз бераётган воқеаларга актив муносабатда бўладиган, буюк идеалларга чорлайдиган, эртанги кунни бугун кўрсатиб бераоладиган, инсонлар кўксига яхшилик уруғини экиб, ундан беҳисоб ҳосил кутадиган «деҳқон»дир.

Бизнинг совет адабиётимиз ҳеч қачон ёмонликни тарғиб қилмаган. У одамларни покликка, садоқатга, меҳри вафога чорлайди. Мана шу нуқтан назардан туриб қарасак, ёзувчиларимиз бу шарафли унвонга халқ ҳаётини яхши ўрганиши, унинг орзу-умидларига шерик бўлиши, аламларига қайғудош бўлиши натижасида эришганини яхши биламиз.

Ёзувчи фақат ижодкоргина эмас, у ўз даврининг, ўз ватанининг безовта, тиним билмас гражданидир.

Мен адабиёт аҳлининг бурчини шундай тушунаман. Ўзим ҳам шунга амал қиламан.

6. Инсон ўз умрида турфа ҳолатларни бошидан кечиради. Ғам шодлик билан,

шодлик ҳам билан алмашиб туради. Ҳаётимдаги энг бахтли ва хотирамда бир умр қоладиган дам «совет ёзувчиси» деган гувоҳнома олган куним. Энг бахтсиз дам — Саидахондан жудо бўлган куним.

7. Ҳозирги адабий тилимиз жуда яхши. Лекин уни қаламга оладиган ижодкорларимиз ҳар хил. Жуда нўноқлари ҳам бор. Баъзи китобларни ўқиб туриб, буни илгари мажлисларда қарор ёзиб юрган киши ёзган, деб ўйлайсиз. Бу адабий асарнинг тили эмас, қандайдир протоколлар тили. Ёзувчиларимиз (мени кечир-ришсин) тил устида мутлақо бош қотирмайдиган бўлиб қолишди. Синонимлардан мутлақо фойдаланишмайди. Бир сўзнинг ўнлаб маъно кашф қиладиган вариантлари бор. Улар фақат тўғри келса-келмаса биттасини ишлатаверишади. Шу йилнинг бошида «Шарқ юлдузи» журналида бу тўғрида батафсил ёзганман. Тескари жумлалар, нотўғри ишлатилган сўзлар, сўзни бузишлар тез-тез бўлиб туради. Шундай китоблар борки, қўлингга қалам олиб бошқатдан ёзворгинг келади.

Кўп ёзувчиларимиз халқ мақолларини қалаштириб ташлашади. Шу билан улар халқ тилини билганларини исботламоқчи бўладилар. Бўлмаган гап бу. Мақолни ёзувчи эмас, халқ ижод қилган. Яна бир гуруҳ ёзувчилар архаизм балосига гирифтор бўлиб қолишган. Улар гапни фикимлашади, аллақачон истеъмолдан қолган, халқ туфлаб ташлаган ибораларни ишлатишади. Улар тасвирлаган колхозчи ва ёки партком секретарини кўриб, ия, ўн еттинчи асрда ҳам колхозчи, партком секретари бўлган экан-да, деб юборгинг келади.

Яқинда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Туроб Тўла билан бир китобхоннинг тортишуви бўлди. Т. Тўла нотўғри ишлатган «эррайим деҳқон» сўзи мунозарарага сабаб бўлди. Туроб Тўла минг хил баҳоналар билан ўзини оқлашга тиришади. Аммо у ноҳақ. «Эррайим» сўзи қуруқ, мақтанчоқ, гўдайган, ўзини саҳий кўрсатувчи қалбаки одам, ўзини мард кўрсатувчи пуч одам дегани. Ҳатто Т. Тўла имло луғатидан мисол келтириб ўзини оқламоқчи бўлади. Русларда «Не боги обжигает горшки» деган гап бор. Ўша луғатнинг ўзи ҳам нуқсондан холи эмас, деб ким кафил бўлади.

Ижодимда камчилик бор-йўқлигини мендан эмас, китобхондан, танқидчи биродарлардан сўранг. Мен нимаки ёзган бўлсам, нуқсонсиз деб ёзганман. Китобхон кўзимни мошдек очиб қўйган пайтлар кўп бўлган.

8. Ўз сўзига ўзи тузатиш киритадиган одамни яхши кўраман. Бир гапни айтиб қўйиб, ноҳақ бўлса ҳам оёғини тираб, шу гап тўғри, дейдиганлардан ҳазар қиламан.

Бирор лавозимли одамнинг этагидан тутиб олиб уни доҳий даражасига кўтарадиган ва у одам лавозимидан тушгандан кейин орқасидан тош отадиган шахслардан жирканаман.

Менда ҳам камчилик кўп. Сал дангасароқман. Бугунги ишни эртага қолдириш — мендаги энг ёмон нуқсон. Ундан ташқари ҳазил қиламан деб, баъзи ўртоқларимнинг дилини оғритиб қўяман. Қандоқ қилай, кўндокда теккан касал экан.

9. Менга ҳам шунақа хатлар келиб туради. Очиғини айтсам, кўп хатларга жавоб қайтармайман. Бу хатларнинг кўпчилиги адабиёт назариясини, адабий асар принципларини билмайдиган кишилардан келади. Улар сўраган гапларига жавоб қайтариш учун «Адабиёт нима?» деган каттакон китоб ёзиб юбориш керак бўлади. Яхши мактабларимизда адабиёт дарсини чуқурроқ ўқитилишини талаб қилайлик.

Баъзан: асарингиздаги қаҳрамонингиз ҳозир борми, неча ёшга кирган, адресини бериб юборсангиз танишиб хат ёзишиб турардик, деб илтимос қилишади.

Кичкинагина бир хатда асар қаҳрамони йиғма образ, уни ёзувчи ижод қилган, аслида ҳаётда йўқ, ўнлаб одамлардан жамлаб яратилган, деб тушунтириб бўладими?

«Уфқ» трилогиясининг охирида шундай хотима бор.

«...Низомжон, сени ўзим яратдим, яратдим у бошинга кулфатлар солдим...»

Бир китобхон, ҳафсаласи пир бўлиб, шундай ёзади:

«Китобингизни овора бўлиб ўқиб чиққанимдан хафа бўлиб кетдим. Низомжон йўқ экан-ку, нега бизни лақиллатасиз?..»

Бу хатлардан баъзан хафа бўлиб кетасан. Баъзан китобнинг ўқувчини ишонтирадиган, йўқ одамни бор қилиб кўрсата олганингдан қувонасан ҳам.

10. Ўзим асло танқидчи бўлмоқчи эмасман. Бунақа фикр хаёлимга ҳам келмаган. Агар танқидчи бўлиб қолганимда биринчи галда ўзимни ўзим уриб чиқардим. «Саид Аҳмад яхши ёзувчи эмас» деб айтардим.

Ҳалол танқидни тан оламан. Савияси ўзингдан паст, адабий асардан завқ



ололмайдиган, тилидан латта ҳиди келадиган, жумлалари миждов «танқидчи»лардан дакки ейиш алам қилади. Аммо жуда доно танқидчиларимиз ҳам борки, врачларга ўхшаб адабий асарнинг томирини ушлаб туриб мақола ёзади. Ана шуларнинг гапига қойил қоласан ва тан берасан.

11. Ҳозир қандай асар устида ишляяпсиз, деб сўрабсиз. Ҳали битмаган асар тўғрисида интервью бериб уялиб қолган пайтларимиз кўп бўлган. Яхшиси асар битганда гаплашайлик.

## Ойдин Ҳожиева

1. Илк машқим «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналида 1961 йили эълон қилинган. Ушанда журнал ходими бўлиб ишлаётган Гулчеҳра Нуруллаеванинг таҳрири ва ёрдамида машқим «шеър»га ўхшаган эди.

2. Дастлаб ёзиш жуда осон кечарди. Йўлда ҳам, иш орасида ҳам, уй юмушларини бажара туриб ҳам ёзаверардим, вақт ҳам, жой ҳам танламасдим... Энди эса узоқ, жуда узоқ юрагимда сўзнинг шакллари пайдо бўлади, сукунатни излаб қоламан. Шеър қоғозга тушабермаган кунлари жонимда беҳаловатлик, бесаранжомлик сезаман. Худди қўлимдан энди шеър ёзиш келмайдигандек, умримда шеър ёзиб кўрмагандек, дунё бўшаб қолгандек туюлади. Кўнгилдагидай шеър битилганда эса... нимасини айтаё!

3. «Келинчак», «Бўзтўрғай» асаримни қайта ўқиганимда бир оз таскин топаман. «Она Ер соғинчи», «Ҳаётга таъзим» дostonларимдан ҳалигача кўнглим тўлмайти. Қоп-қора қилиб таҳрир қилгим келади-ю, ижодий поғонанинг рамзи сифатида шу ҳолича қолгани дурустмикин, деб ўйлайман баъзан. Шу фикримдан қайтган куним, уларни бошқатдан қўлга олсам керак...

4. Университет талабаси эдим. Бир кўни йўқлаб, Уйғун менинг шеърларим билан қизиққанларини айтиб қолишди. Шоирнинг уйларига Зулфия деган ўртоғим билан бордик. Устоз «Оқ йўл» ёзиб бердилар. 1963 йил эди. Уша «оқ йўл»нинг қарзи ҳамон елкамда. Бевоcита иш жараёнида шоира Зулфиянинг қимматли ўғитлари онгимни бойитди, шеър ишига жуда жиддий қарашни ўргатди.

5. Биз, яъни менинг тенгдошим бўлган авлод Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқиб тилимиз чиққан. Кўксидан ўқ еган, янгликнинг ташвиқотчиси бўлган, канал қазган, окопларда жангчи йигитларни ёр сўзи бўлиб овутган, қўриқ очган, халқ билан бирга социалистик ҳаёт қозонида «қайнаган» шеърят бўлогидан бахраманд бўлиб улғайганмиз. Уша гражданд шеърятнинг фазилатларини тўла ўзлаштириб олмоқ — фарз ва қарзимиз.

Эшигига шеърини умид билан олиб келган ёки бирор илтимос билан мурожаат қилган мухлисига, «бугун вақтим йўқ» деган шоирнинг граждандлигига ишонгим келмайди. Биз бепарволикка ўрганиб қолганга ўхшаймиз. Биз яшайдиган квартиралар остоналарида ахлат уюмлари, деразамизга «мўралаб» турган дарахт шохларига турли қоғозу латта-путталар илиниб ётади, кўрамиз-у, кўзимизни юмиб ўтаверамиз. ЖЭК бошлиқларига кўнғироқ қилиш ёки ранжиганимизни газета орқали билдиришни ор биламиз. Муқимий, лойни, пашшаларни, синиқ аробани шеърга олиб кирганда, шеърга мавзу топмаганидан эмас, ўша муҳитдаги манзаралар билан муроса қилполмаганидан сабабни ахтарсак, ундан сабоқ олсак, дегим келади. Бу гап ўзимга ҳам тегишли.

6. Мени тушунсалар, қувончимга бепарво бўлмасалар ва мен нождўя бирор сўз билан бировни ранжитиб қўймасам бахтли дамларим бўлади. Энг бахтсиз дамларим... уларни эслагим келмайди.

7. Чўзиқчилик. Сохта туйғулар. Хитоблар. Содда гўзаллик, бадий нафосат айрим етук шоирларда ҳам етишмаслиги мени ташвишга солади. Уз асарларимда баъзан дард «қочиб» кетаётгани, сўзларнинг залвори сусайиб қолгани қийнайди.

8. Мардликни, ҳалоллик ва кечирувчанликни қадрлайман. Уз сўзини ҳимоя қилолмай, иззатини оёғости қилдирганларга, мустақил фикри йўқ кимсаларга раҳимим келади. Дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиганларни хушламайман. Бировлар қўлида «косов» бўладиганлардан эса нафратланаман.

9. «Келинчак»нинг бош қаҳрамони — Орзигул асосан келинойимга қиёс. Унинг раисалик фаолияти эса Ванғози қишлоғида узоқ йиллар колхозни бошқарган, коммунист аёлининг ҳаётидан. «Бўзтўрғай»да эса Шакар Булбулнинг кўп фазилатлари отамнинг, унга сурма ичиришгани, қишлоғимиздаги Барот

кичкина деган машхур ҳофизнинг кўрган-кечирганларига кўра ёзилган. Қўқонлик хонанда Саида Абдуллаева ўз ёшлиги ҳақида анча ҳаяжонли воқеалар гапириб бергандилар. Халқимизнинг булбул овозли санъаткори Ҳалимахонимнинг чет эл таассуротларидан ҳам илҳомланганман.

10. Тўғри сўз туққанинга ёқмас. Олдин астойдил хафа бўламан. Кейин бафуржа ўйлаб кўраман. Ҳақ сўз бўлса, асаримни тузатишга киришаман. Бир гал қорақалпоқ шоири Ибройим Юсуповдан таржима қилдим, газетада эълон этилди. Ёзувчилар союзида устоз Миртемирни учратиб қолдим. «Ибройим Юсуповдан таржима қилибсиз. Яхши. Лекин унда булбул билан гул нима қилиб юрибди! Саҳройи шоирда сўфитўрғай бўлади, явшон бўлади, янтоқ бўлади у чўлни кўйлаганида!» дея сал оғриндилар. Дарҳақиқат, шеърнинг асида гул ва булбул йўқ, мен у шеърни («Сўфитўрғай»ни) гул ва булбул билан «безаган» эканман! Қанийди, миртемирона танбеҳлар доим сенга устозлар олдидаги ҳисоботни эслатиб турса!

Танқидчи бўлсам — менга қийин бўларди. Тўғри гапимдан озор чекканларни кўрсам, ўзим қийналаман.

11. Битмаган асар ерга сочилган уруққа ўхшайди. Бир текис унадими, ер нобоп бўлиб чириб кетадими — олдиндан айтиш қийин. Бўлар-бўлмас асарни чиқаравериб, ўқувчининг кўзига ёмон кўринишдан сукут сақлаб юрган ҳам маъқулроқми-кан! Мана шундай сукут фикрингни тиндириб, толиққан онгинга мадад бериб, ўқувчинг соғинган шеърларга она бўлса... Мени мухлислар олдида анча-мунча қарз қилиб қўйди бу сўхбат! Ана шу туйғу учун журналдан миннатдорман!

Карим Назаров

## «ТЎРВА»МИ ЁКИ «СУМКА»

«Шарқ юлдузи» журнали адабий тил муаммоларини кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилиб, жуда фойдали иш бошлади. Адибларимиз бу борадаги қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Мақолаларнинг ҳар бирида бир муҳим томон — бадий тилга эътибор бериш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бироқ, бунинг ўзи ҳали етарли эмас. Бадий тил муаммоларининг ёритилиши лозим бўлган кўп қирралари бор. Энг муҳими — бадий тил устида ишлаганда, айниқса, бадий асар яратаётганда ёки бу ҳақда фикр юритганда жавобгарликни, масъулиятни ҳис этишдир. Муҳокама бадий тил ҳақидаги илмий-назарий мақола билан бошланса, аини мудоао бўлар эди.

Бадий ижоддаги, таҳлил ва таҳрирдаги, тақриз ва танқиддаги, нотиқлик ва ноширликдаги, тарғибот ва ташвиқот, матбуот ва нашриёт ишларидаги, маданий муомаланинг ҳар бир кўринишидаги (эълонлар, афишалар, вивескалар, шиорлар, жойларнинг номланиши ва ёзилишидаги) тилдан фойдаланиш нуқсонлари бепарволик, назарий билим ва малаканинг етишмаслиги билан изоҳланади. «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Бадий адабиёт тили адабий тил билан чамбарчас боғланган, умумхалқ тилига асосланган, жонли ва адабий тил бойликларини акс эттирган, ҳаммага тушунарли ифодаларни қамраб олган, классик ижодкорларнинг аънаналарини давом эттирган, ёзувчилар томонидан пардозланган, жиловланган тил ҳисобланади. Шу маънода бадий адабиёт тили, фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб қолмасдан, ғоявий ва эмоционал таъсир қилиш қуроли вазифасини ҳам ўтайди, чунки ёзувчи бадий тил воситасида образ ва типлар, характер ва манзаралар яратар экан, уларнинг моҳиятини очиб кўрсатадиган сўз ва иборалар танлайди, сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини аниқлайди, уларнинг синонимлари ва антонимларини топади, умумхалқ тилининг гап қурилиши усулларидан... ҳамда бошқа нутқ воситаларидан фойдаланади».

Кўринадики, мазкур луғатда бадий тилнинг нима эканлиги, унинг асосий талаблари, ижодкорнинг вазифа ва бурчлари лўнда баён этилгандир. Ҳақиқий истеъдод соҳиблари бу каби билимлардан бохабар бўлса, ҳеч вақт «танқиддан тубан» асар яратмайди. Мазкур

луғат адабиёт илмининг «алифбо»си бўлиб, уни ҳар бир ижодкор, айниқса, ёш қаламкаш ўзи учун дастуриламал қилиб олмоғи керак.

Ҳатто, айрим шоирлар, поэтик услубни ўзлаштирамай туриб, ўзларича «тилсиз поэзия» яратмоқчи бўладилар — грамматик қурилишсиз гап тузишга уринадилар. Ўзбек тилида фикр ифодалашнинг ранг-баранг шакллари, ифоданинг нозик ва гўзал воситалари, турлича усуллари борлигини тан олмайдилар. Шунинг унутмаслик керакки, сўзларнинг ҳар қандай қалашмаси гап бўлавермайди! Гап бўлган тақдирда ҳам сўзловчининг кутган мақсадини ифодалай олмайди. Ҳар бир соҳанинг ўз сўзлари бўлганидек (бундай сўзлар илмда касб-ҳунар лексикаси деб юритилади), поэзиянинг ҳам ўз жавоҳирлари бор. Ана шундай сўз гавҳарларини излаб топиб, ўз ўрнида қўллаш олгандагина нутқ (тил) оддийликдан поэтик нутқ (услуб) даражасига кўтарилади. Бинобарин, адибнинг машаққатли меҳнати, истеъдоди ва қобилияти туфайлигина оддий сўз жарангдор ва жанговар воситага айланади. Абдулла Қаҳҳорнинг **артмоқ-арчмоқ, ёқилғи-ёнилғи, кўсак-кўрак** каби сўзларни маъно жиҳатдан фарқлаб ишлатиши, бир томондан, унинг ўз ижодида нисбатан ўта талабчан эканлигини, асарлари тили ўстида кўнт билан ишлаганлигини кўрсатса, иккинчидан, адабий тилни бойитишга, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша олган катта санъаткор эканлигини билдиради. «Қўшчиноҳ чироқлари» романида: **«Энди кўёвинг уйингга келиб бўпти!»** — деган жумла бор. Бу оддий дарак гап эмас. Бунда ёзувчи бўлишсизлик (инкор) маъносини интонация йўли билан изоҳлаган, гапни эса бўлиши формада тузган: шу усул билан «келмайди!» маъноси бўрттириб, қабартиб кўрсатилган.

Ҳамид Фулом ёзади: «Сўз керак! Янги, охори тўқилмаган, воқеага, қаҳрамон ички дунёсига, унинг нозик феъл атворини очишга хизмат қиладиган, ўқувчини дафъатан ҳайратга солиб қўйишга қодир сўз керак!» Ҳақ гап! Бироқ, адибимизи истаётган бундай **сержило, сермаёно, серқирра, сернафосат, сервиқор, серзавқ, сермўъжиза, серунум** каби сўзлар тилимизда битмас-туганмасдир. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, сўзлар уммонидан кераклисини топа олиш ва ўз ўрнида ишлата билиш зарур. Диққат қилинг: а) **мева-ли дарахт** (дарахт мевали — мевасизлиги

жиҳатидан фарқланаётир), б) **сермева дарахт** (дарахт ҳосилдорлик жиҳатидан фарқланаётир). Яна: **серҳосил уруғ**, **серҳосил нав**, **серҳосил узум...** Кўринадики, **-ли ва -сер** қўшимчаларининг қўлланиши ҳам муайян маъно муносабатларига асосланади ва ўзаро вазифаси жиҳатидан фарқланади. Шунинг учун халқимиз **ҳосилли олма эмас**, **серҳосил олма** деб ишлатади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили — ўзбек социалистик маданиятининг юксак намуналаридан биридир. Адабий тил халқ тили заминида вужудга келган, қайта ишланган — сайқал берилган, такомиллашган тилдир. Аниқроғи, адабий тил халқ тилининг нормалаштирилган, қойдалаштирилган кўринишидир. Халқ тилидаги энг яхши жиҳатлар, умумхалқ характеридagi ҳодисалар, ранг-баранг вариантлар адабий тил воситасида умумлаштирилади. Халқ тилида шева ва диалект ҳодисалари хилма-хил кўринишларда учрайди. Масалан, ҳозирги адабий тил учун норма ҳисобланган **бораялман**, **келялпман** формалари Самарқанд ва Бухорода **боролман**, **келолман**, Паркентда **борвогтим**, **келвогтим**, Наманганда **боруттиман**, **келуттиман**, Тошкентда **борвомман**, **кевомман**, Андижонда **борялпан**, **келялпан** каби шаклларда ишлатилади. Шу биргина мисолнинг ўзиданоқ равшанлашадиги, тил ҳодисалари адабий тил учун сараланиб олинади. Тил ҳодисаларининг сараланиши, бунинг кўпчилигига мақбул ва тушунарли бўлиши, халқ тили табиатини ифодалай олиши адабий тил олдига қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Қирқ икки **градус...** Гитлеракилллар:  
«Бизнинг чекинишга қиш бўлди сабаб...»  
Сабоби — халқдаги **қудрат** ва **шараф**,  
**Информбюро** ҳам шуну таъкидлар...

Бу қуйма мисралар **сўзларни саралай билиш санъати** асосида вужудга келган. Бу ўринда академик шоир Фафур Фуломнинг хизмати шундаки, у тил воситаларидан усталик билан фойдаланибгина қолмай, адабий тилнинг лексик-грамматик, стилистик ва ҳатто пунктуацион нормаларининг ривожига муносиб ҳисса қўша олган: а) **градус**, **информбюро** каби сўзларни мавзу талабига кўра поэзияга дадил киритиб, ўзбек тили интернационал лексикасини бойитган; б) халқ тили дурдоналарини танлаб билган: **акилламоқ** сўзи воситасида Гитлернинг башарасини очибгина қолмай, ўқувчида унга нисбатан нафрат уйғотган. Бу сўзга моҳирлик билан таъкидламоқ сўзини қофиялаштирган; в) **кўп нуқта**, **қўштирноқ**, **тире** каби ёзув белгиларидан фикрни аниқ, ихчам, услубий раван ифодалаш учун фойдаланган. Натижада, ғоявий юксак, бадий пишиқ ва чинакам халқчил поэзия юзага келган.

Фафур Фулом ўз асарларида ўзбек тилининг ички имкониятларига алоҳида эътибор берган. Қуйидаги сўз ва сўз формаларининг қўлланишига эътибор беринг:

**Капитал тикланишдан нўноқ,**

**Бироқ:**

Бошдан — оёқ чириш...

Капитал —

Бир-бирини ютмоқчи.

Муддао — бозор,

Худди

Оч қолган буа.

?

"Тўр тўрба"  
эмал  
"Тўр тўрба"

**Фашистланароқ буржуа.**

Тарихнинг чиркин лавҳасин

ёраоқ...

«Демократия» деб номланган

алдоғингиз,

Билиб қўйинг, жаноблар, шунда

бўлар бир чақа.

Кўпчилик ҳолларда адабий тил билан бадий асар тили ўзаро аралаштириб юборилади, бу икки ҳодиса бир нарса деб қаралади. Аслида бадий асар тили адабий тил қонун-қоидаларига асосланади. Бадий асар адабий тил учун лаборатория вазифасини бажаради. Халқ тили бойликлари бадий асарда қайта ишланади; ҳар бир сўз, ҳар бир форма ва ҳар бир ибора ўз бадий ифодасини топади; янги-янги маънолар, формалар, иборалар кашф этилади, сўзларнинг маъно қирралари очилади. Халқ тилига сайқал беришда ва бу билан адабий тилни ривожлантиришда ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, матбуот ва нашриёт ходимларининг хизматлари беқиёсдир. Алишер Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби адибларимиз ўз асарлари тили ва стили устида кунт билан ишлаг, ўзбек адабий тилининг ривожига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Лекин баъзи ёзувчилар, айниқса, ёш қаламкашлар ўз асарлари тилига етарли эътибор бермайдилар, тилимиз бойликларидан, имкониятларидан тўғри ва ўринли фойдалана олмайдилар, оқибатда, ўз бурчларига масъулиятсизлик билан қарайдилар. Бундай нуқсонларнинг бири бадий асарларга маҳаллий шева элементларини кўплаб киритишда кўринади. Шева элементларини бўлар-бўлмасга бадий асарга киритавериш, биринчидан, халқ тилини чуқур билмасликдан, иккинчидан, адабий тил нормаларига риоя қилмасликдан келиб чиқади.

Маълумки, бадий асарларда шева элементларидан фойдаланишнинг муайян талаб-тартиблари, қонун-қоидалари ва принциплари мавжуд. Бу принципларга риоя қилиш бадий асарнинг ғоявийлиги, халқчиллиги ва таъсирчанлигини таъминловчи омиллардан эканлиги, фақат назарий жиҳатдан эмас, ҳатто амалий жиҳатдан ҳам тўла исботланган. Шунинг унутмаслик керакки, шева элементларининг ўринли киритилиши бадий асар тилини бойитиши, аксинча, ноўрин, палапартитиш қўлланиши эса асарни қашшоқлаштиради, унинг таъсир доирасини чегаралайди. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик.

**«Бошида қалин жун рўмол, эғнида бешта мис тугмали узун ёмғирпўш. (?) Елкасига катта чарм тўрва (?) осиб олган. Ота унинг тўрвасидаги қизил белгидан ҳамширалигини дарҳол пайқади».** (С. Нуоров. «Инсон қадри»).  
Бу ўринда ёмғирпўш сўзи мутлақо ноўрин, нотўғри ва хато ишлатилган. Автор қош қўяман деб кўз чиқарган, муомалада кенг қўлланаётган, ўзбек тили луғат составидан мустаҳкам ўрин олган **плашч** сўзининг ўзини ишлатиш ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Шунингдек **тўрва**, **чарм тўрва** сўзларининг ўринсиз ишлатилиши асар тилини архиаклаштирган, **қизил белги** бирикмаси эса мавҳумлаштирилган. Тилимизда **қоп**, **қопчиқ**, **халта**, **корзинка**, **сумка**, **медицина сумкаси**, **сетка** («тўр тўрва эмас!») каби сўзларнинг пайдо бўлиши **тўрва** сўзининг қўлланиш ўрни ва вазифасининг чегараланишига, пассив сўз

қатламга ўтишига сабаб бўлди. Медицина илмининг тараққиёти, медицина хизматининг кун сайин такомиллашуви оқибатида замонавий воситаларнинг кенг қўлланиши ҳозирги даврда «от тўрва» тарзида сўз яшаш усуллари ни қисқартди. «Тўрва» сўзи «медицина сумкаси» тушунчасини ифодаламайди.

Кийимлар тугмага нисбатан группаланмайдиган: «**Бешта мис тугмали**» сунъий тўқилган, бу ўзбек тили гап қурилиши нормаларига зиддир. «**Ота унинг тўрвасидаги қизил белгидан ҳамширалигини дарҳол пайқади**» жумласида услубий ва мантикий ғализлик бор. Унинг сўзи тартиб жиҳатдан нотўғри ўринлаштирилган. Шунга қўра, китобхоннинг диққати аёл-ҳамширага эмас, тўрвага жалб бўлиб қолган. Бу жумлага озроқ ишлов берилганда ва стилистик нормага сал риоя қилинганда, у қуйидагича кўринишда бўларди ва ёзувчининг мақсадини аниқ ифодалашга хизмат қиларди: **Ота тўрвасидаги қизил белгидан унинг ҳамширалигини дарҳол пайқади**. Агар ёзувчи «тўрва» ўрнига кенг истеъмолдаги «сумка»ни ишлатса, нима ютқазарди? Ҳеч нарса!!! Аксинча, замон руҳи ҳар жиҳатдан ўз ифодасини топган бўларди. Асар тил ва услуб жиҳатдан юксак дидли ва маданиятли китобхонларни бирмунча қаноатлантирган бўларди. Ахир, асар бугунги кун воқелигини тасвирлашга бағишланган-ку?!

Кўринадики, соҳаларга оид сўз ва терминларни танлай олмаслик ва улардан ўз ўрнида фойдалана билмаслик, гапда сўзларнинг нотўғри ўринлашуви асар тилининг қашшоқлашувига сабаб бўлади, ёзувчининг нўноқлигидан, ҳаётни чуқур ўрганмаганлигидан далолат беради.

Адабий тил миллий тилнинг муайян даврдаги (босқичдаги) тараққиётини, ҳолатини акс эттиради. Адабий тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик, стилистик, орфографик, пунктуацион каби барча нормалари учун давр талаби асосий мезон саналади. Бадий асар тилининг тушунарсиз, таъсирсиз ва зерикарли бўлиши юқоридаги талабларга риоя қилмасликдан келиб чиқади. Масалан, асарга эскирган, ҳозирги кунда кам ишлатиладиган сўзларнинг кўплаб киритилиши асар

тилининг архаиклашувига сабаб бўлади; мавзу ёки жанр талабига эътибор бермаслик эса асарнинг таъсирчанлигини йўқотиб, зерикарли бўлишига олиб келади. М. Сулаймонова «Ёш ленинчи» газетасида босилган мақоласига «Қувноқ таътил (?) кунлари мириқиб дам оламыш» деб сарлавҳа қўйган. Шу кичик бир хабарнинг ўзида **таътил сўзи** тўрт марта, **каникул сўзи** беш марта ишлатилган. Шу кичик статистик маълумотнинг ўзи ҳам кўрсатадики, ҳозирги ўзбек адабий тили учун **таътил** эмас, каникул сўзи нормадир. Бугунги кунда истеъмолдан чиққан **таътил** каби сўзларнинг газета тилига киритилиши адабий тил лексик нормасини бузишдан бошқа нарса эмас.

Кўпчилик ўқувчиларга тушунарсиз бўлган **таътил** каби архаик сўзларнинг «Ёш ленинчи»дек газета тилида учраши ижобий ҳодисамас. Архаик сўзлар газета таъсир кучининг сусайишига, ғоясининг хиралашуви-га, мазмунининг мавҳумлашувига сабаб бўлади. Мақолада фақат адабий тил талабигина эмас, ҳатто газета талаб ҳам ҳисобга олинмаган. Газета ва бадий асар тиллари ўз услуби, лексик воситалари ва вазифаси жиҳатидан бир-бирдан фарқланади. Гап газета услуби хусусида бораётир. Бинобарин, ҳар бир қаламқаш, айниқса, адабий ходимлар адабий тил нормаларига-талабларига кўпроқ риоя қилишлари лозим. «**Қувноқ таътил кунлари...**» тарзида жумла тузиш ҳам ғирт нуноқликдир, бой ва гузал тилимизга нисбатан ҳурматсизликдир. **Қувноқ болалар** бўлиши мумкин, лекин **кувноқ таътил** бўлмайдиган; ўқувчилар каникул кунлари қувонади-қувноқ бўлади. **Қувноқ таътил кунлари...** типидagi иборалар ҳар қандай бадийликдан маҳрумдир. Бу ўринда **кувноқ** сўзининг семантикаси, фонетик морфологик структура, умуман, хабар сарлавҳасининг бесўнақайлиги ҳақида изоҳ бериш ортиқчадир. Кичик мақоладаги бир сўз ҳақида кўп гапиришимизнинг боиси шундаки, бу каби ғўр ва ғариб жумла қурилишлари радио ва телевидение материаллари, лекторлар ва дикторлар нутқида ҳам тез-тез учраб туради. Бу адабий тил нормаларига риоя қилиш масъулиятини унутиш оқибатидир.

## Учишни истаيمان

**Хуршид Даврон. Тўмариснинг кўзлари. «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1984.**

Хуршид Даврон шеърятимизга ўз овози, ўз мавзуси билан кириб келган ёш шоирларимиздан. Ўзига хос овоз шоир учун фазилат, зеро ижодкорларнинг ўзаро ўхшашлигидан кўра фарқли томонлари адабиёт учун кўпроқ қадрлидир.

Шоирнинг «Тўмариснинг кўзлари» китоби ни шу нуқтаи назардан баҳолашга ҳаракат қиламиз. Тўпламдаги кўпчилик шеърларни замондошларимиз ҳис-туйғуларининг тарих ойнасида акс этган тасвирлари, дейиш мумкин. Китобнинг номланишиёқ, унда тарих катта ўрин эгаллаганига ишора. А. Н. Толстой: «Ватан бу — халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдир» — деган эди. Демак, Ватан фақат бугун ва келажак билан ўлчанмайди, ўтмиш ҳам Ватан қиёфасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, ўтмишсиз бугун ҳам, келажак ҳам йўқ.

Шоирнинг тарихимизга оид шеърлари Ватанни янада теранроқ тушунишга ёрдам беради. Мана, буюк бобокалонимиз Маҳмуд Қошғарийга бағишланган шеърдан парча:

**Хира кўзин узмай оппоқ вароқдан  
Битаркан энг оддий улуг сўзларни,  
У сўзларни эмас, забун бўлмоқдан  
Аслида қутқариб қолди бизларни...**

М. Қошғарий бизга замондош, бугунги кунимизга қай бир жиҳатдан дор, деб айтса бўлади. Чунончи, «Чол билар, сўзлар — бу халқнинг юраги, Халқ ўлмас — сўзини ўлдирилмасанг».

Қошғарийнинг авлодларга қилган буюк хизмати — сўзларни қутқариши, шоир назарида, у бутун бир халқни забун бўлишдан, ўзлигини йўқотишдан асраб қолади. Бундай фикрлар умуминсоний ҳақиқатга мос келади.

Тўпламдаги яхши шеърлардан бири «Мукофот»дир. Шеърнинг бошида Барселона шаҳрида ўтадиган испан шоирларининг мушоирасида учинчи ўринни эгаллаган шоир кумуш атиргул, иккинчи ўринни эгаллагани олтин атиргул билан тақдирланиши ҳақида хабар берилиб, шундай дейилади:

**Бош мукофот эса —  
Бири бахта тўлиб,  
бири қаҳрга,  
бири чақмоқ бўлиб,**

**бириси — довул,  
шоирлар шеър ўқир.  
Ғолиб шоирга  
Тақдим этилажак тирик атиргул.**

Шу ерда шеърдаги асосий қарама-қарши кутблар белгилаб олинган. Поэтик маъно кумуш, олтин билан тирик атиргул ўртасида зиддият тарзида ривожланади. Ва шоирнинг идеалида кумуш-олтиннинг бебаҳолиги эмас, оддий тирик атиргул ҳурмат-эҳтиромга сазовор.

Энг олий мукофот — тирик атиргул!

Чунки тирик атиргул мангу тирик ҳаётнинг тимсоли, шунинг учун у одамзодни маънавий қулликка тортувчи кумушу олтиндан соф ва гўзалдир.

Тўпламга «Учишни истаيمان» номли дoston ҳам кирган. Шоирнинг олдинги китобларидан бирида шу номдаги шеър бор эди. Мазкур дoston, чамаси, шеър асосида туғилган бўлса керак. Асарда инсоннинг эзгуликка, маънавий юксакликка бўлган бетиним таппиши характерли образлар воситасида ифодаланади. «Учиш истаги» (эзгуликка интилиш) кўпчиликка хос бўлиши мумкин, лекин ҳамма ҳам учолмайди. Хукмдор Тарханбеклар учишга қодир эмас, моҳиятига зид ишга бел боғлаб, ерларчин бўлади. Зотан, ҳукмдорлик моҳияти эзгуликка, маънавий юксакликка зиддир. Тархонбекнинг ўлими шу ҳолатни мажозий гавдалантиради. Тарих ижодкори оддий инсонгина «ўсишга» қодир, меҳнаткаш инсон ҳаёти доим эзгуликка интилишдан иборат. Дostonнинг поэтик мазмуни шундай.

Лекин уни тўлақонли дoston дейиш қийин. Асосий камчилик шундаки, унда дostonбоп сюжет йўқ. Кўпгина эпизодлар бадий далилланмаганлиги туфайли ноаниқ таассурот қолдиради. Масалан, Тархонбек ким (тарихий шахс сифатида эмас, образ сифатида), у нега учишга интилади? Нега учишдек ҳалокатли, телбаларча ишга журъат этади. Шунинг учун китобхон унинг ҳалок бўлишига унчалик ишонмайди.

Х. Давроннинг тарихга, ўтмишга суяниб, ўз поэтик олами яратишга уриниши баъзан китобийлик, ясамалиликни ҳам юзага келтирадики, булар талантили шоир ижодини беэмамайди, албатта. Китобийлик, бу — ҳаётга китоблар «нигоҳи» билан қараш, олдиндан тайёр қолиплар ёрдамида фикрлашдир. Аммо ҳар қандай «мукамал қолип» ҳам ҳаётнинг ранг-баранг, абадий ўсиб-ўзгарувчан жараёнини қамраб ололмайди.

Эпиграфли шеърларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши китобийликнинг зоҳирий кўринишидир. Бундай кўсур Х. Даврон ижодида ҳам учрайди. Китобдаги «Пушкин ҳақидаги икки шеър»дан бирига В. Шкловскийнинг «Тиньянов» китобидан олинган қуйидаги сўзлар эпиграф қилинган: «Мен уни Москвада,

аҳволи жуда оғирлашган пайтда кўрдим. Дўстимнинг ҳузурига келганда, у мени танимади.

Ҳар гал қулоғига шивирлардим: бирор бир сўз, кўпроқ Пушкин исми уни ҳушига қайтарарди...» Яхши гап. Пушкиннинг буюклигидан, Ю. Тиньяновнинг Пушкинга фидойилигидан дарак берувчи шоирона гап. Аммо, шеър-чи? Шеър ушбу шоирона гапнинг кенгайтирилган баёни ва у эпиграфдаги мазмунга тайинли янги маъно қўшмайди. Шоир туйқусдан ўз дарди ҳолига кўчади ва қавс ичида хитоб қилади:

**[Мени сизга васиятим шу:  
Жон топширар пайтим, албатта,  
Бошим узра эгилиб туриб,  
«Навой» деб шивирланг аста]**

Олим ва ёзувчи Ю. Тиньяновга аччиқ қисмат бўлган ҳолат ёш шоирга мос келмаётир. Бунга Тиньянов бутун ижоди, қолаверса ўз ўлими билан кафил бўлган. Ёш шоирда эса, ҳозирча бундай масъул гапга маънавий ҳуқуқ бўлмаса керак. Балки Тиньянов — Пушкин, мен (лирик қаҳрамон) — Навой алоқалари ўртасидаги нозик боғланишлар топилганда, балки таққослаш ўзини оқларди, аммо тўсатдан Пушкиндан Навойга ўтиш бадий далилланмаганлиги туфайли ғайритабиий туюлиб, китобхонни чалғитади. Ҳатто эпиграфга

боғламай ўқиганда ҳам қўйидаги яхши, пишиқ мисралар ўқувчига ғалати туюлади:

**«Навой» деб шивирланг, зулмат  
Кўзларимга чўка бошлар он.  
«Навой» деб шивирланг, албат  
Кўзларимга қайтиб келар тонг.**

Чунки, шеър бутунисича юқорида келтирилган эпиграф асосига қурилган. Ҳиссиёт шоир руҳиятидан эмас, ташқаридан киритилганлиги сабабли, шеър табиий жарангдан, самимийликдан оқсайди.

Умуман олганда, шоир мазкур тўпламида тарих, ўтмиш орқали она-Ватаннинг поэтик суратини чизишга ҳаракат қилади ва кўп ўринларда бунга эришади ҳам. Қачонки қаламга олинган ўтмиш ҳодисаси шоир юрагидан қайта кечади, ҳазм қилиниб, шеър бўлиб қоғозга тушади, шунда шоирга ижодий ютуқ кулиб боқади. Тарихий ҳодиса ёки шахс шеър ёзишга шунчаки баҳона бўлган пайтларда шеър ўрнига тарихнинг жўн баёни юзага келиб, китобхонни ўзига жалб этолмайди.

Китобда биринчи типдаги шеърлар кўпчилик. Айни шундай самимий туйғуларга бой шеърлар шоирнинг ижодий қиёфасини шакллантираётир, деб айтса бўлади.

**Сувон МЕЛИЕВ**



Расми Аваз ШОАЛИМОВ чизган



Жорж Сименон

# „МАЖЕСТИК“

## Меҳмонхонасидаги

# КОТИЛЛИК

Роман

I боб

### Ёрилган шина

**М**ашинанинг эшиги қарсиллаб ёпилди. Ҳар тонг шундай бошланади. Мотор гувиллаб турибди. Шарлотта шофёр билан қўл бериб хайр-лашяпти чамаси. Сўнг такси жўнаб кетди. Зинапоя томонда оёқ шарпаси эшитилди. Эшик қўлфига калит солинди. Чироқ тугмачаси ширқ этди.

Ошхонада гугурт қақилгани, газплитанинг вишиллаб ёнгани эшитилди.

Бутун тунни оёқда ўтказган Шарлотта ялтилаган зиналарни битта-битта босиб юқорига кўтарилди. Аста ётоқхонага кирди. Чироқ тугмачасини босди. Абажур ўрнига устига қизғиш рўмол ташлаб қўйилган лампочка ёнди. Рўмолнинг тўрт учига ёғоч соққачалар осилган.

Проспер Донж ҳамон кўзларини юмганча ётарди. Шарлотта ойнали шкаф қаршисида туриб, ўз аксидан кўз узмай ечинди. Белидаги боғичини, сийнабандини ечиб ташлагач, енгил тин олди. Бадани мрамбардай тиниқ, ўзи ям Рубенс суратларидаги хушқомат жононларга ўхшайди, аммо ҳамиша белини боғич билан таранг тортиб юради. Қип-яланғоч бўлгач, икки ёнбошини ўбдан ишқалади, баданида бармоқ излари қолди.

Шарлоттанинг бемаъни одати бор эди: каравотга чиқаётиб, аввал иккала тиззаси билан тўшакнинг бир четини андак босиб турар, кейин бутун ўрин ўзи томонга оғиб кетар эди. Сўнгра: «Турақол, Проспер!» дерди. Проспер туриши билан Шарлотта шоша-пиша унинг илиққина ўрнига кириб оларди-да, тўшакни бошигача тортиб, кимир этмай ётарди.

— Ёмғир ёғаяптими? — деб сўради Проспер умивальник жўмрагини бураркан.

Шарлотта бир нима деб ғўлдиради. Аслида саволнинг унчалик аҳамияти ҳам йўқ эди. Энг ёмони соқолни совуқ сувда олишга тўғри келди — иссиқ сув тўхтаб қолибди. Шу яқин-атрофдан тарақлаб ўтаётган поезднинг шовқини эшитилмоқда.

Проспер Донж апил-тапил кийинди. Шарлотта гоҳи-гоҳида хўрсиниб қўяди. Чунки у ёруғ тушиб турса ухлай олмасди. Проспер бир қўли билан эшик бандини ушлаб, иккинчи қўлини чироқ тугмачасига чўзган пайтида ичкаридан Шарлоттанинг уйқули овози келди:

— Приёмник ҳақини тўлаб қўйиш эсингдан чиқмасин.

Газплитага қўйилган қаҳва қайноқ эди. Проспер уни стол ёнига ўтирмасдан, тик туриб ичди. Кейин, ҳар куни бир вақтда бир ишни бажарадиган ҳамма кишилардай, ҳеч нимани ўйламасдан бўйнига тўқима шарфини ўради, пальтоси билан фуражкасини кийди.

Француз ёзувчиси Жорж Сименон XX асрнинг шухрат топган адибларидан биридир. У ўз ижодий фаолияти давомида 250 га яқин роман яратган, унинг асарлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Айниқса, ёзувчининг тадбиркор полиция комиссари Мегрэ ҳақидаги туркум романлари қўлмақўл бўлиб кетган. Гап мазкур романларнинг детектив шаклда ёзилганлигида, сюжетининг ўткир ва қизиқарли эканлигида ҳам эмас. Гап шундаки, адиб ҳаётни ҳаққоний бўёқларда акс эттиради, ўз қаҳрамони бўлмиш комиссар Мегрэ орқали капиталистик жамият иллатларини аёвсиз фош этади, ёзилган, ҳақ-ҳуқуқлари топталган «қора» меҳнаткашларнинг забардаст ҳомийси сифатида майдонга чиқади.

Жорж Сименон Совет Иттифонининг катта дўсти. У партия ва ҳукуматимизнинг тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги барча ташаббусларини муттасил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг эл-



ликдан ортиқ асари рус тилига, ушлаб асарлари СССРдаги қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу роман ёзувчининг ўзбек тилида чоп этилаётган биринчи асаридир.

Ниҳоят, йўлакда турган велосипедини кўчага олиб чиқди.

Ҳар кунгидай димоғига муздек нам ҳаво урилди; ёмғир ёғмаган, аммо асфальт йўлкалар ҳўл эди. Ухлашдан олдин дарпардаларни беркитиб ётган одамлар учун кун гўё чароғон ва илиқ бўладигандай туюларди.

Иккала четида кичкина-кичкина чорбоғли мўъжаз уйлар саф тортган кўча пастга қараб қиялаб кетган. Дарахтлар орасидан, қаердандир жуда пастликдан, бамисоли жаҳаннам қаъридан Париж чироқлари милтираб кўринади.

Тун охирлаб қолган, лекин ҳали тонг отмаган. Теварак-атроф нимқоронғи. Баъзи бир деразаларда чироқ ёниб турибди. Тушириб қўйилган темирйўл шлагбаумига яқинлашганда Проспер Донж велосипедини секинлатиб, ён томондаги йўлқадан ўтиб кетди.

Сен-Клу кўпригидан ўтгач, чапга бурилди. Узун баржани тортиб келаётган кичкинагина шатакчи кема шлюзни очишларини сўраб бор кучи билан гудок берарди.

Булон ўрмони... Еришиб қолган осмон акс этиб турган кўллар, уйғонган оқушлар...

Дофина дарвозасига етай деганда Донж бирдан велосипедининг ғилдираги ерга қаттиқ урилаётганини сезди. Велосипеддан сакраб тушиб, орқа ғилдиракнинг пучмайиб қолганини кўрди.

Қўл соатига қаради: ўн дақиқа кам олти эди. У ёғига велосипедини етаклаб кетди. Ҳаво совуқ бўлганидан оғзидан оппоқ ҳовур чиқар, тез юрганидан юраги гурсиллаб урар эди.

Фўш кўчаси. Ҳамма уйларнинг дарпардалари берк. Суворийлар учун мўлжалланган махсус хиёбонда юқори унвонли офицер от ўйнатиб юрибди, орқасидан ординарец шумшайиб бормоқда.

Мана, Зафар дарвозасининг пештоқи кўринди. Терлаб кетган Проспер қадамини тезлатди.

Елисей майдони муюлишида, газета дўкони ёнида, енгсиз камзулини елкасига ташлаб олган полициячи унга:

— Ҳа, шинанг ёрилдими? — дея сўз қотди.

Проспер тасдиқлаб, бош силкиди. Яна уч юз қадамча қолган эди. Чап томонда — «Мажестик» меҳмонхонаси. Ҳамма дарпардалар берк. Чироқ нури деярли кўринмайди.

Берри кўчасига, сўнг Поньте кўчасига бурилиш керак. У ердаги кичкина пивохона ҳозир очик. Икки уй нарида «Мажестик» меҳмонхонасининг хизматчилари кириб-чиқадиган эшик бор. Уни ўтган-кетганлар ҳеч қачон пайқашмайди. Уша эшикдан кулранг пальто кийган бир одам чиқди. Пальтосининг остидан қора фрак

кийиб олган эди. Бошыланг, сип-силлиқ таралган сочига лок суртилган. Проспер Донж уни раққос Зебиога ўхшатди.

У ўз тахминини текшириб кўриши ҳам мумкин эди, бунинг учун пивохонага шундоққина бош суқса кифоя, лекин бундай фикр унинг хаёлига ҳам келмади. Велоспедини етаклаганча биттагина лампочка ёниб турган узун, нимқоронғи йўлакка кириб борди. Келган вақтини белгилаб қўйиш учун махсус ўрнатилган соат олдида тўхтаб, автомат тешигига ўз номери, яъни 67 рақами ёзилган тангасимон темирни ташлади, сўнг соатига қаради: олтидан ўн дақиқа ўтган эди. Аппарат ширк этди.

Шу дақиқадан эътиборан у «Мажестик» меҳмонхонасига эрталаб олтидан ўн дақиқа ўтганда, яъни одатдагидан ўн дақиқа кечикиб кирганлиги аниқ-равшан қайд этиб қўйилди.

Елисей майдонидаги ҳашаматли меҳмонхона қаҳвахонасининг мутасаддиси Проспер Донж берган расмий маълумот ҳар ҳолда мана шундай эди.

Кейинчалик эса у, ўша кунни ҳам ўз вақтида келганман, деб туриб олди.

Бу пайтда сон-саноксиз йўлаклари, беҳисоб хона ва эшиклари бўлган улкан ертўла ҳувиллаб ётарди. Деворлар юк ташувчи кеманинг трюмлари каби кулрангга бўялган эди. Ҳар жой-ҳар жойдан, шиша деворлар ортидан, тунда ёқиб қўйишга мўлжалланган лампочкалардан хира, сарғиш нур тушиб турарди.

Ошхона биналари ҳам, қандолатхоналар ҳам — ҳаммаёқ ойнаванд эди. Уларнинг рўпарасида, ўнг томонда, «куррьерлар ошхонаси» деб ном олган хона жойлашганди. У ерда баланд мартабали ходимлар, шунингдек, меҳмонхона мижозларининг шофёр ва хизматкорлари овқатланишар эди.

Сал нарида оддий ходимлар тамадди қиладиган, бўялмаган узун тахта стол ва мактаб парталарига ўхшаш скамейкалар қўйилган ошхона бор эди.

Кемадаги капитан хосхонасидай, ҳамма хоналардан баланд қилиб қурилган бир ойнаванд ҳужра ярқираб турар, бу жой ҳисобчининг хонаси бўлиб, у ошхонадан чиқадиган барча таомларни ҳисоб-китоб қилиб бориши лозим эди.

Проспер Донж қаҳвахона эшигини очган пайтида, юқори қаватларга олиб чиқувчи торгина зинапоядан кимдир тепага кўтарилаётганини туйди, бироқ у бунга эътибор қилмади. Ҳарҳолда, кейинчалик берган маълумотларида у шундай деб айтди.

Проспер ҳам Шарлоттага ўхшаб ичкарига кириши билан гугурт қақди, вишиллаб газплита ёнди. У ишга келган захоти баъзи бир сахархез мижозлар учун барвақтроқ қаҳва тайёрлаш мақсадида плитанинг бир кўзини ёқиб кўярди.

Ана шундан кейингина узун йўлакларнинг бири орқали ечиниш хонаси томон йўл олди. Бу хона каттагина бўлиб, бир неча умивальник, хира кўзгу ҳамда эшигига рақамлар ёзилган темир шкафлар қатор қилиб териб қўйилганди.

Проспер калити билан 67-шкафни очди-да, пальтоси, шарфи, фуражкасини илиб, оёғига шиппак кийиб олди — у ишда енгил пойабзалда юришни афзал кўрарди. Сўнг оқ курткасини кийди.

Орадан бир неча дақиқа ўтди... Олти яримда ертўла жонланиб қолди... Тепадаги бўм-бўш йўлакда ишни қабул қилиб олувчи шеригини кутиб ўтирган эшикбондан бошқа ҳамма ухлаб ётарди.

Қаҳва қайнатиладиган идиш шиқирлади. Проспер Донж чинни кружкага қаҳва куйди-да, бамисоли театр сахналарининг икки ёнбошида бўладиган ва ажойиб-ғаройиб жойларга олиб чиқадиган сирли нарвонни эслатувчи зиналарни босиб, юқорига кўтарилди.

Торгина эшикни очиб, гардероб ёнидаги йўлакка ўтди; каттакон кўзгу тўсиб турган бу эшикни унча-мунча одам пайқамас эди.

— Қаҳва! — деди у кружкани гардероб тўсиғига қўйиб. Ишлар қалай?

— Бир нави, — деб ғўлдиради эшикбон.

Проспер Донж қайтиб ертўлага тушди. Шу пайт унинг уч ёрдамчиси — «уч бақалоқ» келди. Уларни шундай деб аташарди. Учови ҳам гўл, бадбашара; айниқса биттаси жудаям қари ва сержаҳл кампир. Улар кружка ва ликопчаларни шақирлатиб ювишга тушиб кетишди.

Проспер Донж эса ҳар кунгидай катта-кичиклигига қараб, аввал бир кружкалик, икки кружкалик, уч кружкалик кумуш кофейникларни, сўнг сут идишлари ва чойнакларни пештахта устига қатор қилиб тега бошлади.

Ойнаванд ҳужрада Жан Рамюзлнинг ҳурпайган боши кўринди.

«Яна шу ерда тунапти», дея кўнглидан ўтказди Проспер.

Кейинги пайтларда ҳисобчи Рамюзель уйига бормасдан уч-тўрт марта меҳмонхонада тунаб қолган эди. У Монпарнаснинг нарёғида яшарди.

Аслида меҳмонхонада ётиб қолиш ман этилган эди. Йўлакнинг охирида, вино сақланадиган иккинчи ертўлага олиб тушиладиган эшик ёнида уч-тўртта каравот қўйилган хона бор эди, лекин бу каравотлар иш орасида пича ҳордиқ чиқаришга эҳтиёж сезган хизматчилар учун мўлжалланган эди.

Проспер Донж Рамюзелга қўл силкиб, саломлашган бўлди, у ҳам шу йўсин жавоб қайтарди.

Сўнг Марказий бозордан девқомат бош ошпаз қайтиб келди. У бир машина масаллиқ олиб келган эди. Машина Поньте кўчасида тўхтади. Ишчилар юкни туширишга киришди.

Соат етти яримларда «Мажестик» ертўлаларида камида ўттиз чоғли одам уймаланишарди; кўнғироқ овозлари эшитилар, овқат солинган патнислар ташиладиган жажожи лифтлар гоҳ кўтарилар, гоҳ тўхтар, гоҳ пастга тушар, Рамюзель эса ҳужрасига териб қўйилган михларга оқ, яшил ва пушти ранг талонларни суқиш билан овора эди.

Бу пайтда ҳаворанг халат кийган кундузги эшикбон ўз жойини эгаллаган, почта ишлари билан шуғулланувчи югурдак эса ўз хонасида хатларни санар эди. Елисей майдонида ҳозир офтоб тушган бўлса керак, лекин «Мажестик» ертўлаларида фақат оғир автобуслар ўтганида ойнаванд тўсиқларнинг зириллагани сезилади, холос.

Соат тўққиздан бир неча дақиқа ўтганда (кейинчалик аниқланишича, соат тўққиздан тўрт дақиқа ўтганда) Проспер Донж қаҳвахонадан чиқиб, сал ўтмай ечиниш хонасига кириб борди.

— Рўмолчам пальтомнинг чўнтагида қолиб кетган экан, — деди у сўроқ пайтида.

Ҳар нима бўлганда ҳам шуниси аниқки, темир шкафлар турган хонада ундан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У ўз шкафини очганми? Буниси номаълум — гувоҳлар йўқ. Эҳтимол, рўмолчасини ростдан ҳам олгандир. Шкафлар юзта эмас, роппа-роса тўқсон иккита бўлиб, ҳар бирининг эшигига номер ёпиштириб қўйилган эди. Сўнгги бешта шкаф бўм-бўш эди.

Нима учундир Проспер Донж эгаси йўқ, бинобарин, қулфланмаган, 87-шкафни очишга жазм қилди?

— Беихтиёр... — деди у кейин. — Эшиги қия очиқ турган экан, ўйлаб ўтирмай, очиб кўрибман...

Мазкур шкафда мурда бор эди, уни тикка қилиб турғазиб қўйишган эди. Бу қора, юпқа жун кўйлакли, малласоч (сочи бўялган, албатта), ўттиз ёшлардаги аёлнинг жасади эди.

Проспер Донж миқ этмади. Ранги оқарганча Рамюзелнинг ойнаванд ҳужрасига келди-да, кичкина деразага эгилиб, шивирлади:

— Юринг тезроқ... Кўриб қўйинг...

Ҳисобчи унга эргашди.

— Шу ерда ўтиринг, Проспер... Ҳеч кимни киритманг.

Рамюзель шундай деб зинага қараб югурди, ҳовлиқиб холлга кирди, шофёр билан гаплашиб турган эшикбонга кўзи тушди.

— Директор келдимми?

Эшикбон директор кабинети томонга ишора қилиб, бош силкиди.

\* \* \*

**М**егрэ айланма эшик олдида тўхтаб, трубкасини пошнасига уриб бўшатмоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди, трубкани яна лабига қистирди. Энг ёқимли бўлган эрталабки, биринчи трубкадан воз кечиш осон эмас.

— Директор сизни кутяптилар, жаноб комиссар...

Холлда одам сийрак эди. Мусофир бир инглиз югурдак билан нималарнидир гаплашар, шляпа қутисини кўтариб олган, оёқлари худди чигиртканикидай ингичка ва узун ёшгина бир қиз у ёқдан-бу ёққа бориб келарди — афтидан, шляпадўздан буюртмани олиб келган бўлса керак.

Мегрэ директор хонасига кирди, у индамай қўл узатди-да, креслога ишора қилди. Ойна эшикни ичкаридан зангори парда тўсиб турарди, лекин парда сал очилса, бутун холл кафтдагидай кўзга ташланарди.

— Сигара чекадиларми?

— Йўқ, раҳмат.

Сўхбатдошлар бир-бирларини кўпдан бери билишар, бинобарин, ортиқча гап-сўзга ҳам ҳожат йўқ эди. Директорнинг эгнида йўл-йўл шим, қора костюм; галстуги худди тунукадан қирқиб олинганга ўхшайди.

— Мана...

Шундай деб, у Мегрэга регистрация карточкасини узатди. «Освальд Ж. Кларк, детройтлик саноатчи (АҚШ, Мичиган штати).

12 февралда Детройтдан келган.

Ҳамроҳлари: хотини — миссис Кларк; ўғли — Тедди Кларк, етти ёшда; ўғлининг мураббияси — Эллен Дерромен, йигирма тўрт ёшда; Гертруда Бормс — қирқ икки ёшда, оқсоч.

Номери — 203».

Телефон жиринглади. Директор қисқа жавоб қилди. Мегрэ карточкани тўрт буклаб, ҳамёнига солиб қўйди.

— Қайси бири?

— Миссис Кларк.

— Ҳа-а!..

— Биринчи навбатда полицияга хабар бердим, кейин ўз врачимизга қўнғироқ қилдим, у шу атрофда, Берри кўчасида яшайди. Пастда кутиб турипти. Унинг фикрича, миссис Кларкни бугун эрталаб соат олти билан олти яримлар орасида бўғиб ўлдиришган.

Директор хофа эди. Юз берган воқеа меҳмонхона учун катта офат эканлигини Мегрэдай одамга тушунтириб ўтириш шарт эмас, қанийди ишни босди-босди қилишнинг иложи бўлса...

— Демак, Кларклар оиласи бир ҳафта олдин келган, — деди комиссар. — Қанақа одамлар ўзи?

— Туппа-тузук одамлар... Жудаям яхши одамлар... Кларкнинг ўзи баланд бўйли, басавлат, оғир-вазмин киши, қирқ, эҳтимол, қирқ беш ёшларда. Хотини — шўрлик! — асли францияликка ўхшайди... Ешими?... Йигирма саккиз-йигирма тўққизларда... Бирров кўзим тушувди... Мураббия — бамаъни жувон... Оқсоч аёл — у кичкина Теддига энагалик ҳам қилади — содда, лекин ўлгудай минғирминғир... Ҳа, бир нарсани айтиш эсимдан чиқипти... Кларк кеча Римга жўнаб кетди...

— Бир ўзимиз?

— Назаримда, у Европага иш билан келган... Шарикли подшипниклар ишлаб чиқарадиган корхонаси бор экан... Турли мамлакатларнинг пойтахтларига борса керак, бу пайтда хотини билан ўғлини ва бутун хизматчиларни Парижда қолдиришга аҳд қилган.

— Кетди денг? Қайси поездда?

Директор телефон трубкасини кўтарди.

— Алло? Эшиқбонми? Кеча мистер Кларк қайси поездда кетди? Ҳа, ҳа, икки юз учинчидаги... Юкини элиб бериш учун ҳеч кимни вокзалга жўнатмаганми-дингиз?... Э-э, фақат саквожми бор эди денг?... Таксида кетдимиз?... Ким опкетди?... Дезиремасми?... Хўп, бўпти, раҳмат... Эшитдингизми, жаноб Мегрэ? Кеча эрталаб соат ўн бирда таксида кетган... Шофёр — Дезире. Деярли ҳамма вақт меҳмонхонамиз олдида туради. Кларкнинг қўлида фақат саквожми бўлган...

— Рухсат этинг, мен ҳам бир қўнғироқ қилай... Алло! Яхши қиз, жиноят қидирув полициясини улаворинг... Полициями?... Люка? Ҳозироқ Лион вокзалига бориб, кеча соат ўн бирдан кейин Римга қанақа поездлар кетганини аниқла.

У телефонда кўрсатма бериб бўлгунга қадар трубкаси ўчиб қолаёзди.

— Торансга айт, Дезире деган одам ҳайдайдиган таксини топсин. Ҳа, ҳа, кўпинча «Мажестик» олдида турадиган такси. Кеча эрталаб меҳмонхона эшиги олдидан ўтирган баланд бўйли, озғин америкаликни қаерга олиб бориб қўйганини аниқлаш керак. Тушундингми?

У трубкасини қаёққа қоқишни билмай, у ёқ-бу ёққа аланглади. Директор унинг олдида кулдонни суриб қўйди.

— Сигара чека қолсангиз-чи... Оқсоч аёл қаттиқ куйинди... Унга айтиб, тўғри иш қилдим, деб ўйлайман. Мураббия бу кеча меҳмонхонада тунамаган.

— Уларнинг хонаси нечанчи қаватда?

— Учунчида. Деразалардан Елисей майдони кўриниб туради... Хоналар шу тарзда жойлашган: мистер Кларкнинг ётоқхонаси билан хотинининг ётоқхонасини меҳмонхона ажратиб туради, кейин боланинг хонаси, ундан нари оқсоч аёлнинг ва ниҳоят мураббиянинг хонаси. Улар ҳаммаларини битта номерга жойлаштиришни талаб қилишган эди.

— Тунги швейцар кетиб қолдимиз?

— Ҳа. Лекин телефонда гаплашса бўлади. Бир сафар керак бўлиб қолганида қўнғироқ қилган эдим. Хотини — Неяда, янги уйда консъержка бўлиб ишлайди... Алло! Телефонга...

Беш дақиқадан сўнг шу нарса маълум бўлдики, миссис Кларк бир кун олдин ёлғиз ўзи театрға бориб, тунги соат бирларда меҳмонхонага қайтган. Оқсоч аёл ҳеч қаёққа чиқмаган. Мураббия бўлса меҳмонхонада тушлик ҳам қилмаган, тунамаган ҳам.

— Начора, пастга тушайлик бўлмаса, кўрайлик, — деди хўрсиниб Мегрэ.

Холлда одам кўпайиб қолган, аммо ҳамма ухлаб ётган пайтда меҳмонхонада қандай фожиа юз берганини ҳеч ким билмас эди.

— Анови ердан кирамиз... Орқамдан юраверинг, жаноб комиссар.  
 Бирдан директор қошларини чимирди. Айланма эшик очилганда офтоб нури ёшгина, зебо бир аёлга тушди. Югурдакнинг ёнидан ўта туриб, аёл инглизчалаб:  
 — Менга ҳеч нарса йўқми? — деб сўради.  
 — Мисс Эллен Дерромен шу, жаноб комиссар...  
 Таранг тортилган ипак пайпоқ, чиройли тикилган кулранг костюм кийган хоним эрталаб пардоз-андозни ўрнига кўядиган ёқимли аёллардан экан. Чехрасида ҳорғинликдан асар ҳам йўқ, аксинча, икки юзи февралнинг тонгги аёзидан кип-қизариб турипти.  
 — Гаплашиб кўрасизми?  
 — Ҳозир эмас... Бир оз кутамиз...  
 Шундай деб, Мегрэ холлнинг бир бурчагида ўтирган, ўзи билан бирга келган инспектор томон юрди.  
 — Анови жувонни кўздан қочирма... Уз хонасига кирса, эшик олдида пойлаб тур...  
 Комиссар билан директор даҳлизга киришди. Ошиқ-мошиқли каттакон кўзгу сурилиши билан энсизгина зина кўзга ташланди. Шу заҳоти бутун дабдаба, зеб-зийнат, зарҳал туваклардаги ранго-ранг гуллар, нафосат ва жўшқин муҳит — ҳаммаси тугади: пастан ошхонанинг бадбўй хиди димоққа урилди.  
 — Бу зина ҳамма қаватларга олиб чиқадими?  
 — Ҳа. Бунақа зинадан иккита: иккаласи ҳам ертўладан бошланиб чордоқда тугайди... Лекин бинони яхши билган одамгина булардан фойдалана олиши мумкин. Ҳар бир қаватда, масалан, бошқа эшиклардан фарқ қилмайдиган энсиз бир эшикни очиш керак, фақат бу эшикка рақам ёпиштирилмаган. Унча-мунча мижознинг хаёлига ҳам келмайди...  
 Соат ўн бирга яқинлашиб қолган эди. Энди ертўлаларда элликта эмас, камида юз эллик одам уймаланишарди — бировнинг бошида оқ қалпоқ, бировнинг эгнида официантлар киядиган фрак; вино сақланадиган ертўлада ишлайдиганлар олдида пешбанд тутиб олган; Проспер Донжнинг «уч бақалоғи»га ўхшаган қора иш билан машғул аёллар ҳам анча-мунча эди.  
 — Марҳамат, бу ёққа... Фақат эҳтиёт бўлинг, кийимингизни ифлос қилишингиз ёки тойиб кетишингиз мумкин... Йўлакларимиз жуда тор...  
 Шиша деворлар ортидан ҳамма директорни, айниқса, полиция комиссарини кузатиб турарди. Жан Рамюэль узатилган талонларни чаққонлик билан олар ва патнисдаги таомларга тез кўз ташлаб чиқарди.  
 Полициянинг пайдо бўлиши ҳаммани саросимага солиб қўйган эди. Мегрэнинг шу ердалигидан хабардор қилинган ёшгина доктор йигит, ечиниш хонасида сигарета тутатганча, унинг келишини кутаётган эди.  
 — Эшикни ёпинг...  
 Мурда ерда, темир шкафлар орасида ётарди. Доктор оғзидан тутун ҳалқачасини чиқазиб:  
 — Афтидан, орқа томондан ташланишганга ўхшайди... Узоқ қаршилик кўрсатолмаган... — дея секингина сўз қотди.  
 — Бундан ташқари, мурдани судраб келишмаган!.. — деди Мегрэ, марҳуманинг қора кўйлагига ишора қилиб. — Заррача гард йўқ... Ё жиноят шу ерда содир бўлган ёки жасадни бу ерга олиб келишган — бу ишни камида икки киши қилган: бир одам бу тор, илонизи йўлаклардан кўтариб келишга қийналарди...  
 Мурда чиққан шкафдан тимсоҳ терисидан ясалган кичкина сумка топилди. Комиссар сумкани очиб, ундан тўппонча олди, ўқланган-ўқланмаганини текшириб кўргач, чўнтагига солиб қўйди. Сумкада дастрўмол, упа қутиси, бир нечта пул қоғози ва минг франкка яқин нақд пулдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди...  
 Эшик ортида ғала-ғовур авжга чиққан эди: овқат ташиладиган лифтлар тўхтовсиз тушиб-чиқар, кетма-кет кўнғироқ чалинар, ошхонанинг ойна деворидан катта-катта сатиллар атрофида уймаланишаётган, сихларга жужа тизаётган одамлар кўриниб турар эди.  
 — Прокуратурадан одам келмагунча ҳеч нарсага тегилмасин, — деди Мегрэ. — Мурдани ким топди?  
 Унга қаҳва қайнатиладиган идишни тозалаётган Проспер Донжни кўрсатишди. Мегрэ қирқ беш-қирқ саккиз ёшлардаги баланд бўйли, малласоч кишига қаради. Унинг кўзлари кўм-кўк, юзи чўтир эди.  
 — Кўпдан бери ишлайдими?  
 — Беш йил бўлди... Илгари «Мирамар»да, Каннда ишлаган.  
 — Тузук одамми?  
 — Ҳа.  
 Донжни комиссардан шиша тўсиқ ажратиб турарди. Ана шу тўсиқ орасидан уларнинг кўзлари тўқнашди. Қаҳвахона буфетчисининг юзига гул этиб қон урилди — ҳамма малла одамларникидай унинг ҳам териси жуда юпка эди.

— Кечирасиз, жаноб директор... Жаноб комиссарни телефонга чақиришпти... — деди ўз ҳужрасидан чолиб чиққан ҳисобчи Жан Рамюэль. — Агар хоҳласангиз, шу ердаги трубкани олсангиз ҳам бўлаверади.

Жиноят қидирув полициясидан олинган ахборот шундай эди: кеча эрталаб соат ўн бирдан бери Римга фақат иккита тезюрар поезд жўнаб кетган... Освальд Ж. Кларк ҳар иккаласига ҳам чиқмаган. Телефон орқали ўзининг сеvimли қаҳвахонасидан топилган шофёр Дезиренинг айтишича, кеча у ўз мижозини вокзалга эмас, Монпарнас хиёбонидаги «Бургутча» меҳмонхонасига олиб бориб ташлаган.

Зина томондан шовқин-сурон эшитилди. Қандайдир бир аёл йўлини тўсган малайга инглизчалаб овозининг борича чинқиради. Бу — ертўлага тушишга талпинаётган мураббия мисс Эллен Дерромен эди.

## II боб

### Мегрэнинг сайри

**К**ўллари духоба ёқали кенг пальтосининг чўнтақларига солиб, қалпоғини гарданига суриб қўйган Мегрэ трубкасини тишлаганча меҳмонхона директорининг таъзирини бераётган америкалик аёлни кузатарди.

Шу дақиқада комиссар Мегрэга разм солинса, у билан мисс Эллен Дерромен ўртасида заррача ҳам хайрихоҳлик туйғуси йўқлиги аён бўларди.

— Нима деяпти? — деб сўради у америкалик аёлнинг қаҳрли нутқини бўлиб. У аёлнинг бирорта ҳам сўзига тушунмаётган эди.

— Миссис Кларк ўлдирилгани ростми, Римга қўнғироқ қилиб, мистер Освальд Кларкни юз берган воқеадан хабардор қилдингларми, деб сўраяпти. Яна мурда қаердалиги билан қизиқяпти, агар иложи бўлса...

Бироқ америкалик аёл унга гапини тугатишга имкон бермади. Қошларини чимирганча пича қулоқ солиб турди-да, Мегрэга бир ёвқараш қилиб, яна инглизчалаб сайраб кетди.

— Нима деяпти?

— Мурдани кўрсатинг, деб талаб қиляпти...

Мегрэ оҳиста аёлнинг тирсагидан олиб, даҳлиз томон етаклади. Худди америка фильмларидаги жирттаки аёлга ўхшаб, ҳозир жазава билан олдинга юлқинади, деб ўйлаган эди, бундай бўлмади. Қайтанга гердаиб, қадамини намойишкорона босиб, илгарилай бошлади. Барча хизматчилар шиша девор ортидан унга синчковлик билан қараб туришарди.

— Марҳамат, киринг, — деди комиссар андак истеҳзоли оҳангда.

Америкалик аёл уч қадам босдию устига чойшаб ташлаб қўйилган мурдани кўриб, таққа тўхтади, яна инглизчалаб бир нималар деди.

— Нима деяпти?

— Чойшабни олинглар, деяпти...

Мегрэ аёлдан кўз узмай, илтимосини бажо келтирди. Аёл сесканиб кетди, аммо нечоғли даҳшатли манзара бўлишига қарамай, дарров ўзини босиб олди.

— Сўрасанг-чи, миссис Кларкни танияптими, йўқми?

Америкалик аёл елкасини қисди ва баланд пошнасини ерга бир уриб қўйди.

— Нима деяпти?

— Буни сиз ундан кўра яхшироқ билармишсиз...

— Ундай бўлса, кабинетингизга таклиф қилинг, унга берадиган уч-тўртта саволим бор.

Директор таржима қила бошлади. Мегрэ бу фурсатдан фойдаланиб мурданинг юзини ёпиб қўйди.

— Нима деяпти?

— Бормайман деяпти.

— Шунақама! Илтимос, айтиб қўйинг, мен жиноят қидирув полицияси махсус бўлимининг бошлиғи бўламан!

Мисс Эллен унга тикилиб қараб турди-да, бу гапнинг таржимасини ҳам кутиб ўтирмай, бир нималар деди. Мегрэ яна ўша саволини такрорлади:

— Нима деяпти?

— Ни-има деяпти-и? — мазах қилган бўлди америкалик аёл негадир асабийлашиб. Худди ўзига-ўзи гапиргандай, тагин инглизчалаб сайраб кетди.

— Таржима қилинг, илтимос.

— «Полицияданлиги кўриниб турибди» деяпти. Яна...

— Айтаверинг, тортинманг.

— Қалпоғингиз билан трубкангизга бир қарашнинг ўзи кифоя эмиш... Узр, ўзингиз таржима қилиб беришимни сўрадингиз.... Саволларингизга жавоб бермайман, деяпти.

— Нима учун?

— Ҳозир сўраб кўраман...

Эллен Дерромен сигарета тутатганча директорнинг сўзларини эшитиб турди, сўнг елкасини қисиб, алланималар деди.

— Ҳеч кимга ҳисоб бермайман, фақат расмий қақириқни тан оламан, деяпти.

Шу гапдан кейин америкалик аёл Мегрэга сўнгги марта бир қаради-да, кескин бурилиб, худди ҳалигидай юриш қилиб, зина томон кетди.

Бир оз каловланиб қолган директор комиссарга қаради, унинг жилмайиб турганини кўриб, тамом ҳайратга тушди.



ртўла шунақанги исиб кетдики, Мегрэ пальтосини ечишга мажбур бўлди, лекин у бошидаги қалпоғи билан оғзидаги трубкасини асло қўймас эди. Қўлини орқасига қилганча йўлақларда бамайлихотир айланиб юрди, аҳён-аҳён, худди шиша аквариумни томоша қилгандай, биронбир бўлимнинг ойна девори олдида тўхтаб ўтарди.

Кундузи ҳам электр нури ёритиб турадиган бу улкан ертўла ростдан ҳам аквариумни эслатарди. Нақ океанография музейи. Ҳар бир шиша қафас ичида — бирида кўпроқ, бирида озроқ — тирик мавжудот бор. Ертўла аҳли ҳар хил нарсаларни, патнису идиш-товоқларни кўтариб, у ёқдан-бу ёққа шошилар, юк ташийдиган ва юқори қаватларга таом элтадиган лифтларни ишга солишар, узлуксиз жиринглаб турадиган телефонлар орқали кимлар биландир муомала қилишар эди.

Африка чакалзорларида яшайдиган одамни олиб келинса, бу манзарани кўриб, нима дердийкин?...» дея хаёлидан кечирди комиссар.

Прокуратура ходимлари келишдию тезгина жўнаб қолишди — атиги бир неча дақиқа бўлишди, холос. Терговчи ҳар вақтдагидай Мегрэга ҳамма ишни ишониб топшириб кетди. Мегрэ у билан икки-уч марта Рамюзлнинг каталагидаги телефонда гаплашди.

Жан Рамюзлнинг бурни шунақаям қийшиқ эдики, юзини худди ён томонга буриб тургандай кўринарди. Бундан ташқари, жигари ҳам чатоқ эди. Ҳар куни патнисда келтирилган нонуштага ўтиришдан олдин нимчасининг чўнтагидан оқ порошок солинган қоғоз халтачани чиқариб, дорини бир стакан сувга солиб ичиб юборарди.

Соат бир билан учнинг орасида иш қайнагандан-қайнаб, шунақанги чоп-чоп бошланардики, гўё биров кинолентани шитоб билан айлантираётгандай тасаввур туғиларди.

— Кечирасиз... Узр...

Ҳар қадамда кимдир комиссар Мегрэ билан тўқнашиб кетар, аммо у бамайлихотир йўлида давом этар, баъзан-баъзан тўхтаб, бир-икки савол берарди-да, яна олдинга қараб юрар эди.

У йигирматача одамни гапга тутди. Бош ошпаз ошхонанинг ишларидан сўзлади, Рамюзль турфа рангдаги талонларнинг фарқини тушунтириб берди.

Шиша девор орқасидан туриб, «югурдақлар ошхонаси»да нонушта қилаётган одамларни кузатди. Улар ичида жажжи Кларкнинг энагиси Гертруда Бормс — бадқовоқ, семиз аёл ҳам бор эди.

— Французча гаплашадими?

— Бир оғиз ҳам билмайди.

Аёл рўпарасидаги ливрей<sup>1</sup> кийган шофёр билан гаплашиб ўтириб, анча-мунча овқат еди.

Ўз қаҳвахонасида ивирсиётган Проспер Донжни Мегрэ айниқса қизиқиш кузатди. Проспер шиша банкага солиб қўйилган олтин балиққа ўхшарди — жингалак сочлари қизғиш, юзи кўпчилик малла одамларникидай ёширанг, лаблари қалин ва худди балиқникидай чўччайганроқ.

У ҳам худди балиқдай, аҳён-аҳён шиша девор ёнига келиб, бақрайганча қараб турар, афтидан, полиция комиссари шу пайтгача унга бирор оғиз сўз қотмаганидан таажжубланар эди.

Мегрэ ҳамма билан гаплашардию, аммо Проспер Донжга мутлақо эътибор бермасди. Аслида асосий гувоҳ — мурдани топган унинг ўзи-ку!

<sup>1</sup> Ливрей — буржуа мамлакатларида хизматкорлар киядиган қалин махсус кийим.



Проспер Донж ҳам қаҳвахонасидаги столча ёнига ўтириб, нонушта қила бошлади. Қўли остида ишлайдиган учта бақалоқ аёл атрофида парвона. Ҳар лаҳзада кўнғироқ жиринглаб, туйнукча рўпарасига кичкина лифт келиб тўхтарди. Донж бу ердан талонни оларди-да, унинг ўрнига таомлар солинган патнисни қўяр, шундан сўнг жажжи лифт юқорига, меҳмонхонанинг аллақайси бир қаватига кўтарилиб кетарди.

Бир қарашда жуда оғир туюладиган бу югур-югур, аслида, жўнгина бир нарса эди. Меҳмонхонанинг мана шу тобда тахминан икки юз-уч юз одам овқатланаётган улкан ресторани шундоққина ошхонанинг тепасига жойлашган бўлиб, аксарият буюртмалар ўша ёққа чиқариларди. Ҳар гал лифт кабинаси пастга тушганда тепадан ғира-шира куй садолари эшитиларди.

Айрим мижозлар ўз хоналарида овқатланишарди, уларга ўша қаватдаги ресторан хизмат қиларди. Ертўлалардаги бинолар қаторида газакхона ҳам бор эди, кечкурун соат бешдан кейин у дансинг — рақсхона вазифасини ўтарди.

Жасадни олиб кетиш учун суд-медицина экспертизаси ходимлари ва криминалистика бўлиmidан иккита мутахассис келишди. Улар бармоқ изларини топиш мақсадида кучли лампа ва фотоаппаратлар билан 89-шкафни ярим соатча суратга олишди.

Бу ишлар Мегрэни қизиқтираётгандай туюларди. Талаб қилган заҳоти экспертиза хулосаларини унга маълум қилишади-ку, ахир.

Четдан қараганда, у машҳур меҳмонхона ишлари билан шунчаки танишиб юргандай таассурот туғилиши мумкин. Мегрэ тор зинадан кўтарилиб, биринчи эшикни очди-ю, аммо яна дарров ёпди, у ресторанинг улкан залига кириб қолган, у ерда ғала-ғовур, қошиқ-вилкаларнинг шарақ-шуруғи, жарангос куй авжга чиққан эди.

Комиссар яна юқори кўтарилди. Узун йўлак, номер қоқилган сон-саноксиз эшиклар, чўғдай ёниб турган гилам пойандознинг охири кўринмайди.

Очиғини айтганда, махфий зинадан ҳар бир мижоз ертўлага туша оларди. Понтъе кўчасидаги хизматчилар кириб-чиқадиган эшик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Елисей майдонидан кириладиган асосий йўлакдаги айланма эшик олдида икки шофёр, эшикбон ва хат ташувчи югурдаклар туришарди, аммо ҳар қандай йўловчи хизматчилар юрадиган эшикдан «Мажестик»ка кира олар ва афтидан, унга ҳеч ким эътибор ҳам бермаган бўлар эди.

Кўпчилик театрларда ҳам аҳвол шу: уларнинг бир томони қаттиқ қўриқланади-ю, аммо иккинчи — артистлар кириб-чиқадиган томони ланг очик ётади.

Ахён-ахён ечиниш хонасига оқ куртка кийган кишилар кириб кетишарди ва ҳаял ўтмай у ердан башанг кийиниб, бошларига шляпани қўндирганча чиқиб кетишарди.

Бригадалар алмашди. Бош ошпаз андак мизғиб олиш учун орқа томондаги хонага кириб ёйиб бўлди. Нонушта билан тушлик пайтидаги тўс-тўполон орасида у ҳамма вақт шундай қиларди.

Кундузи соат тўртларда яқингинадаги рақсхонада шўх бир куй янгради. Проспер Донж абгор бир қиёфада қатор териб қўйилган чойнакларга чой дамлар, кичкина-кичкина чинни идишларга қаймоқ қуяр, ора-орада шиша девор ёнига келиб, Мегрэга ҳадик билан қараб қўяр эди.

Соат бешда унинг учала ёрдамчиси кетиб, уларнинг ўрнига бошқа икkitаси келди. Соат олтида эса у ҳисобчи Рамюзелга бир даста талон билан қандайдир рўйхатни олиб бориб берди. Чамаси, қаҳвахонадан чиққан нарсаларнинг рўйхати эди. Кейин ўзи ҳам ечиниш хонаси томон йўналди ва сал ўтмай, ҳар кунги киядиган костюмини кийиб қайтиб чиқди, хат ташувчи тузатиб қўйган велосипедини етаклади.

Ташқарида қош қорая бошлаган, Понтъе кўчаси тирбанд эди. Проспер Донж такси ва автобуслар оралаб Елисей майдони томон юрди. Этуаль майдонига етай деганда бирдан орқага бурилиб, Понтъе кўчасига қайтиб келди ва радиоприёмник ва телевизорлар сотиладиган магазинга кириб, кассага уч юз франкдан кўпроқ пул тўлади. Бу ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан олинган приёмникнинг бир ойлик тўлови эди.

Аввал Елисей майдонидан, сўнг улғувор сукунатга чўмган Фўш кўчасидан ўтди. Бу ерда автомобиллар, худди сирғалиб кетаётгандай, шовқинсиз юради. Проспер Донж ҳали узоқ йўл босадиган, ҳар куни маълум бир вақтда айнан шу йўлдан ўтадиган, иззат-ҳурмати жойида кишилар сингари педални оҳиста босар эди.

Орқадан бировнинг:

— Жаноб Донж, нарироққача кузатиб қўйсам майлими? — деган овози эшитилди.

Донж тормозни шу даражада қаттиқ босдики, велосипеди бир томонга сурилиб, Мегрэни уриб юборишига сал қолди. У билан деярли ёнма-ён, «Мажес-

тик» меҳмонхонасининг хат ташувчисидан вақтинчаликка олинган, гавдасига нисбатан анча кичик бўлган велосипедда Мегрэ келаётган эди.

— Хайронман, — деди Мегрэ, — шаҳар четида турадиганларнинг ҳаммаси нима учун велосипедда юрмас экан-а? Автобус ёки трамвайда юргандан кўра минг марта афзал-ку!..

Улар Булон ўрмониغا кириб боришди. Кўп ўтмай кўл сатҳида жилва қилаётган электр чироқлари кўзга ташланди.

— Кун бўйи бош қашишга ҳам вақтингиз бўлмади. Шунинг учун безовта қилмай кўя қолдим...

Мегрэ тажрибали велосипедчилардай педални бир маромда босарди. Аҳён-аҳён орқа ғилдиракнинг хиёл ғийчиллагани эшитилиб қоларди.

— Айтинг-чи, Жан Рамюэль «Мажестик»ка ишга кирмасидан олдин нима иш қилган?

— Банкда ҳисобчи эди... Комартен кўчасидаги Атум банкида.

— Ҳм-м... Атум банки... Ҳавас қиладиган жойи йўқ... Бу дейман, Рамюэль деганингиз сал ғалатиروқми, а?.. Носамимийроқми-ей?..

— Касалманд бечора, — деди паст товушда Проспер Донж.

— Эҳтиёт бўлинг... Тротуарга чиқиб кетдингиз... Сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб турибман-у, одобсизликка йўясизми деб, истиҳола қиляпман... Мана, сиз қаҳвахонада буфетчисиз... Дуруст. Лекин бир нарсани ўйлаб қолдим: нима сабабдан шу нарсани танлагансиз? Мени тўғри тушунинг... Назаримда бу иш билан азбаройи яхши кўрганингиздан шуғулланаётганга ўхшамасиз: ахир, одам болагиди, ўн олти-ўн етти ёш пайтида, қаҳвахонага буфетчи бўлман, деб орзу қилмайди-ку. Эҳтиёт бўлинг!.. Бунақада машина уриб кетиши мумкин. А, нима дедингиз?

Донж ташландиқ бола эканлиги, тарбия уйдан Витрли-ле-Франсуа атрофидан ижарага ер олган бир фермернинг оиласига тушиб қолганлиги ҳақида, ўн беш ёшгача ўша ерда яшаганлиги, кейин шаҳарга келиб, қаҳвахонадан жой топганлиги — олдин югурдак, сўнг офицант бўлиб ишлаганлиги тўғрисида ўксик бир оҳангда сўзлаб берди.

— Ҳарбий хизматни ўтаб бўлганимдан кейин, саломатлигимнинг мазаси йўқлиги важдан, жанубда яшашга аҳд қилдим... Аввал Марселда, кейин Каннда офицант бўлиб ишладим. «Мирамар»да ишлаб юрган пайтимда, бирдан, бу одам бунақа ҳашаматли ресторанга муносиб эмас, деган гап чиқиб қолди. «Турқи совук» деганмиш директор. Шундан сўнг мени қаҳвахонага ўтказиб қўйишди... У ерда ҳам бир неча йил ишладим. Кейин Парижга кўчиб ўтдим, мени «Мажестик» қаҳвахонасига олишди.

Улар Сен-Клу кўпригидан ўтгач, уч мартача аллақандай тор кўчаларга бурилишди ва ниҳоят баланд бир тепалик ёнида тўхташди.

— Бу ёғига ҳам бормоқчимисиз? — деб сўради Проспер.

— Агар сиз йўқ, демасангиз. Кун бўйи меҳмонхона ертўласида бўлганим учун, нима сабабдан қишлоққа кўнгил кўйганингизни яхшироқ тушуниб турибман. Эҳтимол, ўз чорбоғингиз ҳам бордир...

— Арзимас...

— Гул экасизми?

— Гул ҳам, сабзавот ҳам экаман.

Улар энди палапартиш тош ётқизилган ва номигагина чироқ ўрнатиб қўйилган кўчадан велосипедларини етаклаганча тепаликка кўтарилишарди. Икковлари ҳам терга ботиб, ҳансираб қолишган, бинобарин, иложи борица гаплашмасликка ҳаракат қилишарди.

— Йўлақларда айланиб юриб, гоҳ у, гоҳ бу хизматчи билан суҳбатлашганимдан кейин нимани аниқлаганимни айтмайми? Кеча ертўлада камида уч одам тунаб қолибди. Биринчиси — Жан Рамюэль... У ҳақда қизиқ гапларни гапириб беришди: ўйнашининг феъли ёмон эмиш, сал нарсага уни уйдан ҳайдаб чиқарармиш. Уч-тўрт кун олдин ҳам ҳайдаб юборган экан, меҳмонхонада турибди. Директор рухсат бераверадими?

— Қоида бўйича мумкин эмас, лекин муросаи мадора дегандай...

— Рамюэлдан ташқари раққос Зебио ҳам тунаб қолган... Уни синчков болакай деб атайсизлар шекилли, тўғрими? Қадди-қомати келишган, қорамағиз, ҳақиқий аргентиналик. Дансингдаги унинг сурати туширилган афишаларда Эвзебио Фуальдас деб ёзилган. Хужжатларда эса унинг Лилль шаҳридан эканлиги, бу жанубий америкаликнинг ҳақиқий исми Эдгар Фагоне эканлиги қайд этилган. Кеча машҳур бир киноактёрнинг шарафига дансингда зиефат уюштирилган. Зебио у ерда эрталаб соат уч яримгача бўлган... Шунчалик камбағалдирки, тақсига харажат қилишдан кўра меҳмонхона ертўласида тунаб қолишни афзал кўрган.

Проспер Донж газ чироғи ёнида тўхтади. Қизариб, ҳамроҳига ташвишланиб қаради.

— Нима гап? — деб сўради Мегрэ.

— Етиб келдим... Мана, уйим...

Тарашланган тошдан қурилган кичкина уйчанинг эшиги тирқишидан ёруғ тушиб турарди.

— Бир дақиқага уйингизга кирсам безовта қилиб қўймайманми?

Узун бўйли, шалвиллаган бу одамнинг тиззалари қалтираб, нафаси ичига тушиб кетганини Мегрэ бутун вужуди билан ҳис қилди. Ниҳоят, базўр ғўлдиради:

— Ихтиёрингиз...

Сўнг чўнтагидан калитни олиб, эшикни очди-да, велосипедни йўлакка қўйгач, беихтиёр, афтидан ҳар куни шундай қилса керак, кичқирди:

— Менман!

Йўлакнинг охирида ошхонага олиб кирадиган ойнаванд эшик бўлиб, ичкарида чироқ ёнар эди. Донж ўша ёққа юрди.

— Танишинглар...

Шарлотта оёқларини плита духовкасига тикқанча бутун гавдасини стол суянчиғига ташлаб, пуштиранг шойидан ички қўйлак тикиб ўтирарди.

У бегона эркакни кўриб, шошиб қолди, оёқларини шоша-пиша духовкадан чиқарди-да, стул остида ётган шиппагини пайпаслай бошлади.

— Э-э, ёлғизмасмисан!.. Меҳмондан узр сўрайман...

Столда ярми ичилган қаҳва идиши билан пирожное ушоқлари қолган ликопча турарди.

— Кираверинг, марҳамат... Утиринглар... Проспер камдан-кам меҳмон бошлаб келади.

Ошхона иссиқлиги эди. Яп-янги, ажойиб приёмникдан ёқимли куй тараларди. Шарлоттанинг эгнида халат, оёғида узун пайпоқ, тиззаларининг остига болиш қўйиб олган эди.

Проспер Донж Мегрэни таништирганда, у тамомила довдираб қолди:

— Йўғ-е! Комиссар дейсанми? Тинчликми ўзи?

— Ташвишланманг, хоним. Тинчлик. Бугун бир иш билан «Мажестик»ка борган эдим, эрингиз билан танишиб қолдим, — деди Мегрэ.

«Эрингиз» деган сўзни эшитиб аёл кулиб юборди.

— Узи эриман деб айтдимми?

— Шундай бўлса керак, деб ўйладим...

— Йўғ-е!.. Утиринг, марҳамат. Шунчаки бирга турамиз, холос... Дўстмиз десак тўғрироқ бўларди... Шунақами, Проспер?.. Минг йилдан бери бир-биримизни биламиз... Агар хоҳлаганимда у менга уйланарди... Лекин мен нуқул: нима кераги бор, шу билан нима ўзгарарди, деб келаман. Таниш-билишларимиз хабардор: илгари раққоса бўлганман, Мовий соҳилдаги кабареда ишлаганман. Энди семириб, бесўнақай бўлиб, кун ўтказиб юрибман. Менга қара, Проспер, приёмникнинг тўлов пулини топширдингми?

— Ҳа.

Диктор қишлоқ хўжалиги масалаларига доир сўхбат эшиттирилишини эълон қилгач, Шарлотта приёмникни ўчирди, халати очилиб қолганини пайқаб, тўғноғичи билан чатиб қўйди. Плита устида қовурдоқ димлоғлиқ турарди. Шарлотта дастурхон тузасаммикин, деб ўйлаб қолди. Проспер Донж эса нима қилишни, ўзини қандай тутишни билмай гаранг эди.

— Меҳмонхонага ўта қолайлик, — деди у.

— У ер совуқ. Утиргандай бўлмайсизлар. Агар юзма-юз гаплашадиган гапларинг бўлса, мен ётоқхонага чиқа қоламан; биратўла кийиниб ҳам оламан. Жаноб комиссар, бизнинг ҳаётимиз жуда қизиқ-да: Проспер билан худди бекинмачоқ ўйнаётгандай яшаймиз. Мен ишдан келганимда — у кетади, у келганида — мен кетаман. Бирга ўтириб овқатланишга аранг улгураамиз. Ҳатто дам олиш кунларимиз ҳам деярли бир вақтга тўғри келмайди, шунинг учун бўш пайтида қорнининг ғамини ҳам ўзи ейди. Озгина ичасизми? Узинг меҳмонга қара, Проспер, мен чиқа қолай...

Мегрэ шошиб эътироз билдирди:

— Йўқ, йўқ, хоним... Утираверинг... Ҳозир кетаман... Биласизми, бугун эрталаб «Мажестик» меҳмонхонасининг ертўласида жиноят содир қилинган... Воқеа юз берган пайтда дўстингиз ертўлада деярли ёлғиз ўзи бўлган, мен у ерга ундан баъзи бир маълумотларни оларман, деган ниятда кирган эдим.

Бу шафқатсиз ўйинни давом эттириш осон эмас эди — Проспер Донжнинг башараси шунақанги аянчли эдики, шу пайтда у қармоққа илинган балиқни ёки бўғзига пичоқ қадалган қўйни эслатарди. У ўзини хотиржам кўрсатишга уринар, лекин буни минг машаққат билан эплаётган эди!

Шарлотта бамайлихотир зар ҳошияли қадаҳларга коньяк тўлдирди.

— Кимни ўлдиришибди? Хизматчилардан бирортасиними? — деб сўради у ҳайрон бўлиб, лекин ҳаяжонланганлиги сезилмади.

— Жиноят ертўлада юз берган, лекин ўлдирилган одам хизматчилардан эмас... Жуда сирли воқеа. «Мажестик»да эри, ўғли, унинг мураббияси ва оқсоч аёл билан яшаётган бадавлат бир хонимни ўлдириб кетишган... Улар дабдабали хоналарни эгаллаб, кунига минг франкдан ортиқ ҳақ тўлаб туришган. Бугун эрталаб соат олтида аёлнинг жасадини ўз хонасидан эмас, ертўладаги ечиниш хонасидан топилди. Жиноят ўша ерда содир бўлганга ўхшайди... Нима учун аёл ертўлага тушган?.. Уни ким ва қай йўсинда олиб тушган?.. Бунинг устига, одатда, унга ўхшаган олиймақом хонимлар бемаҳалда, бунақа пайтда донг қотиб ухлаб ётишади.

Шарлоттанинг қошлари бир лаҳзагина чимирилди, гўё миясига аллақандай фикр келгандай бўлди-ю, аммо уни дарров қувиб юборди. Сўнг ялт этиб плита устида қўлини иситаётган Просперга қаради. Унинг қўллари оппоқ, миқти бармоқларини сариқ тук босган эди.

Мегрэ эзишда давом этди:

— Миссис Кларкнинг нима учун ертўлага тушганини энди аниқлаш қийин.

Мегрэ нафасини ичига ютиб, стол устига тўшалган клеёнка гулига тикилганча жим қолди. Орага шунақа сукунат чўкдики, ҳозир полга игна тушса ҳам овози эшитилган бўларди.

Афтидан, комиссар Шарлоттага ўзини босиб олиш учун вақт берган эди. У ҳайкалдай қотиб турарди. Анча пайтгача овози чиқмади, ниҳоят бўғиқ бир ингроқ билан:

— Эээ! — деб юборди.

Начора! Мегрэнинг касби шунақа! Бурчи шуни тақозо этади...

— Уни танирмидингиз, деб сўрамоқчи эдим сиздан, — деди у оҳиста.

— Менми?.. — дея каловланди Шарлотта.

— Кларк сифатида эмас. Бу фамилияни у яқинда, атиги олти йил бурун олган. Эмильена ёки, тўғрироғи, Мими сифатида танирмидингиз? У Канндаги ресторанда раққосалик қилган, ўша пайтда сиз ҳам...

Бечора Шарлотта! У шундай аҳволда қолдики! Кўзларини шифтга қадаб, ўзича нималарнидир эсламоқчи бўлди. Қани нигоҳида бирор маъно, бирор ифода бўлса!

— Эмильена? Мими?.. Йўқ, эслаёлмаяпман... Каннда ишлаганини аниқ биласизми?

— Ҳа, ўша пайтда «Гўзал юлдуз» деб аталган ресторанда, Круазет соҳилида...

— Қизиқ... Мими деган аёлни ҳеч эшитмаганман. Сен-чи, Проспер?

Проспернинг дами ичига тушиб кетди. Халқумига суяк тикилгандай бўлиб турганда гапга солиб нима қилишаркин?

— И-йўқ...

Ташқаридан қараганда ҳеч нима ўзгармагандай эди. Барча осойишта хонадонлардагидай ошхона шинам ва файзли, тагида олов милтиллаб турган қовурдоқнинг ёқимли ҳиди бояғидай димоққа уриларди. Столга қизил гулли клеёнка ёпилган. Устида пирожное ушоқлари. Семизликка мойил ҳамма аёллар сингари Шарлотта ҳам ширинликка ўч бўлса керак.

Чала тикилган пуштиранг ички кўйлак-чи!

Бирдан мана бундай фожеа. Ҳали ҳеч ким аниқ-тиниқ бир нарса дегани ҳам йўқ. Ҳозир кириб келган ҳар қандай одам эр-хотин Донжлар кўшниси билан чақчақлашиб ўтирибди, деб ўйлаши мумкин.

Аммо хонадагиларнинг бирортаси оғиз очишга журъат этолмасди. Юзи ғалвир бўлиб кетган шўрлик Проспер кўкиштов кўзларини юмганча, худди мана ҳозир гурсиллаб йиқиладигандай, плита олдида чайқалиб турарди.

Мегрэ хўрсиниб ўрнидан кўзгалди.

— Хўп, безовта қилганим учун узр... Мен энди борай...

— Ҳозир эшикни очаман, — деди шоша-пиша Шарлотта. — Дарвоқе, мен ҳам йўлга отланишим керак... Соат ўнда ишда бўлишим шарт, бу ерда кечкурунлари бир соатда битта автобус юради... Шунинг учун олдинроқ чиқмаса бўлмайди...

— Хайр, Донж...

— Яхши бо...

Эҳтимол у бу сўзни охиригача айтгандир, аммо эшитиб бўлмади. Мегрэ йўлакда турган велосипедини етаклади. Эшик яна ёпилди. У қулф тешигидан ичкарига яна бир бор мўраламоқчи эди-ю, бироқ кўчадан биров ўтиб кетаётганини кўриб, бундай қилишга уялди.

У қияликдан тормозни босиб тушди-да, қаҳвахона олдида тўхтади.

— Велосипедни шу ерга қўйиб турсам, дегандим, эртага эрталаб олиб кетишади, — деди.

Мегрэ пештахта олдида қаққайган кўйи бир стакан мусаллас ичди, сўнг Сен-Клу кўпригига, автобус бекатига қараб юрди.

Парижда эса бригадир Люка бир соатдан буён ҳамма ёққа кўнғироқ қилиб, ўз бошлиғини қидирарди.

## Шарлотта «Пеликан»да



омиссар Мегрэ жонажон гўшасига етиб келди, хотини уни:

— Қаёқларда юрибсан, жаноб бошлиқ?! — дея кесатик билан кутиб олди.

У Ришар-Ленуар хиёбонидаги уйи остонасида жилмайганча тураркан — хотини «жаноб бошлиқ» дегани учун эмас, у кўпинча ҳазиллашиб шунақа дейди — ичкаридан юзига «гуп» этиб урилган иссиқ ҳаво унга бошқа бир нарсани эслатди...

У Сен-Клудан анча олисда турар ва умуман, Проспер Донж ва унинг ўйнашига нисбатан тамомила бошқача муҳитда яшар эди. Шунга қарамай, уйга қайтганида хотини, гарчи ошхонада бўлмаса ҳам, меҳмонхонада бир нарса тикиб ўтирганини, оёғини эса газплита духовкасида эмас, пастаккина кўчма электр печда тоблаётганини кўрди. Қаердадир чала ейилган пирожное ҳам бўлса керак, деган ўй ўтди кўнглидан.

Думалоқ стол тепасида чироқ ёниқ эди. Дастурхон ёзилган стол устида ликоп, бир графинда мусаллас, яна битта графинда сув, икки дона салфетка турибди. Ошхонадан худди ўша баланд тепалик устидаги уйдагидай қовурдоқ хиди келмоқда...

— Сенга уч марта кўнғироқ қилишди.

— Қаердан? Уйданми?

Мегрэ ва унинг ходимлари Жиноят қидирув полицияси идорасини «уй» деб аташарди.

У апил-тапил пальтосини ечди-да, электр печкага қўлларини тутди, шунда яна Проспер Донж ҳам худди мана шу тариқа газ плитада қўлларини иситганини эслди. Кейин телефон трубкасини кўтариб, керакли номерларни терди.

Трубкадан:

— Сизмисиз, хўжайин? — деган Люканинг ёқимли овози эшитилди. — Бормисиз? Нима янгилик? Сизга баъзи бир гапларни айтиб қўймоқчи эдим, шунинг учун кетмасдан ўтирибман... Биринчидан, мураббия тўғрисида... У меҳмонхонадан чиқиши билан Жанвье изига тушди... Жанвьенинг айтишича, аёл Америкада мураббия эмас, гангстер экан. Алло! Эшитяпсизми? Ҳозир ҳаммасини гапириб бераман. Сиз билан гаплашгандан кейин кўп ўтмай у меҳмонхонадан чиққан. Югурдак имлаган машинага ўтирмай, кўчадан ўтиб кетаётган бўш таксини тўхтатган-да, жунаб қолган. Жанвье уни сал бўлмаса кўздан қочираёзган... Катта хиёбонда метрога тушиб кетган. Кейин иккала томонидан кириб-чиқиладиган бир бинода ғойиб бўлган. Жанвье ҳам бўш келмаган — изидан қолмай Лион вокзалига-ча эргашиб борган. Ҳозир поездга ўтирадию жунаб қолади, деб хавотирга тушган, чунки Жанвьенинг ёнида пули кам экан... Тўртинчи йўлдан Римга тезюрар поезд жунаши керак экан. Кетишига ўн дақиқа қолган экан... Эллен Дерромен ҳамма вагонларнинг деразасига мўралаб чиқипти... Ҳафсаласи пир бўлиб, орқасига қайтган пайтида перронда саквояж кўтарган баланд бўйли, келишган бир одам пайдо бўлипти...

— Освальд Ж. Кларк... — деди Люкага Мегрэ ва айни пайтда хотинига лоқайд қараб қўйди. — Уни огоҳлантириб қўймоқчи бўлган...

Жанвьенинг гапига қараганда, улар хўжайин ва унга тобе ходим сифатида эмас, кадрдон дўстлардай сўрашишти. Кларкни кўрганмисиз? Баланд бўйли, қотмадан келган, очиқ чехрали, икки юзи қип-қизил одам, хуллас, бейсбол ишқивозининг айнан ўзгинаси... Икковлари нима ҳақдадир қизғин гаплашиб, перронда анча вақт айланиб юриштипти, кўринишидан Кларк жунаворишга журъат этолмаётгандай туюлипти унга... Поезд ўрнидан кўзғалибди, америкалик ҳамон иккиланармиш, кейин вагон зинаюсига бир талпинибди-ю, яна шаштидан қайтипти... Ниҳоят, улар вокзалдан чиқиб, таксига ўтириштипти. Бир неча дақиқадан сўнг Габриэль кўчасига жойлашган Америка элчихонаси ёнида машинадан тушишибди. У ердан элчихонанинг Фридланд кўчасида истиқомат қиладиган юрисконсулты — «солиситор» ҳузурига жунашипти. Америкаликлар уни шундай деб аташаркан. Солиситор терговчига кўнғироқ қилипти, орадан салкам бир соатлар ўтгач, учовлари Адлия саройига келиштипти, уларни дарҳол терговчи хонасига бошлаб кириштипти. У ерда нима гап бўлганини билмайман-у, лекин терговчи қайтиб келишингиз билан унга кўнғироқ қилишингизни сўради... Зарур гапи борга ўхшайди... Жанвьенинг охириги хабари шу бўлдики, учала америкалик Адлия саройидан чиққач, мурдани расман тан олиш учун суд-медицина экспертизасига қараб йўл олиштипти... Кейин «Мажестик»ка қайтиб келиштипти, Кларк билан солиситор икковлари бирга кириб, икки қадаҳ виски ичиштипти, қиз эса ўз хонасига

кириб кетипти... Бор гап шу, хўжайин... Назаримда, терговчининг сиз билан жудаям гаплашгиси бор. Ҳозир соат неча? Соат саккизгача уйда бўлади. Телефони — Тюрбиго 25—62... Кейин бир танишиникига бормоқчи. У ерниям телефонини берди... Ҳозир... Гальвани 47—53... Мен керак эмасманми? Хайр. Кечаси уларга Торанс кўз-қулоқ бўлиб туради.

— Овқатни опкелаверайми? — деди Мегрэ хоним кўйлакка ёпишган ипни қоқиб ташлаб.

— Олдин смокингни опке.

Соат саккиздан ошиб кетгани учун у Гальванига, 47—53 га қўнғироқ қилди. Бу прокурор ёрдамчисининг телефони эди. Трубкани хизматкор аёл олди; ғала-ғовур, қошиқ-вилкаларнинг овози эшитилиб турарди.

— Ҳозир қақираман... Ким сўраяпти? Комиссар Мегрэ?

Етоқхонанинг эшиги очиқ бўлганлиги учун Мегрэ ойнаванд шкафни кўриб турарди. Хотини у ердан смокинг олди.

— Сизмисиз, жаноб комиссар?... Ҳм... Ҳм... Инглизчани билмайсиз-а? Ростданми? Алло! Гапимни бўлманг. Айтмоқчиманки, Ҳм... албатта ўша иш хусусида-да... Назаримда, шу ишга аралашмаганингиз маъқулга ўхшайди... Яъни, мистер Кларк билан ҳам, хизматкорлари билан ҳам тўқнашиб юрманг, демоқчиман.

Мегрэнинг лабларига нимкулгу инди.

— Бугун кундузи олдимга мистер Кларк билан ўглининг мураббияси келувди. У жудаям обрўли одам, қўли жуда узун... У келмасидан олдин менга Америка элчихонасидан қўнғироқ қилишди, уни роса мақташди... Гапимга тушуняпсизми?... Шундоқ булгандан кейин хато қилиб қўймаганингиз дурустмикин... Мистер Кларкка солиситор ҳамроҳ бўлиб келди, у ҳам, мен берган гувоҳликни ёзиб олинг, деб туриб олди... Алло! Эшитяпсизми, жаноб комиссар?

— Ҳа, ҳа, жаноб терговчи. Гапираверинг.

Трубкадан ҳамон қошиқ-вилкаларнинг овози эшитилиб турарди. Кейин бирдан стол атрофидаги ғала-ғовур тиниб қолди. Афтидан, меҳмонлар терговчининг гап-сўзларига қизиқиб қолишган эди.

— Масаланинг моҳиятини икки оғиз сўз билан тушунтиришга ҳаракат қиламан. Эртага эрталаб канцеляриямизнинг бошлиғи ўша гувоҳликнинг мазмунини сизга айтиб бериши мумкин... Мистер Кларк ҳақиқатан ҳам иш юзасидан Римга, ундан кейин бошқа мамлакатларнинг пойтахтларига бориши керак экан... Яқиндан бери у мисс Эллен Дерроменнинг қаллиғи экан...

— Узр, узр, жаноб терговчи... Қаллиғи дедингизми? Мистер Кларк оилали одам бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

— Албатта! Албатта! Лекин тез кунларда хотини билан ажрашмоқчи экан... Аммо рафиқаси бундан беҳабар бўлган... Бинобарин, қаллиғи десак ҳам бўлаверарди... У Рим сафаридан фойдаланиб қолган...

— Яъни, мисс Дерромен билан тунни Парижда ўтказган.

— Тўппа-тўғри. Лекин, жаноб комиссар, бекорга киноя қиялмасиз. Кларк менда жуда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг мамлакатигадаги ахлоқ қоидалари бизникига ўхшаган эмас, бинобарин, қўйди-чиқди ҳам ҳалигидақа... Қисқаси, тунни қаерда ва ким билан ўтказганини шартта айтиб қўяқолди... Сиз бўлмаганингиз учун, ҳар эҳтимолга қарши, инспектор Дюкюзнга текшириб кўришни топширдим, лекин Кларк алдамаганига ишончим комил... Шунинг учун сал ноқулай бўлармикин деб турибман...

Бу гапнинг маъноси шундай эди: «Биз олий табақага мансуб, Америка элчихонаси ҳомийлик қилаётган одам билан ўйнашяпмиз. Шунинг учун у билан пачакилашманг, беўхшов хатти-ҳаракат қилиб, сиркаси сув кўтармайдиган америкаликни ранжитиб қўйишингиз мумкин. Яхшиси, ертўладаги хизматчилар ва бошқа қаланғи-қасанғилар билан шуғулланаверинг. Мистер Кларкни эса, ўзимга қўйиб беринг!»

— Тушундим, жаноб терговчи. Омон бўлинг, жаноб терговчи. — У трубкани қўйди-да, хотинига юзланиб: — Овқатни опкелаверсинлар, Мегрэ хоним, — деди.

**С**оат тунги ўн иккиларга яқинлашиб қолган эди. Жиноят қидирув полициясининг узундан-узун, нимқоронғи ва бўм-бўш йўлагига гўё оппоқ туман сузиб юргандай туюларди. Мегрэ камдан-кам киядиган, локланган қора ботинка худди туйболанинг янги пойабзалидай ғарч-ғурч қиларди.

У ўз хонасига киргач, апил-тапил печкадаги оловни титкилаб, қўлларини тутди, кейин трубкасини тишлаганча инспекторлар ўтирадиган хона эшигини очди.

Навбатчи Дюкюзн Торансга аллақандай кулгили латифани айтиб бераётган экан шекилли, икковларининг ҳам кайфлари чоғ эди.

— Хўш, ишлар қалай, биродар?

Мегрэ сиёҳ томчилари қотиб қолган стол четига омонатгина ўтирди-да, трубкасининг кулини полга қоқди. Бу хонада бемалол, ҳатто тугмаларини ечиб, шляпани қаншарга кўндириб ўтирса ҳам бўлаверарди. Инспекторлар қўшни «Дофин» қаҳвахонасидан пиво опкелишни буюриб қўйишган эди, комиссар ўзини ҳам унутишмаганини билиб, ичида мамнун бўлди.

— Биласизми, хўжайин, бу Кларк деганингиз ғалати одам экан. Уни кузатиш ва ташқи қиёфасини эслаб қолиш мақсадида «Мажестик» қаҳвахонасига борган эдим... Кўринишидан кўпни кўрган ва ўзига хийла бино қўйган жанобга ўхшайди... Лекин кечаги тунни у қандай ўтказганини мен энди биламан-ку. Хўш? У фирт ёш боланинг ўзи экан...

Торанс Мегрэнинг қордай оппоқ енги ва марварид тўғноғичларига беихтиёр кўз қирини ташлади — у ўз бошлиғини бу қадар башанг кийимда кам кўрган эди.

— Энди бу ёғини эшитинг... Аввало у ўз хонимчаси билан Лепик кўчасидаги ўн икки франкка тушлик бериладиган кичкина ресторанда овқатланган... Тасаввур қиляпсизми? Ресторан эгаси уларни дарров пайқаган, чунки унинг мижозлари орасида ҳақиқий шампан виносини буюрадиганлар кам учрайди... Кейин улар қарда отўйин борлигини сўрашган... Икковлари ҳам француз тилида зўрға гаплашишади. Уларни ярмаркага, Трон дарвозасига йўллашган... Худди ана шу ерда изларига тушдим... Отўйинда учишдими, йўқми — билмайман, ҳарҳолда учишган бўлса керак... Кейин роса милтиқ отишди, бу кўнгилхушлик учун Кларк юз франкдан кўпроқ пул тўлаган эди, тир эгасининг кўзи чиқиб кетаёзди... Ё тавба! Худди ошиқ-маъшуқлардай оломон орасида қўлтиқлашиб юришибди-я... Э-э, ҳали буям ҳолва!.. Эженнинг Темир Блак деган масхаравозини танийсиз, а? Ҳозир унинг ўрнида америкача эркин курашнинг пири сифатида ном қозонган бошқа бир одам томоша кўрсатаяпти. Томоша тугагач, Эжен оломонга қараб, қани, мана шу полвон билан ким кураш тушади, деб қолди. Нима бўлди, денг? Бизнинг мистер Кларк тушмагур ўртага чиқди... Яғири чиққан каноп мато билан тўсиб қўйилган бурчакка бориб ечинди-да, кейин ҳалиги полвон билан олиша кетди... Биринчи қаторга ўтириб олган хонимчасининг қийқириб қарсақ чалгани ҳалиям кўз олдимда турибди... Томошинлар ҳам нуқул: «Яша, инглиз полвони! Бўш келма!» деб бақаришарди. Кейин ошиқ-маъшуқлар «Мулен де ла Галет»га боришди, у ерда роса рақсга тушишди... Тунги соат учларда «Гумбаз» қаҳвахонасида қовурилган сосиска ейишди, ҳовурлари босилди шекилли, ухлагани жўнашди... «Бургутча» меҳмонхонасида швейцар йўқ, фақат тунги қоровул бор, у ҳам ҳужрасига кирволиб, хурракни отиб ётаверади, меҳмонхонага ким кирди, ким чиқди — унчалик қизиқмайди. Гапига қараганда, саҳар пайти, соат тўртларда зинапоёда кимлардир инглизча сўзлашганмиш... Эрталабгача меҳмонхонадан ҳеч ким чиқмаганмиш... Мана шунақа гаплар! «Мажестик»да истиқомат қилаётган бу меҳмонлар тунни жуда ғалати ўтказишган, шундай эмасми?

Мегрэ ҳаям демади, йўқ ҳам демади, ҳар замонда бир тақадиган қўл соатига (тўйларининг йигирма йиллиги муносабати билан совға қилинган эди) бир қаради-да, столдан сакраб тушди.

— Хайр, йигитлар!

Остонага етганда яна орқасига қайтиб, кружкасидаги пивони охиригач сипқорди. Кўчага чиқиб, такси топгунча анча-мунча йўл босиб қўйди.

— Фонтен кўчасига...

Соат бир бўлган эди. Монмартрнинг тунги ишратхоналарида ўйин-кулги авжга чиққанди. «Пеликан» эшиги олдида мижозларни бир ҳабаш қарши оларди. Мегрэ пальтоси билан телпагини гардеробга топширди. Ранго-ранг момиқ шарчалар ва қоғоз ленталар ғужғон ўйнаётган залга киргач, худди кайфи ошган одамдай бир оз чайқалиб турди.

— Рақс майдончасига яқинроқ жойга ўтирасизми? Марҳамат, бу ёққа... Бир ўзингизмисиз?

Мегрэ ўзини танимаган метрдетелни жеркиб берди:

— Овсар!

Лекин бармен уни узоқданоқ кўриб, қизил ёғочдан ясалган пештахтага суяниб турган икки раққосага энгашиб, бир нималарни пичирлади.

Мегрэ худди оддий бир мижоздай бўш стол ёнига ўтирди, бу ерда пиво ичилмасди, шунинг учун коньяк билан маъданли сув буюрди. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас ресторан хўжайини пайдо бўлди. У ниҳоятда безовта эди.

— Тинчликми, жаноб комиссар? Биласиз-ку, мен ҳар доим тартиб-қоидага риоя қиламан...

Комиссарнинг кўққисдан кириб келишига ким сабабчи бўлдийкин, дегандай у залга тез кўз югуртириб чиқди.

— Тинчлик, ташвишланманг, — деди Мегрэ. — Шунчаки, бир ҳордиқ чиқариш учун кирувдим.

У чўнтагидан трубкасини чиқазди-ю, аммо хўжайиннинг нигоҳидан бу ерда чекиш мумкин эмаслигини пайқаб, яна жойига солиб қўйди.

— Балки сизга бирор маълумот керакдир, — деди кўзини қисиб хўжайин. — Марҳамат, хизматингизга тайёрмиз. Лекин мен ўз хизматчиларимни яхши биламан... Улар сизни қизиқирмас керак... Мижозлар масаласига келсак... Кўриб турибсиз, улар ҳам ҳар доимгидай... Чет элликлар, бошқа шаҳарлардан келган мусофирлар... Ҳов анови, Лео билан ўтирган одам — депутат.

Мегрэ аста ўрнидан турди-да, пардозхонага олиб тушадиган зинапоя томонга қараб юрди. Ертўладаги пардозхона деворлари ҳаворанг кошинлар билан безатилган, кенг, чароғон эди. Унинг ёнгинасида сип-силлиқ қизил тахтадан ясалган телефон будкаси турарди. Рўпарада — каттакон кўзгу. Узун столда турли-туман нарсалар — упа-эликлар, тароқ, тирноқ бўяйдиган асбоблар, лаб бўёқлари...

— Қачон ўша билан ўйин тушсам, бир бало бўлади. Бошқа пайпоқ олиб бер, Шарлотта.

Чиройли кўйлак кийиб олган паст бўйли, лўппигина аёл стулда ўтирганча пайпоғини ечарди. Шарлотта сандиқчани титкилаб пайпоқ қидираётган пайтда бу аёл юбкасини юқорига кўтариб, оёқларига бемалол разм солиб ўтирди.

— Қанақасини берай? Иигирма биринчи размерми? Юпқасиданми?

— Бўлаверади. Бера қол... Иигит ўлгур ўйин тушишни билмаганидан кейин, нима фарқи бор...

У кўзгуда Мегрэнинг аксини кўрдию жим бўлиб қолди, аммо янги пайпоқни кияверди; у аҳён-аҳёнда комиссарга ноз билан кўз ташлаб қўярди. Шарлотта орқасига ўгирилиб полиция комиссарини кўргач, ранги қув оқариб кетди.

— Вой! Сизмисиз?!

Шундай деб, у зўрма-зўраки кулди. Шарлотта шу тобда Сен-Клудаги кулбасининг ошхонасида оёқларини газплита духовкасида иситиб, пирожное еб ўтирган аёлга сираям ўхшамасди.

Сап-сарик жингалак сочлари бошига шу қадар ҳафсала билан ёпиштирилган эдики, уларнинг ростакан сочлигига ҳам одамнинг ишонгиси келмасди. Юзи бир зумда қизғиш-жигар ранг тусга кирди. Одми, лекин чиройли қилиб тикилган қора шойи кўйлаги қадди-қоматига ёпишиб турар, кўйлагининг олдига жажжигина оқ тўр пешбанд тутилганди.

— Ҳақини кейин тўлайман, Шарлотта. Ҳаммасини бир қилиб...

— Майли, майли...

Қиз бу одам ўзининг чиқиб кетишини кутаётганини пайқаб, туфлисини кийди-да, ресторанга ўтиладиган зинапояга қараб югурди.

Шарлотта стол устида ёйилиб ётган қутичаларни гўё тартибга солаётган кишидай бўлиб, анчагача сўз қотмади, охири сабри чидамай:

— Мендан нима истайсиз ўзи? — деб сўради.

Мегрэ индамади. Ҳозиргина янги пайпоқ кийиб чиқиб кетган қиз ўтирган стулга бориб ўтирди. Ертўлага тушганидан фойдаланиб, шошмасдан, ҳафсала билан трубкасига тамаки тўлдира бошлади.

— Сиз мени бир нимани билади деб ўйлаясиз шекилли? Қаттиқ янглишасиз.

Қизиқ: ўтли-шудли аёллардан фарқли ўлароқ вазмин аёллар ҳаяжонини яширишга ожизлик қилишади. Шарлотта сир бой бермасликка уринар, аммо юзлари қизил доғ билан қопланган, столдаги нарсаларга омонатгина қўл теккизар эди; ногоҳ тирноқ бўяйдиган чўткача полга тушиб кетди.

— Бизниқига келганингиздаёқ аллақандай гумонингиз борлигини кўзингиздан сезувдим...

— Мими исмли раққосани мутлақо танимайман, демоқчисиз-да! Шундайми?

— Танимайман.

— Ахир сиз узоқ муддат Каннда, қаҳвахонада худди ўша Мими билан бир вақтда рақсга тушиб юргансиз-ку?

— Каннда қаҳвахона кўп, ундан ташқари, ҳамма билан оғиз-бурун ўпишиб юриш шарт эмас.

— Қаерда ишлагансиз? «Гўзал юлдуз»дами?

— Нима қипти?

— Ҳеч нарса. Мен сиз билан шунчаки бир оз чақчақлашиб ўтириш учун кирган эдим...

Икковлари ҳам жим бўлиб қолишди, бу сукунат қарийб беш дақиқага чўзилди. Бу орада ресторанга келган мижозлардан бири ертўлага тушиб, қўлини ювди, сочларини таради, кейин ярқираб турган туфлисини артиш учун латта сўради. Ниҳоят, у ликопчага беш франк ташлаб, юқорига чиқиб кетгандан сўнг, комиссар яна ғапни бошлади:

— Проспер Донжни жуда ҳурмат қиламан... У ажойиб одам...



— Э, нимасини айтасиз! Жудаям яхши одам! — дея хитоб қилди Шарлотта

— Болалиги оғир кечган экан, ҳамма вақт бахтли кунларни орзу қилиб яшаган кўринади шўрлик...

— Ҳа, рост. Лоақал мактабни ҳам тугатмаган бечора, ҳозир ниманики билса, ҳаммасини ўзи ўқиб-ўрганган. Қаҳвахонага кирсангиз, шунақа китобларни топасизки, бизга ўхшаган камбағал одамларнинг тушига ҳам кирмаган бунақа китоблар. У ҳамиша маълумотини оширишга ҳаракат қилади... Яна бир орзуси...

У нимадандир хижолат бўлгандай, индамай қолди.

— Телефон жирингладим?

— Йўқ.

— Дарвоқе, нима ҳақида гапираятувдим?

— Проспернинг орзуси ҳақида...

— Ҳа, яшириб нима ҳам қилдим! Уфил кўришни, уни тарбиялаб одам қаторига кўйишни орзу қиларди. Аммо хотин масаласида омади юришмади — мен операция бўлганман, менга туғиш мумкин эмас...

— Жан Рамюэлни танийсизми?

— Йўқ. Ҳисобчилигини, тагин касалмандлигини биламан, холос... Проспер «Мажестик» ҳақида кам гапиради... Мен бўлсам, «Пеликан»да нима воқеа бўлса, ҳаммасини оқизмай-толизмай гапириб бераман...

У ўзини анча босиб олган эди, Мегрэ буни сезиб, яна «хужум»ни давом эттирди.

— Биласизми, мени нима таажжубга солди? Буни айтишга ҳаққим йўқ... Тергов сирини ошкор қилиб бўлмайди... Лекин гап иккаламизнинг орамизда қолишига ишонаман... Биласизми, миссис Кларкнинг сумкасида чиққан тўппонча қотиллик юз беришдан сал олдинроқ Фобур-Сент-Оноре кўчасида яшовчи қуролсоздан сотиб олинган экан... Қизиг-а, шундай эмасми? Оилали, бадавлат аёл Нью-Йоркдан келиб, Елисей майдонидаги ҳашаматли меҳмонхонага жойлашадигану, нимагадир бирдан унга тўппонча керак бўлиб қолади... Бунинг устига, кичкинагина «аёллар тўппончасини эмас, каттакон, бесўнақай тўппончани сотиб олади... — Мегрэ Шарлоттага қарамаслик учун, нима сабабдан бу қадар башанг кийиниб олганига гўё ўзи ҳам ажбланаётгандай, ялтироқ туфлиларининг учига тикилиб ўтирарди. — Ана шу аёл орадан бир неча соат ўтгач, махфий зинапоя орқали меҳмонхона ертўласига тушади... У ким биландир учрашиш учун тушган, деган хулоса чиқармасдан бўладими?... Табиийки, тўппончани ҳам ана шу учрашувни назарда тутиб сотиб олган... Энди бир тасаввур қилиб кўринг, шу қадар муҳтарам зотга айланган аёлнинг ўтмиши хийлагина нопокроқ бўлгану, бундан бохабар кимса бу сирни ошкор этиб, уни шармисор қилишга уринган... Айтинг-чи, Рамюэль мовий соҳилда яшаганмиди? Йўқ дейсизми? Ўзини Зебио деб атовчи раққос-чи?...

— Уни танимайман.

Мегрэ суҳбатдошига қарамасди, чунки унинг ҳўнграб йиғлаб юбориши мумкинлигини шундоқ ҳам сезиб турарди.

— Уни тунги қоровул ўлдирган бўлиши ҳам мумкин, нимагаки эрталаб соат олтиларда у ертўлага тушган... Проспер Донж махфий зинапояда унинг қадам товушларини эшитган... Бу ишни коридор хизматчиларидан бирортаси қилган бўлиши ҳам мумкин... Афсус, минг афсус, Каннда Мими билан танишволмаган экансиз-да... Уша пайтда у кимлар билан яқин алоқада бўлганлигини айтиб берган бўлардингиз... Шунда мен ҳам Каннга бориб юришдан қутулардим. Марҳум Мимини танийдиган бирорта одамни тополмай, шўппайиб қайтиб келсам, жуда алам қилади-да...

Мегрэ ўрнидан туриб, трубкасини бўшатди, кейин ликопчага чақа ташламоқчи бўлгандай, чўнтагини кавлай бошлади.

— Қўйинг, кераги йўқ! — дея эътироз билдирди Шарлотта.

— Хайр, яхши қолинг... Поезд соат нечада жўнашини аниқлашим керак...

Мегрэ ертўладан залга кўтарилди-да, тезда ҳисоб-китоб қилиб, «Пеликан»дан чиқди ва шоша-пиша кўчанинг нариги юзига жойлашган барга кирди. Бу барнинг мижозлари шу атрофдаги тунги ресторанларнинг хизматчилари эди. Бировдан, телефонинглар қаерда, деб сўради. Кейин Марказий телефон станциясига кўнғироқ қилиб: «Жиноят қидирув полициясиданман. Ҳозир «Пеликан» ресторанидан кўнғироқ қилиб, Канни улашни сўрашади. Орқага суриб туринглар. Мен ҳозир етиб бораман», деди.

У таксига ўтириб, Марказий телефон станциясига жўнади, тунги навбатчилар бошлиғига гувоҳномасини кўрсатди.

— Қулоқ солиб туриладиган симни беринг... Ҳеч ким Канни улашни сўрамадим?

— Ҳозиргина сўрашди. Кимнинг номери эканлигини ҳам аниқлаб қўйдим. Тун бўйи ишлайдиган «Артистлар кафеси»нинг номери экан. Улайверайми?

Мегрэ наушникни кийиб, кута бошлади. Наушникли телефончи қизлар ҳам унга ажабланиб қараб туришарди.

— Канн билан улайман, номер — 18-43. Гапиринг.

— Раҳмат... Алло! «Артистлар кафеси»ми? Ким телефонда? Ҳа, Жанмисан?.. Шарлотта гапиряпти... Ҳа, ўша, «Гўзал юлдуз»да ишлаган. Ҳозир, эшикни бекитиб қўй... Биров кирди чамамда...

Шарлоттанинг ким биландир гаплашгани — афтидан, мижозлардан бири бўлса керак — кейин эшикни қарсиллатиб ёпгани эшитилиб турди.

— Менга қара, азизим Жан... Зарур гап чиқиб қолди... Кейинроқ хат орқали ҳаммасини тушунтираман... Йўқ, ёзиш хавфли... Бу ёғи тинчигандан кейин ўзим олдинга бораман... Жижи ҳалиям ўша ерда ишляптими? А?.. Ҳалиям ўша-ўшами? Ўзгаргани йўқми?.. Менга қара, унга айтиб қўй, агар бирортаси Мимини сўраб қолгудай бўлса... Эслайсанми уни?.. Йўқ дейсанми?.. Ҳа, у пайтда сен Каннда эмас эдинг. Хуллас, ундан биров Мимини сўраб-суриштира, билмайман, десин... Айниқса Проспер ҳақида оғиз ҳам оча кўрмасин... Гапимга тушундингми?

— Қайси Проспер? — деб сўради нариги трубкадаги одам.

— Кейин тушунтираман... Қисқаси, Просперни ҳам, Мимини ҳам танимайман, десин... Алло? Гапни бўлманг!.. Ким орамизга тушиб қолди?

Мегрэ унинг безовталанаётганини сездди, афтидан, гапимизга биров қулоқ соляпти, деган ўй келди Шарлоттанинг миясига.

— Тушундингми, Жан? Бутун умидим сендан, азизим... Бўпти, гапим тамом, чунки...

Мегрэ наушникни ечиб, ўчиб қолган трубкасини тутатди.

— Қалай, эшитолдингизми? — деб сўради бошлиқ.

— Эшитдим... Менга Лион вокзалини улаб беринг. Каннга поезд қачон жўнашини билишим керак. Улгурсам бўлди...

У олдида турган смокингга ачиниб қараб қўйди. Кийимини алмаштиришга улгурса бўлди.

— Алло?.. Қачон дедингиз?.. Соат тўрту ўн еттида?.. Кундузи соат иккида келади?.. Раҳмат.

Мегрэ Ришар-Ленуар хиёбонига ҳаллослаб кириб келди. Бетоқат бўлиб ўтирган хотинини ҳазил-ҳузул билан юпатган бўлди. Кейин:

— Тезроқ костюмимни, кўйлагимни ва пайпоқларимни олиб бер, — деди.

Соат тўртдан ўн етти дақиқа ўтганда у Мовий соҳилга жўнайдиган поезд вагониди, тиззасида тасқара кучукчани эркалатаётган аёл рўпарасида ўтирарди. Аёл уни итларни ёмон кўради, деб ўйлаётган шекилли, аҳён-аҳёнда Мегрэга олайиб қараб қўярди.

Худди шу пайтда Шарлотта ҳар тундагидай таксига ўтирди; асосан «Пеликан» мижозларига хизмат қиладиган шофёр уни текинга уйига олиб бориб қўйди.

Эрталаб соат бешда Проспер Донж машина эшиги қарсиллаб ёпилганини, мотор шовқинини, сўнг зинапоёдаги қадам товушларини, эшик қулфига калит солинганини эшитди. Аммо бу гал газплитанинг вишиллаб ёнгани эшитилмади. Шарлотта ошхонага кирмай, зинапоядан тўппа-тўғри юқорига кўтарилди ва эшикни очиб, қичқирди:

— Проспер!.. Менга қара... Ўзингни уйқуга солма... Комиссар...

Нима гаплигини бафуржа тушунтиришдан олдин Шарлотта апил-тапил ечина бошлади, шовганидан сийнабандининг тугмасини узиб юборди, ичидан танғиб боғланган белбоғини тушираётганда пайпоқлари сирғалиб, оёқларида буралиб қолди.

— Жиддий гаплашиб олишимиз керак. Тур, Проспер... Турсанг-чи!.. Тўшакда чўзилиб ётган одамга гап тушунтириб бўладими...

## IV боб

### Жижи ва карнавал

**Ҳ**ч соат давомида Мегрэ ўзини нохуш сездди, худди аросатда, ўнги билан туши орасида қолгандай эди. Эҳтимол, асаблари қаттиқ чарчаганидан шундай бўлгандир. Поезд Лионгача, ҳатто ундан ҳам нари — Монтелимиаргача туман оралаб борди. Мегрэнинг рўпарасида серюнг кучук кўтариб ўтирган аёл шу пайт ичида бирон марта ҳам ўрнидан жилмади, бўш купенинг ўзи ҳам йўқ эди.

Мегрэ ўзини қўйгани жой тополмасди. Вагон ичи димиқиб кетган эди. Дераза

очилса, ташқаридан изғирин шамол ёпирилиб кирарди. Ниҳоят, Мегрэ вагон-ресторанга қараб йўл олди, бир оз ўзига келиш ниятида буфетдаги ҳамма ичимликлардан тотиб кўрди: аввал қаҳва, кейин коньяк, сўнгра пиво ичди.

Эрталаб соат ўн бирларга яқин, озгина тамадди қилиб олсам тузук бўларман, деган ҳаёл билан қуймоқ буюрди, аммо бу ҳам томоғидан ўтмади.

Қисқаси, дим вагонда ўтказилган уйқусиз тун ўз ишини қилган эди. Мегрэ тамом ҳолдан тойди. Марселдан ўтганларидан кейин ўтирган жойида сал кўзи илинган эди, проводникнинг «Канн!» деган хитобини эшитиб, сапчиб ўрнидан турди, гарангсиб атрофга аланглади.

Ёпирай! Худди ўн тўртинчи июль кунидагидай ҳаммаёқни мимоза гуллари босиб кетган эди. Офтоб чарақлаб турибди. Паровозларнинг устида ҳам, вагонларнинг устида ҳам, перрон айвонини кўтариб турган чўян устунларда ҳам мимозалар! Одам ёғж-ёғж, ҳамма оқ шим, ялтироқ костюм кийиб олган...

Бир машина келиб тўхтаган эди, ундан ҳалигидай оқ шим ва бир хил фуражка кийган, бурама мис карнай қўлтиқлаган ўндан ортиқ одам тушди.

Мегрэ вокзалдан чиқиб, гумбурлатиб куй чалиб бораётган яна бир оркестрга дуч келди.

Куй, оҳанг ва гуллар бир-бирига қоришиб кетган. Ҳаммаёқда байроқлар, алвонлар, энг муҳими, бутун шаҳарни муаттар ҳидга тўлдирган тилларанг мимозалар.

— Кечирасиз, сержант, — деб сўради Мегрэ полициячидан, у ҳам бинойидек ясаниб олган эди, — нима гап ўзи, тинчликми?

Полициячи унга худди осмондан тушган одамга қарагандай, таажжубланиб қаради.

— У нима деганингиз! Байрам-да, байрам. Карнавалга кетишяпти. Гулга бурканган араваларни кўрмаяпсизми?

Кўчадан янгидан-янги машиналар гуруҳи тўхтовсиз ўтиб турар, улар олисдан гоҳо-гоҳо кўзга чалиниб, ўз қошига имлаётган мовий денгиз томон боришар эди.

Мегрэ кўғирчоқдай кийиниб олган қизалоқни кейин кўп эслаб юрди. Карнавал ўйинларини мириқиб кўриш ва бинобарин, соҳилдан тузукроқ жойни эгаллаш ниятида онаси уни қўлидан етаклаб эмас, балки судраб борар эди. Қизчанинг юзидаги бурни узун, икки ёноғи қип-қизил, худди хитойларникига ўхшаган ингичка мўйлови иягига осилиб тушган тасқара ниқобни демаса, бунинг ажабланидиган жойи йўқ эди. У дўмбоқ оёқчаларининг учида пилдираб борарди.

Мегрэ йўлни ҳам сўраб ўтирмади. Холи кўчадан юриб, Круазет соҳилига чиқиши билан «Артистлар кафеси» деган ёзувга кўзи тушди, сал наридаги эшик тепасига «Отел» деб ёзиб қўйилган эди. Мегрэ бу қанақа меҳмонхона эканлигини дарров фаҳмлади.

У ичкарига кирди. Қора костюм, оқ кўйлак, тунукадай қаттиқ галстук тақиб олган тўрт мижоз ишрат дақиқаларини кутиб, қарта ўйнаб ўтиришарди.

Дераза ёнида юз-кўзлари обдан бўялган бир қиз димланган карам билан сосиска ер, официант столларни артар, пештахта ортида қандайдир бир йигит, афтидан, қаҳвахона хўжайини бўлса керак, газета ўқирди. Ташқаридан мис карнайларнинг садоси, одамларнинг бақириқ-чақириқлари, автомобилларнинг дудутлагани эшитилиб турар, кўчадаги оломон оёғи остидан кўтарилган чанг ҳам бамисоли мимоза ҳидига тўйингандай эди.

— Бир кружка пиво! — деди оғир пальтосини ечиб, енгил тин олган Мегрэ. Бошдан-оёқ қора кийим кийиб олганидан у ўзини ноқулай сезарди. Ичкарига кирганидаёқ Мегрэ қаҳвахона хўжайини билан кўз уриштириб олган эди.

— Айтинг-чи, мсье Жан...

Мсье Жаннинг кўнглига «айғоқчи бўлса керак», деган ўй келгани шундоқ кўриниб турарди.

— Кафени олганингизга анча бўлдимми?

— Уч йилча бўлқолди. Нима учун сўраяпсиз?

— Олдин қаерда эдингиз?

— Агар бу сизни жуда қизиқтирса, айтишим мумкин: Монте-Карлода, «Тинчлик кафеси»да бармен бўлиб ишлаганман.

Бу ердан юз қадам чамаси наридан Круазет бошланар, у ерда «Карлтон», «Мирамар», «Мартине» каби ҳашаматли меҳмонхоналар қад кериб турарди.

Табииyki, «Артистлар кафеси» ана шу муҳташам биноларнинг соясида қолиб кетган ночоргина бир маскан эди. Дарвоқе, кўчанинг ўзи ҳам хилват бўлиб, кийим бўяйдиган ва тозалайдиган кичкина корхоналар, сартарошхона ва шофёрлар овқатланадиган ошхоналар, турли-туман майда устахоналар шу ерга жойлашганди.

— Кафенгиз тун бўйи ишласа керак, а?

— Ҳа, тун бўйи.

Албатта, қаҳвахона мижозлари ҳам дам олишга келган бадавлат кишилар

эмас, балки меҳмонхона ва ишратхоналарнинг хизматчилари, бозори касод бўлган артистлар, қиморвозлар, югурдаклар, бузуқ хотинлар, касб-корининг тайини йўқ турли-туман қўшмачи ва даллоллардан иборат эди.

— Мен сизга яна керакманми? — деб сўради хўжайин сал энсаси қотиб.

— Айтиб беролмайсизми, Жижини қаердан топсам бўлади?

— Жижи? Бунақа одамни билмайман.

Димланган карам билан сосиска еб ўтирган хотин Мегрэ ва хўжайинни ҳорғин нигоҳ билан кузатарди. Тунги соат учларга яқинлашиб қолган эди, бинобарин, қарта ўйнаб ўтирган кишилар ҳам ўринларидан туришди.

— Айтинг-чи, мсье Жан... Лотерея автоматлари ёки шунга ўхшаган нарсалар вазидан бирон-бир ишқалликка дуч келганмисиз?

— Нима ишингиз бор?

— Шунинг учун сўраяпманки, агар орқангизда қинғир ишларингиз бўлса, охири вой бўлиши мумкин... Шарлотта — зур аёл... У ўз танишларига қўнғироқ қилиб, ёрдам беришларини сўрайди-ю, аммо сабабини айтишни хоҳламайди... Агар биронта одам сизга ўхшаб савдо муассасига эга бўлсаю яна бунинг устига илгари ҳам ҳаётда бир-икки қоқилган бўлса, бундай одам одатда қалтис ишлардан сал нарироқ юради... Ҳа, майли. Ҳозир ахлоқ полициясига қўнғироқ қилсам, Жижининг қаердалигини шу заҳотиёқ айтиб беришади. Телефон-автоматга жетонингиз борми?

У ўрнидан туриб, телефон кабинаси томон юрди.

— Кечирасиз! Нима дедингиз? Қалтис иш? Ростданми?

— Албатта. Гап қотиллик устида кетяпти. Модомики, махсус бўлим комиссари атайлаб Париждан келган экан, у ёғини ўзингиз билволаверинг...

— Узр, жаноб комиссар... Жижини кўришингиз шартми?

— Шу ниятда минг километрдан ортиқ йўл босиб келдим.

— Юринг бўлмаса. Лекин огоҳлантириб қўяй, ундан гап олишингиз қийин... Одатини биласизми? Икки куннинг бирида карахт бўлиб ётади. Демокчиманки, озгина тегди дегунча... Гапимга тушундингизми? Мана, кеча ҳам...

— Ана халос, Шарлоттанинг қўнғироғидан кейин дарров ича қоптилар-да, шундайми? Қаерда ўзи?

— Марҳамат, бу ёққа... Шаҳарнинг аллақайси ерида ижарада туради, лекин бугун кечаси оёқда турадиган аҳволда эмас эди, шунинг учун...

«Артистлар кафеси»нинг бир йўлаги меҳмонхона зинасига олиб чиқарди. Хўжайин Мегрэни ўша ёққа бошлади. Бир эшикни тақиллатди.

— Жижи, сени сўраб келишди! — деб қичқирди у.

Мегрэ ичкарига кириб кетгунча пойлаб турди, сўнг елкасини бир қисиб қўйди-да, яна пештахта ёнига қайтиб, паришон бир аҳволда газетасини варақлай бошлади.

Дераза пардаси тортиб қўйилган, ораликдан ичкарига ғира-шира ёруғ тушиб турар эди. Хона ичи тартибсиз. Темир каравотда кийим-пийими билан сочлари тўзгиб кетган бир аёл юзини ёстиққа босганча ётарди.

— Ким у? — деб сўради у уйқу аралаш.

Кейин бир кўзини очиб қаради.

— ...Ҳа, келдингми?

Қовоқлари салқи. Юзи заҳил. Қоп-қора, чўпдай ориқ аёл эди у.

— Соат неча бўлди? Нега ечинмаяпсан?

У тирсагига суяниб, бир қўлтум сув ичди, кейин Мегрэга қаради, аммо унинг каравот ёнида, стулда бемалол ўтирганини кўриб, сўради:

— Доктормисан?

— Бугун тунда мсье Жан сизга нима деди?

— Жан дейсизми?.. Ажойиб йигит... У менга озгина... Хўш, сизга нима?

— У сенга дори берган, буни биламан... Етавер, қимирлама... Кейин Мими ва Проспер ҳақида гапирган.

Кўчадан — гоҳ яқин, гоҳ олисроқдан — ҳамон мис карнайларнинг овози эшитилиб турар, ҳаводан боягидай мимозаларнинг муаттар ҳиди анқир, гўё дунёда бундан бўлак ҳид йўқдай эди.

— Проспер яхши одам.

Аёл худди тушида гапираётгандай, худди ёш боладай эркаланиб сўзларди. Кейин бирдан кўзларини қисди, гўё бир ерида санчиқ тургандай, пешонасини тириштирди. Тили айланмай қолди.

— Доринг борми? Озгина бер!..

У қора дори сўраётган эди. Касалманд, алаҳсираб ётган аёлдан гап ўғрилаётгани учун Мегрэнинг кўнгли андак хижил бўлди.

— Просперни қаттиқ севардинг, тўғрими?

— У бошқаларга ўхшамайди... У жудаям яхши... Қанақа хотинга дуч келди, а? Мими-я!.. Доим шунақа бўлади... Уни танирмидинг?

Яна бир уриниш кифоя! Вазифаси шу бўлса, нима қилсин!  
— Ушанда «Мирамар»да хизмат қиларди, тўғрими? Учовларинг — Мими, Шарлотта ва сен «Гўзал юлдуз»да рақсга тушардинглар...

Аёл кескин жавоб берди:

— Шарлотта ҳақида ёмон гапирма. У зўр аёл... Просперни жонидан ҳам яхши кўриб қолди. Проспер гапимга кирганда эди...

— Менимча, сизлар «Артистлар кафе»да бўш пайтларингда учрашардинглар... Проспер Мимининг ўйнаши эди.

— Ҳа, юрагидан урган эди Мими!.. Ақлдан озаязди Проспер бечора. Кейин... Жижи бирдан бошини кўтариб, шубҳа билан сўради:

— Ростдан ҳам дўстмисиз Просперга?

— Кейин бола туғилди, шундайми?

— Ким айтди сизга буни? Мими фақат менга ёзиб юборган эди. Бошида бунақа бўлган эмас...

У яқинлашиб келаётган музика садосига қулоқ тутди.

— Нима бўляпти?

— Ҳеч нарса...

Круазетга гуллар билан безатилган икки ғилдиракли аравалар кириб келди, тўп гумбурлаб, карнавал бошланганидан дарак берди. Чарақлаган офтоб, сокин денгиз, сув сатҳида ҳар хил доиралар ясаб сузаётган моторли қайиқлар, капалакдай ранго-ранг елканлар...

— Балки озгина топилиб қолар?... Бориб Жандан сўра-чи.

— Демак, Мими олдин америкалик билан кетди?

— Проспер айтдими сенга?.. Илтимос, бир стакан сув қўйиб бер. Раҳмат... Уша янки уни «Гўзал юлдуз»да учратиб севиб қолди... Довилга, кейин Биарцага олиб кетди... Тан бериш керак, Мими ўзига пишиқ эди... Бизга ўхшаган лаллайган эмас эди... Шарлотта қаерда ҳозир? Ҳалиям «Пеликан»дами?... Мен хароб бўлдим...

У дабдаласи чиқиб кетган тишларини кўрсатиб, заҳарханда қилди.

— Бир хатида Мими ҳомиладор эканлигини, америкаликни бола ўзидан эканлигига ишонтирганини ёзган эди... Оти нимайди-я ўша америкаликни? Освальд. Кейин ёзган бир хатида, шарманда бўлишимга сал қолди, депти. Чунки сап-сариқ ўғил туғилипти. Тушуняпсанми?... Просперга айтиб қўйма тагин...

Икки стакан сув ичгани ёрдам қилди шекилли, Жижи эркаклар назарини тортмайдиган узун ва ингичка оёқларини пастга туширди. Урнидан турган эди, дароз ва арвоҳдай қоқсуяк аёл эканлиги баттар кўзга ташланди. Мижоз топиш учун неча соатлаб қоронғи йўлқаларда тентираркин, неча соатлаб пивохоналарда ўтираркин... Нигоҳи тиниқлашиб қолган эди. У Мегрэга тикилиб қаради:

— Полицияданмасмисан, а?

Ғижинганидан афти буришиб кетди. Аммо ҳали боши ғувиллар, у зўр бериб бир нарсани эслашга уринар эди.

— Шошма... Жан нима деган эди?... Бу ерга қанақа қилиб келиб қолдинг? Ким бошлаб келди? Жан ҳеч ким билан гаплашмасликни буюрган эди-ку... Унга сўз берганман... Ростини айт... Полицияданмисан? Ҳа-я.. Просперу Мими билан полициянинг нима иши бор...

Кейин бирдан жазаваси тутиб бақира бошлади:

— Аблах!.. Ярамас!.. Ҳушим жойидамаслигидан фойдаланибсан-да!

Шундай деб, чопиб бориб эшикни очди, кўчадаги ғала-ғовур анқроқ эшитила бошлади.

— Йўқол!.. Кўзимга кўринма. Бўлмаса ҳозир...

Унинг вазоҳати ҳам кулгили, ҳам аянчли эди. Сув солинган кўзани олиб Мегрэга отди, кўза комиссарнинг оёғига тегишига сал қолди. Мегрэ зинапоядан пастга тушгунча орқасидан аёлнинг ҳақоратлари эшитилиб турди.

Қаҳвахонада мижозлар йўқ эди. Ҳали вақт эрта эди.

— Хўш, қалай? — деб сўради пештахта ортидан мсье Жан.

Мегрэ пальтоси билан телпагини кийди, официантга чақа қолдирди.

— Бирор нарсани билишга муваффақ бўлдингизми?

Бояги зинапоядан аёлнинг овози эшитилди:

— Жан!.. Жан!.. Бу ёққа ке. Бир гап айтаман...

Сал ўтмай, қаҳвахона эшиги қия очилиб, ундан саросима ичида қолган Жижи мўралади. У оёқ яланг, пайпоқлари пастга сирғалиб тушган эди.

Мегрэ тез чиқиб кетди.

Круазетда сайр қилиб юрган одамлар Мегрэнинг қора пальтоси ва телпагига қараб, уни карнавални томоша қилиш учун Мовий соҳилга умрида биринчи бор қадам ранжида этган қишлоқи бир кимсага йўйган бўлиши ҳам мумкин. Ниқоб кийиб олган кишилар ҳар қадамда туртиб ўтишар, оломон уни ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа сургаб кетарди. Қўмлоқ пляждаги бошқа юртлардан келган дам олувчилар байрамга эътибор ҳам беришмас, қарийб қип-яланғоч бўлиб олиб, ўзларини

офтобда тоблашар, кўпроқ қорайиш учун баданларига зайтун мойини суртишар эди.

Мана, «Мирамар» меҳмонхонаси. Буткул сариқ рангга бўялган, деразасининг ўзи икки юз-уч юздан ортиқ муҳташам бино; шундоққина остонада девдай эшикбон турибди; сон-саноқсиз автомобиллар; югурдаклар уймалашиб юрибди. Мегрэ бир кирмоқчи ҳам бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Нима кераги бор? Узига зарур гапни билиб олди-ку. Кун бўйи кўп ичган бўлса ҳам, лекин яна жуда ичгиси қелаётган эди. Барга кирди. Ходимдан:

— Темир йўл жадвали борми? — деб сўради.

— Париж керакми сизга? — деди у. — Соат йигирмадан қирқ дақиқа ўтганда тезюрар поезд жўнайди, учала классдаги вагонлари бор...

Мегрэ яна бир кружка пиво ичди. Ҳали аллақанча соат кутиш керак эди. У ўзини қаяққа кўйишни билмасди. Байрам тантаналарига фарқ бўлган Каннда кечирган дақиқалари унда беҳад нохуш хотиралар қолдирган эди.

У яқин ўтмишда бу ерда юз берган воқеаларни тасавурида тиклашга уринди, аста-секин бу ўтмиш шу қадар аниқ-равшан намоён бўла бошладики, у Проспернинг жингалак сочлари, чўтир юзи ва мулойим, қабарик кўзларини яққол кўргандай бўлди: ана, у «Мирамар»нинг махфий зинапоясидан тушиб, «Артистлар кафеси» томон шошиб кетяпти...

Уша пайтда ҳозиргидан олти ёш кичкина бўлган уч аёл пивохонада нонушта ёки тушлик қилиб ўтиришган. Проспер ўлгудай хунук бўлган. Буни ўзи ҳам билган. Шунга қарамай, учала дугона орасида энг ёши ва энг чиройлиси Мимини яхши кўриб қолган.

Эҳтимол, бу йигитнинг ўтли нигоҳини сезиб, аввалига улар роса кулишгандир.

— Уни бекорга қалака қиляпсан, Мими, — деган бўлса керак Шарлотта. — У ажойиб одам. Ким билади, бу ёғи нима бўлишини...

Кечкурун учовлари «Гўзал юлдуз»да рақсга тушишган. Проспер у ёққа бормайди, чунки унинг жойи эмас. Лекин тонг отиши билан яна қаҳҳахонага қараб югурган: яна тўртовлон йўғилишиб, бирга нонушта қилишган... Шарлотта шунда:

— Қанийди мениям биров шунчалик севса! — деган.

Балки Шарлоттани бу оташин ва беадад муҳаббат ўзига ром этгандир. Жижи у пайтларда ҳали қорадори нималигини ҳам билмаган, албатта.

— Хафа бўлманг, Проспер... Сиртида кулгани билан ичида жон-жон деб турипти...

Проспер Мимининг ўйнаши бўлиб қолди! Эҳтимол, улар бирга туришлари ҳам мумкин эди. Проспер тўплаган бор пулини совғага сарф қилиб юборди. Ҳаммаси кўнгилдагидай кетаётган эди-ю, аммо орага америкалик келгинди суқилиб...

Қизик, кейинчалик Шарлотта Проспер Донжга бола ўзидан бўлиши мумкинлигини айтганмикин, йўқмикин?

Шарлотта — олижаноб аёл. Проспер уни севмаслигини, фикру ёди хануз Мимида эканлигини била туриб, унга содиқ йўлдош бўлди, Сан-Клу кўприги ортидаги кўримсизгина уйда бирга истиқомат қиляпти.

Жижи бўлса тобора тубанлашиб кетаверди...

— Гул олинг! Гул олинг! Қайлиғингизга гулдаста жўнатмайсизми?

Гул сотувчи аёлнинг овозидан киноя оҳанги сезилиб турарди, чунки Мегрэ қайлиғи бор одамга мутлақо ўхшамасди. Шунга қарамай у бир сават мимоза сотиб олиб, Парижга, хотинига жўнатди.

Поезднинг жўнашига ҳали ярим соат вақт бор эди, Мегрэ беихтиёр бир хаёлга бориб, Парижга телефон қилди. У вокзал ёнидаги кичкина бир барда, ўзига Париждан сим қоқишларини кутиб, ташқарига қараб турар эди. Карнавалдан қайтаётган чолғучиларнинг кийим-бошлари буткул чанг эди. Улар тўп-тўп бўлишиб, бутун-бутун вагонларни эгаллашиб, уй-уйларига — қўшни шаҳарларга қайтмоқда. Ҳавода ҳам энди байрамдан кейинги ҳорғинлик сузиб юргандай туюларди.

Трубкадан Люканинг:

— Алло! Сизмисиз, хужайин?.. Ҳалиям Кандамисиз? — деган овози эшитилди. — Янгилик бор... Терговчининг фиғони фалакка чиқяпти... Ҳозиргина телефон орқали сизнинг нима иш билан шуғулланаётганингизни сўраб-суриштирди. Алло! Яқинда, ҳали бир соат ҳам бўлгани йўқ, баъзи воқеалар содир бўлди бу ерда. Торанс телефонда айтди, ўша пайтда «Мажестик»да навбатчилик қилаётган эди...

Мегрэ тор кабинада тик турганича трубкага қулоқ солар, аҳён-аҳён қисқагина жавоб қайтариб қўярди. Кабина ойнасидан ботаётган қуёшнинг қизғиш нурларига тўлган бар кўзга ташланиб турарди; столлар атрофида оқ шим, бошларига кумуш уқали фуражка кийган машшоқлар тамадди қилиб ўтиришарди. Баъзан улардан бирортаси ҳазиллашиб мис карнайини фат-фатлатиб қўярди, бокалларга қуйилган арпабодён ароғи оч-сарғиш тусда хира товланарди.

— Яхши!.. Эртага эрталаб етиб бораман... Йўқ! Эҳтимол... Майли, терговчи талаб қилаётган бўлса, қамоққа олишсин...

Люка айтган воқеа дарҳақиқат ҳозиргина юз берган эди. Яна қаерда денг? «Мажестик» ертўласида.

МеҒрэ воқеа-ҳолатларини тасавурида тиклади: дансингда чойхўрлик бошланган, шиша тўсиқлар ортидан музика садолари эшитилмоқда... Проспер Донж аквариумга солиб қўйилган каттакон тилла балиққа ўхшарди... Жан Рамюэль эса ўз будкасида лимондай сарғайиб ўтирарди...

Люканинг гапига қараганда (тергов ҳали бошланмаган эди), ертўла йўлагидан форма ўрнига ўз костюмини кийиб олган тунги швейцар ўтган. Нима учун бу ёққа тушган — ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким унга эътибор ҳам бермаган. Чунки ҳамма ўзи билан ўзи овора, биров билан бировнинг иши йўқ.

Тунги швейцарни Жюстен Кольбеф деб аташарди. У паст бўйли, оғир-вазмин, кўримсизгина бир одам бўлиб, кечалари холлда навбатчилик қиларди. Ҳамиша бир ўзи ўтирарди. Китоб-питоб ҳам ўқимасди, гаплашмасди ҳам, чунки гаплашадиган одамнинг ўзи йўқ эди, аммо ҳеч қачон мудрамасди. Бир неча соатлаб стулда бир нуқтага тикилганча ўтираверарди. Хотини Нейидаги янги уйда оқсочлик қиларди.

Соат тўрт яримда Кольбеф нима мақсадда бу ерга тушдийкин?

Раққос Зебио қайта кийиниш учун ечиниш хонасига ўтиб кетди. Одамлар у ёқдан-бу ёққа юришипти. Рамюэль ўз ҳужрасидан бир неча марта йўлакка чиқди.

Соат бешда Проспер Донж ҳам ечиниш хонаси томон йўл олди. Оқ нимчасини пиджакка алмаштирди, пальтосини кийиб, велосипедини етаклади.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, ечиниш хонасига югурдак кирди. У 89-шкаф эшиги қия очиқ турганини кўрди. Дод-фарёдни эшитиб, ҳамма шу ерга чопиб келди.

Шкафда тунги швейцарнинг мурдаси турарди. Эгнида кулранг пальто, ёнгинасида фетр шляпа.

Жюстен Кольбеф ҳам, худди миссис Кларк каби бўғиб ўлдирилган эди. Жасад ҳали илиқ эди.


Бу вақт Проспер Донж велосипедини миниб, бамайлихотир Булон ўрмони оралаб борарди, кейин Сен-Клу кўпригидан ўтди; тепаликка етганда велосипеддан тушиб, уни етаклаганча ўз кулбаси томон йўл олди...

— Бир қадаҳ анис ароғидан опке! — деб буюрди МеҒрэ, пештахтада фақат шу ичимлик турганини кўриб.

Кейин поездга ўтирди. Боши, худди болалигида саратон офтобида кўп ўйнаган пайтида бўлганидай, зил-замбил эди.

## У боб

### Ойнадаги тупук

 оезд темир излар устида бир маромда елиб борарди. МеҒрэ пиджagini, бўйинбоғини, улама ёқасини ечиб ташлади; купе ҳаммомдай қизиб кетган, тахта деворлардан ҳам, полдан ҳам, диванлардан ҳам поезд ҳидига тўйинган аллақандай бир ҳарорат уфуриб турар эди.

МеҒрэ ботинкасининг ипини ечиш учун энгашди. Бошлиқлар ранжиса ранжир, лекин у биринчи классли вагонга яроқли хизмат билети билан қаноатланмади, плацкарта учун ҳам қўшимча ҳақ тўлаб, ётадиган жой олди. Контролёр купега ҳеч кимни киритмасликка ваъда берди.

МеҒрэ ботинкаси устига энгашдию шу пайт тепасида кимдир ўзига қаттиқ тикилиб турганини сизди. Нақадар ёқимсиз ҳолат! У бошини кўтарди. Ойнаванд эшик ортидаги йўлакдаги рангпар аёлга нигоҳи тушди. Чуқур қора кўзлари унга маънос қадалганди. Икки лабига палапартиш суртилган бўёқ чаплашиб, бусиз ҳам ўрадек оғзини баттар бевўхшов қилиб юборганди. Ҳаммадан ҳам аёлнинг юзидаги нафрат ифодаси кишини таажубга соларди. Жижи бу ерга қаердан келиб қолди? МеҒрэ ботинкасини қайта боғлашга улгурмасидан бу жирканч фоҳиша ойнага бир тупурдию кўздан ғойиб бўлди.

МеҒрэ ўзини аранг босиб, қайта кийинди. Купедан чиқмасдан, гўё ҳоврини босмоқчи бўлгандай, трубка тутатди. Кейин йўлак бўйлаб юриб, йўл-йўлакай ҳар бир купега мўралаб-мўралаб, вагондан ўта бошлади. Поезд жуда узун эди. МеҒрэ ўнга яқин вагонни босиб ўтди, ҳар гал вагонлар оралиғидаги темир кўприкчада қоқилиб тушарди, йўлида дуч келган йўловчиларни туртиб юбориб, ҳаммасидан узра сўрарди.

Гилам пойандоз тугади. У учинчи классли вагонга бориб қолган эди. Ўриндиқларда олтитадан одам ўтирарди. Биров мудраган, биров тамадди қилиш билан овора. Болалар уйку тўла кўзларини бир нуқтага тикиб олишган.

Парижга «ўйнагани» кетаётган тулонлик икки денгизчи ўтирган купеда ёши бир жойга бориб қолган эр-хотин оғизларини очганча пинакка кетишганди; хотини уйқусида ҳам тиззасидаги кажавани кўйиб юбормасди. Худди мана шу купеда Мегрэ бурчакка қисиниб олган Жижини кўрди.

Боя Жижи ўз вагонининг йўлагига пайдо бўлганда Мегрэ унинг кийимиغا эътибор бермаган эди. У шу қадар довдираб қолган эдики, рўпарасидаги аёл эрталаб «Артистлар кафеси»да ўзи кўрган лаблари осилиб, нигоҳи ўтмаслашган гиёванд аёл эканлигини ҳатто англаб ҳам етмаган эди.

Жижи жуни тўкилган мўйнали пальтосига ўралганча, гўё тўзий бошлаган туфлиси билан пайпоғининг чокини кўз-кўз қилгандай, оёғини чалкаштириб ўтирарди, нигоҳи қаёққадир, олис бир бўшлиққа қадалганди. Эрталабки аянчли аҳволдан қандай қилиб кутулдйкин? Эҳтимол унга бирортаси дори бергандир? Ёки яна қорадори ичиришдимикин?

Жижи йўлакда турган Мегрэни пайқади-ю, аммо қимир этмади. Мегрэ унга анчагача тикилиб турди, кейин кўли билан имлаб чақирди. Аёл бунга эътибор қилмади. Шундан сўнг у купе эшигини очди.

— Бир пасга чиқинг, илтмос.

Жижи иккиланиб қолди. Денгизчилар унга ажабланиб боқишди. Нима қилиш керак? Жанжал кўтарсинмикин? Ниҳоят у елкасини бир қисиб кўйдию ўрнидан туриб йўлакка чиқди. Мегрэ эшикни ёпди.

— Нега менга ёпишиб олдингиз? Бўлди, етар! — деди у тишларини ғичирлатиб. — Суюнаверинг. Ўз ишингиздан фахрлансангиз арзийди. Аҳволим чатоқлигидан фойдаланиб қолдингиз...

Мегрэ аёлнинг паллапартиш бўялган лаблари титраб кетганини кўрди. Авзойидан ҳўнграб йўғлаб юборадигандай эди. Мегрэ юзини четга бурди.

— Вақтни беҳуда ўтказмабсиз, уни турмага тикишга ҳам улгурибсиз.

— Менга қаранг, Жижи, Проспер қамоққа олинди деб ким айтди сизга? Аёл бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳали хабарим йўқ денг? Телефонга қулоқ солиб туришгандир деб йўловдим... Ҳа, майли, айтсам айтақолай, бари бир ҳадемай ўзингиз бундан хабар топасиз... Шарлотта ҳозиргина Жанга кўнғироқ қилди... Проспер ишдан энди қайтган пайтда орқасидан полициячилар тушган машина етиб келиб, уни олиб кетиштипти. Шарлотта ақлдан озай деганмиш... Жанга кўнғироқ қилиб, Жижи оғзидан гуллаб кўйдимикин, деб сўрапти... Гуллаб кўйдим-ку, тўғрими? Ҳаммасини гапириб бердим, тўғрими? Мана, ниятингизга етдингиз...

Вагон қаттиқ бир қалқинган эди, Жижи мункиб кетиб, Мегрэга қапишиб қолди. Сўнг жонҳолатда ўзини орқага ташлади.

Аммо бу сизга қимматга тушади, онт ичаман! Ҳатто Проспер ўша мегажин Мимини ўлдирган бўлса ҳам... Билиб кўйинг, комиссар... Иккала қулоғингиз билан эшитиб олинг... Мен кимман ўзи? Қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган ташландиқ бир одамман, йўқотадиган ҳеч нарсам йўқ. Агар Проспер қамалиб кетса, сизни қидириб топиб, пешонангиздан отаман, ўлай агар!

У сўзини тугатиб, комиссарга нафрат билан тикилганча жавоб кутди. Мегрэ индамади. У бу аёл қуруқ пўписа қилмаётганини, ростдан ҳам бирор муюлишда рўпарасидан чиқиб, тўппончанинг бари ўқини бўшатишдан тоймаслигини сезиб турарди.

Купеда ўтирган денгизчилар булардан кўз узишмасди.

— Омон бўлинг, — деди Мегрэ оғир тин олиб.

У ўз купесига қайтиб келди, ечиниб, диванга чўзилди.

Шифтда ҳаво ранг чироқ хира нур сочарди. Мегрэ кўзларини юмганча ўй сурарди.

Унга бир савол сира тинчлик бермасди. Нима учун терговчи Проспер Донжни қамоққа олиш ҳақида буйруқ берди? Бу суд амалдори Париждан чиқмай, на Жижини, на «Артистлар кафеси»ни кўрмай туриб, нимани била қолдйкин? Нима учун Жан Рамюзель ёки Зебиони эмас, айнан Донжни ҳибсга олади?

Унинг ичи ғаш бўла бошлади. Чунки терговчи Баннони яхши биларди. Бу адолат посбони прокурор билан бирга «Мажестик»га кириб келганда Мегрэнинг энсаси қотган эди, сабаби илгари ҳам у билан бир неча бор ҳамкорлик қилганди.

Тўғри, у ёмон одам эмас, софдил, ҳатто олижаноб инсон — оила бошлиғи, ноёб муқоваларни йиғувчи коллекционер. Оқ оралаган қалин соқолини ҳамиша қиртишлаб юради. Бир гал Мегрэни у билан бирга мафий қиморхонани тинтув қилишга юборишди. Улар бу ерга кундузи, бинода ҳеч ким йўқ пайтда келишди. Ушанда у устига мато ташлаб кўйилган, қимор ўйналадиган каттакон столларни кўрсатиб:



— Бильярдми? — деб сўраган эди соддадиллик билан.

Кейин бинонинг учта кўчага олиб чиқиладиган йўлаги борлигини йўлаклардан бири ертўла орқали кўшни уй билан туташганлигини кўриб бунақа ишратхонага умрида биринчи бор кириб қолган одамдай ниҳоятда ҳайратга тушганди. Касса дафтарларидан айрим қиморбозлар катта-катта пул қарзлари олганликларини билганда эса баттар таажжубланганди, чунки одамларни йирик қимор ўйинларига жалб қилиш учун шундай йўл тутилишидан у беҳабар эди.

Хўш, бу лаванг Банно нима учун бирдан Проспер Донжни қамоққа олишга жазм қилдйкин?

Мегрэнинг уйқусида ҳаловат бўлмади. Поезд ҳар тўхтаганда уйғонар, тушига бўлмағур нарсалар кирар, унга ғилдиракларнинг тарақ-туруқи ва паровознинг чинқириғи кўшилиб кетар эди.

Лион вокзалида вагондан тушганда ҳали тонг ёришмаган, савалаб ёмғир ёғар эди. Перронда уни Люка кутиб олди. У пальтосининг ёқасини кўтариб олган, сал бўлса ҳам исиш мақсадида, гоҳ у оёғида, гоҳ бу оёғида сакрар эди.

— Қалай, чарчамадингизми, хўжайин?

— Ёнингда яна бирорта одам борми?

— Йўқ... Агар инспектор керак бўлса, шу ерда, махсус бўлимда ўзимизникилардан биттасини кўрувдим.

— Чақириб ке.

Жижи вагондан тушди, иккала денгизчи билан қўл беришиб мулойим хайрлашди-да, Мегрэнинг ёнидан елкасини бир учуриб ўтиб кетди. Аммо бир неча қадам юргач, орқасига қайтиб, комиссарнинг олдига келди.

— Агар хоҳласангиз изимдан одам қўйишингиз мумкин...

Люка қайтиб келди.

— Майли, ҳечқиси йўқ... Кетдик...

Улар такси олишди.

— Қани, айт-чи... Нима учун терговчи...

— Ҳозир тушунтираман... У мени иккинчи қотиллик юз бергандан кейин, Донжни қамоққа олиш учун одамларни жўнатиб бўлгач, ҳузурига чақиртирди... Бирор янгилик борми, деб сўради, сизнинг қўнғироқ қилган-қилмаганлигингизни суриштирди. Кейин муғомбирона жилмайиб, бир хатни узатди. Имзосиз хат... Хатдаги ҳамма гаплар аниқ ёдимда йўқ. Умуман унда айтилишича, миссис Кларк илгари қаҳвахонада раққосалик қилган, исми ҳам ўшанда Мими бўлган. У Донжнинг ўйнаши экан, ундан бола ҳам туққан. Донж унга неча маротаба пўписа ҳам қилган экан... Хўш, бунга дейсиз, хўжайин?

— Гапиравер, гапиравер...

— Бор гап шу... Терговчининг оғзи қулоғида: «Кўрдингизми, дейди, ҳаммаси аниқ-равшан. Оддий шантаж бу... Миссис Кларк унга пул беришдан бош тортгани учун... Ҳозир бориб, Донжни турма камерасида сўроқ қиламан, дейди.

— Хўш? Бориптими?

Такси Орфевр соҳилига етиб келганди. Вақт эрталабки соат беш ярим. Сена устида сарғиш туман сузиб юрарди. Машина эшиги қарсиллаб ёпилди.

— Қаерда ўзи? Дастлабки тергов камерасидами?... Юр мен билан...

Адолат саройини айланиб ўтиб, Орлож соҳилига чиқиш керак эди; улар бу йўлни шошмасдан яёв босиб ўтишди.

— Кечқурун соат тўққизларда терговчи мени яна телефонга чақиртириб, Донж у билан гаплашишни истамаётганлигини айтди. Назаримда, фақат сизнинг саволларингизга жавоб бераман, деган шекилли...

— Бугун кечаси ухладингми?

— Икки соатгина, диванда...

— Бўлмаса, бориб ухла. Соат ўн иккида бошқармага кел.

Шундай деб, Мегрэ дастлабки тергов қамоқхонасига бурилди. Дарвоза олдидан турма фургони кўзгалди — тунда Бастилия майдонида тинтув ўтказилган ва у ердан ўттиз чоғли аёл билан ҳужжати йўқ бир неча чет эл фуқароси олиб келинган эди. Маҳбуслар хира ёритилган каттакон кутиш залида, ёғоч ўриндиқларда ўтиришарди. Ҳаво казарма ҳидига тўйинган, бўғиқ овозлар, шармсиз ҳазил-мутойибалар эшитилиб турарди.

— Донж ётган камерага бошлаб боринг... Ухлаяптими?

— Мижжа қоққани йўқ... Ҳозир ўзингиз кўрасиз.

Эшиги панжарали, бир кишилик тор камералар отхонани эслатарди. Ана шу камералардан бирида бошини чангаллаганча бир одам ўтирарди. Нимқоронғиликда фақат унинг сояси кўзга ташланарди, холос.

Қулфдаги калит шарақлаб буралди. Эшик ғийчиллади. Ҳалиги одам худди уйқудан уйғонгандай сапчиб ўрнидан турди. Баланд бўйли, елкадор, хомсемиз. Бўйинбоғи билан пойабзалининг ипларини аллақачон олиб қўйишган экан. Малла сочлари тўзғиб кетган.

— Сизмисиз, жаноб комиссар?.. — деб гудранди у.

Сўнг, гуё панжарали эшик орқасида турган одам ҳақиқатан ҳам ўзи, яъни Проспер Донж эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай, пешонасини ушлади.

— Мен билан гаплашмоқчи экансиз?

— Ҳа, шундай дуруст бўлади, назаримда... — деди. Кейин болаларча соддалик билан сўради: — Терговчи хафа бўлмадимикин? Ахир унга нима ҳам дейишим мумкин? Бари бир у мени ҳақ қотил деб билади. Ҳатто қўлларимни секретарига кўрсатиб: «Кўриб қўйинг, ҳақиқий жаллоднинг қўллари», деди.

— Мен билан юринг...

Мегрэ иккиланиб қолди. Донжнинг қўлига кишан солсинми, йўқми? Афтидан, уни бу ёққа кишанда опкелишганга ўхшайди, билакларидан изи турипти.

Улар «Мажестик» меҳмонхонасининг ертўлаларини эслатувчи ғалати йўлаклардан юриб боришди. Адлия саройи остидаги илонизи йўлаклардан ўтиб, жиноят қидирув полицияси учун ажратилган бинога етиб келишгач, бирдан кенг ва ёп-ёруғ коридорга чиқиб қолишди.

— Кирунг. Бирор нарса тамадди қилганмисиз?

Донж «йўқ» дегандай бош чайқади. Мегрэнинг ўзи ҳам оч эди, бунинг устига қаттиқ чанқаганди, бинобарин, қоровулни пиво билан бутербродга жўнатди.

— Утиринг, Донж... Жижи Парижга келди... Ҳозир Шарлоттанинг олдида бўлса керак... Сигарета чекасизми?

Мегрэнинг ўзи сигарета чекмасди, аммо ҳамма вақт эҳтиёт шарт стол тортмасига ташлаб қўярди. Проспер бир амаллаб гугуртни чақди, ўтган бир неча соат ичида тамом гарангсиб қолгани шундоқ сезилиб турарди. Уни оёғидаги ипсиз пойабзали ҳам, бўйинбоғи йўқлиги ҳам, бир кечада бутун кийимларига ўтириб қолган турманинг бадбўй ҳиди ҳам хижолатга солаётган эди.

Мегрэ қосов билан печкадаги оловни титклиди. Бошқа ҳамма хоналар марказий иситиш қозонига уланганди, аммо, Мегрэ эски чўян печкани олиб қолишга муваффақ бўлганди. Мана, йигирма йилдан буён хонасини ўша чўян печка билан иситади.

— Утиринг... Ҳозир егулик бирор нарса опкелишади...

Донжнинг ҳамон гап бошлашга юраги дов бермай турарди, ниҳоят нафасини ичига ютиб:

— Болани кўрдингизми? — дея секин сўради.

— Йўқ.

— Мени бир кўзим тушди... Холлда... Улай агар, жаноб комиссар, у...

— ...Уғлим, демоқчимисиз? Биламан.

— Ҳали ўзингиз кўрасиз! Худди менга ўхшаган малласоч. Қўллари ҳам худди ўзимники. Менга ўхшаган яғриндор. Ёшлигимда болалар суяги бузук деб устимдан кулишарди...

Қоровул пиво билан бутерброд келтирди. Мегрэ хонада у ёқдан-бу ёққа юрганча кавишана бошлади. Париж осмони ёришиб қолган эди.

— Йўқ; ўтмаяпти... — деб хўрсинди Проспер бутербродни патнис четига авайлаб қўйиб. — Иштаҳа йўқ... Мана энди, иш қандай тугашидан қатъий назар, мени «Мажестик»ка қайтариб олишмайди, ҳеч қачон олишмайди...

Унинг овози титраб кетди. Бояқиш кўмак кутарди. Аммо Мегрэ унга тасалли беришни лозим топмади.

— Айтинг-чи... Сиз ҳам мени қотил деб ҳисоблайсизми?

Мегрэ индамади. Донж надомат билан бош чайқаб қўйди. Шу тобда у юрагида борини тўкиб солишни, ўзининг бегуноҳлигига Мегрэни ишонтиришни шу қадар истардики... Аммо гапни нимадан бошлашни билмасди.

— Фаҳмлаб тургандирсиз, мен аёлларга хушомад қилишга ўрганмаганман... Касб-коримга тўғри келмайди... Ҳамма вақт ертўладаман... Баъзан юрагим тўлиб кетганда аёллар масҳара қилиб, устимдан кулган пайтлар ҳам бўлган... Шу беўхшов жуссам билан қўлимдан нима ҳам келарди!.. Иттифоқо, «Артистлар кафеси»да Мими билан танишиб қолдим... Улар уч дугона эди. Балки хабарингиз бордир... Тақдирнинг ҳазилини қаранг!.. Агар Мимини эмас, дугоналаридан бирортасини танлаганимда, ҳозир бу кўйларга тушиб ўтирмасдим... Кўргилик-да!.. Мимини севиб қолдим... Қаттиқ севиб қолдим, жаноб комиссар!.. Ақлдан озаёздим! У мени хоҳлаган мақомига йўрғалатди. Қачонлардир менга турмушга чиқишга рози бўлар, деган умид билан яшадим... Кеча кечкурун терговчи нима деганини биласизми?... Сўзма-сўз ёдимда йўқ, лекин... қаттиқ изтироб чекдим... У менга, сен унинг ўзини эмас, ишлаб топган пулини яхши кўргансан, деган мазмунда гап қилди. У менга қўшмачисан демоқчи бўлди...

Мегрэ Донж хижолат чекмаслиги учун деразадан кумушдай товланиб оқаётган Сенага қаради.

— У ўша америкалик билан кетиб қолди... Мен бўлсам, юртига борганидан кейин у буни ташлаб кетади ва Мими яна албатта қайтиб келади, деб юравердим...

Аммо бир куни билсак, у Мимига уйланыпти... Узимни ўлдириб қўймаганимга хайронман... Хайрият Шарлотта бор экан, у жонимга оро кирди, таскин-тасалли берди... Канда ортиқ яшаёлмайман, дедим унга... Чунки шаҳарнинг ҳар бир кўчаси Мимини эслатарди... Париждан иш қидира бошладик... Шарлотта ҳам мен билан кетадиган бўлди... Анча пайтгача биз ака-сингилдай яшадик...

— Мими фарзанд кўрганини билармидингиз? — деб сўради Мегрэ трубкасининг кулини кўмир солинган челақка қоқиб.

— Йўқ... фақат Американинг қаеридадир яшаётганлигини билардим... Тақдирга тан берганимга ишонганидан кейин... Бу вақтда биз эр-хотин бўлган эдик... Бир куни кечқурун қўшнимиз ҳовлиқиб кириб қолди, эс-ҳушини тамом йўқотган... Хотинини муддатидан олдин тўлғоқ тутиб қопти... Нима қиларини билмайди бечора... Ердам сўраб кирипти... Шарлотта бирга чиқиб кетди... Эртаси куни: «Вой, Проспер, агар сен тепасида бўлганингда борми!» деб қолди. Гапдан гап чиқиб, дил дастурхони очилиб кетди... Мимининг болалик бўлганини ҳам ана ўшандан кейин айтиди... Буни Мимининг ўзи Жижига ёзган хатида айтибди... Бола туғилганидан фойдаланиб, америкаликни ўзига уйланишга мажбур қилганмиш. Лекин бола ҳойнаҳой Проспердан бўлса керак, деган гап ҳам бор эмиш хатда. Дарров Каннга жўнадим... Жижиге хатни асраб қўйган экан, менга кўрсатди-ю, лекин бермади, кейин ёқиб юборган чамамда... Америкага хат ёздим... Ўғлимни қайтариб бергин, лоақал суратини жўнатгин, деб Мимига ялиниб-ёлвордим... Ундан жавоб келмади... Адреси тўғри-нотўғрилигини ҳам билмасдим... Хаёлимда эса нуқул ўғлим: «Ўғлим ундай қияпти, ўғлим бундай қияпти...»

У энтикканидан гапиролмай қолди. Мегрэ ўзини қалам очаётган кишига солди. Бу орада Жиноят қидирув полициясида эшиклар очилиб-ёпила бошлаган эди.

— Шарлотта Америкага хат жўнатганингизни билармиди?

— Йўқ!.. Хатни меҳмонхонада ёзганман... Орадан уч йил ўтди... Бир куни чет эл журналларини варақлаб ўтириб — уларни мижозлар столларга ташлаб кетишарди — бирдан сакраб ўрнимдан туриб кетаёздим. Журналлардан бирида Мимининг беш ёшлардаги бола билан тушган сурати босилган эди... Журнал Мичиган штатининг Детройт шаҳрида чоп этилганди. Сурат ортида тахминан шундай сўзлар ёзилган: «Мистер Освальд Дж. Кларкнинг рафиқаси гўзал Кларк хоним ўз ўғли билан Тинч океан саёҳатидан қайтмоқда...» Мен яна хат ёзиб юбордим.

— Нима деб ёздингиз? — деб сўради Мегрэ лоқайд бир оҳангда.

— Ҳозир эсимда йўқ. У пайтда жиннига ўхшаб қолган эдим. Жавоб кутаман, дедим. Акс ҳолда ўзим бориб бор ҳақиқатни очиб ташлайман, дедим. Яна... агар ўғлимни қайтариб беришдан бош тортсанг...

— Ҳўш, нима қиламан дедингиз?

— Онт ичаман, мен бу ишни қилолмасдим... Ҳа! Эҳтимол, ўлдираман деб пўписа қилгандирман... Буни қаранг-а! Шундоққина тепамдаги хонада бир ҳафта яшаптию, шуниям билмабман-а... Мутлақо тасодифан... «Курьерлар ошхонаси»ни кўргансиз. Биз учун, яъни ертўлада ишлаётганлар учун меҳмонхонада истиқомат қилаётганларнинг исм-фамилияси йўқ, фақат номери бор. Шунини биламизки, бир юз ўн еттинчи эрталаб шоколадли чой ичади, тўрт юз эллик иккинчи эса қуймоқ ейди. Бир юз йигирма учинчидан хизматкор аёл, икки юз олтинчида шофёр яшайди. Биз фақат шунини биламиз... Жудаям бемаъни иш бўлди-да... «Курьерлар ошхонаси»га кирсам, бир аёл шофёр билан инглизча гаплашяпти. Гап орасида миссис Кларк деган фамилияни тилга олиб қолди... Мен инглизча сўзлашолмайман, шунинг учун ҳисобчимизни ёрдамга чақирдим... У ўша аёлдан, қайси миссис Кларк ҳақида гап кетяпти, Детройтдан эмасми, ўғли билан келганми, деб сўраб-суриштира бошлади... Улар шу ерда, меҳмонхонада эканликларини билиб, бир кўриб қўймоқчи бўлдим — холлдами, коридордами, майли-да ишқилиб. Кун бўйи уриндим ўзиям. Лекин биз хоҳлаган пайтда ишни ташлаб кетолмаймиз... Мен уларни кўролмадим... Яна шуниси ҳам борки... Билмадим, мени тўғри тушунармикинсиз... Агар Мими қайтадан бирга туришни таклиф қилганда ҳам мен рози бўлмасдим... Энди севмайманми?... Эҳтимол. Аниқроғи, Шарлоттани ташлаб кетишга кўнглим бўлмайди... У менга шунақанги меҳрибон, шунақанги ғамхўрки, асти қўяверасиз... Мимининг ширин турмушини бузиш хаёлимда ҳам йўқ эди... Мен фақат ўғлимни бир амаллаб қайтариб беришини орзу қилардим, холос... Имоним комилки, Шарлотта уни жон-жон деб тарбия қилган бўларди...

Унинг шу тобдаги ҳолатини кўриб, Мегрэ таажжубда қолди. Донж атиги бир кружка пиво ичди, униям ҳаммасини эмас, буни билмаган одам уни гирт маст деб ўйлаши турган гап эди. Проспернинг миясига қон урилган, каттакон қабарик кўзлари ялтирарди. У йиғламасди, лекин энтикиб, оғир нафас оларди.

— Болаларингиз борми, жаноб комиссар?

Мегрэ нигоҳини олиб қочди. Унинг фарзанди йўқ эди. Хотини бундан қаттиқ изтироб чекар, Мегрэ эса бу мавзудан нарироқ бўлишга ҳаракат қиларди.

— Терговчининг гапларини эшитганингизда эди... Ҳар иккаласининг ҳам қотили мен эмишман... Бирига у сабаб, бирига бу сабаб, дейди... Аслида мутлақо унақа эмас... Кун бўйи, бир лаҳза вақт топсам ҳам меҳмонхона йўлагига югурдим, ўғлимни бир кўриб қоламанми, деб. Нима қилаётганимни ўзим ҳам билмасдим... Бунинг устига телефон тинимсиз жиринглайди, овқат ташиладиган лифт чиқиб-тушиб туради, атрофимда учта ёрдамчи уймаланишади, қаҳва қайнатиш, идишларга пайдарпай сут қуйиш керак... Шунга қарамай, озгина вақт топиб, бир бурчакка ўтирдим...

— Қаҳвахонадами?

— Ҳа... Икки энлик хат ёздим... Мими билан кўришмоқчи бўлдим. Эрталаб соат олтида ертўлада кўпинча ёлғиз ўзим қоламан... Уша пайтда кўришайлик, деб роса ёлвордим ёзган хатимда.

— Пўписа ҳам қилдингизми?

— Бўлса бордир... Ҳа, хатнинг охирида, агар уч кун ичида келмасанг, ўзингдан кўр, дегандим чамамда.

— Нимани назарда тутган эдингиз?

— Ўзим ҳам билмайман.

— Улдирармидингиз?

— Йўқ, қўлимдан келмасди...

— Болани ўғирлармидингиз?

У аянчли жилмайди.

— Шундай қилса ҳам бўладими?

— Ёки эрига ҳамма гапни айтиб берармидингиз?

Донж кўзларини жовдиратди.

— Йўқ! Онт ичаман!.. Балки... балки аччиқ устида ўлдириб қўйишим ҳам мумкин эди. Лекин, гап шундаки, ўша куни эрталаб Фўш кўчасига етганимда велосипедимнинг шинаси тешилиб қолди... Шу боисдан «Мажестик»ка чорак соат кечикиб келдим... Мимини ҳам кўролмадим. Пастга тушган бўлса, мени тополмай, яна хонасига қайтиб чиқиб кетган деб ўйладим... Агар эри йўқлигини билганимда, махфий зинапоя орқали у яшаётган қаватга чиқардим... Лекин яна қайтариб айтаман: биз ертўладагилар тепада нималар бўлаётганини билмаймиз... Мен безовталана бошладим... Уша куни эрталаб, эҳтимол, ўзимни бошқача тутгандирман...

Кутилмаганда Мегрэ унинг сўзини бўлди:

— Саксон тўққизинчи шкафнинг олдига боришга ва уни очишга сизни нима мажбур қилди?

— Ҳозир айтаман... Ҳар қандай тушунган одам учун бу нарса ёлғон гапирмаётганимга далил бўла олади — агар унинг ўлганини билганимда; ўзимни бошқача тутган бўлардим-ку... Тахминан соат чорак кам тўққизларда учинчи қаватнинг навбатчиси икки юз учинчи хонага нонушта учун буюртма жўнатди. Талонда бир бўлак шоколад, чўчқа гўшти қўшилган қуймоқ ва чой ёзилган эди. Ишонмасангиз, текшириб кўришингиз мумкин, дирекция талонларни сақлаб қўяди.

— Ҳўш, нима бўпти?

— Шошманг. Шоколад болага, чўчқа гўштли қуймоқ энагага олинганини билардим... Демак, фақат икки кишига таом буюрилган... Илгари эса бу пайтда ҳар доим Мимига ҳам қора қаҳва билан сухари буюришарди. Одатдагидай мен ҳам патнисга қора қаҳва билан сухари солинган идишни қўйдим... Ҳаммасини лифтда жўнатиб юбордим... Орадан бир неча дақиқа ўтгач, қаҳва билан сухарини қайтариб юборишди... Бунақа икир-чикирларга эътибор бераётганим, эҳтимол, сизга ғалати туюлар... Аммо шуни унутмангки, ташқи дунё ҳақида ертўлада биз билган нарсалар айнан мана шунга ўхшаган икир-чикирлардан иборат... Мен телефон трубкасини кўтардим: «Алло! Миссис Кларк нонушта қилишни хоҳламадиларми?» дедим. «Миссис Кларк хонасида йўқ...» дейишди. Ишонинг, жаноб комиссар... Терговчи ишонмасди... Дарров кўнглимга келди: бирор фалокат бўлган-у...

— Нимани тахмин қилувдингиз?

— Очиғини айтсам, эри ҳақида ўйладим... изига тушган, деб шубҳаландим...

— Хатни кимдан бериб юборгандингиз?

— Югурдак боладан... У мени, ўз қўлига топширдим, деб ишонтирди... Аммо бу болалардан ҳар нарсани кутса бўлади... Уларнинг атрофида ҳам ҳар хил одамлар ўралашиб юради... Шуниси ҳам борки, Кларк хатни топиб олган бўлиши ҳам мумкин... Билмадим, биров сездими-йўқми, аммо ўша куни эрталаб мен ертўладаги ҳамма эшикларни очиб чиқдим... Эҳтимол, ҳеч ким сезмагандир. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, биров билан бировнинг иши йўқ... Кейин ечиниш хонасига кирдим.

— Саксон тўққизинчи шкафнинг эшиги ҳақиқатан ҳам очиқ эканми?

— Йўқ. Олдин ҳамма бўш шкафларнинг эшигини очиб кўрдим... Гапимга ишонармидингиз?.. Умуман, ким ишонади?.. Ҳеч ким. Шундайми, ахир? Шунинг учун ҳам тўғриси айтмадим... Кутдим... Мендан ҳеч ким гумон қилмаса керак, деб ўйладим... Лекин сиз ҳамма билан гаплашиб, фақат менга эътибор бермаётганингизни кўрганимдан кейин... Ҳеч қачон ўша кунгидай азоб чекмаганман... Сиз ертўлада айланиб юриб, мендан бир оғиз ҳам гап сўрамадингиз, ҳатто мен томонга қарамадингиз ҳам... Қўлим қимирларди-ю, лекин нима иш қилаётганимни билмасдим... Радиоприёмник пулини тўлашни ҳам унутибман... Қайтиб келиб тўладим... Кейин Булон ўрмонида орқамдан сиз етиб келдингиз... Ана ўшанда мени кўз остига олиб қўйганингизни тушундим. Эртасига эрталаб Шарлотта уйқудан уйғотиб: «Нима учун Мимини ўлдирганингизни менга айтмадингиз?» деб сўради. Шарлоттаки шубҳа қилгандан кейин... бу ёғи ўзингизга маълум...

Ҳовли чароғон бўлиб кетган эди, бироқ Мегрэ буни сезмасди ҳам. Кўприкдан автобуслар, таксилар, юк машиналари, озиқ-овқат дўконларининг фургонлари ўтиб турарди. Парижда яна ҳаёт қайнай бошлаганди.

Проспер Донж эса узоқ сукутдан кейин ички бир дард билан сўзини давом эттирди:

— Бола ҳатто французча гаплашолмайди ҳам... Суриштирдим... Сиз уни кўргани бормайсизми, жаноб комиссар? — Кейин бирдан хитоб қилди: — Ростини айтинг! Уни олиб кетишларига йўл қўймайсизми?!

Шу пайт телефон жиринглади.

— Аляо!.. Комиссар Мегрэми? Сизни бошлиқ ҳузурига чақиряпти...

Мегрэ оғир уҳ тортиб, хонадан чиқиб кетди. Рапорт бериладиган пайт эди. У жиноят қидирув полицияси бошлиғининг хонасида йигирма дақиқача бўлди.

Қайтиб келганида Донж бошини кўллари устига қўйганча стол ортида қимир этмай ўтирарди.

Мегрэнинг юраги шиғ этиб кетди. Шошиб келиб елкасига аста туртган эди, Донж секин бошини кўтарди, иккала кўзидан чўтир юзларига ёш қуйиларди.

— Ҳозир терговчи ўз хонасида сизни яна бир марта сўроқ қилади. Менга нима деган бўлсангиз, унга ҳам шу сўзларни тўла-тўқис айтишингиз керак...

Эшик олдида инспектор кутиб турарди.

— Мени кечиринг, бошқа иложи йўқ...

Мегрэ чўнтагидан қўл кишанини чиқариб, Донжнинг билакларига солди.

— Қоида шунақа! — деди у хўрсиниб.

Хонада бир ўзи қолгач, дераза ёнига келиб, уни ланг очиб юборди ва нам ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Ун дақиқалардан кейингина инспекторлар ўтирадиган хона эшигини очди.

Энди у анча тетик ва бардам кўринарди.

— Хўш, ишлар қалай, йигитлар? — дея мурожаат қилди у одатдагидай ўз ходимларига.

(Охири келгуси сонда)

## Қаҳрамон исёни

(Уртамиёна ёзувчининг ўз қаҳрамони билан  
ҳеч ким эшитмаган яширин сўхбати стенограммаси)

Ярим кеча. Ёзувчининг иш кабинети. Стол лампаси ёзув-чизув билан тўлдирилган ўнлаб саҳифаларни, ёзувчининг йўғон шарикли ручкасини ёритиб турибди. Креслога кифтини ташлаб, қўлларини қисирлатиб ўтирган ёзувчи эсига нимадир келгандек ручкага ёпишди ва пичирлаб ёза бошлади:

«Шунда у анҳордан бир сакраб ўтиб олди-да, майда қадамлар билан дадил юриб кетди. Бир оз юргач, рўпарасидаги йўлкада жуда йўғон дарахт кўндаланг бўлиб ётганига кўзи тушди. Унинг йўғонлиги филдек келар, танаси эса худди қари тимсоҳнинг терисига ўхшаб ғадир-будур бўлиб кетган эди (ёзувчи ўзи топган бу ўхшатишдан завқланиб, кулиб кўяди). Атрофда эса йўл йўқ, дарахтлар бир-бирига илондек чирмашиб ётарди. Унинг боши қотди. «Қандай қилиб ўтсин? Арралаб ташлай деса, ёлғиз. Бунинг устига арраси ҳам уйда қолган. Устидан ошиб ўтай деса ожизлик қилади. Остидан йўл очсинми? Бунга ҳам кучи етмайди. Нима қилса экан-а?!» Шу пайт бирдан тўсиқнинг шундайгина нариги томонида севгилиснинг сиймоси элас-элас кўриниб қолди. У йигитга муло-йим табассум билан кулиб боқар ва гўё бу билан «наҳотки шу ғов олдида ҳам эсанкираб қолсангиз» дегандек бўларди. Йигитнинг кўз ўнги қоронғилашди, у ўзининг қаерда — ердами, осмондами, сув остидами эканлигини бир лаҳза унутди. Фақат оёқлари она ер тафтини сезиб турарди, холос. О, она ер, яхшиям бахтимга сен бор экансан! Мен сендан...»

Шу пайт қаердандир, жуда яқиндан «Вой-дод! Бўлди! Етар!» деган фарёд эшитилди. Ёзувчи чўчиб ўзини орқага ташлади, ҳадиксираб уёқ буюққа кўз югуртирди. Ҳеч кимни кўрмади, бироқ овоз тобора кучаяр-ди:

— Тўйиб кетдим-ку! Ахир менга раҳмингиз келсин. Берган топшириқларингизнинг қайси бирини бажарай? Тутуригим қолмади-ку!

Ёзувчи атрофга аланглаб олиб, сўради:

— Кимсан? Қаердан гапиряпсан?

— Бу менман — қаҳрамонингиз!..

— Сенмисан, Маҳкам? Аҳволингни қара, таъвия! Мен сенга бекорга Маҳкам деб исм кўйдимми? Узингни маҳкам тут-е, ҳумпар!

— Ахир, бошимга не савдоларни солмаяпсиз? Тағинам анча маҳкам эканман, чидаб келяпман. Бошқаси бўлганда, албатта, бирор кор-ҳол бўларди.

— Ҳўш, кор-ҳол бўлса нима бўпти? Осмон

узалиб ерга тушармиди? Битта қаҳрамон ўлса, дунёда одам озайиб қоладими? Яна биттасини лойдан ясаб олавераман-да!

— Ҳалиям, айтсангиз-айтмасангиз, шунақа бўляпти. Мана, мени бош қаҳрамон қилиб олгансиз. Лекин шу вазифага яраша нима қилдим? Доим четда юрибман. Гоҳ тоғу тошда, гоҳ боғу чорвоқда, гоҳ ўрмонда, гоҳ хирмонда ивирсиб юрибман... Одамлар орасига қачон кираман, ахир?

— Сенга одамлар орасида пишириб кўйибдиими? Нима қиласан калламни ғовлатиб? У ерга борсанг, одамлар билан муносабат, диалог, конфликт, композиция ва ҳоказо деган мушкулотлар чиқади. Ҳозир эса, сен баҳона, мен табиат манзарасини тасвирляяпман. Маза қилиб юраверсанг-чи, нодон.

— Ҳўп, бунгаям майли. Лекин севгилим ўрмон ичида нима қилиб юрибди? Уни бу ерга ким олиб келди? Шу аҳволда унга кўринишга ор қиламан ахир?! Раҳмингиз келсин...

— Ҳой-ҳой! Сал оғзингга қараб гапир, Маҳкам! Сени ҳам, севгилингни ҳам аслида ўзим яратганман. Демак, қаерга олиб бориш, ким билан учраштириш, нима қилиш кераклигини ўзим белгилайман. Сен айтганимни индамай бажараверсанг-чи, маҳмадона!

— Йўқ, шу пайтгача чидаб келдим, энди тоқатим тоқ бўлди. Ахир бадий адабиётда характер мантиқи, воқеалар ривожига деган гаплар бор. Мен эса буткул ўз характеримга зид ишларни қиламан. Буни кўрган танқидчиларнинг таънаси бир менга эмас, сизга ҳам тегади.

Ёзувчи ўйланиб қолди. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб, қаҳрамонига қараб деди:

— Тўхта-тўхта! Нима деб валдираяпсан. Сенга яна қанақа ҳаракатлар мантиқи керак? Парво қилма. Танқидчилар ўзимнинг ошналарим. Буюғини сўрасанг, асаримнинг ҳали давоми бор. Иккинчи, учинчи ва ҳоказо китобларда ҳам қаҳрамонлигингча қоласан. Балким ўшанда сайқалланиб кетарсан.

— Войдод! Энди бу кўргилик ҳам бормиди? — деди қаҳрамон безиллаб. — Бундан кўра ўлганим минг марта яхши эмасми? Кимга ҳам керак менга ўхшаш чалажон, тус-сиз, ясама, юзаки қаҳрамон?

Энди ёзувчи қаҳрамонининг бу таънасига ортиқ чидолмади. Ғазаби қайнаб кетди.

— Ҳали шунақами? — деди у, қаламини столга уриб. — Сизнинг биздан кўнглингиз совидими? Қутулгингиз келиб қолдиими? Бу жуда осон. Хамирдан қил суғургандек қилиб

ҳозироқ ўлдириб қўя қоламан. Ҳаммаси ўз қўлимизда. Ҳе, ўргилдим, сендақа маҳмадона, бетгачопар қаҳрамондан. Кўрсатиб қўяман сенга маҳмадоналикнинг оқибати нима бўлишини.

Езувчи шариллатиб ёза бошлади. Езганларини овоз чиқариб айтиб борди:

«Шу пайт бирдан Маҳкам оёқларининг ости юмшаб бораётганини пайқади. Тепадан яна бир дарахт қулаб, гурсиллаб босиб тушди. У қовурғалари қисирлаб синаётганини эшитиб турар, аммо додлашга мажболи етмасди. У бардош билан умрининг сўнги дақиқ-

ларини кечирмоқда эди...» Мана, сен мендан, мен эса сендан кутулдим. Энди бошқасини танлайман-да, ёзавераман. Сендан бошқа қаҳрамон қуриб кетгандек, ноз-фироқ қилганингга куяйми?!

Езувчи саҳифани янгилаб ёзишда давом этди.

**Ҳошимжоннинг сеҳрли қалпоқчаси ёрдамида суҳбатни эшитиб, стенограмма тарзида кўчириб олувчи:**

**Йўлдош СОЛИЖОНОВ.**



Фотима бир кафт унни кучоқлаганча сирғана-сирғана уйига етиб келди.

\* \* \*

Столга тушган мушт зарбидан ер қаъри тарс ёрилиб, охири йўқ ғорлик сари шўнғиб кетди.


\* \* \*

Қора чарм қўлқоп кийган чап қўли ҳаракатсиз осилиб турарди.

\* \* \*

Қўшни пайкалда ғўзаларни пичирлатиб кўрак териш машинаси ўрмалайди.


**РАССОМ ХАНДАСИ**



Соавтор

Давид ВИКНЯНСКИЙ

расмлари



Ўрганган кўнгил...





Ягона оила.



Қардош

Қутлуғ БАШАРОВ  
ва Эркин ОХУНОВ чизган расмлар

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 11

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1985

Рассом Х. Лугфуллаев.

Техник редактор М. Аҳмедов.

Корректор М. Еқубова.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 26.08.85 й. Босишга рухсат этилди 21.10.85 й. Қоғоз формати  
70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Р-06090. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма  
листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 155934. Заказ 1720.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ  
орденли босмаҳонаси. Тошкент—П. Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1985.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.